ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

М.С.Имомназаров

ФОРС МУМТОЗ АДАБИЁТИ
(X-XV асрлар)

2-курс учун

ДАРСЛИК

Тошкент – 2020

Форс адабиёти (X-XV асрлар). ***М.Имомназаров. – Т., 2019.***

Ушбу китоб Тошкент давлат шарқшунослик институтида тайёрланди. Унда X-XV асрлар форс адабиёти ривожининг кисқача тарихи ёритилган. Олинган мавзу кўлами ниҳоятда кенг бўлганлиги сабабли фақат энг муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди. Мазкур дарслик бакалавриат 2-курс талабалари фойдаланиши учун ҳамда форс мумтоз адабиётига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
А.МАННОНОВ
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Аҳмаджон Қуронбеков, *филология фанлари доктори, профессор*
Эргаш Очилов, *филология фанлари номзоди, доцент*

Ушбу китоб Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2019

Ушбу китоб ибтидосида XX аср ўрталарида ҳаётга кириб келган бизнинг авлодни илк бор "форс мумтоз адабиёти" атамиш улуғ маънавият оламига олиб кирган ва унга сўнмас муҳаббат уйғотган азиз устозимиз – халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор Шоислом Шомуҳамедовнинг порлоқ хотирасини чуқур эҳтиром билан ёдга олиб ўтишни ўз шогирдлик бурчим деб билгайман.

Муаллиф

СЎЗ БОШИ

Форс мумтоз адабиёти шундай бир улуғ уммонки, унинг 5 асрлик ривожланиш тарихини бир дарслик ҳажмида мукаммал баён қилиш мутлақо имкондан ташқаридир. Биргина мисол сифатида ўтган аср таниқли эрон адабиётшуноси доктор Забиҳулло Сафонинг "*Тарихи адабиёт дар Эрон ва дар қаламрави забони порси"*(Эрон ва форс тили тарқалган диёрлардаги адабиёт тарихи)[1] кўпжилдли асарини кўздан кечирадиган бўлсак, IX-XVIII асрлар форс тилидаги адабиёт тарихини батафсил ёритиб бериш мақсадида ёзилган ушбу асарнинг 3 жилд, 4 китоби (жами 3309 саҳифа) IX-XV асрлар адабиётига бағишланган.

Тошкент давлат шарқшунослик институти Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедрасида тайёрланган ушбу дарслик ҳурматли устозимиз Шоислом Шомуҳамедов анъаналарини давом эттириб, Эрон ва ундан ташқари ҳудудларда 5 аср давомида форс тилида яратилган улуғ маънавий хазина билан бугунги авлод ёш талабаларини ҳадд-ул-имкон даражасида таништириш, хусусан, Тошкент давлат шарқшунослик институти 2-курс бакалавриат талабаларини тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти билан маълум даражада ошно қилиш мақсадида ёзилди. Китоб ҳажмини муайян даражада чегаралаш ҳамда устознинг 2011 йилда нашр этилган "Мумтоз форс адабиёти" ўқув қўлланмасини такрорламаслик мақсадида унда батафсил берилган баъзи мавзуларни такрорламасликка ҳаракат қилинди. Аммо дарслик талабларини ҳисобга олган ҳолда баъзи мавзуларни устоз китобидан фойдаланган ҳолда илова қилиш лозим кўрилди.

Китобдаги шеърий мисолларнинг ўзбекча таржимаси кўп ўринда бевосита устоз **Ш. Шомуҳамедов** асарларидан олинди. Иложи бўлмаган ҳолатларда муаллиф ўз мустақил таржималарини тақдим қилди. Бу таржималарда яна устознинг қуйидаги насиҳатларига амал қилиш ҳаракатида бўлинди: "*... сўзма-сўз таржима(да) ҳам шеърий асар насрий*

[1] Доктор Забиҳулло Сафо. Тарихи адабиёт дар Эрон ва дар қаламрави забони порси. Теҳрон, 1371 ҳ.ш. (1992 м.) – 12-нашр. (Сўзбоши 1953 йилда ёзилган.) 1-жилд. - 720 саҳ. 2-жилд. – 1128 саҳ 3-жилд. – 1461 саҳ (2 китоб), 4-жилд. – 634 саҳ 5-жилд. – 2012 саҳ (3 китоб).

асардан ажралиб турса, шу таржимада ҳам имкон борича шеърий оргиналнинг мазмунигина эмас, унинг кайфияти, кўтаринки поэтик руҳи, унинг назокат ва малоҳатини ҳам ифода этишга ҳаракат қилинса, натижасиз бўлмайди."[1] Яъни уларни том маънода бадиий таржима деб бўлмайди, асосан мазмунни мукаммал етказишга эътибор қаратилган.

Китоб охирида мавзуга оид имкон даражасида батафсил библиография берилди. Унда асосан Ўзбекистонда, қисман, қўшни Тожикистон ва Россияда форс адабиёти намояндалари ижодини ўрганишга доир амалга оширилган тадқиқот ва нашрлар билан талабаларни таништириш биринчи навбатдаги мақсад қилиб қўйилди. Шу билан бирга ҳозирги замон Эрон олимларининг тадқиқот ва нашрлари ҳам имкон даражасида инобатга олинди.

Дарслик давлат гранти асосида ёзилган монографик тадқиқот асосида тайёрланган бўлиб, ундаги баъзи ўринлар баҳсли бўлиши мумкин[2]. Шу сабабли дарслик бўйича келгусида мутахассислар томонидан билдирилиши мумкин бўлган ҳар қандай эътироз ва танқидий мулоҳазаларни муаллиф жиддий қабул қилиб, улар асосида келгуси нашрларни муайян даражада ислоҳ қилиб, такомиллаштириб боришни умид қилади. Дарсликнинг ҳозирги шаклга киришида катта ёрдамини аямаган ёш касбдошимиз - филология фанлари доктори Ойдин Турдиевага чуқур миннатдорчилигини изҳор қилиш муаллиф бурчидир.

Дарслик, биринчи навбатда, ТДШИнинг Эрон филологияси ва мумтоз филология мутахассислик гуруҳлари 2-курс бакалавриат талабаларига тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти сифатида 70 соат ҳажмида ўтишини ҳисобга олган ҳолда **17 дарсга** (34 соатлик маъруза ҳисобидан) бўлиб берилди. Янгича жиддий назарий муаммоларни тақозо қилмайдиган баъзи мавзулар, жумладан, "*Авесто*", Фирдавсий "*Шоҳнома*"си мазмунига оид, Хожу Кирмоний ва Убайд Зоконий ижоди, насрий асарларга оид фасллар талабаларнинг мустақил иши тақдимоти сифатида интерфаол услубда ўзлаштиришга мўлжалланган. Китобдаги дарснинг мақсади, таянч сўз ва иборалар, ҳар бир дарс охирида берилган мавзу юзасидан савол ва топшириқлар талабаларнинг муайян мавзуни ўзлаштиришда қайси жиҳатларига эътибор қаратиш кераклигини эслатиб туриш учун келтирилди.

---

[1] Шоислом Шомуҳамедов. Хазиналар жилоси. –Т., 1981. –С. 320.

[2] Жумладан, ҳозиргача инсоният тарихини даврлаштириш масаласида жаҳон илмида яхлит ва умумий бир тасаввур шаклланмаганлиги сабабли биз ушбу муаммога ҳам алоҳида эътибор қаратишга эҳтиёж сездик ва шу кунгача қатор китобларимизда олға сурилган ўзига хос қарашларимизни қисқача баён қилиб ўтишни лозим кўрдик. Албатта, ушбу қарашлар тизимини ("концепция"ни) тарихчилар иштирокида алоҳида кўриб чиқишга эҳтиёж бор.

МУҚАДДИМА

Форс тилида яратилган мумтоз эпик ва лирик шеърият ягона бир халқ намояндаларига мансуб эмас. Бу жаҳоншумул аҳамиятга молик бадиий мерос турли қардош ва қондош халқларнинг улуғ вакиллари томонидан барпо этилган ва бугунги кунда Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Тожикистон халқлари қатори бизнинг она юртимизда ҳам бу бебаҳо маънавий бойлик ўз салмоқли мавқеига эга. Уни ҳар томонлама ўрганиш, халқ мулкига айлантириш бизга устозлардан мерос вазифа ва масъулият бўлиб келмоқда.

Ўзига хос тарихий-маданий замон ва маконда шаклланган **X-XV асрлар форс мумтоз адабиётини** на Европа Ўрта асрлар адабиёти қолипида, на Европа Ренессанс адабиёти қолипида мукаммал изоҳлаб бўлмайди. Алоҳида фактларга мурожаат қилганда унга ҳам, бунга ҳам баъзи ўхшашликлар чиқиши мумкин, аммо ҳодисани яхлит идрок этмоқчи бўлсак, бу адабиёт ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун аввал уни дунёга келишига доялик қилган маънавий-маданий муҳитни тўғри англаб етмоғимиз керак бўлади.

Холис тан олиш керакки, нафақат ҳозирги замон Европа адабиётшунослиги, балки мумтоз Шарқ адабиётшунослигида ҳам ўз вақтида шаклий жиҳатларга эътибор етакчи ўрин тутганлиги сир эмас. X - XV асрлар мобайнида Марказий Осиёда яшаб ижод этган буюк аждодларимиз Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “*Мафотиҳ ал-улум*”(“Илмларнинг калитлари”) асарининг махсус боби, Абу Хафс ан-Насафийнинг “*Мажмаъ ул-улум матлаъ ун-нужум*” (“Илмларнинг жам бўлиши – юлдузларнинг чиқиши”) қомусий рисолалар тўпламига киритилган “*Мухтасар ал-аруз ала усул ал-маъруз*”, Абул Ҳасан Наср ал-Марғилонийнинг “*Маҳосин ал-калом*”, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “*Ал-қустос фил аруз*”, Юсуф ас-Саккокийнинг “*Мифтоҳ ул-улум*” каби араб тилида, хоразмлик аллома Рашидиддин Ватвотнинг “*Ҳадойиқ ас-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър”,* Шамс Қайс ар-Розийнинг “*Ал-мўъжам фи маойир ашъор ал-ажам*” каби форс тилида, Аҳмад Тарозийнинг “*Фунун ал-балоға*” каби туркий тилда яратилган асарлари, Навоий ва Бобурнинг арузга оид рисолалари ҳам ҳам шу мавзуга, яъни адабиётнинг шаклий жиҳатлари тадқиқига бағишланган. Бадиий адабиётни ўрганишда унинг шаклий жиҳатларига бу қадар аҳамият берилиши бежиз эмас. Чунки уларсиз бадиий асарнинг ўзи бўлмайди. Бироқ адабий асар ўта мураккаб ички структурага эга бўлиб, уни ўрганишда бу хусусиятини албатта ҳисобга олиш лозим.

Санъатнинг барча турлари, жумладан, бадиий адабиёт ҳам, ҳар бир халқ миллий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, **бадиий тафаккур** ҳосиласидир**. Бадиий тафаккур**ни эса ўз навбатида ҳаёт моҳиятини англаб етишнинг **мустақил йўли** сифатида баҳолаб, моҳиятан **тахайюл**

ўйинлари[1] воситасида **Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга** уриниш, дея таърифлаш мумкин**.** Аммо агар санъат фақат ўйиндан иборат десак, тўғри бўлмайди. Агар илм инсон онги ва тафаккурига таъсир қиладиган бўлса, чинакам санъат асари биринчи навбатда, **томошабин ёки китобхоннинг туйғуларига таъсир ўтказади, унинг туйғуларини поклашга, тарбиялашга хизмат қилади**. Демак, адабиёт ва санъат биринчи навбатда **инсон туйғуларининг тарбиячисидир**. Агар шу асосий вазифани уддаламаса, бундай асарни ҳақиқий бадиий адабиёт намунаси деб бўлмайди.

Мумтоз адабиётнинг мумтозлиги шундаки, ҳақиқий адиб ва шоир бекорчиликдан, ё ўзини кўрсатиш учун, ё бирор таъма илинжида ижод қилмайди. У ҳаёт ҳақида, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси ҳақида, Борлиқ ҳақиқати ва моҳияти ҳақида жиддий фикр юритади. Бу хусусияти билан у файласуфга ўхшаб кетади, аммо файласуф ўз саволларига мантиқий тафаккур орқали жавоб изласа, адабиёт ва санъат аҳли бадиий тафаккурга мурожаат қилади. Шу йўл билан инсонлар қалбига таъсир ўтказишга интилади. Форс мумтоз адабиётида бу муаммо илк давр-лардан ижод аҳли диққатини тортган бўлиб, замонлар оша унга ёндошув борган сари теранлашиб борган. Минтақа адабиётида **шоирнинг маънавий рисолати** масаласига академик Е.Э.Бертельс махсус тўхталиб ўтган. Низомийнинг "*Махзан ул-асрор*" достони мазмунини таҳлил қилишдан олдин олим Шарқда тарқалган бир ривоятни келтиради. Унга кўра Муҳаммад (сав) меърожга чиқиш пайтида Аллоҳ таоло аршига етиш олдидан бир бинога дуч келади. Бино эшиги қулф эди. Пайғамбар (сав) саволига жавоб бериб, ҳазрати Жабраил айтадики: "*Бу бино Аллоҳнинг сирлар хазинасидир, унинг қулфи эса умматларингдан етишган шоирлар тилидан очилади."* Бу ривоят аслида қуйидаги ҳадиснинг шарҳидир: "*Ва-ллоҳу тахт ал-ъарши канзун мафотиҳуҳа алсинату-ш-шуаро"* ("Ва Аллоҳ арши остида бир хазина бор, унинг калити шоирларнинг тилларидир.")[2] Низомийнинг биринчи достони номида айни шу ҳадисга ишора бор. Достон матни давомида бу ғоя яна махсус таъкидланади[3]. Шундай қилиб, **шеърият Борлиқ ҳақиқатини** ("*илоҳий сирларни*"[4]) **англаб етишнинг мустақил йўли** эканлиги форс тилидаги мумтоз шеъриятда XII асрдаёқ аниқ ифодалаб берилган эди. Ҳар бир инсоннинг **Борлиқ ҳақиқатига муносабати** эса **маънавият** соҳасига оиддир.

---

[1] "**Имагинация**" (русча "*воображение*", Форобий ва Ибн Синолар фалсафасида "*тахайюл*") асотир тафаккур, фалсафий ва бадиий тафаккурнинг Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва ифодалашдаги асосий воситаси. эканлиги Я. Голосовкернинг "Логика мифа" асарида ишонарли исбот қилиб берилган.

[2] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. –М.: Изд. восточной лит. 1962. –С. 184.

[3] Низомий Ганжавий. Куллиёт. Жилд 5. –Душанбе: "Ирфон", 1984. –С. 285-286.

[4] Алишер Навоий шундай ("*асрори илоҳий*" деб) номлайди. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. –Т.: «Фан», 1998, –С.24.

X-XV асрлар форс мумтоз шеъриятининг буюк намояндалари ижодини жиддий ўрганмай туриб, миллий маънавиятимизнинг сарчашмалари ва шаклланиш манбалари хусусида атрофлича билимга эга бўлишимиз қийин. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг адабиёт ҳақидаги, хусусан, X-XV асрлар форс мумтоз адабиётининг буюк намояндалари ҳақидаги назарий қарашларини яхши англаб етмай туриб, бу адабий ҳодисанинг моҳияти ҳақида ҳам жиддий хулосалар ҳосил қилиш амалда имкондан ташқари эканлиги бу соҳадаги Шарқ ва Ғарб олимларининг шу кунгача дунё юзини кўрган тадқиқотлари натижаларидан маълум бўлиб турипти. Аммо Навоийнинг бу борадаги назарий қарашларини тўғри тушунишнинг ўзи масалага янада кенгроқ ва теранроқ назар ташлашни тақозо этади.

Қадим юнон тилида **“методос”** нима маънони билдирса, IX- XV асрлар ислом минтақа маданиятининг илмий атамалар тили бўлмиш араб тилида **“тариқ”** сўзи ҳам худди шу маънони, яъни **“йўл”, “Борлиқни англаб етиш ва акс эттиришнинг ўзига хос йўли”** маъносини англатар эди. **Алишер Навоий** ушбу атамадан ижодий фойдаланиб, ислом минтақа адабиётида **“ҳақиқат тариқи”** ва **“мажоз тариқи”** деб аталмиш икки **адабий йўналиш ва бадиий ижод тариқи** мавжудлигини кашф этди ва уларнинг ҳар бирини қисқача **таърифлаб**, XII-XV асрларда яшаб форсий ва туркий тилларда ижод этган **улуғ шоирларнинг қайси бири қайси йўналишга мансуб эканлигини** аниқ кўрсатиб берди. Шундай қилиб, **бадиий ижодга Борлиқ моҳиятини идрок этиш ва ижодий акслантиришнинг алоҳида бир йўналиши сифатида онгли ёндошув** ислом минтақасида Европадан бирнеча аср илгари мукаммал шаклланди[1].

Алишер Навоийнинг **“Маҳбуб ул-қулуб”** рисоласидаги ушбу масалага оид назарий мулоҳазаларга ўз ўрнида батафсил тўхтаб ўтилади.

[1] Афсуски, XX асрда Алишер Навоий ижодини ўрганиш масаласида улкан ютуқларни қўлга киритган аллома навоийшуносларимиз шўролар даври мафкуравий қолиплари доирасидан чиқиш имкониятларидан маҳрум қилинганликлари туфайли ушбу масалага етарли эътибор ажрата олмадилар.

1-боб.
Исломгача эроний тиллардаги адабиёт ва унинг ўзига хос жиҳатлари

БИРИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *Адабиёт тарихи инсониятнинг маънавий камолоти билан бевосита боғлиқ эканлиги, Исломгача Эрон ва Турон халқлари тарихи ва бу даврда яратилган муштарак адабий меросни даврлаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги, ибтидоий жамоа даври асотирлари ва «Авесто» китоби ҳақида дастлабки маълумотларни талабаларга етказиш.*

Таянч сўз ва иборалар: *Адабиёт тарихи, инсониятнинг маънавий камолоти, Исломгача Эрон ва Турон халқлари яратган адабий мерос, ибтидоий жамоа даври асотирлари, Жамшид ("Йима ваҳшита"), илк шаҳар жамоаси, «Авесто» китоби, "Маздаясна" эътиқоди, Заратуштра «Гоҳ»лари, Ахура Мазда, «Вендидад» (ёки «Видевдат»), «Ясна» китоби, Мэри Бойс, «эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» бирлиги, илм ва имон уйғунлиги.*

1. Адабиёт тарихи ва маънавий камолот

Инсониятнинг маънавий камолоти унинг бутун тарихий тараққиёти давомида, даставвал қабила ва элатлар миқёсида, кейинроқ муайян минтақалар доирасида юз берган бўлса, охирги 150-200 йилга келиб ахборот оқимларининг ўзаро алмашуви тезлаша борган сари энди умумжаҳоний муаммога айланмоқда. Албатта, жаҳонда турли минтақалар аро ахборот алмашинуви ҳарқанча тезлашгани билан ҳарбир миллатнинг ўзига хос маънавий қиёфалари буткул йўқолиб кетаётгани йўқ, қайтага баъзан уларга онгли эътибор кучайиб бормоқда.

Ҳарбир халқнинг маънавий камолоти баъзан шиддат билан юксалиб борса, баъзан маълум даражада таназзулга юз тутиши, унда баъзан асрлар кунларга, ва аксинча, кунлар асрларга тенг бўлиши мумкин. Маънавий такомил жараёнининг ўзига хослиги шундаки, агар тарих ҳодисалари, шахслар, воқеалар ўткинчи бўлса, моддий маданият унсурлари вақт ўтиши билан емирилса, аксинча маънавият юксалиб, бойиб, тобора кенгроқ кўлам ва теранроқ мазмун касб этиб бораверади. Миллатнинг аксарияти маънавий таназзулга юз тутган фожеий шароитларда ҳам миллий маънавият йўқолмайди, кўлам ва мазмунда ўзи етишган камолот босқичини йўқотмайди. Бунда миллий тил ва бадиий адабиётнинг ҳам хизмати жуда катта эканлигини назарда тутиш керак.

Мусулмон минтақа маданияти доирасига кирувчи халқларнинг маънавий камолот жараёнини даврлаштирмоқчи бўлсак, ушбу ***уч асосий давр***ни алоҳида ажратиб қараш мақбул кўринади:

1. Исломгача турли миллатлар маънавиятининг шаклланиши **(***энг қадимги даврлардан – VII ёки VIII аср бошларигача).*

2. Мусулмон минтақа маданияти[1] доирасида турли миллатлар маънавиятининг такомили *(VIII - XV асрлар).*

3. Янги давр жаҳон маданияти миқёсида миллий маънавиятлар аҳволи *(XVI - XX асрлар)*

Бу даврлар маълум даражада неча минг йиллик жаҳон тарихи ривожининг уч йирик даври - **Қадимги дунё, Ўрта асрлар, Янги давр**га нисбатан мувофиқ келади. Фақат асосан Европа олимлари ишлаб чиққан жаҳон тарихига оид китобларда V-VIII юзйилликлар **илк Ўрта асрлар**га тааллуқли ҳисобланса, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида **илк Ўрта асрлар** маънавий такомил жараёни нуқтаи назаридан кўпроқ **Қадимги дунё маънавияти**га туташиб кетади[2]. Аслида археологларнинг даврлаштириш принципига кўра ҳам ***тош асри, бронза асри, темир асри*** уч босқичдан иборат яхлит бир тарихий-маданий қатламни ташкил қилади дейиш мумкин. Жаҳон адабиёти тарихини ҳам энг умумий ёндошувда уч тарихий қатламга мос равишда уч йирик даврга ажратиш мумкин: **Қадимги давр адабиёти, Ўрта асрлар адабиёти, Янги давр адабиёти.** Аммо ҳар бир маданий минтақа адабиётини ўрганганда бу умумий ёндошувга конкрет ўзгартиришлар киритиш лозим бўладики, кўп томли "***Жаҳон адабиёти тарихи***" («История всемирной литературы») мундарижаси бунинг яққол далилидир. Ушбу умумий даврлаштиришда **форс мумтоз шеъриятининг ривожи** тарихан **Ўрта асрлар даври**га, аниқроғи, **X - XV асрлар**га мос келади[3]. Ушбу китоб мундарижаси ҳам шу давр билан, яъни **мусулмон**

---

[1] Шу кунгача биз нашр эттирган китобларда бу даврни "***Ислом минтақа маданияти"*** деб атаб келган эдик, аммо "***ислом***" ва "***мусулмончилик***" тушунчаларининг ўзаро фарқланишини назарда тутиб, VIII - XV асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёни қамраб олувчи **ягона тарихий-маданий минтақа**ни шундай аташни мақбул кўрдик. Бундай атаманинг моҳияти тадқиқот матни давомида равшанлашиб боради деб умид қиламиз.

[2] Жаҳон тарихини даврлаштиришда марксистлар танлаган синфий кураш назарияси ўзини оқламаслиги бугунги кунда равшан бўлиб қолди. Аслида инсоният тарихий тараққиётини даврлаштириш турли даврларда турли омилларга боғлиқ бўлиб, Қадимги давр учун етакчи омил ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашуви, Ўрта асрлар учун диний-мафкуравий, Янги давр учун илмий-техникавий ва сиёсий-ижтимоий омиллар ҳал қилувчи ўрин тутиб келганлигини эътироф этишга тўғри келмоқда. Шу жиҳатни назарга оладиган бўлсак, жаҳоннинг турли минтақаларида Қадимги дунёдан Ўрта асрларга ўтиш жараёни турли тарихий (*хронологик*) муддатларда юз берганлигини тан олишга мажбур бўламиз. Европа минтақаси учун бу тарихий ҳодиса христиан дини давлат динига айланиши билан (IV-V асрлар) боғлиқ бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё учун мусулмон минтақа маданиятининг шаклланиши билан, яъни VIII-IX асрларга тўғри келади.

[3] А.Н.Ардашникова ва М.Л.Рейснер яратган дарсликда IX-XVII асрлар қамраб олинган. Дарҳақиқат, Соиб Табризий ва Мирза Абдуқодир Бедиллар ижоди Ўрта асрлар форс

минтақа маданияти доирасида форс тилида яратилган адабиёт билан чекланади. Аммо асосий мавзуни тўғри идрок этиш учун ушбу бобда иҳчам бир тарзда **Қадимги давр адабиёти** ва унинг ривожи ҳақида ҳам тасаввур бериб ўтиш лозим кўрилди.

2. Исломгача Эрон ва Турон халқлари яратган адабий меросни даврлаштириш масалалари

Исломгача бутун башарият, жумладан, мусулмон минтақаси халқлари жуда узоқ тарихий жараённи бошдан кечирдилар, буюк маънавий камолот йўлини босиб ўтдилар. Аждодларимиз аввало табиат билан муносабатда маълум уруғ, қабила жамоаси таркибида ўзлигини англаб етган бўлсалар, замонлар ўтиши билан аста-секин минтақа миқёсига чиқдилар. Бу жараённинг қандай кечганлиги ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун гапни бизга энг яқин адабий тимсолларга мурожаат қилишдан бошлайлик:

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони биринчи қисмида Чин хоқонининг ўғли Фарҳод тилсимланган сандиқ сирини билиш қасдида Юнон юртига сафарга чиқади. Бу йўлда у аввал даҳшатли аждаҳони, сўнг зардуштий динидаги ёвузлик руҳи Ахриманни ва ниҳоят темиртанли тилсимни енгиб ўтиб, донишманд Суқрот суҳбатига етишади. Суқрот энг баланд тоғ бағридаги ғордан жой олган эди. Навоий шуларни алоҳида таъкидлаб дейди:

*Бу **уч манзил**дан ўткарганга маҳмил*
Дейилган тоғ эрур тўртинчи манзил.[1]

Демак, Фарҳод Суқротга етишгунча **уч манзил**ни босиб ўтганлиги маълум бўлмоқда. Навоийнинг мажозий тасвирида **биринчи манзилдаги аждаҳони** - ибтидоий тош асри маънавиятида инсон табиатидаги ёввойилик тимсоли**, иккинчи манзилдаги Ахриманни** - бронза даври «Авесто» маданиятидаги асотир тафаккурга хос хурофотлар тимсоли, **учинчи манзилдаги темир одамни** - ўз номи билан **темир даври** - ҳарбий демократияга асосланган улкан империялар даврида олиб борилган аёвсиз қирғин урушлар ва шафқатсизлик тимсоли деб талқин қилсак, **Фарҳоднинг Юнонга сафари** тимсолида биз минтақа халқларининг исломгача неча минг йиллик маънавий камолот йўлини – уларнинг ўз ички душманлари - **ёввойилик, хурофот, шафқатсизлик** хислатларини бир-

---

мумтоз шеърияти доирасидан ташқари эмас, аммо биз турли сабабларга кўра бу ижодкорлар яшаган даврга дахл қилишни лозим топмадик.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 8-жилд. Т.-«Фан»- 1991, с. 125

бир енгиб ўтиб, маънавий камолот босқичларидан **донишмандлик** сари кўтарилиб борганлигини кўришимиз мумкин. Булар - бадиий адабиётдаги мажозий тимсоллар талқини. Аммо воқе ҳаётда ҳам минтақа халқларининг **маънавий такомили** деярли шундай изчилликда ривож олади деб тасаввур қилсак, ҳақиқатдан узоқ бўлмайди.

Ислом минтақа маданиятининг буюк назариётчиларидан, XIV асрнинг йирик файласуф-тарихчиси ва сиёсатшуноси, Амир Темурга замондош ва суҳбатдош бўлган **Ибн Халдун** (1332-1406) ўзининг тарих илмига бағишланган "*Муқаддима*" асарида инсон жамоалари тараққиётини икки катта босқичга ажратади. Улардан биринчиси - **ибтидоий жамоа**, яъни уруғ ва қабила жамоаси бўлиб, бунда инсонларнинг бир жамоага уюшуви қон-қардошлик муносабатларига асосланган бўлади. Бу даврда аксарият инсонлар ўзлигини фақат ўз жамоаси, нари борса, қабила ва элати миқёсида англаб етган. Маънавий камолотнинг юқорироқ босқичига кўтарилган инсонлар учун хос бўлган жамоани аллома "***шаҳар жамоаси***" деб атаган[1]. Асли бу тушунча фақат "*шаҳар*" эмас, "*давлат*" маъносини ҳам билдирган. Юнонларнинг "*полис*" сўзи бугун биз тушунган "*шаҳар*"ни эмас, Афина, Спарта каби шаҳар-давлатларни англатганлигини дунё тарихидан биламиз. Инсонлар жамиятида илк давлатнинг пайдо бўлиши асл ибтидода шаҳарлар шаклланиши билан боғлиқ. Агар ибтидоий жамоа одамлари энг оддий тош қуроллари воситаси билан тирикчилик ўтказишга уринган бўлсалар, илк шаҳар жамоаларининг шаклланиши металл эритишнинг йўлга қўйилиши билан боғлиқ. Илк шаҳар-давлатларда **бронза қуроллар** кенг миқёсда қўлланилгани археологларнинг тадқиқотлари ва энг қадимги ёзма манбалардан маълум. Дарвоқе, ёзувга эҳтиёж ҳам **илк шаҳар-давлатлар**да пайдо бўлган. Инсоният темир қуроллардан фойдаланишни ўргангач, **буюк салтанатлар даври** бошланади. Чунки баъзи шаҳар-давлатларда муайян сабабларга кўра металл эритиш технологияси ривожланиб, ўзгалардан олдинроқ темир ва пўлатдан жанг қуроллари ишлаб чиқилгач, иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий қудрат касб этган элатлар теварак-атрофдаги ўлкаларни забт этишга киришган ва бора-бора турли ўлкалар ва халқларни зўрлик билан бирлаштирган йирик **империя**лар ташкил топа бошлаган. Қуйида исломгача минтақа маънавияти ривожидаги асосий босқичлар ва уларда эроний тилларда яратилган асосий адабий манбалар ҳақида жадвал келтирамиз:

[1] Бу тушунча аввал Форобийда учрайди. Қаранг: "Фозил шаҳар жамоаси одамларининг қарашлари".

1-жадвал.

ИСЛОМГАЧА МИНТАҚА МАЪНАВИЯТИНИНГ РИВОЖИ ВА ЭРОНИЙ ТИЛЛАРДАГИ АДАБИЙ МАНБАЛАР

Босқичлар	Тарихий давр	Адабий манбалар
1-босқич - **Илк маънавият унсурларининг шаклланиши**	Ибтидоий жамоа даври (*тош асри*) Энг қадимги даврлардан милоддан аввалги 3 – мингйилликгача	**Жамшид ҳақидаги асотир** ва бошқа баъзи асотирлар (“*Авесто*” таркибида)
2-босқич – **Илк шаҳар жамоаси маънавияти**	Шаҳар-давлатлар даври (*бронза асри*) Милоддан аввалги 3-2 мингйилликлардан – 1-мингйиллик ўрталаригача	**“*Авесто*”** китоби ва “***Маздаясна***” эътиқоди
3-босқич – **Миллат ва миллий давлатчилик ғояларининг шаклланиши**	Буюк салтанатлар (империялар) даври (*темир асри*) Милоддан аввалги 1-мингйиллик ўрталаридан милодий 9-асргача	*“Зенд-Авеста”, Денкарт”, “Бундахишн”, “Карнамак Артахшер Папакан”, “Худойнамаклар”, “Арта Вираф-намак”, “Ядгари Зареран”, “Драхти асурик”, “Меноги храд”, Пандномалар”*, монийликка оид асарлар ва ҳ.к.

Энди ушбу 3 тарихий даврда минтақада яратилган адабий ёдгорликларга қисқача тўхталиб ўтамиз:

3. Ибтидоий жамоа даври асотирлари

Алишер Навоийнинг қаҳрамони Аждаҳо (“*Ажи Даҳака”*)ни енгиб ўтган **биринчи манзил** ёки «Авесто»га кўра **Жамшид даври** шартли равишда аждодларимиз маънавий камолотининг биринчи босқичи - **тош асри** ёхуд **ибтидоий жамоа даврига** ишора, деб қабул қилиш жоиздир. Бу даврда инсон турли тош қуроллар ясаш ва улардан фойдаланишни ўрганди, камон ва ўқ ёй, ибтидоий сопол идишлар кашф этилди, ибтидоий

чорвадорлик ва деҳқончилик шаклланди, илк уй ҳайвонлари ва маданий ўсимликлар пайдо бўла бошлади. Бу даврда **аждодларимиз руҳида инсон ҳаёти учун муҳим бўлган Она табиатга меҳр, ер, сув, оловни эъзозлаш, яратувчилик меҳнатини улуғлаш каби маънавий фазилатлар пайдо бўлди**. Улар аста-секин **табиат ва инсон аро уйғунлик мавжудлигини ҳис эта бошлашди, меҳнат завқини туйишди.**

Албатта, бу даврда ҳануз ёзув ихтиро қилинмаган, шу сабабли ёзма манбалар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Умуман, ибтидоий жамоа одамлари ижтимоий ҳаётнинг иқтисод, сиёсат, маънавият каби турли соҳаларини бир-биридан ажралмаган ҳолда тасаввур этганлар. Бу даврда иқтисодий эҳтиёжлар, ҳуқуқ ва ахлоқ, дин ва санъат бир-биридан алоҳида, мустақил ҳолда тасаввур этилган эмас. Шу сабабли бизнинг бу давр маънавияти ҳақидаги мулоҳазаларимиз ҳам қадимшуносларнинг турли ашёвий топилмалари, ҳамда кейинги давр манбаларида, жумладан «Авесто» китобида ўз аксини топган маълумотларга таянади.

Биринчи мисол: «Авесто»нинг бизгача сақланиб етиб келган тўрт қисмидан бири «Вендидад» китобининг **учинчи боби** деҳқончилик, хонаки чорвадорлик, оила, покиза ҳаёт, оловни улуғлашга бағишланган. Бу боб Ахура Маздага саволлар ва унинг жавоблари асосига қурилган.

Жумладан, Зардушт шундай савол беради:

- Эй,моддий оламнинг яратувчиси! Ер юзида қайси ўлка сенга энг мақбулдир?

Ахура Мазданинг жавоби:

- Қаерда тақводор инсон ўзига оила қурса, унда олов ва сут, аёл ва фарзандлар, чорва бўлса, ўша ўлка мақбулдир, бундай ўлкада чорва ҳам мўл, аёл ва фарзандлар ҳам мўл, олов ва турли неъматлар ҳам, озуқа ва итлар ҳам мўл, тақводорлик ҳам ортиқдир...

Эй, Зардушт Спитама! Қаерда ғалла, ўт-ўланлар, емиш учун турли сабзавот ва мевалар кўп етиштирилса, қўриқ ерлар суғорилиб, ботқоқликлар қуритилса, қўй ва моллар кўп боқилса, улар гўнги ерга (тупроққа) солинса, ўша ўлка энг мақбул ўлкадир. Кимки бу ерга, эй, Зардушт Спитама, ўнг ва чап қўли билан ишлов берса, ўша, дарҳақиқат барака топади.

Севгувчи эр ўз маҳбубаси-аёлини юмшоқ ўринда қандай эркалаб, унга ўғил ё бошқа фарзанд бахш этса, деҳқоннинг ерга ишлов бериши ҳам шунга ўхшашдир.

Шунда ер унга айтади:

- Эй, инсон, сен мени ўнг қўлинг ва чап қўлинг билан парвариш этсанг, чап қўлинг ва ўнг қўлинг билан ишлов берсанг, мен сенга мўл ҳосил ва турли неъматлар етказиб бераман.

Ким агар бу ерга ишлов бермаса, эй, Зардушт Спитама, агар ўнг қўли ва чап қўли билан ерни парвариш этмаса, ер унга айтади:

- Эй, инсон, сен менга парвариш бермас экансан, билки, абадул-абад ўзгалар эшиги олдида сарғайиб, тиланиб турувчилар қаторида бўласан, сенинг олдингдан эртаю кеч турли таомларни олиб ўтишади (сен эса қараб қола берасан)...

Ким ғалла экса, у тақводорлик уруғини экади, ғаллани ўриб янчишга тайёрлашганда, девларни тер босади, тегирмонни ун тортишга ҳозирлашганда, девлар тоқати тоқ бўлади, ундан хамир қоришга киришганларида, девлар зор қақшаб фарёд чекишади, хамирдан кулча ясаб, тандирга ёпишганда, девлар даҳшатдан уввос тортишади».

Иккинчи мисол: Яна «Вендидад» китобининг **иккинчи** бобида **Жамшид** (асли Йима вахишта - гўзал Йима) **ҳақидаги асотир** (миф) баён қилинади. Ушбу асотир мазмуни қуйидагича:

Бутун оламлар парвардигоридан Зардуштга пайғамбарлик рутбаси иноят бўлгач, у тангрига мурожаат қилиб сўрайди:

«Эй, бутун дунёнинг яратувчиси, муқаддас зот Ахура Мазда (Олий билимлар эгаси)! Сен мендан илгари инсонлардан қай бири билан суҳбат қилгансан, кимга илк бор Ахура Мазданинг муқаддас динидан таълим бергансан!»

Олий билимлар эгаси бўлмиш ягона тангри унга шундай жавоб қилади:

*«Эй, Ҳақ бандаси Зардушт! Сендан илгари мен илк бор инсонлардан Йима (Жамшид)га, чорва ва йилқи подалари эгаси ўшал гўзал инсонга хабар йўлладим. Мен унга: «Эй, Вивахванта ўғли гўзал Йима! Сен менинг динимни ўрганиб, уни ҳимоя этишга тайёргарлик кўргин», дедим. Аммо, эй, Зардушт, ул гўзал Йима шундай жавоб қилди:»Мен бундай вазифа учун яратилмаган бўлсам, ўқимаган бўлсам, мен дин-эътиқодни чуқур ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга қодир эмасман». Шунда, эй, Зардушт, Мен - Ахура Мазда - унга буюрдим: «Агар сен, эй, Йима, менинг динимни ўзлаштириш ва ҳимоя қилишга тайёр бўлмасанг, унда мен яратган дунёни обод қил, кенгайтир. Сен ушбу ер юзини ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга ва бошқариб туришга масъул бўл!» Ва, эй, Зардушт, ул гўзал Йима менга жавоб қилди: «Мен сен яратган дунёни обод қиламан, уни кенгайтираман, уни ҳимоя қилишга, эҳтиётлашга, бошқариб боришга мен тайёрман.»*1

Шундан сўнг 900 йил давомида Йима (Жамшид) ер юзини обод қилиб, турли ҳунарларни жорий қилади. Бой моддий маданият бунёд этилади. Аммо (Фирдавсий талқинига кўра) умрининг охирида Жамшид эришилган ютуқлардан ғурурланиб кетиб, кибрга берилади. Ўзини «яратувчи» эълон қилиб, бутун халқдан ўзига сажда қилиш, сиғинишни талаб қила бошлайди. Шунгача, ривоят қилишларича, ўлим ҳам, касаллик ҳам, совуқ ҳам, очлик ҳам бўлмаган экан. Жамшид ўзини «худо» деб эълон

1 Брагинский И. С. Из истории таджикской и персидской литератур. М.-«Наука»-1972, с. 50-51.

қилгач, ер юзига ўлат тарқайди, очлик ва қаҳратон совуқ бошланади. Ва охир-натижада даҳшатли ёвуз куч - ***Ажи Даҳака*** (Фирдавсий “Шоҳнома”сига кўра **Заҳҳок)** юртга бостириб кириб, ўз ҳукмронлигини ўрнатади ва минг йил эл-юрт зулм ва зулмат ичида қолади.

Бизнинг назаримизда, ушбу **асотир**[1] якунидаги фожиада *тош даври* маънавиятидаги ноқисликка, янги маънавий босқичга ўтиш эҳтиёжидан туғилган инсон онгидаги бўҳронга ишора бордир. Инсонни бу бўҳрондан қутқариш учун эса илоҳий ваҳий лозим бўлган, яъни ибтидоий одам шуурини илк бор илоҳий нур ёритган.

4. «Авесто» китоби ва «Мазда ясна» эътиқоди[2]

«***Авесто***»да тош асри маънавияти унсурлари акс этганини кўрдик. Аммо бу китобда улар **асотир** кўринишида акс этган ўтмиш хотиралари, холос. «Авесто» маънавиятининг асл моҳияти уларда эмас. «***Авесто***» китобида қадим аждодларнинг неча минг йиллик маданий мероси ўз аксини топган. Аммо унинг яхлит тизимга уюшуви, бизгача етиб келган асос моҳияти Зардушт (асли китобда “*Заратуштра*”) номи билан боғлиқ. Зардушт «гоҳ»лари неча минг йиллар давомида уни табаррук тутган инсонлар томонидан илоҳий ваҳий, деб тан олиб келинди.

«*Авесто*»[3] китобининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритишдан аввал бу қадим манба қайси замон ва қайси маконга тегишли деган саволга жавоб қидириб кўрайлик.

Зардушт «***Гоҳ***» ларидан бирида башарият тарихи **уч давр**га бўлинади: **1-давр** - ибтидоий тузум бўлиб, ер юзида эзгулик ҳукм сурган, инсонлар гуноҳ нима билмаганлар. Аммо Вивахвант ўғли шоҳ Йима (Жамшид) «одамларнинг кўнглини олмоқ учун» уларга гўшт ейишни ўргатган. Шундан сўнг **2-давр** - эзгулик ва ёвузлик аро аёвсиз кураш даври бошланган. **3- давр** - келажак бўлиб, эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонгач бошланади.

Қадим юнон тарихчиси Плутарх Заратуштра Троя урушидан 6 минг йил илгари туғилган деб ҳисоблаган. Агар Троя уруши милодий эрадан 1200 йил илгари юз берганини назарда тутсак, бу гапга кўра Зардушт яшаган давр бугунги кундан 9 минг йил олдин бўлиб чиқади. Аристотель

---

[1] **Асотир** нима деган саволга кейинроқ мукаммал жавоб берилади.

[2] Ушбу матнни яратишда тарих фанлари доктори, профессор **М.Исҳоқов** ва фалсафа фанлари номзоди, доцент **М.Қодиров** материалларидан фойдаланилди. “*Авесто*” ҳақида охирги йилларда кўп асарлар ёзилди. Шунга қарамай биз талабаларга енгиллик туғдириш мақсадида ушбу мавзуни **ўз талқинимизда** кенгроқ ёритишни маъқбул топдик.

[3] Китобнинг асли номи «Апастак» бўлиб, парфиёна тилида «матн», ёки бошқа талқинларга кўра «тайин этилган», «муқаррар қилинган» «ўрнатилган» маъноларини билдиради.

Зардушт вафотини Платон (мил. авв. 428-348 й.) вафотидан 6 минг йил илгари бўлган деб кўрсатади. Гермодор ва Гермини **Зороастр** (юнонча талаффуз) Троя урушидан 5 минг йил илгари яшаган, деб ҳисоблайдилар. Зардуштийлик дини ва унинг тарихини жиддий ўрганган олим **Мэри Бойс** бу диннинг шаклланиш даврини **милодий эрадан илгариги XIV-XII асрларга тааллуқли** деб топади. Яқингача ҳам бир қатор олимлар Зардушт пайғамбарлик эълон қилган даврни **милодий эрадан олдинги VII асрга** оид деб келдилар. Аммо 2001 йилда инглиз тилида нашр этилган "***Зороастризм***" китобининг муаллифи **Питер Кларк**[1] бугунги кунда кўпчилик олимлар **Мэри Бойс**нинг фикрига қўшилишларини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Зардушт «***гоҳ***»лари тил жиҳатидан «*Авесто*»нинг асотир тафаккур акс этган қисмларидан қадимийроқдир. Бу Зардуштнинг тафаккурда ўз замондошларидан бир неча аср ёки минг йиллар илгарилаб кетиб қолганини англатадими ёки «*гоҳ*»лар матни ваҳий бўлиб, Зардушт пайғамбарлик рутбасига сазовор этилганми? Бу саволларга жавоб топиш бугунги илм даражасида имкондан ташқари. Ҳар ҳолда ўлкамизга **Искандари Мақдуний** лашкарлари билан эллинизм таъсири етиб келгунга қадар бўлган энг қадимги мукаммал шаклланган диний эътиқод «***Авесто***» китобларида акс этган «***Маздаясна***» эътиқоди бўлиб, уни Янги давр Европа фанида кўпинча пайғамбари номи билан «*зардуштийлик*» ("***зороастризм***") деб аташ расм бўлди. Дунёда кенг тарқалган яна бир янглиш тасаввур зардуштийликни фақат Эрон билан боғлаб, «Авесто» маданиятини шу ҳудудгагина алоқадор деб билишдир. Тўғри, сосонийлар империяси даврида (мелодий 224-651 йиллар) Эронда маздаясна эътиқоди (*беҳдин*) давлат дини даражасига кўтарилган. Аммо бу диннинг келиб чиқиши сосонийлардан эмас, ҳатто Искандар Мақдунийдан ҳам илгариги даврга тўғри келиши назарда тутилса, **сосонийлар даври зардуштийлиги** мутлақо **иккиламчи ҳодиса** эканлиги аён бўлади[2].

«***Авесто***» тили ўша даврлардаёқ жуда қадимий тил ҳисобланар ва илк Эрон империясининг расмий тили бўлмиш қадим форс тилидан жиддий фарқ қилар эди. «***Авесто***» тили шарқий Эрон тиллар гуруҳига кирувчи суғд, хоразмий ва бохтарий тиллари билан кўпгина умумий жиҳатларга эга. Бу асар Искандар истилоларидан анча илгари 12 минг бузоқ терисига ёзилганлиги кўп манбаларда ёд этилади. «Авесто»нинг энг қадимги ҳисобланган қисмларида темир қурол ҳақида маълумот йўқ, аммо **сариқ рангли болта** ҳақида эслаб ўтилади. Шу каби далиллар асосида «***Авесто***» китоблар мажмуасининг асосий қисмини **бронза асри** маданий қатламидан бизгача етиб келган буюк мерос сифатида олиб қарашимиз

[1] Бу китоб 2010 йилда Тошкентда рус тилида босилиб чиқди. Таржимон - санъатшунослик фанлари номзоди, Тошкент консерваторияси профессори А.Х.Хакимова. Кейинги иқтибослар шу китобдан олинди.

[2] Мэри Бойс ва Питер Кларклар ҳам ўз тадқиқотларида бугунги мавжуд «***Авесто***» матнлари мазмунида турли **тарихий қатламлар**ни фарқлаш йўлидан борадилар.

мумкин. Милодий эрадан илгариги V-I минг йилликлар орасида шаклланган бу маданий яхлитлик, албатта, ўз ички такомил босқичларига эга бўлган. Башарият такомилидаги бу маданий босқичларнинг биринчисини юқорида келтирилган мисолларга таянган ҳолда Жамшид (Йима) даври, яъни **ибтидоий жамоа маданият**ига оид деб ҳисобласак, ундан кейинги босқични шартли равишда **илк шаҳар жамоаси маданият**ига мос келади, деб қайд қилиш мумкин.

Қадим Турон юртида милодий эрадан 3-4 минг йил илгари ҳозирги Туркманистон ҳудудида ва милоддан илгари XVIII-XVII асрлар Жанубий Ўзбекистонда илк (ибтидоий) шаҳар жамоалари пайдо бўла бошлаганини археологларимиз далиллаб беришди. Туркманистон жанубида Намозгоҳтепа, Олтинтепа, Ўзбекистонда Сополлитепа, Жарқўтон ёдгорликлари бу илк шаҳар маданиятининг намуналаридир. Шундай қилиб, металлургиянинг кашф этилиши, тош қуроллар ўрнини мис ва бронза қуроллари эгаллай бошлаши, тарихчилар шаҳодатига кўра, **илк шаҳар жамоалари** пайдо бўла бошлаган даврга тўғри келади. Бу босқичда ўтроқ деҳқончилик асосида вужудга келган доимий манзилгоҳлар аста-секин илк шаҳарлар даражасига қараб юксалиб борди. Шаҳарда ҳунармандчилик ривожланиб, турли касбдаги кишиларнинг алоҳида маҳаллаларга бирикуви юзага келди.

Хуллас, қадимшуносларнинг охирги кашфиётларига таянган ҳолда исломгача аждодларимиз маънавий камолотининг **иккинчи босқичи,** яъни **илк шаҳар жамоаси даври** бугунги кундан камида 4-5 минг йил илгари бошланиб, то Искандар Мақдуний замонигача ёки, аниқроғи, Эронда Ҳахоманишийлар (Ахмонийлар) сулоласи империя тузган милодий эрадан олдинги VI асргача давом этгани ҳақида тахмин қилиш мумкин.

Маздаясна эътиқодининг ҳақиқий ватани ҳақида «***Авесто***» китобининг ўз маълумотларига суяниш, бизнингча, энг мақбул йўлдир. «*Авесто*»нинг бугунгача сақланиб қолган қисмларидан бири «*Вендидад*» (“***Вайдаивадота*”-**“*Девларни узоқлаштирувчи қонун*”)нинг биринчи бобида Ахура Мазда яратган қуйидаги ўлкалар саналади:

1) *Арийана Ваэжа, 2) Гава, 3) Моуру (Марғав), 4) Бахди, 5) Нисая, 6) Харойива, 7) Вэкерта, 8) Урва, 9) Хиента, 10) Харахваити, 11) Хетумант, 12) Рага, 13) Чахра, 14) Варна, 15) Хапта Ҳиндав, 26) Упа Аодшу Рангхайа*.

Олимларнинг тадқиқотлари натижасида булар тақрибан кейинги давр тарихчилари асарларидан маълум бўлган қуйидаги ўлкаларга тўғри келиши аниқланди: **1) Хоразм ёки Аму ва Сир оралиғи, 2) Суғдиёна, 3) Марғиёна, 4) Бақтрия (Балх), 5) Ниса (Парфия пойтахти - ҳозирги Туркманистоннинг жануби ғарбида), 6) Ҳирот, 7) Кобул, 8) Тус (ҳозирги Эроннинг Хуросон вилояти), 9) Гўргон (Астробод), 10) Ҳорут, 11) Гилманд (ҳозирги Афғонистон шимоли), 12) Рей (Теҳрон), 13) Чеҳра (Хуросонда), 14) Варна (Каспий денгизи жануби), 15) Ҳинд**

дарёси бўйлари, 16) Рангҳа дарёси келиб чиқувчи жой. Албатта, баъзи жой номлари ҳануз баҳсли. Аммо «*Авесто*» китобида санаб ўтилган ерлар бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон (жумладан, ҳозирги Эрон ва Афғонистоннинг шимолий ўлкалари)ни қамраб олганлиги кўриниб турибди. «*Авесто*»да Орол денгизи (*Ворукаша* ёҳуд *Вурукаша*) ва Амударё (*Дойтия*) ҳам таъриф этилади. Демак, дастлабки даврларданоқ «Авесто» китоби ва «Маздаясна» эътиқоди эроний ва туроний халқлар қадимдан аралашиб яшаган яхлит бир минтақани қамраб олган ва шу ҳудудда тарқалгандир[1]. Дарҳақиқат, «Авесто» матнлари мазмуни Ғарбий Европа, Сибир ёки Африка, Жанубий Ҳиндистон минтақалари шароитини эмас, бевосита бизнинг минтақа иқлими, оби-ҳавоси, ер-сув шароитида табиат ва атроф-воқеликка нисбатан инсон онгида шаклланиши мумкин бўлган муносабатларни акс эттиради. Унда биз ота-боболаримизнинг она заминга, халқимиз учун асосий тириклик манбаи бўлган оқар сувга, оловга ихлоси, эъзозини ҳис қиламиз, яна амалий яратувчилик фаолияти, айниқса, ерга ишлов бериш ва чорва ҳайвонларини парваришлаш, аждодларимиз тарафидан ниҳоятда муқаддас бир юмуш, олий ибодат деб қабул қилинганининг ҳам гувоҳи бўламиз.

Биз зардуштийлик деб ўрганган эътиқод тизими асли манбада «***Мазда ясна даэна***» (Маздага сиғиниш дини) деб аталган. "***Мазда***" сўзи «билим», «билимдонлик», «донолик»,»донишманд», «оқил» маъноларига тўғри келади. Бу сўз олдига «*Ахура*» (яъни «парвардигор», «бутун борлиқнинг эгаси, ҳукмрони») сўзи қўшилса - **Ахура Мазда** исми ҳосил бўлади. Шундай қилиб, «*олий, илоҳий билимлар эгаси*» маъносидаги Ахура Мазда «*Маздаясна*» динида ягона тангри, борлиқни яратувчи қудратли зотнинг номланишидир. IX асрда тузилган «*Авесто*» шарҳига оид «*Денкарт*» китобида баён этилишича, қадим замонда Наврўз байрамига тайёргарлик кунларида муқаддас хаома ичимлиги тайёрлаётган коҳинлардан бири **Зардушт** саҳар палласида дарё ёқасига сув олиш учун тушади. Шу пайт дарёнинг ўртасида нурли сиймо - Ахура Мазданинг *Воҳу Маана* (Эзгу фикр) исмли малаги пайдо бўлади. Воху Маана Зардуштни етаклаб Ахура Мазда ҳузурига олиб боради. Борлиғи эзгу нур билан йўғрилган Ахура Мазда замину осмондаги барча эзгу нарсаларнинг яратувчиси эканини Зардуштга билдиради. Одамлар орасида Ахура Маздага сиғиниш эътиқодини ёйишга Зардуштни масъул қилиб, уни «пайғамбар», яъни хабар етказувчи қилиб танлаганини эълон қилади. Бу тасвир асосида бир қатор тадқиқотчилар «*Мазда ясна*» дини ваҳий орқали билдирилган илк самовий эътиқод бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Дарҳақиқат, **тош асри**, ҳатто **бронза асри** одами ҳам ўз-ўзидан Коинотни ҳис қилган, Коинот сирини ўша даврда англаб ета олган деб ўйлашга ақл

[1] Эроний ва ҳиндий тиллар гуруҳида сўзлашувчи қабилалар, тилшунос олимларнинг фикрига кўра, ҳозирги Марказий Осиё ҳудудига милодий эрадан аввалги XVI-XII асрларда кириб келганлиги тахмин қилинади.

бовар қилмайди. Зардушт «*гоҳ*»лари эса коинотдан, чексиз борлиқ ва унинг моҳиятидан сўзлайди, бир сўз билан айтганда, «*ғайб сири*»дан огоҳ этади.

Зардушт яшаган даврда аждодларимиз ҳали ёзувга эга эмас эдилар. Зардушт Ахура Мазда пайғамбарлигига мушарраф бўлиб, у ҳақида, унинг дини ҳақида турли қавмларга хабар етказган замонларда ўша даврнинг турли қабила ва уруғ маъбудларига бағишланган мадҳия-алқовлар, афсун ва асотирлар кенг тарқалган бўлган. «*Авесто*» китоби тўлалигича Зардуштга нисбат берилмайди. Асли «*Авесто*» таркибида бевосита Зардушт номи билан боғлиқ матнлар «*Ясна*» китоби таркибига киритилган 17 қўшиқдан иборат «*Гоҳ*»лар бўлиб, илмий адабиётларда уларни «*Гате*» ёки «*Госе*» ҳам дейишади. «*Госе*» сўзининг сўнгги ундош товуши ўта юмшоқ тиш оралиғи, тил олди сирғалувчи товуш бўлиб, талаффузи инглиз тилидаги ***th*** ҳарфлари билан ифодаланувчи товушга яқиндир. Бу товуш тилнинг тарихий ривожида кейинчалик ***ҳ*** ҳарфи билан ифодаланувчи товушга айланган ва бугунги кундаги «*дугоҳ», «сегоҳ», «чоргоҳ»* атамалари таркибида учровчи «мусиқий оҳанг», «қўшиқ» маъносига мос келувчи «*гоҳ*» тушунчаси ўша қадимги «*госе*»дан келиб чиққандир. Зардушт «*гоҳ*»лари мадҳия ва панд йўсинидаги муножотлардан иборат бўлиб, «*Авесто*» таркибидаги «*Ясна*» китобининг 28-34, 43-51 ва 53 бобларини ўз ичига олади.Улар асосан Ахура Мазда динини тарғиб этишга бағишланган.

«*Гоҳ*»ларда Ахура Мазда ваҳийси билан тинч-осойишта яратувчиликка қаратилган ҳаёт, оқил ва адолатли ҳукмдор раҳнамолиги, ижтимоий ва маънавий уюшиш ғоялари ташвиқ этилади. Турли хурофотлар, ёлғон ва талончилик, ҳуда-беҳуда ҳайвонлар қонини тўкиб, қурбонликлар ўтказиш қаттиқ қораланади. Ҳар бир қабила, ҳар бир уруғ ўзи ўйлаб топган ёлғон маъбудаларга сиғиниб, бефойда қурбонликлар келтириб юрган бир пайтда, Ахура Мазданинг якка-ягона парвардигор, Борлиқнинг донишманд, одил ва оқил мутлақ яратувчи ва идора этувчи эканини эълон этиш, инсонларни ягона тангрига эътиқод этишга чақириш ўша давр одамлари учун улуғ бир маънавий ҳидоят эди.

«*Гоҳ*»ларда ҳаётий воқеа-ҳодисаларга ишоралар жуда кўп. Уларда уй ҳайвонларини, моддий неъматларни етиштириш тарғиботи жуда изчил бўлиб, табиат бойликларини нест-нобуд этиш, талончилик, инсон меҳнатига беписандлик ёвузлик сифатида талқин этилади. Ҳамма ёвузликларнинг боши ёлғончилик ва бебошвоқ ҳаётдадир.

Қандай бўлганда ҳам, Зардушт гоҳлари «*Авесто*» матнининг умумий руҳидан маълум даражада фарқ қилиб, китобнинг кўпчилик қисми, юқорида айтиб ўтганимиздек, инсоният онги такомилида асотир тафаккур босқичини акс эттирса, Зардушт «гоҳ»лари **тавҳид** ғоялари асосига қурилган, яъни олам ва коинотнинг ягона Парвардигоридан хабар беради, уни Олий ва муқаддас (аниқроғи, мутлақ) билим эгаси - ***Ахура Мазда*** деб улуғлайди. Демак, «*Авесто*» китобининг илк шаклланиш даври тарихий нуқтаи назаридан, милодий эрадан бир неча минг йиллар илгари башарият

маданий-маънавий такомилида юз бера бошлаган эврилиш билан боғлиқ бўлиб, ибтидоий уруғ-жамоалар ўрнига илк суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвадорлик заминида шакллана бошлаган илк шаҳар маданияти, давлатчилик асосларининг вужудга келиши, яхлит мафкуравий тизимга эҳтиёж туғилиши каби ҳодисалар билан бевосита алоқадордир. Зардушт даврида «*Авесто*» китоби бирор бир тартибга солиб йиғилганмиди, бунинг аниқ жавоби йўқ. Ҳар ҳолда Зардушт ягона Ахура Мазда номидан пайғамбарлик қилгани, фақат унинг хабарини элга ёйишга уринган эътиборга олинса, дастлабки таълимот кейин шаклланган «*Авесто*»дан фарқ қилган, унинг таркибидаги муқаддас дуо ва такбирлар ёлғиз Ахура Маздага бағишланган бўлиши керак.

«*Авесто*» китоби дастлаб 12 минг ошланган бузоқ терисига ёзилганлиги ҳақида маълумотлар борлигини эслаб ўтдик. Ўша қадим китобда 1200 боб (фрагард) мавжуд бўлиб, қадим юнон тарихчилари хабар беришича, 2 миллион мисра (сатр)ни ташкил этар экан. Бу китобнинг бизгача яхлит етиб келишига Искандари Мақдуний истилолари монелик қилди. Ривоятларга кўра, Искандар китобнинг бир нусхасини Юнонга жўнатиб, қолганларини ёқиб юборган. Кейинчалик аршакийлар шоҳи Валахш «Авесто» китобининг коҳинлар ёдида қолган барча қисмларини тўплаб, асл матнни тиклаш ҳақида фармойиш берган. Сосонийлар сулоласининг асосчиси **Ардашер Попокон** (227-243) даврида донишманд вазир коҳин **Тансур** раҳбарлигида «***Авесто***» матни қайта тиклаб, қонунлаштирилган. Ардашернинг ўғли Шопур (243-273) ушбу китобга кирмай қолган илми нужум, тиб, риёзиёт, фалсафага оид қисмларни тўплаб, қайта кўчиртирган. Кейинги шоҳлар даврида матн яна бир неча марта бойитиб кўчирилган. Ушбу иккинчи қайта йиғилган матн, «***Денкард»*** китобида берилган маълумотларга кўра, 348 бобни ўз ичига олувчи 21 китобдан иборат бўлган. Ҳар бир китоб «***наск***» деб аталган. «*Денкарт*» китобида ушбу ҳар бир китобнинг мавзу ва мазмуни қисқача баён этилган. Жумладан, 1-наск - саҳоват, валийлик, савоб ишларнинг мазмун ва моҳияти; 2-наск - диний маросим амаллари; 3-наск – Маздаясна эътиқоди моҳияти ва ақидалари; 4-наск - оламнинг яралиши, фано ва бақо, руҳларнинг қайта тирилиши, қиёмат; 5-наск - самовот, осмоний жинслар, 6-наск - покланиш қонун-қоидалари; 7-наск - коҳинлар ҳаёти тартиб-интизоми; 8-наск - ҳуқуқий масалалар;10-наск- Виштаспнинг шоҳлик замони, унинг Зардушт даъватини қабул қилиши; 11-наск - башарият тарихи; 12-наск - Зардуштнинг эзгу ишлари ва болалик даври; 13-наск – ҳар бир ишда адолат, ўзгалар ҳақидан қўрқиш, тош-тарози ўлчовида ҳалоллик, авлиёлар тарихи; 14-наск - адлиявий ва ҳарбий қонунлар, никоҳда қондошликка қарши қонунлар, дин аҳкомлари; 15-наск – коҳинлар таълими, мунажжимлик ва фолбинлик; 16-наск - мулк ва оила ҳуқуқи; 17-наск - девлар ва жинларга қарши амаллар, расм-русум, таҳорат ва бошқа покланиш қоидалари (ушбу қисм мавжуд «*Авесто*» матнида

«**Видевдат**» аталувчи бугунгача тўлиқ етиб келган китоблардан бирининг мазмунини ташкил этади); 18-наск - руҳнинг у дунёдаги «саргузаштлари» хусусида бўлиб, 19-наск - Ахура Мазда ва унинг олти улуғ фариштаси-ўлмас муқаддас малоикалар шаънига алқовлардан иборат. Ушбу 21 китобнинг умумий ҳажми олимлар ҳисоблашига кўра 345 700 сўздан иборат бўлган.

Араблар босқини натижасида бу кейинги йиғилган китоблар ҳам йўқ қилинган. Ҳозирги кунда Ҳиндистонда истиқомат қилувчи **парслар** («*Маздаясна*» динига эътиқод қилувчилар)нинг олий коҳинлари қўлида фақат «*Видевдат*» наски тўлиғича ва яна бир неча китобдан айрим қисмлар сақланиб қолган. Бу мавжуд матн 4 китоб, 140 боб, 83 000 сўздан иборат бўлиб, сосонийлар даври матнининг бор-йўғи чорак қисмини ташкил этади. Ушбу асарнинг бугунгача етиб келган энг қадимги қўлёзмаси **1278 йилда** кўчирилган.

Ўрта форс тилидаги аталиши «*Видевдат*» бўлган биринчи китоб 22 боб (**фрагард**) бўлиб, унинг биринчи боби юқорида санаб ўтилган ўлкалар таърифидан иборат, яъни ўзига хос Авесто жўғрофиясини ташкил этади. Иккинчи бобда афсонавий подшоҳ Жамшид (Йима Хшайта) ҳақидаги асотир баён этилади. Учинчи боб, юқорида ҳам тилга олинганидек, деҳқончилик, хонаки чорвадорлик, оила, покиза ҳаёт, оловни улуғлашга бағишланган. Бу боблар Ахура Маздага саволлар ва унинг жавоблари асосига қурилган. Китобнинг қолган боблари покизалик, гуноҳ ва савоб, ҳалол ва харом масалаларига бағишланган бўлиб, улар қаторида оловни, сувни, тупроқни уй ҳайвонлари, турли дарахт ва ўсимликларни улуғлашга бағишланган дуолар ҳам мавжуд.

Маздаясна динида покизалик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, «Вендидад»нинг 17-боби тўлиғича соч ва тирноқлар парваришига бағишланган. 18-бобда Ахура Мазда хабарчиси Суруш ва унинг қуши ҳисобланмиш хўроз тўғрисида маълумот берилади. 19- бобда ёвузлик даҳоси, девлар ҳукмдори Ангра Майнюнинг ёлғончилик деви Друж (ҳозирги форс тилида «дуруғ», яъни “ёлғон”) ёрдамида Зардуштни йўлдан оздириш ёки ўлдириш учун уринишлари тасвир этилади. Зардуштга Ахура Мазда мадад беради. Чексиз замон тимсоли Зурван (Зрвана акарана)га муножот ҳам ушбу бобдан ўрин эгаллаган. Бобда вафот этганлар руҳи Чинвад_кўпригидан ўтиши жараёни тасвирланади. Ёвузлар руҳи бу кўприкдан ўта олмай тубсиз зулматга қулайди, тақводор инсонлар руҳи эса Чинвад кўпригидан эсон-омон ўтиб, Хара тоғига Гаронмана маконига етишадилар. 20-бобда энг биринчи табиб - Трита ҳақида, 21-бобда эса муқаддас ҳўкиз, булутлар, қуёш, ой, юлдузлар, бепоён ёғду ҳақида мадҳиялар, 22-бобда Ахура Мазданинг Ангра Майнюга қарши жанги ва Зардуштнинг бу курашдаги иштироки ҳақида гап боради.

Иккинчи сақланиб қолган китоб «Висперед» (ўрта форс тилида Виспарт, «Авесто» тилида «Висператураво» - “Барча қудрат эгалари”)

дейилади. Унда «карде» («Авесто» тилида «керети») деб аталувчи 24 боб мавжуд бўлиб, тўлиғича дуолар китобидир. Бу китоб бирмунча кейин «Авесто» таркибига қўшилган деб тахмин қилинади.

Учинчи китоб «*Авесто*»нинг энг катта қисми «*Ясна*» бўлиб, 72 бобдан иборат[1]. Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, ушбу китобнинг 28-34,47-51 ва 53 боблари Зардушт «*Гоҳ*»ларидан иборат бўлиб, илгари улар бошқа китоблар таркибида бўлгани тахмин этилади. «*Авесто*» яхлит китоб ҳолига келтирилган пайтлардаёқ ушбу «*Гоҳ*»лар тилини тушуниш ҳатто «*Маздаясна*» дини коҳинларига ҳам осон бўлмаган.

«*Ясна*» китобининг бошқа боблари асосан қурбонлик пайтида ўқилувчи дуолар, турли эзгу зотлар шаънига мадҳиялар, маросим дуолари, муқаддас хаома ичимлигини, эзгулик хабарчиси Сурушни, сув руҳи - Ардвисура Анахитани ва олов руҳи Атарни мадҳ этувчи, ёвуз руҳлар - девларни ҳайдовчи дуолардан ташкил топган. Зардушт «*Гоҳ*»лари орасида «*Ясна ҳапта ҳатай*»(етти боб Ясна) деб номланувчи қисм мавжуд бўлиб, бу 7 боб «*гоҳ*»ларга тенг тутилади. Ундан муқаддас ҳўкиз руҳи ва унинг яратувчисига аталган мадҳиялар ҳам жой олган. «*Ясна*» китобининг баъзи боблари бир-бирини маълум даражада такрорлайди.

Тўртинчи китоб- «*Яштлар*» деб аталади. Ундаги ҳар бир боб («*яшт*») алоҳида бир маъбуд ёки маъбудага («*йазат*», форсча «*йазид*» сўзи шундан; «*ясна*» сўзининг ҳам келиб чиқиши «*яз*» ўзагидан бўлиб, бу ўзак «сажда», «таъзим», «топинч» маъноларига эга, яъни «*йазид*» ёки «*йазат*»нинг асл маъноси «топиниш объекти», «маъбуд» бўлиб чиқади) бағишланган мадҳия-алқовлардан («*яшт*»- «алқов», «мадҳия») тузилган бўлиб, жами 22 бобдан иборат. Ҳозирги пайтда Эронда, ҳижрий қуёш йилидаги қатор ой номлари ушбу бобда тилга олинган маъбудлардан баъзиларининг исми билан аталган. Масалан, ***Меҳр*** (*Митра* - нур фариштаси), ***Тир*** (*Тиштрия* - Муштарий юлдузи), ***Обон*** (*Ардвисур Анахита* - сув фариштаси), ***Фарвардин*** (тақводорлар руҳи - "*Фравашай*" сўзидан).

Бу номлар билан аталган маъбудалар 5,8,10,13-«*яшт*»ларда мадҳ этилади. Бундан ташқари Хурмуз (Ахура Мазда), Қуёш (Хуршид-Хваршет), Ой (Моҳ), Суруш, Баҳром (Варахран – Вертрагна - чақмоқ фариштаси), Хома (муқаддас ичимлик) ва бошқаларга бағишланган алқовлар (гимнлар) ҳам ушбу тўпламдан ўрин эгаллаган.

«*Авесто*» ҳажми катта китоб бўлганлиги сабабли коҳинлар кундалик фаолиятида фойдаланиш учун кейинчалик унинг иҳчамлаштирилган шакли – «Кичик Авесто» (*Хурде Авесто*) яратишган.

Зардушт таълимотининг ахлоқий қарашлари ниҳоятда ибратлидир. «***Маздаясна»*** эътиқодининг ахлоқий тамал тоши **«эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» бирлиги** қоидаси ҳам шу даврдан келаётган улуғ бир маънавий

[1] «*Ясна*» боблари «*ҳот*» деб аталади.

қадрият дейиш мумкин. Бу эътиқодга амал қилган ҳар бир инсон ибодат олдидан қуйидаги ният сўзларини баралла овозда айтмоғи лозим эди:

«*Қувонсин Ахура Мазда, энг лойиқ Ҳақ таолонинг иродаси рўёбга чиқиб, Ангра Майню даф бўлсин.* ***Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал****ни алқайман. Ўзимни буткул эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларга бағишлайман. Қабиҳ ўй, қабиҳ сўз ва қабиҳ ишлардан юз ўгираман... Ҳақни шарафлаб дейман: «Ҳақиқат олий неъмат, бу неъматдан ул киши баҳраманд ва савоб унга бўлғайки, у агар энг эзгу Ҳақ йўлида савоб ишдан қолмаса... Маздага сиғинаман, Зардушт ёвлари бўлган девларга ёвман. Ахура Мазда сўзига даъват этаман, деб имон келтираман... Нурафшон Ахура Маздага сиғинишим туфайли унинг севинчига топинчу ҳамдларим, суюнчу олқишларим бўлсин. «Эзгуликда беназир эгам...» дея бошлайман ушбу ибодатимни...»* Хуллас, «*Авесто*» китобида жамланган билимлар тош асрининг охирги босқичи ва бронза асри даврида, яъни 5 минг йилдан ошиқ давр ичида Туронзамин ва ҳозирги Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг шимолий ўлкаларида истиқомат қилган турли элат ва халқлар яратган бой ва ранго-ранг маънавий меросни ўзига хос бир яхлитлик ва шу билан бирга ички мураккабликда акс эттирган бўлиб, минг афсуски, унинг жуда кўп қисми бизгача ўша даврлардаги мукаммаллигида етиб келмади. Искандари Мақдуний истилолари, араблар босқини бу ўринда ҳалокатли таъсир қилди. Аммо бу бой мерос ўша қадим даврлардаёқ дунёнинг турли халқлари маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатгани бугунги кун илмига сир эмас. Айниқса, қадим юнон маданияти (фалсафаси, адабиёти, илми) бу таъсирдан баҳраманд бўлганлигига кўплаб гувоҳликлар мавжуд[1].

«Авесто»ни ўрганиш ислом даврининг биринчи босқичида анча кенг йўлга қўйилган эди. Тарихчи Масъудий, Ибн Балхий, Табарий, Беруний ва бошқалар бу китоб ҳақида тайинли маълумотлар келтиришган.

Янги давр Европасида бу китобни ўрганиш XYIII асрдан бошланди ва толмас француз тадқиқотчиси Анкетиль Дюперрон (1731-1805) «парслар» орасида неча йил юриб, «Авесто» тилини ўрганиб, уни илк марта француз тилига таржима қилди ва бу таржима 1771 йилда босилиб чиқди. Ўша даврдан бери бу масалани Европа олимларидан П. Бартоломе, Родэ, Р.К. Раск, Г. Риттер, Э. Бюрнуф, Весторгорд, Ф. Шпигель, Ф. Юсти, С. Дехарле, В. Гейгер, П. Рот, Бенфей, Фр. Виндишман, Х Бартоломе, М. Хауг, К. Гельднер, И. Дармстетер, Е. Бенвенист, Ф. Альтгейм, И. Гершевич, Н.С. Нюберг ва бошқалар, парсларнинг ўзларидан чиққан бир қатор олимлар, қатор рус шарқшунослари, жумладан, Вс. Миллер, К. Коссович, К. Залеман, А.О. Погодин, В.А. Рагозина, В.В. Стуве, С.П. Толстов, Е.О. Бертельс, А.О. Маковельский, С.Н. Соколов, И.С. Брагинский ва бошқалар ўрганиб келишди. «*Авесто*» китобининг илмий-

[1] Бу ҳақда қаранг: Ф.Сулаймонова.Шарқ ва Ғарб.Т., “Ўзбекистон”, 1997, с.22-40.

танқидий матнлари ва бир қанча Европа тилларига таржималари босилиб чиқди. Аммо бу ҳақдаги баҳслар ҳануз тинган эмас.

«Авесто» мазмунида турли қабила асотирлари билан тавҳид эътиқодидан таълим берувчи қарашлар ўзаро чатишиб кетгани сезилади. Бу даврда қадим Дажла ва Фурот дарёлари оралиғида (Месопотамияда) ҳамда Нил дарёси қуйи оқимида қудратли ёзма маданият яратилган, илк давлат тизими шаклланган эди. Аждодларимиз бир пайт ўша йирик давлатлар билан турли муносабатларга киришганлар. Улар яратган «*Авесто*» маданияти маънавий мазмунига кўра, шумер ва аккад тилларида Бобил ва Ашшур давлатлари ҳудудида яратилган асотир маданияти ёдгорликларидан асло кам эмас, балки ортиқ бўлиши мумкин. Аммо, афсуски, Искандар Мақдуний босқини туфайли юртимизнинг энг қадимги ёзма ёдгорликлари шафқатсиз йўқ қилинди, бизгача мукаммал етиб келмади. Бизнинг бу давр ҳақидаги тасаввурларимиз «*Авесто*» китобидан бизгача етиб келган жузвлар (қисмлар), ўзга ўлкалар қадим ёзма маданият ёдгорликлари ичидаги маълумотлар ва археологик топилмаларни қиёсий ўрганиш натижасидагина шаклланиб бормоқда. Бу даврда илк шаҳарлар маданияти вужудга келди, турли ҳунарманд тоифалари ажралиб чиқа бошлади, яхлит эътиқод юзага кела бошлади, инсон илк бор Коинот нуридан бевосита баҳраманд бўлди. Асотир тафаккурни, қабилачилик хурофотларини енгиб ўтишга илк қадам - иккиланиш, тойишлар билан оғушта биринчи тетапоя қадам - қўйила бошланди. «Авесто» китобида акс этган воқелик яхлит олганда кўпроқ шу даврга мос келади. Бу даврнинг энг буюк **маънавий ютуғи** илк бор, гарчи асотир тафаккур билан қоришиқ бир даражада бўлса ҳам боболаримиз руҳида **илм ва имон уйғунлиги** шакллана бошлагани, дейиш мумкин. Агар «*Маздаясна*», «*Ахурамазда*» сўзларида яширинган маъноларни Қуръони карим «*Бақара*» сурасининг 255-ояти («*Оят ал-курси*») мазмуни билан маълум даражада мувофиқ келишига эътибор қиладиган бўлсак, ўша пайтда ҳам инсоний билимлар манбаи ёлғиз илоҳий боқий билим деб тасаввур қилинганини сезамиз. Аммо у даврлар одамининг аксарияти асотир тафаккур даражасида дунёни тасаввур қилганликлари сабабидан, Зардушт «*гоҳ*»лари (муножотлари)даги тавҳид ғоялари мушриклик адашувлари билан қоришиб кетган эди.

Зардуштдан кейинги асрларда унинг таълимоти ёйилган юртларда маҳаллий элатлар, қабила ва уруғлар орасида тарқалган асотир тасаввур асосидаги мушриклик унсурлари, ҳар бир элатга хос ибтидоий маъбудаларга топиниш хурофий анъаналари аста-секин Маздаясна эътиқоди билан муросага келтирилган. Натижада соф якка худолик тизими қобиғига қадим хурофий маросим ва удумлар ҳам жойлаша борган. «*Авесто*» китобининг такомил йўли ушбу жараённи бутун ички мукаккаблигида акс эттирувчи зиддиятли ва кўп қатламли асотир тасаввурлар ва ягона тангрига эътиқоднинг қоришиқ ифодаси сифатида намоён бўлади. Бу ҳақда илмий адабиётда В.А.Лившиц, С.Н.Соколов,

Мэри Бойс, Питер Кларк сингари таниқли мутахассис олимлар ҳам фикрларини баён қилишган.

«*Авесто*» китобида ўз аксини топган ғояларни дуалистик талқин қилиш ҳам фанда кенг тарқалган. Бунга маълум даражада «*Ясна*» китобининг 30-бобидан ўрин олган фанда «*ахлоқий дуализм*» деб номланувчи инсонлар оламига хос Яхшилик ва Ёмонлик орасидаги кураш тасвири ҳам сабаб бўлган, дейиш мумкин. Кейинчалик, милодий III-асрда яшаган Моний маздаясна эътиқодининг ушбу руҳдаги талқинига урғу бериб, ўзининг машҳур **монавийлик бидъати**ни яратди. Унга кўра бу олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, яъни ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик орасидаги тўхтовсиз курашдан иборатдир. Моний Ахурамазда(Хурмуз)ни ёруғлик ва яхшилик илоҳи, Ангхрамайну (Ахриман)ни зулмат ва ёмонлик илоҳи деб талқин қилади ва улар ўртасидаги кураш абадий давом этади, деб ҳисоблайди. Авестонинг баъзи жойларини илоҳий учлик руҳида талқин қилишлар ҳам учраб туради.

Хуллас, «*Авесто*» китоблари мажмуи исломгача бўлган маданиятимиз ва маънавиятимизнинг ҳолатидан бизни анча мукаммал хабардор қилувчи ёзма манба сифатида беқиёс қийматга эгадир ва биз уни жиддий тадқиқ ва таҳлил этмоғимиз жуда зарур. Фақат ундаги баён ва услубнинг ниҳоятда ўзига хослигини унутмай, бу матнлар дастлаб яратилган давр руҳини тўғри идрок эта билмоғимиз тақозо этилади.

Юқоридаги баёндан ҳам маълум бўладики, бу даврда ҳануз диний, илмий, тарихий, ахлоқий, бадиий тафаккур тарзлари бир-биридан ажралмаган синкретик ҳолда асотир тафаккур шаклида намоён бўлади. «*Авесто*» китоблари мажмуида бу нарса ёрқин намоён бўлган.

Мавзу бўйича назорат саволлари:

1. Мусулмон минтақа маданияти доирасига кирувчи халқларнинг маънавий камолот жараёнидаги *уч асосий даврни* ажратиб кўрсатинг.
2. Исломгача Эрон ва Турон халқлари яратган адабий мерос қайси даврларга бўлинади?
3. Фарҳоднинг Суқротга етишгунча босиб ўтган уч манзили қайсилар?
4. Заратуштранинг Ахура Мазда билан биринчи суҳбати нима ҳақида?
5. "*Авесто*»"даги Йима Ваҳишта ҳақида асотирни сўзлаб беринг.
6. «***Авесто***» китобларида акс этган эътиқод тизимининг асл номи нима?
7. «***Авесто***» китоблар мажмуасининг асосий қисми бизгача инсоният тарихининг қайси давридан етиб келган?
8. «*Авесто*» китоблар мажмуасининг бугунгача сақланиб қолган қисмлари қайсилар?
9. «*Вендидад*» китобида Ахура Мазда яратган қайси ўлкалар ҳақида гап боради?
10. Заратуштра таълимотининг асосий ахлоқий қарашлари қандай ифодаланади?

ИККИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *Асотир тафаккурнинг моҳияти ва буюк салтанатлар даври адабиётида асотир тафаккурдан тарихий тафаккурга ўтиш жараёнининг акс этиши ҳақида дастлабки маълумотларни талабаларга етказиш.*

Таянч сўз ва иборалар:*, Амшосипандлар, асотир тафаккур, буюк салтанатлар даври адабиёти, «Денкарт», “Пандномалар”, тарихий тафаккур ва унинг адабиётда аксланиши, "Корномаки Ардашер Попокон", "Драхти Асурик", "Аяткори Зарирон", Е.Э.Бертельс.*

5. Буюк салтанатлар даври адабиёти

Минтақада аста-секинлик билан шаҳар-давлатлар ўз ҳудудини кенгайтириб бориб, Хоразм, Суғд, Бохтар, Парфия, Марғиёна, Паркана (ёки Даван), Бақтрия, Чоч, Мидия каби ўлкаларида мустақил давлатлар шакллана бошлади. Темир қуроллар ишлаб чиқиш йўлга қўйилгач, буюк салтанатлар шаклланишининг иқтисодий-ҳарбий имкониятлари пайдо бўлди. Инсоният тарихидаги дастлабки буюк салтанатлар Дажла ва Фурот дарёлари оралиғида (ҳозирги Ироқ ва Сурия, қадимги Месопотамия ҳудудида) Бобил ва Ашшур шаҳар-давлатлари замирида шаклланди. Милодий эрадан аввалги VI асрда эса Ахоманийлар сулоласидан Кайхусрав (ёки Куруш) минтақадаги илк буюк салтанатга асос солди. Ахоманийлар сулоласининг 200 йиллик ҳукмронлигига Искандари Мақдуний чек қўйди. Ундан кейин Селевкийлар, Аршакийлар (Парфияда), Кушонлар (Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистонда), Сосонийлар (Эронда) сулолалари ҳукмронлик қилди.

Империялар даврида қабилалар ва шаҳар-давлатлар аро ҳокимият учун курашлар авж олиб, унда ғолиб чиққан сулола атроф-воқеликни, табиат унсурларини ва моддий бойликларни қандай тасарруф этса, ўзга қабила, уруғ, жамоа вакиллари бўлмиш инсонларни ҳам шундай тасарруф этишга уринди. Натижада «мулк» тушунчаси сиёсат йўналишига ҳам кириб келди, у нафақат ер-сув, ҳайвонот ва буюмларга, балки енгилган уруғ, қабила, элат вакилларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди. Юрт **мулк** аталди, ҳукмдор **малик** бўлди.

Жумладан, ҳукмдорлик ҳуқуқининг белгиланишида “фарр” (“Авесто” тилида “хварно”) принципи қонуний асос сифатида қабул қилинган. Унинг маъноси шуки, олий дунёвий ҳокимият сулоланинг бир вакилидан иккинчисига ўтишида муайян илоҳий белги содир бўлади, яъни муайян бир жонивор, қуш ёки ёғду шуъласи ҳукмдорликка танланган кишини ажратиб кўрсатади. Эрондаги Аҳмонийлар, Сосонийлар даврида ушбу принципга изчил риоя этилган. Жоҳилия даврида “фарр” соҳибининг

ҳукми мутлақ бўлиб, унга ҳеч ким эътироз билдиришга ҳаққи бўлмаган. “Халқ ҳукми”, ”халқ иродаси” деган тушунчалар у давр учун буткул нотаниш эди. Демак, жоҳилия даврида барча инсонлар тенг қадр топган эмас эди. Бу тартиб-қоидаларнинг жиддий ўзгариши Исо алайҳиссалом даъвати билан бошланди, дейиш мумкин.

Сосонийлар даврига келиб маздаясна эътиқоди яна янгидан буюк бир империянинг дини сифатида ҳукм сурди, янги муҳитда ривожланди, баъзи жиҳатлари янгиланди. Ҳақиқатни тан олиш керак, бизнинг бугунги қўлимиздаги «Авесто» матнларига доир маълумотлар Сосонийлар даври ёзма ёдгорликлари орқали етиб келгандир. Бу даврда «Авесто»нинг барча сақланиб қолган қисмлари ўрта форс (ёки пахлавий) тилига таржима қилинди, илмий, диний ва бадиий адабиётда «Авесто» матнлари кенг истифода этилди. Араблар Хуросон ва Мовароуннаҳрни эгаллаганларидан сўнг, кўпчилик ислом эътиқодини қабул қилганда ҳам маздаясначилар (Қуръони каримда “мажусийлар” деб тилга олинади) Самарқандда, яна бошқа баъзи жойларда яшаб келдилар, ўз эътиқодларидан қайтмадилар. Фақат мўғул босқини Ўрта Осиё ҳудудидаги мажусий жамоаларига тўлиқ барҳам берди, дейиш мумкин. Ҳозир бу эътиқодни маҳкам тутганлар, асосан, Ҳиндистонда «парслар» номи билан жамоа бўлиб яшайдилар. Эроннинг жануби-шарқида ҳам анча-мунча бор, деб ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги «Авесто»ни, албатта, мустақил мутолаа қила олмайди. «Авесто» матнларининг талқини тўлиқ ҳолда коҳинлар тоифаси қўлида.

Искандардан кейин Эрон ва Турон халқлари эллинизм унсурлари (юнон маданияти билан Шарқ маданиятининг синтези), буддизм, христианлик (кўпроқ, насронийлик қиёфасида), Ҳиндистон ва Хитойдаги бошқа турли эътиқодлар билан танишди. Маздаясна эътиқоди билан баъзи бошқа қарашлар таъсири остида милодий аср бошларида монавийлик таълимоти юзага келди ва минтақада кенг шуҳрат қозонди.

Бу даврда **адабий манбалар** миқёси ва мазмуний мундарижаси жуда кенгайди. Минтақада нафақат эроний тиллар гуруҳи доирасида, балки туркий тилларда ҳам кенг миқёсда адабиёт пайдо бўлди. Суғд тили, қадим хоразм тили, бохтар ва парфиёна тилларида адабий ёдгорликлар яратилди. Пахлавий тили, ўрта форс тили (парсик), суғд тилларида “*Моний инжили*”дан парчалар, “*Ниёни зиндагон*”(“Ҳаёт ҳикмати”), “*Ковон*”(“Паҳлавонлар китоби”), “*Розон*”(“Сирлар китоби”), “*Муножотлар китоби”, “Шопурокон”* каби Моний бидъатига оид асарлар ҳақида хабарлар ва кўплаб парчалар етиб келган. Суғд тилидаги “*Муғ қалъаси битиклари*” орасида **Рустам ҳақидаги афсонадан** бир парча сақланиб қолган. Унда Рустамнинг девлар билан кураши тасвирланади. Бу даврдан етиб келган энг кўп ёдгорликлар пахлавий адабиёти деб номланувчи манбалар мажмуи бўлиб, уларнинг энг машҳурлари “*Зенд-Авеста*” («Авесто» матнларининг таржима ва шарҳлари), “*Денкарт*” (“Дин

амаллари” - 7 китоб, 169 минг сўз), “*Бундахишн*” (“Илк яратилиш” - 13 минг сўз), “*Меноги храд*” (“Ақл руҳи” - 11 минг сўз), “*Карнамак Артахшер Папакан”* (“Ардашер Попокон жангномаси” - 5 минг 600 сўз), “*Арта Вираф-намак”* (“Авлиё Вираф китоби”), “*Аяткар е Зареран*” (“Баҳодир Зарер ёдномаси” - 3 минг сўз), “*Драхт е асурик*” (“Хурмо дарахти ва эчки мунозараси” - 800 сўз). Булардан ташқари алоҳида номланмаган бир қанча “*Пандномалар*” ёки “*Андарзлар*” (паҳлавийда “*Handarz*”) ҳам мавжуд бўлиб, улардан Хусрав Анушировн ва унинг вазири Бузургмеҳр пандномалари кейинги даврларда ҳам машҳур бўлган[1]. Сосонийлар даври ёдномаларидан яна бир гуруҳи “*Худойнамаклар*” номи билан шуҳрат қозонган бўлиб, сулола тарихини ёритишга бағишланган. Бу асарларнинг асосий қисми ислом даврида “*Сияр ул-мулук*” номи билан араб тилига ўгирилган.

“*Денкарт*” ва “*Бундахишн*” китоблари **Маздаясна** эътиқодининг Сосонийлар даври талқинини ўзида акслантирувчи асарлар бўлиб, Эрон ислом лашкарлари томонидан фатҳ этилгандан анча кейин IX аср бошларида паҳлавий тилида яратилган. Бу асарларда қадим матнлар орқали бизгача етиб келмаган жуда кўп маълумотларнинг мавжудлиги қадим матнларнинг аксарияти “араблар босқини” даврида йўқ қилинган, деган даъволар унчали тўғри эмаслигини кўрсатади. Ислом минтақа маданияти даврида улар аста-секин ўз ҳаётий аҳамиятини йўқота бошлагач, асрлар давомида, балки кўпроқ мўғуллар босқини даврида унутилиб кетган бўлиши эҳтимолга яқинроқ.

Исломгача аждодларимиз маънавиятининг шаклланиш даврига хос энг умумий хусусият унинг асосан асотир тафаккур заминида ривожланганидадир. Бу нарса айниқса “*Авесто*” китоби мисолида ёрқин намоён бўлади. Фақат Аллоҳнинг охирги китоби – Қуръони карим нозил бўлиши билан инсонлар онгидан асотир тафаккур қолдиқлари тамомила сиқиб чиқарилиши учун мустаҳкам замин пайдо бўлди.

6. Асотир тафаккур нима?

«***Авесто***» маънавияти Ҳиндистоннинг «*Веда*» маданияти, қадим Шумер, Бобил ва Ашшур маданиятлари, қадим Юнон ва Рум антик маданиятлари моҳиятига монанд бўлиб, улар сингари тош асридан бошлаб шаклланиб келган **асотир тафаккур** асосидаги маънавият эди, унда дунёни, атроф-муҳитни идрок этиш ўзига хос тарзда кечарди. Инсон маънавий камолотининг дастлабки босқичларида бу идрок тарзи анча-мунча ижобий аҳамиятга эга бўлган эса-да, кейинчалик унинг чекланганлиги, ички қусурлари билиниб қола бошлади. Бу маънавий камолотда бўҳрон ҳолатини юзага келтирди, минтақа халқлари

[1] Қаранг: Изведать дороги и пути праведных.(Пехлевийские назидательные тексты). М., «Наука», ГКВЛ, 1991.

тараққиётида маънавий турғунлик хавфи пайдо бўлди. Навоий тимсолларидан фойдаланиб таъбир этганда, аждаҳони енгиб ўтган Фарҳод олдида энди Ахриман-девни енгиш зарурати пайдо бўлди. Маздаясна эътиқоди асотир тафаккур қобиғидан чиқиб кета олмади.

Асотир яъни **миф** ибтидоий инсон онгида Борлиқ ҳақиқатининг хаёлий тимсоллар воситасида ифодаланиши бўлиб, ҳозирги замон одами асотирни афсона сифатида тушунади, аммо қадимги дунё одамлари **асотир**нинг **Борлиқ ҳақиқатини ифодалаши**га шубҳа қилмаганлар. Масалан, қадимги юнонлар Зевс, Аполлон, Афродита каби турли санамларни Олимп тоғида абадий яшайди деб тасаввур қилганлар ва улар шарафига ибодатхоналар қуриб, қурбонликлар келтирганлар. Асотир ва бадиий асарнинг умумий томони Борлиқ ҳақиқатини тимсоллар воситасида англаш ва англатишга уриниш бўлиб, уларнинг ўзаро фарқ қилувчи томони - асотирни ўз даврининг одами ҳақиқат деб қабул қилган, санъат асарини эса инсонлар мутлақ ҳақиқат деб ўйламайди, балки ибрат мактаби сифатида тушунади.

Демак, **асотир тафаккур** - Борлиқ моҳиятини идрок этишга дастлабки уриниш бўлиб, ибтидоий жамоа, қисман қадимги дунё ва ўрта асрлар одамининг фикрлаш тарзига хосдир. Бу даврларда аксарият **инсонлар ғайб оламига оид нарса-ҳодисалар ва мавҳум тушунчаларни моддий воқелик ашёларидан ажратиб тасаввур қила олмаганлар.**

Мушрикликнинг келиб чиқиши ҳам инсон онги ривожининг айни шу даражаси билан боғлиқ. Араблар исломгача ҳукмрон бўлган тафаккур тарзини **жоҳилия даври** деганда ҳам инсон онгининг асотир тафаккур даражасидаги ҳолати назарда тутилган.

“Авесто” китоби мазмунида **асотир тафаккур** кенг миқёсда ўзлигини зоҳир этган. Бунинг ёрқин бир мисоли сифатида Маздаясна эътиқодига оид **Амшосипандлар** масаласига эътибор қаратамиз. Авестошунос қатор олимлар, жумладан, ҳозирги замон инглиз тадқиқотчиси Питер Кларк ўзиниг “Зороастризм” китобида мавжуд **“Авесто”** матнларини даврлаштириб, улардан Зардушт (Заратуштра) номи билан боғлиқ “Гоҳларни” энг қадимги даврларга оид деб билади. **Амшосипандлар (Амиша Спинта – авесто тилида “Абадий онг” маъносини билдиради)** умумий номи кейинги давр матнларида пайдо бўлади. Питер Кларк фикрига кўра “Яштлар” Зардушт давридан анча кейин тахминан милоддан аввалги VII-VI асрларда шаклланган. **Амшосипанд**ларнинг Бундахишн (Питер Кларк китобининг русча таржимасида негадир “Бундабишен” деб ёзилган) китобидаги талқини эса, назаримизда, Сосонийлар даври қарашларидан дарак беради.

Зардушт “Гоҳ”ларида **Сипанд Мийну (Спинта Майню –** *Тафаккур олами***)** асосан **оламларнинг яратувчиси Ахура Мазданинг (Ахураҳ Маздаҳ –** *Олий билим, донолик, огоҳлик эгаси*) ***сифати*** бўлиб

англашилади. Қолганлари ***Ахура Мазданинг нурлари*** деб тавсифланиб, қуйидаги мавҳум тушунчаларни билдириб келади:

Ардабеҳешт (Ашаҳ Вахиштаҳ – Гўзал ҳақиқат, Мукаммал низом ва тартиб)

Баҳман (Вуҳвмана – Эзгу ният, Эзгу фикр**)**

Испандормаз (Спинта Ормаитий – Комил ақл**)**

Шаҳриёр (Зашра Вайраяҳ – Умид дунёси)

Амурдод (Амирмитота – Умрбоқийлик, абадият)

Хўрдод (Хавраватот – Комиллик, Тўғрилик**)**

Питер Кларк китобида улар қуйидагича берилган:

Аша Вахишта – (Лучшая истина; Праведность**)**

Воху Мана – (Добрая мысль/Разум; Доброе Предвидение **)**

Спента Армаити – (Святая Преданность**)**

Кшатра Ваирья – (Сила; Власть/Царство Бога**)**

Хаувартат – (Целостность и Благоденствие**)**

Ameритат – (Долгая жизнь и Бессмертие**)**[1]

IX асрда паҳлавий тилида ёзилган **“Бундахишн”**[2] да эса улар энди асотир тафаккур таъсирида **Хўрмузд (яъни Ахура Мазда)**га ёндош **илоҳий қудратлар** сифатида тавсифланиб, ҳар бири муайян **моддий нарса-ҳодисалар** билан бевосита боғлиқ ҳолда тасаввур қилинади:

Ардабеҳешт – олов ҳомийси **(огонь)**

Баҳман - чорва ҳомийси **(скот)**

Испандормаз – замин ҳомийси **(земля)**

Шаҳриёр – металлар ҳомийси **(металлы)**

Амурдод - ўсимликлар ҳомийси **(растительность)**

Хўрдод – сув ҳомийси **(вода)**[3]

Инсон ақлий такомилидаги асотир тафаккур босқичида мавҳум **тимсол-тушунчалар** қандай қилиб моддий олам ашёларига алоқадор мустақил **олий мавжудот**ларга “айланиб кетиши” мумкинлиги келтирилган қиёсларда ўзининг очиқ ифодасини топганлигини кўриб турипмиз.

Аслида **асотир тафаккур** қадим инсонлар онгида бирданига шаклланиб қолган нарса эмас. Ибтидоий жамоа даврида инсоннинг атрофдаги воқеликни тушунишга илк интилиши сифатида шакллана бошлаган бу тафаккур тарзи шаҳар-давлатлар замонига келиб мукаммал ва яхлит тизим ҳолига келди. Буни жаҳон тамаддуни тараққиётидаги “*Авесто*”, “*Ведалар*”, қадим шумер-аккад, миср, юнон асотирлари мисолида кўришимиз мумкин[4]. Бронза асри охирларида шакллана

[1] Питер Кларк. Зороастризм. Т., 2010, С. 79.

[2] **“**Бундабишен” - Питер Кларк. Зороастризм. Т., 2010, С. 106.

[3] Питер Кларк. Зороастризм. Т., 2010, С. 112.

[4] Асотир тизимлари (мифология) ҳақида китоблар кўп. Машҳурларидан А.Ф.Лосевнинг “Диалектика мифа” (А.Ф.Лосев. Философия. Мифология. Культура. М., 1991, с. 21-186); Я.Э.

бошлаган бундай мукаммал асотир тизимлари Қадимги дунёнинг охирлари ва илк Ўрта асрларга келиб, аста-секин ичдан емирила бошланди. Бу емирилиш қадим Юнонда фалсафий тафаккурнинг туғилишида намоён бўлган бўлса,[1] Эрон ва Туронда бу даврга келиб **тарихий тафаккур** унсурлари етакчилик қилабошлаганини Сосонийлар ва Буюк Турк хоқонлигига оид қатор ёзма обидалар (туркий тошбитиклар, "*Худойнамаклар*") мазмунидан англаб етиш мумкин. Бу давр охирларига бориб ўрта форс тилларида соф маънодаги бадиий асарлар ҳам пайдо бўла бошлаганини "*Аяткар е Зареран*" ва "*Драхт е асурик*" мисолида кузатиш мумкин. Е.Э.Бертельс биринчи асардан икки кичик парча келтиради:

У пас ан тахм спахпат
Так Зарер чегон дит
Ку шах вишадак бут
Андарон андар шут.[2]
(Сўнг ўшал жасур саркарда
Баҳодир Зарер, кўрдики,
Ҳукмдорнинг кайфияти бузилган,
У ичкари кирди.)
[У] айак-тан дахём
Вас зарр [у] вас асём
У вас асп [е] нёвак
У вас гах шахрдарйх.[3]
(Ва ўшанда берамиз сизга
Бисёр тилла ва бисёр кумуш,
Ва бисёр бақувват арғимоқлар,
Ва бисёр шоҳона тахтлар.)

Голосовкернинг "Логика мифа"', О.М. Фрейденбергнинг "Миф и литература древности" асарлари; М.И.Стеблин-Каменскийнинг "Миф" (Л., «Наука», 1976, 104 стр.); С.Г.Хукнинг "Мифология Ближнего Востока" (М., «Наука», ГРВЛ, 1991, 184 стр.) китобларида ўзига хос ёндошувлар учрайди. Бундан ташқари инсониятнинг илк тарихи даврида асотирнинг шаклланиши ҳақида атоқли инглиз этнографлари Ж.Ж.Фрезернинг машҳур "Олтин буток" (The golden bough - Золотая ветвь - русча сўнгги нашри - М., 2006, 784 стр.), Э.Б.Тайлорнинг «Ибтидоий маданият» (Primitive Culture – Первобытная культура - русча нашри - М., 1989, 576 стр.) асарларида батафсил таҳлиллар мавжуд. 1991-1992 йилларда Москвада нашр этилган 2 жилдли "Жаҳон халқлари асотирлари" (Мифы народов мира) энциклопедияси маълумотларига кўра маълум бўладики, биринчидан, асотир тафаккур унсурлари жаҳондаги турли халқлар тарихида турли даврларда учрайди, яъни умумжаҳон миқёсидаги инсоният тафаккурининг такомили билан алоҳида минтақалар, халқлар, элат ва қабилалар миқёсидаги ривожланиш даражалари бир-биридан баъзан кескин фарқ қилади; иккинчидан, ҳар бир халқнинг турли табақалари, турли тоифалари онгида турли даврларда турли даражада асотир тафаккур унсурлари сақланиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

[1] Дарҳақиқат, қадим Юнонда фалсафий тафаккурнинг пайдо бўлиши моҳиятан асотир тафаккурдан илмий ва бадиий тафаккурга ўтиш босқичини англатиб келганлиги сир эмас.

[2] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. М., ИВЛ, 1960, с. 74.

[3] Шу китоб, с. 75.

Исо алайҳиссаломгача юборилган пайғамбарлар ҳар бири бир қавмга Аллоҳ ҳақиқатидан хабар берган бўлсалар, Руҳуллоҳ барча инсониятга тегишли **Ҳақиқат** хабарини келтирди. У биринчи бўлиб, барча инсонлар ягона Тангри олдида тенг, ўзаро оға-ини, опа-сингил, биродар деб, Аллоҳ ҳукмини эълон қилди. Шундан кейин ўтган 3 аср давомида бу илоҳий даъват қулдорлик тузуми асосига қурилган маҳобатли Рим империясини ичдан емириб, инсониятни Қадимги дунёдан Ўрта асрларга олиб ўтди. Аммо IV асрга келиб Византияда давлат дини мақомига кўтарилган христианлик ақидалари асотир тафаккур қолдиқларидан буткул халос бўла олмади. Ниҳоят, VII асрга келиб, Муҳаммад(С.А.В.)га нозил этилган Қуръони карим оятларида узил-кесил Ҳақ ботилдан жудо этилди, **инсонлар ягона Аллоҳнинг ер юзидаги халифалари** экани очиқ-ойдин баён этилди. Халқ ҳокимияти, озод фуқаролар жамиятига таянувчи тузумнинг умумбашарий маънавий асослари, шундай қилиб, **Тавҳид таълимоти**да мужассам бўлди. Шу даврдан янгича тафаккур, янгича адабиёт шаклланиши бошланди.

Мавзу бўйича назорат саволлари:

1. Буюк салтанатлар (империялар) шаклланишининг иқтисодий-сиёсий имкониятлари қачон пайдо бўлади?
2. Ҳукмдорлик ҳуқуқининг белгиланишида “фарр” (“хварно”) тушунчасининг маъноси нима?
3. Қуръони каримда "*мажусийлар*" номи билан тилга олинганлар кимлар?
4. Аҳмонийлар ва сосонийлар даврида яратилган **адабий манбалар** ҳақида сўзлаб беринг.
5. Сосонийлар даврида яратилган ва бизгача етиб келган қайси асарда асотир тафаккурдан тарихий тафаккурга ўтиш жараёни ёрқин акс этган?
6. *Амшосипандлар* нима ва улардаги маъно ўзгаришларнинг сабаблари нимада?
7. Асотир тафаккурнинг моҳияти нимадан иборат?

Мустақил таълим бўйича савол ва топшириқлар:

1. "*Авесто*" китобларида асотир тафаккурнинг намоён бўлиши нималарда кўринади?
2. Буюк салтанатлар даври адабиёти ҳақида нималар биласиз?

2-боб.
Форс мумтоз шеърияти ривожининг биринчи босқичи. “*Дунёвий адабиёт*” масаласи

УЧИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *Инсоният тарихи ва адабиёт тарихининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари, Ислом дини кенг тарқалган улкан бир ҳудудда ягона ғоя остида бирлашган яхлит* ***маданий минтақа*** *ташкил топиши, унинг VIII-XV давомида маънавий жиҳатдан узлуксиз такомил топиб бориши, Мусулмон минтақа адабиётини даврлаштириш, Наср ибн Аҳмад ва Исмоил Сомонийлар даврида Самарқанд ва Бухорода ижод аҳли учун қулай шароит вужудга келиши, Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги бақувват форс шеърият мактаби шаклланиши ҳақида маълумот бериш, Рудакий шеърларидан намуналар орқали талабаларни форс мумтоз шеърияти билан илк бора таништириш.*

Таянч сўз ва иборалар: *Асотир тафаккур даври, Тавҳидий тафаккур даври, Янги давр, ёки илмий (дунёвий) тафаккур устунлиги даври, мусулмон минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил босқичлари, Сунна босқичи, Мусулмон маърифатчилиги босқичи, тафаккур турлари, Мусулмон маърифатчилиги босқичида шаклланган борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг турли йўналишлари, Мусулмон минтақа адабиётининг ривожланиш босқичлари, Сомонийлар, араб ва форс тилларидаги шеърият, адаб илми, Адиб Аҳмад, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Мовароуннаҳр адабий мактаби.*

7. Инсоният тарихи - адабиёт тарихи кўзгусида.

Бадиий адабиёт санъатнинг бир тури. Агар илмий адабиёт инсоннинг мантиқий тафаккурига таянса ва унинг ақлий ривожига таъсир қилса, санъатнинг барча турлари инсон туйғуларининг тарбияловчисидир. Шу сабабдан санъат асарларининг шаклий жиҳатларини ўрганиш бу соҳа илмида муҳим ўрин тутади. Аммо барча бошқа санъат турларига қараганда адабиётнинг бутун инсоният ва ҳар бир инсон маънавий такомилида ўрни ва таъсири ўзгача аҳамият касб этади. Сабаби, бадиий адабиётнинг ифода воситалари асосан тил унсурларига таянади. Тил эса ўз навбатида инсон тафаккури билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, натижада инсоният тафаккурининг тараққиёти, айтиш мумкинки, адабиёт тарихи кўзгусида ёрқин аксини топади. Шулардан келиб чиқиб, инсоният маънавий такомилининг ажралмас ва муҳим қисми бўлмиш тафаккурий тараққиётида

қуйидаги **уч йирик давр**ни бошдан кечирганлиги адабиёт тарихини кузатганда ҳам равшан кўзга ташланади.

1) **Асотир тафаккур даври** – бу давр тарихий босқичлар нуқтаи назаридан олганда **ибтидоий жамоа босқичида** (*тош асри*) шакллана бошлаб, **илк шаҳар-давлатлар босқичида** (*бронза асри*) мукаммал тизим даражасига кўтарилади (“Авесто”, “Ведалар”, Қадим юнон асотирлари) ва **буюк салтанатлар – империялар босқичида** (*темир асри*) асотир тафаккур парчалана бошлаши билан асосан якунланади. Бу сўнгги босқичда аста-секин тарихий тафаккур, миллий тафаккур (яъни миллий ўзликни англаш), бадиий тафаккур, диний ва илмий тафаккур шакллари мустақиллик касб эта бошлайди. Қадим Юнонистонда асотир тафаккур бағридан униб чиққан **фалсафий тафаккур** уни ичдан емиришга бошлаган бўлса, бизнинг минтақада унинг ўрнини тарихий тафаккур эгаллай бошлагани Эронда "Худойнамак"лар, “*Карнамак Артахшер Папакан”* “*Аяткар е Зареран*” каби асарларда, туркий элатлар учун "*Култегин битиги", "Билка қоғон битиги", "Тўнюқуқ битиги"* каби ёзма ёдгорликларда намоён бўлди.

2) **Тавҳидий тафаккур даври –** тавҳидий динларнинг умумжаҳон миқёсида ёйилиши билан боғлиқ бўлиб, тарихан IV-V асрлардан бошланган бу жараён бизнинг мавзуимизга боғлиқ минтақада VIII-IX асрлардан авж олади ва то XV аср охиригача такомил топиб боради. (Европада бу жараён XVI аср бошларигача давом этиб, унинг юксак чўққисини **Ренессанс**, яъни **Уйғониш даври** ташкил этади).

3)**Янги давр,** ёки **илмий (дунёвий) тафаккур устунлиги даври –** Европада бу давр Мартин Лютер ва Жан Кальвинлар Реформациясидан бошланиб, инсон ақлига таяниш устунлиги билан кўзга ташланади ва бу тамойил XVIII аср француз Маърифатпарварлиги (Эпоха Просвещения) доирасида очиқ **даҳрийлик**нинг (*атеизм*) қатор таниқли файласуфлар (Ламетри, Гольбах, Гельвеций, Дидро) ижодида етакчи принципга айланишига олиб келади. Дунёвий илмларнинг беқиёс ривожи XIX-XX асрларда илмий-техник инқилоб ғалабасини таъминлаб, жаҳон миқёсида Европа маданияти анъаналари устунлиги ўрнатилишига моддий асос яратиб берди.

Юқоридаги даврлаштиришга мос равишда жаҳон адабиёти тарихида ҳам **уч йирик давр**ни ажратиб олиш мумкин бўлади. Аммо бу даврлаштиришнинг ҳар бир маданий минтақада баъзан бир-биридан кескин фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатлари мавжудки, уларни ҳисобга олмасдан бир минтақа қолипларини бошқа минтақа воқеликларига кўр-кўрона қўллашга уриниш яхши оқибатларга олиб келмайди.

8. Мусулмон минтақа маданияти доирасида маънавий такомил жараёни ва бадиий адабиёт ривожи

Аввало янги форс (дари) тилида яратилган адабиёт шаклланган ижтимоий-маънавий муҳит ҳақида гапирадиган бўлсак, Қуръони карим оятлари нозил этила бошлагач, дастлаб VII аср давомида Арабистон ярим оролида *Тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний бирodарлик жамоаси - "умма" тушунчаси* шаклланган бўлса, VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларидан (750 йил - Абу Муслим қўзғолони ва Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши, 813 йилда Маъмуннинг халифалик тахтига ўтириши натижасида) минтақанинг уч буюк халқи - араб, форс ва туркий элатлар аро сиёсий қудратда ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди, яъни Исломнинг асл ғояси - *мусулмон умматининг тенглиги* амалда жорий бўлишига воқеъ имкон туғилди. Натижада ислом дини кенг тарқалган улкан бир ҳудудда ягона ғоя остида бирлашган яхлит **маданий минтақа** ташкил топди ва у VIII-XV давомида маънавий жиҳатдан узлуксиз такомил топиб борди. Ушбу маънавий такомил жараёнини муайян даражада умумлаштириб қуйидаги 4 босқичга ажратиш мумкин:

2-жадвал.
МУСУЛМОН МИНТАҚА МАДАНИЯТИ ДОИРАСИДАГИ МАЪНАВИЙ ТАКОМИЛ БОСҚИЧЛАРИ

Мусулмон минтақа маданиятининг ривожланиш босқичлари	Тарихий давр	Шахс ва миллат маънавиятининг такомил босқичлари ёки маърифат йўллари
I Сунна	VIII-IX Асрлар	***Ибрат***
II Мусулмон маърифатчилиги	X-XI Асрлар	***Илм***
III Тасаввуф тариқатлари ёҳуд Ирфон	XII-XIII Асрлар	***Риёзат***
IV	XIV-XV	***Меҳр***

“Мажоз тариқи”[1]	Асрлар	

Ушбу маънавий такомил жараёнининг бош ғояси **Тавҳид таълимоти** бўлиб, бу таълимотнинг мазмун-моҳияти асрлар давомида буюк аждодларимиз томонидан борган сари теранроқ англаб етилди ва шунинг асосида мукаммал маънавий-ижтимоий қарашлар тизими ишлаб чиқилди. Бу жараёнда **бадиий адабиёт**нинг алоҳида, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи ўрни бўлганлиги диққатга сазовордир.

III-IX асрларни ўз ичига олган **Сунна босқичи** Тавҳид Ҳақиқатини бутун кўлами билан англаб етишнинг дастлабки поғонаси бўлиб, бу босқичда Пайғамбаримиз(сав) суннатларининг асоси бўлмиш ҳадис илми мукаммал даражага кўтарилди ва энг мўътабар олти ҳадис тўплами тузилди. Бу босқичнинг етакчи тамойили **Ибрат маърифати**да ифодаланади, яъни Сунна ибрат орқали эътиқод бўлиб, Муҳаммад (сав) ибрати асосида Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини, унинг чексиз қудратини, Халлоқи олам, яъни Борлиқнинг ягона яратувчиси ва эгаси эканлигини тан олиш ва бунга чин дилдан эътиқод қилишни англатади. Рус тилидаги “*единобожие*” (яккахудолик) атамаси айни шу маънони ифодалаб келади.

Бу даврда бадиий адабиёт бутун минтақа бўйлаб асосан араб тилида яратилди. Аммо “*араб тилидаги адабиёт*” дегани соф маънодаги “*араб адабиёти*” тушунчасини англатмайди. Чунки бу адабиёт фақат араблар юртида ягона бир миллат вакиллари томонидан эмас, балки бутун ислом минтақасида ислом динини қабул қилган барча халқларга мансуб ижодкорларнинг умумий ҳаракати натижасида шаклланди ва ривож олиб борди. Жумладан, бу давр араб тилидаги адабиётнинг буюк вакиллари Ибн ал-Муқаффа (724-759), Башшар ибн Бурд (714-784), Абу Нувас (762-813) каби сиймолар томирида аъжам қони оққанлиги маълум.

Ислом минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил жараёнининг иккинчи босқичи **Мусулмон маърифатчилиги босқичи** бўлиб, X-XI асрларда ўзининг энг юксак такомилини намоён қилган ва Тавҳид Ҳақиқатини мантиқий тафаккур даражасида англаб етишга эришилган бу босқичдаги етакчи тамойилни **Илм маърифати** деб таърифлаш мумкин.

Инсон маънавий такомилидаги бу инқилобий ўзгаришнинг мазмун-моҳияти шундаки, охирги илоҳий калом – Қуръони карим оятларига таянган

[1] Охирги босқичнинг номланиши Алишер Навоийнинг форс мумтоз шеърияти намояндалари ижодий методи – “*бадиий ижод тариқи*”га оид мулоҳазалари асосида белгиланди. Қаранг: Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. (А.Н.Кононов тайёрлаган йиғма матн.) –М.-Л., 1948. –С. 26-28. Бу масалалар М.С.Имомназаровнинг Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари (Т., “Шарқ”, 1996, 22-114 саҳ.) ва Миллий маънавиятимиз асослари (Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006, 105-205 саҳ.) асарларида батафсил кўриб чиқилган.

ҳолда инсоният Ибтидоий жамоа, қисман Қадимги дунё ва Ўрта асрлар одамининг асосий фикрлаш тарзи бўлмиш ***асотир тафаккур*** (яъни ғайб олами ва мавҳум тушунчаларни моддий ашё ва ҳодисаларга боғлиқ ҳолда тасаввур қилиш) даражасидан юқори кўтарилиб, ҳозирги замоннинг **асосий тафаккур турлари** бўлмиш ***мантиқий тафаккур*** (яъни сабаб-оқибат боғланишлари асосида фикр юритиш), ***тимсолий тафаккур*** (яъни ўз фикрини рамз ва тимсоллар воситасида ифодалаш), ***тарихий тафаккур*** (турли манбалар орқали аниқланган маълумотларга таяниб хулосалар қилиш), ***эвристик тафаккур*** (асосий тафаккур турларидан, илоҳий илҳом, илмий ва бадиий ижод жараёнида тамомила янгича ғоялар, ечимлар, тимсол ва тасаввурларнинг яхлит шаклланиши), ***ирфоний тафаккур (***мураккаб таркибли тафаккур турларидан, илоҳий илҳом, риёзат ва илоҳий жазба натижасида ҳосил қилинган ладуний билимларни тимсол ва ишоралар воситасида ифодалаш) каби замонавий фикрлаш тарзлари шакллана бошлади. Бора-бора улар асосида минтақанинг забардаст шоир ва адиблари, қомусий алломалари ижодида хилма-хил **мураккаб таркибли тафаккур турлари**: *фалсафий тафаккур* (мантиқий ва эвристик тафаккур асосида Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга уриниш), *илмий тафаккур* (мантиқий ва эвристик тафаккурга ҳамда махсус амалий тажрибаларга таянган ҳолда муайян назарий муаммони ҳал қилишга уриниш), *риёзий (математик) тафаккур* (аниқ формулалар, чизмалар, тенгламалар, рақамлар нисбати воситасида ўз фикр ва ғояларини ифода этиш), *эстетик тафаккур* (муайян ҳаётий ҳодисаларга гўзаллик ва ички уйғунлик талабларидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш), *бадиий тафаккур* (асосан тимсолий ва эвристик тафаккур асосида ижодкорнинг Борлиқ ҳақиқати ҳақидаги ўз тасаввурларини. ҳаётий ёки хаёлий тимсоллар тизими воситасида моделлаштириши бўлиб, бадиий тимсол ҳақиқатни ўзида тўлиқ ифодалашга даъво қилмайди, фақат унинг баъзи қирраларига ишора қилади), *ахлоқий тафаккур* (инсонларнинг амалий фаолиятини муайян маънавий-ахлоқий тартиб-қоидалар нуқтаи назаридан баҳолаш), *сиёсий тафаккур* (ижтимоий ҳодисаларга муайян сиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндошиш), *ҳуқуқий тафаккур* (инсонларнинг хатти ҳаракатларига муайян қонунлар билан белгиланган ҳуқуқий нормалар нуқтаи назаридан ёндошиш) каби Борлиқни идрок этишнинг янгича усуллари мукаммал шаклланди.

Бу босқични "***Мусулмон маърифатчилиги***" деб аталишининг сабаби бу даврда яшаб ўтган улуғ қомусий алломаларимиз исломгача инсоният ҳосил қилган барча билимларни қиёсий тадқиқ этиб, инсоният англаб етган барча мавжуд билимлар моҳиятан Тавҳид эътиқодига мувофиқ эканлигига амин бўлдилар. Шунга кўра минтақа халқлари томонидан Тавҳид таълимотини тушуниш ҳам такомиллашиб, ягона Аллоҳга сиғиниш маъноси Аллоҳ яратган Борлиқнинг ягоналиги (русча "*единобытие*") ва уни Аллоҳ ато этган ақл ва мантиқий тафаккурга таяниб ҳар жиҳатдан ўрганиш, у ҳақда жиддий билим ҳосил қилиш фарз эканлигини англаб

етиш даражасига кўтарилди. Бу даврда Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг асосан ақлга, мантиқий тафаккурга таянувчи қуйидаги турли мувозий (параллел) йўналишлари шаклланди:

3-жадвал.

Мусулмон маърифатчилиги босқичида шаклланган борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг турли йўналишлари
("Ҳақиқат изловчи"ларнинг 4 тоифаси):

(**Имом Абу Ҳамид Ғаззолий** (1058-1111)нинг "*Ал-Мунқиз мин ад-далал*" ва **Умар Хайём** (1048-1122)нинг "*Дархостнома*" асарлари асосида)

Йўналишлар *(тоифалар)*	Асосий оқимлари	Асосчилари ёки машҳур вакиллари
А) Калом (***Мутакаллимлар***)	**1) Мўътазила** **2) Ашъария** **3) Мотуридия**	**Восил ибн Ато** (699-748) **Абул Ҳасан ал-Ашъарий** (873-935) **Абу Мансур Муҳаммад ал-Мотуридий ас-Самарқандий** (870-944)
В) Фалсафа ***(Файласуфлар)***		**Абу Наср Форобий** (873-950) **Абу Али ибн Сино** (980-1037),
Б) Ботиния ***(Ботинийлар)***		**"Иҳвон-ус-сафо"** илмий гуруҳи (X аср) (52 рисоладан иборат қомусий мажмуа яратган) Бадаҳшонлик буюк шоир ва мутафаккир **Носир Хусрав** (1004-1088)
Г) Тасаввуф ***(Суфийлар)***		**Жунайд Бағдодий** (вафоти 910 йил) **Мансур Халлож** (858-922) **Абдуллоҳ Ансорий** (1006-1089), **Абусаид Абулхайр** (967-1049), **Абдулҳасан Хароқоний** (вафоти 1033 йил)

Бу даврга келиб энди ислом минтақасида бадиий адабиётнинг ҳам қамрови ва кўлами кенгайиб, араб тилидаги адабиёт ёнига Хуросон ва Мовароуннаҳрда форсий ва туркий тиллардаги мумтоз шеърият қўшилди. Қудратли маҳаллий ҳукмдорлар – Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар саройлари доирасида мустақил адабий мактаблар шаклланди.

9. Минтақада форс тилидаги мумтоз шеъриятнинг шаклланиши ва илк ривожи. Рудакий ва Мовароуннаҳр шеърият мактаби

Мусулмон минтақа адабиёти VIII-XV асрлар мобайнида **дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантириш** нуқтаи назаридан катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. VIII - IX асрлар араб мумтоз адабиётида "янгиланиш" ҳаракатига асос солган Башшар ибн Бурд (714-784), Ибн ал-Муқаффа (724-759), Абу Нувос (762-813), Абул Атахия (748-825) каби машҳур шоир ва адиблар ижоди билан бошланади. Бу даврда кенг маънодаги **адаб илми**га асос солинди. Ибн ал-Муқаффанинг (724-759) «*Ал-Адаб ас-Сағир*», «*Ал-Адаб-ал-Кабир*» асарлари ёзилди. Халил ибн Аҳмад (718-792) луғатшунослик асосларига бағишланган «*Ал-Айн*» асари таркибида аруз илмининг назарий асосларини яратиб, ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшуносликка замин ҳозирлади. Кейинги аср охирида Ибн ал-Мутазз (861-908) адабиётшуносликнинг яна бир таркибий қисми «*илми бадеъ*» (шеърий санъатлар ҳақида илм)ни кашф этди. Алишер Навоий гувоҳлик беришича, шу забардаст сиймолар орасида ислом даврининг илк туркий шоири **Адиб Аҳмад** ҳам бор эди. **Адиб Аҳмад** биринчилардан бўлиб Расулуллоҳ ҳадисларига туркий тилда шеърий шарҳлар бағишлаган аллома шоирдир[1]. IX асрда Эрон ҳудудида ҳануз паҳлавий тилида йирик асарлар ("*Денкарт", "Бундахишн*") яратилмоқда эди. Янги форс тилида яратилган шеъриятдан фақат Аббос Марвазий, Ҳанзала Бодғисий (ваф. 835 йил), Абу Ҳафс Сўғдий(ваф. 832 йил), Абу Солик Гургоний, Маҳмуд Варроқ Ҳаравий (ваф. 841 йил), Фируз Машриқий(ваф. 895 йил)лар ижодидан жуда кам намуналар етиб келган[2]. Агар минтақа миқёсида мумтоз адабиётнинг ривожига эътибор берадиган бўлсак, бу жараённи умумлашган ҳолда қуйидаги жадвал шаклида ифодалаш мумкин.

[1] Адиб Аҳмад Югнакийнинг яшаган даври ҳақида фанда баҳсли фикрлар мавжуд. Аммо биз бу борада Навоий келтирган нақлни рад этишга арзигулик жиддий далил-исботни учратмадик.

[2] Литература Востока в Средние века.Часть II. –М.: Изд. МГУ, 1970, с.28-40. Устоз Шоислом Шомуҳамедовнинг "Форс мумтоз адабиёти(X-XV асрлар)" китобида (Тошкент, 2011, 256 сах.) IX аср шоирлари ҳақида анча муфассал маълумотлар берилган (с. 8-13).

4-жадвал.
Мусулмон минтақа маданияти даврида мумтоз адабиётнинг ривожи

Тарихий давр	**Минтақа адабиётининг ривожланиш босқичлари**	**Таниқли Намояндалари**	**Мусулмон минтақа маданиятининг ривожланиш босқичлари**
VIII-IX Асрлар	Минтақада араб тилидаги адабиётнинг ҳукмронлиги	Башшар ибн Бурд, Ибн ал-Муқаффа, Абу Нувос , Абул Атахия , Адиб Аҳмад	**I Сунна**
X –XI асрлар	Форс ва туркий тилларда дунёвий адабиётнинг гуллаб яшнаши	Рудакий, Фирдавсий, Унсурий, Фаррухий, Манучеҳрий, Носир Хусрав, Юсуф Хос Ҳожиб, Абул Аъло ал-Маарри,	**II Мусулмон маърифатчилиги**
XII-XIII Асрлар	Минтақада фалсафий-ирфоний адабиётнинг гуллаб-яшнаши	Саноий, Анварий, Хоқоний, Низомий, Аттор, Румий, Ибн ал-Фарид, Саъдий, Аҳмад Яссавий, Қул Сулаймон	**III Тасаввуф тариқатлари ёҳуд Ирфон**
XIV-XV Асрлар	Форс ва туркий тиллардаги “***мажоз тариқи”*** адабиётининг гуллаб-яшнаши	Амир Хусрав, Ҳожу Кирмоний, Ҳофиз, Убайд Зоконий, Лутфий, Жомий, Алишер Навоий	**IV “Мажоз тариқи”**

Агар соф форс мумтоз адабиёти маънавий такомил жараёнига тўхталадиган бўлсак, таассуф билан қайд этиб ўтишга тўғри келади-ки, то ҳанузгача на Эрон, на Европа адабиётшунослари бу жараённи адабиётнинг мустақил маънавий моҳиятидан келиб даврлаштиришга эришганлари йўқ. Маликашшуаро Баҳорнинг форс насри услубий ривожланишига оид тадқиқотларига таянган ҳолда бу борада муайян таклифларни олға сурган рус шарқшунос олималари яна Ўрта асрлар Европа адабиётига нисбатан қўлланиладиган ***"художественный канон"*** тушунчасини муаммога

татбиқ этишга уриниб қониқарли натижаларга эриша олмаганлар[1]. Алломанинг хулосалари биринчидан айни форс насри услубий ривожига алоқадор бўлиб, мумтоз адабиётда етакчи мавқеъда бўлган шеъриятга оид махсус тадқиқот бошланиш жараёнида чала қолиб кетган[2]. Қолаверса, услуб (форсийда "сабк") кўпроқ шаклга оид бўлиб, адабиётнинг мазмуний такомилини тўлиқ қамраб ола олмайди. Умуман, ҳар бир мавзунинг назарий таҳлилида унга бегона назарияларни аралаштирмай, унинг ўз ички хусусиятларидан келиб чиқилса, адашилмайди. Бу соҳада биз академик Е.Э.Бертельс йўлидан бориб, Имом Ғаззолий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий каби ўша давр минтақа маданиятининг улуғ вакиллари асарларида ўз аксини топган назарий кузатишлар билан адабий жараёндаги ички ўзгаришларни қиёслаш натижасида форс тилидаги мумтоз адабиётнинг 6 асрлик мазмуний тараққиёт йўлини қуйидаги **уч катта босқичга** ажратиб жадвалга туширдик.

5-жадвал.
Форс тилидаги мумтоз шеъриятнинг тараққиёт босқичлари[3]

Тарихий давр	**Форс мумтоз шеъриятининг маънавий тараққиёт босқичлари**	**Ҳар бир босқич адабиётининг етакчи мавзу тамойиллари**	**Ҳар бир босқичда ишқ мавзусининг талқини**
IX аср охири – XI аср	Дунёвий мазмундаги мумтоз шеърият	Мадҳиявий қасидалар, ишқий ғазаллар, ҳажв, тарихий ва ишқий достонлар	Дунёвий ишқ
XII-XIII Асрлар	Тасаввуфий-ирфоний шеъриятнинг юксалиши	Фалсафий қасидалар, ишқий-ирфоний ғазаллар, ирфоний достон ва маснавийлар	Ирфоний (илоҳий) ишқ (“*ишқи ҳақиқий*”)
XIV-XV Асрлар	Эпик ва лирик шеъриятда	Турли жанрдаги ишқий-ирфоний ва ижтимоий	Мажозий ишқ *(“хавос*

[1] Қаранг: Ардашникова А.Н., Рейснер М.Л. История литературы Ирана в Средние века (IX-XVII вв.): Моск. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова. Ин-т стран Азии и Африки. - Москва: Ключ-С, 2010.- 504с.

[2] Қаранг: Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е шеър-е фарси (форс тилида – Бахтиёрий нашри). Теҳрон, 1962; Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е шеър-е фарси (форс тилида - Тақи Бинеш нашри). Теҳрон, 1956.

[3] Ушбу жадвал китоб охирроғида яна қайтарилади.

	“***Мажоз тариқи”*** адабиётининг Етакчилиги	мазмундаги шеърлар, Мажозий ишқни куйловчи достонлар (хамсачилик анъаналари ривожи)	*ишқи*”)

Албатта, бу жадвал форс адабиётининг, хусусан, шеъриятнинг мазмуний такомилидаги етакчи хусусиятларнигина акс эттиради ва ҳаётий жараённинг бутун мураккабликларини ўзида акс эттиришга даъво қилмайди. Келгуси дарсларимиз ушбу жадвалда акс этган мураккаб жараённи тарихий далиллар асосида имкон даражасида кенгроқ изоҳлашга бағишланади.

Форс тилидаги ҳақиқий мумтоз адабиёт дастлаб IX аср охирлари - X аср биринчи ярмида Мовароуннаҳрда Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида шакллана бошлади. Бунинг ўзига яраша тарихий шарт-шароитлари бор эди.

Отаси Хорун ар-Рашид томонидан Хуросон ва Мовароуннаҳрга ноиб қилиб тайинланган кичик ўғил Маъмун ўз атрофига маҳаллий халқларнинг йирик зодагонлари, олимлар ва ижод аҳлини тўплай бошлади. Хорун ар-Рашиддан сўнг халифалик тахтига ўтирган катта ўғил Амин сиёсатидан норози бўлган аъжам халқларининг жасур саркардаларига таянган Маъмун **813 йилда** халифаликни акасидан тортиб олгач, ўз атрофидагиларга катта лавозимлар инъом этди. Жумладан, **Тоҳир ибн Ҳусайн**га Хуросон ўлкасини бошқариш, **Асад ибн Сомон** ўғиллари - **Нуҳ ибн Асад**га (ваф. 841) – Самарқанд, **Яҳё ибн Асад**га – Шош ва Усрушана, **Илёс ибн Асад**га – Ҳирот, **Аҳмад ибн Асад**га (ваф. 864) – Фарғона ҳокимлиги топширилди. Шундай қилиб, 821-873 йиллари Хуросонда **Тоҳирийлар** сулоласи ҳукмдорлик қилган бўлса**,** акалари вафотидан сўнг **Аҳмад ибн Асад** Самарқандга кўчиб келиб, бу ерни ўз пойтахти деб эълон қилади ва шу билан Мовароуннаҳрнинг асосий қисми (Хоразм ва Чағониёндан ташқари) **Сомонийлар** тасарруфига ўтади. 873 йили Хуросонда **Ёқуб ибн Лайс** қўзғолон кўтариб, Нишопурни босиб олди ва **Саффорийлар** (мисгарлар) сулоласига (873-903) асос солди. Аммо Бухоро Саффорийларга бўйинсунмади ва **Сомонийлар** ихтиёрига ўтди. Отасидан сўнг тахтга ўтирган **Наср ибн Аҳмад** (864-892) 875 йилда Мовароуннаҳрни бошқаришга халифадан расман ёрлиғ олди ва укаси **Исмоил**ни Бухорога ҳоким қилиб тайинлади. 900 йили **Амр ибн Лайс** Балх яқинида Исмоилдан енгилиб, Хуросон, Табаристон, Гургон, Сийистон ва Рай ўлкалари ҳам **Сомонийлар** қўлига ўтди.

Наср ибн Аҳмад ва Исмоил Сомонийлар даврида Самарқанд ва Бухорода ижод аҳли учун қулай шароит вужудга келиб, **Абу Абдуллоҳ Рудакий** етакчилигидаги бақувват форс шеърият мактаби шаклланди. Бу мактаб, айниқса, **Аҳмад ибн Исмоил** (907-913) ва **Наср ибн Аҳмад II** (913-943) даврларида гуллаб-яшнаб, ўзининг олий босқичига кўтарилди.

Тадқиқотчиларнинг охирги ҳисоб-китобларига биноан **Абу Абдуллоҳ Жаъфар бин Муҳаммад Рудакий** тақрибан 858 йилда ҳозирги Тожикистоннинг Панжикент туманидаги Панжруд қишлоғида ўртаҳол оилада дунёга келган (вафоти 941 йил). Самъоний (ваф. 1167 йил) ўзининг "*Китоб ул-ансоб*" асарида уни "*самарқандлик шоир*" деб атайди. Наср ибн Аҳмад I умрининг охиригача Самарқандда ҳукмдорлик қилганлигини ҳисобга олсак, шоир ижодининг дастлабки даври (30-35 ёшларигача) Зарафшон воҳасида ўтганлигини тасаввур қилиш мумкин. Бухоронинг Сомонийлар пойтахтига айланиши Исмоил ибн Аҳмад давридан, яъни IX асрнинг охирги ўнйиллигидан бошланади. **Рудакий**нинг Бухорога, шоҳ саройига расман таклиф қилиниши **Наср ибн Аҳмад II** ҳукмдорлик тахтига ўтирган йилларга тўғри келишини инобатга олсак, бу даврда у 50 ёшдан ошган машҳур шоир эди[1]. Демак, тарихда Бухоро адабий мактаби сифатида шуҳрат қозонган ижодий муҳит аслида анча кенг ҳудудни қамраб олади.

Манбаларда таъкидланишича, Рудакий жуда сермаҳсул ижодкор бўлган. Аммо, афсуски, бизнинг давргача унинг ижодий меросидан фақат икки минг мисрага яқин шеър етиб келган, халос. Буларнинг ҳам аксарияти турли тазкира ва луғатлар таркибида учрайдиган алоҳида байтлар ёки узуқ-юлуқ парчалардан иборат. Шоирнинг фақат икки қасидаси бизгача нисбатан тўлиқ етиб келган бўлиб, уларнинг биринчиси - "*Модари май"* (Майнинг онаси) аталувчи рамзий ҳикоятдан бошланувчи 94 байтли Сийистон ҳукмдори Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммадга бағишланган мадҳиявий қасида, иккинчиси - 34 байтли "*Шикоят аз пири*" (Кексаликдан шикоят) номланувчи қасидадан иборат. Бундан ташқари "Омад баҳор..." деб бошланувчи табиат мадҳига бағишланган бир қасиданинг 18 байти, яна бир 16 байтли мадҳиявий қасида, Абулҳасан Муродий вафоти муносабати билан 12 байтли марсия, яна бир киши вафоти муносабати билан яқинларига таскин бериш руҳида 12 байтли шеърни ҳисобга олмаганда қолган шеърий парчалар ҳеч бири 10 байтга бормайди. Турли луғатларда учрайдиган аксарият узиндилар эса бир ёки икки байтдан ошмайди. Биз шоир маҳоратидан намуна сифатида машҳур икки парчани келтириш билан чекланамиз.

---

[1] Рудакий яшаган давр, унинг ҳаёти, адабий мероси, ижодидаги етакчи мавзулар ҳақида мукаммал маълумот А.Мирзоевнинг Москвада нашр этилган "Рудакий. Жизнь и творчество" номли йирик тадқиқотида берилган. Ўзбек тилида илк марта Ш. Шомуҳамедовнинг 1963 йилда Тошкентда нашр этилган "Форс-тожик адабиёти классиклари" асарида шоир ҳақида алоҳида адабий портрет берилган эди (с. 9-40). Устознинг "Форс мумтоз адабиёти" китобида ҳам Рудакий ва замондошлари (Абул Ҳасан Шахид Балхий, Абулмуайяд Балхий, Абу Шукур Балхий, Робиа Киздорий, Кисоий Марвазий, Дақиқий) ҳақида анчагина муфассал маълумотлар келтирилган (с. 14-36). Умуман, бу давр шеърияти ҳақида батафсил маълумотлар кўплигини инобатга олиб (китоб охиридаги библиографияга қаранг), Рудакий ва замондошлари ижодига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим топилмади.

1) Май мадҳида:

بیار ان می که پنداری روان یاقوت نابستی
و یا جون برکشیده تیغ پیش افتابستی
بپاکی گویی اندرجام مانند گلابستی
بخوشی گویی اندر دیده بی خواب خوابستی
سحابستی قدح گویی و می قطره سحابستی
طرب گویی که اندر دل دعای مستجابستی
اگر می نیستی یکسر همه دلها خرابستی

اگر در کالبد جان را ند ید ستی شرابستی

اگر این می بابر اندر بچنگال عقابستی
از ان تا ناکسان هرگز نخوردندی صوابستی

2) Машҳур фи-л-бадиҳа айтилган қасиданинг бошланиш қисми:

بوی جوی مولیا ن اید ههمی
یاد یار مهربان اید ههمی
ریگ امو ودرشتیهای او
زیر پایم پرنیان اید ههمی
اب جیحون از نشاط روی دوست
خنگ مارا تا میان اید ههمی
ای بخارا شاد باش و دیر زی
میر زی تو شادمان اید ههمی
میر ماه است و بخارا اسمان
ماه سوی اسمان اید ههمی
میر سرو است و بخارا بوستان
سرو سوی بوستان اید ههمی

Ҳижрий 1335 йилда Теҳронда чоп этилган Мазоҳир Мусаффонинг "*Посдорони сухан*" китобининг "*Давраи нухустин. Аҳди Рудакий*" деб аталган қисмида 11 шоир асарлари ҳақида мулоҳазалар ўрин олган[1]. 1985 йилда рус тилида нашр этилган "*Рудакий ва унга замондош шоирлар*" китобида эса X асрда ижод этган 23 шоир ижодидан намуналар берилган[2]. Улардан 11таси – Абул Ҳасан Шахид Балхий, Фазл Рабанжоний, Фароловий, Абу Шукур Балхий, Башшар Марғозий, Робиа Каздорий, Абулмасал, Лавкарий Чангзан, Шокир Бухорий, Тайён Марғозий, Маъруф Балхий - Рудакий билан замондош

[1] Мазоҳир Мусаффо. Посдорони сухан. Чакомасароён. Жилди I. –Теҳрон, Чопи Сино, 1335ҳ. – Саҳ. 3-89.
[2] Рудаки и поэты его времени. «Сов. писатель». –Ленинград, 1985, –С.272.

бўлиб, бир вақтда, бир адабий доирада ижод қилишган. Булардан ташқари бошқа манбаларда Абулҳусайн Муродий, Абулмуайяд Балхий, Сипеҳрий Бухорий ва бошқаларнинг номлари учрайди. Бу давр шоирларининг баъзилари (Масалан, Шахид Балхий, Абулҳусайн Муродий Бухороий, Башшар Марғозий, Робиа Каздорий кабилар) икки тилда – араб ва форс тилларида ижод этишгани маълум. Бу давр шеъриятида араб адабиётининг таъсири остида қасида жанри етакчилик қилганини кўрамиз. Шу билан бирга форсизабон шоирлар ижодида қитъа, рубоий каби кичик ҳажмли шеърлар, ғазал жанрининг дастлабки намуналари, ҳамда маснавийда ёзилган асарлар ҳам учрайди. Эпик асарларнинг илк намуналари сифатида Рудакийнинг "*Калила ва Димна*", "*Синдбоднома*" деб номланувчи достонларидан сақланиб қолган айрим байтлар, ҳамда унинг ёш замондоши Абу Шукур Балхийнинг "*Офариннома*" асарини тилга олишимиз мумкин. Мутақориб вазнида панд-насиҳат йўсинида ёзилган бу маснавийдан 300 байтга яқини бизгача етиб келган.

X асрнинг иккинчи ярми Сомонийлардан **Нуҳ ибн Наср** (943-955), **Абдулмалик ибн Нуҳ** (955-962), **Мансур ибн Нуҳ** (962-977) ва ўлкадаги бошқа кичикроқ ҳукмдорлар – **Абу Яҳё Тоҳир Чоғоний** (987 йилда қатл қилинган), Мозандарон ва Табаристон ҳукмдорлари **Зиёрийлар** (Вушмгир - 935-967, Қобус ибн Вушмгир – 987-1012) ва бошқалар ҳомийлигида ижод қилган ўндан ошиқ шоирларнинг асарларидан намуналар бизгача етиб келган. Булардан Бадеи Балхий, Дақиқий, Тохир Чоғоний (юқорида номи тилга олинган Чоғониён амири), Мунджик Термизий, Хусравий Серахсий, Кисоий, Мантиқий Розий, Абу Тоҳир Хусравоний, Иморо Марвазий, Қамарий Журжоний, Абу Зираъа, Абулҳасан Оғожий асарларидан намуналар "*Рудакий ва унга замондош шоирлар*" китобида келтирилади. Бундан ташқари академик А.Мирзоев китобида[1] Абу Таййиб Мусъабий, Абу Абдуллоҳ Валвалижий, Абу Исҳоқ Жуйборий, Равнақий Бухорий, Маънавий Бухороий, Ҳаббоз Нишопурий, Абулфатҳ Бустий каби яна 10га яқин шоирларнинг номлари тилга олинади. Бу даврда эпик шеъриятга ва фалсафий мулоҳазаларга мойиллик ҳам кучайиб борди. Дақиқийга **Нуҳ ибн Мансур** (977-997) даврида шеърий "*Шоҳнома*"ни яратиш вазифаси юкланди, Абулҳасан Кисоий Марвазий (953-1049)нинг фалсафий-ахлоқий қасидалари дунёга келди.

Мавзу бўйича назорат саволлари:

1. Инсоният ўз тафаккурий тараққиётида қайси даврларни бошдан кечирган?

2. Тавҳидий тафаккур даври мусулмон минтақасида қайси асрларга тўғри келади?

[1] Мирзоев А. Рудакий. Жизнь и творчество. –М.: "Наука", ГРВЛ, 1968. –С. 48-61.

3. Мусулмон минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил босқичларини айтиб беринг.
4. Мусулмон минтақа адабиётининг ривожланиш босқичлари қайсилар?
5. Форс тилидаги мумтоз шеъриятнинг маънавий тараққиёт босқичларини санаб кўрсатинг.
6. Биринчилардан бўлиб Расулуллоҳ ҳадисларига туркий тилда шеърий шарҳлар бағишлаган аллома шоир ким?
7. X-XI асрлар шеъриятида қайси жанрлар етакчилик қилган?
8. Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги бақувват форс шеърият мактаби вакилларидан кимларни биласиз?
9. Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг қайси қасидалари бугунги кунгача тўлиқ етиб келган?
10. X асрнинг иккинчи ярми Нуҳ ибн Мансур даврида шеърий "*Шоҳнома*" яратиш вазифаси кимга юкланган эди?
11. Рудакийнинг қайси шеърларини ёддан айтиб бера оласиз?

ТЎРТИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *Ғазнавийлар ва Қорахонийлар сарой шеърияти ривожи, бу даврнинг етакчи шоирлари Унсурий, Фаррухий, Манучеҳрийларнинг қасидалари мисолида қасида жанри имкониятларини очиб бериш , Фирдавсий Тусийнинг "Шоҳнома"си, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" асари ҳақида умумий маълумотлар.* "*Гулшани адаб*" ва "*Сабақи Рудакий*" мажмуалари, "*Посдорони сухан*" китоби *XI аср форс тилидаги сарой шеърияти ҳақида. Мазоҳир Мусаффонинг Унсурийга муносабати ва бунинг сабабларига эътибор қаратиш.*

Фирдавсийгача ва Фирдавсий "Шоҳнома"ларида ўз аксини топган моҳиятан ўтмишга қаратилган сиёсий-мафкуравий йўналиш бўлган "шўубия" ҳаракати билан Унсурийнинг келажакка қаратилган янгича сиёсий-мафкуравий йўналишдаги шеърияти орасидаги маънавий мунозара моҳиятига талабалар диққатини жалб қилиш, даврнинг икки забардаст шоири Фаррухий Сийистоний ва Манучеҳрий Домғоний ижодий мероси, уларнинг бадиий маҳорати ва ижодий йўналишининг фарқли жиҳатларини улар шеъриятининг таҳлили орқали очиб бериш.

Таянч сўз ва иборалар: *Ғазнавийлар сарой шеърияти, Унсурий, сиёсий шеърият, Фирдавсий, "шўубия" ҳаракати. қасида жанри, Унсурий достонлари, Фарруҳий, Манучеҳрий, "Шоҳнома", мадҳиявий, сиёсий қасида, қасидада табиат тасвири, хамриёт ва юмористик қасида, ғазал жанри, араб, форс, туркий адабий тиллардаги мумтоз шеъриятда умумийлик ва фарқланиш.*

10. XI аср форс тилидаги сарой шеърияти

IX-X асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳар уч тилда асарлар яратилган бўлса, XI аср бошларидан араб тили асосан илм тили сифатида сақланиб қолиб, **Ғазнавийлар саройида** форс тилида ва **Қорахонийлар саройида** туркий ва форсий тиллардаги шеърият ривож топди. Бу даврда Унсурий, Фарруҳий, Манучеҳрий ва бошқалар форс тилида мадҳиявий қасиданинг мумтоз намуналарини яратган бўлсалар, **Фирдавсий Тусий (940-1020)** 60 минг байтли улкан тарихий эпопея – **"Шоҳнома"**ни қоғозга туширди. Туркий тилда замонасининг долзарб ижтимоий ва фалсафий қарашларини кенг кўламда акс эттирган **Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" достони** (1069 йилда ёзилган) дунёга келди. Кейинги икки асар шу даргача Эрон ва Туронда яралган бой маънавий мероснинг ўзига хос бадиий қайта ишланган қомуси эди. Араб тилида **Абул Аъло ал-Маарий** (973-1058)нинг юксак фалсафий мазмундаги асарлари ҳам шу давр маҳсули эди.

Ислом минтақа маданияти доирасида VIII-XI асрларда араб тилида ёзилган шеърият намуналарини ўзида жамлаган "*Йатимат ад-даҳр*" асарининг мусаннифи **Абу Мансур ас-Саолибий** 350ҳ./961м.да Нишопурда туғилди ва 429ҳ./1038м.да ўша ерда вафот этди. Унинг издоши "*Думят ул-қаср*"нинг муаллифи **Абул-Ҳасан ал-Бохарзий** 1074 йилда қатл этилди[1]. Араб мумтоз адабиётининг ҳақиқий равнақи ҳам айни шу асрларга тўғри келади, десак, кўп янглишмаймиз. Дарҳақиқат, агар андалуз шеъриятини айтмасак, бу тилда **ал-Маарриядан** кейин фақат **Ибн ал-Фарид** (1181-1234)нинг ишқий-ирфоний шеъриятидан бошқа жаҳон миқёсида ярқ этиб кўзга ташланадиган ижодкор учрамайди.[2] Минтақа миқёсида энди шеърият асосан форсий ва туркий тилларда яратила бошлади ва унинг шуҳрати жаҳонга таралди.

Тожикистонда нашр этилган "*Гулшани адаб*" мажмуасида X асрда яшаган шоирлардан фақат 3 киши – Рудакий, Дақиқий ва Робия шеърларидан намуналар берилган бўлса, *XI аср шоирларидан 16 ижодкорнинг асарлари ҳақида маълумотлар* мавжуд. "*Посдорони сухан*" китобининг "*Асри Шоҳноме. Аҳди Фаррухий ва Манучеҳрий*" деб аталган 2-қисмида 11та шоир асарларидан намуналар берилган бўлса, 1984 йилда Душанбеда чоп этилган "*Сабақи Рудаки*" мажмуасида XI асрнинг фақат биринчи ярмида яшаб, ижод этган жами **23 ижодкорнинг** шеърларидан намуналар йиғилган. Улардан энг машҳурлари **Айюқий, Унсурий** (965-1040), **Фаррухий** (980-1037), **Абу Али ибни Сино** (980-1037), **Манучеҳрий** (1000-1040), **Асжадий** (ваф. 1041),

[1] Абу Мансур ас-Саолибий**.** Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср. –Т.: "Фан", 1976. –Саҳ. 7-28.

[2] Ханна ал-Фахури. История арабской литературы. Том 2. –М.: Изд. иностр. лит., 1961**.** –С.484**.**

Абусаид Абулхайр (967-1049), Бобо Тоҳири Урён (ваф. 1055), Фахриддин Гургоний (ваф. 1063), **Абулқосим Фирдавсий** (932-1020), **Асадий Тусий** (1010-1073), **Носири Хусрав** (1004-1088), **Қатрони Табризий** (ваф. 1072)лар бўлиб, **Унсурий** девонидан 64 қасида, 12 ғазал, 66 рубоий (жами – 2500 байт), **Фаррухий**дан 213 қасида, 28 ғазал, 37 рубоий, 3 таржеъбанд (жами – 8875 байт), **Манучеҳрий**дан 57 қасида, 11 мусаммот, 2 ғазал, 66 рубоий ва ҳ.к. лар бизгача етиб келган. Бундан ташқари **Фирдавсий**нинг 60 минг байтли "*Шоҳнома*"си, Айюқийнинг "*Варқа ва Гулшоҳ*" (2100 байт), **Фахриддин Гургоний**нинг "*Вис ва Ромин*" достонлари тўлиғича, **Унсурий**нинг "*Вомиқ ва Узро*" достонидан 515 байт, **Асадий Тусий, Носир Хусрав, Қатрон Табризий** каби сермаҳсул шоир ва адибларнинг девонлари ва бошқа йирик асарлари бизгача етиб келганини назарда тутсак, орадаги фарқ жуда катта эканлиги равшан бўлади.

Бу даврда ҳануз аксарият шоирлар ижодида қасида жанри етакчилик қилади. Масалан, **Носир Хусрав**нинг Кобулда нашр этилган девонининг 1-жилдида 530 саҳифада **278 қасида** ва 4тагина рубоий келтирилган бўлиб, қасидаларнинг 242таси деярли тўлиқ ва қолганларидан 15-2 байтлар орасида сақланиб қолган парчалардан иборат. Бу нуқтаи назардан 1088 йилда вафот этган **Носир Хусрав** девонининг XI асрнинг биринчи ярмида ижод этган **Унсурий** ва **Фаррухий** девонларидан таркибий жиҳатдан деярли фарқи йўқлиги очиқ кўринади.

11. Шўубия ҳаракати ва Унсурий ижодининг ижтимоий аҳамияти

Академик Евгений Эдуардович Бертельснинг "*Балхлик Хаким Унсурий"* ("***Хаким Унсурий из Балха***") асари ўз вақтида нашр этилмади. 1938 йилгача яратилган бу йирик тадқиқот фақат 1988 йилда олим асарларининг охирги (5-нчи) жилдида китобхонлар қўлига етиб келди[1].

Ушбу тадқиқот ўз моҳияти ва муаммога ёндошувига кўра **Унсурий** ҳақида шу пайтгача Эрон ва жаҳон олимлари томонидан эълон қилинган аксарият мулоҳазалардан кескин фарқ қилади. Масалан, "*Посдорони сухан"* китобининг мусаннифи **Мазоҳир Мусаффо Унсурий** ижодини ёритишга китобида **57 саҳифа** (с. 92-158) ажратганига қарамай, тегишли фаслнинг бошиданоқ уни Фирдавсийга қарши қўйиб жуда қаттиқ қоралайди, унга "*зарпарастлик*", лаганбардорлик, ялтоқилик, риёкорлик, ҳасадгўйлик, ичиқоралик каби қатор айбларни юклайди. Лекин унинг

[1] Ваҳоланки, "Танланган асарлар"нинг 3- ва 4-жилдлари 1965 йилдаёқ чоп этилган эди.

шоир учун энг оғир айблови қуйидагича ифодаланган: “*Ба ҳар сурат шеъри Унсурий агар ҳамайи жиҳатҳойи фасоҳат ва балоғатро дорост, чун ҳаргиз дили моро наларзонда ва шўри дар хотири мо наянгихтааст ва аз ҳуляйи завқ ва ҳол урён аст, ба ҳеч рўй наметавонад дар шумори шеър ба маънийи воқеъи қаламдод гардад, ... шеъри у на ҳаргиз ғами аз дил намебарад, на важду ҳоли ижод мекунад, на шавқу шўри меянгизад, зеро ангихтайи эҳсоси даруни ва зойидайи завқ ва ҳол нест.”*[1] (“Қандай бўлмасин, агар Унсурийнинг шеъри фасоҳат ва балоғатнинг барча талабларига мувофиқ келганда ҳам бизнинг дилимизни титратмагач ва онгимизни жунбишга келтирмагач, кишига завқу ҳол ато этишга қодир бўлмаганлик сабабидан ҳақиқий маънодаги шеър деб аталишга лойиқ эмас, ... унинг шеърлари на дилдан ғамни кетказади, на кўнгилда завқу шавқ уйғотади, чунки уларда ботиний туйғуларни қўзғотувчи ва завқу ҳол туғдирувчи қувват мавжуд эмасдир”). Яъни ҳозирги замон эронлик шеършуноснинг фикрига кўра, Унсурийнинг шеърлари асл маъносида умуман шеър эмас. Кўриниб туриптики, ушбу мулоҳазаларда масалага тарихий ёндошув, замон ва макон талаблари мутлақо инобатга олинмаган.

Маълумки, X-XI асрлар минтақада ақл ва мантиққа таяниш биринчи ўринга кўтарилган давр эди. **Унсурий** қасидалари айни шу замоннинг маҳсули ва замон талабига мукаммал жавоб берар эди. Буни академик Е.Э.Бертельс ўз тадқиқотида ҳар жиҳатдан исботлаб берди. Олимнинг тўғри таъкидлашича, Унсурийнинг Маҳмуд Ғазнавийга бағишланган қасидалари соф **сиёсий шеърият** намуналаридир ва улар айни шу жиҳати билан ўз даври учун ғоят қимматли саналган. Бу даврда сиёсий-мафкуравий майдонда икки йўналиш орасида ҳаёт-мамот кураши борар эди ва бу курашнинг шеъриятда ном қозонган икки паҳлавони – бири **Фирдавсий** бўлса, иккинчиси **Унсурий** эди. Икки йўналишнинг бири ўтмишга қаратилган бўлса, иккинчиси келажакка йўналтирилган эди. Ўтмишга қаратилган сиёсий-мафкуравий йўналишнинг номи тарих китобларида “**шўубия**” атамаси билан шўҳрат топган бўлиб, дастлаб минтақада араблар ҳукмронлигига қарши қаратилган бўлса, кейинчалик Эрон ҳудудида маҳаллий эрон аристократиясининг янги туркий сулолалар ҳукмронлигидан қутулиш, 400 йиллик Сосонийлар давру-давронини қўмсаш орзусидаги интилишларини ифодаловчи ҳаракатга айланган эди. Агар “**шўубия**” ҳаракатининг биринчи даври Абу Муслим бошчилигида ғалабага эришган, минтақада охир-оқибат араб, форс, турк халқлари вакилларининг ўзаро сиёсий мувозанатини таъминлаган бўлса, унинг иккинчи даври энди очиқдан-очиқ ўтмишни қўмсашга айланган бўлиб,

[1] Посдорони сухан. –С.96.

бадиий ижодда **Масъуд Марвазий, Абулмуайяд Балхий, Абу Али Балхий ва сипоҳсолор Абу Мансур ибн Абдураззоқ** ташаббуси билан яратилган турли "*Шоҳнома*"лар бу интилишнинг ёрқин намуналари сифатида тилга олиниши мумкин. Бу асарларнинг барчаси қадим эроний сулолалар тарихига оид паҳлавий тилида битилган "*Ҳудойнамак*"ларга таяниб ёзилган бўлиб, ўтмиш тарихни улуғлаш руҳида яратилганлигига шубҳа қилмаса бўлади. Дақиқий ва Фирдавсий яратган шоҳ асар қаршисида бу илк ҳаракатлар ўз қийматини йўқотиб, тарихдан ўчиб кетди ва бизгача улар ҳақидаги узуқ-юлуқ маълумотларгина етиб келди, холос. **Фирдавсий**нинг 60 минг байтли буюк эпопеяси фақат охирги бобларини айтмасак, буткул **Эрон** ва **Турон** ҳукмдорлари орасидаги зиддиятга эътибор қаратган. Чунки бу даврда араблар ҳукмронлиги амалда деярли барҳам топган бўлиб, сиёсий ҳокимият масаласида туркий-форсий сулолалар зиддияти кескинлашган эди. Маҳмуд Ғазнавийнинг **Фирдавсий**га муносабати ҳам айнан шоирнинг сиёсий-ғоявий йўналиши билан боғлиқ эди. Тарихий-илмий адабиётларда бу хусусда батафсил таҳлиллар мавжуд. Аммо иккинчи сиёсий-мафкуравий йўналиш ҳақида биринчи марта аниқ далиллар асосида мукаммал ва холис тадқиқот ўтказиш ишини улуғ рус олими академик **Е. Э. Бертельс** амалга оширди.

Унсурий шу иккинчи йўналишнинг асосий вакили ва етакчиси эканлиги унинг қасидалари мазмунида аён бўлади. Мана унинг машҳур қасидалардан бирининг бошланиши:

Тавонгарию бузургию коми дил ба жаҳон
Накард ҳосил кас жўз ба хидмати султон.
Йамини давлат к-айёми у шавад маймун,
Амини миллат к-имон аз у шавад тобон.
Ҳама иноятн яздон ба жумла баҳрайи уст,
Че баҳра бошад беш аз иноятн яздон.
Агар ба қавли фақиҳону аҳли илм рави
Гузидаш изаду бо у ба фазл кард эҳсон.
Бахост изад к-у хусрави жаҳон бошад,
Аз он че изад хоҳад гўрихтан натвон.
Қазойи Ҳақ аст ин мулк-у подшоҳийи у,
Раво набошад андар қазо бувад нуқсон.
Бад-он каси ки бувад никхоҳи у изад,
Агар каси бад хоҳад бад-у расад ҳазлон.
Бад-он ки ҳар че худойи жаҳон писандидаст
Агар каси написандад аз-у бувад куфрон...[1]

[1] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. –М.: ИВЛ, 1960, стр.317. (Алоҳида кўрсатилмаган ўринларда бу бобда келтирилган мисоллар ушбу

(Қудрату ҳашамату кўнгил истакларига
Бу жаҳонда фақат султон хизматида эришиш мумкин.
Йамин уд-Даула, ки унинг айёми саодатли бўлсин,
Амин ул-Милла, ки миллат имонининг яшнаши у биландир.
Тангри иноятн тўлиқ унинг насибасидир.
Тангри иноятидан ўзга қандай насиба бор?
Агар фақиҳлару илм аҳлига қулоқ солсанг,
Тангри уни ёрлақаб, уни танлаганини англаб етасан.
Тангри ирода этдики у жаҳон ҳукмдори бўлди,
Тангри ирода этдими, ундан қочиб бўлмас.
Ҳақ таоло қазосидир бу мулку унинг подшоҳлиги,
Ҳақ таоло қазосига нуқсон номуносибдир.
Агар кимгаки худо яхшилик раво кўрса,
Унга ёмонлик соғинган ўзи забун бўлгай.
Билки, жаҳон ҳукмдори мақбул топганини
Кимки номақбул билса, бу унинг куфрга кетганидир...)

Ушбу мисраларда **Унсурий** келажакка қаратилган янгича сиёсий-мафкуравий йўналишни ўз замонасига яраша назарий жиҳатдан тўлиқ исботлаб бермоқда. Албатта, бу шеърдан **Мазоҳир Мусаффо** кутган руҳоний завқу лаззатни умид қилиш бефойда. Аммо бундай руҳдаги қасида Маҳмуд ибн Сабуктегин қалбида шоирга нисбатан қандай меҳр туйғуларини уйғотганини тасаввур қилса бўлади.

Шоирнинг барча қасидалари шу руҳда ўзининг ҳақлигига қатъий ишонч билан ёзилган. Биз икки йўналишдан қайбири ҳақ эканлиги ҳақида баҳс очмаймиз, аммо бир тарихий ҳақиқат маълумки, Унсурий давридан то XX аср бошларигача Эрон тахтига форсийнажод сулолалар кўтарилмади, мамлакат тақдири минг йил давомида туркийнажод сулолалар қўлида қолиб кетди. Шеърият эса форс тилида ривожланди, ҳатто Низомий, Деҳлавий сингари туркий миллат вакиллари ҳам форс тилида ижод қилиб мумтоз форс адабиёти такомилига ҳисса қўшдилар. **Унсурий** ёқлаган йўналишнинг келажакка қаратилганлигининг маъноси шунда.

Унсурийнинг сарой шоири сифатидаги омади яна шунда эдики, у ўз мамдуҳини кўкларга кўтариб мақташ учун ўзини қийнаб ҳукмдорнинг ҳаётда бўлмаган сифатларини ўйлаб топиш, турли сўз ўйинлари воситасида унга ёлғон фазилатларни ёпиштириш, хаёлий жасорат ва қаҳрамонликлар, ғалаба ва ютуқларни йўқдан бор қилиш заруратини сезмади. **Султон Маҳмуд Ғазнавий** воқеан ўта моҳир сиёсатчи, зукко лашкарбоши ва салобатли ҳукмдор эди. Унинг даврида Ғазна шаҳри жуда катта бир мамлакатнинг пой-

китобдан олинди. Нашр имкониятларидан келиб чиқиб, форс тилидаги матнлар кирилл графикасининг ўзбекча варианти асосида берилди.)

тахтига айланган, барча қўшни давлат раҳбарлари у билан ҳисоблашишга мажбур, Бағдод халифаси ҳам унинг раъйига қараб иш юритар эди. **Унсурий** ўз қасидаларида Султон Маҳмуднинг ҳақиқий ғалабалари, ҳаётда эришган ютуқларини тасвирлаш билан унинг қудратини ва омадини рўйи-рост гавдалантириб бера олди. Шоир асарларининг кейинги даврларда яратилган зўраки мадҳиялардан устунлиги ҳам шунда. Е.Э.Бертельс **Унсурий** қасидалари пухта режа асосида аниқ мақсадга қаратилгани, ҳаётий воқеалар тасвирини изчиллик ва мантиқий далиллаш йўли билан муайян ғояни исботлашга бўйсундира олганлигини қатор қасидалар таҳлили орқали очиб беради. Жумладан, шоирнинг -

Ойё, шанида ҳунарҳойи хисравон ба хабар,
Биё, зи хисрави Машриқ аён бабин тў ҳунар.
Дуруғ зири хабар дону рост зири аён,
Агар дуруғ чу никуст рост никутар...

(Агар сен ўтмиш подшоҳлар жасоратидан хабарда эшитган бўлсанг,
Машриқ ҳукмдорининг жасоратини, кел-да, очиқ кўз ила кўр.
Хабарда эшитганинг, бил-ки, ёлғон, кўз билан кўрганинг - рост,
Ёлғонда агар яхшилик бўлганда ҳам, рост ундан яхшироқ...) -

деб бошланадиган 162 байтли қасидаси айни "*Шоҳнома*"нинг зиддига қаратилган бўлиб, унда Маҳмуд Ғазнавий эришган ғалабалар бирма-бир васф этилиб, шундай хулоса қилинади:

Кушод шоҳи Хуросон ҳама зи баҳри худой,
Чунин накард ба гети кас аз шумори башар.
Бибаст раҳгузари куфру бехи ширк биканд,
Ба жойи буткада бан(и)ҳод мазкиту минбар.

(Хуросон ҳукмдорининг барча фатҳлари худо йўлида қилинди,
Оламда инсон зотидан бирор шахс бунча ғайрат қилган эмас.
У куфр йўлини беркитди ва ширк илдизини қўпориб ташлади,
Бутхоналар ўрнига масжиду минбарлар бунёд қилди.)

Дарҳақиқат, Ғазнавийларнинг Ҳиндистон босқинлари барчаси "*исломлаштириш*" сиёсати остида амалга оширилар ва ўша давр учун бу ҳаракатлар расмий мафкура нуқтаи назаридан ижобий баҳоланар эди. "*Шоҳнома*"да тасвирланган ўтмиш Эрон-Турон ҳукмдорларининг бемаъно жангу-жадаллари қаршисида Султон Маҳмуднинг фатҳлари ғоявий асосланганлиги билан кескин ажралиб турарди. Айни шу ғоявий асослаш ишини **Унсурийнинг сиёсий шеърияти** қойиллатиб бажарди.

Абу-л-Қосим Ҳасан Унсурий 970 ёки 980 йилларда Балх шаҳри атрофларида туғилган, 999 йилдан – Султон Маҳмуднинг укази ва сипоҳсолори Амир Наср ибн Сабуктегин хизматида бўлиб, кейинроқ - балки 1021 йили Амир Наср вафотидан сўнг – Маҳмуд Ғазнавий хизматига ўтган. Шоирнинг профессор **Дабир Сиёқий** тайёрлаб, нашр эттирган

девонидаги 16 қасида айни шу унинг биринчи ҳомийси Абул Музаффар Наср ибн Сабуктегинга бағишланган. Султон Маҳмуд даврида у саройда "*малик уш-шуаро*" даражасига эришди, ҳукмдорнинг бениҳоя илтифотига сазовор бўлиб, катта бойлик орттирди. Мадҳиявий қасиданинг юксак намуналарини яратиб, келгуси неча асрлар мобайнида довруқ қозонди. 1030 йили Маҳмуд вафот этиб, ўғли Масъуд ҳокимиятни қўлга олгач, кексайган шоирнинг саройдаги мавқеи аввалги даражасидан пастлаган бўлса ҳам унинг тўплаган бойлиги ва қасиданависликдаги шуҳрати умри охиригача обрў билан ҳаёт кечиришига имконият берди. Унинг Дабир Сиёқий тайёрлаган девонидаги 64 қасидасидан 40дан ортиғи Маҳмуд Ғазнавийга бағишланган. 1041 йилда Масъуд ўлдирилганда Унсурий ҳаётдан кўз юмган эди. Унсурий ижодий мероси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унинг ёшлик даврида яратган ишқий мазмундаги «*Вомиқ ва Узро*» достонидан 515 байти сақланиб қолган бўлиб, шу асосда унинг сюжети ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Улардаги қаҳрамонларнинг номлари юнонча бўлиб (Фулуқрот, Шомус, Макзитус, Фалотус, Адонуш ва ҳ.к.) шоир ўз асарини қадим Юнон ишқий достонлари таъсирида ёзгандек таассурот қолдиради. Қолган икки достондан фақат номлари ("Сурхбут ва Ҳингбут", "Шодбаҳр ва Айн ул-ҳаёт") ва тазкираларда учрайдиган узуқ-юлуқ алоҳида байтларгина маълум, халос. Шоир девони қўлёзмалари ҳам нотўлиқ бўлиб, *ре* ва *лом* ҳарфларига қофияланган шеърлар орасидан 14 ҳарфдаги (*зе, же, син, шин, сод, зод, то, зо, айн, ғайн, фе, қоф, коф, гоф*) қофиялар билан тугалланган қасидалар тушиб қолган.

12. Фаррухий ва Манучеҳрий

Манбаларда Ғазнавийлар саройида ижод этган **400 шоир** ҳақида муболаға қилинади. Улардан бизгача фақат баъзиларининг номлари ва асарларидан парчалар етиб келган бўлиб, Тожикистонда нашр этилган "*Гулшани адаб*" мажмуасида 7 шоир (**Айюқий, Унсурий, Фаррухий, Лабибий, Ғазоирий Розий, Манучеҳрий, Асжадий**), Мазоҳир Мусаффо асарида эса 10 шоир (санаб ўтилганлардан ташқари – **Зайнабий**[1]**, Маншурий Самарқандий, Масрур Толиқоний, Баҳромий Серахсий**) ижодидан мисоллар келтирилади.

Машҳурлиги бўйича Унсурийдан кейинги ўринларда икки улуғ қасиданавис шоирлар – **Фаррухий** Сийистоний ва **Манучеҳрий** Домғоний туради. Мазоҳир Мусаффо уларни қаттиқ мақтайди ва ўз китобида бирига 153(с. 159- 311), иккинчисига 102 (312-414) саҳифа ажратади. Шеърга ўзи қўйган талаблар нуқтаи назаридан ёндошганда эрон олими - ҳақ. Ҳақиқатан, Ғазнавийлар сарой шеъриятининг бу икки забардаст шоири

[1] Бертельсда - Зийнатий.

ижоди билан танишганда уларнинг нафақат бадиий маҳорати, балки инсон дилида хуш кайфият ва инжа туйғулар уйғота оладиган тасвирлар ярата олиш туғма қобилиятига амин бўламиз. Мана **Фаррухий**дан бир мисол:

Чун паранди нилгун бар рўй пўшад марғзор,
Парниёни ҳафтранг андар сар орад куҳсор.
Хокро чун нофи оҳу мушк зояд беқиёс,
Бидро чун парри тўти барг рўяд бешумор.
Дўш вақти субҳидам бўйи баҳор овард бод,
Ҳабзайи боди шимол-у харбайи бўйи баҳор.
Бод гўйи мушки суда дорад андар остин,
Боғ гўйи луъбатони жилва дорад бар канор.
Настарин лўлўйи байза дорад андар марсала,
Арғувон лаъли бадахши дорад андар ғўшвор.
То бар омад жомҳойи сурхи мул бар шохи гул,
Панжаҳойи дасти мардум сар фўру кард аз чинор.
Боғи буқламун либос-у шох буқламун намой,
Об марворидгун-у абр марворидбор.
Рост пиндори- ки хилъатҳойи рангин ёфтанд
Боғҳойи пурнигор аз доғгоҳи шаҳриёр...

(Ўтлоқзор бурканган яшил шойига,
Камалакранг қалпоқ кийипти тоғлар,
Тупроқдан оҳудек мушк ҳиди келиб,
Толлар барг ёзишган тўти патидек,
Тонгда баҳор сасин келтирди насим -
Шаббода хуш келдинг! Яша навбаҳор!
Шаббода енгида мушкнинг ифори,
Нозли қўғирчоқлар гулзор бағрида.
Настарин маржони оқ марвариддан,
Арғувон сирғаси - Бадахшон лаъли.
Атргул шохида май тўла жомлар,
Панжасини чўзмиш ул тараф чинор.
Товланар гулзор-у майсазор эгни,
Дур каби шаффоф сув, дур тўкар булут.
Сен тасаввур қил-ки, боғлар алвонранг
Хилъатлар олмиш шаҳ тамғагоҳидан...)

Фаррухий тахаллусли Абу-л-Хасан Али ибн Жулуғ асли сийистонлик бўлиб, отаси маҳаллий ҳукмдорларнинг саройида хизмат қилган. Шоир ёшлигидан яхши таълим кўриб, созанда ва навозандалик санъатини пухта эгаллаган. 1003 йили Султон Маҳмуд бу ўлкани ҳам қўлга киритгач, ёш истеъдод эгаси бахтини ахтариб Мовароуннаҳр тарафга, Чағониён амири Абу-л-Музаффар Аҳмад ибн Муҳаммад ҳузурига йўл олади. Шоирнинг

бизгача етиб келган илк қасидаси айни шу ҳукмдорга бағишланган бўлиб, бошланиши шоирлик меҳнатининг рамзий тавсифидан иборат:

Бо корвони Ҳилла[1] барафтам зи Сийистон,
Бо ҳуллайи танида зи дил, бофта зи жон.
Бо ҳуллайи баришими таркиби у - сухан,
Бо ҳуллайи нигоргари нақш у - забон.
Ҳар тори у ба ранж бар оварда аз замир,
Ҳар пуди у ба жаҳд жудо карда аз равон...

(Сийистондан кетдим Ҳилла карвони билан
Бор либосим кўнгил дастгоҳида тўқилган,
Ҳар чоклари жон игнаси билан тикилган,
Ипаклари сўзлар эрур бу либосимнинг,
Она тилим нақш-у нигор бахш этган унга.
Арқоғлари юрагимнинг оғриқларидан,
Ўришлари яралгандир жон-жаҳонимдан...)

Низомий Арузий Самарқандий "*Чаҳор мақола*"да ёзишича, **Фаррухий** Чағониёнга етиб борганда баҳор пайти бўлиб, ҳукмдор яйловда отларни тамғалаш билан банд экан. Хароб кийинган шоирни сарой аъёнларидан Амид Асад исмли ўзи ҳам шеър мухлиси бўлган бир зодагон қарши олади. Унинг ночор аҳволини кўриб ўқиган қасидасини ўзининг ижоди эканлигига шубҳа қилган Амид Асад уни синаш мақсадида шоирни амир Абу-л-Музаффар йилқилари боқилаётган яйловга олиб бориб, ушбу ҳолатни, яъни баҳорги яйлов манзараси ва йилқиларни тамғалаш жараёнини шеърда тасвирлаб беришни таклиф қилади. Юқорида бошланиши келтирилган биринчи қасида шундай вазиятда яратилади. Қасида ўқилгач, шоирнинг истеъдоди ҳақидаги гумонлар бартараф бўлиб, сийистонлик навқирон йигит ниҳоят ҳукмдор илтифотига сазовор бўлади.

Орадан кўп ўтмай Султон Маҳмуд Чағониённи ҳам ўз тасарруфига олади. Энди шоирнинг Ғазнавийлар хизматига ўтишдан бошқа йўли қолмаган эди. **Фаррухий** султоннинг яна бир иниси амир Адуд ад-Давла Абу Ёқуб Юсуф саройига хизматга киради. Академик Е.Э.Бертельс ёзишича, шоир ушбу амир хизматида узоқ муддат қолиб кетган. Аммо бу орада баъзан амирнинг назаридан қолган пайтлари ҳам бўлган. Айни шундай ҳолатларда, шоирнинг ўз эътирофига кўра, Султон Маҳмуднинг катта ўғли ва валиаҳди Муҳаммад уни қўллаб-қувватлаган. **Фаррухий**нинг бевосита улуғ султон саройига хизматга ўтиши ҳам айни шу шаҳзоданинг ёрдамида амалга ошган деб таҳмин қилинади.

Шоирнинг Эрон олими Али Абдуррасулий нашр эттирган девонида 213 қасида, 28 ғазал, 3 таржеъбанд, 33 рубоий ва 4 қитъа мавжуд бўлиб,

[1] Ироқ тарафдаги бир шаҳар номи.

шулардан 40таси амир Юсуфга, 35таси Султон Маҳмудга, яна 35таси шаҳзода Муҳаммадга, 11таси Масъудга ва 45таси турли сарой аъёнлари, жумладан, вазир Маймандийга бағишланган.

Шоирнинг шаҳзода Муҳаммадга ва Султон Маҳмудга ихлоси самимий бўлганлиги унинг қатор қасидалари оҳангидан сезилиб туради. Буни ҳукмдор ҳам ҳис қилган ва шоирни шунга яраша қадрлаган. Айниқса, **Фаррухий**нинг Султон Маҳмуд Ғазнавий вафоти муносабати билан ёзган марсияси ўз самимияти ва бадиий савияси билан шу жанрда ёзилган асарлар ичида энг машҳур ва эътиборлиларидан ҳисобланади. Бежиз эмаски, Е.Э.Бертельс ўз китобида ушбу марсиянинг тўлиқ матнини рус тилига таржимаси билан келтиради.

Фаррухий ўзини ғазалхон шоир деб ҳисоблайди ва ғазал албатта муҳаббат ҳақида бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, шоир қасидаларининг насиблари (бошланиш қисмлари) ичида энг кўпи – 105таси - муҳаббат мавзусида. Агар 213 қасидадан 42таси тўғридан-тўғри мамдуҳ мадҳидан бошланганини, яъни насиб қисми йўқлигини назарда тутилса ва юқорида санаб ўтилган 28 ғазални ҳам қўшилса, шоирнинг қасидани бошлашда ишқий мавзуга айрича эътибори янада бўртиб кўринади. Эътиборли жойи шундаки, бу мавзудаги шеърий парчаларнинг аксарияти 11 байтдан 6 байтгача ҳажм оралиғида бўлиб, айни кейин шаклланган ғазал жанри ҳажмига мувофиқ келади. Бундан ташқари шоир меросидаги 33 қасида бошланиши - баҳор ва куз фасллари табиатини, май базмларини васф этишга, яна 10 қасида насиби - рамазон рўзасининг тугаши ва янги ой чиқишига бағишланганини ҳисобга олсак, **Унсурий** ва **Фаррухий** шеърларининг бир-биридан фарқи яққол кўзга ташланади.

Фаррухий 13 йил Султон Маҳмуд хизматида бўлиб, Масъуд подшоҳлиги даврида, Унсурийдан бироз илгари, Ризоқулихон Ҳидоят сўзига кўра ҳижрий 429 йили (мелодий 1037-1038 йиллар орасида) вафот этган.

Абу-н-Наджм Аҳмад ибн Қавс ибн Ахмад **Манучеҳрий** бу икки шоирга нисбатан ёшроқ бўлиб, олимларнинг тахмин қилишича, XI асрнинг бошларида туғилган. Шоир ўз тахаллусини биринчи мамдуҳи – Зиёрийлар хонадонининг 1012-1028 йилларда ҳукмронлик қилган вакили, машҳур Қобус ибн Вушмагирнинг ўғли амир Фалак ал-Маолий Манучеҳр ибн Қобус шарафига танлаган, бироқ бу ҳукмдор саройида узоқ муддат хизмат қилишга муваффақ бўлмаган кўринади. 1947 йилда эрон олими Дабир Сиёқий тайёрлаб нашр эт-тирган шоир девонидаги 52 қасида, 11 мусаммат, 20 қитъа, 6 рубоий ва бирнеча нотўлиқ шеърий парчалардан фақат 2 қасида ушбу ҳукмдор мадҳига бағишланган, холос. Девондаги қасидаларнинг асосий кўпчилиги Масъуд Ғазнавий ва унинг сарой аъёнларига бағишланган. Манбаларда келтирилган маълумотларга кўра шоир султон саройида катта ҳурматга сазовор бўлган, бироқ Унсурий даражасида бойлик орттирган деб бўлмайди. **Манучеҳрий** 40

ёшга етиб-етмай султон Масъуд ўлдирилган 1041 йилдан сал олдин вафот этган.

Шоир ўзини Унсурийнинг шогирди деб атайди, ҳатто унга бағишлаб шамъ тарифи билан бошланувчи гўзал бир қасида ҳам яратган, аммо шеъриятда мутлақо мустақил ўз йўли ва услубига эга бўлиб, Унсурийни фақат ҳурмат юзасидан устоз деб билганлиги сезилиб туради. Унинг шеърияти ўта ҳаётчан ва шодиёна руҳда бўлиб, айниқса, биринчи бўлиб ихтиро этган мусамматлари кейинги асрларда ҳам ўз жозибасини йўқотган эмас. **Манучеҳрий** қадим Хуросон ва Мовароуннаҳр асотирлари ҳамда мумтоз араб шеъриятини жуда яхши билганлиги унинг шеърларидан яққол аён бўлиб туради, аммо шуубия ғоялари унга мутлақ бегона. Унинг даврига келиб Фирдавсий ва Унсурий аро ғоявий кураш ўз аҳамиятини йўқотган кўринади. Шоир Фаррухийдан фарқли равишда муҳаббат мавзусига ҳам кўп эътибор қаратган эмас. Унинг энг ёқтирган мавзуси май васфидир. Бу мавзуни ёритишда шоир ажойиб рамзу истиоралар яратади. Мана унинг *“Жамшид қизи”* номи билан шуҳрат қозонган бир қасидасининг бошланиши:

Чунин хондам имрўз дар дафтаре
Ки зиндаст Жамшидро духтаре.
Бувад солиён ҳафтсад, ҳаштсад
Ки то уст маҳбус дар манзаре...
На беншинад аз по, ва на йек замон
Ниҳад паҳлуйи хиш бар бастаре.
Нагирад таому нагирад шароб
Нагўяд сухан бо сухангўстаре...
Бадон хонайи бостони шўдам,
Ба ҳанжор чун озмойишгаре...
Дар он хона дидам ба йек пой бар
Аруси калон чун ҳаюни баре.
Сафолин аруси ба муҳри худой
Бару бар на зарре ва на зеваре.
Бабаста сафолин камар ҳафт, ҳашт
Фиканда ба сар бар тунук маъжаре.
Чу обистанон ишкам оварда пеш,
Чу хурмобунон паҳн фарқи саре...
(Мен бир дафтарда ўқиб қолдимки
Жамшиднинг қизи ҳануз ҳаёт эмиш.
Мана 700-800 йил ўтса ҳамки
У бир минорада асира эмиш...
На оёғи толиб ўтирар эмиш,
На бир ётоғига ёнбошлар эмиш...
Мен ўша қадимий хонага бордим,

Тўғри кириб бордим синамоқ учун...
Хонада турарди бир оёғида
Маст туя қоматли баҳайбат келин.
Сафолдан ясалган бикр бир келин,
Эгнида на безак, на ясан-тусан.
Белида қатма-қат сафолдан камар,
Бошига ёпилган нафис бир рўмол.
Қорни ҳомиласи бордек қаппайган,
Пешонаси хурмо шохидек ёйиқ...)

Шеър мазмунидан маълум бўладики, гап май хуми ҳақида кетмоқда. Аммо қадим асотирлардаги "*Жамшид қизи*"нинг бундай кулгили ҳолатда тасвирланиши шоир даврига келиб, шуубия ақидаларига муносабат қандай бўлганлигини ҳам очиқ кўрсатиб турипти. Манучеҳрийнинг араб мумтоз шеъриятига алоҳида меҳри бўлганлиги тадқиқотларда таъкидлаб ўтилади[1]. Е.Э.Бертельс эътирофича, Манучеҳрий шеърларида "*туркий қўшиқлар*" ҳақида эслатилиши шоирнинг ўша давр туркий шеъриятидан ҳам хабари борлигини англатади. Дарҳақиқат, айни XI аср иккинчи ярмида яратилган Юсуф Хос Ҳожибнинг "*Қутадғу билик*" сингари монументал асари дабдурустдан пайдо бўлган эмас эди. Шоир яшаган даврда Балосоғун ва Ҳирот орасида мунтазам маданий алоқалар мавжуд бўлганлиги ўша давр шеъриятида ҳам ўз ифодасини топган[2].

Шу ўринда бир нарсани қайд этиб ўтиш лозимки, бу давр учун тил масаласи биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмаган. Минтақада араб, форс, туркий адабий тиллар сиёсий жиҳатдан тенг мавқега эга бўлиб, давр улуғлари анъанага биноан илмий асарларни араб тилида, шеърни форс тилида, ҳарбий соҳани туркий тилда олиб бораверган. Кейинроқ бориб нафақат Марказий Осиёда, балки Миср, Ироқ, Шероз ҳудудларида ҳам туркий тилда шеърият кенг тарқала бошлаган. XIII асрга келиб Амир Хусрав Деҳлавий санскрит ва лотин (рум) тили билан бир қаторда араб, форс, туркий адабий тилларни жаҳон тиллари деб ҳисоблайди[3].

Мавзу бўйича назорат саволлари:

1. "Шўубия" ҳаракатининг моҳияти нималардан иборат эди? Унинг дастлабки ва кейинги даврлардаги интилишлари нималарда акс этди?

---

[1] Раҳмонов Ш. Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он. –Душанбе: "Дониш", 1987.
Самадов Т. Анвари ва ғазалиёти у. –Душанбе: "Дониш", 1988. –Саҳ. 68.

[2] Академик Е.Э Бертельс Саноий девонидан шундай байт келтиради:

Йекиро аз Балосоғун расонад дар Ҳири рўзе,
Йекиро аз пайи нони давонад то Балосоғун .

Қаранг: Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. –М.: ИВЛ, 1960. –С. 445.

[3] Қаранг: The nuh sipehr of Amir Khusraw. (Edited by Mohammad Wahid Mirza). –London, Oxford University press. 1950, p. 172-181.

2. Унсурийнинг келажакка қаратилган янгича сиёсий-мафкуравий йўналишдаги шеъриятининг устунлиги нималарда намоён бўлди?
3. Абу-л-Қосим Ҳасан Унсурийнинг ижодий мероси ҳақида нималарни биласиз?
4. Унсурий шеъриятининг асосий йўналишини таърифлаб беринг.
5. Унсурийнинг сарой шоири сифатидаги омади нимада?
6. Қайси икки асарни IX-X асрлар давомида Эрон ва Туронда яралган бой маънавий мероснинг қомуси деб аташ мумкин?
7. XI аср бошларидан Мовароуннаҳр ва Хуросонда қайси тилдаги шеърият ривож топди?
8. XI асрнинг фақат биринчи ярмида яшаб, ижод этган энг машҳур шоирлардан кимларни биласиз?
9. Фаррухийнинг улуғ султон саройига хизматга ўтишида қайси воқеа сабаб бўлган?
10. Фаррухий ғазаллари асосан қандай мавзуда ёзилган?
11. Манучеҳрий ижодининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
12. Манучеҳрийнинг "*Жамшид қизи*" деб ном олган қасидаси нима мавзуда ёзилган?

БЕШИНЧИ ДАРС

Дарснинг мақсади: *форс тилидаги мумтоз шеъриятнинг шаклланиш ва илк ривожи босқичида яратилган бадиий асарлар мавзу мундарижаларини "дунёвий адабиёт" сифатида талқин қилиниши сабабларини тушунтириб бериш, "инсон вужудида ақл подшоҳ" ақидасининг шеъриятда ифодаланиши, "дунёвий шеърият" босқичида бадиий адабиётнинг эстетик завқ бериш хусусиятининг кучли намоён бўлиши, лекин инсоннинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиш жиҳати оқсаб турганлиги, давр шеъриятида "мажозий тасвир"нинг оддий бадиий санъат даражасида қўлланишини давр адабиёти намуналари мисолида кўрсатиб бериш, мусулмон маърифатчилиги босқичида Борлиқ ҳақиқатини идрок этишнинг турли йўналишларидан тасаввуфий-ирфоний ва ботиния оқимларининг адабиётдаги намояндалари ҳақида талабаларга қисқача маълумот бериб, уларнинг асарларидан намуналар келтириш.*

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар: *"дунёвий адабиёт", "диний-мистик адабиёт", мадҳиявий қасидалар, ишқий ғазаллар, хамриёт, зуҳдиёт, ҳижо. Рудакийнинг "Модари май" қасидаси, Манучеҳрийнинг хамриёт йўналишидаги мусаммат қасидаси, мажозий тасвир, мажозий ҳикоя, мажозий достон, ботиния оқими, исмоилия бидъати, Носир*

Хусравнинг фалсафий қасидалари, тасаввуфий-ирфоний адабиёт, Абдуллоҳ Ансорий.

13. IX - XI асрлар форс тилидаги адабиётда “*дунёвийлик*” тамойили

Шарқ адабиётини ўрганишга оид XX асрда яратилган адабиётшунослика оид қатор асарларда **“дунёвий адабиёт”** тушунчаси тез-тез тилга олинади. Марксистик мафкура руҳида яратилган бундай тадқиқотларда бу атама одатда салбий маънода ишлатилувчи **“диний-мистик адабиёт”**нинг муқобили сифатида келади ва бутун Ўрта асрлар адабиётига нисбатан қўлланилаверади. Аслида ҳам шундайми? Бизнинг назаримизда, бу тушунчани ўзининг аниқ тарихий маъносида мумтоз адабиёт ривожининг аниқ бир даврига нисбатангина қўллаш ўринлидир. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб биз бу атамани айни **VIII-XI асрлар форс тилидаги мумтоз шеъриятнинг шаклланиши ва илк ривожи даври**га нисбатан қўллашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

VIII-XI асрларда ислом минтақасида шаклланган турли адабий мактаблар ҳам илмий доиралар сингари кўпроқ у ёки бу ҳукмдор саройида марказлашган бўлиб, уларнинг мазмуний мундарижасида **мадҳия қасидалар, ишқий ғазаллар, хамриёт (**май мавзуи), **зуҳдиёт** (дунё ва унинг ҳою ҳаваслари бебақолиги ва уларга меҳр қўймаслик мавзуи), **ҳижо** (муайян шахсларга йўналтирилган ҳажв) каби мавзу турлари етакчилик қиларди. Бу даврда **“энг ёлғон шеър – энг яхши шеърдир” ва “энг рост шеър – энг яхши шеърдир”** деган ибораларда ўз аксини топган шеъриятга **икки хил ёндошув** шаклангани илмий адабиётларда қайд этилган ва бунга муайян даражада ўша давр адабиётининг мавзу қамрови ва вазифаси, **ижтимоий воқеликда тутган мавқеи** ҳам сабабчидир. Бу давр адабиётининг аксарият намуналарига хос бўлган энг асосий хусусият **ақлга таяниш** бўлиб, ислом минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил босқичларининг иккинчиси – **Ислом маърифатчилиги** босқичида Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг етакчи йўналиши бўлган **илм маърифати**га тўлиқ мос келади. Мисолларга мурожаат қиламиз.

Сомонийлар даври адабиётининг таниқли вакилларидан **Абу Абдуллоҳ Рудакий**нинг сафдоши ва замондоши **Абу Шукур Балхий** шундай ёзади:

Хирадманд гўяд: “Хирад – подшо-ст,
Ки бар хос-у бар ом фармонраво-ст.
Хирадро тани одаме лашкар аст,
Ҳаме шаҳват-у орзу чокар аст.

(Ақлликлар айтур, ақл – подшодир,
Ақл барчага бир фармонраводир.
Тана аъзолари – ақл лашкари,

Шаҳвату орзулар унинг чокари.)[1]

Айни шу фикрларни кейинги асрда “Шоҳнома”нинг кириш қисмида **Абулқосим Фирдавсий** ривожлантиради:

Хирад беҳтар аз ҳар чи изад бедод,
Ситоиш хирадро беҳ аз роҳи дод.
Хирад раҳнамо-ю хирад дилкушой,
Хирад даст гирад ба ҳар ду сарой.
Аз ў шодмони ва-з ў-ят ғами-ст,
Ва-з ў-ят фузуни ва-з ў-ят ками-ст.
Хирад тира-ву марди равшан равон
Набошад ҳами шодмон йек замон...
Каси к-ў надорад хирадро зи пеш
Дилаш гардад аз кардайи хеш реш.

(Худо неъматларин олийси идрок,
Ақлни васф этар кимки дили пок.
Ақл йўл кўрсатиб дилни этар шод,
Ҳар икки оламда ақлли обод.
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўктамлик,
Ақлдан борлигу, йўқлигу, камлик.
Бадан соғ бўлса-ю ақл – нотавон,
Бундай инсон бўлмас ҳеч вақт шодмон...
Киши иш қиларкан беақлу идрок,
Қилмишидан бўлур юрак-бағри чок)[2].

Кўрамизки, агар Рудакийнинг замондоши ақлни инсон вужудининг ҳукмдори деб улуғлаётган бўлса, **Фирдавсий** уни Аллоҳ инсонга ато этган неъматларнинг энг олийси деб талқин қилмоқда. Бундай фикрларни Рудакийдан ҳам, Юсуф Хос Ҳожибдан ҳам қанча истасак топиш мумкин. Бу давр алломалари барчаси имонли, тақволи, чин маънодаги мусулмон инсонлар, аммо тавҳид ғоялари ҳали булар онгида **Сунна босқичи** даражасида англаб етилган, **тавҳид таълимоти**нинг маъно тераниклари қидириш аксарият ҳолларда ҳануз бу давр шеъриятига хос эмас.

Бу давр шеъриятида **бадиий адабиётнинг инсонлар маънавий камолотига хизмат қилиш вазифаси** ҳануз амалийроқ кўринишда идрок этилиб, Рудакийнинг қуйидаги байтлари бунга ёрқин мисол бўла олади:

Чаҳор чиз мар озодаро зи ғам бехарад,
Тане дуруст-у хўйе ник-у номе ник-у хирад.
Ҳар он-ке изадаш ҳар чаҳор рўзи дод,
Сазад ке шод зияд жовидон-у ғам нахўрад.

[1] Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққиёти. –Т.: “Фан”, 1968. –С.25.
[2] Шу асар. –С. 25.

(Тўрт нарсани берди менга оқилларча ўйламоқ
Тансиҳатлик, яхши одат, яхши ном, яхши фикр,
Тангри кимга қилган бўлса бу тўрт нарсани насиб,
Мангу шодлик билан яшаб, ғам емаса ҳам арзир[1]).

Қаранг-ки, шоир комил ишонч билан, инсон тани сиҳат бўлса, феъли кенг бўлса, элу юртда яхши ном қозонган бўлса, ва яна алоҳида таъкид этилмоқдаки, ҳар ишни ақл тарозусида ўлчаб амалга оширса, демак, бундай инсон албатта бахтли бўлади ва шоду хурсандлик билан умр кечиради, деб мулоҳаза юритмоқда. Бир қараганда, шоирнинг фикрлари жуда тўғрига ўхшаб туюлади ва тан олиб айтиш керак-ки, бугунги кунда ҳам кўпчилик инсонлар бу фикрга тўлиқ қўшилиб, ўз ҳаётларида унга амал қилиб яшашга уринадилар. Рудакий йигитлик давру давронларини суриб, эл орасида шуҳрат қозониб, Наср ибн Аҳмад Сомоний саройи даврасида юқори обрў-эътиборларга эга бўлган пайтларда шундай некбин кайфиятларни бошидан кечирганлиги шубҳасиз. Аммо шоирнинг афсус-надоматларга тўла "*Қарилик қасидаси*"ни ўқисак, унинг олдинги тасаввурлари ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатига қанчалик мувофиқ келмаслигини биламиз-қўямиз. Фирдавсийнинг ҳам бутун умрини бағишлаб ёзган улкан эпопеяси ўз даврининг ҳукмдорлари наздида ўз вақтида етарли қадр топмаганлиги, улуғ шоир ўз мислсиз ижодий меҳнати натижасидан кутган умидлари юзага чиқмагани ҳақидаги ривоятлар бизгача етиб келган. Демак, фақат ақл, истеъдод, яхши феъл ва яхши ном билан бахтга эришиш, шоду хуррам ҳаёт кечириш мумкин деган қарашлар давр воқелигида кўп ўринда ўзини оқламаслиги бора-бора равшанлашиб борди. Бундай ҳолатнинг сири Фирдавсийнинг қуйидаги сатрларида бироз очилгандек бўлади:

Хирад гар сухан бар гузинад ҳами,
Ҳамонро гузинад ки бинад ҳами[2]**.**

(Ақл агарчи танлаб-танлаб сўз юритса ҳам,
Унинг танлови фақат кўринадиган нарсаларгагина оиддир)

Маълумки, материалистик дунёқараш фақат моддиятни, содда халқ тили билан айтганда, кўзга кўринадиган, қўлга илинадиган, сезги аъзоларига таъсир қиладиган нарсаларнигина мавжуд Борлиқ сифатида тан олади. Бундай қарашнинг мукаммал эмаслиги аллақачон башариятнинг илғор сиймолари томонидан қайта-қайта исботланган. Албатта, **"дунёвий адабиёт"** дегани мутлақо материалистик дунёқарашга таянувчи адабиёт дегани эмас. Аммо бу адабиёт мавзулари моддий дунё ҳою ҳавасларидан жуда ҳам узоқ кетмагани унинг барча намояндалари ижодида ярқ этиб кўзга ташланиб туради.

[1] Шу асар, С. 27.
[2] Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст. (В 9ти тт.). Т. 1. –М.: «Наука» ГРВЛ, 1966. –С.12.

14. Дунёвий шеъриятда мажоз

Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг бизгача тўлиқ етиб келган икки қасидасидан бири **“Қарилик қасидаси”** бўлса, иккинчиси **“Модари май”** (*Майнинг онаси*) қасидасидир. Иккинчи қасиданинг **ташбиб** қисми тўлиғича узумдан шароб тайёрлаш жараёнининг бадиий тасвирига бағишланган. Шеър шундай бошланади:

Модари майро бикард бояд қурбон,
Бачайи уро гирифту кард базиндон.
Бачайи уро аз-у гирифт надони,
То-ш накуби нухуст-у з-у накаши жон.
Гарчи набошад ҳалол дур бикардан
Бачайи кучак зи шири модару пистон,
То нахўрад шир ҳафт маҳ ба тамоми
Аз сари Ўрдибиҳишт то бўни Обон.
Онгаҳ шояд зи рўйи дину раҳи дод
Бача ба зиндони тангу модар - қурбон...[1]

(Майнинг онасини қурбон қилмоқ зарур,
Боласини ушлаб, зиндонбанд этмоқ зарур.
Аммо уриб-эзғилаб, жонини олмагунингча,
Ундан боласини ажратиб олиб бўлмас.
Агарчи эрта баҳордан то куз фаслигача,
Роса етти ой она сутига тўймагунича,
Мурғак болачани она кўксидан
Ажратиб олинса, ҳалол бўлмайди.
Ана ундан кейин онани – қурбон қилиб,
Болани тор зиндонга ташланса,
Ажаб эмас, дину адолатга мос келса...)

Қасида жуда машҳур бўлганлигидан унинг матнини тўлиқ келтириб ўлтирмаймиз. Бизнинг мақсадимиз **Рудакий** шеърини XI аср биринчи ярми **Ғазнавийлар** саройида таркиб топган форс тилидаги адабий мактабнинг номдор шоирларидан бири Манучеҳрий Домғонийнинг айни шу мавзудаги машҳур мусаммати билан қиёслашдир. Манучеҳрийнинг мусаммат-қасидаси қуйидагича бошланади:

Оби ангур биёред, ки Обонмоҳ аст,
Кор якрўя ба коми дили шоҳаншоҳ аст,
Вақти манзар шуду вақти назари хиргоҳ аст,
Дасти тобистон аз рўйи замин кутоҳ аст,
Оби ангури хазониро хўрдангоҳ аст,
Ки кас имсол накардаст мар ўро талабе.

[1] Посдорони сухан, с. 28.

(Узум шарбатини келтиринг-ки Обон ойи кирмоқда,
Ишлар шоҳаншоҳнинг кўнгил хоҳишига мос келмоқда,
Кўнгилочар давр келди, чодирга юзланадиган пайт келмоқда
Ёзнинг қуввати кетиб, кунлар қисқаришга бошламоқда,
Кузги узум шарбатидан ҳузурланиш навбати етмоқда
Шу кунгача ҳали биров ундан тотиб кўриб улгурмади.)

Шоҳи ангури кўҳан духтаракон дод басе,
Ки на аз дард бинолиду на бар зад нафасе,
Ҳамаро зод ба як дафъа на пеше на пасе,
На варо қобилае буд на фарёдрасе,
Инчунин осон фарзанд назодаст касе,
Ки на дарде бигирифташ мутавотир на табе.

(Кекса ток занги қатор қизчаларни дунёга келтирди,
Аммо на уни дард тутгани билинди, на овози чиқди,
Барча гўдаклари бир йўла туғилди, олдин-кетини бўлмади,
На унга биров доялик қилди, на тепасида меҳрибони бўлди,
Ҳали ҳеч ким бундай осонгина фарзанд кўрган эмас,
На тайинли азоб чеккани, на иситмаси чиққани сезилмади.)

Чун бизод он бачагонро сари ангушти дижам
В-андар овехт ба рўда бачагонро ба шикам,
Бачагон зод мудаввар ҳама беқадду қадам,
Саду си баччаву андарзада ду даст ба ҳам.
Ду сар андар шикам ҳар як на бешу на кам,
На дар эшон ситухоне, на раге, на асабе.

(Зарра қайғу чекмай ул гўдакларни туғиб ташлагач,
Барчаси киндиги кесилмасдан қорнидан осилганича қолди,
Болачалар юм-юмалоқ, на қадди бор, на оёғи,
Бир юзу ўттиз болача, барчаси қўлини қўлига берган,
Ҳар бирининг қорнида икки бошча на кўп эмас, на кам эмас,
Ҳеч бирида на суяги бор, на томири, на асаб толалари.)

Чун нигаҳ кард бад-он духтаракон модари пир,
Сабз буданд якояк чу сағиру чу кабир,
Кардашон модар бистар ҳама аз сабзҳарир,
На хуриш дод мар он баччакаконрову на шир,
На шағаб карданд мар он бачагонро, на нафир,
Бачайи гурсина диди, ки надорад шағабе?...

(Ул қизчаларига қари онаси назар солса,
Катта-ю кичик барчасининг ранги кўкимтир,
Барчасига онаси яшил барглардан жой солиб берди,
Ул мурғакларга на таом берди, на сут берди,
Болачалар ҳам на тўпалон қилади, на дод солади,

Ҳеч кўрганмисиз оч гўдакнинг дод солмай жим ётганини?..)

Шу жойдан воқеаларга боғбон (шоир "*разбон*", яъни "узумзор эгаси" деб атайди) аралашади. "*Бу гўдакларга онаси қарамаса, сут бермаса, булар барчаси очидан ўлиб кетади-ку, қандок қиламан энди, ажаб иш бўлди-ку, мени девона қилади булар*"- дейди у. Боғбон тезлик билан бориб сув очиб келади ва узумларни суғора бошлайди. "*Агар буларга сут етказиб бера олмасам ҳам ҳеч бўлмаса эрта-кеч сувини бериб туриш қўлимдан келади-ку, Аллоҳ бир натижа кўрсатар*," – дейди у ўзига-ўзи. Болачалар роса сув ичиб семиришади, тебраниб-тебраниб қўйишади-ю, тўшакдан туришмайди, аста-секин чеҳраларига ранг кириб, тўлишади. Боғбон туну кун тепаларидан кетмай шаробу шарбат билан зиёфат қилишда давом этади. Ўз-ўзига айтади: "*Бу қизчалар менинг мулким, гўё жони-таним, булар токи ток устида экан меникида меҳмон, узумзор – беҳишти фирдавсим, булар ундаги ҳурлар, устиларида яшил совут.*"

Бир куни боғбон отланиб шаҳар тушадиган бўлди, узумзор эшигини занжирлаб, қулф солди, биров кира олмайдиган қилди. Боғбон шу кетганича бир ҳафта шаҳарда қолиб кетди, қариндош-уруғникида меҳмон бўлди, аммо кўнгли-хаёли ток қизларида, охири сабри чидамай, отини орқага бурди.

Узумзорига етиб келиб, эшикдан кириб қараса, қизлар бари етилиб, юзлари доғ босиб қорайиб, баъзисини юзи қонталаш қизил, бошқаларинiки сомондек сарғайган, уятдан бошлари хам, лаблари нозли, қоринлари ҳомиладан дўппайган.

Боғбон қошлари чимирилиб, "*Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳ*" дуосини ўқиб, "*мени не бало урди, буларга нима бўлди, ёш қизчалар катта-ю кичик бари бир кечада ҳомиладор бўлиб, оғир гуноҳга ботишипти-ку*", - деб бўғилиб, Ток қизларига ўшқира бошлади: "*Ўзи кечагина онадан туғилган бўлсаларинг, ҳали киндикларинг ҳам кесилмаган бўлса, оналаринг кўкрак тутмаган, сут бермаган, юзларингни ҳам ювмаган бўлса, ҳаммаларинг насли бузуқ қизлардек ҳомиладор бўлиб ўтирсаларинг, менинг қилган меҳнатларимга жавобларинг шу бўлдими? Ростини айтинглар, бу оламда йўқ ишлар қаердан бино бўлди, ким сизларни бу ҳолга солди? Бу қандай бебоклигу бедодлигу бешармлик? Бунинг устига биттаринг, иккиталаринг, учталаринг, етмиш-саксонталаринг эмас, барчаларинг шу аҳволга тушиб ўтирсаларинг*", – деб уларни сўроққа тутди.

Духтарони раз гуфтанд, ки "мо бегунаҳем,
Мо тани хеш ба дасти бани одам наниҳем,
Мо ҳама сарбасар обистани хуршеду маҳем,
Мо тавонем, ки аз халқи замон дур жаҳем,
Натавонем,ки аз моҳу ситора бираҳем,
З-офтобу маҳамон суд надорад ҳарабе.

(Ток қизлари жавобида айтишди-ки: "Бизда гуноҳ йўқ,

Биз ўз танимизга инсон зотини яқинлаштирганимиз йўқ,
Биз барчамиз ойу қуёшдан ҳомиладор бўлдик,
Биз олам аҳлидан ўзимизни олиб қочишимиз мумкин,
Аммо офтобу ойдан қандай беркинамиз,
Офтобу ойдан қочган билан қутулиш имкони йўқ.)

Рўз ҳар рўзе хуршед биёяд бари мо,
Хештан барфиканад бар тани мову сари мо,
Чун шаб ояд, биравад хуршед аз маҳзари мо,
Моҳтоб ояду дархусбад дар бистари мо,
В-ин ду тан дур нагарданд зи бому дари мо,
Накунад ҳеч кас ин беадабонро адабе.

(Худонинг берган куни қуёш бизни тобласа,
Эртадан кечгача устимиздан кетмаса,
Шом тушиб, қуёш тепамиздан кетгач,
Ой чиқиб келиб, кўрпамизга кириб олса,
Бу иккиси бизнинг тому дарчамизни ҳеч тинч қўймаса,
Бу беадабларнинг адабини бериб қўядиган ҳеч зот борми ўзи?)

Бачагонмон ҳама монандаи шамсу қамаранд,
З-он ки ҳамсирату ҳамсурати ҳар ду падаранд,
Тобноканд азеро ки ду улви гуҳаранд,
Бачагон-он банасабтар, ки аз ин боб гаранд,
Чеҳраву рангу руҳу одати обо сияранд,
Тўхматолуда нагарданд ба дигар сабабе”...

(Болаларимиз барчаси айни қуёшу ойнинг ўзгинаси,
Уларнинг сийрати ҳам суврати ҳам худди оталаридек,
Юзлари чарақлаб туриши сабаби ҳам ўшалар туфайли,
Болаларнинг насл-насаби, оталари ўшалар бўлгач,
Қиёфалари, ранги-рўйи, феъллари ҳам наслларига тортган,
Бошқа сабаблар қидириб тўҳматга қолишларига ўрин йўқ.)

Ток қизлари шундай сўзлар билан ўзларини оқлашади, аммо боғбон уларнинг сўзларига қаноат ҳосил қилмай, дейди: “*Мен бундай сафсаталарга ишонмайман, токи барчаларингни ўткир пичоқ билан бошларингни таналарингдан жудо қилиб, қоринларингни ёриб, усти-бошимни қонларингга бўяб, ўз кўзим билан бу харомибаччаларнинг оталари қуёш билан ойдан бошқа бир зот эмаслигига амин бўлмагунимча қўймайман. Агар улар ростдан ҳам юзлари нурли ой ва қуёш болалари бўлса, агар бошқа бир зотга алоқаси бўлмаса, уларни сўйган билан жонлари узилмайди, насл-насабига тортиб, юзлари чарақлаб тирилиб келаверади*”.

Боғбон шундай деб, келиб ток қизларининг барчасини қийратиб сўйиб ташлади, аммо улар бўғзидан бир томчи қон томмади, уларнинг бирортаси

на оҳ чекмади, на типирчиламади, боғбон барчасининг лошини келтириб бир катта тоғорага солди, уларнинг устига чиқиб, ғазабини боса олмай, роса тепкилади. Ҳар бирининг терисини шилиб, устихону жигарини обдон эзди, қонини сузиб олиб бир хумга жойлади, хумнинг оғзини сирачлаб, маҳкам беркитди, устидан иссиқ бўлсин деб жун палос билан ўради. Куз ўтиб, қиш чиққунча беш-олти ой (Рабиъ ул-аввал, Рабиъ ус-соний, Жумодул-аввал, Жумоду ус-соний, Ражаб, Шаъбон ойлари) шундай ташлаб қўйди. Баҳор келгач боғбон ҳукмдор каби кибр билан, қани баччаларнинг аҳволи нима бўлди экан деб, ўз кўзи билан кўришга келди. Юлдузларга қараб, туннинг учдан бири ўтгач, хумнинг оғзини очди. Қараса, тош хум ичида улар барчаси яхлит бўлиб бирлашиб, осмондаги тўлин ой каби юзи яшнаб, шўълаланиб кўкка нур сочиб турарди.

Боғбон хулоса қилдики, *“бу пари қизлар чиндан бегуноҳ эканлар, дарҳақиқат, ҳомилалари қуёш ва ойдан эканлигига шубҳа қолмади, юзлари қорайгани ҳам ою қуёш таъсиридан экан, энди уларни қамоқ-қийноқдан озод қилиш пайти келипти, энди ўзим ҳам бугун бир базм тузиб яйрасам бўлар экан. Чангу рубоби билан созандаларни таклиф қилиб, гулу кабобу писта-бодомлар, мева-чевалар билан дастурхон ясатиб, ушбу ёқутранг шаробнинг мазасини бир тотинсам, гул жамолию кабоб ҳидидан ҳузур қилиб, ҳайқирсам, “эй, дилга роҳат бахш этувчи гулгун қадаҳни келтиринг, токи ул олийнажот, олийфазилатлар эгаси улуғ ҳукмдорни шарафлаб ёд этайлик”...*[1]

Рудакийнинг қасидасидаги 35 байтли ташбибдан 18 байти (36 мисраъ) май тайёрлаш жараёнининг тасвирига бағишланган бўлса, **Манучеҳрий**нинг мусамматида токда узумнинг етилишидан то май солинган хум очилгунча бўлган даврнинг мажозий тасвири 23 банд (ҳар бир бандда 6 мисраъдан, жаъми 138 мисраъ) давомида батафсил ёритилган. **Рудакий**да асосий **тимсол**лар фақат **май – бола** ва **унинг онаси – узум** (ток занги эмас)дан иборат бўлса, **Манучеҳрий** тасвирида воқеа қатнашчилари сафи кенгайиб, **кекса она (ток занги), унинг қизчалари (узум доналари), боғбон (узумзор эгаси), қуёш, ой** ундаги тўлақонли рамзий тимсолларга айланади. Демак, юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, **Рудакий** шеърини **мажозий ҳикоя** деб фараз қилсак, **Манучеҳрий** асарини **мажозий достон**га тенглаштириш мумкин.

Айтилганларга хулоса қилиб бир нарсага эътибор қаратайлик. Нега **VIII - XI асрлар мусулмон минтақа адабиёти**ни **“дунёвий адабиёт”** деб атадик? Маълумки, **Рудакий** IX аср охири - X аср биринчи ярмида яшаб ижод қилган. **Манучеҳрий** ижоди XI аср биринчи ярмига тўғри келади. Ҳар икки шоир учун умумий бўлган бир мавзу баёнида қандай ривожланиш юз берганини амалда кузатдик. Аммо ҳар икки шоир яратган мажозий тасвир ортида **бир хил воқелик** туради. Одамни сархуш қилиб,

[1] Манучеҳри. Мунтаҳабот. –Душанбе, “Дониш”, 1974. –С. 52-56. (Манучеҳрий ижоди билан ўзбек китобхони яхши таниш бўлмагани учун шеър мазмуни кенгроқ ёритилди).

унга кайфият бахш этувчи майнинг қандай ҳосил бўлиши гўзал бир ифодалар билан тавсиф этилмоқда. Аммо бундан инсон тарбиясига қандай наф бор, ёки Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш учун унга нечоғлиқ билим берилмоқда? Келтирилган тасвирларда бадиий адабиётнинг **эстетик завқ бериш хусусияти** кучли бир тарзда намоён бўлмоқда, лекин адабиётнинг иккинчи бир вазифаси – **инсоннинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиш жиҳати** очиқ-ойдин оқсаб турибди. Яъни шеърдаги зоҳирий гўзаллик мазмуний теранлик билан уйғунлашган эмас. Тасвирдаги май – оддий маънодаги маст қилувчи ичимликдан ўзга нарса эмас. Бу деганимиз **дунёвий адабиёт**да ижтимоий-ахлоқий мавзулар тилга олинмаган деган маънони билдирмайди. Бу давр адабиётининг **дунёвийлиги** шундаки, ундаги барча тасвир ва талқинлар моддий дунё чегараларидан ташқари чиқмайди, бу давр шоирлари Аллоҳнинг ягоналиги, унинг илми ва қудрати чексизлиги, Халлоқи олам ва жами башарият Парвардигори (яъни йўқдан бор қилувчи, ризқ берувчи ва Ҳақ йўлида тарбият қилувчи) эканлигини билсалар ва тан олиб эътиқод қилсалар-да, ҳануз ғайб олами билан моддий олам орасидаги муносабатлар хусусида жиддий тафаккурга берилиш уларга хос эмас. Чунки башарият-нинг маънавий такомили бир кунда, бир йилда, бир асрда амалга ошадиган ҳодиса эмас.

15. Ботиния ва тасаввуф. Носир Хусрав ва Абдуллоҳ Ансорий

Носир Хусрав шеъриятининг Ғазнавийлар сарой шоирлари ижодидан моҳиятан фарқи мазмуний жиҳатида бўлиб, Унсурий, Фаррухий, Манучеҳрий, Асжадийлар асосан мадҳиявий қасидалар ёзишган бўлса, Носир Хусрав қасидаларида фалсафий оҳанглар етакчилик қилади. Бу унинг дунёқараши билан боғлиқ бўлиб, уни тушуниш учун яна Мусулмон минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил жараёнининг иккинчи босқичи **Мусулмон маърифатчилиги босқичи**да шаклланган Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг турли йўналишларидан бири бўлмиш Ботиния оқимига эътибор қаратиш керак бўлади.

Ботиния – Ислом маърифатчилиги босқичида шаклланган Борлиқ ҳақиқатини идрок этишга оид 4 йирик йўналишнинг бири бўлиб, унинг асосида **исмоилия** бидъати ётади. Шиа мазҳабидан ажралиб чиққан бу бидъат намояндалари бошқа шиалар каби олтинчи имом Жаъфар ас-Содиқ (700-765) нинг кичик ўғли Мусо ал-Козим (вафоти 799 йил) ни эмас, катта ўғли **Исмоил**ни имомликдаги вориси деб тан оладилар (Исмоил бин Жаъфар отаси ҳаёт чоғида 762 йилда вафот этган) ва имоматни шу 7-

имомда якунланади деб ҳисоблайдилар[1]. Мисрда Фотимийлар давлат тепасига келгач (909 йил), исмоилийларнинг минтақа бўйлаб фаолияти авж олди ва таъсири ҳам кучайди. Давр ақл ва мантиқий тафаккур даври эди. Шунга муносиб равишда исмоилия бидъати тарғиботчилари ўзларининг мураккаб фалсафий тизимини ишлаб чиқдилар. Улар билимни зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) даражага ажратдилар. Зоҳирий билим авом учун мўлжалланган бўлиб, асосан шиа мазҳаби шариат аҳкомларига мос келарди. Ботиний билим эса фақат танланган тор доира – хослар орасидагина тарқалиши назарда тутилар ва борлиқни идрок этишнинг мураккаб фалсафий тизимидан иборат эди. Ботиний билимлар қомуси сифатида шуҳрат қозонган буюк мерос - X асрда яратилган 52 рисоладан иборат *«Расоили иҳвон-ус-сафо ва хуллон ул-вафо»* («Пок биродарлар ва вафодор дўстлар рисолалари») мажмуаси бўлиб, бу мажмуада 14 рисола риёзиёт (математика)га, 17 рисола табиий фанларга, 11 китоб Олий ҳақиқат сирлари ва яна 10 китоб диний масалаларнинг мантиқий таҳлилига бағишланган эди. Бу мукаммал қомус исломгача ҳосил бўлган илмий-фалсафий меросни чуқур ўзлаштириш асосида юзага келган бўлиб, минтақа илмининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Ботиния йўналиши асосан исмоилия бидъатига боғлаб талқин этилса ҳам, аслида ўша даврларда кўпчилик расмий ақидага мухолиф қарашлар шу ном остида умумлаштириб талқин қилинганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак. «*Пок биродарлар*» гуруҳидан ташқари исмоилиянинг Ан-Насафий (942 йилда ўлдирилган), Ал-Кирмоний (вафоти 1021 йил) сингари бошқа машҳур назариётчилари ҳам фанга маълум. Мовароуннаҳрда исмоилия бидъатини тарғиб этган энг буюк шахс шоир ва мутафаккир Носир Хусрав (1004-1088) бўлиб, у исмоилия қарашларини жиддий фалсафий руҳда талқин қилиб, айниқса, ижтимоий адолат масалаларига алоҳида диққатини қаратди[2].

Шоир ўз табиатига кўра ёшлигиданоқ фалсафий тафаккурга мойил бўлса-да, аммо то 40 ёшларигача ҳаёт тарзи ва қарашлари ўз тенгдошлари - ўша давр "*дунёвий адабиёт*" вакилларининкидан катта фарқ қилмас эди. У тақрибан 40 ёшларида Фотимийлар ҳукм сурган Мисрга сафар қилди ва 1052 йилда Хуросонга ботиния ғояларининг оташин даъватчиси бўлиб қайтиб келди. Унинг ушбу йўналишдаги асосий асарлари - *"Рўшноийнома", "Саодатнома", "Важҳи дин", "Зод-ул-мусофирин", "Сафарнома", "Жомеъ-ул-ҳикматайн*" ва фалсафий қасидалари шу кейинги даврга - XI асрнинг иккинчи ярмига тааллуқлидир.

---

[1] Маълумки, шиалар 12 имомга эътиқод қиладилар.

[2] Носир Хусрав қарашлари ва исмоилия бидъатининг моҳияти ҳақида муфассал маълумот олиш учун қаранг**:** 1) Бертельс А.Е. Насири Хосров и исмаилизм. –М., 1965, 290 стр.;Додихудоев Х. Философия крестьянского бунта. –Душанбе: "Ирфон",1987. –С.432.

Мусулмон маърифатчилиги босқичида Борлиқ ҳақиқатини идрок этишнинг яна бир йирик йўналиши – тасаввуфий-ирфоний оқим ҳам шакллана бошлаган бўлиб, XI аср биринчи ярмида унинг шеъриятдаги намуналари **Абусаид Абулхайр** (967-1049) ва **Бобо Тоҳири Уръён** (ваф. 1055) рубоийларида[1], **Бобо Кўҳий Шерозий** (ваф. тақрибан 1050) ғазалларида ўз аксини топди[2]. Аммо бу даврда ҳануз тасаввуфий йўналиш адабиётда етакчи мавқеъга кўтарилган эмас ва ирфоний ғоялар шеъриятда ўзининг тўлақонли мажозий ифодасини топган эмас эди.

Носир Хусрав билан тенгдош тасаввуфий адабиётнинг ёрқин вакили **Абдуллоҳ Ансорий** (1006-1088) бўлиб, Ҳиротда туғилган ва ўша ерда вафот этган, Пири Ҳирот ва Шайхулислом сифатида шуҳрат қозонган. Эрон ва Хуросоннинг Балх, Нишопур, Тус, Рай, Бистом каби шаҳарларида бўлиб, замонасининг машҳур суфийлари Бобо Куҳий, Абусаид Абулхайр, Абулҳасан Хароқоний кабилар билан учрашган. Ёшликдан фиқҳ, тафсир, ҳадис илмлари ва илми каломни чуқур ўрганган, 300 минг ҳадисни ёд олган. Аммо кейинроқ тасаввуф йўлига кириб, Аллоҳ каломининг зоҳирий (инсон ақлига таянган) тафсирларига, жумладан, мўътазила ва ашъария каломи ақидаларини қаттиқ танқид қилган. У тасаввуфда мўътадил йўл тутган, шариат ва тариқатни бир-бирига қарши қўймаган. Ундан араб ва форс тилларида жуда бой адабий мерос қолган. Жумладан, араб тилида тариқат аҳли соликларининг мақом ва манзилларидан батафсил баҳс юритувчи "*Манозил ус-соирин*" асари (1082 йил), шу мавзуларда форс тилида "*Канз ус-соликин*", "*Зод ул-мусофирин", "Сад майдон", "Табақот ус-суфия*" асарлари жуда машҳур. **Ансорий** Юсуф ва Зулайхо қиссасининг рамзий-ирфоний баёнидан иборат бўлган "*Анис ул-муридин ва шамс ул-мажолис*" асари **Ансорий** бадиий насрининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бу асарнинг ягона қадим қўлёзмаси Лондонда Индия-Оффис кутубхонасида 1458 инвентар рақами остида сақланади. **Ансорий** араб шеъриятидан 70 минг, форс шеъриятидан 100 минг байт ёд билганлигини ривоят қилишади. Унинг шеърий девон тузгани маълум эмас, аммо унинг насрий асарлари кўпроқ сажъ билан ёзилган бўлиб, улар таркибида қатор ғазал, қитъа, рубоий ва бошқа жанрлардаги шеърлар учрайди. Айниқса, унинг рубоийлари жуда таъсирчан ва ботиний эҳтиросларга бой.

Ботиния ва тасаввуфнинг ўзаро муносабатлари масаласига доир қизиқарли маълумотлар машҳур шарқшунос академик Е.Э.Бертельснинг

[1] Таронаҳои дилангез. –Душанбе: "Ирфон", 1986. –С. 5-64 (11-84).

[2] Ибн Бакуйа ва Бобо Куҳий лақаблари билан машҳур бўлган Шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Шерозий ҳақидаги қадим ишончли маълумотлар уни ислом ва тасаввуф олими сифатида таништиради, шоирлиги тилга олинмайди. Девонининг мавжуд нусхалари эса Янги даврга мансубдир. Қаранг: Баба Кухи. Предисловие к изданию "Дивана" // Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. –М.: «Наука», ГРВЛ, 1965. –С.285-299.

ўғли таниқли олим А.Е.Бертельс эълон қилган бир мақолада келтирилади[1]. Олим аниқлашига кўра **Носир Хусрав**нинг бир фалсафий қасидасига XIV аср иккинчи ярми - XV аср бошларида яшаб ўтган эронлик машҳур суфий шоир **Шайх Неъматуллоҳ Вали** (ваф. 1431) жавоб-шарҳ қасидасини ёзган. Унда ботиния фалсафаси руҳидаги саволларга тасаввуфий талқинда ҳар байтига бир байт билан жавоблар берилади. Мана ўша савол-жавобларнинг ибтидосидан бир намуна:

Носир Хусрав:
Хирад паймонайи инсоф агар як бор бар дорад,
Бапаймояд ҳар он чизи ки деҳқон зери сар дорад.

Неъматуллоҳ:
*Хирад ақл асту паймона қаноат назди дарвишон***,**
Барав мужмал муфассал кўн, хирад ин зери сар дорад.

Носир Хусрав:
Тўро маълум гардонад аз ин дарёйи зулмони,
Ки у ин олами сифли черо бар хушку тар дорад.

Неъматуллоҳ:
Адам - дарёйи зулмони, бадан – ин олами сифли,
Ҳавоси зоҳиру ботин ба баҳру бар сафар дорад.

Носир Хусрав:
Чаро ин заврақи заррин ҳамидун номувофиқ шуд,
Гаҳи симин салаб пўшад, гаҳи заррин сипар дорад.

Неъматуллоҳ:
Дилат он заврақи заррин муқаллаб гардад он ҳар дам,
Гаҳи дар жисму гаҳ дар жон зи хайру шарр хабар дорад...

(Носир Хусрав:
Агар ақл бир марта инсоф паймонасини қўлига олса,
Деҳқон дилидаги барча нарса унга аниқ маълум бўлади.

Неъматуллоҳ:
Хирад ақлдир, паймона – дарвишлар наздида - қаноат,
Кел, ихчамни ёйилтиргин[2], бунга ақл қудрати етади.

---

[1] Бертельс А.Е. Поэтический комментарий Шаха Ни’матуллаха Вали на философскую касыду Насир-Хусрау. // Сад одного цветка. –М., 1991. –С.7-30.

[2] Бертельс А.Е. талқинига кўра, шоир “олами суғро”, яъни инсон руҳини “олами кубро”, яъни коинот руҳи билан уйғунлаштиргин демоқчи. Давр фалсафий қарашларига биноан инсон моҳиятан коинотнинг ихчамлашган намунасидир.

Носир Хусрав:
Сенга бу зулмат уммони аро маълум бўлсинким,
Нечун у фоний оламни қуруқ-ҳўл узра тутгайдир.

Неъматуллоҳ:
Адамдир зулмат уммони, бадан бу фоний оламдир,
Ички ва ташқи туйғулар қуруқ-ҳўл узра сайр этгай.

Носир Хусрав:
Нечун тилло қайиқча бунчалар ҳам ўзгарувчандир,
Кумуш совут кияр гоҳи, гаҳи қалқон тутар олтин.

Неъматуллоҳ:
Кўнгилдир ул қайиқ, ҳар дамда ўзга бир тус олгайким,
Гаҳи жисму гаҳи жонда хабар яхши ёмондандир...)

Носир Хусрав қасидаси жами 29 байт бўлиб, **Шайх Неъматуллоҳ Вали**нинг жавоби 32 байтдан иборат. Олимнинг аниқлашига кўра аслида ботиния шоирининг асари ҳам X аср бошларида араб тилида ижод қилган файласуф шоир Абулҳайсам Журжоний қасидасининг форсча эркин баёни экан. Бу қасида шарҳида **Носир Хусрав** *“Жомеъ ал-ҳикматайн”* номли муфассал насрий рисола ҳам яратган. Келтирилган парча **Носир Хусрав** фалсафий шеъриятига ёрқин намуна бўлиш билан бирга Ислом маърифатчилиги даврида эришилган ютуқлардан тасаввуф шеърияти қандай унумли фойдаланганлигига ҳам бир нишона бўла олади.

Бу даврдаги соф фалсафий ғояларнинг бадиий ифодаланишини қисман Абу Али ибн Синонинг “*Қасидат ан-нафс*” маснавийси ва “*Ҳайй ибн Яқзон”, “Рисолат ат-тайр”, “Соломон ва Абсол”* каби мўъжаз насрий қиссаларида ҳам кузатиш мумкин.

Шундай қилиб бу давр охирларига бориб фалсафий қасидалар ва тасаввуфий ғоялар ифодаланган асарлар яратила бошланган бўлса ҳам ҳануз бу йўналиш етакчи мақомга кўтарилмаган эди. Аксарият шеърият мактаблари соф дунёвий йўналишни сақлаб келар эдилар. Бу даврда дунёвий йўналишда ижод қилган, аммо йирик ижтимоий-инсоний масалаларни юксак пафос билан тасвирлай олган ва форс мумтоз адабиётидаги эпик достончиликнинг кейинги ривожига бақувват асос яратиб берган буюк шоир Абулқосим Фирдавсий эди.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. “Дунёвий адабиёт” деганда нимани тушунасиз? Унинг моҳиятини очиб беринг.

2. “Дунёвий адабиёт” шеъриятининг мазмуний мундарижасида қандай мавзу турлари етакчилик қилган?

3. “Дунёвий адабиёт” мавзусида яратилган асарлардан мисоллар келтиринг.

4. Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг “Модари май” қасидаси ва Манучеҳрий Домғонийнинг мусаммати ўртасидаги ўхшашликларни, мажозий тасвирларни тушунтириб беринг.

5. Нима учун VIII - XI асрлар мусулмон минтақа адабиётини “дунёвий адабиёт” деб аталди?

6. “Дунёвий адабиёт” вакилларининг шеъриятида адабиётнинг қайси вазифалари устун ва қайси вазифалари нисбатан оқсаб туришини кузатиш мумкин?

7. Ботиния оқими, исмоилия бидъати ва унинг вакиллари ҳақида нималарни биласиз?

8. Мусулмон маърифатчилиги босқичида Борлиқ ҳақиқатини идрок этишнинг тасаввуфий-ирфоний оқими вакилларидан кимларни биласиз?

9. Носир Хусравнинг фалсафий қасидасига шоир Шайх Неъматуллоҳ Валининг жавоб-шарҳ қасидасининг мазмун ва ғояси нималарда намоён бўлади?

10. Бу даврда қандай насрий қиссалар яратилди?

Мустақил таълим бўйича савол ва топшириқлар:

1**.** IX-X асрлар форс тилида мумтоз шеъриятнинг шаклланиши ва илк ривожи қайси заминда ва қандай тарихий шароитда рўй берди?

2. XI аср форс тилидаги сарой шеъриятининг йирик намояндалари ҳақида маълумот беринг.

3. Шўубия ҳаракатининг моҳияти ва Унсурий ижодининг ижтимоий аҳамияти нималардан иборат эди?

4. Фаррухий Сийистоний ва Манучеҳрий Домғонийларнинг ижодий мероси ва уларнинг бадиий маҳорати ҳақида маълумот беринг.

5. VIII - XI асрлар форс тилидаги адабиётда “*дунёвийлик*” тамойили қандай намоён бўлди?

6. Мусулмон минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил жараёнининг иккинчи босқичи **Мусулмон маърифатчилиги босқичи**да шаклланган Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг турли йўналишлари давр бадиий адабиётида қай даражада ўз аксини топганлигини кўрсатиб беринг.

3-боб.
Фирдавсий ва унинг “Шоҳнома” асари

ОЛТИНЧИ ДАРС

Дарснинг мақсади: *Форс мумтоз адабиётининг энг буюк обидаси 60 минг байтли “Шоҳнома” асарининг яратилиши ва унинг муаллифи, унгача ушбу мавзуда яратилган асарлар, эпопеянинг биринчи қисми мундарижаси билан талабаларни таништириш, унда келтирилган Жамшид ва Фаридун билан боғлиқ ривоятларнинг маънавий моҳиятига ёшлар эътиборини қаратиш, "Авесто"даги Йима Ваҳишта, Ажи Даҳака асотирий тимсолларининг Фирдавсий баёнидаги талқинларига алоҳида урғу бериш.*

Таянч сўз ва иборалар: *Абулқосим Фирдавсий, Фирдавс шаҳри, Бож қишлоғи, Тус шаҳри, Дақиқий “Шоҳнома”си, “Хватай-намак”лар, “Сийар ал-мулук”, Масъуд Марвазий, Абулмуайяд Балхийнинг насрий “Шоҳнома”си, Абу Али Балхий, “Абу Мансур Шоҳномаси”, Ш.Шомуҳамедов, М.-Н.Османов, афсонавий Эрон ҳукмдорлари: Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид, котузийлар, нисорийлар, насудийлар, ахтуҳуштийлар, Заҳҳок, ёвуз Ахриман тантанаси, темирчи Кова қиссаси, Фаридун ва ўғиллари.*

16. Шоир таржимаи ҳоли ва “Шоҳнома”нинг яратилиши. Асар муқаддимаси

X-XI асрлар форс мумтоз адабиётининг энг буюк обидаси ҳеч шубҳасиз **Абулқосим Фирдавсий**нинг ***“Шоҳнома”*** асаридир. Бу забардаст шоир ва унинг монументал асари ҳақида жаҳон илмида олиб борилган тадқиқот ва изланишлар, таржима ва талқинлар беҳисоб. Жумладан, устоз Ш.Шомуҳамедовнинг ташаббуси билан 60 минг байтли эпопеянинг деярли 1/3 қисми, яъни 20 минг байти танлаб олиниб, ўтган асрда ўзбек тилига ўгирилди ва 3 жилдда нашр этилди. Мустақиллик йилларида бу таржима яхлит ҳолда қайта нашрдан чиқди.

Улуғ шоир ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқида жойлашган Фирдавс шаҳри (қадимги Тоборон шаҳри) яқинидаги Бож қишлоғида камбағаллашган ер эгаси оиласида тақрибан 936-940 йиллар орасида дунёга келиб, 1020-1025 йиллар оралиғида қадимги Тус шаҳрида (ҳозирги Машҳад шаҳри яқинида) вафот этган. Унинг ҳаёт йўли ҳақида ишончли манбалар ниҳоятда кам. Биз ҳатто унинг асл исмини ҳам аниқ билмаймиз. Фирдавсий ўз эпопеясини Дақиқий (956-980)нинг фожеали ўлимидан

кейин ёзишга бошлаган ва унинг 60.000 байтли “*Шоҳнома*” асари 30-35 йиллик изчил ижодий меҳнат натижасидир.

Эрон ҳукмдорлари тарихини ёзиш анъанаси Сосонийлар сулоласи даврида шаклланган бўлиб, улар ўша даврда “*Хватай-намак*” (“*Худай-наме”*) деб аталган. Кейинроқ улар “*Сийар ал-мулук*” номи билан араб тилига ўгирилган. Фирдавсийгача X асрда янги форс тилида “*Шоҳнома*” номи билан яратилган 5 асар ҳақида маълумотлар бизгача етиб келган. Булар – 1)Масъуд Марвазийнинг шеърий “*Шоҳнома*”си (ундан бизгача бирнеча байт етиб келган), 2)Абулмуайяд Балхийнинг насрий “*Шоҳнома*”си (бу асар мазмуни ҳақида турли манбаларда хабар берилади), 3)Абу Али Балхий асари (бу муаллиф ҳақида фақат Бируний хабар берган), 4) Сомонийлар лашкарбошиси, Тус шаҳрининг ҳокими *Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдураззоқ* (вафоти 963 йил) ўз вазири Абу Мансур Муаммирийга Эрон подшоҳлари тарихини тузишни топширади. Муаммирий (Маъмарий) Хуросоннинг турли шаҳарларидан 4 донишманд мўбад(маздаясна дини уламолари)ни топтириб йиғиб келиб уларга подшоҳлар тарихини ёзишни буюради. “*Абу Мансур Шоҳномаси*” номи билан машҳур бўлган бу насрий асар 957 йилда тайёр бўлади. Ва, ниҳоят, 5) Дақиқийнинг шеърий “*Шоҳнома*”сидан 1000 байт Фирдавсий асарининг таркибида бизгача етиб келган. Олдинги 4 “*Шоҳнома*” ҳақида турли манбалар аниқ хабар берсалар-да, уларнинг асл матнлари бизгача етиб келган эмас.

Олимларнинг аниқлашига кўра, Фирдавсий ўз асарини кўпроқ насрий Абу Мансур “*Шоҳнома*”си маълумотларига таяниб ижод этган. Шу билан бирга М.-Н.Османовнинг махсус тадқиқотидан маълум бўлишича, шоир бошқа манбалардан ҳам унумли фойдаланган[1]. Албатта, насрий “*Шоҳнома*” лар кўп жиҳатдан ўша давр анъаналарига биноан ёзилган тарихий мазмундаги асарлар бўлиб, уларда тарихий воқеалар ва ўтмиш асотирлари ҳақида батафсил ёки қисқача хабар берилади, маълумотлар келтирилади, асосан баён услуби қўлланилади. Фирдавсий “*Шоҳнома*”си эса бадиий асар бўлиб, унда воқеаларнинг бадиий тасвири берилади, рассом бўёқлардан қандай фойдаланса, шоир ҳам тил имкониятларидан худди шундай фойдаланади. Шоир қалами остида тарихий воқеалар, афсона ва асотирлар китобхон кўз олдида жонли намоён бўлади, тарихий шахслар ва афсонавий қаҳрамонларнинг тимсоллари тирик инсонларга айланиб ҳаракатланади, фикрлайди ва сўзлайди, азобланади ва шодланади, гўё биз билан мулоқотга киришади ва бизнинг руҳимизга ҳам таъсир қилади.

[1] Османов М.-Н. Своды иранского героического эпоса. (“Худайнаме” и «Шахнаме») как источники «Шахнаме» Фирдоуси. // Ученые записки Института Востоковедения. Том XIX. Вопросы истории и филологии народов Востока. –М., 1958. –С.153-189.

Фирдавсий “*Шоҳнома*”сининг биринчи таҳрири 994 йилда (ҳижрий қамарий 384 йил) поёнига етган. Аммо шоир яратган асаридан кўнгли тўлмай уни яна таҳрир қилиб тўлдиришга киришган ва асарнинг иккинчи таҳрири ҳижрий қамарий ҳисобида 400 йилда (милодий 1010-1011 йиллар орасида) тайёр бўлди. Бу улуғ эпопея нафақат ҳажм жиҳатидан, балки ўз бадиий қудрати ва мазмун кўламига кўра ҳам ҳайратланарли ва маҳобатлидир. Буни ёрқин тасаввур қилиш учун унинг қисқача мундарижаси билан танишиб чиқиш кифоя[1].

Асар **муқаддимаси** 225 байтдан иборат бўлиб ягона Тангри ҳамди билан бошланади. Кейинги фасл ақлни улуғлашга (“*Ситойиши хирад*”) бағишланган бўлиб, 16-34 байтларни қамраб олади. Ундан сўнг олам ва одамнинг яратилиши, Пайғамбар (сав) мадҳи, асарнинг яратилиш сабаблари ва манбалари ҳақида тўхталиб, охирида 48 байт Султон Маҳмудга мадҳия келтирилади. Шоир инсоннинг ер юзида халифа қилиб яратилганлигига алоҳида аҳамият беради:

Занжирнинг охирги ҳалқаси инсон,
У – калит, бандларни очади осон.
Сарвдек тик бошини кўтармиш мағрур,
Борлиғи – яхши сўз, ақлу тафаккур.
Ақл бирла идрок фақат унга ёр,
Бутун тилсиз олам фармонига зор.

Шундай экан, инсон ўз олий мақомига муносиб иш тутмоғи зарур:

Оламда биринчи ҳисоб эт ўзинг,
Ўйинчоқ бўлмасин айтур ҳар сўзинг...
Танангни меҳнатда айлагил бардам,
Билим бирла меҳнат доимо ҳамдам.
Ёмонликдан бўлай десанг мосуво,
Ёғилмасин десанг бошингга бало...
Фалак шиларига боқиб айла фан,
Дармон ҳам ўшандан, дард ҳам ўшандан.

17. Афсонавий қисм

Достонни текширган олимлар унинг асосий мавзуини уч бўлакка тақсим қилганлар. Биринчиси **афсонавий қисм** бўлиб, унда шоир қадимий асотирларни бадиий ишлаб чиқади. Иккинчиси **қахрамонлик эпоси** ҳисобланади. Бу бўлим, асосан, Рустами Достон унинг отаси Зол, бобоси Сом ва бошқа баҳодирлар ҳақидаги қиссалардан иборат. Учинчиси – **тарихий**

[1] Бу улуғвор эпопеянинг қисқача мазмуни (тарихий қисмидан ташқари) устоз Шоислом Шомуҳамедовнинг “Абулқосим Фирдавсий” асарида жуда чиройли баён қилинган бўлиб, биз қуйида муайян қисқартиришлар билан ундан фойдаланганимизни қайд этиб ўтмоғимиз лозим.

бўлим. Бунда Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг Сосонийлар давридан бошлаб то араблар бостириб келгунгача тарихи бадиий бўёқларда ёритиб берилади.

Муқаддимадан сўнг шоир афсонавий шоҳлар – Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид, Заҳҳок, Фаридун ва унинг ўғиллари ҳаётидан ҳикоя қилади, бу қисм жами 1716 байтдан иборат бўлиб, биринчи уч ҳукмдор тарихи қисқа (156 байт), кейингилари билан боғлиқ воқеалар анча батафсил тасвир этилади(1560 байт).

Биринчи уч ҳукмдор (**Каюмарс** - 72 байт, **Ҳушанг** - 38 байт, **Таҳмурас** - 46 байт) подшоҳликлари тасвири ўзига хос тарзда ибтидоий жамоа даврларидаги вазиятдан хабар беради. Каюмарс ("*Авесто*"да *Гаяҳ маритан* - ўлгувчи жон) қадим асотирларга биноан «Шоҳнома»да ҳам биринчи одам, ҳам дунёнинг биринчи подшоси. Унинг даврида одамлар ҳали олов нималигини билмайдилар, ер ҳайдаб экин экишни, мол боқишни, уй қуришни ҳам билмайдилар, улар тоғлардаги ғорларда яшаб ов билан кун кечирадилар, ҳайвон терисига ўралиб юрадилар. Ҳушанг ҳукмронлигида одамлар оловдан фойдаланишни, ариқлар қазиш, сув чиқаришни, ҳайвонларни қўлда боқишни ўрганадилар. Таҳмурас подшолиги давомида кишилар мато тўқиш, бичиб-тикиш, отларни, хўроз, товуқ ва бошқа қушларни хонакилаштириш, қирғий, лочин кабиларни қўлга ўргатиб, овга солишни билиб оладилар. Шу билан бирга бу қисмда "*Авесто*" асотирларининг таъсири яққол сезилиб туради. Каюмарснинг суюкли ўғли Сиёмак девлар билан жангда ҳалок бўлади. Унинг ўғли Таҳмураснинг девларни енгиб, инсонларга хизмат қилдиргани учун «*Девбанд*» лақабини олади. Тахмурас девларни жиловлаб миниб юради, улар шоҳга 30 хил хат ўргатадилар.

Таҳмурас вафотидан сўнг унинг ўғли **Жамшид** ("*Авесто*"да *Йима Ваҳишта*) тахтга ўтиради. У ёшлигидан яхши тарбия олган, ўқимишли, билимдон ва одил подшо бўлади. У 70 йил ҳукмронлик қилади. Унинг даврида мамлакат гуллаб-яшнайди, табиат сирлари очилади, ер ўз бойликларини одамарига нисор этади. Одамлар турли ҳунарларни ўрганади, Улар металл эритиб, ундан қурол-аслаҳа ясашни, конлардан олтин, кумуш, олмос, ёқут, феруза каби қимматбаҳо металл ва тошларни олиб ишлатишни; турли гиёҳ, ўт, илдизлардан доривор ҳамда хушбўй атрлар ясашни ихтиро этадилар.

Одамлар тинч меҳнат билан машғул, фаровон ҳаёт кечирадилар, Аҳриман аскари - девлар ҳам уларга хизмат қилади. Улар ғишт қуйиб, иморатлар соладилар ва одамларни меъморлик сирларидан огоҳ этадилар. Қурол-аслаҳа фақат ваҳший ҳайвонларга қарши ишлатилади.

Жамшид одамларни тўрт гуруҳ, табақага тақсим қилади. Руҳоний-муъбадларни ***котузий***лар деб атайди ва уларга баланд тоғ чўққиларидан

жой қилиб беради. Улар абадий оловни, қадим анъаналарни сақлайдилар, илму фанни ривожлантирадилар. Иккинчи гуруҳ – ***нисорий***лар халқ тинчлиги ва давлат мустаҳкамлигини сақловчи жанговар аскарлар бўлиб, учинчи табақа кишилари - ***насудий***лар деҳқончилик билан банд бўлган тинч меҳнат аҳллари эди. Тўртинчи гуруҳга ҳар нарсада моҳир ҳунармандлар киради ва улар ***ахтуҳуштийлар*** деб аталарди.

Ҳамма ўз жойида, барча ўз иши билан банд. Мамлакат кундан-кунга яшнаб кетади. Жамшид ҳатто девларга тахтини кўтартириб осмонга учади. Бундай бахтиёр ва фаровон ҳаёт бора-бора Жамшидни ортиқча кибр-ҳавога берилишга олиб келади.

Кунлардан бир кун шоҳ уламо-ю ҳукамо, аъёну акобирни йиғиб, ўз ҳукмдорлиги даврида қўлга киритилган ютуқларни бир-бир санар экан, сўнгида: “*Буларнинг ҳаммасини сизга мен бердим, бас, шундоқ экан, мени “**жаҳонофарин**” (яъни дунёни яратувчи) ҳисоб этинг ва хизматимда бош эгиб туринг, ким менга тобеълик қилмаса, ул Ахриман*” деб эълон қилади.

Шундан бошлаб мамлакат, бахт ва омад ундан юз ўгиради. Юртда парокандалик бошланади. Шоҳнинг такаббурлигидан норози бўлган юрт улуғлари араб шоҳи Заҳҳокка билан яширинча тил бириктирадилар.

Шоир ёзишича, араб юртида Заҳҳок (бу ном "*Авесто*"даги *Ажи Даҳака*[1] асотирий тимсолини эслатади) иблис васвасаси билан ота қонини тўкиб тахтга чиққан эди. Унинг қўли билан одамзод тухумини қуритишни режа қилган маккор иблис ошпаз қиёфасида келиб, Заҳҳокка хизмат қилади ва турли қушлар ва жонзотлар гўштидан лаззатли таомлар пишириб беради[2]. Унинг таомларидан мамнун Заҳҳок: «*Мукофотига нима тилайсан?»* деганида ошпаз иблис: «*Менга ҳеч нима керак эмас, икки елкангдан ўпич олишга рухсат берсанг, шу менга катта мукофот*», дейди. Заҳҳок ўйламай-нетмай рози бўлади. Иблис унинг икки елкасидан ўпич олиб, ўзи ғойиб бўлади. Заҳҳок елкаларидан эса икки илон ўсиб чиқади. Золим Заҳҳок елкасидан ўсиб чиққан икки илонни тўйдириш учун ҳар куни эл фарзандидан икки йигитни ўлдириб, миясини қовуриб илонларга едирар эди.

Заҳҳок Эронзаминга бостириб келганда халқ ишончини йўқотган Жамшид қочиб кетган эди. Эрон тахтни **Заҳҳок** (470 байт) эгаллайди ва қочқин шоҳни Хитой денгизи қирғоқларидан топиб, арралатиб икки бўлиб ташлайди. Жамшиднинг икки қизи Заҳҳок қўлига тушади. Заҳҳок минг йил

---

[1] Бу асотирий қаҳрамон кейинчалик минтақа халқлари эртакларида уч бошли "*аждаҳо*" қиёфасида намоён бўлади.

[2] Маълумки, “Авесто”да Жамшиднинг айби инсонларга жонзотлар гўштини ейишни ўргатганлиги дейилади. Фирдавсий буни Заҳҳокка нисбат берган.

ҳукм суради. Унинг ҳукмронлик даври ёвуз Ахриман тантанаси, Эрон халқи бошига оғир савдолар тушиб, ҳаёт зулму зулматга чўлғанган давр бўлди. Ҳаётидан 40 йили қолганда Заҳҳокка тушида Фаридундан мағлуб бўлиши башорат қилинади. Шундан кейин Фаридуннинг онадан туғилиши ва улғайиши ҳикоя қилинади. Унинг Таҳмурас авлодидан эканлиги маълум бўлади.

Заҳҳок подшоҳлиги ҳақидаги бобнинг 183-байтидан темирчи Кова ҳақидаги қисса бошланади. Бу қисса «*Шоҳнома*»нинг энг таъсирли эпизодларидан ҳисобланади. Кова номли темирчининг 19 ўғли бор эди. 17 таси Заҳҳок илонларига ем бўлади. Охири ўн саккизинчи фарзанди ҳам ўлимга олиб кетилгач, мазлум ота подшоҳ ҳузурига кириб боради. Шоҳнинг «*Сенга ким зулм қилди*?» - деган саволига жавобан Кова:

Қўлларин бошига уриб дер: «Эй шоҳ,
Менинг номим Кова, адолат, додхоҳ,
Сендан ситам кўрдим, сендандир раво,
Одил бўлсанг қилмоқ дардимга даво.
Мен бнр темирчиман безарар, беғаш,
Сен шоҳдан бошимга ёғар бу оташ.
Сен шоҳсан, бўлсанг-да аждаҳопайкар,
Шоҳ бўлиши керак адолатпарвар.
Агар етти иқлим шоҳлигингда жам
Нечун бизга қисмат фақат дарду ғам.
Энди ишларингдан менга бер ҳисоб,
Жаҳон ҳайратингдан танг қолсин шу топ.
Магар ҳисобингдан бўлади маълум
Фарзандимдан нечук айладинг маҳрум.
Нечук фармон этдинг, илонлар есин,
Гуноҳспз ўғиллар тоза миясин?»

Заҳҳок бундай жасоратдан ҳайратга тушади ва ўзини адолатли кўрсатиш мақсадида Ковага ўғлини қайтариб беришлари ҳақида фармон беради. Бу пайтда Эрон шоҳлари тахтининг қонуний вориси Фаридун улғайиб золим шоҳга қарши кураш бошлаган, қасос яқин эканлигини сезган Заҳҳок қаттиқ ваҳимада, ҳокимиятни қўлида сақлаб қолиш учун ўзини одил подшо қилиб кўрсатиш ҳаракатига тушган. У гўё ўзи қилган эзгу ишларини қайд эттириб бир ёрлиқ тайёрлатган, ор-номусдан маҳрум сарой аъёнлари бу ёрлиқ тагига имзо чека бошлаган эдилар. Темирчи Кова шу аснода саройга кириб келган эди. Заҳҳок ўртадаги ёрлиққа унинг ҳам имзо чекишини сўрайди. Шунда Фирдавсий қалами остида болалари ғамидан забун оддий темирчи буюк бир ватанпарвар, исёнкор инсонга айланиб кетади:

Ёрлиқни ўқиган Кова темирчи,
Кўзидан ўт чақнаб, ўртанди ичи.
Аёнларга деди: «Худо бехабар
Девга малай бўлиб қолибсиз, аксар.
Ахриман сўзига берибсиз дилни,
Дўзаҳ сари тўғри олибсиз йўлни.
Бу ёрлиққа исмим чекмасман асло,
Ҳеч қўркув сололмас менга аждаҳо».
Ғазабидан қалт-қалт титрай бошлади,
Ёрлиқни йиртди-ю, ерга ташлади.

Эшикка югуриб чиққан Кови халқ қуршаб олади. У ўзининг пешбандини байроқ қилиб золим ҳукмдорга қарши исён кўтаради. Темирчи Кова қиссаси Фаридуннинг Заҳҳокка қарши жангига уланиб кетади. Фаридун темирчининг пешбандини ўз байроғи қилиб олади ва шундан бошлаб жавоҳирлар билан безатилган бу пешбанд Каёнийлар сулоласининг туғига айланади[1]. Фаридуннинг илон шоҳга қарши кураши тасвири 202 байт давом этади. Кова образи Фирдавсийнинг катта ижодий ютуқларидан бўлиб, унинг жасорати баҳонасида шоир халқнинг улуғвор образини ёрқин бўёқларда чизиб бера олган. Кова байроғи эса халқ ва одил ҳукмдорнинг бирлиги ғоясини ифодалашга хизмат қилган.

Фаридун подшоҳлиги тасвири 898 байтли йирик достонга айланган. У давлатни адолат билан бошқариб, қўл остида халқ бахтли ва фаровон умр кечиради. Фаридун 500 йил шоҳлик қилади ва 3 ўғил фарзанд кўради. Уларнинг каттасига Салм, ўртанчасига Тур, оқил ва меҳрибон, олийжаноб ва жасур кенжа ўғлига Эраж номини беради.

Фаридун кексайиб, соғлиғи заифлаша бошлаганини сезгач, мамлакатни уч ўғлига тақсим қилиб беради. Мамлакатнинг ғарбий қисмида]Рум вилояти Салмга, Чин билан бирга шарқий қисми Тургa тегади ва бундан сўнг бу ўлка Турон деб атала бошлайди. Ота Марказий Эрон ерларини севимли ўғли Эражга беради ва уни валиаҳд эълон қилади.

Аҳриман Салм билан Турнинг дилига қаттиқ ҳасад ўтини солиб, уларни йўлдан уради. Акалар Эражга қарши фитна уюштириб, ундан тахту тожни тортиб олмоқчи бўладилар. Аскар йиғиб, оталарига талабнома хати юборадилар. Шунда Эраж акаларининг ақлу ҳушига ишониб, аскарсиз улар ҳузурига боради ва ўртадаги адоватни яхшилик билан ҳал қилмоқчи бўлади. Аммо ҳасад олови ақл кўзини кўр қилган акалар Эраж кўксига ханжар урадилар, уканинг бошини кесиб оталарига юборадилар. Шу воқеадан бошлаб Эрон ва Турон орасида абадий адоватли урушлар қизиб кетади ва бу фожеали хусуматчилик "*Шоҳнома*" охиригача давом этади.

[1] Темирчи Кова қиссаси танқидий матнда 183-268 байтларни (85 байт) ташкил қилади. (Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст. Т.1. –М.: «Наука» ГРВЛ, 1966, стр. 61-66.)

Эражнинг қайлиғи Моҳофарид фарзанд кутар эди. Фаридун энди шунга умид боғлайди. Аммо ундан қиз туғилади. Фаридун ўйлаган қасос соати яна чўзилиб кетади. Энди кекса Фаридун шу набирачани авайлаб парвариш қилади ва бўйига етгач, Жамшид авлодидан бўлган баҳодир Пашангга турмушга беради. Ёш оила ўғил кўради, боланинг ҳусни жамоли мисоли жаннатдан нишона эди. Шунга кўра кекса Фаридун унга **Манучеҳр** деб от қўяди. Паҳлавон бола тез ўсиб-улғаяди, барча илму ҳунарларни эгаллайди. Ва ниҳоят, қўшин тортиб, Салм ва Турни жангда ҳалок этиб, бобоси Эраж қасдини олади. Бу воқеалар натижасида ягона ўлка ўзаро абадий душман бўлган мамлакатларга бўлиниб кетади.

(Афсонавий ҳукмдорлар ҳақидаги қисм шу билан тугайди. "Шоҳнома"нинг академик Е.Э.Бертельс раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи тузган 9 жилдли танқидий матнида бу қисм 1-жилднинг ярмидан озроғини эгаллаган. Келгуси - паҳлавонлик саргузаштлари ҳақидаги қисм асарнинг "Шоҳнома"нинг энг катта бўлагини ташкил этиб, 27404 байтдан иборат ва танқидий матннинг 1-жилд 135-саҳифасидан 6-жилд охиригача тўлиқ қамраб олган).

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Фирдавсийгача шоҳномачилик тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. "Шоҳнома"нинг муқаддимасида қайси мавзулар тилга олинган?
3. Муқаддимада шоирнинг инсонга берган таърифи ҳақида қандай фикрдасиз?
4. Анъанага кўра "Шоҳнома" қайси қисмлардан иборат деб қаралади?
5. "Шоҳнома"нинг афсонавий ҳукмдорлар ҳақидаги қисмида кимлар ҳақида ҳикоя қилинади?
6. Жамшид ҳақидаги ривоятдан қандай хулоса чиқариш мумкин?
7. Заҳҳок тимсоли "Авесто"даги қайси асотирий қаҳрамонни эслатади?
8. Темирчи Кова қиссасини сўзлаб беринг.
9. Темирчи Кова пешбандининг кейинчилик Эрон тарихида тутган ўрнидан хабарингиз борми?
10. Фаридун ва ўғиллари қиссасининг "Шоҳнома"нинг иккинчи қисмида юз берган воқеаларга қандай алоқаси бор?

ЕТТИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *“Шоҳнома” асарининг иккинчи қисми - қаҳрамонлик эпосининг бошланиши, Сийистонлик паҳлавонлар силсиласи, Зол ва Рудоба достони, Эпопеянинг бош қаҳрамони - Рустами Достоннинг дунёга келиши ва дастлабки ғалабалари, Кайковус подшоҳлиги ва унинг бемаъни хатти-ҳаракатлари, Афросиёбнинг Эронга босқинлари, Рустамнинг етти қаҳрамонлиги ҳақида талабаларга қисқача маълумот бериш, Рустам ва Суҳроб достони бўйича талабаларнинг чиқишларини ташкил қилиш, Фирдавсий асарининг жаҳонда шуҳрат топишида бу достоннинг аҳамиятига талабалар эътиборини қаратиш.*

Таянч сўз ва иборалар: *Қахрамонлик эпоси, Манучеҳр, Сом, Зол, Рудоба, Симурғ, Рустам, Навзар, Гершасп, Рахш, Пашанг, Афросиёб, Кайковус, Мозандарон, Аржангдев, Оқ дев, Ҳомоварон шоҳи, Судоба, Самангон шаҳри, Таҳмина, Суҳроб, Гурдофарид, Рустамнмнг ғазаби, Гударз, Василий Жуковскийнинг "Рустем и Зураб" достони.*

18. Қахрамонлик эпоси. *Зол ва Рудоба достони*

Манучеҳр катта бобосига олтин даҳма қурдиради, бутун мамлакат етти кун нилдек кўк либос кийиб мотам тутади. Ҳафта ўтгач, Манучеҳр тож кийиб, подшолик тахтига чиқади. Фаридун шоҳлиги даврида қўшин бошида Кова ўғли Карон ва девлар билан урушда якзарб лақабини олган **Сом** турар эдилар. Бу даврда Эрон ва Турон орасидаги қонли қасос урушлари гоҳ сўниб, гоҳ алангаланиб давом этаверади. Манучеҳр 120 йил подшолик қилади[1]. Энди майдонга Сейстон баҳодирлари чиқадилар.

Шоҳ Манучеҳр кўпроқ Сейстон ҳокими Сомга таянарди. Сомнинг кўп замон фарзанди бўлмайди. Охири овда юрганида хотини ўғил туққани ҳақида хабар етади. Аммо бола оқ сочли туғилади. Хафа бўлган Сом буни иблис қилмиши деб тушунади ва: «Менга бундай мўйсафид бола керак эмас», деб уни Элбурз тоғида одам оёғи тегмаган жойларга олиб бориб ташлашни буюради.

Ҳимоясиз қолган гўдакни афсонавий Симурғ қуши кўтариб уясига олиб кетади ва ўз болалари қатори боқиб тарбиялайди. Сом бошқа фарзанд кўрмагач, ибодатхонага кириб, ўз қилмишидан тавба қилади ва Элбурз тоғига бориб, ўғлини топиб келади. Бу пайтда **Зол** вояга етган кўҳлик ва паҳлавон бир йигит эди.

Сомнинг ўз ўғлини топиб келганидан хабар топган Манучеҳр икки ўғли (Наузар ва Зорасп)дан бири Наузарни Сом юртига юбориб, уларни ўз ҳузурига чорлайди. Сом ва Зол Манучеҳр даргоҳига келадилар. Зол

[1] Манучеҳр ҳақидаги боб 1654 байт бўлиб, унинг 43-байтидан бошлаб Сом ўғли Золнинг туғилиши ва саргузаштлари тасвири бошланади.

ҳуснига ва ақлу идрокига барча қойил. Улар Зобулистонга қайтиб кетадилар. Сом ўғлига ҳарбий ҳунар ва билимларни астойдил ўргата бошлайди.

Кунлар ўқиш-ўрганишда ўтади. Сом яна Эрон душманлари билан урушга отланади. Зобул хонлигини Золга топшириб йўлга чиқар экан, унга одил ва карамли бўлиш, ўз она юрти Зобулни обод этишга ҳаракат қилиш, илму фан, ҳунару санъатга ҳомийлик қилиш кераклиги ҳақида насиҳат қилади. Барча яхшилик ва фаровонлик илму ҳунардан келишлигини алоҳида уқтиради. (*Шу жойдан асарда 1339 байтли* ***Зол ва Рудоба достони*** *бошланади).*

Отасидан айрилиб қолган ўспирин Зол усиз ўзини қайга қўйишни билмайди. Охири мамлакатни бир айланиб чиқишга қарор беради.

Сомнинг қўл остидаги амирлардан бири Кобулистон ҳокими Меҳроб эди. Зол унинг қизи **Рудоба**га ошиқ бўлиб қолади. Рудоба ҳам уни севади. Аммо Меҳроб золим подшо Заҳҳок авлодларидан эди. Шунинг учун Золнинг Рудобага уйланишига қарши чиқадилар. Иблис авлодига қўшилишни истамайдилар. Шунда Зол шоҳ Манучеҳр ҳузурига боради. У ўзининг ақлу фаросати ила шоҳга ёқиб қолади. Айтган гаплари жуда ўринли, мунажжимларга маслаҳат солишади. Мунажжимлар Зол ва Рудоба қўшилсалар, мисли кўрилмаган паҳлавон дунёга келишини башорат қиладилар. Зол Рудобага уйланади.

Рудобанинг ой-куни етади, аммо туғолмай қийналади. Шунда Зол ўзининг тутинган онаси Симурғ ёнига маслаҳатга боради. Симурғ Рудобанинг қорнини ёриб болани олиш кераклигини маслаҳат беради ва қандай гиёҳлардан дору ясашини айтади. Шундай қиладилар. Бу қийноқлардан қутулган Рудоба “*бирустам*”, яъни «*қутулдим*» деб юборади. Шундан боланинг исми «*Рустам*» бўлади.

Рустам тез ўсиб паҳлавон йигит бўлади. У афсонавий кучга эга, у етти ёшлигида оқ филни енгади, ўтирганда ҳам бўйи ҳаммадан баланд, юрганда ўз оғирлиги залворидан оёғи ерга ботиб кетади. Уни фақат ўзи учун яратилган Рахш номли отгина кўтара олади. V ақл-заковатли, ҳарбий ишда истеъдодли, маҳорати юксак саркарда ва енгилмас паҳлавон бўлиб етишади. У ватан балогардони. Уни Фирдавсий ҳам, Ўрта Осиё ва Эрон халқлари ҳам жуда севадилар. У ватанга, халқига узоқ хизмат қилади, фидойилик кўрсатади.

Аслида сейстонлик баҳодир Рустами Достонни «*Шоҳнома*»нинг бош қаҳрамони десак, хато бўлмайди. Шуни қайд қилиб ўтмоқ керакки, сейстонликларнинг аждодлари - саклар Эрон мифологияси, афсона ва қаҳрамонлик ривоятлари пайдо бўлган даврдан анча кейин Сейстонга кўчиб келган эдилар. Фирдавсий истифода этган қадимги Эрон «*Худойнома*»ларида Рустам ҳақида маълумотлар ё бутунлай бўлмаган, ё аҳамиятсизроқ персонажлар қатори тилга олинган. Сейстон баҳодирлари ҳақидаги ривоятлар Эрон қаҳрамонлик эпосига қайси вақтда

қўшилганлиги аниқ эмас. «*Шоҳнома*»да эса Сейстон баҳодирлари, айниқса, Рустами Достон асосий ролни ўйнайди. Шуниси қизиқки, Сейстон баҳодирлари ҳақидаги қиссалар сакларнинг Сейстонга кўчишидан анча олдин тўқилган эди. Рустамнинг девлар билан жанги ҳақидаги ҳикоят Муғ қалъасидан топилган сўғд ёзувларида сақланиб қолган. Шаҳристондан учинчи асрга доир Рустам ва Суҳроб жанги тасвири топилган.

«*Шоҳнома*»да Рустам энг машҳур Эрон паҳлавони, у Эрон ҳарбий кучларининг таянчи, ўз ватани Эрон ва унинг ифодаси ҳисобланган Эрон шоҳига чексиз садоқати билан яққол кўзга ташланиб туради. Фирдавсий Рустам портретини жуда йирик ва улкан қилиб тасвирлайди, уни йирик планда кўрсатади. Масалан, у бўкирса тоғлар ларзага келади, юрганида залворидан оёғи тошга ҳам ботиб кетади, ўтирган чоғида ҳам бўйи ҳаммадан баланд ва ҳоказо. Рустам енгилмас ва мағрур табиатли баҳодир, У ўз ватани, ўз халқи озодлиги йўлида ҳар қандай қаттол жангдан ҳам тап тортмайди, аммо шу билан бирга у ҳарбий найрангга ҳам уста.

Манучеҳр ўлимидан кейин тахтга катта ўғли **Навзар** (543 байт) ўтиради. Унинг ақлсизлиги ва ўзбошимчалиги мамлакатда норозилик уйғотади. Лашкарбошилар уни тахтидан туширмоқчи ҳам бўладилар, аммо Сом бунга йўл қўймайди. У қонуний шоҳга бўйсуниш лозимлигини уқтиради. Сомнинг ўзи подшони йўлга солиб қўяди, мамлакатда бошбошдоқлик камаяди, яна хотиржамлик ўрнатилади ва ободончилик йўлга қўйилади. Аммо Сомнинг ўлимидан кейин Эрон ва Турон ўртасида кўп йиллик урушлар яна бошланиб кетади. Турон шоҳи Афросиёб Наузарни асир олади ва қатл эттиради. Эронлилар Фаридун авлодидан кек-сайиб қолган Зав Таҳмоспни (45 байт) тахтга ўтказадилар. Унинг беш йиллик шоҳлиги тинчликда ўтади. Завнинг ўлимидан кейин Эрон тахтига унинг ўғли **Гершасп** (205 байт) ўтиради. Гершасп 9 йил подшолик қилади. Унинг даврида Рустам вояга етиб, ўзига Рахш номли бақувват отни танлаб олади.

Гершасп ўлимидан кейин Эрон тахти яна бўш қолади. Бу вақт Туронда Турнинг набираси Пашанг ҳукмронлик қилар эди. У энди бобосининг қасоси учун уруш бошлаш пайти келди деб ўйлайди ва алп баҳодир Афросиёбни чақириб, Эронга юриш бошлаш ҳақида фармон беради.

Кобулда отаси Сомга мақбара кураётган Зол энди Эрон паҳлавонларига бошчилик қилади. Туронлилар билан уруш давом этади. Эрон тахтига подшо, аскарларга бошлиқ керак эди. Эрон кексалари, баҳодирлар ва муъбадлар маслаҳатга йиғилиб, Элбурз тоғи тепасидаги водийда Фаридун авлодидан бўлган Қубодшоҳ яшайди, шуни олиб келиш керак, дейишади. Рустам бориб, **Кайқубод**ни олиб келади ва тахтга ўтқазади. Унинг юз йиллик подшолиги даврида (202 байт) ҳам Эрон ва Турон урушлари давом этади.

19. Кайковус подшоҳлиги

Кайқубоддан сўнг тахтга **Кайковус**[1] ўтиради. Рустамнинг кўп жасоратлари Кайковуснинг шоҳлиги даврида юз беради. Кайковус узоқни ўйламайдиган, палапартиш иш қиладиган, ўзига бино қўйган такаббур шоҳ эди. У баҳодирларининг маслаҳатига кўнмай, ўзбошимчалик билан Мозандаронга юриш қилади ва девлар қўлига асир тушиб қолади. Зол уни қутқаришга Рустамни юборади.

Мозандарон йўлида Рустам етти қаҳрамонлик кўрсатади. Унинг оти Рахш шер билан олишиб уни енгади, ўзи жазирама биёбондан чидам ва буюк матонат билан ўтишга ва зийраклик, ақлу заковат ила (кийик йўлидан) чашма кашф этишга муваффақ бўлади, аждаҳо билан жанг қилиб уни енгади. Жодугар кампир билан олишиб, унинг сеҳрларидан қутулиб, ўзини фош этиб қатл қилади. Мозандарон паҳлавони Авлодни асир олади, Аржангдев устига юриш қилиб, унинг калласини узиб, девлар орасига отади, девлар саросимада тумтарақай қочишади. Рустам Кайковус ва у билан бирга асир олинган баҳодирлар Гударз, Тус, Гев ва бошқаларни топади.

Кайковуснинг кўзи кўр бўлиб қолганлиги, унга Оқ девнинг қони даво эканлигини билгач, Рустам Оқ девни излаб кетади, уни ғордан топиб ўлдиради, бориб Кайковус ва унинг паҳлавонларини озод этади. Мозондарон шоҳи Рустам билан жангда унинг важоҳатидан қўрқиб, тош бўлиб қотиб қолади. Жодугар подшони Рустамнинг зўри билан тошдан чиқариб, танасини юз пора қилиб майдалаб ташлайдилар.

Кайковус ўз тахтига қайтиб келади, аммо у яна тинчимайди, турли ҳаваслар кетидан қолмайди. Ҳомоварон шоҳига қарши юриш бошлайди. Рустам Ҳомоварон шоҳи ила жанг қилади. Кайковус Ҳомоварон шоҳининг қизи Судобага уйланади. Ҳомоварон шоҳи Кайковусни меҳмонга чорлайди ва алдаб асир туширади. Рустам бориб, жанг билан яна Ковусшоҳни қутқариб келади. Бу вақтда Афросиёб яна Эронга босиб киради. Рустам уни ҳам ҳайдаб чиқаради. Кайковус яна тинчимайди, энди осмонга учгиси келиб қолади. Девлар маслаҳати ила кажава қурдириб, унинг тўрт чеккасига тўрт бургутни боғлаб осмонга кўтарилади. Бир жойга бориб ҳолсизланган бургутлар ила ерга қулаб тушади. Рустам уни излаб узоқ чангалзордан топиб келади.

---

[1] Эпопеянинг энг машҳур достонлари Суҳроб ва Сиёвуш қиссалари ушбу шоҳ даврида бўлиб ўтади ва шоир ўзи танлаган тартибдан чекиниб бу достонларни алоҳида номлашни лозим топган.

20. Рустам ва Суҳроб

Шундан сўнг «*Шоҳнома*»нинг энг фожиали ва машҳур достони – 1059 байтдан иборат «*Рустам ва Суҳроб*» қиссаси бошланади. Дилларни ўртовчи бу қисса қуйидаги фалсафий чекиниш – дебоча билан бошланади:

Бу шундоқ достонким, тўлур кўзга ёш
Ва Рустам ишидан дил бўлур харош,
Изғирин ғорати бўлса-ю тайин,
Юлса ғўр мевани ҳали пишмайин,
Ситамкор десамми, ёхуд додгар,
Ҳунарманд десамми ва ё беҳунар?
Ўлим шафқат бўлса, недир ғам-ситам?
Недур доду фарёд, не оҳу алам?
Бу сирдан жонгинанг то огоҳ эмас,
Парда орти сирни этмагил ҳавас...

Кунлардан бир кун Рустам Турон чўлларида ов қилиб юриб, ниҳоят оч қолади ва чарчайди. Май ичиб, бир қулонни бутунлигича кабоб қилиб еб, уйқуга кетади. Туриб қараса, оти Рахш йўқ. Уни қидириб Самангон шаҳрига кириб келади. Шаҳар хокими уни энг қадрли меҳмонлардек кутиб олади. Баҳодирнинг отини қидиришни одамларига буюриб, Рустамдан ҳеч ташвишланмасликни илтимос қилади. Кечаси хоким қизи Таҳмина Рустамнинг ёнига кириб, муҳаббат изҳор қилади. Рустам муъбадларни чақириб, никоҳ ўқитиб, қизга уйланади. Эртаси куни Рахшни топиб беришади. Эрон паҳлавони ўз юртига қайтар экан, Таҳминага бир гавҳар бериб, агар фарзандимиз қиз бўлса сочлари орасига, ўғил бўлса билагига боғлаб қўясан, дейди.

Ой-куни етгач, Таҳмина ўғил туғади, исмини Суҳроб қўядилар. Суҳроб ҳар лаҳза ўсиб-улғаяди, азамат паҳлавон бўлиб етишади. Суҳроб ўн ёшга кирганда у билан беллашадиган киши топилмайдиган баҳодир бўлади. Бир куни Суҳроб онаси ёнига келиб: «*Менинг отам ким? Айтасан, айтмасанг бу дунёда тирик қўймайман*», деб туриб олади. Отасининг номини эшитган ёш баҳодир дунёда биринчи паҳлавоннинг ўғли эканлигидан ниҳоят хурсанд бўлади ва фахрланиб:

Мен Рустам ўғли-ю, у бўлса отам,
Фақат бизга лойиқ, дунё ҳам, тож ҳам! — дейди.

Суҳроб отаси ҳақида ҳар кимдан дарак истайди, ниҳоят Турон аскарларини тўплаб Эронга юриш қилади. Ота-бола қовушиб кетишидан қўрққан Афросиёб Суҳробни отасидан чалғитиш учун Бармон ва Ҳумон

номли икки лашкарбошини қўшиб юборади. Суҳроб Эроннинг паҳлавон қизи Гурдофарид билан жанг қилади, охири Оқ қалъани олади.

Эронга Суҳроб бошчилигида ҳужум қилиб келган туронийларга ҳеч ким бас келолмагач, шоҳ Кайковус Сейстонда дам олиб ётган Рустамни тез етиб келишга ундайди. Аммо Рустам шошмай-нетмай, пойтахтга бафуржа етиб келади. Унинг кеч қолганидаи ғазабланган Ковусшоҳ Рустамни койийди, унинг инсоний қийматини ерга урувчи сўзларни айтади ва ҳатто дорга осишга ҳукм этади. Бундан сўнг шундай воқеа юз беради:

Подшоҳга ғазаби қўзғаб Таҳамтан
Деди: «Нечун бунча тутаб ёнасан.
Ишларинг биридан биридир баттар,
Расволик шоҳликка нечук келишар.
Бор, тирик Суҳробни тутиб дор қил,
Жаҳлинг тутса, ёвинг осиб хор қил».

Шу сўзларни айтиб Рустам келиштирмоқчи бўлиб, ёнига келган паҳлавон Тусга ҳам қўлини силтаб шоҳ олий даргоҳидан чиқиб кетади:

Ғазабин кўтарай?! Шоҳ Ковуси ким?
Менга қўл кўтарган ўшал Туси ким?
Билагим кучидан менинг зафарим,
Шоҳлигимдан эмас, ҳам йўқ лашкарим.
Рахш эгари тахтим, фуқаром - замин.
Дубулға - тожиму чўқморим - нигин.
Найза, ўқ-ёй, гурзи - паноҳим менинг,
Қўш билагим, дилим – подшоҳим менинг.
Қаро тунни тиғим қилур шуъладор,
Бош сочиб, бош ўриб, этамен шудгор.
Мен асилзодаман, қулмас, арзанда,
Фақат яратганга эрурман банда...
Тополмассен мени Эронзаминда,
Энди мен ҳавода, сизлар заминда...

Рустам отга қамчи босиб жўнаб қолади. Ишнинг бундай тус олишидан барча паҳлавонлар ҳайратда қоладилар. Зеро Эрон кўкига қора булутлар чиқиб, хавфу хатар кучайиб турганда, Рустамнинг кетиши барчани ташвишга солади.

Ниҳоят, Эрон баҳодирлари донишманд Гударздан Рустам билан шоҳни ярашгириш чорасини кўришни илтимос қиладилар. У Рустамдан шоҳни кечириб, Эрон ҳимоясига чиқишни илтимос қилади. Бунга жавобан Рустам:

Эгарим - менга тахт, тўғрилик — йўлим,
Тўним - совут, дилда йўқ ваҳми ўлим,

Менга Ковус недур, бир ҳовуч тупроқ,
Ким қўрқар ғазабдан бўлса бебошвоқ.
Кўнглим қолди, эмди баридан тўйдим,
Худодан бошқадан қўрқмаёқ қўйдим

Рустам йўлидан қайтмагач, Гударз унга халқ Рустамни Суҳроб паҳлавондан қўрқиб қочиб кетди, дейиши мумкинлигини айтади. Шундагина Рустам жаҳлдан тушиб, ёвга қарши чиқишга кўнади. Шуниси диққатга сазоворки, Рустам келганда, шоҳ ундан кечирим сўрай бошлайди. Фирдавсий бу саҳнани шундай тасвирлайди:

Шоҳ уни узоқдан кўриши билан,
Пешвоз чиқди, сакраб туриб тахтидан.
«Афв айла, қизишдим, ~ деди унга шоҳ,-
Яздон шундай қормиш лойимни, эвоҳ!
Бошимда қаттол ёв бир қилич мисол,
Юрагим емирилди мисоли ҳилол.
Сендан чора кутдим, титроқ асабим,
Кечикдинг-ку ғолиб келди ғазабим".

Шундай қилиб, шоир Рустамни нечоғлик юксакликка кўтариб улуғласа, шоҳни шу даражада ерга уради, тубанлаштиради, Жангчи баҳодир олдида шоҳ ўз қаҳру ғазабини ичига ютишга мажбур бўлади ва кечирим сўрайди. Бунда муаллифнинг улуғлиги ҳам, «*Шоҳнома*»нинг халқчиллиги ҳам яққол намоён бўлади.

Суҳроб юришга отланган пайтда унинг онаси Тахмина Рустамни танийдиган лашкарбошилардан бири Жандаразмни ёш паҳлавонга ҳамроҳ қилиб юборган эди. Бир кеча Рустам душман қароргоҳидан хабар олай деб келганида, Жандаразм чодирдан чиқиб қолади, Рустам уни бўғиб ўлдириб, ўз қароргоҳига қайтиб келади. Шу воқеа туфайли Суҳроб лашкарида Рустамни танийдиган киши қолмайди.

Суҳроб Эрон баҳодирларидан ким билан жанг қилмасин, ҳаммасининг исмини суриштириб, отасини қидиради. Асирга тушган Ҳажирдан паҳлавонлар номини айггиб беришни талаб қилади. Аммо «қўрққанга қўшалоқ кўринади» деганларидек, Ҳажирга Суҳроб жуда баҳайбат паҳлавон кўринади ва Рустамни енгиб қўйса, Эрои ҳимоясиз қолади, деган андишага бориб, Рустамни кўрсатмайди. Унинг чодирини Ковусга ёрдамга келган хорижий бир паҳлавоннинг чодири деб танитади. Суҳроб Ҳажирга дўқ қилиб ҳам кўради, ёлвориб ҳам кўради, қандай бўлмасин отаси ҳақида дарак топишни истайди. Аммо бўлмайди. Рустам билан Суҳроб жанг майдонида учрашадилар. Рустам одатда ҳеч вақт ўзининг кимлигини айтмас эди. Бу гал ҳам ўз номини яширади. Биринчи кунги жангда ҳеч ким ғалаба қозонолмай баҳодирлар ажралишиб кетишади.

Иккинчи кун Суҳроб яна ташвишга тушади. Кўнгли ғаш, худди отаси билан жанг қилгандек, яна отасига қарши бораётгандек туюлаверади. У яна ҳаммани сўроқ қила бошлайди. Лекин ҳеч қандай натижага эришолмай, жангга киришга мажбур бўлади. Шоир ҳар иккала паҳлавонга ҳам афсонавий куч-қувват бағишлаган, улар оддий одамда бўлмайдиган сифатларга эга. Аммо улар орасидаги жангу жадал тасвирида улуғ санъаткор барибир ҳаёт ҳақиқатидан чекинмайди. Рустам тенги йўқ паҳлавон, аммо у қариб қолган. Суҳроб ёш, шунинг учун иккинчи кунги жангнинг охирида Сухробнинг қаттиқ зарбаси билан Рустам отидан учиб тушиб ерга йиқилади, ғолиб Суҳроб унинг тепасида тиғ кўтаради...

Рустам қараса, ёш паҳлавонга кучи етмайдиган, шунда у ҳийла ишлатишга мажбур бўлади. Унга ханжар уришга тайёр турган Суҳробга ҳақиқий баҳодирлар якка олишувда рақибини биринчи бор ерга йиқитса, уни дарров бошини кесмайди, деб соддадил ёш баҳодирни алдайди.

Ҳали иш кўрмаган ёш Суҳроб бу алдов сўзларга ишониб енгилган рақибни қўйиб юборади. Рустам ёшлигида азбаройи куч-қудрати ва оғирлиги залворидан юрганда оёғи ерга ботиб кетарди. Охири Аллоҳга ёлвориб кучининг бир қисмини ундан олиб қўйишни сўраган эди. Энди мажбур бўлгач, кечаси билан ибодат қилиб, худодан ўша ёшлигида олиб қўйган кучини қайтариб беришни сўрайди. Натижада эртаси кунги даҳшатли жангда Рустам Суҳробни йиқитади ва қаттиқ яradор қилади.

Ўлим тўшагида ётган Суҳроб оҳ чекиб, отасини кўролмай қолганига ўкинади. Тепасида турган ғолибига:

- Менинг отам ўлимимдан хабар топса, сени соғ қўймайди, денгиз остига тушсанг ҳам, осмонга чиқсанг ҳам топиб, қасосимни олади, - дейди.

- Отанг ким? - деб сўрайди ниҳоят Рустам ундан.

- Рустам, - деб жавоб беради Суҳроб ва енги остида белгили гавҳар боғлиқ эканини айтади.

Шунгагина кекса баҳодир ўғлини таниб, бошига тупроқ сочиб, дунёни бузиб дод солади. Рустам Ковусдан малҳам сўрайди. Аммо ота-боланинг топишиб кетишидан қўрққан подшо малҳам бермайди. Суҳроб ҳалок бўлади. Бутун Эрону Турон мотам тутади, Рустам ва Зол бошлиқ Сейстон паҳлавонлари чуқур қайғуда қолиб, нола қиладилар. Сухробнинг онасига хабар етгач, унинг ноласи кўкка чирмашади. Ўғли аламида бир йилдан сўнг у ҳам дунёдан кўз юмади. Бу аламли достонни шоир Сухробнинг онаси ҳақидаги қуйидаги мисралар билан тугатади:

Кеча-кундуз йиғлаб, кетганди путур,
Суҳробдан сўнг бир йил этмади умр.
Фикру ўйи интиқ Суҳроби томон,
Жонон ўғли томон руҳ бўлди равон...

Бу аянчли воқеалар тасвиридан таъсирланган китобхон Рустамни айёрликда, қаллобликда айблаши мумкин, аммо аввало бундай ишлар ҳарбий

санъатда мубоҳ (шаръан йўл қўйиладиган) ҳисобланса, иккинчидан Фирдавсий Рустамни қанчалик севмасин, уни фақат яхшиликлар йиғиндиси қилиб тасвирламайди, уни камчиликлардан ҳам холи бўлмаган жонли одам сифатида талқин этади. Рустамнинг олдига қўйган олий мақсади эзгу мақсад – ўз ватанини ёв қўлига топшириб қўймаслик, уни ҳалокатдан қутқариш, ҳар қандай инсон каби унинг ўзи ҳам ўлгиси келмайди, албатта. Шунинг учун ҳам билак кучи етмаган жойда ақл тажрибасига суяниб, ҳийла ишлатиши табиий бир ҳол. Яна бир жиҳати, юқорида таъкид этилганидек, Рустамнинг она томон аждодларидан бири иблисдан тарқалган Заҳҳок авлодига бориб тақалади. Унинг билмасдан ўз ўғли билан жангга кириш фалокати ҳам, охирида ўз укаси ўқидан ҳалок бўлиши сабаблари ҳам бир томондан шу билан боғлиқ.

Фирдавсий асарининг жаҳонга машҳур бўлишида «*Рустам ва Суҳроб*» достонининг аҳамияти жуда катта. Масалан, замонавий рус адабиётининг асосчиларидан бири, А.С.Пушкиннинг устози Василий Жуковский (1783-1852) немис шарқшунос шоири Ф.Рюккерт таржимасига таянган ҳолда ўзининг "Рустем и Зораб" достонини яратди. Назаримизда, бу ғоят қайғули ривоятни рус тилида қайта тиклашга шоирнинг ҳаётий тақдирига оид баъзи жиҳатларнинг ҳам таъсири йўқ эмас. (Шоирнинг асл отаси А.И.Бунин, кексайган чоғида ёш турк аёли Солиҳадан ноқонуний туғилган ўғлини расман сақлаб олишни дўсти ва суҳбатдоши А.Г.Жуковскийдан илтимос қилган бўлиб, онаси ёшгина (28 ёшда) вафот этган болага ғамхўрликни А.И.Буниннинг ўлимидан сўнг унинг аёли кекса Мария Григорьевна Бунина ўз бўйнига олади ва уни Москвага олиб келиб, обрўли ўкув юртида яхши таълим олишига имконият яратиб беради.)

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Асарнинг иккинчи қисмида қайси подшоҳлар ва паҳлавонларнинг саргузаштлари тасвирланган?

2. Сейистонлик паҳлавонлар шажараси ҳақида нималарни гапириб бера оласиз?

3. Асардаги Семурғ тимсоли билан боғлиқ воқеаларни эслай оласизми?

4. Рудоба ким ва нега Золнинг отаси унга ўғлининг уйланишига қаршилик қилади?

5. Эрон ҳукмдори Кайковус тимсоли достонда қандай тасвирланади?

6. Рустамнинг шоҳ олдидаги хизматларини тасвирлаб бераоласизми?

7. Таҳмина ким?

8. "Шоҳнома"нинг энг машҳур ва фожеали достони қайси?

САККИЗИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *Эрон ва Турон орасидаги асрий ихтилофларнинг фожеали натижалари, жумладан, Сиёвуш фожеаси мисолида "Шоҳнома"нинг бош ғоясини талабалар онгига етказиш, Сиёвуш ва Судоба муносабатлари, паҳлавон Рустам сиймосининг янги қирралари, Турон паҳлавони Пироннинг Сиёвуш ва унинг фарзандларига муносабати орқали шоирнинг асл тилаклари намоён бўлишини кўрсатиш, Сиёвушнинг ўғли Фуруд фожеаси орқали инсонларнинг ўзаро бир-бирини тушунмай ҳаракат қилиши, ўзбилармонлиги ва жаҳолатининг аянчли оқибатларидан огоҳлантириш эканлигини ёшларга ибрат сифатида келтириш, Бежан ва Манижа муносабатлари тасвирида меҳр-муҳаббатнинг ўзаро душманликдан устунлигини ифодалаш, асар бош қаҳрамони Рустамнинг маънавий қиёфасини янада бойитиш эканлигига эътибор қаратиш, Рустам ва Исфандиёр жанги орқали инсон ва жамият ҳаётининг нақадар мураккаблигидан ёшларни хабардор этиш.*

Таянч сўз ва иборалар: *Сиёвуш, Судоба, Афросиёб, Фарангис, Пирон, Сиёвушгирд, Жарира, Фуруд, Калот, Сипадкуҳ, Тус, Баҳром, Кайхусрав, "тинчлик машъали", Бижан, Манижа, Гўргин, Гургон водийси, Рустам савдогар қиёфасида, Гарсеваз, Лухрасп, Гуштасп, Исфандиёр, Зарир, Аржасп, Жамасп, Рустам ва Исфандиёр тўқнашуви, Симурғ, Шағод, Фаромарз, Баҳман.*

21. Сиёвуш достони

(Асардаги кейинги дилни ўртовчи яна бир қисса - 3775 байтли ***Сиёвуш достони*** *ҳажм жиҳатидан ҳам асардаги энг йирик яхлит парча бўлиб, танқидий матннинг 3-жилдини тўлиқ эгаллаган)*

Фирдавсийнинг дил арзандаси бўлган паҳлавонлардан яна бири Сиёвушдир. Сиёвушга бағишланган достоннинг таъсир кучи Суҳроб ҳақидаги қиссаникидан қолишмайди. Бу достон ҳам асрлар давомида китобхонлар қалбини ларзага солиб келмокда. Бу қиссанинг кириш қисмида шоирнинг ўзи буни башорат қилган эди:

Мевали бир дарахт мендан қолажак,
Чаманда ноз этар, ҳар ким олажак.

Фирдавсийнинг улкан эпопеяси кўпинча жангнома сифатида талқин қилинади. Дарҳақиқат, унинг саҳифаларида жангу жадаллар тасвири кўп учрайди. Аммо паҳлавонларнинг жасоратларини юксак маҳорат билан куйлаган шоир асари моҳиятан минг-минг бегуноҳ одамларнинг қонлари беҳуда тўкилувчи қирғин-барот урушларнинг олдини олиш, халқлар

ўртасида тинч-тотувлик муносабатлари ўрнатилиши, барча ихтилоф ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишга чақириш ғоялари билан суғорилган.

Сулҳ жангдан яхшироқ эрур бегумон,
Ҳушёр бўл кетмасин қўлдан молу жон.

Жумладан, Рустам ўз ўғлининг қотили бўлганлигини билгач, Суҳробни кўтариб йиғлаб юрар экан, буни ўқиган китобхонда урушга қарши чуқур нафрат ҳислари туғилади:

Ҳар киминнг ўз номи, шон-орзуси бор,
Жангдан сулҳ афзалроқ келади минг бор.
Тожу тахт дея қон тўкмангиз асло,
Кимга вафо қилмиш беш кунлик дунё.

Бу жиҳатдан «Шоҳнома»нинг юксак чўққиларидан бири «Сиёвуш» достони мундарижаси, айниқса, ибратга моликдир.

Фирдавсий инсон ҳаёти учун тинчликнинг қадрини ниҳоят юқори кўтариб Суҳробнинг ўлими, Рустамнинг фожиасини нечоғлик таъсирчан ёзиб берган бўлса ҳам бутун ҳаётини сарф этиб ёзган «Шоҳ асари»ни қайта қайта ўқиб таҳрир этар экан, кўнгли тўлмайди. У тинчлик элчиси, балки тинчликнинг жарчиси бўлган Сиёвуш образини яратади. Агар у Суҳробни 45-55 ёшлар орасида яратган бўлса, Сиёвушни 67-70 ёшлар орасида яратган деб тахмин қилиш мумкин. Ёшлигида ўзи ҳам жангчи бўлган Фирдавсий руҳиятида бу даврга келиб ўзгариш юз беради, эндиликда у уруш ва сулҳ масалаларига янгича қарай бошлайди.

Мамлакат обод, халқ фаровон бўлмоғи учун тинчликнинг нечоғлик қадрли эканлигини, элнинг хотиржамлиги баҳосини янада чуқурроқ тушуна бошлайди ва юракдан ҳис этади. Энди унинг учун ер-сув талашиб, сохта обрў талашиб қон тўкиш жаҳолат, ақл хиралигидангина иборат бўлиб кўринади.

Жаҳолатда бекор қон тўкмак нечун,
Дилни адоватга асир этмак нечун?! -

деб ёзади шоир, ҳамда сулҳ ва адолат ҳақидаги ғоялари ифодаси, жаҳон адабиётида энг қадим ва юксак маҳорат билан ёзилган драматик фожиадан иборат бўлган «Сиёвуш» достонини ёзиб, асари таркибига қўшади.

Тадқиқотчилар «Сиёвуш» достонини жаҳон адабиётида уруш ва тинчлик масалаларини бадиий-фалсафий таҳлил қилувчи илк асарлардан деб баҳолайдилар. Бунда Сиёвуш образи тинчлик машъали бўлиб порлайди, у тинчликнинг буюк яловбардори.

Балки Фирдавсий Сиёвуш образида ўз эстетик идеали – ақлли, билимдон, ва энг муҳими, адолатпаноҳ подшо образини яратиб, халқлар дўстлигига эришиб, юртга фаровонлик бахш этмоқчи бўлган ҳукмдорнинг ҳаёт йўлини кўрсатиб бермоқчи, кўп ижтимоий муаммоларни шу йўл билан ҳал этмоқчи бўлгандир. Аммо адиб дилидаги тасвирда ҳаёт ҳақиқатига содиқлик тамойили бу идеалдан устун келди. Сиёвуш фожеаси шундан далолат беради. Шуни ҳам айтиш керакки, ёшлигида кўпроқ «*урушқоқ буқа*» деб аталган Рустам тимсоли ҳам бу достонда яна ривожлантирилади. Унинг янги қирралари очилади. Энди унинг инсоний хислатлари кўпроқ намоён бўлади. У, аввало, Сиёвушдаги энг яхши хислатларни тарбиялаб етиштирган мураббий, иккинчидан у Сиёвуш билан бирга Афросиёбга қарши борар экан, Сиёвушнинг жанжални тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги фикрларини қувватлайди, эҳтиёт чораларини ҳам кўришга ундаса-да, уни ўз йўлидан қайтаришга уринишмайди, қаршилик кўрсатмай, ўзига қўйиб беради.

Шундай қилиб, бу достонда буюк эпопеянинг асл ғоялари янада чуқурроқ ва ёрқинроқ ифода этилади. Шоир инсонга озор бермасликка, ёмонликнинг уруғини қуритишга даъват этади. Одам энг қимматли гавҳар, кимки кишига ёмонликни раво кўрса, унинг ўзи фалокатга дучор бўлади, деб ишонади шоир:

Бировга соғинса ҳар ким ёмонлик,
Ниҳоят ул ўзи топмас омонлик.

Бошқалар ҳаётини ўз ҳаётидек сақлаш лозим деб уқтирган инсонпарвар шоир ҳатто чумолига ҳам озор бермасликка чақиради:

Ким чумоли кўнглин этар экан ғаш,
Ичи қародир у, юрак-бағри тош.
Ҳар ишда юмшоқлик кўрсатгил аввал,
Ишинг бошламасин урушу жанжал.

Шоир ҳаётни қадрлашга ундайди, зарурат мажбур қилмаса, қон тўкмаслик кераклигини жуда кўп жойда таъкидлайди. Урушларни фақат ватанга ҳужум бўлгандагина жоиз деган шоир барча нарсанинг ижодкори инсон деб билади.

Инсондан яхшилик, нур ва равшанлик,
Инсонспз дунёда йўқ фаровонлик.

Шунинг учун ҳам инсоний фазилатлардан чекинган ҳар бир кишига Фирдавсий дев, жин тамғасини босади.

Сиёвуш – Кайковуснинг ўғли. Унинг онаси ёш вафот этади. Кайковус олдинроқ гўзал Судобага уйланган эди[1]. Снёвушни ёшлигидан Рустам ўз юрти Сийистонга олиб кетиб тарбия қилган, вояга етгач отасига олиб келиб топширган эди. Ўгай она Судоба кўҳлик паҳлавон йигит бўлиб етилган ёш шаҳзодани кўриб, қаттиқ севиб колади. Сиёвуш эса унинг севгисини рад этади. Мунофиқ Судоба унга туҳмат қилади. Сиёвушни оловдан ўтказадилар. Покиза ниятли Сиёвуш оловдан омон чиқади.

Кайковус Судобани қатл этмоқчи бўлади, аммо гина-кудуратдан узоқ покиза юракли Сиёвуш отасидан унинг гуноҳидан ўтишни сўрайди. Бир оз вақт ўтгач, отаси Сиёвушни Афросиёбга қарши урушга юборади. Сиёвуш тинчлик тарафдори. Афросиёб билан сулҳ тузади, Отаси уни сотқинликда айблайди. Рустам қўлида тарбия топган Сиёвуш ҳарбий санъатни яхши эгаллаган довюрак паҳлавон эди. У ҳеч қандай қаттол жангдан тап тортмас, аммо урушнинг нақадар вайронгарчиликлар, дарду алам келтиришини, подшолар орасида бир парча ер талашиб қон тўкишлар, қанча одамлар ёстиғини қуритиши, оналар бошига мотам, чексиз аламлар солишини чуқур ҳис қилар, инсоний қалбида урушга қарши исён бор эди. Шунинг учун туронийлар тарафига ўтади. Афросиёбнинг номдор паҳлавонларидан Пирон унга ўз қизи Жарирани никоҳлаб беради. Сиёвуш ундан Фуруд исмли ўғил фарзанд кўради. Аммо донишманд Пирон бу билан қониқмайди. Сиёвуш сингари у ҳам Эрон ва Турон халқлари ўзаро тинч-тотувликда яшашини орзу қилар эди. Шу сабабли у Сиёвушга Афросиёбнинг қизи гўзал ва оқила Фарангисга уйланишни тавсия қилади. Кейин Афросиёб ҳузурига бориб қизини Сиёвушга никоҳлаб беришга кўндиради. Афросиёб эронлик шаҳзодани ўзи томонга оғдириш умидида уни куёв қилишга рози бўлади.

Сиёвуш Турон ва Эрон ўлкалари оралиғида Гангдиж ва Сиёвушгирд каби янги обод шаҳарлар бунёд этади. Аммо ғаламис ҳасадчилар унга туҳмат қиладилар. Уни яширинча Афросиёбга сотқинликни режалаштирмоқда деб қайнотасига ёмон кўрсатиб қатл этилишига эришадилар. Унинг ноҳақ қони тўкилган жойдан қизил гул ўсиб чиқади.

Халқ Сиёвушни жуда севар эди. Сиёвуш ўлимидан хабар топган эронийлар Туронга яна ҳужум бошлайдилар. Рустам бошлиқ Эрон аскарлари Сиёвуш қасосини олиб ҳаммаёқни яксон қиладилар. Бутун Туронзаминга ўт қўйиб кулини кўкка совурадилар, бор тирик жонни қирғин қиладилар. Севимли шогирди Сиёвушнинг хоинона ўлдирилишига чидолмаган ва ғазабу аламини ичига ютолмаган Рустам ўз юртига қайтиб келиб, Судобани ҳам ўлдиради.

---

[1] Судоба Ҳомоварон шоҳининг қизи бўлиб, Кайковуснинг унга уйланиш воқеаси "Шоҳнома"да Рустам ва Сухроб достонидан олдин келади.

Фожеалар шу билан тугамайди кейинги 627 байтли ***Сиёвушнинг ўғли Фуруд ҳақида достон***[1] ҳам фожеанинг давоми бўлиб, унда яна шоирнинг Эрон ва Турон зиддиятидаги холислиги намоён бўлган.

Сиёвуш ўлдирилган пайтда унинг севимли ва вафодор хотини Фарангис ҳомиладор эди. Туроннинг мард паҳлавонлардан Пирон уни отасининг ғазабидан қутқариб яширади. Фарангисдан кейинчалик Эрон шоҳи бўлиб сайланиб, отасининг ўчини олувчи Кайхусрав дунёга келади. Пирон уни эҳтиётлаб тарбиялаш учун ишончли бир чўпонга топширади. Орадан йиллар ўтади, Туронда Сиёвуш ўғли Кайхусрав ўсиб вояга етган эди. Донишманд Эрон баҳодирларидан Гударз уни тушида кўради ва паҳлавон ўғли Гевни Туронга жўнатади. Кўп саргузаштлардан кейин Гев Кайхусравни топади ва онаси билан Эронга олиб келади. Кайковус аввал унинг паҳлавонлиги ва ақлу идрокини амалда синаб кўриб кейин уни ўз ўрнига муносиб топади.

Тус бошлиқ эронликларнинг Туронга юришлари бошланади. Кайхусрав Тусга тайинлаб айтади-ки, сен қўшинни Калот тарафдан олиб ўтмагин, уерда менинг оғам Фуруд ҳукмдорлик қилади. Тағин орада бирор тушунмовчилик келиб чиқмасин. Аммо Тус шоҳ гапини назарга илмай қўшин йўлини айни Фуруд ҳукми остидаги ерлар сари буради. Сиёвуш ўғли бундан хабар топиб онаси Жарира билан маслаҳат қилади. Жарира ўғлига Эрон лашкарига қаршилик кўрсатмасликни, балки улар билан иттифоқликда Афросиёб сари юриш қилиб отаси хунини олиш лозимлигини айтади. Фуруд рози бўлиб Эрон қўшини билан учрашгани ёнига баҳодир Таҳорни олиб лашкарсиз иковлон йўлга тушадилар. Эрон қўшинига яқинлашгач, бир тоғ тепасидан кузатиб Фуруд Таҳордан Эрон паҳлавонларини суриштира бошлайди. Бу орада эронлилар уларнинг шарпасини пайқаб қолиб, лашкарбошига хабар беришади. Тус бирдан ғазаби қўзғаб, биров бориб аниқласин уларнинг кимлигини, агар бизнинг қўшиндан бўлса, бошларига 200 таёқ урилсин, бегона бўлса, ушлаб бу ерга боғлаб олиб келинсин, қаршилик қилса, қатл қилинсин, деб буйруқ беради. Шунда Гударз ўғли Баҳром бу вазифани бўйнига олиб, тоғдагилар олдига етиб боради. Ўзаро савол-жавобдан Баҳром Фуруднинг кимлигини билгач, Тусга масалани тушунтириш учун қайтиб кетади. Кетаётиб Сиёвуш ўғлини Туснинг феълидан огоҳлантиради ва агар мендан бошқа одам келса, ҳушёр бўл, унга ишонаверма, деб тайинлайди. Баҳром қайтиб боргач, Тус жаҳл билан "*мен сенга нима дедим, нега уни тутиб олиб келмадинг, қўрқдингми*?" деб зарда қилади ва унинг ўрнига ўз куёви Ревнизни жўнатади. Фуруд бегона одам жанговар ҳолатда келганини кўриб Туснинг феъли бузилганини пайқайди ва шашт билан келаётган паҳлавонни ўқ узиб ерга қулатади. Кейин паҳлавон Зарасп ҳам ҳалок бўлади. Жангга энди Тус ўзи отланади. Таҳорнинг маслаҳати билан Фуруд унинг

[1] Ушбу достон сюжети Ш.Шомуҳамедов китобида четлаб ўтилган бўлиб, шоирнинг бош ғоясини ифодалашдаги аҳамиятини назарда тутиб биз унга ҳам қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

ўзини эмас, отини мўлжалга олади. Ундан кейин паҳлавон Гевни ҳам пиёда қайтишга мажбур қилади. Бежан билан саваш ҳам натижасиз тугайди. Шундан сўнг эрон лашкари Калотнинг бош қалъаси Сипадкўҳга ялпи ҳужумга ўтади. Натижада ҳар икки томондан жуда кўп номдор паҳлавонлар ва оддий аҳоли ҳалок бўлади, жумладан, Фуруд ҳам тенгсиз жангда оғир яраланиб дунёдан кўз юмади. Туснинг ўзбилармонлиги ва жаҳолати Сиёвуш зурёдининг ноҳақ ўлдирилишига сабаб бўлади.

Тус туронлиларга қарши ҳужумни давом эттиради, аммо унинг бошқарувидаги қўшин Турон паҳлавонлари қаршилигига дош бера олмай орқага қайтишга мажбур бўлади. Кайхусрав Тусни қилган бадкирдорликлари учун зиндонга ҳукм қилади.

22. Бежан ва Манижа

(Навбатдаги "Қомуси Кушоний билан жанг" (1586 байт), "Рустамнинг Чин Хоқони билан кураши" (1508 байт) ва "Рустамнинг Аквондев билан олишуви" (231 байт) деб номланувчи уч достон жангномалар йўриғида бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 3325 байтни ташкил этади.):

«*Шоҳнома*»нинг яна бир кичик қиссасида шоҳнинг фармони билан Рустам даҳшатли Оқвондевни ўлдиргани ҳикоя қилинади. Шундан кейин Гев ўғли Бежан ва Афросиёб қизи Манижа орасидаги севги-вафо достони *(1335 байт)* нақл этилади.

Кайхусрав Бежан ва Гўргинни Гургон водийси халқларини ваҳший қобонлар хужумидан халос этишга юборади. Гўргин қўрқоқлик қилиб бир чеккада ўзини панага олиб туради, Бежан қобонларни қириб ташлайди. Аммо жангдан кейин Гўргин хиёнат қилиб, Бежандан қутулмоқчи бўлади ва уни лола сайлига борайлик, у ерга кўп гўзаллар келишади деб, алдаб Турон ерларига олиб киради. У ерда Манижа Бежан билан учрашиб, бир-бирларини севиб қоладилар ва Манижа Бежанни ўз ҳарамига олиб киради. Бундан хабар топган Афросиёб уни тутиб олади ва қатл этмоқчи бўлади. Лекин Пироннинг маслаҳати билан уни ўлдиришдан воз кечиб, чуқур ўрага ташлатади. Манижани эса саройдан қувиб юборади. У кўчаларда тиланчилик қилиб кун кечиради. Кечалари зиндон бошига келиб Бежанга овқат ташлайди. Кайхусрав Бежанни кутар эди. Охири Ойнаи жаҳонда кўриб, унинг аҳволидан хабар топади ва Рустамни юборади.

Рустам савдогар қиёфасида Афросиёб шаҳрига кириб боради ва Бежанни қутқаради. Ҳамма ишлардан воқиф бўлгач, Афросиёб пойтахтига тунги ҳужум уюштириб, қирғин қилиб қасос олади, Бежан билан Манижани Эронга олиб келади.

«*Бежан ва Манижа*» достонидан кейин «*Ўн икки жанг*» достони (2518 байт) бошланади. Бу достонда эронийларнинг Туронга яна бир юриши ҳикоя қилинади.

«*Шоҳнома*»га тизилган навбатдаги достонда Кайхусравнинг Афросиёбга қарши даҳшатли уруши ҳақида 3107 байт давомида нақл этилади.*(Орада яна 97 байтли Султон Маҳмуд мадҳи келади).*

Узоқ давом этган жангларда Кайхусрав Афросиёбнинг қўшин тўдаларини тор-мор этиб, Афросиёб ва унинг хиёнаткор укаси тинчлик машъали Гарсевазни жазолаб ўлдиради. Эронга қайтиб келган Кайхусрав тахтни узоқ қариндоши Лухраспга топшириб ўзи паҳлавонлари билан биргаликда қорбўрон ичида ғойиб бўлади.

(Кайхусрав подшоҳлиги тасвири танқидий матнда - 2 жилд, Душанбе нашрида 2,5 жилдни қамраб олган. Кейинги 6-жилддан 901байт *давомида* ***Лўҳросп подшоҳлиги*** *ҳақида сўз кетади*).

Лухраспдан кейин ўғли Гуштасп тахтга ўтиради. Унинг ҳукмронлиги даврида Зардушт исмли пайғамбар пайдо бўлади. Гуштасп ўз фуқаролари бплан биргаликда Зардуштнинг янги динини қабул қилади. ***(Гуштосп подшоҳлиги*** *тасвири 1523 байт бўлиб, ундан дастлабки 1009 байти Дақиқий сўзи билан берилган*).

23. Рустам ва Исфандиёр

Аммо Туроннинг ҳукмдори Аржасп Гуштаспдан бу янги диндан чекинишни талаб этади ва шуни баҳона қилиб, жанжал чиқаради. Турон билан Эрон ўртасида яна уруш бошланади. Бу янги урушда Турон паҳлавони Бидарафш найза отиб, подшоҳ Гуштаспнинг иниси Зарирни ва Эроннинг яиа бир энг кучли паҳлавонини ўлдиради[1]. Шундан кейин Эрон лашкарига подшоҳнинг ўғли Исфандиёр бошчилик қилади. У Зарир учун қасос олади ва туронийларни тор-мор келтиради. Бироқ, Исфандиёрга рашк қилиб юрган эроний паҳлавон Гуразм Гуштаспга ўғли устидан чақимчилик қилади-да, подшоҳ ўғли Исфандиёрни Гунбадандиж қалъасига ҳибс этади. Исфандиёрнинг кишанбанд этилганидан хабар топган Турон шоҳи Аржасп яна Эронга бостириб киради, шоҳ Гуштаспнинг кекса отаси Лухраспни қўлга тушириб ўлдиради, Гуштаспнинг қизларини олиб кетади.

Гуштасп донишманд Жамаспдан маслаҳат сўраганда, у туронийларни фақат Исфандиёргина енга олишини башорат қилади. Бу маслаҳатга қулоқ солган Гуштасп Жамаспни Гунбадандижга юбориб, Исфандиёрни озод эттаради.

Исфандиёр пойтахтга етиб келганда, Гуштасп ундан Аржаспни тор-мор келтиришни ва сингиллари Ҳумой билан Беҳофаридни Турон подшоҳи асоратидан озод этишни илтимос қилади. Исфандиёр рози бўлади. *(Унинг*

[1] Ҳукмдор Гуштаспнинг биродари баҳодир Зарир ва унинг ҳалокати ҳақида паҳлавий тилидаги назмий асардан баъзи парчалар бизнинг даврга ча сақланиб қолган).

Туронга сафари «Исфандиёрнинг етти жасорати» номли 849 байтли достонда баён этилган. Достон ибтидосида яна – 23 байтли Султон Маҳмуд мадҳи келтирилган).

Исфандиёр жасоратлари ҳам Рустамникига ўхшаш. Исфандиёр Турон йўлида икки улкан бўрини ўлдиради, шерларни енгади, аждарҳони ўлдиради, жодугар кампир учрайди, уни ҳам ўлдиради. Симурғ билан ҳам олишиб, унга ғолиб келади. Қор бўронидан омон чиқади ва ниҳоят, дарёдан кечиб ўтиб Гургсорни қатл этади.

Булар ҳаммаси Аҳриман найранглари эди. Буларни енгиб чиққан Исфандиёр савдогар қиёфасида Руиндижга кириб боради ва Турон шоҳи Аржасп билан иноқлашади. Сўнг Исфандиёр Аржаспни аскарбошилари билан меҳмонга чақиради. Базм қизигандан қизийди, барчанинг кайфи ошганда, Исфандиёр одамлари қалъа дарвозаларини очадилар ва олов ёқиб, қалъадан ташқарида кутиб ётган эронийларга белги берадилар, ичкаридан ва ташқаридан бўлган ҳужумда Аржасп ҳам, унинг ўғли баҳодир Кўҳром ҳам Исфандиёр тиғидан ўлим топадилар. Эронийлар қалъани вайрон этиб, Исфандиёр сингилларини қутқариб олиб келадилар. *(Кейинги 1676 байтли достон Исфандиёрнинг Рустам билан тўқнашуви ҳақида).*

Персонажларнинг психологик тасвири жиҳатидан Рустам ва Исфандиёр тўқнашуви жуда мураккаб. Бу достонда улуғ Фирдавсийнинг сюжет қурилишини ишлаш ва драматик тўқнашув ташкил қилиш маҳорати яққол намоён бўлади. Юқорида зикр этилганидек, Фирдавсийгача бўлган давр Сейстон қаҳрамонлик достонлари умумий Эрон эпосига қўшилмаган давр эди. Демак, Исфандиёр ҳақидаги ривоятлар ва Рустами Достон қиссалари турли манбаларда мавжуд эди.

Фирдавсий юксак маҳорат ва буюк жасорат билан уларни бир достонга бирлаштирди. Шуниси диққатга сазоворки, гениал шоир олдида Рустамни ҳам, Исфандиёрни ҳам ижобий қаҳрамон сифатида тасвирлашдек мураккаб ва қийин вазифа турар эди. Чунки, у ўзи танлаб олган ижодий йўл билан борар, манбалардан воқеаларни, кишилар характерини мумкин қадар ўз ҳолича сақлар эди.

Икки манбадан олинган бу икки қаҳрамон эса ижобий, уларни тўқнаштирган Фирдавсий бирортасини ҳам аксига айлантиролмас эди. Ижодий йўлда боши берк кўчага кириб қолгандек кўринган бу қийин аҳволдан ҳам шоир нозик маҳорат билан йўл топиб чиқиб кета олди. Шоир Исфандиёрни ҳам буюк баҳодир, ижобий қаҳрамон сифатида чизиб беради, аммо у ўзининг ноҳақ ғоя учун бўлган кураши натижасида завол топади.

Гуштасп Исфандиёрни зиндондан халос этиб, Аржаспга қарши юборишга мажбур бўлгани ҳақида гапирилган эди. Ўғли туронийларни енгиб шоҳ қизларини қутқариб келса, отаси шоҳлик тахтини бўшатиб беришни ваъда қилган эди.

Мана шу ердан Исфандиёрнинг (гарчи у ижобий қаҳрамон бўлиб қолаверса ҳам) ахлоқий тушкунлиги бошланади. У энди ўз жони, ватанининг шуҳрати, халқнинг озодлиги учун эмас, отаси тахтини эгаллашни мақсад қилиб жангга боради. Кези келганда эсга олиб ўтиш жоизки, Рустам жангу жадалга тўлиқ узоқ умрида («*Шоҳнома*»га кўра, у 300 йил умр кўради) бирор марта ҳам бундай ўз фойдасини кўзлаб жангга кирмайди, доимо ватани учун фидойилик кўрсатади. Исфандиёр отаси қўйган шартни бажаради ва тахтни унга топширишни талаб этади. Аммо Гуштаспнинг тахтдан кетгиси йўқ. У энди саркаш ўғлидан бутунлай қутулиш фикрига келиб қолади ва янги найранглар ўйлаб чиқара бошлайди.

Гуштасп ўғлига янги зардўштий динини қабул қилишдан бош тортган Сейстон баҳодири Рустамни боғлаб, кишанлаб келтирсагина тахтга эга бўлажагини айтади.

Шундай қилиб, икки ахлоқий йўналиш тўқнашади. Исфандиёрнинг мансабпарастлик, ҳокимиятпарастлиги билан Рустамнинг қудратли озод руҳи тўқнашади. Рустам подшо амрини бажо келтириб, бош эгиб саройга боришга рози, аммо қўл-оёғига кишан солишларига асло йўл қўймайди. Бу эса Рустамнинг фожиаси эди. У озод баҳодир сифатида ўзини кишанлатишга йўл қўёлмас эди, аммо шу билан бирга шоҳлар паҳлавони, ҳукмдорлар хизматкори сифатида Эрон тахтининг қонуний вориси бўлмиш Исфандиёрга қўл кўтара олмас ҳам эди.

Рустам Эрон шоҳлари ва Эрон мамлакати олдидаги хизматларини санаб Исфандиёрдан шуларни эътиборга олишни сўрайди, уни ўз уйига меҳмонга чақиради, қимматли совғалар ваъда қилади, кишанлаш фикридан қайтишини ўтиниб сўрайди. Исфандиёр кўнмайди.

Бирор марта ёвдан енгилиш нималигини билмаган баҳодир Рустам ўзини занжирбанд этишга асло кўнмайди ва шу билан бирга у шаҳзода билан жанг қилишни ҳам ғайриоддий, одобдан ташқари, деб ҳисоблайди. У жуда оғир аҳволда қолади. Охири унда одамийлик, қаҳрамонлик, мағрурона озодлик руҳи қуллик ва бандилик туйғусидан устун келади.

Шу билан бирга шоҳпарастлик ғояларига содиқ бўлган Фирдавсий шоҳ қотилини (ҳатто у ўзининг энг севимли қаҳрамони Рустам бўлса-да) жазосиз қолдирмайди. Бундай натижадан Рустам ҳам огоҳлантирилади. Мис танли Исфандиёрга ўқ ўтмас эди. Унга кор қиладиган ўқни Рустам Симурғдан сўраб олади. Симурғ унга ўқ бера туриб шаҳзодани ўлдирган кишининг ўзи ҳам узоқ яшамаслигини айтади. Аммо Рустам хорликдан кўра ўлимни афзал кўради ва жангда Исфандиёрни ўлдиради.

Кейинги 357 байтли **Рустам ва Шағод** достонида кексайиб қолган паҳлавон Рустамнинг ўгай (ота бир, она бошқа) укаси ҳийласи билан қазилган чуқурга йиқилиб ҳалок бўлиши тасвирланади. Паҳлавон ўлим олдидан чинор ортига бекинган иниси Шағодни ёй ўқи билан дарахтга михлаб ўлдиради.

Рустамга бутун халқ мотам тутади, уни Зобулда дафн этиб, шукуҳли даҳма қурадилар. Унинг олдига Рахшни кўмиб, устига мармардан ҳайкал қўядилар. Рустам ўғли Фаромарз бориб, Кобул шоҳини тор-мор қилади, унинг барча авлодини қириб ташлайди. Шағод михланиб ўлган дарахтга ўт қўйиб кулини елга совуради. Шундай қилиб, у отаси Рустам қасосини бажо келтиради.

Эрон тахтига ўлтирган Баҳман Сейистонга ҳужум қилади, Фаромарзни ўлдиради ва кексайиб қолган Зол бошлиқ Сейистон баҳодирларини асир олади. Баҳман Золни қатл этмоқчи бўлади, чолнинг зор-зор илтимоси унга таъсир этмайди. Фақат Пашутуннинг илтимоси билан Баҳман Зол ва унинг авлодларини озод этиб Сейстонга жўнатади.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. “Шоҳнома”даги қайси достон жаҳон адабиётида уруш ва тинчлик масалаларини бадиий-фалсафий таҳлил қилувчи илк асарлардан ҳисобланади?

2. Сиёвуш ва Судоба можароси қандай якунланди?

3. Сиёвушнинг биринчи ўғли Фуруд фожеасини гапириб беринг. Бу фожеанинг сабабларини изоҳланг.

4. Исфандиёр ким эди?

5. Исфандиёр тимсолининг мураккаблиги нимада?

6. Рустамнинг ўлими қандай юз берди?

ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *“Шоҳнома”нинг учинчи қисми тарихий бўлим мударижаси ҳақида қисқача ахборот бериш, Сосонийлар сулоласи асосчисининг ҳокимиятга келиши воқеасига доир паҳлавий тилидаги "Корномаки Ардашер Попокон" қиссасини эслаш, Искандар Зулқарнайн, Баҳром Гўр, Хусрав II Парвиз каби подшоҳлар ҳақида мумтоз адабиётнинг кейинги ривожидаги алоҳида достонларга ишора қилиш,* Фирдавсий даҳосининг қудрати нимада *Фирдавсий “Шоҳнома”сидан кейин унга эргашувчилардан Асадий Тусийнинг «Гаршаспнома» асари, Фаҳриддин Гўргонийнинг “Вис ва Ромин” достонларининг ёзилиши, уларнинг сюжети ва ғояларини тушунтириш*

Таянч сўз ва иборалар: *Сосонийлар сулоласи, Ардашер Попокон, Баҳром Гўр, Хусрав I Анушировн, Хусрав II Парвиз, Искандар Зулқарнайн Бузургмеҳр, Барзуя, “Калила ва Димна”, ислом лашкари, Яздигирд III, лашкарбоши*

Рустам, Фирдавсий, шуубия, "*Юсуф ва Зулайҳо*", қадим эрон зодагонлари – "*деҳқонлар"* тоифаси, феодал легитимизми ғояси, фарр, Асадий Тусий, «Гаршаспнома», Фаҳриддин Гўргоний, "Вис ва Ромин".

24. Тарихий бўлим

Шу билан «*Шоҳнома*»нинг қаҳрамонлик бўлими тугаб, тарихий бўлим бошланади. Асарнинг бу қисмида Зардўштнинг пайдо бўлиши ва оташпарастлик динининг жорий қилинишидан бошлаб, Ўрта Осиё ва Эрон ерларига араб истилочилари бостириб келгунгача бўлган тарихий воқеалар афсоналар билан қўшиб тасвирланади.

Бу бўлимда ҳам Фирдавсий тарихий воқеаларга романтик тус бериб бадиийлаштиради, Искандар Мақдунийни ҳам Эрон шоҳларининг авлоди сифатида таърифлайди. Тарихий қисм асосан Сосонийлар сулоласининг асосчиси Ардашер Попокон, унинг машҳур авлодлари Баҳром Гўр, Хусрав I Анушировн, Хусрав II Парвиз подшоҳликлари тарихига бағишланган бўлиб, жами 20 минг байтдан ошади, яъни асарнинг деярли учдан бир қисмидан ортиқроғини ташкил этади. Искандар Зулқарнайн, Баҳром Гўр ва Хусрав Парвизлар ҳақида Низомий ва Деҳлавийлар ижодига тегишли фаслларда батафсил сўз боргани учун бу ўринда уларга тўхталмаймиз. Қуboднинг ўғли Анушировни Одил ҳақидаги боб ушбу қисмдаги энг йирик достон (4468 байт) бўлишига қарамай, унда яхлит сюжет мавжуд эмас. Унда маздакчиларнинг жазоланиши, Хусрав I ўтказган ислоҳотлар, Византия билан урушлар, шоҳ саройида улуғ вазир ва донишманд Бузургмеҳрнинг пайдо бўлиши ва унинг насиҳатлари, шатранж ўйинининг кашф этилиши, ҳозиқ ҳаким Барзуя ва "Калила ва Димна" асарининг ҳинд тилидан паҳлавийга таржимаси кабилар ҳақида гап боради. Шунинг учун бўлса керак, форс мумтоз адабиётининг кейинги даврларида яратилган кўплаб асарларда Хусрав Анушировн билан боғлиқ ривоят ва ҳикоятлар учраса-да, бу ҳукмдор ҳақида яхлит сюжетли йирик достон вужудга келмади.

Шоир мусулмон бўлгани учун Муҳаммад пайғамбарга катта ҳурмат изҳор этади. Аммо, шу билан бирга, у Эронга босқинчилик қилиб келган арабларни асти кечира олмайди. У халифа аскарлари Эронни забт этишда кўрсатган босқинчилиги ва зулмини қаттиқ қоралайди. Аммо шуниси диққатга сазоворки, Фирдавсийнинг арабларга қарши сўзлари кўпинча муаллиф номидан эмас, персонажлар тилидан айтилади. Масалан, Яздигирд III лашкарбошиси Рустам ўз биродарига ёзган хатида араблар ғалаба қозонса, не бўлари ҳақида ёзади:

Бир четда қолади ростлик, аҳд-паймон,
Ҳурматда бўлади эгрилик, ёлғон.

Ҳунарманд, деҳқонлар бўлади аскар,
Мева бермай қўяр насаб ва ҳунар.
Бари илиб кетар қўлга тушганин,
Фарқ этилмас нафрат билан офарин.
Пинҳони ошкордан баттарроқ бўлур,
Шоҳлари тош кўнгил, бебошвоқ бўлур.
Ёмонлик ўйлайди отага бола,
Ўғилдан отанинг дилида нола.
Тубанликдан асло подшо қилмас ор,
Улуғлик ҳам, олий насаб ҳам бекор.
Кишиларда асло қолмагай вафо,
Қилмишлар, гап-сўзлар жафо, ғирт жафо.
Эронию араб, турклар қотишиб,
Уруғ пайдо бўлур бари чатишиб.
На турку на араб, на деҳқон бўлур,
Тили ҳазил-мазах, сўз ёлғон бўлур.

Заҳҳок ҳукмронлиги даври тасвирига жуда яқин бу сўзлар шу зайл давом этади. Достонда араб қўшинлари ҳам Турон шоҳи Аржасп сингари Ахриман девнинг иродасини бажарувчи қора ниятли кишилар қилиб тасвирланган.

25. Фирдавсий ва шуубия. "*Юсуф ва Зулайҳо*". Шоирнинг буюклиги сири

Ана энди асосий хулосага келсак. Улуғ санъаткор Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижоди ўта зиддиятли ва фоже жиҳатларга эга. Биринчидан, шоир ўз асарида тарих саҳифасидан тушиб кетишга маҳкум этилган қадим эрон зодагонлари – "***деҳқонлар"*** тоифасининг ғоявий ҳаммаслаги сифатида юз кўрсатади ва онгли равишда ушбу ижтимоий гуруҳ дунёқарашини ифода этади[1]. Жумладан, «*Шоҳнома*»нинг асосий ғояларидан бири олий ҳокимият - подшоликнинг отадан болага мерослиги - яъни **феодал легитимизм** ғояси бўлиб, Фирдавсий бу ғоянинг илоҳийлигига, азалий ва абадийлигига асло шубҳа қилмайди ва бунга ҳеч шак келтирмайди. Фақат худо ато қилган шуъла (***фарр***) эгасигина тахт вориси бўла олишига унинг имони комил.

Шоир ҳокимиятнинг подшоликдан бошка шакллари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди, у ижтимоий тузумнинг бойлар ва камбағалларга, ҳоким ва маҳкумларга бўлинишидан ўзга шаклларини кўра олмайди. Унинг фикрича,

[1] Аслида **шуубия** оқимининг бош маслаги бўлган бу ғоя Фирдавсий асари учун асос бўлган юқорида тилга олинган насрий "*Абу Мансур Шоҳномаси*"нинг етакчи пафоси эди. Фирдавсий асарининг муқаддима қисмида бу манбага алоҳида тўхталиб ўтган.

халқни мутлақ ҳукмдор шоҳ идора қилиб туриши керак. Бу ғоя айниқса, Баҳром Гўр шоҳлиги давридан олинган қуйидаги эпизодда яққол кўзга ташланади: бир куни Баҳром Гўр ўз аъёнлари билан гуллаб-яшнаган бир қишлоқ ёнидан ўтиб борар экан, қишлоқ аҳли унга шоҳона хурмат-иззат кўрсатмайди. Баҳром Гўрнинг ғазаби қайнаб, бир муъбадга буларни жазолашни топширди. Муъбад бундай фармон олгач, қишлоққа кириб боради ва: «*эндиликда бу қишлоқда ҳамма бир-бирига тенг, бунда на ҳоким бор, на қишлоқ оқсоқоли, ҳамма ўз ҳолича яшайберсин!*» – дейди.

Бу сўзлардан кейин қишлоқ аҳли меҳнат қилмай, ҳеч кимга бўйсунмай қўйишади. Бу жойда ҳокимиятсизлик ва бошбошдоқлик авж олиб кетади. Қароқчилик, талончилик, ҳатто қотиллик кундан-кунга кўпаяверади. Кишилар ўз жойларини ташлаб бошқа ёқларга кўчиб кетишади. Обод қишлоқ тез орада харобазорга айланади. Бир йилдан кейин шу ердан ўтиб қолган Баҳромшоҳ буни кўриб ҳайрон қолади. «*Нечун бу обод жой шундай аҳволга тушди*?» - деб сўрайди. Муъбад бўлган воқеани сўзлаб беради. Баҳром Гўр ўтган ишдан афсусланиб, қишлоқни аввалги ҳолатга келтиришни буюради. Муъбад қишлоққа келади, бир кексани оқсоқол тайин этади ва эл орасида бузғунчилик тарқатувчиларга қарши қаттиқ чора кўришни буюриб, қайтиб кетади. Қишлокда тартиб ўрнатилиб, бир йилдан сўнг қишлок яна асл ҳолига қайтганлиги айтилади. Фирдавсий дунёқарашининг асл моҳияти бу ҳикояда яққол намоён бўлиб турибди, яъни ғоявий тенденция тўғридан-тўғри ифодаланган. «*Шоҳнома*» бошдан-оёқ шу ғоя билан руҳан суғорилган.

Аммо «*Шоҳнома*»нинг буюк эпопея – асрлар оша яшаб келаётган чўнг бадиий обида сифатидаги қиммати муаллифнинг тарихий чекланган ва ўзи ҳаёт давридаёқ сиёсий аҳамиятини йўқота бошлаган ғоявий қарашларида эмас. Фирдавсий даҳосининг қудрати шундаки, у ижод жараёнида ўз даври сиёсий қарашлари доирасидан юксакларга кўтарила бориб, умумбашарий, демакки, азалий ва абадий маънавий қадриятлар ғалабасини куйлай билди, бани башарнинг энг олий қалб туйғуларини авж пардаларда ифодалай олди. Асрлар мобайнида инсонлар “***Шоҳнома***” деса, **Фирдавсий** деса, Кайковусни, ва ҳатто Кайхусравни эмас, паҳлавон ва мард **Рустам**ни, соф кўнгилли **Суҳроб**ни, пок ва эзгу орзулар эгаси бўлмиш **Сиёвуш**ни кўз олдига келтиради. Эрон ва Турон орасидаги асрий ихтилофларни тасвирлаган шоир фақат эрон паҳлавонларини мард ва одил, туронлиларни эса олчоқ ва хиёнаткор қилиб кўрсатмайди, балки ҳар икки юрт баҳодирларининг ҳам ҳаётий ишонарли қиёфаларини тиклайди, ҳар икки тарафда ҳам инсонлар турлича эканлигини одилона ёритиб беради.

Шундай қилиб, тарихан Унсурий ғоялари Фирдавсий тарафдор бўлган шуубия ғояларидан устун чиққан бўлса-да, асрлар оша ўз бадиий қимматини, умумбашарий аҳамиятини сақлаб қола олган асар Унсурий қасидалари эмас, балки Фирдавсийнинг “*Шоҳнома*”си бўлди. Шуларни назарда тутган ҳолда биз ҳам аввал Унсурий ва Ғазнавийлар сарой

адабиёти ҳақида, кейин алоҳида Фирдавсийнинг “*Шоҳнома*”си тўғрисида муфассал сўзлашга қарор қилдик. Бунда ҳам асосан устоз Ш.Шомуҳамедов тилидан гапирилди. Яна устозга сўз берамиз:

«*Шоҳиома»нинг бош ғояси – ватанни улуғлаш, халқ қудратини кўз-кўз қилиш, халқ баҳодирларини васф этишдир. «Шоҳнома»нинг халқчиллиги бирдан кўзга ташланмаслиги мумкин, унда бу ғоя очиқдан-очиқ юзада ётмайди, лекин бутун поэма халқчиллик руҳи билан суғорилган. Поэманинг айрим бўлаклари, айрим достон ва байтларигина эмас, унинг руҳи халқчил. Шоир подшоларни ўз раияти ҳолидан огоҳ бўлишга, унга меҳрибонлик кўрсатишга чақиради, халқни ортиқча солиқлардан озод этиш, золимлар зулмидан ҳимоя этиш лозимлигини уқтиради. Фирдавсий шоҳларга уларнинг лашкари деҳқон экинзорларни пайҳон қилмаслиги, ҳатто рақиб мамлакатнинг аҳолисини ҳам ранжитмасликлари кераклигини тарғиб қилади”*[1].

Дунёвий адабиётнинг воқеликка муносабатида **“энг ёлғон шеър - энг яхши шеърдир”** ва **“энг рост шеър – энг яхши шеърдир”** деган **икки хил ёндошув** мавжуд бўлганлиги олдинроқ тилга олинган эди. Яна шу масалага қайтадиган бўлсак, таъкидлаб ўтиш жоиз бўладики, юқорида таҳлил қилиб ўтилган **Рудакий** ва **Манучеҳрий**ларнинг **хамриёт** мавзуида ёзилган асарларидаги **бадиий тахайюл парвози**га таянган **мажозий тасвирлар** айни **биринчи йўналиш**га (бадиий “**ёлғон**”га) мансуб бўлса, Фирдавсий «*Шоҳнома»*си энди **воқеликнинг ҳаққоний тасвири**га, яъни “**рост”**га қурилган эди, деб баралла қайд этиш мумкин.

Фирдавсийнинг шоҳ асари том маънодаги қомусий хусусиятга эга бўлиб, шунга яраша унинг таркибланиши ҳам ниҳоятда ўзига хос мураккабликларга эга. Унинг шаклий таркибланиши асосан Эроннинг афсонавий ва тарихий ҳукмдорлари силсиласи билан боғлиқ бўлиб, шу жиҳатдан асар номига мувофиқ келади. Тан олиш керакки, асарнинг анъанавий уч қисмидан биринчиси ва охиргиси, яъни афсонавий ҳукмдорлар ҳақидаги қисми ва тарихий қисми, дарҳақиқат, подшоҳлар ҳақида. Аммо унинг энг йирик (1960-70 йиллар орасида Москвада нашр этилган танқидий матнга кўра 27404 байтдан иборат) паҳлавонлик саргузаштлари ҳақидаги қисмида шоирнинг севимли қаҳрамонлари Рустам, унинг ўғли Суҳроб, отаси Зол, шаҳзодалар – Сиёвуш, Исфандиёр ва бошқа паҳлавонлар олдинги қаторга ўтиб, аксарият ҳукмдорлар иккинчи даражали сиймоларга айланиб қолган. Подшоҳлардан фақат Сиёвушнинг ўғли Кайхусравгина жиддий эътиборга муносиб кўрилгани сезилади (асарда унинг бобоси Афросиёбга қарши курашларига 3107 байт бағишланган). Диққатга сазовор жойи шундаки, ушбу ўта кенг кўламли

[1] Шомуҳамедов Ш. Абулқосим Фирдавсий. Т., 2006, с. 51.

асарни жаҳонга машҳур қилган қисми ҳам айни шу паҳлавонлар тақдири, айниқса, Рустам ва Сухроб, бегуноҳ шаҳид бўлган Сиёвуш ҳақидаги достонлардир. Умуман Фирдавсий эпопеяси жаҳон адабиёти тарихидаги ноёб ҳодисалардан бўлиб, унинг ҳажми ва мазмуний қамровига тенг келадиган асарлар ниҳоятда кам топилади, балки топилмайди, десак ҳам бўлаверади. Асар юзаки қараганда жангномалардан иборатдек кўринса-да, унда жуда муҳим умумбашарий, сиёсий, ижтимоий, ахлоқий муаммолар кўтарилган, шу билан бирга ишқий саргузаштлар, диний-эътиқодий, маиший-оилавий масалалар ҳам кенг миқёсда ўз аксини топган. Асарда иштирок этувчи ҳар бир бадиий сиймо ўз сажияси, феъл-атворига эга бўлиб, бир-бирига ўхшамайди, уларнинг ҳар бири мураккаб ботиний табиатга эга бўлиб, оддийгина салбий ёки ижобий тоифага ажратиш қийин. Бундай мураккаб табиатга фақат туронлик паҳлавон Пирон, ёки забардаст шаҳзода Исфандиёргина эмас, балки Рустам, Суҳроб, Сиёвуш каби шоирнинг айрича меҳрига сазовор бўлган сиймоларни ҳам киритиш мумкин.

Тожик олими Х.Мирзозода Фирдавсий асарининг мазмуний таркибланиши ғоявий жиҳатдан нотамом қолганлиги ҳақида ёзади. Унинг талқинига кўра эпопеянинг биринчи ва иккинчи қисмлари эзгуликнинг ғалабаси билан тугаса-да, учинчи қисм фожеали якун топади, яъни ватанпарвар кучларнинг маҳв қилиниши, араб истилочиларининг ғалабаси билан тугалланади[1]. Аслида асарнинг ҳар уч қисми ҳам маълум маънода фожеали тугалланган: афсонавий қисмда Фаридун ўғилларининг ўзаро низоси ва оқибатда Эрон ва Турон аро адоқсиз душманлик ва хунрезликларнинг бошланиши, иккинчи қисмда Рустам ва бошқа паҳлавонларнинг фожиали ўлими туфайли яна юртнинг ҳимоясиз қолиши булар ҳаммаси улуғ шоирнинг эзгуликни келажакдан эмас, ўтмишдан қидириш кайфияти билан боғлиқ эди. Сабаби буюк Сосонийлар сулоласи ўтмиш эди, Эроннинг келажаги эса араблардан маҳаллий сулолага эмас, туронли элат вакиллари тасарруфига ўтган эди.

Фирдавсий ўз умри сўнггида ўткинчи ғоялар билан алданганлигини эътироф этади. Қуръон мавзулари асосида "*Юсуф ва Зулайҳо*" достонини яратади. Унда ҳам умуминсоний ғоялар – ота ва фарзанд меҳри, ҳаё ва имон, севгига садоқат ва инсоний бағрикенглик туйғулари куйланади. Академик Е.Э.Бертельс эътирофича, ушбу достон ҳам шоирнинг бадиий қувватидан нишона бўла олади.

---

[1] Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тожик. –Душанбе: "Маориф", 1987. –С.313. Тожик олими негадир эроний сулола вакиллари ҳокимиятини "*ҳокимияти аристократии тожик* " (шу китоб, с.314) деб талқин қилади.

26. Фирдавсий издошлари. Асадий ва Гургоний

Фирдавсий “*Шоҳнома”*сидан кейин унга эргашувчилар кўп бўлди. Бу достонларнинг асосий кўпчилиги паҳлавон Рустамнинг аждодлари ёки авлодлар ҳақида – «*Сомнома*» (Рустамнинг бобоси), «*Жахонгирнома*», «*Фаромурзнома*» (Рустамнинг ўғиллари), «*Бону Гушаспнома*» (Рустамнинг қизи), «*Борзунома*» (Рустамнинг набираси) ва ҳоказолар. Фақат икки асар бошқа қаҳрамонлар ҳақида бўлиб, уларнинг бири «*Бахманнома*» (Исфандиёрнинг ўғли ҳақида) ва иккинчиси **Асадий Тусий**нинг «***Гаршаспнома***» асаридир[1].

Фирдавсийнинг ватандоши бўлган Абу Мансур Али ибн Аҳмад Асадий Тусий форс адабиёти тарихида биринчи навбатда ўзининг “*Луғати Фурс*” асари билан шуҳрат қозонган. Қадим форс мумтоз адабиёти намуналарини бизгача етиб келишида мислсиз аҳамиятга эга бўлган бу изоҳли луғат бўлмаганда, биз Рудакий ва унинг замондошлари ижоди ҳақида, Унсурий достонлари тўғрисида бугунги маълумотларнинг кўпидан маҳрум бўлар эдик. Шоир ва луғатшунос олим XI аср бошларида, тақрибан 1010 йилда дунёга келди. Унинг ҳаёти қандай кечганлиги кўп маълум эмас, аммо асарлари мазмунидан унинг ислом дини аҳкомлари ва араб адабиётидан яхши хабардорлиги сезилиб туради. Унинг илк ижод намуналаридан “*Араб ва аъжам мунозараси*” асари фанда анча машҳур[2]. Бундан ташқари шоирнинг яна “*Кун ва тун мунозараси”, “Найза ва камон мунозараси”, “Осмон ва ер мунозараси”, “Кофир ва мусулмон мунозараси*” каби қасида жанрида ёзилган асарлари бизгача етиб келган. 1066 йилда тугалланган «*Гаршаспнома*» асарининг бош қаҳрамони афсонавий шоҳ Жамшид авлодидан бўлиб, ёвуз ҳукмдор Заҳҳок даврида яшаган. 145 бобдан иборат достоннинг 12 боби анъанавий муқаддима қисми бўлиб, унда Аллоҳ ҳамди, пайғамбар наъти, ислом дини таърифи, дунёнинг ўткинчилиги мазаммати, осмон ва ер, тўрт унсур, инсон зотининг мукаррамлиги, руҳ ва бадан тавсифидан сўнг достоннинг ёзилиш сабаблари баён этилади. Достон Наҳчевон ҳукмдори Абу Дулаф Дайронийга бағишланган. Асадий достон муқаддимасида “*Шоҳнома*”нинг бош қаҳрамони Рустам деб билади ва Гаршаспни ундан юқори қўймоқчи бўлади. “*Тарихи Сийистон*”да келтирилишича, дарҳақиқат, Рустамнинг катта бобоси Наримон (Сомнинг отаси) Гаршаспнинг жияни бўлган. Аммо Асадийнинг уринишлари кутилган самарани бермади, уч йил ичида ёзилган 9 минг байтга яқин достон шеърият ишқибозлари диққатини қозона олмади, ваҳоланки унинг муаллифи қадим Эрон ривоят ва асотирларидан яхши хабардор бўлган дурустгина қобилият

[1] Фирдавсий “Шоҳнома”сининг шуҳрати нафақат ўз юртида, балки узоқ ўлкада ҳам асрлар мобайнида ижодкорларни илҳомлантириб келмоқда. Маъсалан, Германияда 1838 йилда Ф.Рюккерт амалга оширган эркин таржимага таянган ҳолда машҳур рус шоири, А.С.Пушкиннинг устози В.А.Жуковский романтик кайфиятдаги “Рустем и Зораб” достонини яратганлиги маълум.

[2] Е.Э.Бертельс. *Пятое муназаре Асади Тусского* // Ученые записки Института востоковедения АН СССР. т. XIX , 1958. –С.55-88.

эгаси эди. Бунинг асосий сабаби, назаримизда, асарнинг маънавий қуввати пастлиги билан боғлиқ. Фирдавсийнинг асосий қаҳрамонлари – улуғ паҳлавонлар – тирик инсонлар. Улар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз инсоний қиёфаларини йўқотмайдилар, дилларида меҳр нури ўчмайди. Асадийнинг қаҳрамони эса жанг машинаси, гўё уни Аллоҳ қирғин-барот ва вайронгарчилик учун яратган:

Жаҳонпаҳлавон гўфт: Ки эй пўрҳунар,
Ба жўз жангу кин ман че хоҳам дигар.
Маро изад аз баҳри жанг офарид,
Че поям ки жанг омад акнун падид?
(Жаҳонпаҳлавон дер: Эй оқил инсон,
Мен жангу жадалсиз не ҳам истардим.
Тангри яратмишдир мени жанг учун,
Бугун жанг бошланди, мен нега кутай?*)*

Таниқли олим Бадиъуззамон Фирузонфарр Эрон адабиёти тарихига оид асарида ёзишича, бутун асар давомида Гершасп "*худбин ва қонхўр, енгилтак ва зулмкор, худобехабар бир инсон" сифатида намоён бўлади*[1]**.**

Хуллас, Асадий "*Шоҳнома*"га жангнома деб қараган ва унинг муқобилида ўз жангномасини яратган, Фирдавсий дилидаги умумбашарий дардлар эса унинг эътиборини тортмаган, натижада «*Гаршаспнома*» инсонлар меҳрини қозона олмади.

Асадий Тусийнинг яна бир замондоши ва балки тенгдоши **Фаҳриддин Гўргоний** бўлиб, унинг XI аср ўрталарида (Бертельс Е.Э. аниқлашига кўра 1042-1055 йиллар оралиғида) яратилган "***Вис ва Ромин***" достони бизгача етиб келган. Бу асар ҳақидаги баҳслар тарихи узоқ. Баъзи Европа шарқшунослари уни "*Тристан ва Изолда*"га ўхшатишади, аммо эсдан чиқармаслик керакки, "*Тристан ва Изолда*" сюжети муҳаббат фожеасини ифодалайди, "*Вис ва Ромин*" эса бошдан-оёқ истеҳзога, кулгили ҳолатлар тасвирига қурилган. Агар Асадийнинг қаҳрамони жанг ва қирғинбаротдан бошқани билмаса, Гўргонийнинг қаҳрамонлари энди кулгили қиёфага тушиб қолганлар. Достон сюжети паҳлавий тилидаги бирор ишқий қиссадан олинган бўлиши эҳтимол, аммо XI аср ўрталарига келиб энди шоир шуубия анъаналарини жиддий қабул қилмайди, Фирдавсийнинг Зол ва Рудобалари, Бижан ва Манижалари ўрнини на ишқда вафони билмайдиган, на ҳукмдорга садоқатни сезмайдиган бетайин ва бетийиқ Вис ва Роминлар эгаллаган, ҳукмдор ҳам уларга мос - лақма ва анқов, эпсиз ва шижоатсиз. Балки шоирнинг истеҳзолари беихтиёрдир, барибир асар ўз даври воқелигини ва шоирнинг унга маънавий муносабатини намоён этади.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

[1] Бадиъуззамон Фирузонфарр. Сухан ва суханварон. –Теҳрон, 1934. –С. 87, 2-изоҳ.

1. “Шоҳнома”да Эрон ва Ўрта Осиё халқлари тарихининг қайси даврлари акс эттирилган?

2. “Шоҳнома”нинг тарихий қисмида қандай воқеалар жой олган?

3. Фирдавсийнинг ижодкор сифатидаги буюклиги нимада?

4. Фирдавсий умри охирида яратган "*Юсуф ва Зулайҳо*" достонининг моҳияти нимада?

5. Дунёвий адабиётнинг воқеликка муносабатидаги икки хил ёндошув ҳақида гапиринг.

6. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сига эргашиб ундан таъсирланиб яратилган қандай асарларни биласиз?

7. Асадий Тусийнинг “Гаршаспнома” достони ҳақида маълумот беринг.

8. Асадий Тусийнинг яна қандай асарларини биласиз?

9. Фаҳриддин Гўргонийнинг “Вис ва Ромин” достони ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил таълим бўйича савол ва топшириқлар:

1. Талабаларнинг "Рустам ва Сухроб" достони бўйича ўзаро эркин мунозарасини тайёрлаш.

2. "*Сиёвуш достони"*ни мазмунини китобдан ўқинг. Шу асосда 20 дақиқали қўргазмали маъруза тайёрлаш.

3. Бижан ва Манижа достони асосида 10 дақиқали қўргазмали маъруза тайёрлаш.

4. Рустам ва Исфандиёр жанги сабаблари ва натижалари ҳақида 15 дақиқали қўргазмали маъруза тайёрлаш.

4-боб.
Форс мумтоз шеърияти ривожининг иккинчи босқичи Ирфоний-тасаввуфий адабиётнинг юксалиши

ЎНИНЧИ ДАРС

Дарснинг мақсади: *Икки замондош алломалар Абулфатҳ Ғиёсиддин Умар бин Иброҳим Хайём ва Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг Борлиқ ҳақиқатига муносабатидаги турлича ёндошувлари, ақлга таяниш принципи (тамойили) ўрнига кўнгилни поклаш тамойилини жорий қилиниши, тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичининг бошланиши масалаларида таҳлилий маълумотлар, Масъуд Саъд Салмон, унинг ҳабсиялари, қасидалари, уларнинг мазмун моҳияти, Дунёвий адабиётнинг охирги йирик вакилларидан Амир Муиззийни - мураккаб санъатлар устаси сифатида таништириш.*

Таянч сўз ва иборалар: *Умар Хайём, Ислом маърифатчилиги, ақлга таяниш принципи, рубоий, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий, "инсон вужудида кўнгил - подишоҳ", кўнгилни поклаш, Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичи, Масъуд Саъд Салмон, қасидалар, ҳабсия жанри, Муиззий, луғз санъати.*

27. Умар Хайём ва Ғаззолий

Инсониятнинг, барча элат ва миллатларнинг етакчи тоифаси, дониш аҳли, маънавият ва зиё аҳли асрлар оша инсонлик моҳиятини, аҳли башар тушунчасининг асл мазмунини ечиб бергувчи, ҳар бир инсоннинг тўкис ва устувор бахтини таъмин этиш тариқини ёритиб бергувчи улуғ Ҳақиқатни излаб келади. Жумладан, Ўрта асрлар Шарқ мумтоз шеъриятининг энг ёрқин сиймолари - буюк аллома шоирлар ҳам умр бўйи ана шундай олий Ҳақиқатни ёииб изладилар. Уларнинг ўлмас маънавий мероси шу сабаб инсоният учун беҳад қадрлидир.

Ҳақиқат Борлиқ янглиғ мураккаб, ранго-рангдир. Ҳар бир инсон уни маълум нисбийликдагина англаб етишга қодир. Бунинг устига турли даврлардаги одамларнинг тафаккур даражаси турлича. Асотир тафаккур, илмий тафаккур, ирфоний тафаккур...

Инсоннинг дунёни, Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш жараёнига хос бўлган тарихий такомил турли миқёсда: 1) умуминсоният ривожида, 2) инсонлар жамоасининг турли замоний ва маконий бирлашмалари доираеида, 3) ҳар фард инсон умри давомида рўй беради. Буларнинг ҳар бири ўз навбатида бошқаси билан мураккаб боғланиш, туташув ҳосил қилмасдан иложи йўқ. Демакки, агар бирор ҳодиса ҳақида мулоҳаза юритишга, унинг

моҳиятини жиддий англаб етишга қасд қилинса, уни атроф-воқелик, ўзи мансуб бўлган умумий ва хусусий ҳодисалар силсиласида олиб қаралмоғи, макон ва замонидан узиб олмай идрок этилмоғи асли ҳақиқатни, яъни ўша ҳодиса моҳиятини тўғри ёритишга ёрдам бериши мумкин.

Инсоннинг Борлиқ ҳақиқатига муносабати борасида *“материалист учун Борлиқ ҳақиқати - материя, мусулмон учун Борлиқ ҳақиқати – Аллоҳ”* дейдиган бўлсак, масалани ниҳоятда жўнлаштириб юборган бўламиз. Аслида ҳар бир инсон тасаввуридаги Борлиқ ҳақиқати бир-биридан фарқ қилади ва биз ўзга инсоннинггина эмас, ҳатто ўзимизнинг тасаввуримиздаги Борлиқ ҳақиқатини ҳам тўлиқ таърифлаб бера олмаймиз.

Шоир ва олимнинг Борлиқ ҳақиқати ҳақидаги тасаввурлари унинг ёзган асарларида намоён бўлади, аммо уларнинг талқини яна шарҳловчининг билими ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари билан боғлиқ. Шу жиҳатдан **Умар Хайём** (1048-1123) рубоийларининг тақдири алоҳида диққатга моликдир.

25 ёшидаёқ “Рисола фи бароҳин ал-жабр вал-муқобала” (Алгебра илмининг далиллари ҳақида рисола) асари билан Шаркда шуҳрат қозонган қомусий аллома, буюк математик ва астроном, табиатшунос ва файласуф Абулфатҳ Ғиёсиддин Умар бин Иброҳим Хайём XIX аср ўрталарига келиб Европада шаккок ва майпараст шоир сифатида ном таратди. Бунинг сабабчиси талантли инглиз шоири ва таржимони Эдвард Фитсжералд (1809-1883) бўлиб, у қадим қўлёзмалар асосида **Умар Хайём** рубоий-ларини инглиз тилига моҳирона таржима қилиб нашр эттирган эди. Ўз даври талабларига мослаб мазмуни бирмунча эркин талқин қилинган бу таржималар шунчалик машҳурликка эришдики, XIX асрнинг ўзида 25 бор қайта чоп этилди. Шундан бошлаб энди олимлик шуҳратини шоирлик овозаси босиб кета бошлади.

Аллома шоирнинг рубоийлари мазмунини тўғри талқин қилиш учун унинг даври ва ҳаёт йўли тафсилотларидан озми-кўп хабардор бўлиш талаб этилади. Форобий, Бируний ва Ибн Синолар изидан илмга кириб келган **Умар Хайём** умрининг асосий қисми минтақа маданияти ривожида **Мусулмон маърифатчилиги** босқичининг охирги ярим асрига тўғри келди. У илмга кириб келган пайтда Эрон давлати салжуқий ҳукм-дорларидан Султон Жалолиддин Маликшоҳ (1072-1092) ва унинг шавкатли вазири Низомулмулк бошқарувида нисбатан тинч-осойишта, илм-фанга эътибор кучайган бир паллада эди. 1974 йилда Низомулмулк ис-теъдодли олимга Исфаҳондаги расадхонани бошқаришни топширади. **Умар Хайём** илмга жиддий киришади, бир қатор олимларни ёнига олиб

1079 йилда ислоҳ қилинган, бугунги жорий Европа календаридан ҳам аниқроқ бўлган янги тақвимни ишлаб чиқади. Афсуски, биз шоирнинг қайси рубоийси қачон ёзилганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Аммо, назаримизда, унинг юқори пардаларда жаранглovчи қуйидаги рубоийси айни шу омадли йилларга муносиб кўринади:

Мақсуд зи жумла офаринеш мойим,
Дар чашми хирад жавҳари бинеш мойим,
Ин доирайи жаҳон чу ангиштари аст,
Бе ҳеч шаки нақши нигинаш мойим.

(Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси - жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи - гавҳари ҳам биз.)

Балки май базми ва гўзаллар жамоли мадҳ этилган яна бир қатор сурурли рубоийлар шу йилларда қоғоз юзига тушгандир. Аммо бундай бахтиёр дамлар узоқ кечмади. 1092 йили Ҳасан Саббоҳ фитначилари томонидан аввал Низомулмулк ўлдирилди ва кетидан Маликшоҳ (1072-1092) ҳам сирли ҳолатда вафот этди. Мамлакат осойишталиги барҳам топди, илмга эътибор қолмади, янги тақвим ҳам жорий бўлиб улгурмади. Шоир дили қон:

Сад хона зи хуноби дилам вайрон аст,
Ва-з гиряйи зор бим сад чандон аст,
Аз ҳар мижа новдони хун аст равон,
Гар ман мижаро баҳам занам тўфон аст.

(Юрагим қонидан юз хона вайрон,
Уввос тортувимдан қўрқинч юз чандон,
Ҳар бир кипригимда қон дарёси бор,
Киприклар юмилса бошланур тўфон.)

Аллома шоирнинг шундан кейинги ҳаёти умидсизлик ва ғам-ташвиш билан ўтди. У туғилган юрти Нишопурга қайтиб кетди. Уерда ҳам мударрислик ва илмий фаолиятини тўхтатиб қўймаган бўлса-да, энди ҳаётдан қониқиш ва илм-фан истиқболидан умидворлик туйғуси уни тарк этган эди. Бир пайтлар Рудакий ва Фирдавсийлар, Форобий ва Бирунийлар “*инсон вужудида ақл – подшоҳ*” деб ишонган бўлсалар, энди уларнинг издоши бундай сафсаталарга буткул ишончини йўқотган:

Ононки ба кори ақл дар мекўшанд,
Ҳайҳот ки жумла гови нар медўшанд.
Он беҳ ки либоси аблаҳий дар пўшанд,

К-имрўз ба ақл тара менафрўшанд.

(Ақлга ҳеч қулоқ солмаслик керак,
Бу иш худди ҳўкиз соғишлик демак.
Аблаҳлик тўнини кийиб ол букун,
Ақлингни баҳоси пишмаган таррак.)

Мусулмон маърифатчилиги босқичининг тугалланишидан бир нишона **ақлга таяниш принципи** ўз аҳамиятини йўқотганлигидадир:

Чун нист дар ин замона суди зи хирад,
Жўз бехирад аз замона бар минахўрад.
Пеш ор аз онки хирадамро бабўрад,
Бошад ки замона суйи мо беҳ нигарад.

(Бу замонда ақлдан фойда йўқ зинҳор,
Ақлсиз кишига жаҳон унумдор.
Ақлимни олгучи нарсани келтир,
Замон шунда зора менга бўлгай ёр.)

Умар Хайём "Шоҳнома" қаҳрамонларини яхши билади:

Ҳон кўзагаро! Бапой агар ҳушёри,
То чанд кўни бар гили мардум хори?
Ангушти Фаридуну кафи Кайхусрав
Бар чарх ниҳодаи че мепиндори? (184)

(Ҳой кулол,қулоқ сол, гар бўлсанг ҳушёр,
Қачонгача қилгунг тупроғимиз хор!
Фаридун бармоғин, Кайхусрав кафтин
Чархингга қўйибсен, на андишанг бор?!)

Аммо Дақиқий ва Фирдавсийлар учун ўта муҳим бўлган аждодлар ёди ҳам энди бекор:

Тан дар ғами рўзгори бедод мадеҳ,
Моро зи ғами гузаштагон йод мадеҳ,
Дил жўз ба сари зулфи паризод мадеҳ,
Бе бода мабош – умр бар бод мадеҳ,

(Тан берма бу дунё аслида бедод,
Ўтганлар ғамин ҳам қилмагил сен ёд.
Кўнгил берма гажак сочдан бўлакка,
Умрингни ичкусиз айлама барбод.)

Рудакий тилга олган яхши ном қозониш масаласида ҳам Хайём тамом ўзгача фикрда:

Нанг аст ба номи нек машҳур шўдан,
Ор аст зи жаври чарх ранжур шўдан.
Ҳуммор ба буйи оби ангур шўдан
Беҳ з-онки ба зуҳди хеш мағрур шўдан.

(Уятдир танилсанг, чиқса яхши от,
Дунёдан ранжимоқ жуда ҳам уёт.
Художўй бўлдим деб, кеккаймагилу
Узумнинг сувига тўю учиб ёт.)

X аср биринчи ярмида яшаб ижод этган Форобий билан XI аср фарзанди Ибн Сино фалсафаси орасида аниқ кўриниб турган фарқ шундаки, Форобийнинг фалсафий тафаккурига тасаввуф таълимотининг жиддий таъсири сезилмайди. Аммо Ибн Сино меросидаги *«Ҳайй ибн Яқзон», «Соломон ва Ибсол», «Қуш рисоласи», «Ишқ ҳақида рисола»* каби қатор асарларда тасаввуфга оид муаммолар кўтарилади ва уларга фалсафий жавоблар изланади. Умар Хайём ҳам суфийликдан хабардор, аммо аниқ ва табиий фанлар вакили сифатида бу йўналишга рағбати йўқ:

Соқий дили ман зи даст агар хоҳад рафт,
Дарёст кужо зи худ ба дар хоҳад рафт.
Сўфий ки чу зарфи танг пур аз жаҳл аст,
Як журъа агар хўрад ба сар хоҳад рафт.

(Соқий, дилим тўлиб-тошмоқчи бўлса,
У- денгиз, тошмайди қанчалар тўлса.
Сўфий дили лим-лим жаҳлга тўла,
Бошга чиқар қултум май юта қолса.)

Шоир фақат бир масалада кейинги аср авлоди билан ҳамнафасдир:

Хуршиди сипеҳри безаволи ишқ аст,
Мурғи чамани хўжастафоли ишқ аст,
Ишқ он набувад ки ҳамчу булбул ноли,
Ҳар гаҳ ки бамири-ву наноли ишқ аст.

(Ишқдир абадийлик авжида офтоб,
Ҳаёт чаманида толедан хитоб.
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас,
Ишқ – нола қилмаслик бўлсанг юз хароб.)

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Умар Хайём ўз ҳаёти ва ижоди мисолида **Мусулмон маърифатчилиги** босқичининг якунловчиси сифатида намоён бўлди, аммо Ибн Сино даражасида ҳам кучайиб келаётган тасаввуфга хайрихоҳлик кўрсатмади. Аллома ақл кучининг синганини кўрди ва ўкинч билан эътироф этди, бироқ ҳали ҳаёт чоғидаёқ

туғилиб келаётган янги йўналишни пайқамади ва иқрор этмади. Бу вазифани унинг улуғ замондоши **Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий** (1058-1111) мукаммал адо этди.

Ғаззолий Хуросонда туркий ва форсий элатлар азалдан аралаш яшайдиган Тус шаҳрида туғилди. У укаси Аҳмад билан эрта етим қолишди. Ғаззолий бошланғич таълимни Тусда олгач, илмини ошириш учун Журжон (Астробод) ва Нишопурга келди ва ашъарий оқимининг атоқли намояндаларидан Имом ал-Ҳарамайн (икки муқаддас даргоҳ имоми) деб шуҳрат топган мутакаллим ал-Жувайний (вафоти 478/1085) қўлида то унинг вафотигача таълим олди.

Кучли мутакаллим ва фиқҳ олими бўлиб етишган Ғаззолий улуғ вазир Низомулмулк (1063-1092)нинг диққатини тортди ва Низомия мадрасасида дарс беришга жалб этилди. 1095 (488 ҳижрий) йилда кучли руҳий изтиробга тушган Ғаззолий ўзининг бутун мударрислик ва фақиҳлик фаолиятини тўхтатиб, ҳажга йўл олди ва тасаввуф йўлига кириб, 11 йил мобайнида зоҳидлик ва таркидунё билан кун кечирди. Шу давр ичида ўзининг энг машҳур ва мукаммал асари - «*Эҳёйи улум ад-дин*»ни ёзиб тугатди. 1106 йилда Низомулмулкнинг ўғли Фахрулмулк илтимосига қулоқ осиб, яна Низомияда дарс беришга қайтди ва шу даврда ўз фалсафий қарашларининг такомил босқичларини акс эттирувчи *«ал-Мунқиз мин ад-далал»* асарини ёзди. Умрининг охирида яна она шаҳри Тусга қайтиб, суфий хонақоҳини ихтиёр этди ва муридларига суфиёна ҳаёт тарзидан сабоқ бера бошлади.

Ғаззолий ниҳоятда бақувват мантиқий тафаккур эгаси, зукко файласуф эди. Ғарбда уни ҳатто материалистик тамойилдаги донишманд деб билишган. Бунинг сабаби, олимнинг «*Мақосид ал-фалосифа*» («Файласуфларнинг мақсадлари») асари бўлиб, уни ўқиган киши, дарҳақиқат, Ғаззолийни ҳам Форобий ва Ибн Сино йўналишидаги одам деб ўйлаши мумкин. Бу китоб 1145 йилдаёқ лотин тилига таржима қилинган ва араб тилида ёзилган ислом фалсафий меросидан европаликлар биринчи навбатда шу китоб орқали хабар топишган эди. Ғаззолий ҳақида Гегел ҳам юқори фикрда бўлган.

Аммо Ғаззолий кейинги «*Тахофут ал-фалосифа*» («Файласуфларнинг ўз-ўзини инкор қилиши») асарида мантиқий тафаккурнинг ички зиддиятларини, ислом маърифатчилиги даври файласуф алломаларининг асарларидаги ўзаро зид келувчи ўринларни чуқур таҳлил қилиб берди. Ғаззолий кўпроқ мутакаллим-файласуф эди, аммо у асарларида мутакаллимларни ҳам аяб ўтиргани йўқ, улар мантиғидаги заиф жойларни ҳам кескин фош этди. Аллома «*Ҳақиқат изловчилар*»нинг турли тоифаларини бирма-бир санаб кўрсатиб, уларнинг қарашларини қиёсий таҳлилдан ўтказди, ўзаро ички зиддиятларини аниқлаб, орадаги мўътадил мувозанат ҳолатини топишга уринди. Ғаззолий фақат файласуфлар билан эмас, балки барча йўналиш вакиллари билан баҳсга киришди, христианларнинг, ботинийларнинг (исмоилия бидъати

вакилларининг), суфийларнинг қарашларидаги ифротий (яъни умумий меъёрдан чиқиб кетган) жойларини илмий таҳлил асосида очиб берди.

Ғаззолийнинг тафаккури турли назариялардаги ички зиддиятларни теран кўра билиш қудратига эга эди. Унинг Шарқдаги энг машҳур ва кенг қамровли асари «*Эҳёйи улум ад-дин*» («Диний билимларнинг қайта жонланиши») бўлиб, бу асарда аллома ўз қарашларини мунтазам бир тарзда баён этган. Ғаззолийнинг фалсафий қарашлари ислом минтақа маънавиятининг маълум бир босқичи якунланиб, янги босқич бошланаётганидан ёрқин бир нишона эди. Унинг энг буюк ихтироси ўз қудратини қўлдан бой берган **ақлга таяниш** принципи (тамойили) ўрнига **кўнгилни поклаш** тамойилини жорий қила билганлигидадир. Бу тамойилнинг олға сурилиши минтақа маънавий такомилида янги босқич – **Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичи**нинг бошланганини билдирар эди.

Тасаввуф таълимоти исломнинг дастлабки асрларидаёқ пайдо бўла бошлаган бўлиб, аввал тақвога ўта қаттиқ риоя қилиш, нафл ибодатларга берилиш билан кўзга ташланган бу йўналиш VIII асрга келиб Робияйи Адавия сиймосида илоҳий ишқни улуғлашни биринчи ўринга чиқарди. IX асрдан Зуннун Мисрий (вафоти 859), Хорис Муҳосибий (791-857), Боязид Бистомий (вафоти 875 йил) каби суфий шайхлари тасаввуф назариясига илк пойдевор тошларини қўя бошладилар. IX аср охири X аср бошларида Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил), Мансур Халлож (858-922) каби машҳур сиймолар етишиб чиқди. X аср охирида тасаввуф бўйича илк умумлаштирувчи китоблар «*Китоб ал-лумаъ фи-т-тасаввуф*» (Абу Наср Абдуллоҳ ибн Али Саррож -вафоти 988 йил), «*Китоб ат-таарруф ли мазҳаб-ул-тасаввуф*» (Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий Калободий - вафоти 995 йил) кабилар ёзилди. Тасаввуф таълимотининг кенг ёйилиши XI асрдан бошланди, дейиш мумкин. Бу аср тасаввуф насрий адабиётининг йирик вакили – Алишер Навоий тарафидан «*пири Ҳирот*» деб улуғланган Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089), форс тилида ижод этган халқчил тасаввуф шеърияти вакиллари Бобо Тоҳир Урён, Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдулҳасан Хароқоний (вафоти 1033 йил), Бобо Куҳий (вафоти 1050 йил), тасаввуф ҳақида турли рисолалар муаллифлари ас-Суламий (937-1021) Кушайрий (987-1073), Ҳужвирий (вафоти 1076 йил) ва тасаввуфнинг бошқа машҳур амалиётчи ва назариётчилари яшаб ўтган даврдир.

Кенгайиб бораётган бу янги маънавий жараён ақл ва мантиқий тафаккурни маънавият асоси деб билган, инсонийлик моҳиятини аввало ақлий билимларни ўзлаштириш ва уларни ҳаётга татбиқ этишда кўрган **Мусулмон маърифатчилиги** босқичи намояндаларига ўз таъсирини ўтказа бошлаган бўлса ҳам XI асрда ҳануз мусулмон маърифатчилари - файласуфлар, мутакаллимлар, ботинийлар, табиий ва аниқ фан алломалари, қисқаси, ақл ва билимни биринчи ўринга қўювчилар етакчиликни қўлдан берган эмас эдилар. Бу даврга ўз ижоди билан якун ясаган киши **Умар Хайём** бўлса, XI аср охирида мантиқий тафаккурнинг забардаст вакили

сифатида ўзлигини кўрсатган **Имом Абу Ҳомид Ғаззолий** XII асрнинг ибтидосида ўзининг *«Эҳёйи улум ад-дин»* ва «*Кимёйи саодат*» асарлари билан инсон ва жамият ҳаётида кескин бурилиш ясаган янгича қарашларга пухта назарий асос яратиб берди.

Ғаззолийнинг бош китоби «Эҳёйи улум-ад-дин» тўрт қисм (рубъ-чорак)дан иборат бўлиб, ҳар бир қисм 10 китобдан ташкил топган. Биринчи қисм «*Ибодатлар*» деб аталади ва унда илм ва ақойид ҳақида умумий руҳдаги муқаддимадан сўнг, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, Қуръон тиловати, зикр ва Аллоҳга муножот амалларининг ички моҳияти, руҳий мазмуни асосли равишда очиб берилган. Иккинчи қисм «*Одатлар*» деб номланган ва «*Таом истеъмол қилиш қоидалари*»дан тортиб «*Пайғамбарлик ахлоқи*»гача, инсон ҳаёт тарзига оид барча муаммолар батафсил таҳлил қилиб чиқилган. Учинчи қисм - «*Муҳликот*»(«Инсонни залолатга бошловчи ишлар ва хислатлар») ҳақида бўлиб, унда кўнгил мўъжизалари ва дил тарбиятига оид суҳбат бошланади ва турли зарарли ҳою ҳаваслар - очкўзлик ва ҳирс, эзмалик, ҳасад ва нафрат, бахиллик ва дунё тўплашга интилиш, кибр ва мунофиқлик кабилар қораланади. Тўртинчи қисм - «*Мунжиёт*» («Нажотга элтувчи хислатлар») деб унвон олган бўлиб, кўпроқ тасаввуф мақомлари йўналишида – тавба, сабр ва шукроналик, хавфу рижо (ёмон амаллар учун Аллоҳ жазосидан қўрқиш ва яхши амаллар эвазига Аллоҳ иноятига умид боғлаш), зуҳд ва фақр, тавҳид ва таваккул, ишқ, ҳижрон, қаноат, ният, самимият ва ҳақгўйлик, ўз-ўзини эҳтиёт ва назорат қилиш, ўз ҳолини мушоҳада қилиш ва ўлимни ёдда тутиш масалаларига махсус эътибор қаратилган[1].

Асар муаллифи ҳам файласуф, ҳам муқаддас китоблар билимдони, ҳам ҳуқуқшунос-фақиҳ ҳам тасаввуф сирларидан чуқур хабардор аллома, ҳам ахлоқшунос-носиҳ (насиҳат этувчи) сифатида ўзини намоён этади. Китобда ахлоқий, диний, ҳуқуқий, ирфоний тушунча ва муаммолар бақувват мантиқий далиллар ёрдамида жиддий таҳлил этилади ва ишонарли тарзда тушунтириб берилади. Улуғ алломанинг ушбу асаридаги ғоялар ихчамлашган тарзда «*Кимёйи саодат*» номи билан форс тилида ҳам баён қилинган. Бу асар муқаддимасида биринчи марта инсон вужудида **кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир**, деган ғоя олға сурилади.

Ғаззолий ёзади: “*Билгинки, (Ҳақ таоло) одамни ўйнамоқ ва кулмоқ, емоқ ва ичмоқ учун яратмабдур. Балки Одамнинг яралишида улуғ ҳикматлар бордурки, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло* ***ўзини танитмоқ*** *учун яратибдур. Ва маърифат йўлининг улуғ хатарлари бордур. Агарчи одам азалий эрмасдур, лекин абадийдур*.”[2] Инсон ҳақиқий инсонийлик даражасига етишмоғи учун биринчи навбатда ўз нафсини, яъни **ўзлигини танимоғи** керак бўлади. Аллома яна ёзади: “*Билгилки, танинг мисоли*

[1] Абу Хамид ал-Газали. Воскрешение наук о вере. –М.: “Наука”, ГРВЛ, 1980, –С. 368.
[2] Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимиёи саодат. –Т.: “Адолат”, 2005. –Сах. 24.

шаҳарга ўхшашдир... ***Дил - бу шаҳарнинг подшоҳи. Ақл бу шаҳар подшоҳининг вазиридир”***[1].

Дарҳақиқат, инсон ҳар доим ҳам ақл йўриғи билан иш юрита бермайди. Кўпинча, ақл кўрсатмаси эмас, кўнгил хоҳиши инсонни бошқаради. Кўнгил истаклари не кўйларга солмайди, деган ибора бежиз эмас. Демак, ишни кўнгилни поклашдан бошламоқ керак, деб хулоса қилади аллома. Кўнгилни поклаш эса риёзат билан бўлади. Тасаввуф йўли айни **риёзат йўли**дир.

XI аср охири – XII аср бошларида шаҳарлар аҳолиси, айниқса, ҳунарманд – косиблар ва ўрта ҳол савдо аҳлининг маърифати ва ижтимоий мавқеи юксалиб борар, уларнинг маънавий эҳтиёжлари ва билим даражаси кескин ошиб, ижтимоий фаолликлари ҳар соҳада сезила бошлаган эди. Футувва ва ахийлик жамоалари борган сари кенг тарқалиб, тасаввуф ғоялари хонақоҳ ва ҳужралардан чиқиб, халқ ичига ёйила ётган эди. Хуллас, жамиятнинг маънавий аҳволи янги бир босқичда уйғунлашув ва мувозанатни тақозо этарди. Бу даврга келиб Ғаззолий ижоди ушбу эҳтиёжга энг мукаммал жавоб бўлди. Ўзаро баҳс ва низолар ўрнига эл маънавиятида шундай бир уйғун мувозанат таклиф этилдики, унинг барча тоифа ва йўналишлар, барча ижтимоий гуруҳлар ва фикрий оқимларга ўзаро яқинлашув имконини берувчи қудрати ва мазмун бойлиги яққол сезилди. Ғаззолий ўзининг бош асарида Сунна ва тасаввуф қадриятларини ўзаро уйғун эканлигини исботлаб қўяқолмай, имон, илм ва ирфоннинг яхлитлигини мантиқий асослаб берди. Сунна аҳлини илм ва ирфон вакиллари билан яқинлаштириб, ислом оламида янги босқичдаги маънавий уйғунликни таъминлашга улкан асос яратди. Шу билан бирга Ғаззолийнинг илмий-ижодий фаолияти минтақа халқлари маънавий камолотини ислом маърифатчилиги босқичидан тасаввуф ирфони босқичига узил-кесил олиб ўтиб қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб ҳам бемалол айтиш мумкин. Тасаввуфнинг моҳияти ва унинг XII-XIII асрларда ислом оламидаги мавқеи ҳақидаги тасаввурлар мукаммалроқ бўлиши учун қуйидаги икки жадвални илова этишни лозим деб биламиз:

1. Ислом оламидаги асосий тасаввуф тариқатлари[2]

Асосий тариқатлар	**Асосчилари**	**Келиб чиқиш макони ва тарқалиш доираси**
Бадавия[3]	Аҳмад ал -Бадавий	Шимолий Африка

[1] Шу китоб. –Сах. 36.

[2] Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. –М.: «Наука» ГРВЛ, 1989, с.64. («*Если тарика – «путь» познания, то таифа – это организация» т.е. «орден*»).

[3] Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена. –С.25-26. (Перечислены все тарика, кроме *«дасукия»*).

	(1199-1276),	
Дасукия[1]	Иброҳим ад-Дасукий (1246-1288),	Шимолий Африка
Рифоия	Аҳмад бин Али ар-Рифоий (1106-1182)	Шимолий Африка
Шозилия	Абулҳасан Али аш-Шозилий (1196-1258),	Шимолий Африка
Сухравардия	Зийауддин Абу Нажиб ас-Сухравардий - 1037-1168, Шаҳобиддин Яҳё ас-Сухравардий - 1155-1191, Шаҳобиддин Абу Хафс Умар ас-Сухравардий - вафоти 1234),	Эрон
Яссавия	Аҳмад Яссавий (вафоти - 1166 йил),	Марказий Осиё
Нақшбандия-хожагон	Абдулҳолиқ Ғиждувоний (вафоти 1179), Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383)	Марказий Осиё
Қодирия	Абдулқодир бин Абу Солиҳ Жилоний - 1077-1166),	Эрон, Марказий Осиё
Кубравия	Нажмиддин Кубро (1145-1221),	Марказий Осиё
Чиштия	Муиниддин Муҳаммад Чиштий (вафоти 1236),	Ҳиндустон
Мавлавия	Жалолиддин Румий (1207-1273)	Туркия

2. Суфийлик йўлини ихтиёр этганларнинг маънавий камолот босқичлари

Шариат

(Барча мусулмонлар учун умумий қонун-қоидалар)

Тариқат

(1.Тавба, 2. "Фано фи-ш-шайх" - яъни, пирга қўл беришдан "фано фи-л-лоҳ"гача)

Маърифат[2]

("фано фи-л-лоҳ"дан "бақо би-л-лоҳ"гача)

Ҳақиқат

("бақо би-л-лоҳ" ёхуд орифлик мақоми)

[1] Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. –М.: «Наука» ГРВЛ, 1989, –С.46-47.

[2] Бу босқич асли "маърифатуллоҳ" аталиб, "Ҳақни таниш" маъносини билдиради. Мажозий қиёсда пири муршид кулолга, мурид лойга, "тавба" мақоми лойнинг хас-хашакдан тозаланишига. "маърифатуллоҳ" босқичи хумдонга ўхшатилади. Бу "хумдон"нинг олови эса "ишқи илоҳий"дир.

Жадвалларнинг биринчиси тасаввуфнинг қамров кўламини билдирса, иккинчиси унинг маънавий теранлигига ишора қилади, деб ўйлаймиз. Бугунги кунда “*ислом”, “мусулмончилик”* деганда кўпчилик ислом таълимотининг фақат “*шариат”* босқичини тушунади. Ўтган аср Европа материалист-ориенталистларининг аксарияти тасаввуф ва исломни бир-бирига зидлаштиришга ҳаракат қилганда ҳам ислом динининг шундай тор талқинларидан келиб чиқишган. Ваҳоланки, бундай тор талқинлар бизнинг минтақада X-XII асрлардаёқ енгиб ўтилган эди[1] ва буни биз ёш авлодга тўғри тушунтиришимиз керак.

28. Масъуд Саъд Салмон ва Амир Муиззий

А.Н.Ардашникова ва М.Л.Рейснерларнинг “Ўрта асрлар Эрон адабиёти тарихи (IX-XVII асрлар)”[2] китобида XI аср охири – XII бошларида яшаб ижод этган талантли шоир **Масъуд Саъд Салмон** (1046-1121) Ғазнавийлар сарой шоири сифатида келтирилади. Умар Хайёмнинг замондоши ва тенгдоши бўлган бу шоир, дарҳақиқат, сўнгги Ғазнавийлардан – Иброҳим (1059-1099), Масъуд III (1099-1115), Арслоншоҳ (1115-1118) ва Баҳромшоҳлар (1118-1152) даврида умргузаронлик қилди, шоҳ ва шаҳзодалар хизматида бўлди. Унинг отаси Саъд Салмон ҳам Ғазнавийлар хонадонининг кўзга кўринган амалдорларидан бўлиб, Амир Масъуднинг ўғли Маждуд Ҳиндистонга ноиб этиб юборилганда Саъд *муставфий* (молия бошқармасининг бошлиғи) лавозимида унга ҳамроҳлик қилган эди. Кейинчалик султон Иброҳим ўғли Сайфуд-Даула Махмудга Ҳиндистон бошқарувини топширганда илгаридан шаҳзодага яқинлиги бўлган **Масъуд Саъд Салмон** унинг сарой аёнларидан бирига айланади. Катта бойлик тўплаган шоир Лаҳорда ўзига ҳашаматли сарой қурдиради. Унинг обрўйи шу даражага етадики, даврнинг таниқли шоирлари Рашидий Самарқандий, Абул-Фарадж Руний, Усмон Мухторий Ғазнавий, Муиззий, Саноий ва бошқалар унга бағишлаб қасидалар ёзишади.

Аммо **Масъуд Саъд**нинг шон-шуҳрати узоқ давом этмади. Ҳасадгўйлар султон Иброҳимга чақув етказдилар. Гўё эрка шоир шаҳзодани йўлдан уриб, уни отасига хиёнат қилиб салжуқий Маликшоҳ тарафига ўтишга ундаётган эмиш. Шу баҳона **Масъуд Саъд Салмон**нинг узоқ муддатлик зиндонбанд этилиши бошланади. Аввал уни Шимолий

[1] Бу ҳақиқатни ханбалия мазҳаби доирасидаги “аҳли ҳадис” уламоларидан Ибн Жавзий ва Ибн Таймиялар ўз радикал қарашлари туфайли бирнеча бор давр ҳукмдорлари томонидан зиндонбанд қилинганларидан ҳам тасаввур қилса бўлади.

[2] А.Н.Ардашникова, М.Л.Рейснер. История литературы Ирана в Средние века (IX-XVII вв.). – М., 2010 –С.502.

Ҳиндустондаги тоғлар аро Даҳак қалъасига сургун қилишади. Аммо душманлари бу билан ҳам қониқмай, шоирнинг оёқларига кишан солиб, ҳақиқий зиндонбанд қилинишига эришишади. Шоир шу аҳволда 10 йилдан ортиқ азоб чекади. Мана шундай шароитда унинг машҳур *ҳабсиялари* (маҳбусликдаги шеърлари) дунёга келади:

Чун маниро фалак беёзорад,
Хирадаш бехирад нанигорад.
Ҳар замоне чу рег ташнатарам,
Гарчи бар ман чу абр ғам борад.
Чун баяфсоядам чу мор ғами,
Бар дили ман чу мор багуморад.
То танам хоки меҳнати нашавад,
Ба дигар меҳнатияш бапорад.
Андар он тангиям ки ваҳшати у
Жону дилро ҳами бафишорад...

(Мендекларга фалак берур озор,
Ки ақл ҳеч тасаввур қилолмас.
Ҳар нафасда саҳро қумидек ташна,
Агарчи ғам ёмғири ҳеч тинмас.
Илон киби афсунгар эрур қайғу,
Қалбимни чақиш дардида чоғланмиш.
Қийноқда танам хоки туроб ўлмай,
Яна янги азобга ўртангай.
Маконим танглиги ваҳшатидин,
Юрак-бағрим эзилиб қон қусгай...)

Шоирнинг дўстлари ва мухлислари ҳаракати билан Султон Иброҳим ўлимидан 2 йил олдин уни зиндондан озод қилади. Султон Масъуд III даврида яна шоир лашкарбоши Абу Наср Фарисийнинг кўмаги билан шаҳзода Шерзоднинг марҳаматига сазовор бўлади. У ҳатто бир муддат Чаландар қалъасига ҳоким қилиб тайинланади. Аммо бу сафар ҳам шоирнинг фараҳли кунлари қисқа бўлди. Сарой аёнлари фитнаси билан у яна зиндонга ташланади. Бу сафар нега қамалганини шоирнинг ўзи ҳам тушунмайди. **Масъуд Саъд Салмон** фақат ёши 60дан ошиб куч-қувватидан ажралган пайтида зиндондан қутулиб чиқади[1] ва умрининг охиригача шоҳ кутубхонасида китобдор сифатида хизмат қилади. Шоир қанча азобларга дучор бўлмасин некбинлик руҳини йўқотмади ва гўзал шеърлар битишдан тинмади. Диққатга сазовор жойи шундаки, шунча қийинчиликлар кўрса ҳам шоир суфийлик йўлига киришни лозим топмади,

[1] Умумий ҳисобда шоирнинг маҳбуслик даврлари 1084-1096 ва 1099-1107 йилларга тўғри келади.

умриниг охиригача қасидагўй сарой шоири бўлиб қолди. Аммо кексалик чоғида фарзандига насиҳат қилар экан, уни илмга берилишдан қайтармоқчи бўлади, зотан кишига илм ва истеъдод фақат ғам-алам келтирар экан, дейди афсус билан шоир.

Дунёвий адабиёт анъаналарига содиқлик сақлаган ёркин истеъдод соҳибларининг сўнгги намояндаларидан яна бири **Масъуд Саъд Салмон ва Умар Хайёмлар** билан даврдош ва тенгдош, **Муиззий** тахаллуси билан шуҳрат қозонган салжуқийларнинг сарой шоири Абу Абдуллоҳ ибн Абдулмалик Нишопурий (1048-1126) эди. Унинг отаси ҳам Бурҳоний тахаллусли шоир бўлиб, салжуқий Маликшоҳ саройида хизмат қилган ва ўғли ёш ўсмир пайтида вафот этган.

Муиззий ота изидан бориб умр бўйи буюк салжуқий ҳукмдорлари саройида хизмат қилди. Султон Санжар даврида Амир-уш Шуаро унвонига сазовор бўлиб, обрўйи шу даража кўтарилдики, бирор ёш шоир сарой хизматига ўтмоқчи бўлса аввал унинг кўригидан ўтиши лозим эди. Унинг хотираси шу қадар ўткир эдики, бир марта эшитган шеърини тўлиқ ёдида сақлаб қоларди. Агар бирор истеъдодли шоир унга ўз шеърини ўқиб берса, Амир-уш Шуаро ҳукмдор олдида ўша шеърни бошдан-оёқ ёд айтиб бу шеърни мен ёзганман, деб даъво қилар ва натижада асл муаллиф мулзам бўлиб қолаберарди. Хондамирнинг "*Ҳабиб ус-сияр*" тарихий асарида ҳикоя қилинишича, Муиззийнинг ҳийласини биринчи бўлиб фош қилган шоир **Анварий** Абивардий бўлиб, у эски-туски кийимларда **Муиззий**га ўзини ночор ҳолатда кўрсатиб, "*Мен султон мадҳида қасида битдим, шуни ул ҳазратга ўқиб бермоқчиман"*, дейди ва яроқсиз бир мадҳия-шеърни ўқиб бера бошлайди. Муиззий уни шоҳ олдида мазаҳ қилиш мақсадида Султон Санжарга рўпара қилади. Шунда Анварий ўзининг гўзал бир қасидасини бошлаб 2 байт ўқигач, Амир-уш Шуарога қараб "*Агар шу шеър сизники бўлса, марҳамат қилиб давом этинг",* дейди. Хижолатда қолган Муиззий лом-мим дея олмайди ва Анварий ўзи шеърини охиригача давом эттиради. Шу кундан бошлаб, Анварий султон надимлари қаторидан ўрин олади. Муиззий фақат ҳийла-найранг билан саройда обрў орттирган десак, инсофдан бўлмайди. У дарҳақиқат юксак истеъдод эгаси бўлган. Унинг ижодидан қуйидаги намуналар бунга мисол бўла олади:

Мушку шингарф аст гўйи рихта бар кўҳсор,
Нилу зангор аст гўйи рихта бар жўйбор.
Табли аттор аст гўйи дар миёни гулситон,
Тахти баззоз аст гўйи дар миёни лолазор.
Аз замин гўйи бар оварданд ганжи шойигон,
Бар чаман гўйи пароканданд дурри шоҳвор.

(Тоғлар узра ранг бермиш мушку шангарф мисли доғ,
Мисли тўкмиш нилу зангор сойлар узра шарқироқ.
Хуш бўй анқир гулзор узра мисли аттор сандиғи,

Лолазорлар мисли баззоз растасидек товланур.
Тупроқ остидан топилмиш мисли шоҳ ганжинаси,
Мисли сочмишлар чаман узра марворид шодасин.)

Ушбу баҳорий қасида Фаррухийнинг юқорида намуна келтирилган -

Чун паранди нилгун бар рўй пўшад марғзор,
Парниёни ҳафтранг андар сар орад кўҳсор...

(Ўтлоқзор бурканган яшил шойига,
Камалакранг қалпоқ кийипти тоғлар...)

деб бошланувчи қасидасига пайрав қилиб айтилган бўлиб, ниҳоятда маҳорат билан яратилгани кўзга ташланади. Унинг ҳар байтида изчил равишда мувозана ва мутобақа санъатлари қўлланилган, шеър жуда равон ўқилади. Аммо агар XI аср биринчи ярмида тасвир этилган табиат манзараси ёрқин ҳаётийлиги билан ўзига мафтун этса, XII аср бошларига келиб энди шеър бадиияти атай мураккаблаштирилгани сезилади. Бунга яна бир мисол:

Бенгар ин фирузагун дарёйи нопайдо канор,
Бар сар овард зи қаъри хиш дурри шоҳвор.
Кештийи заррин дар у гоҳи баланду гоҳи паст,
Заврақи симин дар у гоҳи ниҳон, гаҳ ошкор.
Бенгар ин гавҳар аз пулоду санг омад бирун,
Олами торик аз он равшан шавад хуршидвор.
Бенгар ин маркаб ки аз рафтан наёсояд ҳами,
Гаҳ бувад саҳронаварду гаҳ бувад дарёгузор

(Боқ, бу қирғоқсиз кўк уммон бағрида нелар ёнур,
Қаъридан бир-бир чиқарган дурри шаҳвор товланур.
Тўлқин узра гоҳи авжу, гоҳи паст олтин кема,
Гаҳ кўрингай, гаҳ ниҳондир ундаги сиймин қайиқ.
Боқ, пўлатни тошга урсанг ҳосил ўлгай жавҳаре,
Бу қоронғу олам ундан ёришур мисли қуёш.
Боқ, бу тойчоқ чарчамас, бир зум елишдан тўхтамас,
Гоҳи чўл-саҳро кезар, гоҳи кечар дарёю-сой).

Бу сатрлар шоҳ вазирининг фарзанди вафоти муносабати билан ёзилган марсиянинг бошланиши бўлиб, унинг ҳар бир байти бир табиат унсури (осмон ва юлдузлар, қуёш ва ой, олов ва шамол) тасвирини ўзида яширган **луғз** санъати намунасидир.

Рудакий шеърияти янги форс тилидаги адабиётнинг ибтидоси эди. Унинг бутун кўрки, латофати янгилигида, оҳори тўкилмаган рамзу тимсоллар, ташбиҳу истиоралар жилосида. Унсурий қасидалари ҳам ўз даври талабига “лаббай” деб жавоб бера олган эди. Фаррухий ва

Манучеҳрийлар Рудакий ва замондошлари асос солган бадиий маҳорат мактабини қиёмига етказдилар. XI аср иккинчи ярмига келиб сарой шеъриятининг элга айтадиган муҳим гапи деярли қолмади. Масъуд Саъд Солмон ўзининг **ҳабсия**лари - зиндонбандлик азоби ифодаланган шеърлари билан донг таратган бўлса, Амир Муиззий ҳозиржавоблиги ва мураккаб санъатлар устаси сифатида, замонанинг турли илмларига оид тушунчалардан усталик билан фойдаланиб, шеърхонни фикрлашга мажбур қилувчи, тасаввур қувватини синовчи нозик нукталар ихтирочиси сифатида ном чиқаришга уринди. Муиззий шеърияти ҳам ирфоний туйғуларга бегона эди. Шоир зиндонбанд қилинмади, ҳукмдорлар назаридан қолмади, тўкис-тугал ҳаёт кечирди, бироқ умри охирида Султон Санжарга овда ҳамкорлик қилган чоғида тасодифан ҳукмдорнинг камон ўқидан жароҳатланди. Бу ҳақда шоирнинг бир қитъаси ҳам мавжуд. Баъзилар уни шу жароҳат билан вафот этган деб ҳисоблайдилар.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Инсон ва инсониятнинг дунёни, Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш жараёни хусусидаги қарашлари ҳақида нималар дея оласиз?
2. Умар Хайём рубоийларида шоир ва олимнинг Борлиқ ҳақиқатига ўзига хос муносабати қандай акс этишини ёритиб беринг.
3. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг Борлиқ ҳақиқатига муносабатидаги эврилишлар ва бунинг сабаблари нимада?
4. Ақлга таяниш тамойили ўрнига кўнгилни поклаш тамойилининг жорий қилиниши ҳақида ўз тушунчангизни баён қилинг.
5. XII-XIII асрларда ислом оламида шаклланган асосий тасаввуф тариқатлари қайсилар?
6. Суфийлик йўлини ихтиёр этганларнинг маънавий камолот босқичлари ҳақида тасаввурингиз?
7. *"Инсон вужудида кўнгил - подишоҳ"* ғоясини олға суришдан мақсад нима?
8. Масъуд Саъд Салмон, унинг ҳабсиялари, қасидалари, уларнинг мазмун моҳияти ҳақида нималар биласиз?
9. Дунёвий адабиётнинг охирги йирик вакилларидан Амир Муиззий шахси ва ижодига таъриф беринг.,
10. Ғаззолийнинг “Эҳёйи улум-ад-дин” асарида қандай масалаларга эътибор қратилган?
11. Муиззий ва ёш шоир Анварий Абивардий ўртасида бўлиб ўтган тарихий воқеани гапириб беринг.

ЎНБИРИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *Дунёвий адабиёт ва ирфоний адабиётининг ўзаро фарқи, ирфоний шеърият ва тасаввуф шеъриятининг моҳияти, XII аср охирги чорагидан бошлаб форс тилидаги шеърият осмонида порлаган икки ёрқин юлдуз Низомий Ганжавий ва Фаридиддин Аттор бадиий мерослари мисолида шаклланган икки алоҳида йўналишнинг моҳияти ва ўзаро фарқи, ирфон ва ирфоний адабиётнинг ўзига хос жиҳатлари, Алишер Навоийнинг бу хусусдаги қарашлари бўйича мулоҳазаларни талабалар билан ўртоқлашиш. Саноийнинг ҳаёти ва ижодий мероси, унинг "Тасбиҳ ат-туюр" қасидаси, "Ҳадойиқ ул-ҳақиқа" асари, Алишер Навоийнинг Саноий ҳақида билдирган фикрлари билан талабаларни таништириш.*

Таянч сўз ва иборалар: Мусулмон минтақа адабиёти ривожидаги иккинчи босқич**,** бадиий ижод тариқи, *шеъриятга янгича ёндошув, руҳият дунёси, инсоннинг руҳий кечинмалари, тасаввуфий шеърият, ирфоний шеърият, "асрори илоҳий адоси", Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий, "Футуҳоти Маккия""Ирфон – ўзликни англаш", Алишер Навоий, "Маҳбуб ул-қулуб", Саноий, "Тасбиҳ ат-туюр",* «*Сайр ал-'ибад ила-л-ма'ад*»*, "Ҳадойиқ ул-ҳақиқа", халифа Умар, Баҳромшоҳ, Султон Маҳмуд.*

29. Ирфоний адабиёт ва унинг моҳияти. Шеъриятга янгича ёндошув

Мусулмон минтақа адабиёти VIII - XV асрлар мобайнида дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантириш нуқтаи назаридан катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Юқорида (***учинчи дарс*** бошланишида) алоҳида жадвал шаклида келтириб ўтганимиздек, Мусулмон минтақа маданияти доирасида форс мумтоз адабиётининг ривожини **уч катта босқичга** ажратиш лозим топилди.

Биринчиси, китобнинг иккинчи ва учинчи бобларида батафсил кўриб ўтганимиз, IX аср охири - X аср биринчи ярми Сомонийлар саройида Абу Абдуллоҳ Рудакий етакчилигидаги бақувват форс шеърият мактаби шаклланишидан бошланиб , XI аср охирларигача давом этади. Бу адабиёт **Ғазнавийлар саройида** асосан форс тилида ва **Қорахонийлар саройида** туркий ва форсий тилларида ривожланиб, бадиий маҳорат ва тасвир кўлами юксалиб борди.

Бу давр адабиётининг аксарият намуналарига хос бўлган энг асосий хусусият **ақлга таяниш** бўлиб, мусулмон минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил босқичларининг иккинчиси - **Мусулмон маърифатчилиги** босқичида Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг етакчи йўналиши бўлган **илм маърифати**га тўлиқ мос келади. Бу давр адабиёти асосан соф дунёвий

мавзуларни куйлашга бағишлангани учун уни **дунёвий адабиёт** деб номлаш мақбул топилди.

IX–XI асрларда мусулмон минтақасида шаклланган турли адабий мактаблар ҳам илмий доиралар сингари кўпроқ у ёки бу ҳукмдор саройида марказлашган бўлиб, уларнинг мазмуний мундарижасида **мадҳия қасидалар, ишқий ғазаллар, хамриёт (**май мавзуи), **зуҳдиёт** (дунё ва унинг ҳою ҳаваслари бебақолиги ва уларга меҳр қўймаслик мавзуи), **ҳижо** (муайян шахсларга йўналтирилган ҳажв) каби мавзу турлари етакчилик қиларди.

Аммо XII аср ўрталарига келиб энди бу мавзулар улуғ мутафаккир шоирларни қониқтирмай қўйди. Улар бирин-кетин бу йўналишни тарк эта бошладилар. **Анварий** ёзади:

Ғазалу мадҳу ҳичо – ҳар се бад-он мегуфтам,
Ки маро шаҳвату ҳирсу ғазаби буд ба ҳам…[1]

(Ишқий ғазаллар, мадҳиялар, ҳажв – ҳар уч йўналишда
шеърлар битганим сабаби,
Қонимда шаҳвату ҳирсу ғазаб туйғулари жўш урганидандир…)

XII аср шоирининг бу эътирофлари энди минтақа мумтоз шеъриятидаги катта бир босқич ниҳоясига етиб, бадиий тафаккурнинг янги босқичи бошланаётганининг нишонаси эди.

Мусулмон минтақа адабиёти ривожидаги **иккинчи** йирик **босқич** XII-XIII асрларни ўз ичига олиб, Алишер Навоий минтақа адабиётига оид назарий мулоҳазаларини айни шу давр шоирларидан бошлайди.

Навоий форсий "*Шоҳнома*"ни яхши билса-да, **бадиий ижод тариқи** ҳақида мулоҳаза юритганда Фирдавсийни эсламайди, балки саноқни форс мумтоз шеърияти вакиллари ичида биринчилардан бўлиб саройни ва мадҳиягуйликни тарк этиб, шеъриятга жиддий фалсафий-ижтимоий ва ахлоқий масалаларни олиб кирган **Абдулмажд Саноий** (ваф. 1141)дан бошлайди. Чунки унинг **"Сайрул-ибод илал-маод"** ("Аллоҳ бандаларининг қайтар маконга сафари") ва 10 минг байтдан ортиқ ҳажмдаги **"Ҳадойиқ-ул-ҳақиқа"** ("Ҳақиқат боғлари") достонлари минтақа адабиётида янгича йўналишга асос солган эди. Ундан кейин XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган **Абдулвосиъ Жабалий** (вафоти 1160), **Анварий** (вафоти 1191), **Асириддин Ахсикатий** (1108-1196), **Хоқоний** (1120-1199), **Заҳир Фарёбий** (вафоти (1202) каби қатор таниқли шоирлар ҳам сарой мадҳиягўйлигини тарк этиб, ижтимоий-фалсафий руҳда қасидалар ёзишга киришдилар.

Саноий ва Анварийлар бошлаб берган **шеъриятга янгича ёндошув** уларнинг яқин издошлари - XII аср охирги чорагидан бошлаб форс тилидаги шеърият осмонида порлаган икки ёркин юлдуз **Низомий Ганжавий** (1141-

[1] Самадов Т. Анвари ва газалиёти у. –Душанбе, 1988. –С.26.

1202) ва **Фаридиддин Аттор** (1147-1229) сиймолари мисолида **икки** алоҳида **йўналиш** бўйича ривож олди.

Бу икки йўналишнинг фарқи нимада?

Маълумки, адабиёт мавзуларининг марказида инсон, унинг руҳият дунёси ётади. Инсоннинг кечинмалари эса, асосан, икки йўналишда кечади:

бири – инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига, содда қилиб айтсак, махлуқнинг Холиққа муносабати, нисбати масаласи;

иккинчиси – инсоннинг ўзи сингари махлуқларга, яъни ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати.

Биринчи йўналиш Инсонни ўз кўнгли билан суҳбатга чақиради, руҳиятнинг ички теран қатламларига йўналган бўлади.

Иккинчи йўналишда ижтимоий муносабатлар тизимида ҳар бир инсоннинг ўрни масаласига кўпроқ эътибор қаратилади.

Кейинчалик **Жалолиддин Румий** (1207-1273) ёзган эди:

Аттор руҳ буду Саноий ду чашми ў,
Мо аз паи Саноию Аттор омадем.[1]

(Аттор руҳ эди, Саноий унинг икки кўзи,
Биз Саноий ва Аттор изидан келдик.)

Саноий “икки кўз”га қиёс этилмоқда. Кўз ташқаридаги нарсаларни кўради, ичкаридан ташқарига йўналган бўлади. **Аттор** эса **“руҳ”** - унинг назмдан мақсади **“асрори илоҳий адоси”** (“илоҳий сирларни баён этиш”) **- инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатиш. “Маснавийи маънавий”** дек буюк ирфоний қомусни яратган **Жалолиддин Румий** ҳам айни шу йўлдан борди. **Тасаввуф шеъриятининг моҳияти** аслида шу.

Авваллари кичик лирик жанрлар (рубоий, ғазал) билан чекланган **ирфоний шеърият**[2] XII асрдан бошлаб эпик руҳ касб эта бошлади. XII - XIII асрларда форс тилида **Фаридиддин Аттор** (1147-1229) **ва Жалолиддин Румий** (1207-1273)ларнинг тасаввуфий эҳтиросга йўғрилган буюк эпик асарлари, араб тилида ирфоний ишқнинг оташин куйчиси **Ибн ал-Фарид** (1181-1234) шеърияти ва **Ибн ал-Арабий** (1165-1240) яратган тимсолий тафаккурнинг мумтоз намунаси **“Футуҳоти Маккия”** асари дунёга келди.

Ирфон – ўзликни англашдир. Мен кимман? Ягона Аллоҳга менинг нисбатим қандай? Ирфоний адабиёт ҳам, тасаввуф сулуклари ҳам шу саволга жавоб қидиради. Бу саволга тасаввуф умумий жавоби қисқа ва

[1] Бертельс. Б.Э. Ибранные труды. Низами и Фузули. –М.: «Наука», 1962. –С.174.

[2] Давр шоирлари ижодини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки “*ирфоний адабиёт*” ва “*тасаввуфий адабиёт”* тушунчаларини маълум даражада бир-биридан фарқ қилиш мақсадга мувофиқ экан. Масалан, Низомий Ганжавий ижоди ирфоний адабиёт доирасига киради, аммо унинг асарларини Аттор ва Румий асарларидан фарқли ўлароқ тасаввуфий адабиёт деб аташ қийин.

содда қилиб ифодаланганда, қуйидагичадир: **Ҳақ - ягона ва мутлақ борлиқ, Аҳад (яккалик, бирлик). Ҳақ ўз жамолини кўрмоқ истайди ва ўзига кўзгу сифатида фоний дунёни** (яъни, биз кўриб турган моддий борлиқни**) бунёд этади.** Сўфийлар Ҳақнинг асл зотини **Ҳақиқат,** унинг **мазҳари,** қиёсан айтганда, кўзгудаги аксини эса **"*мажоз*"** ("иносказание", метафора), деб атайдилар. Алишер Навоийнинг "*Маҳбуб ул-қулуб"* рисоласи "*Аввалги қисм*"ининг "*Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида"* деб аталган 16-фасли **шоирлар таърифида** бўлиб, шундай бошланади:

*"Ул неча табақадир: **аввалги жамоа** нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур. Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси мўъжизнизомда тилаган топар, чун маал-қасд эмас, эл ҳурмати жиҳатидин ани шеър демас"* [1].

(**Насрий баёни:** Улар бир неча гуруҳдир. **Биринчи гуруҳ** маърифати илоҳий хазинасининг нақдиналари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир. Ишлари маънилар хазинасидан Маърифат гавҳарини термоқ ва у гавҳарни эл файз топсин учун назм ипига тортмоқ. Назмларининг ифодаси ғоят қутлуғ ва бениҳоят ёқимли ва улуғ бўлганлигидан илоҳий калом оятлари ва Расулуллоҳнинг мўъжизали ҳадислари мазмунини излаган киши улардан топа олади ва қасддан ёзилмагани сабабли эл уларга эҳтиром билдириб, шеър деб аташга журъат этмаслар".)

Алишер Навоий бу тоифа вакилларини **"*ҳақиқат тариқининг суханварлари"***, деб атайди ва улар жумласидан тасаввуф адабиётининг энг буюк сиймолари **Фаридиддин Аттор** ва **Жалолиддин Румий** номларини тилга олади. Олим бу гуруҳ вакилларини *"авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ"*, деб улуғлайди.

Дунёвий адабиёт ва **ирфоний адабиёти**нинг ўзаро фарқи шундаки, Рудакий ва Манучеҳрий асарларида **мажозий тасвир** фақат **эстетик завқ бериш, оддий ҳаёт ҳодисаларини нафис тимсоллар орқали ифодалаш**га **хизмат қилган,** яъни **шаклий гўзалликка** биринчи даражали эътибор қаратган бўлса, **XII-XIII асрлар ирфоний шеърияти** олдинги давр шоирлари бадиий тасвир соҳасида эришган ютуқлардан унумли фойдаланган ҳолда **мажозий тасвирни ирфоний туйғулар тараннуми билан уйғунлаштириб,** шеъриятга жиддий мазмунларни сингдириш, уни инсоннинг маънавий баркамоллиги, **инсон руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлигини таъминлаш** йўлида хизмат қилдиришга киришди.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. –Т.: «Фан», 1998. –С.24.

30. Саноий ва ирфоний эпик шеърият ибтидоси

Масъуд Саъд Салмон Ғазнида Баҳромшоҳ ҳукмронлигининг бошланиш даврида дунёдан кўз юмди. Абулмажид Маждуд ибн Одам **Саноий**нинг *“Ҳадиқат ул-ҳақиқа”* асари ҳам айни шу ҳукмдорга бағишланган эди. ***“Масъуд Саъд Салмон** ва Маждуд **Саноий**ларнинг ҳаёт йўллари қиёслаб кўрилса, форс-тожик адабиётининг кейинги ривожи қаёққа бурилганлиги ва бунинг сабаблари очиқ намоён бўлади*” деб ёзган эди академик Е.Э.Бертельс[1].

А.Н.Ардашникова ва М.Л.Рейснерларнинг китобида **Саноий**нинг туғилган йили мелодий 1048 деб кўрсатилади. Е.Э.Бертельс унинг шеъриятга кириб келишини Масъуд III Ғазнавий (1099–1115) ҳукмронлиги даври билан боғлайди. Китоб муаллифлари ҳам бу фикрга қўшиладилар. Агар шундай деб тасаввур қилсак, Саноий фақат кексайган пайтида, яъни 50 ёшдан ўтиб шеър ёзабошлаган бўлади. Саноийнинг Масъуд Саъд Салмонга бағишланган қасидалари борлиги ҳисобга олинса, шоир 1096-1097 йиллари ёш шоир бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Демак, у 1070-1080 йиллар оралиғида дунё юзини кўрганлиги ҳақиқатга яқин келади[2]. Уни **Масъуд Саъд Салмон**нинг тенгдоши эмас, ёш замондоши дейиш тўғрироқ бўлади, чунки унинг устози, «*Шаҳриёрнома*» достони муаллифи Сирожиддин **Усман Мухторий** Ғазнавий ҳам **Масъуд Саъд Салмон**дан бир нарсалар умидвор бўлиб қасидалар ёзган.

Саноий Ғазнида туғилди ва илк қасидаларини сўнгги Ғазнавий ҳукмдорларидан Масъуд III (1099–1115)га бағишлади. Ижодини Унсурий ва Фаррухийларнинг улуғвор қасидаларига пайравлик қилишдан бошлаган шоир кейинроқ Мас'уд Саъд Салмон услубига эргашди. Саноий 1105 йиллар атрофида Балхга боради ва уерда шаҳарнинг баъзи юқори мансаб вакилларининг қилмишларини фош қилиб 497 байтли “*Корномайи Балх*” ҳажвий маснавийсини ёзади. Балхда шоир дунёвий ҳаваслардан воз кечиб фиқҳ илми билан шуғуллана бошлади. Эрон олими М.Разавийнинг фикрига кўра унинг тасаввуфга эътибори ҳам шу ердан бошланган. Шоир Балхдан ҳаж сафарига отланади ва ундан яна Балхга қайтади. Маълум вақтдан кейин шоир Балхдан Серахсга кўчиб ўтади ва 1225 йилгача шу шаҳарда истиқомат қилади. Серахсда унга қози ул-қуззот Муҳаммад ибн Мансур Серахсий ҳомийлик қилган. Бу шаҳарда яшаб турган даврида шоир Ҳирот ва Нишопурга ҳам сафар қилади.

---

[1] Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. –М.: Наука, ГРВЛ, 1960. –С. 401.

[2] Е.Э.Бертельс 1080 йилни тахмин қилади. Яна юқоридаги китобда шоирнинг ўз сўзларига таянган ҳолда умрининг биринчи ярмида Балх, Серахс, Ҳирот, Нишопур каби шаҳарларга саёҳат қилганлиги таъкидланади. Агар унинг Балхга саёҳати 1105 йилга, Серахсдан она юртига қайтиши эса 1125 йилга тўғри келишини назарда тутсак, шоир саёҳатлари 57-75 ёшли кексалик даврида амалга ошган бўлиб чиқадики, буни тасаввур қилиш қийин. Демак, Саноийнинг Масъуд Саъдга тенгдошлиги ҳар жиҳатдан ақлга мувофиқ келмайди.

Саноий тахминан 1225 йилда она юрти Ғазнига қайтади. Бу даврда истеъдодли шоир ва мутафаккир сифатида шуҳрат қозонган алломани Баҳромшоҳ Ғазнавий (1118-1157) саройга таклиф қилади. Аммо шоир қариб қолганлигини баҳона қилиб қабул қилмайди.

Алишер Навоий "*Насоим*"да ёзади: "*Ҳаким Санойи Ғазнавий р. т. қунияти ва оти Абдулмажид бин Одамдур ва ул Шайх Разиюддин Али Лоло отаси била абнойи амм экандурлар. Сўфия тариқининг шуаросининг кубаросидиндур ва машойих анинг назмларидин истишҳодға ўз расойилидин келтурубдурлар ва «Ҳадиқат ул-ҳақиқа» китоби анинг шеърида азвоқу мавожидиға ва тавҳид арбоби маърифати адосида камолиға қатъий далилдур.*

Хожа Юсуф Ҳамадоний қ. с. муридларидиндур ва тавбасининг сабаби бу эрмишки, Султон Маҳмуд Сабуктегин қиш фаслида Ғазнийдин куффор диёрининг баъзини олурға чиққан экандур ва Санойи анинг мадҳида қасидае айтқон экандурки, онинг арзиға еткургой. Бир гулхан эшигига етарки, бир мажзуб анда бўлур эрмишки, они Лойхўр дер эмишлар, бу жиҳатдинки, доим чоғир лойи ичар эрмиш. Анинг унин эшитурки, соқийсиға айтур эрмишки, бир аёғ тўла қилиб берки, Ғазнавий Маҳмудғинанинг кўрлукига ичай! Соқий демиш бўлғайки, Маҳмуд подшоҳи исломдур ва ғозий кишидур. Нечук мундоқ дегайсен? Ул демиш бўлғайки, нохушнуд мардакдурки, ҳар не анинг иликиға тушубдур, ани забт қилмай боribдурки, яна мулк олғай, дебдур ва аёғни ичибдур. Андин сўнгра дебдурки, яна бир аёғ тутки, Санойи деган шоирғинанинг кўрлукига ичай! Соқийси дебдурки, Санойи фозил ва латифтабъ киши. Нечук бу навъ дегайсен? Ул дебдурки, агар ул латифтабъ бўлса эрди, бир ишга машғул бўлғай эрдики, анинг бир ишига ярағой эрди! Бир неча газофни бир қоғазға битибдурки, анинг ҳеч ишига ярамас ва билмаски, ани не иш учун яратибдурлар. Санойи ул сўзни эшитти, ҳоли мутағаййир бўлди ва ул Лойхўр танбиҳи била ғафлат мастлиқидин айилди ва қадам йўлға қўйиб, сулукка машғул бўлди"[1].

Албатта, келтирилган ривоятда умумлаштириш бор. Аммо унда масаланинг моҳияти аниқ ифода этилган, яъни Ғазнавийларнинг босқинлари ва сарой қасидагўйларининг маддоҳлиги ҳақида ўша давр тафаккур эгаларининг хулосаси баён этилган.

Шоирнинг шогирди Али ибн ар-Раққом «*Хадойиқ ул-ҳақиқа*» сўзбошисида Саноийни 40 йил узлатда умр кечирди, деб ёзади. Шоирнинг 60 ёшдан ошиқ умр кечирганини инобатга олсак, демак, у айни Балхда ҳаж

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. –Т.: «Фан», 2001. –С.457-458.

амалини бажариб келган пайтларидан бошлаб танҳоликда ҳаёт кечирганлигини тасаввур қилиш мумкин. Шеърларидан аён бўлишича, Саноий оила қурмаган, бола-чақалари ҳам бўлмаган.

Шоирнинг ўзига хос услубининг шаклланиши унинг Серахс ва Нишопурдаги ҳаёт даврига тўғри келади. Бу даврда у Султон Санжарнинг тахтга чиқиши муносабати билан, кейинроқ унинг вазирига бағишлаб қасидалар битди. Бу қасидалар шаклан мадҳиявий қасидалар ҳисобланса-да, моҳиятан мутлақо янги руҳда ёзилган эди.

Саноийнинг эрон олими М.Разавий томонидан 1942 йилда Теҳронда чоп этилган девони 872 саҳифадан иборат бўлиб, ундаги барча шеърлар 7 мавзуга тақсимланган: 1) зуҳдиёт, 2) мадҳиялар, яъни мадҳиявий қасидалар, 3) қаландарийлар, яъни рамзий талқин қилинган май ва ишқни тараннум этувчи мўъжаз шеърий парчалар, 4) ғазаллар, 5) қитъалар, 6) марсиялар 7) ҳажвиётлар[1]. Шоир девони унинг бутун умри давомида ижод қилган лирик ва лиро-эпик асарларини жамлагани учун унда сарой мадҳиягўйлиги руҳидаги қасидалар ҳам, фалсафий-ирфоний руҳдаги асарлар ҳам, ижтимоий-сиёсий мазмундаги қитъалар, ишқий ғазаллар, ҳажвий асарлар ҳам йиғилган бўлиб, уларнинг мазмуний мундарижаси жуда кенг ва хилма-хил. М.Л.Рейснер ўз докторлик тадқиқоти асосидаги монографиясида[2] улардан фақат икки қасидани тўлиқ келтириб муфассал таҳлил қилади. Уларнинг биринчиси ижтимоий-сиёсий мазмунда бўлиб кескин танқидий руҳи билан ажралиб туради. Унда подшоҳ ва амирлар, фақиҳ ва уламолар, суфий ва зоҳидлар, зиёратчи ва жиҳодчилар, олимлар ва котиблар, мутакаллим ва ҳакимлар – барчалари ўз йўлидан адашган кимсалар сифатида аёвсиз қораланади. Иккинчиси – машҳур "*Тасбиҳ ат-туюр*" (Қушлар тасбиҳи) қасидаси бўлиб, бу мажозий қасида мазмунида сарой адабиёти анъаналари соф тасаввуфий шеърият руҳи билан уйғунлашганлиги жиҳатидан тадқиқотчининг алоҳида эътиборига сазовор бўлган[3]. Қасида мавзуси Қуръони каримнинг бир ояти мазмунидан келиб чиқади: "(*Эй Муҳаммад!) Аллоҳга осмонлар ва ердаги бор жонзот,* ***саф***

---

[1] Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. –М.: Наука, ГРВЛ, 1960. –С. 438.

[2] М. Л. Рейснер. Персидская лироэпическая поэзия X - начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды Издательство: Наталис, 2006, с. 147-150, 306-310.

[3] Рейснер М.Л. Птицы в мистико-символических касыдах Санаи и Хакани (XIIв.) (к проблеме становления символического языка в классической персидской касыде). // Исследования по иранской филологии. Выпуск первый. –М., 1997. –С.121-123; Рейснер М.Л. Истолкование доисламских календарных праздников в персидской классической лирике X-XIIвв. (на примере ноуруза). // Фольклор и мифология Востока в сравнительно-типологическом освещении. –М., 1999. –С. 259. Рейснер М.Л. Аллегорические мотивы в касыде Санаи (XIIв.). (статья в интернете) 25 Авг, 2009 at 10:21 PM .

тортган қушлар ҳам тасбеҳ айтишларини кўрмадингизми? Ҳар бири ўз дуо ва тасбеҳини билур. *Аллоҳ эса уларнинг қилаётган (барча) ишларини билувчидир."* (Нур сураси, 41-оят)[1]. Қасида сарой адабиётида кенг тарқалган **баҳорий мавзуда** бўлиб, навбаҳорнинг гўзал васфидан бошланади ва 16-байтда турнанинг эҳтирос билан сайрашидан то 45 байтли қасида охиригача турли қушларнинг сайрашини тасаввуфий-ирфоний руҳда талқин қилиш билан давом этади. 40-44 байтлар хўроз тилидан инсонларни ҳушёрликка чақирувчи мисралардан иборат бўлиб, охирги байтда шоир ўзига хитоб қилиб: "*Эй Маждуд, мана кексалик кузига ҳам етиб келдинг!"* деб шеърни якунлайди. Қисқаси, Саноий бу йўналишнинг ҳам асосчиси сифатида ўзидан кейинги авлод – Хоқоний ва Атторларга йўл очиб берган ҳисобланади.

Шоирнинг эпик ижоди ҳам баракали бўлиб, унинг юқорида тилга олинган "***Корномайи Балх***" маснавийсидан ташқари 1134 йилда ёзилган 896 байтли «***Тариқ ат-таҳқиқ***» («Ҳақиқатни аниқлаш йўли»), 1006 байтли «***Ишқнома***», 195 байтли «***Ақлнома***» каби достонларининг ҳам қўлёзмалари мавжуд. Бундан бошқа турли тазкираларда шоирнинг «***Канз ар-румуз***» («Рамзлар хазинаси»), «***Зод ас-саликин***» («Соликларнинг йўл озиғи») «***Бахром ва Бехрўз***» и «***Ғарибнома***» каби достонлари ҳам бўлганлиги эсланади.

Шоирнинг кичик ҳажмли достонлари ичида 770 байтли «***Сайр ал-'ибад ила-л-ма'ад***» («Аллоҳ бандаларининг қайтар жойга сафари") асари алоҳида эътиборга сазовор. Достон Сайф ал-Ҳаққ Махмуд Серахсийга бағишланган бўлиб, Серахсда ёзилган деб тахмин қилинади. Бу достон мазмуни Е.Э. Бертельснинг алоҳида мақоласида баён қилинган[2]. XIII аср италян шоири Данте Алигьерининг машҳур "*Илоҳий комедия*"си сюжети кўп жиҳатдан ушбу достон мазмунини эслатади. Бу ҳақда Кембридж университети профессори Р.Никольсон шундай ёзади: *«Сайр ал-'ибад» ни ўқиб туриб, "Илоҳий комедия"ни, айниқса унинг "Дўзах" қисмини эсламаслик мумкин эмас. Фикрлар, услуб ва қурилишидаги ўхшашликни тасодифий деб бўлмайди. Унда шундай диққатга сазовор ўринлар борки, улар қандайдир умумий манбага ишора қилади ва Данте қандайдир йўллар билан исломий анъана ва ривоятларда сақланиб келаётган материаллардан кенг фойдаланганлиги ҳақидаги мулоҳазаларни тасдиқлашга хизмат қилади*" [3].

Достон шамолга хитоб билан бошланади. Унда анъанавий Аллоҳ ҳамди, пайғамбар наъти, бирор олий зотли ҳомийга бағишлов ҳам йўқ. Шамол муаллиф томонидан "*оловдан тоҗ ва сувдан тахт эгаси*" деб, яъни оловдан пастда ва сувдан баландда турувчи тўрт унсурнинг бири сифатида

---

[1] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т., 2007. –С. 355.

[2] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. –М., 1965. –С. 320-323.

[3] R. A. Nickolson, *A Persian forerunner of Dante.* Towyn-on-sea, N. Wales, 1944 (Иқтибос Е.Э.Бертельс асаридан олинди.- Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. –М.: Наука, ГРВЛ, 1960. –С. 410).

таърифланади. Шоир шамолга инсон хилқатининг сирлари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчи эканини билдиради. Инсон табиатини ташкил этувчи турли кучлар достонда турли иқлимлар ва шаҳарлар қиёфасида намоён бўлади. Масалан, инсондаги ҳайвоний хислатлар ташқи томондан гўзал, аммо ботинда маразларни яширган шаҳарга ўхшатилади. Бу шаҳар аҳолисининг асосий ғам-ташвиши ўзи ва авлоди ҳаётини сақлаб қолиш бўлиб, бу шаҳарнинг ҳалокати шунда, чунки бундай мақсад йўлида кураш адолатсизликни келтириб чиқаради, ҳақиқий ҳаёт эса - адолатдадир. Шоир ўз фикрини шоирона санъатлар орқали исботлайди: Адолат –тўғриликдадир, "***дод***" (адолат) сўзининг ўртасида "*алиф*" бор, агар уни олиб ташланса, "***дад***" (ваҳший ҳайвон)га айланади. "***Бод"*** (шамол) ҳам "*алиф*"сиз "***бад"*** (ёмон)га айланади. Бундай шаҳарда уч ҳукмдор иш юритади: **нур, аланга ва зулмат.** Унда икки тулпор елади: бири қора ва бири оқ (яъни кун ва тун). Ҳукмдорлар фақат ўз манфаати пайида, отлар эса чавандозларини еб битирадилар.

Зулмат аро шоир кўзига нурга чўлғанган пир кўринади. Бу – "***нафси оқила***" бўлиб, шоирни етаклаб турли унсурларни ифодаловчи иқлимлар ва улардаги рамзий шаҳарларни айланиб чиқишни таклиф қилади. Саёҳат ер иқлимидан бошланади. Саноийнинг тасвири худди Дантедаги "Дўзах" тасвирининг ўзгинаси: зулмат ичра илону чаёнлар ўрмалашади, ваҳший ҳайвонлар – даррандалар кезиб юради. Уларнинг ҳукмдори тўнғиз. Шоир етти тумшуқ ва тўрт ҳалқумга эга даҳшатли илонга кўзи тушади. Бу – бутун ҳайвонот дунёсини жазавага солувчи очкўзлик тимсолидир. Бу иқлимдан чиқиб, сайёҳлар ҳасад оламига бориб қоладилар. Унда девлар истиқомат қиладилар. Уларнинг кўзлари бўйинларида ва тиллари юракларига жойлашган. Шоир қаршисида тошлоқ текислик намоён бўлади. Уни қуюқ тутун ўраб олган, тутун ичида шундай бир махлуқлар уймалашадики, уларнинг бошлари фақат кўздан иборат, баданлари эса фақат қўллар. Ушбу иқлим чегарасида шиддатли дарё оқади, ундан кечиб ўта олиш учун саёҳат-чилар албатта барча ҳайвоний хислатларидан фориғ бўлишлари талаб қилинади.

Энди шамол иқлимига навбат келади. Яна Данте тасвирлари эсга тушади. Қаттиқ довул ўзаро кўринмас бандлар ила боғланган онгсиз жонзотларни учириб юради. Улар тинимсиз меҳнатдалар, аммо меҳнатлари самарасиз. Орол марказида олов ва сувдан ясалган қаср. Қаср эгалари сеҳргарлар, уларнинг бошлари жуда тез айланади, оёқлари эса чумоли оёғидек заиф. Улар олтин ва кумушга сиғинадилар.

Сайёҳлар қаршисида яна бир улуғ уммон. Унда баҳайбат наҳанг жойлашган, у ҳирс тимсоли. Уни енгиб ўтиш учун бошига оёқ қўйиш керак. Уммоннинг нариги тарафида аланга билан қопланган водий бўлиб, яна илону чаёнларга қалашиб ётади. Водийдан ўтилса, атрофи тубсиз

ўпқонлар билан ўралган баҳайбат оловли қояга рўпара келинади. Бу – ғазаб тоғи бўлиб, уни ютиб юбормагунча илгари силжишнинг иложи йўқ.

Ана энди тонг ёриша бошлайди, атроф нурга бурканиб, шоир улкан минорани кўради. Унинг пастидаги дарвозадан ичкари кирилса, вақт чегарасидан ўтилади, нариги тараф – абадият. Дарвозадан кирган шоир аввал турли дин вакиллари жойлашган иқлимга тушиб қолади. Бу маконда барча ёш, гўзал ва навқирон, аммо кўзлари сўқир. Кейинги иқлим эгалари етук ёшда, улар бағрикенг ва кўнгиллари очиқ инсонлар, бироқ бахтсизликлари шундаки, бир пайтнинг ўзида саккиз қиблага сажда қилишга мажбурлар. Булар "*арбоби тақлид*", яъни бирор ақидани моҳиятини тушуниб етмасдан кўр-кўрона қабул қилувчилар.

Кейинги иқлимда шоир "*арбоб аз-занн*"ни жойлаштиради. Булар ўзларини энг тўғри йўлда деб ишонувчи кишилар. Улар бир-бирларига қараб худди ўзларини кўзгуда кўргандек бўладилар, улар ҳар бири кўркам ва улуғвор султон, аммо ... зиндондаги султон. Кейинги тоифа – қорилар, улар яшаган ўлка зоҳирда - ёғдули ва латофатли, ботинда – зулмату залолатли. Уларнинг қибласи – кўзлари кўрар жойгача.

Ва ниҳоят шоир кўз қамашгудек нурли бир диёрга етиб келади. Энди тўхтасам бўлар деб ўйлайди у. Бироқ пири нуроний унга: "*Тўхтама!*" деб ишора қилади, "*сенинг йўлинг **ақли кулл**га олиб боради"* дейди пир. Бу нурга ғарқ диёр ҳақиқий *дарвишлар* ва *аҳли тавҳидлар* диёри эди, шоир уларга яқинлашганда улардан бири "*Сен олға интил, сени олдинда шариат пешвоси кутмоқда*", деб хитоб қилади. Ва шу дам шоир жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)га юзма-юз келади. Достон Муҳаммад(сав)га бағишланган маҳобатли қасида билан тугалланади. Асар охиридаги бир байтдан шоирнинг ёши 32да эканлиги маълум бўлади.

Албатта, Саноийнинг энг машҳур асари «*Хадойиқ ул-ҳақиқа*» («Ҳақиқат боғлари») бўлиб, уни бутун ислом минтақасига танитган асар шудир. Достон турли қўлёзмаларда турлича номланади: *«Хадиқат ул-ҳақиқат» и «Хадойиқ ул-ҳақойиқ», «Илоҳийнома», «Фахрийнома»*[1]. Бу достон шоирнинг энг йирик асари бўлиб, шоир ўзи 12 минг байт деб кўрсатади. Достон 1042 ҳижрий йилида (мелодий 1632/33 йил) ҳиндистонлик Хожа Абдуллатиф ибн Абдуллоҳ ал-Аббосий (ваф. 1639 йил) томонидан қайта тикланган бўлиб, бугун бизнинг қўлимизда фақат шу матн мавжуд. Унда икки муқаддима бўлиб, биринчиси "*Миръот ул-хадойиқ*" деб номланади ва айни шу хожа Абдуллатиф ал-Аббосийга тегишли. Унинг баён қилишича, Жалолиддин Румийнинг "*Маснавий"*сига шарҳни тугатиб, Саноий асарини ўрганишга киришганида маълум бўлдики, "*Маснавий"* гўё «*Хадиқа*»нинг айрим байтларига шарҳга ўхшаб

[1] Академик Е.Э. Бертельс ўз тақиқотларида «*Хадиқат ул-ҳақойиқ*» ("Сад истин") деб келтиради, биз бу ўринда минтақа анъаналаридан келиб чиқиб "*Ҳақиқат боғларини*" маъқул билдик.

кетар экан. Шундан кейин олим Саноий достонининг турли қўлёзмаларини бир-бирига қиёслаб кўздан кечира бошлаган ва маълум бўлганки, улар орасида жуда катта фарқлар мавжуд. Олим энг қадимги қўлёзмани қидира бошлади ва ниҳоят шоир ўлимидан 80 йил кейин кўчирилган қўлёзманинг дарагини эшитиб, ундан нусха кўчириб олишга муваффақ бўлган. Уни бошқа қўлёзмалар билан қиёслаб ўрганиш асосида асл матнни тиклашга муваффақ бўлган. Абдуллатифнинг шарҳи "*Латойиф ул-хадойиқ мин кафойе уд-дақойиқ*" («Дақиқ нукталар туфайли латофатли боғлар») деб номланган. Абдуллатиф Саноийни Анварийдан устун қўяди. Абдуллатиф ўз ишини Кобулда 1629 йил баҳорида якунлайди. Тўрт йилдан сўнг унга яна бир муқаддима қўшади. Абдуллатиф муқаддимасидан кейин Саноийнинг ўзи ёзган насрий муқаддима берилади. Саноий шоирларнинг рисолатини (жамиятдаги ўрни ва вазифасини) набилар ва валилар билан қиёслайди. Шоир бир куни ўз исми устида мулоҳаза юритиб, ҳурмат ва шуҳрат фақат унинг номида, аслида эса унда на ҳурмат, на шуҳрат бор, уларга сазовор бўлгулик ҳеч нарса ҳам йўқ. Саноий дўсти хожа раис Аҳмад ибн Масъудга кўнгил армонларини ёзиб, менда на ўтганимдан кейин дуойи жонимни қиладиган фарзанд бор, на ўзгаларга қолдирадиган садақайи жориям бор деб ёзғиради. Дўсти шоирнинг кўнглини кўтариб, сенинг садақанг шеърларингдир, дейди ва уни йирик бир достон ёзишга ундайди. Унинг маоши ва таъминотини эса ўз бўйнига олади.

Достон **10 боб**дан иборат бўлиб, **биринчи боб** анъанавий тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини улуғлаш)га бағишланган. Бир гуруҳ кўрлар ва фил воқеаси ушбу бобда ҳикоя қилинади. Инсонларда ҳаётга турлича муносабатнинг мавжудлиги Аллоҳ сирларидан бўлиб, Халлоқи оламнинг адолатсизлигини англатмайди, дейди шоир, балки адолат олам яратилишининг асосидир, усиз ҳеч нарса барқарор бўлмайди. Шундай экан Аллоҳнинг ердаги вакили бўлмиш ҳукмдор ҳам биринчи навбатда одил бўлмоғи лозим. Агар унинг хаёли адолатсизлик сари оғса, мамлакатни хароб қилмоғи тайин. Эрон ва Турон подшоликлари бир-бирига душманлик қилиш туфайли иккови хам хоки туроб бўлди, деб хулоса қилади шоир. **Иккинчи боб** пайғамбар наъти ва хулафойи рошидин мадҳиясидан иборат. **Учинчи боб** ақл таърифида бўлиб, унда сарой шоирларининг беҳудагўйлигига шундай ишора қилинади:

Ақл бар ҳеч дил ситам накунад,
Ба тамаъ қасди мадҳу зам накўнад

(Ақл ҳеч бир дилга ситам етказмас,
Тамаъ учун мадҳу ҳижо ўтказмас.)

Тўртинчи боб илм мадҳида бўлиб, шоир илм ва ҳилм уйғунлигини ёқлайди. Унинг фикрича, ҳар бир нарса мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Агар бировнинг белига чипқон чиққан бўлса-ю, бармоқлари оғришидан

шикоят қилса, сен унинг бошига малҳам ёпиштирсанг унинг дарди бундан енгиллашадими? Шоир ақлий ва жисмоний меҳнатнинг ўзаро фарқини изоҳлаб, мардикор билан меъморни қиёслайди. Зукко меъмор бир зумда топганини қурувчи уста беш ойда топади, аммо устанинг икки ойлик маоши мардикорнинг бир умр тушига кирмайди. Чунки бу жисмини қийнайди, унисининг қалбида ҳикмат бор. Лекин билим яхшиликка хизмат қилиши керак, шахсий манфаат ва кибру ҳаво учун эмас. Илмда самимият бўлсагина ютади, макрга юз бурса ҳалок этади. Илм халқ манфаатига ишлатилса, олим ҳам ундан фойда кўради:

Дониш онжо ки рў ба халқ орад,
Музди дониш ба ҳалқ багузорад,

(Қаерда билим халқ томон юз бурса,
Билим ҳаққи ҳалқумдан енгил ўтади.)

Бешинчи боб ишқ ва ошиқлик ҳақида. Ишқ кўчасида ақл кўрдир, дейди шоир:

Ақл дар кўйи ишқ нобиност,
Оқили кори Бу Али Синост.

(Ақл ишқ кўчасида сўқирдир,
Оқиллик Абу Али Синонинг ишидир[1].)

Ушбу ўринда Ибн Синонинг “Ишқ ҳақида рисола” асари мавжудлигини назарда тутсак, шоирнинг киноояси маълум бўлади. Чунки аллома бу мавзуга ҳаким (табиб) ва файласуф сифатида ёндошган[2]. Саноий эса суфий ва шоир кўзи билан қарамоқда. Мисол ўрнида келтирилган ривоятга кўра, бир ошиқ маъшуқаси висолига интилиб Дажла дарёсини кўп марта сузиб ўтган экан. Бир куни маъшуқа юзига доғ тушганига эътибор берибди ва шу сафар дарёни кесиб ўтишга қуввати етмай чўкиб кетибди. Шоир эътиқодига кўра, маъшуқа жамолидан ўзга барча нарса ошиқ кўзидан ғойиб бўлмоғи керак. Бир киши бир гўзал санамга ишқ изҳор қила бошлаган экан, гўзал уни синаш учун “менинг ҳуснимни кўп таъриф қилдинг, аммо қара, синглим менлан юз чандон чиройли” депти. Содда ошиқ у кўрсатган томонга аланглаган заҳоти унинг туйғулари сохта эканлиги маълум бўлипти.

Олтинчи боб *нафси кулл* ҳақида. Олдинги достондаги каби буерда ҳам у кекса пир сифатида намоён бўлади. Шоир бу фоний дунёга ҳирс қўймасликка чақиради:

---

[1] Яъни, мантиқий тафаккурга таяниш олим ва файласуфларга хосдир, ишқ кўнгил иши бўлгани учун ошиқнинг дардини олим тушунтириб бера олмайди.

[2] Серебряков С.Б. Трактат Ибн Сины (Авицнны) о любви. –Тбилиси, «Мецниереба», 1976, 177+27 стр. (Тадқиқотга асарнинг арабча матни ва унинг русча таржимаси ҳам илова қилинган.)

Чу жаҳон модару тӯ фарзанди,
Гар наий гебр ақд чун банди.

(Жаҳон она бўлса, сен эса фарзанд,
Нега уйланасан, кофир бўлмасанг.)

Бу ўринда шоир мажусийларнинг (яъни маздаясна эътиқодининг сосонийлар даврида бузилган) ақидаларига ишора қилмоқда. Унга кўра яқин қариндошга уйланиш савоб иш деб талқин этилган. Шоир моддий манфаатлар кетидан қувишни қоралар экан, шу орада нафақат пора олиш, балки ноқонуний манфаат умидида пора беришни ҳам қаттиқ қоралайди. Унинг фикрига кўра инсоннинг энг ёмон душманларидан бири шароб. Май инсон онгини хиралаштириб уни балога гирифтор қилади.

Саноий суфийларнинг жаҳрий зикри устидан ҳам истеҳзо қилади:

Наъра бар дошта чу кабк аз куҳ,
Кист ин? Орифи бо шукуҳ.

(Тоғдаги какликдек наъра тортар ким?
Чах уриб "ҳув" тортар муҳтарам пирим.)

Шоирнинг яна бир масаладаги қараши диққатга сазовор:

Мулку адл аст дину дилпарвард,
Тозию порси чи хоҳи кард?
Мардро чун ҳунар набошад кам,
Че аз аҳли араб, че зи аҳли ажам?

(Шоҳлик ва адолат имон ва эҳсондадир
Арабу форс билан нима ишинг бор?
Агар мард кишида касбу ҳунар бўлса,
Арабми, аъжамми нима фарқи бор?)

Энди Асадийлар замони ўтган, Саноий учун миллатнинг фарқи йўқ, гап инсоннинг салоҳияти ва инсоний хислатларида. Эронийларда Салмон Форсий каби улуғ шахс бўлса, арабларда Абу Жаҳл каби дин душмани ҳам бўлган.

Еттинчи боб бу дунёнинг ўткинчилиги хусусида. Шоир Нуҳ(ас)ни эслайди. 950 йил умр кўрган бу пайғамбар бир куни оҳ уриб айтган экан: *"Инсон онадан туғилиб улгурмай ўлим эшик қоқиб туради-я"!* Луқмони ҳаким бир чолдеворда яшар экан. Унга сал кулбангизни тузатиб олсангиз бўлмайдими, дейишса, "*ўладиган дунёга шу туриши ҳам ортиқча"*, деган экан. Шоир аллақачон йўқликка юз тутган "*Шоҳнома*" қаҳрамонлари – шавкатли ҳукмдорларни бир-бир санаб охирида аччиқ истеҳзо билан шундай хитоб қилади:

Меҳ зи тӯ, кеҳ зи тӯ ба пеши тӯ мурд.
Тӯ бизий хӯш, тӯро ки ёрад бурд?
Мурдагонро ба хок супурди тӯ,
Тӯ намири, на марди хурди тӯ.
Худ тӯро марг баста кай гирад?
Тӯ амири, амир кай мирад?

(Сендан катталар ҳам ўлди, кичиклар ҳам.
Сен хотиржам яша, сени олиб кетувчи ким?
Сен ўлганларни тупроққа топширдинг,
Сен ўлмайсан, сен кичик одаммассан.
Сенга ҳамла қилишга ўлимнинг ҳадди сиғмас,
Сен амирсан, амир қачон ўлган?)

Саккизинчи боб илми нужум (астрология)га бағишланган. Аммо бу бобда юлдузларни бирма-бир санаб, уларнинг инсонлар тақдирига таъсири ҳақида гапириш ўрнига Саноий фақат уларнинг ҳаракати замоннинг ўтишига ишора эканлигини эслатади. Осмони фалак ва унинг буржлари инсониятнинг қаттол душманлари, уларнинг тутган тутмиши инсонни ҳалокат сари итариш. Шундай экан, такаббурлик нечун, бу кўк гумбази остида барча нарса вақт қонунига бўйинсунади:

То тӯ худро наҳи чу турк маҳалл
Ҳиндуат сар гирифт зири бағал

(Сен ўзингни туркдек мавқега кўтаргунча,
Ҳинду бошингни қўлтиғига қистириб жўнар.)

Тўққизинчи боб дўстлик ва душманлик ҳақида. Шоир ҳақиқий дўстлик ҳақида мулоҳаза юритар экан, халифа Умар(р.а.) билан боғлиқ ривоят келтиради. Халифа юртни айланиб юриб, бир куни бир жамоага дуч келипти. Жамоа аъзолари ўзаро ҳақиқий дўст-биродар эканликларини айтишипти. Умар (р.а.) сўрапти: "*Унда бир-бирларингнинг мулкларингга қандай қарайсизлар, биродар биродарининг молини ишлатиб юбора оладими?"* Жавоб бўлиптики: "*Ҳар ким ўз нонини ейди, бошқанинг бойлигидан хабари йўқ.*" Халифа бунга эътироз билдириб: "*Бундай гаплар ярамайди. Қачонки сизлар бир-бирингизнинг молингизни бемалол ишлатадиган бўлсангиз, шундагина ҳақиқий дўстлик деса ярашади. Бировнинг бойлиги ошиб-тошиб ётсаю, ўзгаси муҳтожликда қийналса, бу қандай биродарлик бўлди"* деган экан. Саноий хулоса қилиб, бир пайтлар шундай дўстлар бўлгандир, аммо энди ҳар ким ўз бурда нонига ёпишган ва уни ҳеч ким билан бўлишмоқчи эмас, дейди.

Саноийнинг ҳақиқий имон эгаси ҳақидаги қарашлари қуйидаги ривоятда ўз аксини топган: Уч мусулмон Византияга қарши урушда қатнашиб, асир тушиб қолишипти. Рум қайсари уларга шарт қўйиб, ким исломдан юз ўгирса, ўшани ўлимдан озод қилишини билдирипти. Улардан

бири фақиҳ экан, ўзича мулоҳаза қилипти: “*Мажбурий ҳолатда берилган ваъда шариат бўйича ҳақиқий ҳисобланмайди. Демак, мен дилимда мусулмонлигимча қолиб, тил учида исломдан қайтдим, десам, гуноҳ ёзилмайди*”. Иккинчиси шиа мазҳабида экан, ўйлапти: “*Машҳар куни мени ҳазрат Али шафоат қилади. Хотиржам диндан қайтдим, десам бўлаверади*.” Учинчи асир фосиқ ва авбош экан. У шундай фикр қилипти: “*Мен гуноҳкор бандани шафоат қилувчи топилмаса керак. Шариат қоидаларини айланиб ўтишни ҳам биров менга ўргатган эмас. Демак, мен имонимдан юз ўгира олмайман, қатлга рози бўлишдан ўзга чорам йўқ. Балки шу йўл билан обрўйимни сақлаб қоларман”:*

Кўшта беҳтар маро ба номи неку,
Ки бувам зинда бо ҳазор оҳу.

(Минг-минг гуноҳ билан ҳаёт юргандан
Яхши ном қозониб ўлганим яхши.)

Охирги **ўнинчи боб** шоир таржимаи ҳолига оиддир. Унда Саноий ўзининг нега дунёвий ишларга этак силтиб, тарки дунёни авло кўрганлигини баён қилади. Унинг сўзларидан маълум бўладики, шоир достонини якунлаётган пайтида 60 ёшдан ошган экан. Ёшлигида узоқ яшашни орзу қилган шоир энди бу фикрдан қайтган, чунки –

Пир бо чиз ҳаст хожайи азиз,
Пири ночизро ки дошт ба чиз.

(Кекса бир нарсалик бўлса – хожадир азиз,
Ҳеч нарсасиз кекса – ҳеч кимга кераксиз.)

Шоир ўз асарига катта баҳо беради, унга ўзининг бутун борлиғини бағишлаганини таъкидлайди:

Ҳарза наовардаам ман ин тасниф
Жону дил кардаам дар ин таълиф...
Барасонидаам сухан ба камол,
Мебатарсам зи роҳ ёфт завол.
Чун бағоят расад сухан ба жаҳон,
Зуд ояд дар он сухан нуқсон...
Хотами анбиё Муҳаммад буд,
Хотами шоирон манам, ҳама суд.

(Беҳуда битмадим бу асаримни,
Унга жо айладим жону дилимни...
Сўзни камолига етказдим бугун,
Энди у заволга юз тутса мумкин.
Жаҳонда сўз агар авжга етишса,
Унга тез орада ёпишар нуқсон...
Набилар хотами эди Муҳаммад,

Шоирлар якуни мен бўлдим фақат).

Муқаддимада шоир унга ҳомийлик қилган дўсти хожа раис Аҳмад ибн Масъудни эслаган бўлса энди яна бир унга хайрихоҳ инсон - шайх имом Жамалиддин Ахмад ибн Мухаммад шаънига мадҳия битади.

Достон тугалланиши олдидан давр ҳукмдори Абуҳарис Баҳромшоҳ ибн Масъуд ва унинг кичик ёшли ўғли Давлатшоҳ мадҳияси бошланади. Шоир умиди бўйича, Баҳромшоҳнинг умри узоқ бўлади, чунки у хунхор эмас:

Пашша аз пил кам зияд бисёр,
З-онки кутаҳбақо бувад хунхор.

(Чибин умри филча бўлмайди зинҳор,
Чунки умри қисқа ким бўлса қонхўр).

Саноий шоҳга мурожаат қилиб, унинг ҳар қандай қилмишини оқлашга уринувчи сарой мадҳиягўйларига ишонмасликни сўрайди. Ҳукмдор нафақат ўз амаллари учун, балки у ишониб қудрат бериб қўйган амалдорларининг ҳатти-ҳаракати учун ҳам жавоб беради:

Гар саги золими, бади, шуми
Барасонад бади ба мазлуми,
Тў шави рўзи ҳашр аз он маъхуз,
В-он замон ҳасратат надорад суд.

(Агар бир золим ит, ёвуз ва шум,
Бир мазлумга жабр қилса, билким,
Сен жавоб берурсан маҳшар кунида,
Ул кунда афсусинг бермайди унум.)

Достон давомида Султон Маҳмуднинг адолати мадҳ этилар экан, ўғли Масъуд давридан бир ибратли воқеа ҳикоя қилинади. Масъуд машҳур вазир Абулҳусайн Маймандийни хазинага зиён келтирганликда айблаб, унга катта жарима солади. Бу билан ҳам қаноатланмай ғийбатчиларнинг қутқуси билан уни катл эттиради. Вазирнинг кекса онаси боқувсиз қолган эди. Ғийбатчилардан бири султонга шипшийдики, “*бу кампир сенга бир бало-қазо тилаб Аллоҳга ёлбормоқда, бунга бир чора кўрмасанг бўлмас*”. Султон бу сўзга бовар қилиб яширинча бечора кампирга учрайди ва қилган ишига тавба қилиб, уни қарғамасликни илтимос қилади. Кампирнинг жавоби жуда таъсирли.

“*Эй, жаҳонподшоҳ, сен мендан кечирим сўрама. Мен сени нега қарғайин. Ахир отанг – улуғ амир ўғлимга бутун бу дунё неъматини ҳадя қилган бўлса, сен уни шаҳид этиб, охират неъматини ҳам ҳадя этдинг. Сизлар – ота-бола – фарзандимни икки олам саодатига эриштирган бўлсаларинг, мен нега*

қайғурайин. Сен хотиржам бўл, мен сени аллақачон кечирганман”, дейди мазлума кампир[1].

Яна бир ҳикоятда султон Маҳмуднинг овга отланган пайтида бир шикоятчи кампирга дуч келиши баён этилади. Нозирлар кампирни ҳайдамоқчи бўлишганда султон уларни тўхтатиб, шикоят сабабини сўрайди. Маълум бўлишича, кекса аёл бир деҳқоннинг боғида меҳнат қилиб, ҳаққига бир тўрва узум олади. Уни ёш болаларига олиб кетаётса, шоҳнинг хос пойлоқчилари йўлини тўсиб, меҳнат ҳаққини тортиб олишади ва камига ўзини қалтаклашади. Кампир “*менга ҳеч нарса керак эмас, адолат бўлса бўлди”,* дейди. Султон бу воқеадан ниҳоятда изтиробга тушади: “*Наҳот шундай кунга қолган бўлсакки, бир бечора аёл узумзордан меҳнати ҳаққига олган бир тўрва узумини уйига етказиб бора олмаса?”*

Саноийнинг баъзи ташбиҳлари ўта жасоратли:

Гўрисна мардумону кисро сер,
Саг бувад инчунин амир,на шер.

(Халқ оч бўлсаю, ҳукмдор - тўқ,
Ит эрур бундай шоҳ, эмас шер.)

Шоир шу каби мисоллар келтириб, ҳукмдорларни адолатга чорлар экан, сўзи охирида аччиқ хулоса қилади:

Давлат акнун зи адлу амн жудост,
Ҳар ки золимтараст, мулк варост.

(Бугун давлат адлу амниятдан жудо,
Кимки золимроқ эса шу подшоҳ.)

Бу гап замона ҳукмдорининг мадҳи орасида келиши ҳисобга олинса, шоирнинг хулосаси унга ҳам тегишли бўлиб чиқади. Шоир шундан сўнг Баҳромшоҳни, ўғлини, бирқатор сарой аёнларини юқори пардаларда мадҳ этиб, айбини ювгандек бўлади. Асар давомида жамиятдаги турли тоифаларга мурожаат бошланади. Биринчи бўлиб сарой шоирлари танқид остига олинади:

То кай ин лофу ситезайи тў,
Ки ма тў ма ҳадиси резайи тў!

(Қачонгача бу лофу газофларинг,
Қуриб кет ўзингу майда гапларинг!)

Алоҳида бир фасл риёкор сўфийлар хусусида:

Хона вайрон кунад ба лайлу наҳор,
Ё ба шукрона,ё ба истиғфор.

[1] Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. –М.: Наука, ГРВЛ, 1960. –С. 430. (Таржима қисқартириб берилди.)

Нимашаб ҳар шаби ба хонайи хеш
Ояду сад эбоҳати дар пеш...
Андар афканда дар ду хона хуруш,
Як рамаҳ далқпўшу зарқфуруш.
Корешон ҳамчу нақши чини ранг,
Дилишон ҳамчу кофи куфи танг...

(Хонани бошига кўтариб туну тонг
Гоҳ шукрона айтар, гоҳи истиғфор.
Ярим тунда ҳар кеч ўз хонасида
Минг хил харом ишни қилади “ҳалол”...
Икки уйга солар жўшу хуруш
Бир пода жандапўшу риёфуруш.
Ишлари чинни гулидек ялтироқ,
Диллари қуфий кофидек тангу тор...)

Саноийнинг уларга муносабати ўта салбий. Суфийлар ўзларини авлиё қилиб кўрсатувчи фосиқлар, уларни асло эшикдан киритмаслик керак, чунки улар ҳам ебтўймаслиги билан уй эгасини хонавайрон қилади, ҳам аҳли аёли ахлоқини бузади, деб таъкидлайди шоир. Достонда фақиҳ ва қозиларга ҳам салбий таъриф берилади. Иложи борича уларга ишинг тушмагани маъқул, дейди шоир. Саноий мунажжимлар башоратига ҳам мутлақо ишонмайди. Яна гап суфийлару шоирларга кўчади:

Даст аз суфиёни даҳр бишуй,
Тў на кўри, ҳикоят аз худ гўй.

(Замона суфийларидан қўл юв,
Кўр эмассан, кўриб турганингни гапир.)

Замона шоирлари ҳам улардан қолишмайди:

Дар ба дар рўзу шаб давону навон
Номи неку бидода аз пайи нон.

(Эртаю кеч у даргоҳдан бу даргоҳга чопиб,
Обрўйини бурда нонга сотиб...)

Саноий оила қуриш ва бола-чақа орттиришдан ҳам эҳтиёт бўлишга чақиради. Шу мулоҳазаларидан шоирнинг оила ва болалари бўлмаганлигини тахмин қилиш мумкин. Ватанида шоирнинг бу достони кўпларга маъқул келмаган кўринади. Руҳонийлар ундан “*бидъат*” қидиришган шекилли, шоир Бағдод имоми Бурҳониддин Абулҳасан Али ибн Носир Ғазнавийга шеърий мактуб йўллаб ундан паноҳ тилайди. “*Мен бу асаримда барча илмлардан ўзим билганларимни одамларга етказмоққа уриндим”*, дейди шоир. Достон охирида шоир фахр билан айтади:

Як сухан з-ину олами дониш,
Ҳамчу Қуръони порси донаш.

(Унинг ҳар сўзида бир олам билим,
Мисли форсийдаги Қуръон деб билгил.)

Саноий ўз даврида ҳам, кейинги даврлардаги форс адабиёти тарихига оид аксарият тадқиқотларда тасаввуф шоири сифатида тилга олинади. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, Навоий ҳам "*Насойим"*да уни "*сўфийлик тариқи шоирларининг улуғларидан эди*" деб таърифлайди. Аммо "Маҳбуб ул-қулуб"нинг шоирлар ҳақидаги махсус бобида "***ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилганлар"*** қаторида ***Саъдий, Хусрав Деҳлавий ва Хожа Ҳофизлар билан бирга "****тасаввуф ва диққат мушкулотининг гириҳкушойи* ***шайх Заҳириддин Саноий"***ни ҳам санаб ўтади. Аввало шоирнинг ***Заҳириддин*** лақаби бизга маълум бўлган бошқа ҳеч бир манбада учрамайди[1]. Навоийнинг ушбу асаридан шоир ҳаётлик пайтида кўчирилган қўлёзмалар бизгача етиб келмагани (ёки ҳануз топилмагани) учун бу масалада тайинли хулосага келиш қийин. Бизнинг назаримизда, "*Насойим*"даги матн аслиятда Жомийга тегишли бўлиб, Навоий уни фақат таржима қилган. "*Маҳбуб ул-қулуб*"даги мулоҳаза эса туркигўй шоирнинг ўзига тегишлидир. Навоий нега охирги асарида **Саноий** ижодини баҳолашда уни "*ҳақиқат тариқи*" суханварлари қаторида эмас, **"ҳақиқат асрориға мажоз тариқини махлут" қилганлар** сафида тилга олган? Фикримизча, Навоий ўзининг охирги асарини қоғозга туширишдан аввал бу масалалар устида жиддий таҳлил ўтказган. Нафақат **Саноий**, балки **Анварий, Хоқоний, шайх Авҳадиддин Кирмоний**[2]ларни ҳам "***мажоз тариқи***"га мансублиги ҳақида хулоса чиқарган.

Дарҳақиқат, асарлари ўз вақтида буюк халафлари (издошлари) томонидан сўфиёна руҳда талқин этилган бўлишига қарамай, Саноий ҳам, Анварий ва Хоқонийлар ҳам ҳануз том маънодаги суфий шоирлар эмас эдилар. Саноийнинг "*Ҳадойиқ ул-ҳақиқа*" асарини Европа шарқшунослари узоқ вақт "*тасаввуф қомуси*" деб талқин этган бўлсалар-да, бу асарни диққат билан ўрганган Е.Э. Бертельс бундай қарашни қувватламайди. Дарвоқе, Е.Э. Бертельс ўзи ҳам 1227 йилда ёзилган "*Эронда тасаввуфий дидактик достонлар ривожининг асосий йўналишлари*" асарида Саноий-

---

[1] Аниқроғи, форс тилида ижод қилган таниқли шоирлардан фақат Заҳир Форёбийнинг лақаби шундай бўлганлиги маълум.

[2] "*Маҳбуб ул-қулуб*"га берилган изоҳларда Навоий матнидаги **шайх Авҳадиддин** исми таниқли шоир Авҳадиддин Али ибн Муҳаммад Анварийга нисбат берилган. Бу хато, чунки аввало Анварий **тасаввуф шайхи** эмас, қолаверса, Анварий тахаллусли шоир кейинги гуруҳ рўйхатида Камол Исфаҳоний, Хожуйи Кирмоний, Хоқоний Шервоний, Заҳир Фарёбий, Абдулвосиъ Жабалий, Асириддин Ахсикатийлар қатори санаб ўтилган. Навоий тилга олган **шайх Авҳадиддин** эса Фахриддин Ироқий ва Авҳадий Мароғийларнинг пири ва устози, рубоийнавис шоир Ҳомид ибн Абуфахр **Авҳадиддин Кирмоний** (ваф. 1236, Бағдод) бўлиши керак.

нинг «*Ҳадойиқ ул-ҳақиқа*» асарини бундай достонларнинг илк намунаси деб талқин этган эди[1]. Кейинча бу фикридан қайтиб, "*Саноийнинг на девонини, на асосий достонини ўқимаган одамгина уни тасаввуф шоири деб ҳисоблаши мумкин*" деб ёзади[2] ва ўзи ҳам илгари бир неча ўринда уни "*тасаввуф назариётчиси*" деб атаганлигини эътироф қилиб, бунинг сабабини шоир ижоди билан яхши таниш бўлмаганлигида деб тушунтиради[3]. Шоирнинг 10 бобдан иборат йирик достони мундарижаси билан қисқача танишув ҳар икки алломанинг хулосалари тўғри эканлигини кўрсатади[4]. Навоий асосли равишда таъкидлаганидек, Саноий достонида тасаввуфга оид мавзулар бошқа фалсафий-ижтимоий масалалар билан аралаш (**махлут)** ҳолда баён этилган.

"*Ҳадойиқ ул-ҳақиқа*" асарини диққат билан ўрганган Е.Э.Бертельснинг гувоҳлик беришига кўра, унда на "*тариқат*" ибораси учрайди, на "*Ҳақ васли"* ҳақида сўз боради. Саноий Ғаззолий изидан бориб, Абу Али ибн Синони танқид қилади ва ишқни ақлдан устун қўяди. Аммо шоирнинг бирор-бир тариқатга кирганлиги маълум эмас. "*Насоим*"да келтирилган "*Хожа Юсуф Ҳамадоний қ.с. муридларидиндур"* дейилган иборани ҳам Е.Э. Бертельс ишончли деб ҳисобламайди, чунки шоир асарларида бирор ўринда бу ном учрамайди, ваҳоланки, давр одобига кўра мурид ўз асарида пирини ёдламаслиги мумкин эмас.

Шоирнинг фахриялари лоф эмас эди, дарҳақиқат, Саноий минтақа шеъриятининг муайян босқичи учун (аниқроғи, шеъриятдаги сарой маърифатчилиги босқичи учун) ўз ижоди билан якун ясаб берди ва Ғаззолий сингари ишқнинг ақлдан устунлиги ҳақида хулоса чиқарди.

Бу улуғ мутафаккир шоирнинг минтақа шеъриятида мавқеи шу қадар баландки, хамсанавислик анъанаси бошида турган Низомий Ганжавий достончилиги ҳам, "*ҳақиқат тариқининг суханварлари*" Фаридиддин Аттор ижоди ҳам, Жалолиддин Румий "*Маснавий"*си ҳам унинг "*Ҳадиқа*"сидан сарчашма олади.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Мусулмон минтақа адабиёти VIII - XV асрлар мобайнида дунёни идрок этиш ва уни ижодий акслантириш нуқтаи назаридан қандай тараққиёт йўлини босиб ўтди? Ҳар бир босқични алоҳида санаб ўтинг ва таъриф беринг.

---

[1] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. –М., 1965, –С. 73.

[2] Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. –М.: Наука, ГРВЛ, 1960. –С. 402.

[3] Шу китоб. –С. 437.

[4] Саноий ижоди хусусидаги бундай баҳслар ҳам, назаримизда, "*ирфоний адабиёт*" ва "*тасаввуфий адабиёт"* тушунчаларини ўзаро фарқ қилмаслик натижаси бўлса керак. Дарҳақиқат, Саноий ва Низомий асарлари ирфоний адабиёт доирасига киради, аммо уларнинг муайян сулукка мансублиги маълум эмас, масалага ёндошувлари ҳам Аттор ва Румий ёндошувларидан фарқ қилади.

2. Дунёвий адабиёт ва ирфоний адабиётнинг ўзаро фарқи нимада кўринади?

3. Низомий Ганжавий ва Фаридиддин Аттор бадиий мерослари мисолида шаклланган икки алоҳида йўналишнинг моҳияти ва ўзаро фарқини айтиб бераоласизми?

4. Ирфон ва ирфоний адабиётнинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

5. Тасаввуф шеъриятининг моҳияти ва ирфоний шеърият деганда нимани тушунасиз? Уларнинг фарқи борми?

6. Алишер Навоий "*Насоим*"да Саноийга қандай таъриф берган?

7. Саноий девонидан жой олган шеърларнинг асосий мавзулари қандай?

8. Саноийнинг "*Сайр ал-'ибад ила-л-ма'ад*" асари ва Данте Алигьерининг "Илоҳий комедия"си сюжетидаги ўхшаш жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

9. Саноийни бутун ислом минтақасига танитган асар қайси? Нима учун?

10. Саноийнинг энг машҳур "Хадойиқ ул-ҳақиқа" асарининг боблари қандай мавзуларга бағишланган?

11, Саноийнинг "Тасбиҳ ат-туюр" қасидаси нима мавзуда?

ЎН ИККИНЧИ ДАРС

Дарснинг мақсади: *Анварий Абивардий ва Хоқоний Ширвоний, уларнинг ижодий мероси, дунёвий мазмундаги адабиётдан воз кечиб, янги йўналишга – кенг маънодаги ирфоний адабиётга асос солиниши, Жомий ва Навоийнинг бу шоирларга муносабати ҳақида маълумот бериш. Низомий Ганжавийнинг "Хамса"си, унинг достонлари ички қурилиш ва мазмун йўналиши ҳақида талабаларда тасаввур ҳосил қилиш.*

Таянч сўз ва иборалар: *Анварий, Хоқоний, "Хуросоннинг кўз ёшлари" қасидаси, "Мантиқ ут-тайр" қасидаси, "Айвони Мадоин", фалсафий-ирфоний ғоялар, ҳабсия, қасида, ирфоний адабиёт, Жомий, Навоий, Низомий Ганжавий, "Махзан ул-асрор", "кўнгил қиссаси", инсон табиатининг тарбиячиси, "Хусрав ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Ҳафт пайкар", "Шарафнома", "Иқболнома".*

31. Анварий ва Хоқоний

Саноийдан кейин, юқорида кўриб ўтганимиздек, замонасининг бошқа етакчи шоирлари ҳам аста-секин саройни ва мадҳиягўйликни тарк эта бошладилар. Навоий кўзда тутган "*мажоз тариқи*"нинг биринчи босқичи асосан ушбу янги йўналишга ўта бошлаган шоирлар ижодидан, яъни XII аср иккинчи ярмидан бошланади.

Е.Э. Бертельс ёзади: "*Яхши маълумки, XII асрдан бошлаб суфийлик ҳаракати қизғин ривожланиб кетди: шаҳарларда дарвишлар беҳад кўпайди, уларнинг қарашлари адабиётга ҳам таъсир қилиб, аста-секин унинг мағз-мағзига сингиб борди. Айни шу пайтлардан шоирлар орасида мадҳия қасидаларга вақт сарф қилишнинг маъносизлиги ва беҳудалигига ишонч ортиб, адабий ҳаётда жиддий ўзгаришлар юз кўрсата бошлади*"[1].

XII асрнинг биринчи ярмида Ғаззолий билан деярли бир пайтда саройни тарк этиб, фалсафий-ирфоний ғояларни шеъриятга олиб кирган ягона шоир Саноий бўлса, асрнинг иккинчи ярмига келиб кўпчилик истеъдодли шоирлар онгли равишда бу йўналишга ўта бошладилар. Уларнинг энг машҳурларидан бири салжуқийлар сарой шоири **Анварий,** иккинчиси Озарбайжон форсийзабон шеърият мактаби вакили **Хоқоний** эди. Авҳадиддин Али ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ **Анварий Абивардий** XII аср бошларида (1105 йилда) Эроннинг Ховарон вилоятида дунёга келиб, аввал Ховарий тахаллуси билан шеърлар ёзди. 1125 йили 20 ёшида Султон Санжар мадҳидаги қасидаси ҳукмдорга маъқул келиб, ёш шоир саройга кириб келди ва Амир Муиззий вафотидан сўнг саройнинг етакчи қасиданависига айланди. 1153 йилдаги ўғузлар босқинида Султон Санжар асирга тушиб, давлат пароканда бўлди. Шу муносабат билан султоннинг асранди ўғли Самарқанд ҳокими Рукниддин Қилич Тамғочхондан Хуросон аҳлига кўмак сўраб ёзилган "*Хуросоннинг кўз ёшлари*" номи билан шуҳрат топган қасидаси шундай бошланади:

Бар Самарқанд агар бугзари, эй боди саҳар,
Номайи аҳли Хуросон ба бари хоқон бар.
Номае – матлаи он ранжи тану офати жон,
Номае – мақтаи он дарди дилу хуни жигар.
Номае – бар рақамаш оҳи азизон пайдо,
Номае – дар шиканаш хуни шаҳидон музмар.
Нақши таҳрираш аз синайи мазлумон хушк,
Сатри унвонаш аз дийдайи маҳрумон тар...

(Самарқандга йўлинг тушса агар, эй тонг шаббодаси,
Хуросон аҳли мактубини етказ хоқон ҳузурига.
Бир мактубки - бошланиши тан азоби, жон офати,
Бир мактубки – интиҳоси дил дардию жигар қони.

[1] Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. –М.: Наука, ГРВЛ, 1960. –С. 401.

Бир мактубки – ёзувлари азизлар оҳидан нишон,
Бир мактубки - нуқталари шаҳидлар сачраган қони.
Нақшлари мазлумларнинг бағри каби куйиб кетган,
Унвонлари маҳрумларнинг кўз ёшидан ювилиб кетган...)

Шеър бошидан охиригача шу оҳангда халқ дардининг изҳоридан иборат. Уни ўқир экансиз, вайрон бўлган шаҳру қишлоқ, масжиду мадрасалар, ситамдида халқу ғоратгар босқинчилар, бағриқон оналару қонига беланган мурғак болалар кўз олдингизда ёрқин намоён бўлади. Шоҳ саройида "*амир уш-шуаро*" унвонига эришиб, гўзал санамлар васфини қилиб юрган шоир бирдан халқ ҳаётининг аччиқ лаҳзаларини кўзи билан кўргач, ўз касбига муносабати ҳам ўзгара бошлайди. Бунинг устига улуғ ҳомийси вафотидан кейин шоирнинг шахсий ҳаётида ҳам кетма-кет кўнгилсиз воқеалар юз бера бошлайди[1]. Натижада шоирнинг ўз касбига муносабати тубдан ўзгаради. Юқорида шоирнинг бу ҳақдаги икки сатр аччиқ иқрори берилган эди. Бундай сатрлар унинг девонида кўп учрайди. Ҳатто бу мавзуда алоҳида қасидаси ҳам бор. Қасида шундай бошланади:

Эй биродар бишнави рамзе зи шеъру шоири,
То зи мо мушти гадо касро ба мардум нашмари
Дон, ки аз канноси нокас дар мамолик чора нест,
Ҳошалиллоҳ, то надони ин суханро сар-сари.
З-он ки гар ҳожат фитад то фазлаеро кам куни,
Ноқиле бояд тў натвони, ки худ берун бари...
Боз агар шоир набошад, ҳеч нуқсон уфтад,
Дар низоми олам аз рўйи хирад, гар бингари.
Одамиро чун маунат шарти кори бандагист,
Нон зи канноси хурад, беҳ з-он бувад, к-аз шоири...

(Эй, биродар, шеъру шоирликка бир рамз айтайин,
То ки инсон деб адашма, биз - тиланчи зотини.
Билки, бир фаррошу ахлаткаш зарур ҳар мулк учун,
Тангри ҳаққи бу сўзимни шунчаки гапдир, дема.
Ҳовлида ахлат кўпайса, бартараф этмоқ учун
Сенга бир ёрдамчи лозим, битмас иш у бўлмаса...
Лек агар шоир топилмай қолса, не нуқсон бўлур
Олам ичра, гар фикр қилсанг ақлни ишлатиб.
Шундай эркан, бандалик-чун танласанг бир касб агар,
Бўлсанг ахлаткаш дуруст, шоирлик этмоқдан кўра...)

Анварийнинг кексалик даври ижоди жуда қайғули сатрлардан иборат. Унинг баъзи шеърларида замонасининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти жуда кескин танқид остига олинади:

[1] Самадов Т. Анварий ва ғазалиёти у. –Душанбе, "Дониш", 1988. –С. 16-22.

Он шунидасти, ки рӯзе зираке бо аблаҳе
Гуфт, к-ин волии шаҳри мо гадое бериёст.
Гуфт: “Чун бошад гадоон, к-аз кулоҳаш тугмае,
Сад чу моро рӯзҳо, бал солҳо баргу навост?!”
Гуфтам: “Эй нодон, ғалат инак аз ин жо кардайи,
Он ҳама баргу наво дони, ки он жо аз кужост?
Дурру марвориди тожаш ашки атфоли ман аст,
Лаълу ёқути ситомаш хуни айтоми шумост!
Он ки то оби сабу пайваста аз мо хостаст,
Гар бижуйи, то ба мағзи устухонаш они мост!”

(Эшит, бир кун бир донишманд бир нодонга дер эди:
“Билсанг агар шаҳримизнинг ҳокими ғирт гадойдир”.
Нодон айтур: “Ундай дема, ахир унинг либосида бир тугма
Баҳосидир сену менинг неча кунлик рўзғоримиз маоши.”
Мен дедим: “Сен билмайин шунда хато кетмоқдасан,
Ул ҳама бойлик-ҳашам қайдан келур билмасмисен?
Тожида дур-марворидлар гўдагим кўз ёшидан,
Отининг анжомида лаъл – етимлар қонидан.
Кўзада сувигача бизнинг ҳисобдан-ку ахир,
Эътибор қилсанг, бутун мавжудлиги биздан эрур...”

Анварийнинг ижодий мероси баракали бўлиб, Саид Нафисий нашрга тайёрлаган девонида 250 қасида, 335 ғазал, 557 қитъа, 1 маснавий, 432 рубоий – жами 14720 байт шеърий асарлар жой олган[1]. Тожик олими Т.Самадов бунга бошқа қўлёзмалардан ўзи топган яна 1 қасида ва 7 ғазални қўшиб, байтлар сонини 14805га етказган[2].

XV аср Ҳирот адабий мактабида Анварийнинг обрўйи жуда юқори бўлган. Бу ҳақда тасаввур ҳосил қилиш учун яна Навоийга мурожаат қиламиз. “*Хамсат ул-мутаҳаййирин*”да Жомий билан суҳбатлардан бири шундай хотирланади:

“Бир кун фақир алар хизматида эрдим ва яна киши йўқ эрди. Анварий қасойиди бобида сўз ўтадур эрди. Алар бу навъ таъриф қиладур эрдиким: «Биз анинг ашъорин, батахсис қасойидин оз кўруб эрдик, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илигимизга тушубтур, гоҳи анга машғул бўладурбиз, баъзи ерда айтса бўлғайким, башар каломидин ўтуб, эъжоз ҳаддиға етмиш бўлғай, ғариб таркиблар ва ажиб адолар назарға келадур».

Чун фақир асҳоб орасида муттаҳам мунга борменким, Анварийға муътақиддурур ва анинг шеърин кўп ўқур. Филвоқеъ мундоқдур. Бағоят хушвақт бўлуб айттим: «Илтимосим борким, ул қасидасинким будур:

[1] Т.Самадов. Анварий ва ғазалиёти у. –Душанбе: “Дониш”, 1988. –С. 34.
[2] Шу китоб. –С. 39.

Гар дилу даст баҳру кон бошад,
Дилу дасти худоегон бошад[1]

(Агар кўнгил билан қўллар денгиз ва кон бўлса,
Албатта, улар ҳукмдорнинг кўнгли ва қўллари бўлур.)

бир қатла ўқуб мулоҳаза қилилса». Алар мутабассим бўлуб айттиларким: «Ажаб сўз айттинг,биз бу уч-тўрт кунда бу қасидасин ўқуб, хушҳол бўлуб, ғоят хуш келгандин жавоб ҳам айтибмиз, –деб мусаввадани бир худранг варақда чиқариб, фақирнинг илгиға бердиларким: «Ўқуб кўр». Матлаи бу эрдиким:

Ҳар киро дар даҳон забон бошад,
Дар санои шаҳи жаҳон бошад.

(Кимнинг агар оғзида тили мавжуд бўлса,
Бу тил жаҳон ҳукмдорининг мадҳи билан банддир.)

Биз фақирлар не истиҳқоқ била таъриф қила олғайбиз. Мунча густоҳлиқ қилилдиким, ул қасидани сиҳр хаёл қилур эрдук, бу шеър ани паст қилғондек кўрунадур, ҳамоноки мўъжиза деса бўлғай”[2]**.**

Дарҳақиқат, Жомий ўзининг “*Баҳористон*” асарида Анварий ҳақида муболағали таърифлар қилиб, унинг сарой шоирлари танқидида ёзган бир қитъасини намуна сифатида келтиради[3]. Бундан ташқари Саъдий хусусидаги таърифи сўнггида қуйидаги тўртликни келтирадики, Анварийнинг форс мумтоз адабиётидаги ўрнига берилган жуда юқори баҳо дейиш мумкин:

Дар шеър се кас паямбаронанд,
Ҳар чанд ки ло набию баъди.
Авсофу қасидаву ғазалро
Фирдавсию Анварию Саъдий[4]**.**

Шу ўринда бир масалани қайд этиб ўтиш лозим кўринади. Марина Львовна Рейснернинг *“X-XIII аср бошлари форс лироэпик шеърияти. Мумтоз қасиданинг келиб чиқиши ва ривожи*” монографик тадқиқотида[5] негадир Анварий ижодига етарли эътибор қаратилмаган. Шоирдан фақат биргина қасидани олиб 2-боб 1-фаслда таҳлил қилган олима аввало ушбу боб сарлавҳасида *(“Генезис персидской касыды в X–XI вв.”*) чегараланган тарихий

[1] Шоирнинг қандай қилиб Муиззий тузоғидан омон ўтиб, буюк салжуқий Султон Санжар саройига кириб келгани ҳақида юқорида ҳикоя қилинган эди. Анварийнинг ўшанда ўқиган ҳукмдор мадҳидаги илк қасидаси ривоятга кўра шу сатрлар билан бошланган экан.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-том. –Т.: «Фан», 1999. –С. 27.
[3] Абдарраҳман Джами. Баҳаристан (Весенний сад). Крит.текст и предисловие А.Афсаҳзада. – М., ГРВЛ, 1987. –С.132-134.
[4] Шу китоб. –С. 145. (Шеър таржимаси Саъдий ижодига оид фаслда келтирилган.)
[5] М.Л.Рейснер. Персидская лироэпическая поэзия X— начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды. –М.: Наталис, 2006. –С.424.

даврдан бутунлай чиқиб кетган (Анварий XII асрда яшаган)[1]. Қолаверса, Анварий яшаган даврга бағишланган 3-бобда (“*Завершение формирования канона в персидской касыде XI – начала XIII века”)* XI аср шоири Носир Хусравнинг 3 та қасидасини таҳлил қилган ҳолда Анварий ижодига умуман мурожаат қилмаган. Шундай қилиб, қасиданависликда нега Унсурий, Фаррухий, Носир Хусрав, Масъуд Саъд, Саноий ёки Хоқоний эмас, балки айни Анварий “*пайғамбар*” деб тан олингани хусусидаги савол мутлақо жавобсиз қолган. Тадқиқот мавзуси айни шу саволга жавоб беришни тақозо қилмасмиди?[2]

Юқорида келтирилган парчада Навоийнинг Анварий ижодига алоҳида эътибори ҳақидаги эътирофлари бежиз эмас. “Девони Фоний”даги қатор форсий қасидаларнинг Анварий ва Хоқонийга татаббуъ эканлиги алоҳида қайд этилган. Жумладан

– Жаҳонки марҳалайи танги шоҳроҳи фаност
Дар у мажӯй иқомат, ки роҳи шоҳу гадост –

сатрлари билан бошланадиган “*Қут ул-қулуб*” (Қалблар озиғи) қасидаси Анварийнинг

Агар муҳаввали ҳоли жаҳониён на қазост
Чаро мажорийи аҳвол бар хилофи ризост

матлаъли қасидасига татаббуъ сифатида ёзилган[3] ва девонда аниқ *“татаббуъи Ҳаким Анварий*” деб қайд этилган.

Зиҳи аз шамъи руят чашми мардум гашта нуроний,
Жаҳонро мардуми чашм омади аз айни инсоний –

матлаи билан бошланадиган “*Миҳож ун-нажот*” (Нажот йўли) қасидасига эса – “*татаббуъи Анварий, Хоқоний*” деб изоҳ берилган[4].

“*Садди Искандарий*” достони охиридаги мажозий тасвирда ҳам шоирнинг улуғ устозлари сафида Низомий, Амир Хусрав, Жомий, Саъдий, Фирдавсий, Саноий, Хоқоний, Унсурийлар даврасида Анварий номи ҳам фахр билан тилга олинади[5].

Анварий билан кўп ўринда номи бирга тилга олинадиган иккинчи истеъдодли қасиданавис шоир **Хоқоний**дир. Афзалиддин Бадил ибн Али **Хоқоний** Озарбайжоннинг Шервон ўлкасида 1121 йилда дунёга келди.

---

[1] Тўғри, тадқиқотчи боб охирида изоҳ берган. Аммо илмий тадқиқотда сарлавҳа боб матнига мувофиқ бўлиши керак эмасми?

[2] Бу муаммони ҳал қилиш умуман Анварий ижодини қасиданавислик тараққиёти жараёни фонида алоҳида жиддий қиёсий ўрганишни талаб қилганлиги учун биз ҳам фақат унга эътиборни жалб қилиш билан чегараландик.

[3] Девони Анварий. Қасоид. Қасидайи шумора 18 – Дар мадҳи Носир ул-милла ва-д-дин Абулфатҳ Тоҳир (Интернет материали).

[4] Шу қофия билан Анварий девонида 3 қасида (№ 198, 199, 200) учрайди, аммо уларнинг ҳечқайсиси вазнига кўра Навоий қасидасига мос эмас.

[5] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 11-том. –Т.: «Фан», 1993. –С. 573-574.

Бўлғуси шоир ҳунармандлар оиласидан бўлиб, отаси дурадгор, бобоси эса тўқувчи косиб бўлган. Онаси насронийлар авлодидан бўлиб, кейинчалик исломни қабул қилган экан. Отаси уни ҳам косиб бўлишини орзу қилар экан, аммо амакиси таниқли табиб ва олим Кофиуддин Умар ибн Усмон жиянининг улуғ истеъдод эгаси эканлигини сезгач, ўзи билан олиб кетиб, таълим-тарбияси билан жиддий шуғуллана бошлади. Амакиси унга ўзи билган барча илмларни эринмай ўргатди. 1145 йилда Кофиуддин Умар вафот этгач, Хоқоний тақдири озарбайжонлик бошқа улуғ шоир Абулаъло Ганжавий билан боғланди. Абулаъло ўша даврда Шервон ҳукмдори Манучеҳр ибн Фаридун (1120-1150) саройида "*саййид ан-нудамо"* (шоҳ надимларининг сардори) лавозимида бўлиб, ёш истеъдод эгасини ўзига куёв қилди ва уни сарой доирасига киришига кўмаклашди. Ҳукмдорнинг лақабларидан бири Улуғ Хоқон (Хоқони Кабир) эди. Шунга мувофиқ шоир ёшлигидаги тахаллуси Ҳақойиқийдан воз кечиб Хоқоний тахаллусини танлади. Аммо кейинчалик бориб, бизга номаълум сабабларга кўра устоз-шогирд (қайнота-куёв) орасидаги муносабатлар ёмонлашди. 551 ҳижрий (1156 милодий) йилида Хоқоний биринчи марта ҳаж сафарига отланди. Зиёратдан қайтгач, ўзининг ягона ва машҳур достони "*Туҳфат ул-Ироқайн*" (Икки Ироқ туҳфаси) асарини якунлади. Достон 3000 байтдан иборат бўлиб, 6 мақола ва хотимадан ташкил топган. Унинг ҳар бир боби қуёш васфи ва унга хитоб билан бошланади. Достон ҳаж сафари таассуротлари мавзусида бўлиб, унда сафар давомида босиб ўтган шаҳарлари - Мосул, Бағдод, Мадина, Макка ҳамда улар аҳолисининг машғулотлари, бу шаҳарлардаги шоир мулоқотда бўлган номдор шахслар билан суҳбатлар ҳақида ҳикоя қилинади. Сафар давомида турли юртларни кўрган шоирга ўз ватани Ширвон зиндондек бўлиб туюлади ва бу кайфият достонда ўз аксини топган:

Зиндони ман аст маскани ман,
Ҳар мўй муваккали тани ман.
Наздам зи равандигони олам
Дар нагузоранд бодро ҳам.
Вой, ар қадаме занам ба роҳе,
Оҳ, ар зи жигар бар орам оҳе!
Бадгўй занад гириҳ бар он "оҳ",
Бар баста барад ба ҳазрати шоҳ...

(Менинг зиндонимдир менинг масканим,
Ундаги ҳар бир тук – пойлоқчим маним.
Оламда недирки ўткинчи бордир,
Ҳатто шамол бўлсин, мен унга зордир.

Фарёдким, бир тараф бир қадам қўйсам,
Оҳ, куйган жигардан агар оҳ урсам,
Ғаразгўй ул “оҳ”ни ўраб-чирмагай
Ва шоҳ ҳузурига элтмай қўймагай...)

Бу сатрлар мазмунидан шоирнинг кайфияти нега бу қадар тушкун эканлиги сабабини ҳис қилиш мумкин. Дарҳақиқат, кўп ўтмай шоирнинг хавфланишлари рост бўлиб чиқди. Унинг зорланишлари шоҳ қулоғига етиб борди ва шоир зиндонбанд этилди. Шу баҳонада Хоқонийнинг машҳур *ҳабсия*лари (зиндонбандлик шеърлари) яратилди. Улардан бирини М.Л.Рейснер ўз тадқиқоти иловасида тўлиқ келтиради ва батафсил таҳлил қилади. Мана ушбу қасиданинг бошланиши:

Субҳидам чун килла бандад оҳи дудосойи ман,
Чун шафақ дар хун нишинад чашми шабпаймойи ман.
Мажлиси ғам сохта асту ман чу бийди сухта
То ба ман ровуқ кунад мижгони майполойи ман.

(Эрта тонг чодир қураркан бош уза оҳим дуди,
Қонга ботгай тун бўйи бедор кезган кўзларим.
Қайғу базми бошланур, мен ўтда куйган новдадек
Мунтазир, киприкларим то поклагай гулгун майин...)

Масъуд Саъд Солмон ва Фалакий Шервонийларнинг маҳбусликдаги шеърларини эслатувчи бу қасида нафақат уларга нисбатан ташбиҳларнинг ўта мураккаблашуви билан, балки туйғулар оҳанги ва мазмуний йўналишининг кескин фарқланиши билан ҳам мутлақо янгича кайфиятлар ҳосил қилади. Агар ўтмиш шоирлар ўз ҳолидан шикоят қилиб, яна ҳукмдордан паноҳ тилаган бўлсалар, Хоқоний бу йўлни тамомила рад қилади. Қасиданинг давоми мадҳия эмас, фахрияга айланади:

Нофайи мушкам ки гар бандам куни дар сад ҳисор,
Суйи жон парвоз жўяд тайби жонафзойи ман...
Каъбаворам муқтадойи сабзпўшони фалак,
К-аз витойи Исо ояд шиққайи дибойи ман.
Дар мумаззаж бошаму мамзужи Кавсар хотирам,
Дар муарраж ғалтаму меърожи ризвон жойи ман...
Дояйи ман - ақлу заққа – шаръу маҳд инсоф буд,
Охшижон – уммиҳоту улвиён – обойи ман...
Молик ул-мулки сухан Хоқониям к-аз ганжи нутқ,
Дахли сад хоқон бувад як нуктайи ғарройи ман...

(Мен эрурман мушк, агар юз хил тўсиқдан ҳам ўтиб,
Жон димоғига етурман бўйи жонбахшим билан...

Мисли Каъба пешводирман малаклар хайлига,
Чунки Исо елкасидин парча дебойим маним.
Иплари тилла либосим, оби Кавсарда хаёл,
Тўшагим нақшин, дилим меърожи жаннат боғлари...
Ақл - доям, шаръ - озуқам, бешигим – инсофдурур,
Тўрт унсур - волидам, олий само - аждодларим...
Сўз мулки молики – Хоқоний эрман, боқсангиз,
Юзта хоқон мулкига тенг битта тенгсиз ташбиҳим...)

Шоирдаги бу журъат, бу даража ўз қадрига ишонч қаердан? Агар Анварий сарой шеъриятини қатъият ила рад этган бўлса, ўткинчи ҳавасларни деб ҳар кимларга мадҳиялар битишдан кескин юз ўгирган бўлса, энди унинг ёш замондоши имонга юз буриш билан мустаҳкам руҳий мадад топган эди. Энди бу маънавий озодлик йўлини на зиндон, на жисмоний азоблар, на моддий қийинчиликлар тўса олмас эди. Шоирнинг озод руҳи юксак парвозларга тайёр. Хоқоний шеърдан, шоирликдан юз ўгира ётгани йўқ, балки шеърни, шоирликни фахр деб, улуғ рисолат деб билмоқда. Чунки бу шеър энди бир бурда нон илинжида, кичик бир лавозим умидида ҳомийнинг кўнглини олиш воситаси эмас, балки шоирнинг ақли ва истеъдоди, илми ва имонини, том маънода унинг маънавий қудратини намойиш қилиш қуролидир.

Аз масофи Бу Лаҳаб феълан напечонам энон,
Чун рикоби Мустафо шуд маъману малжойи ман.
Қосими раҳмат Абулқосим Расулиллоҳ ки ҳаст,
Дар валойи у хадиви ақлу жон мавлойи ман.

(Бу Лаҳаб зиддига жангдан юз ўгирмайман бугун,
Мустафо остонаси ҳар дам паноҳимдир менинг.
Тангрининг раҳматлари – Тангри Расули меҳридан,
Бул муҳаббат бирла ақлу жон мададкорим менинг.)

Хоқонийнинг яна бир гўзал асари “*Айвони Мадоин*” номи билан машҳур. Бу асарни шоир девони нашрларида қасида бўлимига киритсаларда, муаллиф ўзи асар охирида уни қитъа деб атайди. 40 байтдан ортиқ ушбу асар шундай бошланади:

Ҳон, эй дили ибратбин, аз дида назар кун, ҳон!
Айвони Мадоинро оинайи ибрат дон.
Як раҳ зи раҳи Дажла манзил ба Мадоин кун,
В-аз дида дуввум Дажла бар хоки Мадоин рон...

(Эй кўнгил, кўзинг очгил, ибрат назарин сол, ҳей!
Айвони Мадоинни ойинайи ибрат бил.
Дажла саридин бир қур йўл бошла Мадоинга,

Ҳам кўз ёшидан Дажла ёғдир бу қаро ерга...)

Шеър муаллифи тарихни яхши билишини намоён этади. Аммо уни энди Эроннинг шонли ўтмиши эмас, Фирдавсий қаҳрамонларининг ибратли тақдири ўзига жалб этади. Унинг тарихга муносабати Фирдавсийдан ҳам, Умар Хайёмдан ҳам фарқ қилади.

Аз асп пиёда шав, бар натъи замин руҳ неҳ,
Зери пайи пилаш бин, шаҳмот шуда Нўъмон...
Маст аст замин, зеро хўрдаст ба жойи май
Дар коси сари Хурмуз хуни дили Нўшервон...
Хуни дили Ширин аст он май ки диҳад разбун,
З-обу гили Парвиз аст ин хум ки ниҳад деҳқон...

(Отдан туш, пиёда бўл, тупроққа босиб юзни,
Боқ, фил қадамин ташлаб “мот” этди-ку Нўъмонни...
Тупроқ бўлиб сармаст, май ичгали қуйдирмиш,
Хурмуз бош чаноғига Нуширвон дили қонин...
Ширин дилининг қонин “май” деб берадур боғбон,
Парвиз лойидан бу хум, қормиш уни бир деҳқон...)

Борлиқ ҳақиқатини маънавият оламидан топган шоир энди миллатнинг ўтмиш хотираларида бугун ва эртанги кун ибратини кўради. Энди унинг учун мамдуҳ ва маддоҳ, ҳомий ва муҳтож йўқ, ҳукмдор ва фуқаро, султон ва дарвеш тенг.

Хоқоний, аз ин даргаҳ дарюзайи ибрат кун,
То аз дари ту з-ин пас дарюза кунад хоқон.
Имрўз гар аз султон ринде талабад тўша,
Фардо зи дари ринде тўша талабад султон...

(Хоқоний, бу даргоҳдин ибрат тилаб олгин сен,
То ким эшигинг қоққай бир кун сени ҳам хоқон.
Бул кунда агар дарвеш муҳтож эса султонга,
Султон бўладур муҳтож дарвешга ахир бир он...)

Шоирнинг М.Л.Рейснер тадқиқотида тўлиқ келтирилган иккинчи қасидаси “*Мантиқ ут-тайр*” (Қушлар тили) номи билан шуҳрат қозонган. Аттор достонидан камида 20-30 йил илгари ёзилган бу қасида Саноийнинг юқорида эслаб ўтилган “*Тасбиҳ ат-туюр*” рамзий-ирфоний қасидаси таъсирида ёзилган бўлиб, унга қараганда янада янги тимсоллар билан бойитилган[1]. Қасида эрта тонг васфи билан бошланади:

Зад нафаси сард ба меҳр субҳи муламмаъ ниқоб,
Хиймайи руҳониён гашт муанбар таноб.

[1] Хоқоний қасидасини Саноийга том маънода татаббуъ-жавоб деб бўлмайди, чунки унда нафақат мазмун, балки вазн ва қофия ҳам ўзгарган.

Шуд гуҳар андар гуҳар сафҳайи тиғи саҳар,
Шуд гирех андар гирех ҳалқайи диръи саҳоб...

(Оҳ урди офтобга рангин ниқобли тонг,
Руҳ аҳли чодирин иплари тарқатар ифор.
Тонг тиғи тўкар бош уза шода-шода гуҳар,
Сиймин булут - ҳалқа-ҳалқа зирҳли ҳубоб...)

Тонг тасвири Каъба таърифи билан алмашади. Қуёш имон қутбига нур соча бошлайди. Шоир нигоҳи хилма-хил қушлар ва янги очилган гуллар ила безанган чаманзорга ўтади. Қушлар мактаб болаларига ўхшатилади:

Мурғон чун тифлакон абжади омухта,
Булбули алҳамдихон гашта халифа китоб...

(Қушчалар абжад ўқир, мисли кичик болалар,
Булбул эрур халфаси, ўргатур "алҳамди"ни...)

Қушлар орасида баҳс бошланади. Какку бодроқ гуллар билан қопланган дарахт навдаларини олқишлайди. Чунки улардан боларилар бол йиғади. Булбул унга эътироз билдириб, атргулни аъло кўради. Қумри сарв дарахтига ҳавас қилса, Чуғурчуқ дашту қирларни қоплаган лолазорларга мафтун бўлади. Бири нилуфарни ортиқ кўрса, бошқаси майсазорга маҳлиё. Қисқаси, қушлар бир қарорга кела олмай, афсонавий Анқо қуши олдига равона бўлишади. Уларнинг қушлар халифаси ва ҳукмдори Анқо ҳузуридаги ҳолатлари Ибн Синонинг "*Қушлар рисоласи*"даги (кейинчалик Аттор асарида тасвирлаган) ҳолатга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Ниҳоят Анқо қушлар баҳсини ҳал қилиб, атргулни барча гуллардан даражаси юқори эканлигини исботлайди:

Ин ҳама наврастагон баччайи ҳуранд пок,
Хўрда гаҳ аз жўйи шир, гоҳ зи жўйи шароб.
Гар че ҳама дилкашанд, аз ҳама гул нағзтар,
К-у арақи Мустафост, в-ин дигарон хоку об...

(Бул ҳама гул-майсалар ҳур-пари фарзандлари,
Жаннат ариғларидин сув ичиб улғайдилар.
Барчаси дилкаш, бироқ авлотари - атргул,
Мустафо теридан - ул, қолгани суву тупроқ...)

Демак, атиргулнинг бошқалардан даражаси юқорилиги унинг Оллоҳ Расули терлаганда тўкилган тер томчисидан бунёд бўлганлиги экан[1]. Шу баҳонада шоир Муҳаммад (сав) мадҳи билан қасидани якунлайди.

Алишер Навоий Анварий ва Хоқонийни тенг кўради. Агар "*Миҳож ун-нажот*" қасидасини бир йўла ҳар икки шоирга *татаббуъ* қилган

[1] Буерда машҳур ҳадисга ишора бор.

бўлса[1], *“Ситтайи зарурия”* туркумининг охирги, олтинчи қасидаси *“Насим ул-хулд”*(Жаннат шабадаси) асарига бевосита *“татаббуъи Хоқоний*” деб изоҳ беради. Аслида бу асар тарихи узунроқ. Хоқонийнинг -

Дили ман пири таълим асту ман тифли забондонаш,
Дами таслим – сар ашру сари зону дабистонаш -

деб бошланувчи қасидасига татаббуъ боғлаш XIII-XIV асрлар оралиғида яшаб ижод этган улуғ ҳинд форсинавис шоири Амир Хусрав Деҳлавийдан улгу олиб, Жомийда давом этади:

Амир Хусрав *(Миръот ус-сафо):*
Дилам тифл асту пири ишқ устози забондонаш,
Саводул-важҳ сабқу, масканат кунжи дабистонаш.

Жомий *(Жило ур-руҳ):*
Муаллим кист, ишқу кунжи хомуши дабистонаш,
Сабақ нодонию доно дилам тифли сабақхонаш.

Навоий *(Насим ул-хулд):*
Муаллим ишқу пири ақл шуд тифли дабистонаш,
Фалак дон, баҳри таъдиби вай инак чари гардонаш.

Шундай қилиб, аслида Навоий қасидаси ҳар уч шоирга татаббуъ-жавобдир[2].

Ушбу фаслга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Агар XI аср иккинчи ярмида Носир Хусрав ва Абдуллоҳ Ансорийлар ҳар бири ўз йўналишида илк бор ирфоний адабиётни шакллантиришга ҳисса қўшишга уринган бўлсалар, XII асрда яшаб ижод этган Саноий, Анварий ва Хоқонийлар энди том маънода саройга боғланган дунёвий мазмундаги адабиётдан онгли равишда ва узил-кесил воз кечиб янги йўналишга – кенг маънодаги ирфоний адабиётга асос солишга муваффақ бўлдилар. Бу йўналишнинг энг ёрқин юлдузи эса шубҳасиз улар изидан адабиёт оламига кириб келган **Низомий Ганжавий** эди.

---

[1] Навоийнинг ушбу қасидаси, Хоқонийнинг қуйидаги матлаъ билан бошланувчи қасидасига татаббуъдир:

Нисори ашки ман ҳар шаб шакарризист пинҳоний
Ки ҳиммatро заношуист аз зону ва пишоний...
(Девони Хоқоний Ширвоний. Техрон, 1375, С.285-288)

[2] Ушбу мавзу марҳум устоз Нажмиддин Комиловнинг “Фақр нури порлаган қалб” рисоласи (Т., “Маънавият”, 2001, с.61-72) ва “Хизр чашмаси” (Т., “Маънавият”, 2005, с.251-262) китобида муфассал таҳлил қилинган.

32. Низомий Ганжавий. “*Хамса*”нинг яратилиши ва моҳияти

Яқин ва Ўрта Шарқда VII-XVI асрларда беқиёс маънавий бойлик яратилди. Мусулмон маданияти деб машҳур бўлган ушбу бебаҳо ҳазина асосан араб, форс ва туркий тилларда дунёга келди, аммо унинг ривожига минтақанинг барча халқлари ҳам ўз улушларини қўшдилар.

Ушбу маданий-маънавий камолотнинг мустақил ва тамомила янгича бадиий идрок йўналишига асос солган забардаст мутафаккир шоир, қардош озарбайжон юртининг фарзанди Низомий тахаллусли Илёс ибн Юсуф эди. У Кавказ орти ўлкасининг қадим шаҳарларидан бўлмиш Ганжада ўзига тўқ ҳунарманд оиласида 1141 йилда таваллуд топди. Бу даврга келиб ҳозирги Озарбайжон ўлкасида форс тилида ижод этувчи алоҳида адабий мактаб шаклланган, унинг Қатрон Табризий, Афзалиддин Ҳоқоний, Мужируддин Бойлақоний каби намояндалари шеърият оламида шуҳрат қозонган эдилар.

Бўлажак шоир форс ва араб тилларини пухта ўзлаштирдн. У яҳудий, паҳлавий ва (христиан Византиясига оид бўлган) юнон тилларини ҳам озми-кўпми ўрганди. Илоҳиёт, фикҳ, ахлоқ илмлари, Шарқ ва Ғарб фалсафаси, илми нужум, тарих ва ўлкашунослик, кимё ва тиббиёт каби махсус илм соҳалари унга бегона бўлмаган. Даврининг қомусий билимдонларидан бўлгани учун ҳам Низомий номига доим ***“ҳаким”***, яъни донишманд сифати қўшиб айтилган. Лекин у олим бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўймади. «*Улуғ шайх*» деб ҳурматланишига қарамай, муайян тасаввуф сулукини ҳам ихтиёр этмади. У том маънода мутафаккир шоир бўлди. Фалсафаси ҳам шеърияти, бадиий тимсоллари, бадиий тафаккури замирида шаклланди.

Низомий кўпчилик даврдошларидан фарқли ўлароқ муайян ҳукмдорлар саройида хизмат қилишни ихтиёр этмади, ўз мустақиллиги ва озодлигини сақлаб қолишни афзал билди. Унинг қасидалари, рубоий ва қитъалари турли манбалар орқали бизгача етиб келган, бироқ ўз қўли билан тартиб берган девони ҳанузгача фанга маълум эмас.

Низомий адабиёт оламида биринчи «***Хамса***» ёзган забардаст шоир сифатида донг таратган. Аммо айтиб ўтмоқ жоизки, буюк озарбайжон шоири ўзи ҳеч қаерда «*Хамса*» ёздим, деб даъво қилган эмас ва балки бундай муайян мақсадни олдига қўйгани ҳам номаълум. У аслида 6 та достон ёзган. Биринчи достони «*Маҳзан ул-асрор*» («Сирлар хазинаси») 1177 йилда, иккинчиси – «*Хусрав ва Ширин*» – 1181 йил охирларида, «*Лайли ва Мажнун*» – 1188 йилда, «*Ҳафт пайкар*» («Етти гўзал») – 1197 йил ўрталарида, бешинчи достон – «*Шарафнома*» – 1197–1200 йиллар орасида ва «*Иқболнома*» номи билан машҳур бўлган олтинчи достон шоир умрининг охирларида, 1202–1203 йилларда ёзиб тугалланди. Охирги икки достон бир қаҳрамон – машҳур Александр Македонскийнинг Шарқдаги бадиий тимсоли Искандар Зулқарнайн тасвирига бағишланган. Шу сабабли

кейинчалик икки достонни қўшиб «*Искандарнома*» деб ном берганлар ва натижада «*Беш хазина*» («*Панж ганж»*) ҳосил бўлган.

Ислом анъанасида бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз "*Хамса*" (аниқроғи «*Ал-хамсату*») дейилади, мусулмон динининг беш устуни – тавҳид (Оллоҳнинг ягоналигини тан олиш), намоз, рўза, закот ва ҳаж ҳам ўзига хос «*Хамса*» (бешлик)ни ташкил қилади. Демак, Низомий умр бўйи яратган достонларидан «*Хамса*» туркуми ҳосил бўлиши ва кейинчалик бу хайрли янгилик адабий анъана сифатида Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий сингари жаҳоншумул мутафаккир шоирлар томонидан изчил ривожлантирилиши бежиз ва тасодифий бўлган эмас[1].

Алишер Навоий «*Садди Искандарий*» достонининг муқаддима қисмида бу масалага махсус тўхталиб, «*Хамса*»нинг ҳар бир достони ёзилишини куннинг маълум вақтларида ўқиладиган саҳар (фажр), пешин (зуҳр), аср, шом ва хуфтон намозлари билан қиёс этади ҳамда «*Хамса*»ни буюк бир тоғ чўққисига кўтарилиш мобайнида беш ўринда тўхтаб, нафасни ростлаш учун бино этилган беш оромгоҳга ўхшатади. Бу оромгоҳларни яратиш учун шоир «*Билик тахти узра чиқиб ўлтурмаги», «Хаёл элчисини ҳар тараф чоптириши», «жон мулкидан», «маоний сипоҳини»* (маънолар лашкарини) гуруҳ-гуруҳ («*фавж-фавж*») етказиб бериб туриши, маъно лашкарлари жам бўлгач, Хусрав Деҳлавий лутф этганидек, инсонлар дилини забт этишга киришмоғи, яъни маънавият оламида жаҳонгирлик санъатини намойиш қилмоғи лозим эди. **Демак, «*Хамса*» маълум мақсадга — инсоннинг руҳий (шуурий ва ҳиссий) тарбияси, маънавий камолот поғоналаридан бирма-бир кўтарилиши учун мадад бериш, унга асл инсонийлик йўлини ҳидоят этишга мўлжалланган асарлар мажмуаси эди.**

Низомийнинг биринчи достони ички қурилиш ва мазмун йўналишига кўра тасаввуф руҳидаги пандномаларга жуда ўхшаб кетади. Шоир илк асарини Саноий Ғазнавийнинг 1131 йилда ёзиб тугаллаган машҳур қомусий маснавийси «*Ҳадойиқ-ул-ҳақиқа*» {«Ҳақиқат боғлари») таъсирида бошлаган бўлиши ҳам эҳтимол[2]. Аммо ўн бир минг байтли «*Ҳадойиқ*»да ўн фасл бўлса, «***Маҳзанул-асрор***»да кириш бобларидан ташқари 20 та алоҳида «*мақолат*» мавжуд. Ҳар бир мақолат тимсолий ҳикоят билан тугалланган. Бу ҳикоятларнинг кўпчилиги воқеий ҳаёт лавҳалари бўлиб, уларда замон руҳи жуда аниқ акс этган.

Айтишларича, меърож тунида Муҳаммад (сав) арши аъло остида қулфлоғлик бир хона кўриб Жаброилдан «*Бу қандай макон*?» деб сўрабди. Жавоб бўлибдики: «*Эй, расулуллоҳ, бу макон теран маънолар хазинасидир ва сенинг умматларинг ичидаги шоирлар тили ушбу хазинанинг калити турур*». Достоннинг биринчи байти шу ривоятга ишорадир:

---

[1] Бу ҳақда қаранг: Ғ. Алиев Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. –М., 1985. 336 стр.

[2] Бунга достоннинг кириш қисмида аниқ ишора бор. Қаранг: Низомий Ганжавий. Куллиёт. Дар панж жилд. Жилди 5. –Душанбе: "Ирфон", 1984, саҳ. 281.

Бисмиллоҳир-раҳмонир-роҳим
Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким.

(«Шафқатли ва меҳрибон Оллоҳ номи билан» ояти
(Олий) донишманд ганжинаси эшигига калитдир).

Асар номи ҳам «*Сирлар хазинаси*», яъни, олий ҳақиқат сирларини қаърига яширган тилсим маъносидадир. У тавҳид (Олий борлиқ ягоналиги мадҳи), икки муножот, наът (пайғамбар мадҳи), меърож васфи, давр ҳукмрони шаънига мадҳия-мурожаат каби муқаддима боблар билан бошланиб, сўнг шоирнинг бир фарахбахш тунда кўнгил билан хилватдаги рамзий суҳбатлари тасвирига ўтилади.

Шоир бу асарни ёзишдан мақсади «***кўнгил қиссаси***»ни баён қилиш эканини алоҳида таъкидлайди. Инсон руҳият оламига кириб бориши учун кўнгилни йўлбошловчи қилиб олиши лозим. Чунки шоир тасаввурига кўра, инсоннинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи ички аъзолари – етти халифа: ўпка, юрак, жигар, талоқ, ўт, меъда, буйрак бўлиб, улар устидан **ҳукмрон кўнгил**. У бир шамъ бўлса, қолганлари унинг атрофидаги парвоналар, барчаси ўз иши билан банд, **кўнгил** эса уларни **бирлаштирувчи марказ**ни ташкил этади. Рамзий бир ҳолатда шоир кўнгилнинг меҳмони, кўнгил унга айтадики: «*мен сенинг ичингда ҳам эмасман, аммо сендан ташқарида ҳам эмас. Мен бир хазинаман, аммо Қорун каби хасиснинг чўнтагидаги хазина ҳам эмас*». Шоир **кўнгил**ни Хожа, **инсон табиатининг тарбиячиси** деб атайди:

Хуллас, Хожа (яъни, кўнгил) бизнинг ихтиёримизда,
Аммо у худо бўлмаса ҳам бизнинг соҳибимиздир.
У мен – тарбия кўрмаганга бўйсунган ҳолда,
Мени тарбия қилиб ўз йўлига юргиза олди.

Низомийнинг кўнгил (дил) моҳияти ҳақидаги шоирона ақидаси ниҳоятда теран мазмунга эга. Кўнгил бу ақл ҳам эмас, чунки у **олий туйғулар манбаи. Инсон кўнгли уни олий ҳақиқат билан боғлаб турувчи тилсимдир**, олий ҳақиқат сирларини ўзида жилвалантирувчи **кўзгу**дир, фақат унга сайқал беришда эринмаслик, сўнг занг ва чирк босишига йўл қўймаслик лозим. Кўнгил инсон вужудидан, моддийликдан ташқарида эмас, аммо моддийлик ва танҳо вужуд билан чекланган ҳам эмас. У инсонни инсонликда тутиб турувчи, **алоҳида бир вужудни олий маънавият билан туташликда асровчи моҳият**дир. Шунинг учун шоир кўнгилни ўзига етакчи қилиб олади.

Низомийнинг илк достони ўз мавзулар доираси ва мазмуний йўналишига кўра Саноий достони билан маълум даражада ҳамоҳангдир. Шу билан бирга унда янгича йўналишга асос солинаётгани ҳам сезилиб туради. Агар Саноий достонида ақл ва билимни улуғлашга биринчи даражали эътибор қаратилган бўлса, «***Маҳзанул-асрор***»нинг биринчи

мақолати “*Одамнинг яратилиши*” деб аталади ва уни шоир инсоннинг моҳиятини таърифлаш ва улуғлашга бағишлайди. Низомий бу мавзуни Одам атонинг яратилиши воқеасига боғлаб ёритади, аммо шоирнинг мўжизакор сатрлари Қуръон оятлари шарҳини ирфоний ғоялар билан уйғунлаштириб, бизни тилсимли мажозий маънолар оламига етаклайди. Биринчи сатрларданоқ мавзу – ишқ мавзуи:

Аввал к-ин ишқпараст набуд,
Дар адам овозайи ҳаст набуд

(Ибтидода ишққа топиниш йўқ эди,
Йўқлик /биёбонида/ мавжудлик овозаси /ҳам/ йўқ эди)[1].

Инсон нега яратилган? Агар ишқ бўлмаса, нафақат Одам, балки олам ҳам яратилармиди? Кўнгил мулкига эга бўлган **инсон** шоирнинг тилидан энг олий таърифларга сазовор бўлади:

Он ба гуҳар ҳамқадару ҳамсафий,
Ҳам маҳаку ҳам зару ҳам сайрафий.

(У асл гавҳар билан қадри тенг ва бир сафда туради,
У - ҳам маҳак тоши,[2] ҳам зар, ҳам заргардир.)

Яъни, Оллоҳ томонидан ер юзида халифа қилиб тайинланган инсон энг мукаррам зот бўлиб, ўз қийматини белгиловчи ҳакам ҳам ўзи, ушбу қийматни белгилаш ўлчовлари ҳам унинг ўз ихтиёрида. Инсон ўз тирикчилигини ҳам ўзи таъминлайди, ўзини тақдирлашни ҳам, жазолашни ҳам ўзи бажаради.

Достоннинг кейинги мақолатлари ушбу инсон ўз шарафли мавқеига муносиб бўлиши учун бу ўткинчи дунёда қандай умр кечириши кераклиги масалаларига бағишлангандир. Асар ҳукмдорга бағишлаб ёзилганлиги назарда тутилса, донишманд шоирнинг шоҳга насиҳатлари тусини олганлиги маълум бўлади. Шунга мувофиқ иккинчи мақолатнинг мавзуси ҳам "*Шоҳга насиҳат ва адолат муҳофизаси*” деб номланган. Низомий шоҳга мурожаат қилар экан, аввало уни табиатдаги жами жонзотлар ҳукмдори – **Инсон** деб англайди ва масалага шу нуқтаи назардан ёндошади, Шоирнинг шоҳга насиҳатлари айни замонда ҳам ўзига, ҳам барча инсонларга қаратилгандир.

Достон мундарижаси ҳақида кенгроқ тасаввур бериш учун кейинги мақолатлар номланишини келтириб ўтамиз: 3) "*Олам ҳодисалари хусусида", 4) "Шоҳнинг раиятга риояти гўзаллиги борасида", 5) "Қарилик васфида", 6) "Махлуқотнинг ўткинчилиги", 7) "Инсоннинг ҳайвонотдан устунлиги", 8) "Яратилиш баёни", 9) "Дунёвий ҳою-ҳаваслар тарки", 10) "Замона охир бўлмоғининг белгилари", 11) "Дунёнинг бевафолиги", 12)*

[1] Яъни, ишқ йўқ жойда, мавжудлик ҳам бўлмас экан.
[2] Олтиннинг софлигини ажратиб берувчи жавҳар.

"Замин манзили билан видолашув", 13) "Жаҳон /жозибаси/ни қоралаш", 14) "Ғафлатни коралаш", 15) "Ҳасадгўйларни қоралаш", 16) "Илдамлик ҳақида", 17) "Ибодат ва зоҳидлик хусусида", 18) "Иккиюзламачиларни қоралаш", 19) "Охиратни кутиб олиш ҳақида", 20) "Замон фарзандлариниг такаббурлиги".

Агар «*Маҳзанул-асрор*» панднома ва фалсафий мулоҳазалар руҳида ёзилганлиги билан Саноий достонига ўхшаб кетган бўлса, навбатдаги «***Хусрав ва Ширин***» соф воқеабанд достон сифатида энди янги йўналишни ёрқин намоён қилади. Достоннинг бош қаҳрамони **шаҳзода Хусрав** ҳам ҳар бир оддий инсон сингари фазилат ва айбу қусурлардан фориғ эмас. **Ширин ишқи** унинг табиатини камолот йўлига етакловчи, инсонлик моҳиятини қадам-бақадам синовдан ўтказувчи **маҳак тоши** вазифасини ўтайди. Низомий яратган **тимсоллар** зоҳирда **шоҳ** ва **малика**, ботинда, моҳиятда инсонлик йўлининг бошланишида бир-бирига меҳри тушиб, сўнг шу табаррук оловда бирга тобланиб, **камолот пиллапоясидан бирма-бир кўтарилиб борган йигит ва қиз тасвири**дир. Бунда шоир Ширинниng Хусравдан баркамол ва покроқ эканини таъкидлайди, сабаби малика қиёфасида ўзининг суюкли ва эрта ҳаётдан кўз юмган жуфти ҳалоли – қипчоқ қизи **Оппоқ** (Офоқ)ни кўрар эди, Оппоқ вафот этиб, ўзи ҳаёт қолгани учун ичидан ўртанар эди. Низомий тасвир этган шоҳ Хусрав камолот йўлида нособит, аммо тошкесар **Фарҳод ишқ фидойиси** тимсолидир.

Учинчи достон «***Лайли ва Мажнун***»да ишқ туфайли олий ҳақиқат сирларига ошно бўлган **ошиқ-шоир тимсоли** бор бўйи билан намоён бўлди. Мажнуннинг Лайлига ишқида оддий йигит-қиз орасидаги муносабат тасвири эмас, балки ушбу афсона тимсолида руҳий дунёга оид кўп сир-синоат яширингандир.

«***Ҳафт пайкар***» достонининг воқеалар йўналишида, ички ҳикоя-қиссаларида инсоннинг ҳақиқат ва рўёлар қоришиқлигида кечган бу мураккаб воқеликдаги **тентираш ва адашувларига оид мажозий тасвирлар** акс этгандир. Орзу-ҳавасларга ортиқча берилиш инсон зотини хароб қилади, туби йўқ чоҳга бошлайди – асар мазмуни ушбу аччиқ огоҳлантириш асосига қурилган.

Бешинчи достонда **Искандар Зулқарнайннинг жаҳонгирлик юришлари** орқали шоҳлар хатти-ҳаракати адолат мезонидан ташқари бўлмаслиги таъкид этилса, олтинчи достонда «***бахт нима, иқбол нима***?» – деган жиддий фалсафий саволга жавоб қидирилади. Искандар жангномаларининг хулосаси шундан далолат берадики, жаҳонгўшойлик (янги янги ўлкаларни забт этиш), инсоннинг билиш уфқларини кенгайтирса ҳам унга иқбол келтирмас экан, чунки инсон абадий эмас ва қўлга киритган моддий бойлик, мулк ва сарҳадларини ўзи билан олиб кетолмайди.

Низомий Ганжавий охирги хулосасини айтмайди, ўзи асос солган янги тафаккур йўналишига ном бермайди, унинг учун ҳам кўп моҳиятлар

мазмуни мубҳамлигича қолган, аммо у барибир кейинча «***Хамса***» деб аталган мутлақо янги маънавий оламнинг илк тарҳини амалда яратиб кетди, бу эса **мустақил бадиий тафаккур тариқи** деган гап эди[1].

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Анварийнинг “Хуросоннинг кўз ёшлари” номи билан шуҳрат топган қасидасининг ёзилиш сабаблари, мазмуни ҳақида сўзлаб беринг.
2. Анварийнинг кексалик даври ижоди ҳақида нималар дея оласиз?
3. Хоқонийнинг машҳур достони “Туҳфат ул-Ироқайн”нинг мазмун-мундарижаси нима ҳақида?
4. Хоқонийнинг “Мантиқ ут-тайр” (Қушлар тили) номи билан шуҳрат қозонган қасидаси Саноийнинг қайси қасидаси таъсирида ёзилган ва унинг мазмуни қандай?
5. Хоқонийнинг “*Айвони Мадоин*” номи билан машҳур бўлган асари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Хоқонийнинг машҳур *ҳабсия*лари (зиндонбандлик шеърлари) мазмуни нима ҳақида?
7. XII асрда яшаб ижод этган Саноий, Анварий ва Хоқонийлар қандай адабиётга асос солишга муваффақ бўлдилар?
8. Низомий Ганжавийнинг шоир сифатида кўпчилик даврдошларидан фарқли нимада?
9. Низомий дарҳақиқат “Хамса” ёзганми?
10. Минтақа адабиётида “Хамса” туркумида достонлар ёзиш анъанасининг шаклланиш сабаблари ҳақида АлишерНавоий мулоҳазаларини шарҳлаб беринг.
11. Низомийнинг биринчи достони нега «*Маҳзанул-асрор*» деб номланди?
12. Низомий достонларининг қисқача мазмуни ва ғояларини айтиб бера оласизми?

[1] Агар биз замондош ва қардошларимиз – бугунги Озарбайжон шоирлари бажарган улуг меҳнатнинг қадрига етиб уларнинг ижросидаги Низомий достонларининг озарбайжон тилидаги талқинини бироз ўзбек талаффузига мослаб, баъзи сўзларни изоҳи билан ҳозирги ёзувда нашр этсак, ўзбек китобхонини миннатдор этган бўлур эдик ва Навоий «Хамса»сининг Низомий асарларидан фарқи ҳам ёрқин кўринар эди. Дарвоқе, «***Хусрав ва Ширин***»нинг ўзбекча шеърий таржимаси босилиб чиқди, қолган достонларининг ҳам таржимаси тайёр, фақат бу таржималарнинг савияси ҳақида ҳануз аниқ бир гап айтилмади. Сабаби, Низомий шеъриятининг ирфоний тили мазмуний жиҳатдан жуда мураккаб эканлиги аллақачон илм оламида эътироф этилган.

ЎНУЧИНЧИ ДАРС

Дарснинг мақсади: *Фаридиддин Аттор ижодида мажозий тасвир ва талқиннинг бирлашуви, воқеликни бадиий идрок этиш ва бадиий тимсолларда акс эттиришнинг уйғунлиги, «Мантиқ ут-тайр» достонида тасаввуф маънавиятининг юксак парвози билан талабаларни огоҳ этиш.*

Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари, унинг бош ғояси ва мазмуний мундарижаси ҳақида талабаларни дастлабки маълумотлар ва талқинлар билан таништириш.

Таянч сўз ва иборалар: *Фаридидин Аттор, "Мантиқ ут-тайр" достони, мажозий тасвир ва талқин, ирфоний шатҳиёт, Ҳудҳуд, Шайх Санъон ишқи, тарсо маликаси, Симурғ, Юсуф (ас) ва унинг биродарлари ҳақида ривоят, "ҳақиқат тариқи", Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, "Маснавийи маънавий", тасаввуф адабиёти турлари, най тимсоли, лироэпик жанр таркиби, ибратли ҳикоятлар, "Подшоҳ ва унинг канизаги ҳақида" қисса, воқеабанд тасвир, ирфоний шарҳлар, "дарди ишқ" изҳори, шеърий ваъзлар, "кўнгилдаги нур", воқеа қатлами, маънолар майдони, ғоявий қатлам.*

33. Фаридидин Аттор ва унинг «*Мантиқ ут-тайр*» достони

Ўрта асрлар Шарқ мумтоз шеъриятининг энг ёрқин сиймоларидан бири, буюк форс суфий шоири Фаридиддин Аттор ижодида **мажозий тасвир ва талқиннинг бирлашуви** ёрқин бир тарзда намоён бўлди.

Шоир XII аср иккинчи ярми – XIII аср бошларида яшаб ижод қилди. Бу давр ислом минтақа маданияти ривожида муайян сиёсий юксалиш босқичининг тугай бошлаганидан нишоналар берувчи дастлабки сиёсий, ғоявий ва маданий инқироз унсурлари юзага чиқа бошлаган замон эди. Салжуқийлар сулоласининг инқирози, Ҳиндистондан Ғурийлар, Хоразмдан Абулмузаффар Такаш ва охирги Салжуқий султонларининг ўзаро талашлари, айниқса, туркманларнинг ғуз қабиласи босқинлари шоир ватани Нишопур шаҳрини қатгиқ вайрон этди. Аттор умрининг сўнгги даврига тўғри келган мўғул босқини буларнинг барчасидан ўтиб тушди. Шоир асарларидаги чексиз алам билан йўғрилган умидсизлик кайфиятининг объектив асослари ушбу тарихий инқироз вазияти билан изоҳланса, эҳтимол. У ўзининг бевақт туғилганини яхши билади, аммо барибир шундай фожиавий шароитда ҳам юраги бахтга интиқ, ўзини интилган Олий қудратдан нажот тилайди.

Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Хелмут Риттер, Абдулваҳоб Аъзам, Абдулҳусайн Зарринкуб, Маҳди Ҳомидий ва бошқа бир қатор хорижий Шарқ ва Ғарб олимлари унинг асарларида асосан ирфоний ғоялар ифодасини

кўрадилар. Аттор ирфони алоҳида мавзу. Биз бу соҳадаги забардаст тадқиқотчилар билдирган фикр ва хулосаларни жиддий қабул қиламиз ва улар билан бирор тарзда баҳсга киришувга ўзимизда журъат ва қувват сезмаймиз. Аммо Атгор аввало истеъдодли шоир, бадиий тафаккур эгаси. Шу нуқтаи назардан, биринчи галда унинг шеърий сатрлари остида яширинган буюк ижодкор шахснинг дил дардлари, қаттол замона зулмига қарши исёнкор руҳи, мазлум халқ кўргуликларига куйиниши, энг муҳими, давр тарихий воқелиги қўйган мушкул ва бешафқат саволларга ўртаниб жавоб излашлари бизнинг диққатимизни тортади. Аттор тасаввуф шоири, Алишер Навоий таъбири билан айтганда, **«*ҳақиқат тариқи*»нинг йўлчиси**. Аммо у ўз табиатига кўра тасаввуф назариётчиси эмас, балки воқеликни бадиий идрок этувчи ва бадиий тимсолларда акс эттирувчи ҳассос шоирдир.

Аттор, дунёқарашига кўра, ўзини башариятдан, Борликдан айру кўрмайди, унингча инсон ва инсоният, барча жонзот ва бутун коинот бир бутун, яхлит. Шундай экан, атроф-жамиятдаги барча адолатсизлик, фасод, «булғанчлик» унинг назарида, ҳар бир инсонга, биринчи навбатда, шоирнинг ўзига, бевосита алоқадор. Бундай нуқтаи назар ўша даврдаги мураккаб сиёсий-ижтимоий воқелик ва унинг идроки даражасида инсон «нафси»ни, унинг моддийлигини, яъни унинг асл моҳиятига дахлдор жиҳатларни мутлақо рад этиш кайфиятларини туғдириши табиий эди.

«*Булғанчлик*» манбаини моддий инсонга хос ҳирсу ҳавасларда, худбин интилишларда кўрган шоир, жўшиб кетганда, ўзининг эҳтиросли вужудини ҳам инкор этади. Мавжуд жамиятнинг булғанчлигига, фасод бойлаб кетганига тоқат эта олмаган шоир бутун башарият учун айбни ўз бўйнига олади.

Аттор идеали, унинг интилган Ҳақиқати, аввало, Поклик тимсолида намоён бўлади. Унингча, Поклик Олий руҳий қудратнинг асосий сифатидир. Унинг тасаввуридаги «Мутлақ пок борлиқ» ўша давр ислом динига эътиқод этувчи кўпчилик тасаввуридаги Тавҳид тушунчасининг талқиинидан фарқ қилади. Шоир **ирфоний шатҳиёт** жазабасида баъзан ҳатто барча диний китоблар, жумладан, Қуръон матнининг талқинларини ҳам Олий моҳиятни англашга тўсқинлик қилувчи бир парда деб ҳисоблаб, бутпарастлар топинувчи санамларга қиёс этишдан қайтмайди. Пайғамбар ва расулларнинг сўзларини илоҳий калом билан тенглаштириш тамойилларини кескин қоралайди.

«Атторнинг худо ҳақидаги тасаввури, – деб ёзади А.Муҳаммадхўжаев «Фаридиддин Атторнинг дунёқараши» китобида, – Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқа кўпчилик Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг худо ҳақидаги тасаввурларидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди». Унинг тасаввуридаги Олий пок борлиқ – барча моддий дунё ашёларининг ягона мутлақ моҳиятидан иборат бўлиб, уни алоҳида кўриш ва тасаввур қилиш мумкин эмас:

Жумла олам бе ту мибинам аён,
Ва-з ту дар олам намибинам нишон[1].

(Барча оламни сенсиз аён кўриб турибман,
Ва (бу) оламда сендан ҳеч бир нишона кўраётганим йўқ.)

XIII аср тасаввуф шеъриятининг бу буюк намояндаси, назаримизда, ҳаётий мураккаб жараёнларни изчил ички ривожланишда олиб қарамайди. Ушбу хусусият унинг асарларидаги умумий пессимистик руҳнинг кучли намоён бўлишига сабаб бўлган ва кейинги асрларда унинг ижодини турли гуруҳлар ўз мақсаддари йўлида турлича талқин этишларига имкон берган.

Бу ўринда Аттор қўлёзмаларига атайин «*тузатишлар»* киритиш, шоирнинг исёнкорлик руҳини ошкор этиб қўювчи маълум сатрларни «*қисқартириш*», кейинги асрларда «*ижод қилинган»* ўта тенденциоз «*асарлар*»ни шоирга нисбат бериш каби сохталаштиришнинг турли усуллари қўлланилган бўлиши мумкинлигини ҳам назардан соқит этиб бўлмайдики, ушбу ҳолатлар, биринчи навбатда, шоир мероси устида жиддий матншунослик тадқиқотларини талаб қилади.

А.Муҳаммадхўжаев ёзишича, шоир ўша даврларда шаҳар ҳунарманд доиралари орасида урф бўлган футувва (жавонмардлик, саховатпешалик, ўз манфаатларидан ўзганинг манфаатини устун қўйиш принципларига асосланган ўртоқлик жамоалари) таълимотининг тарафдори бўлган ва бу соҳада, ҳатто махсус «*Футувватномайи манзум*» (Шеърий футувватнома) номли достон битган[2]. Бу достонда Аттор футувва аҳлининг 72 фазилатини таърифлаб беради, жумладан, ростгўйлик, аҳдга вафо, ўзгага холис ёрдамга доим тайёр туриш, бахти қайтган инсонларни бахтли этиш йўлида

[1] А.Муҳаммадхўжаев ўз китобида Теҳрон нусхаси асосида ушбу байт биринчи сатрини «*жумлаи олам ба ту бинам аён*» (Барча оламни сен туфайли аён кўриб турибман) шаклида келтиради. Бундай фарқлар яна бир марта Аттор асарлари матнига ёндошув ғоявий мақсадлардан холи эмаслигини исботлайди.

[2] Тадқиқотчи бу достон ҳақида мукаммал маълумот бермайди, аммо Атторнинг биринчи издоши, XIV асрда ижод қилган турк шоири Гулшаҳрий ёзган «*Мантиқ ут-тайр*» асари тўлиғича футувва ғояларини тартиб қилишга бағишланганлиги марҳум навоийшунос олим Ш.Шариповнинг «*Лисон ут-тайр*» генезиси ҳақида ёзилган асаридан китобхонга маълум. Аммо шу нарсани афсус билан қайд этмоқ керакки, кенг китобхон аҳлига яқингача ҳам ахийлик, футувва, жавонмардлик жамоалари ва уларнинг фалсафий-социал асослари ҳақида етарли маълумот берувчи адабиёт йўқ эди, ваҳоланки, Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари ўз даврида бу тушунчаларга алоҳида эътибор билан қарашган. Мустақиллик шарофати билан Воиз Кошифийнинг «*Футувватномаи султоний*» рисоласи Н.Комилов томонидан ўзбекчага ўгирилиб нашр этилганлиги бу соҳада катта ютуқ бўлди.

фидойилик каби ажойиб умуминсоний хислатлар ушбу таълимотнинг асосини ташкил этарди.

Фаридиддин Аттор сермаҳсул шоир. Мустақиллик йилларида талантли шоир Жамол Камол томонидан унинг нафақат "*Мантиқ ут-тайр*", балки "*Илоҳийнома", "Асрорнома", "Панднома", "Булбулнома", "Уштурнома"* каби қатор асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр эттирилди. Атторшуносликда "*Мантиқ ут-тайр", "Илоҳийнома", "Асрорнома"* ва *"Мусибатнома"* достонлари шоирнинг асл ўзиники, "*Панднома", "Булбулнома", "Уштурнома", "Жавҳар уз-зот", "Мазҳар ул-ажойиб"* асарлари эса унга нисбат берилади, деган фикр мавжуд. Аммо бу муаммо ҳануз узил-кесил ҳал қилинган эмас. Шоирнинг булардан ташқари дунёвий руҳда ёзилган "*Хусравнома*" достони, "*Мухторнома*" аталмиш 2500 рубоийдан иборат мажмуаси, 756 ғазал ва 100га яқин қасидани ўз ичига олган шеърий девони ва насрда битилган "*Тазкират ул-авлиё*" асарини ҳам қўшсак, унинг нақадар самарали ижодкор эканлиги маълум бўлади.

Аттор ижодининг бутун кўламини алоҳида бир илмий рисола доирасида ҳам қамраб олиш мушкил. Унинг бой ва мураккаб бадиий олами кенг ва муфассал тадқиқотларни талаб қилади. Бу ўринда бизнинг асосий мақсадимиз Фаридиддин Аттор ижодини тўлиқ ёритиш эмас, балки унинг Алишер Навоий туфайли ўзбек адабиёти ихлосмандлари орасида машҳур бўлган «*Мантиқ ут-тайр*» достони мазмуни ҳақида баъзи мулоҳазалар билдиришдан иборатдир.

Маълумки, Шарқ адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси академик Е.Э. Бертельс 1928 йилда ёзилган «*Навоий ва Аттор*» асарида Алишер Навоийнинг «*Лисон ут-тайр*» достонини «*Мантиқ ут-тайр*»нинг 1857 йилда француз шарқшуноси Гарсин де Тасси тайёрлаган илмий-танқидий матнига қиёслаган эди. Биз француз олимининг жиддий меҳнатга жилла бўлса ҳам ҳурматимизни камайтирмаган ҳолда, Навоий даврига яқин қўлёзмани қидиришни лозим кўрдик ва шундай қўлёзмани Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондидан топишга муваффақ бўлдик. Бу 813-инвентарь тартиб рақами остида сақланаётган «*Ситтайи Фаридиддин Аттор*» (Фаридиддин Аттор олтилиги) номли ноёб қўлёзма экан. «*Мантиқ ут-тайр*»дан ташқари яна тўрт достон ва шоир девонини ўз ичига олган бу китоб баъзи маълумотларга кўра 1424 йилда Ҳирот шаҳрида кўчирилган.

Достоннинг асосий сюжетига 200 дан зиёд ҳикоят-тамсиллар ва бир йирик қисса киритилган. Аттор «*тавҳид», «ҳамд», «наът*» каби анъанавий боблардан сўнг «*Ақлга хитоб*» сарлавҳаси остида Ҳудҳудга мурожаат билан асосий мавзуга киришади:

Марҳабо, эй Ҳудҳуди ҳодийшуда,
Дарҳақиқат пайки ҳар водий шуда.
Эй ба сарҳадда Сабо еайри ту хуш,

Бо Сулаймон «мантиқ ут-тайр»и ту хуш...

(Хуш келибсан, эй йўлбошловчи бўлиб етишган Ҳудҳуд,
Ҳақиқатни билишда сен ҳар бир водийдан
хабар берувчи бўлиб етишдинг.
Сабо мамлакатига сенинг сайринг қутлуғ бўлсия,
Сулаймон билан қушлар тилида суҳбатинг қутлуғ бўлсин...)

Бу сатрларнинг мажозий мазмуни жуда теран. Улар машҳур ривоятдаги Ҳудҳуднинг Сулаймон пайғамбар билан Сабо мамлакатининг маликаси Билқис ўртасидаги элчилигига ишора қилмоқда. Бундан ташқари, Аттор Ҳудҳуд тимсолида Ақлни назарда тутади (Ҳудҳуднинг бошидаги тожи бу рамзга ишора ва Ақл инсон ҳис-туйғуларини етаклашда йўлбошловчи бўлиб етишгани, Ҳақиқатни англаб етишида инсон учун асосий восита деб тан олингани таъкидланмоқда). У Сабо мамлакатига – ишқ оламига сайр этади, Сулаймон, яъни Олий қудрат даракчиси билан қушлар тилида суҳбат қура олади. Кейинги сатрлар ушбу талқинни тўлиқ тасдиқлаш баробарида яна Атторнинг асосий концепциясига китобхон диққатини қаратади:

Девро дар банди зиндон боз дор,
То Сулаймонвор боши роздор.
Девро вақти ки дар зиндон куни,
Бо Сулаймон қасди шодирвон куни.

(Девни зиндонда банди этиб сақла,
Шундагина Сулаймон сингари
(ҳақиқат) сирини англай оласан.
Девни зиндонга қамагачгина,
Сулаймон билан шоҳ чодирида
суҳбат қуришни ўйласанг бўлади).

«*Дев*» деганда Атгор яна инсоннинг моддий ҳирсу ҳавасларини назарда тутмоқда. Яъни, Инсон ақл қудрати билан моддий истакларини енгиб ўтгандагина, Олий ҳақиқатни англаш даражасига етиша олади, демоқчи.

Шу тартибда Аттор яна ўн икки турли тоифа қушларга мажозий мурожаат қилади. Асар воқеалари қушларнинг йиғилишиб, ўзларига бир ҳукмдор танлаш ҳақида баҳсу мунозараларидан бошланади.

Шундан сўнг Ҳудҳуднинг қушлар жамоасига мурожаати берилади. Унинг сўзларидан маълум бўлишича, у ўз подшоҳини таниган, фақат ҳузурига танҳо йўлга чиқишга қудрати етмайди. Лекин бошқа қушлар унга ҳамроҳлик қилишса, ул шоҳ ва ул олий даргоҳга маҳрам бўлиш насиб этиши мумкин. Бу олий ҳукмдорнинг номи Симурғдир. Қушларнинг саволларига жавобан Ҳудҳуд уни таъриф этади ва барчалари Симурғга етишиш орзусида йўлга отланадилар. Аттор асосий сюжетда эпик тасвирга кўп мойил эмас, унинг

достонида ҳис-ҳаяжон, туйғулар тошқини кучли, эпик ҳикоя кўп ўрин-да жуда қисқа ва шартлидир. Масалан, қушларнинг Ҳудҳуд тарғиботи таъсирида йўлга отланишлари ва йўл қийинчиликлари атиги уч байтда мухтасар ифода этилган, холос. Кейин яна қушлар ва Ҳудҳуд орасида баҳс-мунозара бошланиб кетади. Ҳар бир қуш йўл қийинчиликларидан зорланиб, ўз аҳволини баён этиб, умумий мақсад йўлида интилишдан тўхташга баҳона излай бошлайди. Ҳудҳуд эса уларнинг ҳар бир узрига ўринли инкор жавоблари бериб, гапининг исботи учун ибратли ҳикоялар келтиради, уларни ўз интилишларида собитқадамликка ундайди.

Қушлар йўлбошловчидан Симурғнинг ўзларига нисбатан қандай эканлигини суриштириб, шундай жавоб олишади:

Сурати мурғони олам сар басар
Сояйи уст, ин бедон, эй бехабар.
Ин бедонисти, бубин онгаҳ бибош,
Чун бидонисти, макун он роз фош.

(Оламдаги барча қушларнинг сурати
Унинг соясидир, буни бил, эй, бехабар.
Буни билдингми, қара, энди жим бўл,
Билган бўлсанг, ул сирни фош этма.)

Атгор достонининг ўзак ҳикояти Шайх Санъон қиссасидир. Бу достон ичра достон асарга қуйидаги сабаб билан киритилади. Қушлар барча узр ва саволларига мукаммал жавоб олгач, «йўл кайфиятини» сўрайдилар, яъни Симурғ сари интилган йўлчидан аввало қандай сифат талаб қилинишини билмоқчи бўладилар. Ҳудҳуд айтадики, бу йўлда асосий сифат фидойи ва беғараз ишқдир. Аттор қаҳрамони тилидан ишқни таъриф этар экан, ниҳоятда жўшиб кетади:

Гар туро гўянд аз имон бар ой,
Ва-р хитоб ояд туро к-аз жон бар ой,
Ту гаҳ инро ва гаҳ онро бар фишон,
Тарки имон гиру жонро бар фишон.
Сангари гўянд ки ин бас сангар аст,
Ишқ гў аз куфру имон бартар аст.
Ишқро бо куфру бо имон чи кор,
Ошиқонро лаҳзае бо жон чи кор!

(Агар сенга имондан кеч деб айтишса,
Агар «жондан кеч» деб хитоб янграса,
Сен дарҳол бунисидан ҳам, унисидан ҳам воз кечиб қўй,
Имонни тарк этгину, жондан юз ўгир.
(Куфр ва имон орасидаги) бу тўсиқ жуда маҳкам дейишади,

Айтгинки, ишқ куфр ва имон (аро зиддият)дан юксакроқдир,
Муҳаббатнинг куфру имон билан қанчалик иши бор?!
Ошиқларнинг бирор лаҳза жон билан ишлари борми ?!)

Шоир қалбидан тошиб келган бу эҳтиросли хитоблар тасаввуф маънавиятининг юксак парвозларидир. Мурғак Алишерни ўз сеҳрига чулғаган, унинг истеъдодига чўғ туташтирган худди шу сатрлар бўлса, не ажаб! Ушбу чақмоқли мисралар давомида баён эталган қисса ҳам «*Мантиқ ут-тайр*» достонининг авж пардаларини ташкил этади.

Каъбада эллик йил улуғ шайх бўлмиш Санъон тушида бир насроний маликани кўриб севиб қолгани ва барча обрў-рутбаларидан кечиб, ўша тарсобачча санамнинг йўлига борлиғини, дину имонини бағишлагани ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоя ўқувчига яхши маълум, бу ҳақда озар шоири Ҳусайн Жовид яратган драма ҳам кўп театрлар саҳнасида кўрсатилган. Алишер Навоий «*Лисон ут-тайр*» достонида воқеанинг асосий мазмунини мукаммал гавдалантириб берган. Шу сабабли биз достон мазмунини такрорлаб ўтирмай, фақат баъзи жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Аттор ўз достонини:

Шайх Санъон сирри аҳди хеш буд,
Дар камолаш ҳар чи гўям беш буд –

(Шайх Санъон ўз даврининг сири эди,
Камолоти, ҳар қанча таъриф этмай, ундан юқорироқ эди)

деб бошлайди. Бу сўзлар бутун қисса мазмунига калитдир. Дарҳақиқат, эллик йил Каъбада шайх бўлган, эллик марта ҳаж шартларини бажарган ислом динининг пешвоси аллақандай бир тарсо қизига хобида ошиқ бўлиб, ҳамма мартаба ва имтиёзларидан, орттирган обрўсидан воз кечиб йўлга чиқиши ва охир натижада тарсо қиз висолига етмоқ учун исломдан, имондан кечиб, ўзга динга ўтмоғи, унинг учун энг табаррук китоб «*Қуръон*»ни ўтга ёқиб, исломда энг ҳаром жонзот ҳисобланган чўчқаларни парвариш қилишга рози бўлмоқлиги – булар асло ҳирсу ҳавас туғёнининг белгиси бўла олмас эди. Унинг маънавий камолотини таъкидланиши ҳам бунга далолатдир. Аттор ирфонида Ҳақиқат ишқи, Навоий талқинидаги Мансур Халлож хаёл қилганидек, дунёдаги барча мазҳаб намояндаларини бирлаштира олиши мумкин бўлган умумий бир эътиқод сифатида тасаввур этиларди. Шу сабабли бўлса керак, Рум гўзалига ошиқ бўлиб, ўзлигидан буткул воз кечган шайхни ўз асарига марказий қаҳрамон қилиб олади.

Аммо XII асрда ҳануз шайх Санъон жасорати, маълум маънода, Атторнинг ўзи учун ҳам сир эди. Балким, шу сабабли буюк форс тасаввуф шоири ўз ғояларининг ҳимоясида изчил бўла олмади, унинг зиддиятли

тафаккури доимо «*ишқ*» ва «*имон»* орасида тараддудда турди. У ўз қаҳрамонини юрак билан ёқлайди, ақл билан қоралайди, ботиний эҳтирос билан кўкка кўтаради, зоҳирий мулоҳазалар билан ерга уради. Румдаги дайрда тарсо қизининг шоир томонидан ички ҳавас билан муфассал таъриф этилган сулув жамолини кўргач –

Шайх имон дод, тарсоий харид,
Оқибат бифрухт, расвоий харид.

(Шайх имонини қўлдан бериб, тарсоликни сотиб олди,
Келажак дунёсини сотиб, расволикни олди.)

Аттор қиссасини бошлашдан бурун —

Ишқро дарди бебояд пардасўз,
Гоҳ жонро пардадар, гаҳ пардадўз, —

(Ишқ дарди пардани куйдирувчи бўлиши,
Гоҳ жон пардасини йиртувчи, гоҳ тикувчи бўлиши лозим.)

деган эди. Бу сатрлар мазмуни шоирнинг ўзига тамомила дахлдордир. Шайхнинг инсонлар орасидаги барча зоҳирий тўсиқларни куйдиргувчи алангали муҳаббати Аттор дилидан учқунлангандир, шайх Санъоннинг ўтли нидолари орқали Ошиқ шоир ўзи «*пардани йиртиб чиқиб*», дил дардларини тўкиб солади ва яна қаҳрамон эҳтиросларини парда қилиб ўзини пана-лайди.

Қисса бошида ишқни имондан юқори қўйган шоир якунлашда яна қушлар Санъон ишқини фақат бир тамсил, «*ҳақиқий ишқ*» (Симурғ ишқи) йўлида рамз (аллегория) деб қабул қилганларига ишора қилади, яъни бадиий тафаккур даражасида замона ақидаларига риндона исён кўтарган ҳолда, суфий сифатида яна мўътадилликни сақлаб қолади.

Қушлар бир муддат олға парвоз этиб, йўлнинг поёнсиз машаққатларидан толиқадилар ва яна Ҳудҳуд билан ораларида баҳс бошланади. Қисқаси, то тариқат водийлари шарҳига ўтилгунча (тақрибан 1,5 минг байт давомида) ўн бешга яқин қушнинг Ҳудҳуд билан савол-жавоби берилади. Ҳар бир жавоб бир неча ҳикоят орқали далилланади.

Охирги қисм водийларга бағишланган. Йўлбошчи Ҳудҳуд навбатдаги қушнинг саволига жавобан аввал 7 водий (талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано водийлари)ни номма-ном санаб, сўнг ҳар бирини алоҳида васф этади ва ҳар сафар 5-6 ҳикоят билан тавсифни муайянлаштиради.

Асар охирида минг машаққат ичра ҳудудсиз йўл босиб, кўпчилиги сафар давомида қолиб кетган қушларнинг жуда оз қисми «ул Олий даргоҳ»га етиб борадилар:

Олами пур мурғ мибурданд роҳ,
Беш нарасиданд си он жойигоҳ.

(Улар йўлга тушгаида бир олам қуш эдилар,
Ул даргоҳга ўттизтадан ортиғи етиб келмади.)

Аммо улар етиб келган жой жуда маҳобатли бўлиб, бунда юз минглаб офтоб бир зарра каби арзимас туюларди. Ожиз ва бенаво ўттиз қуш қалбини яна қўрқинч ва умидсизлик қоплайди:

Кай падид оем мо ин жойигоҳ,
Эй дариғо, ранжбурди мо зи роҳ...

(Биз бу даргоҳда қандай ҳам кўзга ташлана олар эдик,
Эҳ, афсус, шунча йўл босиб тортган азоб-уқубатларимиз...)

Қушлар шундай тараддуд ичра турганларида парда ортидан «*Иззат човуши»* (ҳудайчиси) чиқиб келиб, улардан нега келганликларини сўрайди. Қушлар ўз аҳволларини баён этиб, биз шунча йўл босиб, дард чекиб, Симурғдан бизга подшоҳ бўлишини илтимое қилиб келдик, дейишади. Човуш жавоб қиладики, «*агар сизлар жаҳонда бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам у мутлоқ ва абадий подшоҳдир*».

«*Иззат човуши*»нинг бу хитобига жавоб сифатида Атгор парвона ва шам ҳақида ҳикоят келтириб, қушлар кайфиятини билвосита изҳор этади. Шу пайт умидсизликка тушган йўлчилар олдида «*ҳожиби лутф*» (мурувват дарвозабони) пайдо бўлиб, қушлар олдидаги пардаларни бирма-бир кўтаради ва уларни бир нурли парда қаршисига етказиб, «яқинлик остонаси»да «*ҳашамат ва иззат курсилари*»га ўтқазгач, қўлларига бир руқъа (хат битилган қоғоз) бериб, шуни охиригача ўқинглар, дейди.

Шоир шу ўринда Юсуф пайғамбар ва унинг биродарлари ҳақидаги ҳикоятни тамсил сифатида келтиради. Маълумки, отасининг севимли кенжа ўғли бўлмиш гўзал Юсуфни биродарлари рашк қилиб, саҳрода бир қудуққа элтиб ташлашган, сўнг савдогарга қул қилиб сотишган ва унинг кўйлагини қонга бўяб, йиртқичлар еб кетди, деб отасига хабар келтиришган эди. Орадан кўп ҳодисалар ўтиб, Юсуф тақдир тақозоси, ўзининг соф кўнгиллиги ва ақл-идроки туфайли Миср азизи даражасига етишади. Юртда қаҳатчилик бошланиб, очликдан қийналган акалари ўз биродарларини танимай, олдига нон сўраб келишади. Юсуф уларга айтади-ки, «*менда бир яҳудий тилида битилган ёзув бор, ҳеч ким уни ўқий олмаётир, агар сизлар шуни ўқишга ёрдам берсаларингиз, сизга қанча бўлса нон бераман*» (Юсуф ва акалари, ривоятдан маълумки, яҳудий эдилар. Мисрнинг ўша даврдаги аҳолиси эса бошқа, аниқроғи, қибтий тилида сўзлашар эдилар). Биродарлар шодмон бўлишиб, «*хатни келтир*», дейишади. Юсуф хат ўрнига биродарлари олдига ўзининг қонли кўйлагини келтириб ташлайди...

Ҳикоят ниҳоятда ибратлидир. Атторнинг юрагидаги бутун оғриқ яна бир карра шу тимсол орқали ярқ этиб юзага уради, шоир асос ғоясини қайта-қайта таъкид этади:

Чун нигоҳ карданд он си мурғи зор
Дар хати он руцъайи пурэътибор,
Ҳар чи ишон карда буданд он ҳама,
Буд карда нақши он тобон ҳама.
Он ҳама худ буд сахт, он буд лек,
К-он асирон чун нигаҳ карданд нек,
Рафта буданду тариқе сохта,
Юсуфи худро ба чоҳ андохта,
Жони Юсуфро ба хори сўхта,
В-онгаҳ уро бар сари бифрухта.

(Ул бечора ўттиз қуш эътиборга сазовор номадаги
Ёзувга нигоҳ ташлагач, (кўришдики)
Улар ҳаётларида нимайики иш қилган бўлсалар, барчаси
Ушбу (ёзув)да равшан акс этган эди.
У барчаси жуда оғир эди, лекин ул асирлар яхшилаб
Назар ташлашса, айни ўша қилмишлари эди,
Яъни улар ўзларига бир йўналиш олиб йўл босишган,
Аммо (йўл бошидаёқ) ўз Юсуфларини чоҳга ташлаб
юборган эдилар.
Юсуфнинг жонини хорлик билан куйдиришган,
Ва уни бир бегонага сотиб юборишган эди).
Аттор жўшиб кетиб хитоб қилади:

Минадони ту – гадойи ҳеч кас,
Мифуруши Юсуфи дар ҳар нафас.
Юсуфат чун подшоҳ хоҳад шудан,
Пешгоҳу пешво хоҳад шудан,
Ту ба охир ҳам гадо, ҳам гўрисна,
Пеши у хоҳи шудан тан бараҳна.

(Сен – ҳеч ким бўлмаган гадо, ўзинг билмай –
Ҳар нафасда бир Юсуфингни сотасан,
Юсуфинг подшоҳ бўлиб етишганда эса,
Олий зот ва етакчига айланганда эса,
Ўзинг охир-натижада ҳам гадо, ҳам оч ҳолатда
Яланғоч тана билан унинг олдига (тиланиб борасан).

Қушлар бундай қиёсдан шарманда ва уят ичра қолиб, соф йўқликка чўмдилар ва танлари тўтиёга айланди. Шундан сўнг улар буткул покланиб, янгидан жон пайдо қилдилар.

Чун нигаҳ карданд он си мурғ зуд,
Бешак он Симурғ он си мурғ буд.

(Ул ўттиз қуш тезлик билан нигоҳ ташласа,
Шак-шубҳасиз ул Симурғ ўша ўттиз қушнинг ўзи эди.)

Қушлар барчаси ҳайратдан бошлари қотади, «*бу*» қандай қилиб «*у*» бўлиб қолганини тушуна олишмайди. Ўзларига қарашса, «*си мурғ*» (ўттиз қуш), Симурғга боқишса, яна «*си мурғ»*нинг ўзи. Улар «*тилсиз*» (безабон) ул Олий даргоҳга савол қилишади, у ердан ҳам «*безабон»* жавоб келади:

...К-ойинаст ин ҳазрати чун офтоб,
Ҳар ки ояд хешро бинад дар у,
Жону тан ҳам жону тан бинад дар у.
Чун шумо си мурғ инжо омадид,
Си дар ин ойина пайдо омадид.
Гар чиҳил$_у$ панжоҳ мурғ оянд боз,
Пардаро аз хеш бегушоянд боз.
Гарчи бисёри ба сар гардидаид,
Хеш мибиниду худро дидаид.
Ҳеч касро дида бар мо кай расад.
Чашми мўри бар сурайё кай расад.
Дийдайи мўри ке сандон бар гирифт,
Пашша кай фили ба дандон дар гирифт...

(«...Бу офтоб каби (чарақлаган) даргоҳ кўзгудир,
Унда ҳар ким келса ўзини кўради,
Жон ва тан ҳам унда жон ва танни кўради.
Сизлар ўттиз қуш бу ерга келганларинг сабабли,
Бу кўзгуда ўттизта кўриндиларинг,
Агар бошқа сафар қирқта ё элликта қуш келса,
Яна ўзларининг юзларидан пардани кўтарадилар.
Агарчи кўп нарсаларни бошдан кечирган бўлсаларинг ҳам,
Ўзларингни кўриб келдиларинг ва ўзларингни
кўриб турибсизлар.
(Сиз каби) ҳеч ким бўлганлар нигоҳи бизга қачон етарди,
Чумоли кўзи билан сандонни яхлит кўриб бўладими ?
Пашша филни тишида бутун тишлай оладими?..)

Шоир хулосасидан шуни англаш мумкинки, аввало Олий мутлақ Борлиқ ўзга нарса, унга интилувчи «*толиблар*» – ўзга; қолаверса, камолот йўлининг охирида ҳам улар ўз аксларини, ўз қилмиш-қидирмишларинигина кўрадилар, фақат улар ўз «*Юсуф*»ларини олдиндан чоҳга ташламасликлари маъқул, яъни доимо ўз сийратларини пок сақлаб қолишга уринмоқлари, булғанчликка берилмасликлари лозим. Асар бошида айтилган «*ниманики излаётган бўлсанг, нимагаки интилаётган бўлсанг, ўша сен ўзингсан, ўзингни англа, яна юз*

маротаба ўзингни англа» деб қилинган хитобнинг маъноси ҳам шу, яъни инсондаги Поклик ундаги Олий зот нишонасидир, деган ақида. Шоир ғояларининг ижобий руҳи шунда. Аммо, кўриб ўтганимиздек, бу ижобий ният Атгорда изчил эмас. У бани башарнинг моддий ҳаёт чегарасида ўз поклигини сақлаб қола билишига ишончсизлик билан қарайди.

Атторнинг ирфоний қарашларида ўша таҳликали замонлардаги адолатсизлик, ижтимоий нотўкисликлардан қониқмаслик, норизолик кайфияти намоён бўлди, аммо бу кайфият, объектив олганда, умидсизлик, моддий инсоннинг маънавий қудратига ишончсизлик кўринишида юзага чиқди. Биз агар шоирни тўғри тушунсак, моддий ҳирсу ҳавасларга ружу қўйиш ўша жамиятда фақат бир гуруҳ тўқликка шўхлик қилаётган фосиқларгагина алоқадор эди, бир бурда ҳалол луқма учун астойдил тер тўкиб ўтаётган меҳнаткашнинг нима нопоклиги бор эди, ахир? Аммо Аттор инсон руҳидаги шаҳват ва ғафлат, кибр ва ғазаб олудалигини ижтимоий жараёнлардан алоҳида, фақат бир умумий, мавҳум инсон фитратига хос нуқсон сифатида кўриб, ҳалол ва меҳнаткаш инсонни ҳаромтомоқ, қорин тўқлигидан эрмакталаблик кўчасига юз бурган фосиқ каслардан моҳиятан фарқ қила билмади. Унинг умри охиридаги асарларида намоён бўлган фожеъ руҳ, моддий дунё ислоҳидан умидсизлик кайфиятларининг илдизи ҳам, назаримизда, шу сабабдан эди.

34. Жалолиддин Румий. «*Дилдаги нур...*». *«Маснавийи маънавий»*нинг бош ғояси ҳақида

Даҳр аро нур - акси офтобу Суҳо,
Дилдаги нур — акси анвори Худо...[1]

Алишер Навоий «*ҳақиқат тариқининг суханвари*» деб улуғлаган буюк ирфоний шеърият ижодкори кўп асарлар яратган. Аммо улар ичида энг машҳури «***Маснавийи маънавий***»дир. Бу асарнинг маънавият оламидаги юксак мавқеини унга ёзилган шарҳларнинг кўплигидан ҳам билса бўлади. Мустақилликгача барча тасаввуф намояндалари сингари Румий ижодига ҳам «реакцион» тамғаси босилгани сабабли, ўзбек тилида унинг бирор асаридан тузукроқ парча ҳам эълон қилинган эмас, у ҳақда тадқиқот юритиш ҳам мақсадга мувофиқ саналмаган эди. Мустақиллик шарофати билан иқтидорли шоир Жамол Камол таржимасида «***Маснавийи маънавий***»нинг 6 дафтари (жилди) тўлиқ нашр этилди. Бунга қўшимча марҳум шоир Асқар Маҳкам «*Маснавий*»ни туркиялик маснавийшунос

[1] Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. – Т., 2005. – С. 112.

олим Мавлоно Обиддин Пошшо шарҳлари билан биргаликда таржима қила бошлаган эди ва бу таржиманинг биринчи ва иккинчи жилдлари ҳам нашрдан чиқди[1]. 2006 йилда тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний таржимасида Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг «*Мифтоҳ ул-асрор*» («Сирлар калити») асари «Мусиқа» нашриётида чоп этилди. Бу асар ҳам «***Маснавийи маънавий***»нинг шарҳидир. Маълумки, улуғ ўзбек шоири Раҳимбобо Машрабга нисбат берилувчи «*Мабдаи нур*» асари ҳам Жалолиддин Румий китобининг шеърий шарҳи бўлиб, бу асар ҳам илк маротаба мустақиллик йилларида (1994 йилда «Фан» нашриётида) филология фанлари доктори, профессор Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ ташаббуслари билан нашр этилиб, китобхонлар қўлига етиб борди. Бу асарда Исматуллоҳ Абдуллаев гувохлик беришича, «Маснавий»нинг 40 байтига шарҳ берилган. Олимнинг айтишича, бу асарни тўлиғича Румийга шарҳ деб аташ қийин. Аммо «***Маснавийи маънавий***»дан таъсирланиб ёзилгани аниқ. Яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, «***Маснавий***»нинг турли нашрларида байтлар сони турлича келади. Масалан, 1379-80 йилларда Эронда нашрга тайёрланган (милодий 1960 йиллар) нусхасида байтлар сони Жамол Камол таржимасига асос бўлган нусхадан анча кўп. Бундай ҳолат бу улуғ асарнинг матний таҳлили ҳануз қиёмига етмаганини англатади. Умуман румийшуносликда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ҳозирча мавжуд имкониятлар доирасида «***Маснавийи маънавий***»нинг ички қурилишидаги ўзига хосликлар ва унинг мазмунида акс этган ирфоний қарашлар хусусида қуйидаги дастлабки мулоҳазаларни баён қилиш билан чекланамиз.

Тасаввуф адабиёти кўп маъноли тушунча бўлиб, унга биринчи навбатда тасаввуф назариясига оид илмий-фалсафий асарлар (Ибн ал-Арабийнинг “*Футуҳот ал-Маккия”, “Фусус ал-ҳикам*”, Мансур Ҳалложнинг “*Китоб ат-тавосин*”, Абдулкарим Жилийнинг “*Ал-инсон ал-комил”* каби асарлари), илмий изоҳловчи асарлар (Калабозийнинг *“Ат-таарруф ли мазҳаби аҳл ат-тасаввуф”*, Абу Толиб ал-Маккийнинг “*Қут ал-қулуб”,* Ҳужвирийнинг *“Кашф ал-маҳжуб*”, Шаҳобиддин Суҳравардийнинг “*Авориф ал-маориф*” каби рисолалари), тазкира типидаги асарлар (Сулламий ва Абдуллоҳ Ансорийларнинг “*Табақот ас-суфия*”, Атторнинг “*Тазкират ал-авлиё*”, Жомийнинг “*Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс*” каби китоблари), мақомот ва маноқиб китоблари (Фахриддин Али Сафий “*Рашаҳот ал-айн ал-ҳаёт*”, Муҳаммад Порсонинг “*Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд*”, Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорийнинг “*Анис ут-толибин ва уддат ус-соли-*

[1] Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий.Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб. –Т.: «Шарқ», 1999 йил, 368 саҳифа. Яна: Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий.Куллиёт. Биринчи жилд. Иккинчи китоб. –Т.: «Янги аср авлоди», 2007 йил, 274 саҳифа.

кин”, Хожа Абдулҳақнинг “*Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор*” каби асарлари), тасаввуфий тафсирлар (Саҳл ат-Тустарийнинг “*Тафсир*”, ас-Сулламийнинг “*Ҳақойиқ”*, Нажмиддин Кубронинг “*Айн ал-ҳаёт фи тафсир ал-Қуръон*” каби асарлари) тааллуқлидир. Буларнинг кўпчилиги насрий асарлар бўлиб, баъзи бадиий хусусиятларига қарамай асосан илмий-ирфоний ва тарихий-маноқибий рисолалардан иборат[1]. Бу турдаги асарлар бизнинг мавзу доирамизга кирмайди.

Иккинчи турга асосан мумтоз шеърият намуналари ҳисобланган тасаввуфий-ирфоний лирик ва эпик асарлар хос бўлиб, **Фаридидин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий**ларнинг достонлари ушбу йўналишдаги жаҳонга донг таратган асарлар сирасига киради. Уларнинг барчасида тасаввуфий-диний, тасаввуфий-ирфоний, тасаввуфий-ахлоқий ваъзлар ва катта-кичик ибратли ҳикоятлар бир-бирини қувватлаб келади. Аммо бу асарларнинг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар ҳам ёрқин намоён бўлган. Атторнинг “*Илоҳийнома*” ва “*Мантиқ ут-тайр*” асарлари яхлит сюжет асосига қурилган бўлиб, улардаги турли персонажлар ўз мулоҳазаларини исботлаш асносида катта-кичик турли ҳикоятлар келтиради. **Абдураҳмон Жомий**нинг “*Субҳат ал-аброр*” достони 40 боб (“*иқд*”)дан иборат бўлиб, ҳар бир боб муайян тасаввуфий-ирфоний ва тасаввуфий-ахлоқий мавзулар шарҳига бағишланган ва ҳар боб охирида мавзуга мувофиқ бир ҳикоят келтирилади.

Жалолиддин Румий асари эса ўз ички қурилишига кўра тилга олинган ҳар икки асардан жиддий фарқ қилади. Биринчидан, унда бутун асарни қамраб олган яхлит эпик сюжет мавжуд эмас. Иккинчидан, асар композицияси **Жомий** достонидагидек қатъий бир ташқи низомга бўйсундирилмаган, балки эркин бир тартибда филбадиҳа янглиғ ижод этилган. Хуллас, румийшунос олимлар ҳақли таъкидлаганидек, 14 йил давомида мавлононинг содиқ муриди Ҳисомуддин Чалабий жонбозлиги ва кўмаги билан яратилган 6 дафтардан иборат бу улкан маснавий мазмун-моҳиятини тўғри англаб етиш ўта мушкул ва мураккаб ишдир.

Аввало, нусхалар аро тафовутлар ҳақида. Масалан, ҳозир қўлимизда мавжуд бўлган уч матнни қиёслаб кўрайлик. Улардан бири – Эронда 1379 ҳижрий қамарийда (1960 милодий йилида) Абдурраҳим бин Абулфазл Зинжоний тайёрлаган нусха, иккинчиси марҳум шоир Асқар Маҳкам таржима ва шарҳи билан ҳозирлаган нусҳа, учинчиси – Жамол Камолнинг ўзбекча тўлиқ таржимаси бўлиб, ҳар уч нусха матни бир-биридан анча-мунча фарқ қилади. Масалан, Асқар Маҳкам ва Жамол Камол тар-жималарида асар бошланишидан то подшоҳ ва канизак ҳақидаги биринчи

[1]Тасаввуф адабиётининг турлари Б.Н.Назаровнинг “Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадиий-услубий хусусиятлари” китобида (Т.,“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007. –С.11-26) батафсил таснифланган.

ҳикоят бошланишигача 35 байт бўлса (Асқар Маҳкам асл матнни ҳам бериб борган), Теҳрон нашрида бу бошланиш қисм 52-байтда тугалланиб, 53-байтдан ҳикоят бошланади (яъни 17 байт қўшилган). Энди ҳар икки таржимани қиёслайдиган бўлсак, 266-байтдан бошлаб Асқар Маҳкам келтирган матн мундарижаси Жамол Камол таржимасидан мутлақо фарқ қилиб, бошқа мавзуга ўтиб кетган (Жамол Камол таржимасидаги 3330-байтга мувофиқ келади) ва бундай чалкашликлар Асқар Маҳкам нашрининг охиригача давом этади (марҳум шоиримиз ўз таржимасини охирига етказишга муваффақ бўлмади). Демак, биз таҳлилда қайси нусхага таянишимиз дуруст бўлади деган саволнинг ўзига ҳали қатъий жавоб йўқ. (Аслида Р.Никольсон тайёрлаган илмий-танқидий матн билан Муҳаммад Истеъломий нусхалари ҳам ўзаро тўлиқ мутаносиб эмас.) Маснавийнинг ҳажми ҳақида ҳам турли олимлар турлича рақамлар келтирадилар, Ориф Усмон 25700 байт санаса[1], Асқар Маҳкам 26840 байт деб келтиради[2], "*Гулшани адаб*" китобида 26000 байт дейилади[3].

Энди асарнинг композицион ва мазмуний мураккабликларини ҳис этиш учун асар бошланишидаги бир кичик қисса таркибини енгил таҳлил этиб кўрайлик. "*Маснавийи маънавий*" эпик асар деб айтдик, аммо эпик, яъни воқеабанд асарлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, **Фаридидин Аттор**нинг "*Илоҳийнома*" асарини оладиган бўлсак, унда ислом минтақа адабиётининг аксарият йирик эпик асарларига хос анъанага тўлиқ риоя қилинган, яъни достон ягона Аллоҳ ҳамдидан бошланиб, Расули акрам (сав) наъти, унинг меърожи тасвири, чаҳорёрлар васфи берилади, шундан сўнггина "*Руҳга хитоб*" келади[4]. "*Маснавий*"да, маълумки, бундай тартиб мутлақо кузатилмайди. Аттор достонида бир қисса бошлангач, воқеалар изчил баён этилади, қисса қаҳрамонларининг суҳбати орасида ибрат тарзида келтирилган ҳикоятлар ҳам шу тарзда изчил давом эттирилади. Мавлавийда эса мутлақо бошқача ҳолат. "*Найнома*"дан бошланган ирфоний ваъз яна қатор байтларда давом этади. Юқорида эслаб ўтганимиздек, бу қисм таржимага жалб этилган матнларда 34 байт бўлса, қўлимиздаги Теҳрон нашрида 52 байтдир[5]. Таржима матн ва Теҳрон нашри орасида то 14-байтгача фарқ йўқ. Аммо 14-байтдан бошлаб Теҳрон нашрида янги 4 байт қўшилган ва натижада "*Найнома*" хулосаси унда 18-байт эмас, 23-байтга тўғри келиб қолган. Кейинги қўшимча байтлар ҳам ора-орага шундай аралашиб келаберади. Бу фарқларни баён қилишдан мақсадимиз матншунослик муаммоларига эътибор қаратиш эмас. "*Найнома*"нинг 18-байт экани машҳур гап. Аммо оддий китобхон учун орада

---

[1] Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. (Жамол Камол таржимаси). –Т.: "Фан", 2005. –С. 10.

[2] Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. Биринчи китоб. (Асқар Маҳкам таржимаси – шарҳи билан). –Т.: –"Шарқ", 1999. –С.18.

[3] Гулшани адаб. Намунаҳои назми форсу тожик. Жилди 2. –Душанбе: "Ирфон", 1975. –С.13.

[4] Шайх Фаридидин Аттор. Илоҳийнома. –Т.: "Мусиқа", 2007. –С.18-50.

[5] Куллиёти Маснавийи Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румий. (Бо тасҳиҳи комил). – Теҳрон, 1379 қамарий. Саҳ. 1-2.

қўшилган байтларни бегона санаб ажратиб олиш ўта мушкул масала, чунки баён тарзида сезиларли фарқ йўқ.

“*Маснавий*”даги биринчи қисса “*Подшоҳ ва унинг канизаги ҳақида”* бўлиб, ўзбекча таржималар асосидаги матнда 36-247 байтларни ўз ичига олади. Жами 212 байтдан иборат ушбу парча таркибини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, тоза воқеабанд тасвир унинг ярмидан ҳам озроғини ташкил қилганлиги маълум бўлади. Қолгани эса турли мавзулардаги ваъз ва шарҳлардан иборат. Батафсилроқ кўриб чиқайлик: Воқеа бошланишидан 5 байт соф тасвир берилади, сўнг икки байт шарҳ:

Эшаги бор эрса, жабдуқ йўқ эди,
Топди жабдуқ, эшагин бўри еди.
Кўза бор эрканда сув йўқ эди,бас,
Сув топилди – кўзага етди шикаст[1].

Бу шарҳлар канизакнинг касалланиши билан боғлиқ бўлиб, оддий ўхшатишларга қурилган, ирфоний маънолардаги ваъз эмас. Кейин яна тасвир давом этади – подшоҳ табибларга мурожаат қилади. Табиблар мақтанишга берилиб, “Иншооллоҳ” дейишни унутишади. Шу баҳонада яна икки байт шарҳ киритилади. Яна тасвир давом этиб, сирли табибнинг шоҳга кўриниши баҳонасида 71-байтда қуйидаги ирфоний шарҳ келтирилади:

Сулҳу жанглар ҳам хаёл эрса не тонг,
Фахру нанглар ҳам хаёл эрса не тонг.

Қисқаси, то 77-байтгача воқеабандлик (42 байт давомида) кескин бузилмаган. Аммо 78-байтдан бошлаб “*Худованди валий ут-тавфиқдин ҳамиша тавфиқ ва адаб риояти сўралгани ҳамда беадабликнинг касофатию зарарлари баёни*” сарлавҳаси остида 15 байт давомида диний-ирфоний ваъз берилган. Кейин яна воқеа давом этади. Шоҳ меҳмон табибни бемор каниз ёнига бошлаб келади, табиб бемор аҳволидан хабар топади. Канизнинг касаллиги тана оғриғидан эмас, балки ошиқликдан эканлиги аниқланади. Шу жойдан бошлаб шоир “*дарди ишқ*” изҳорига ўтади. Орада Шамс Табризий ҳам эслаб ўтилади. Бу мавзудаги “*шарҳу баён*” 34 байт (109-142 байтлар) давом этади. Фақат 143-байтдан Мавлавий воқеа баёнига қайтади. Илоҳий ҳакимнинг канизак дардини аниқлаш ҳаракатлари 144-байтдан бошланиб, орада яна 7 байт (150-156 байтлар) тикан ҳақидаги, 4 байт (175-178 байтлар) сирни сақлаш фойдаси ҳақидаги, 2 байт (180-181 байтлар) ваъдалар ҳақидаги шарҳлар билан 205-байтгача (49 байт) давом этади. 206-байтдан яна воқеанинг шарҳи бошланиб, 210-байтдан заргарнинг ўз аҳволига муносабати баён этилади (210-216 байтлар), аммо заргар тилидан айтилган мисралар ҳам шоир тилидан берилган шарҳнинг давомидай таассурот қолдиради. Яна бир байтда воқеа хулосаси

[1] Мисоллар асосан Жамол Камол таржимасида келтирилди.

берилади, қолгани яна ваъз (218-222 байтлар). Кейинги боб (223-247=25 байт) тўлиғича "*Заргарнинг заҳар бериб ўлдирилиши ҳавойи нафс ёхуд ёмон бир ниятнинг натижаси бўлмай, балки ишорати илоҳий эканлиги баёни"*га бағишланган. Демак, "*Подшоҳ ва унинг канизаги ҳақида"*ги қиссага бағишланган 212 байтнинг 108 турли мавзудаги шарҳ ва ваъзлардан иборат бўлиб, фақат 104 байтигина воқеа тасвирига бағишланган. Албатта, воқеабанд тасвир орасида ваъзга ўтиб кетиш ҳусусияти Аттор асарларида ҳам учрайди, аммо "*Илоҳийнома*"да ота ва ўғил суҳбати, "*Мантиқ ут-тайр*"да қушлар воқеаси асар композициясини яхлитлаб тургани учун бу нарса асарнинг умумий руҳига катта таъсир қилмайди[1].

Энди муаммонинг асосий жиҳати – мазмуний томонига эътибор қаратайлик. Эпик асар мазмуний мундарижасида тасвир, васф ва шарҳ, ваъз каби турли қисмлар ўзаро ўрин алмашиб келар экан, буларнинг ҳар бирида тил воситаларидан бадиий матн яратишнинг ўзига хос усуллари қўлланилади[2]. **Воқеабанд тасвир**да, юқорида қайд этилганидек, от сўз туркумига оид сўзлар кўпроқ денотатив маънода, турли замон ва шахс-сон қўшимчалари олиб келган феъллар ҳаракатни ифодалаб келса, **васф**да муайян шахс ёки нарса-ҳодисалар турли ташбиҳ ва истиоралар воситасида сифатланади. Масалан:

Кўрди ул ногоҳ келарди бир киши,
Чеҳрасида нури офтоб тобиши.
Ул келар эрди мисоли бир ҳилол,
Борлиғу йўқлик унинг олдида лол[3]**.**

Ушбу парчанинг биринчи мисраси воқеабанд тасвир бўлиб, қолган уч мисраси бадиий тавсифдир. Шарҳга мисол:

Тарки истисно дейишликдан мурод,
Ул кўнгил ботиллигидир, бенажот.
Ушбу истиснони бир зикр айламай,
Жонни истисноға берганлар талай.

Келтирилган парча қисқа бир шарҳ намунаси бўлса, Подшоҳ ва канизак ҳақидаги қиссанинг таркибида келган "*Тавфиқ ва адаб риояти ҳамда беадабликнинг касофатию зарарлари баёни*", "*Заргарнинг заҳар бериб ўлдирилиши ҳавойи нафс ёхуд ёмон бир ниятнинг натижаси бўлмай, балки ишорати илоҳий эканлиги баёни"* деб номланган боблар тўлиғича тилга олинган мавзуларнинг ваъз йўсинидаги шарҳидан иборатдир.

---

[1] Ваъз, яъни дидактика тасаввуф адабиётига кўп жиҳатдан хос бўлиб, туркий тилдаги суфиёна адабиётда бу ҳолат айниқса кучли намоён бўлган.

[2] Ҳозирги замон адабиётида бадиий матннинг мазмуний турлари ҳақида қаранг: М. Йўлдошев. Бадиий матн лингвопоэтикаси, саҳ.104.

[3] Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб, с.22. Масалани мураккаблаштирмаслик учун фақат таржима матни берилди.

Ваъзнинг оддий шарҳдан фарқи асосан унинг китобхонга қаратилган маълум мавзудаги **эҳтиросли нутқ** эканлигидир. Масалан:

Этса сенга зулмату андуҳ зуҳур,
Боиси бебоку густоҳлик эрур...[1]
Сен гумон этдинг-ки ифлос қилмиши,
Қилмишида тозалик эрди иши...[2]
Сен ўзингдин гар қиёс этдинг, бироқ,
Кўп йироқ тушдинг, назар сол яхшироқ.[3]

Биз "*сен"* деб аниқ кўрсатилган жойларини мисол келтирдик. Баъзан бундай аниқлик очиқ ифодаланмаса ҳам шеърнинг умумий руҳидан ваъз услуби сезилиб туради.

Эҳтиросли нутқнинг яна бир намунаси **"*дарди ишқ*" изҳори,** ёки шоирнинг кўнгил дардлари баёни бўлиб, бунинг мисолини, юқорида ҳам эслаб ўтганимиздек, табиб канизакнинг беморлиги ошиқлик, ҳижрон дарди эканлигини билгандан кейин бошланган 34 байтли лирик чекинишда кўриб ўтдик. Румийнинг ирфоний туйғулари айни шу парчада ўзини ёрқин намоён этади:

Дарди ошиқ ўзгадир олам аро,
Ишқ – устурлоби асрори Худо.
Ул тараф ё бул тарафдинму келур.
Ишқ бизга ул сари раҳбар эрур...[4]

Мумтоз адабиётимиздаги шеърий достонлар лиро-эпик жанрга оид ҳисобланади. Улардаги айни шу "изҳори дил" ўринлари, улар хоҳ шоир тилидан бўлсин, хоҳ у ёки бу асар қаҳрамонлари тилидан бўлсин, эпик тасвирга лирик руҳни пайвандлайди. Воқеабанд тасвир, васф, ошиқ ва маъшуқаларнинг "изҳори дил"лари ўзаро уйғунлашиб лиро-эпик асар бунёдга келади. Аммо тасаввуф адабиётида буларга қўшимча ирфоний шарҳ ва ваъзлар ҳам асар мазмуний мундарижасини мураккаблашишига сабаб бўлган. Буларнинг барчасини назарда тутмай туриб тасаввуфий адабиётга оид асарни тўғри таҳлил қилиб бўлмайди.

Юқорида тилга олинган хусусиятлар барчаси асар матни ичидаги омиллардир. Аммо тасаввуф адабиётининг мақсад-мазмунини тўлиқ намоён бўлиши учун булар ҳануз етарли эмас. Тасаввуфий асар мазмунини тўлиқ англаб етиш учун мавжуд матн чегарасидан ташқари чиқиш, экстралингвистик омилларни ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Ўз навбатида, мавжуд матн чегарасидан ташқаридаги таъсирлар ҳам икки

[1] Шу китоб, с.24.
[2] Шу китоб, с.36.
[3] Шу китоб, с.37.
[4] Шу китоб, с.26.

турли бўлади. Биринчиси, мавжуд асар матнидан ташқаридаги **адабий-лингвистик омиллар**. Маълумки, мумтоз шарқ адабиёти **анъанавий адабиёт** ҳисобланади, яъни унда мавжуд адабий анъананинг таъсири ўта кучли. Румий асаридаги ҳар бир поэтик тимсол, ирфоний ишора, мажоз ва ташбиҳларни тўғри идрок этиш учун Қуръони карим матнини, Расулиллоҳ (сав) ҳадисларини, араб, ҳинд, форс мумтоз адабиёти анъаналарини, халқ оғзаки ижоди, жумладан, араб, форс, турк мақол ва маталларигача яхши билиш керак. Айниқса, "*Маснавийи маънавий*"да улар асосидаги очиқ ва яширин тазминлар ҳар қадамда учрайди.

Иккинчиси, том маънодаги **экстралингвистик омиллар** бўлиб, уларни тўғри топиш учун ўша давр тарихий-ижтимоий аҳволини яхши билиш, турли диний, илмий, тарихий мерос ва манбалардан чуқур хабардор бўлиш, ўша давр кишилар онгидаги диний, ижтимоий ва ирфоний тасаввурлар билан таниш бўлиш, тасаввуфий талқинлар, мақомотлар, маноқиб ва тафсирларни, ҳатто турли урф-одат ва хурофотларни ҳам яхши билиш талаб этилади. Масалан, бугунги кун кишиси "*Подшоҳ ва унинг канизаги ҳақида"*ги қиссани Жамол Камол таржимасида ўқиб, қониқиш ҳосил қилиши қийин. Айниқса, сирли "*ҳозиқ ҳаким"* томонидан заргарнинг заҳарлаб ўлдирилиши шоирнинг барча шарҳларидан кейин ҳам ҳозирги замон кишисининг назарида ниҳоят даражадаги адолатсизлик бўлиб туюла беради. Чунки биз шоҳни ҳам, канизакни ҳам, заргар ва табибни ҳам оддий инсонлар сифатида қабул қиламиз. Энди Асқар Маҳкам таржимасига илова қилинган шарҳга назар ташлайлик:

"Ушбу ҳикоятда шоҳ – ақл ва руҳдир. Канизак – нафси аммора. Унинг заргарга майли – дунёвий лаззатга гирифторлик. Ғайбий табиб нафснинг дардини англайди ва уни шифолайди. Ақлни шаҳват домидан қутқаради..."[1]

Обиддин Пошшо шарҳи айни Мавлавий кўзда тутган маънони билдиради, деб даъво қилиш шарт эмас. Асар матнида бу нарсага очиқ ишора қилинмаган. Унда фақат табибнинг иши илоҳий қазо ва қадар билан боғлиқ эканлиги таъкидланган, халос. Шу сабали бу асарга турли шарҳлар мавжуд. Бир нарса аниқки, "*Маснавий*" мазмунини англаб етиш учун мавжуд матннинг оддийгина таржимаси мутлақо етарли эмас[2].

"Маснавий" баҳонасида тасаввуфий эпик асардаги **воқеа қатлами**нинг мураккаб қурилиши, ундаги *васф* ва *шарҳ, ваъз* ва *"изҳори дил"* усуллари ҳақида бир қисса сюжети мисолида изоҳлар бериб ўтилди. Энди суҳбатни **маънолар майдони**га хос **ғоявий қатлам** даражасига кўчирамиз. Бунда энди асар **мазмун-моҳияти**ни матндаги **сўз шакли ёки**

[1] Жалолиддин Румий. Ма'навий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб, с.58.

[2] Исломшунос немис олимаси Аннемарие Шиммел нафс тарбияси ҳақида ёзар экан, ушбу сюжетнинг ботиний мазмунига алоҳида эътибор қаратади. Қаранг: Шиммел Аннемарие. Жонон менинг жонимда. –Т., 1999. –С. 65-66.

маънолари даражасида эмас, ҳатто улар асосига қурилган **бадиий тасвир** даражасида ҳам эмас, балки **Борлиқ ҳақиқатини идрок этиш** даражасида таҳлил қилиш талаб этилади. Асарга бу қатлам даражасида баҳо бериш учун юқоридагидек лингвопоэтик таҳлил натижалари мутлақо кифоя қилмайди, балки **экстралингвистик омиллар** ҳам тўлиқ инобатга олиниши талаб этилади. "*Маснавийи маънавий*" сингари ўта мураккаб ирфоний адабиёт намуналари учун бундай ёндошув инчунон лозимдир.

Минтақа маънавияти ривожининг ҳар бир босқичида ўша давр мукаммал маънавият тизимини ифодаловчи улуғ китоблар яратилган. Улардан энг қадимийси «*Авесто*» китоби бўлса, VIII-IX асрларда эътиборли ҳадис тўпламлари, X-XI асрларда Форобий ва Мотуридий, Беруний ва Ибн Сино, Фирдавсий ва Носир Хусрав, Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Қошғарий, ал-Маарий ва Абдуллоҳ Ансорий, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний асарлари, XII-XIII асрларда Абу Ҳамид Ғаззолийнинг «*Иҳёу улум ад-дин», «Кимёйи саодат»* китоблари, Саноий ва Низомий, Аттор ва Румийларнинг ирфоний мероси шулар жумласидандир. Ушбу сирада улуғ мавлоно **Жалолиддин Румий** меросининг ўрни ва мавқеи алоҳидадир.

XIII аср иккинчи ярмида яратилган «Маснавийи маънавий» асари тасаввуф маънавиятининг олий такомилини ўзида ифодалаган қомусий асардир, уни ислом минтақа маданияти давридаги форс мумтоз шеърияти такомил босқичларидаги ўрнини тўғри англаб етмай туриб, Жалолиддин Румийнинг минтақа маънавий ривожига қўшган ҳиссасини аниқ белгилай олиш қийин. Мусулмон минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомилнинг биринчи поғонаси бўлмиш Сунна босқичи диққат марказида имон-эътиқод ва у билан боғлиқ ҳолда, ислом ахлоқи ва ислом ҳуқуқи масалалари турган бўлса, иккинчи поғона – Ислом маърифатчилиги босқичида илм, яъни ягона Аллоҳ яратган оламни ақл ва тафаккурга таяниб ўрганиш долзарб масалага айланганини кўриб ўтдик. XII аср бошларидан эса имом Абу Ҳамид Ғаззолий мисолида кўнгилни поклаш ғоясини биринчи ўринга кўтарилди. Масаланинг бундай талқин этилиши сабаблари чуқур. Чунки имон дилда бўлади, илм эса ақл билан боғлиқ. Агар имон илм билан қувватлантирилмаса, фақатгина тақлид билан кифояланмоқчи бўлса, охир натижада ақидапарастликка, жаҳолатга олиб боради. Аксинча, агар илм имон билан бирлашмаса, имондан жудо бўлган ақл инсонни ўта хатарли залолатга маҳкум этиши мумкин. Яна Ғаззолий айтадики, *«дилнинг ич тарафидан олами малакут сари равзана – дарича, туйнук очиқдур»* (Ўша китоб, с.46). Бу «равзана» очилмоғининг шарти инсон ўз ботини, яъни руҳий оламини турли ҳою-ҳаваслардан покламоғи керак. Ғаззолийнинг фикрига кўра, зоҳирий илмлар ақл билан эгалланади, дил равзанаси очилиши эса инсонни ботиний илмлардан бохабар қилади.

Жалолиддин Румий XIII асрда яшади (1207-1273). Бу даврда тасаввуф таълимоти энг юқори босқичга кўтарилган эди. Фаридиддин Атторнинг

«*Мантиқ ут-тайр*», Ибн ал-Арабийнинг «*Футуҳоти маккия*» асарлари дунё юзини кўрган эди. Энди бемалол тасаввуф маънавиятининг мукаммал қомусини яратиш мумкин эди. Мавлоно айни шу ишни қойиллатиб амалга оширди. Демак, «***Маснавийи маънавий***» асарида минтақа маънавияти тараққиётининг учинчи поғонаси - Тасаввуф **тариқатлари** ёхуд **ирфон босқичининг** энг олий, энг мукаммал даражаси ўз ифодасини топгандир.

«*Маснавий*»нинг дастлабки мисраларини яна бир ёдга келтирайлик:

Бешнав аз най чун ҳикойат микунад,
Аз жудойиҳо шекойат микунад.
К-аз найистон то маро бебуриде анд,
Аз нафирам марду зан нолиде анд.
Сийна хоҳам шарҳа-шарҳа аз фироқ,
То бегўям шарҳи дарди иштиёқ...[1]

(Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.
Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нолишимдан эл ҳама ўртандилар.
Сийна истармен тўло дарду-фироқ,
Токи сўйлай шарҳи дарду иштиёқ...[2])

Най жудоликлардан шикоят қилмоқда, мени яхлит қамишзордан қирқиб олиб кетдилар, энди мен айриликдан сийнам тилим-тилим бўлиб (ўз аслимга, «*қамишзор*»га қайтиш) иштиёқи дардини шарҳлаш билан овораман, демоқда. Дил равзанаси олами малакутга очиқ бўлган ҳақиқий Ҳақ ошиғи ўз аслига интилмоқда, шу иштиёқ билан дили ўртанмоқда. Ана шу ҳолатни нақшбандия пирлари «*Сафар дар Ватан*» деб атаган, яъни ҳақиқий соликнинг руҳи баданда турган ҳолида бетиним ўз аслига интилишда эканлигини таъкидлаган эдилар.

Аллоҳ китобида «*Сизлар мендансизлар ва менга қайтажаксизлар*» – деган маънодаги оятлар кўп марта қайтарилади. Ислом маънавиятининг ўзак тимсол-тушунчаси Тавҳид ҳақиқати бўлиб, минтақа маънавиятининг турли босқичларида у турлича маъно кўламини ифодалаб келган. Жумладан, тасаввуфда "*тавҳид*" тушунчаси Ҳақ ошиғининг Ҳақиқий Борлиқ (Бақо) сари чексиз иштиёқ билан интилиши маъносида келади. Суфий Ҳақ билан, Боқий борлиқ билан бирликка, ягоналикка интилади, унинг моҳияти, ҳаётининг мазмуни шунда. Лекин бу интилиш ниҳоясиз жараёндир, чунки инсон тирик экан «*менга қайтажаксизлар*» ҳукми фақат башоратдир, воқелик эмас. Балки шу сабабдан ҳам «*Маснавий*»

[1] Румий Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. Куллиёти "Маснавий". (Бо тасҳиҳи комил). – Теҳрон, 1379 ҳижрий, с. 1.

[2] Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. (Жамол Камол таржимаси). –Т.: "Фан", 2005. –С. 17.

тугалланмай қолгандир. Шоир Ҳаққа қайтган, китоб эса уч нуқта билан якун топган - чунки инсоният маънавий юксалишдан тўхтагани йўқ.

«*Маснавийи маънавий*» беҳудуд маънавият уммонидир, биз аввало ундаги биринчи дафтар (Жамол Камол таржимасига кўра) 1133-1135 байтларда[1] ифода этилган фикрнинг шарҳига эътибор қаратмоқчимиз. Бу байтлар биринчисининг таржимаси ушбу фаслга эпиграф қилиб келтирилган. Асли форсий матнда бу байтда «*нур*» сўзи бевосита ишлатилмаган -

Ин бурун аз офтобу аз Суҳо
В-андарун аз аксе анвори Худо.

Асқар Маҳкам бу байт мазмунини, қалби жўшиб кетиб, шундай ўгирган:

Зоҳирий нур — офтобу моҳдан,
Ички нур Аллоҳдан, Аллоҳдан[2]*.*

Биз эътибор қаратган иккинчи байт «Маснавий»да орадан бир байт ўтиб келади:

Боз нур нури дилу нури Худост,
К-ў зи нури ақлу ҳис поку жудост.

*(*Нур – дилнинг нуридир, нури Худо,
У ақл, ҳис нуридин покдир, жудо*).*

Асқар Маҳкам нашр эттирган китобда яна байтнинг насрий баёни ҳам берилади: «*Нур кўнгил нуридир. У аслида Худонинг нури. Бу нур ақл ва ҳисдан покдир*»[3]**.** Демак, шоир таъбирича, дилдаги нур Аллоҳ нурларининг аксланишидан туғилади («*аз акси анвори Худо*») ва у инсон вужудидаги моддий аъзолар функцияси сифатида намоён бўлувчи ақл ва ҳис-туйғуларнинг ҳосиласи эмасдир. Бу ўриндаги «*илоҳий нур*» рамз бўлиб, уни «*файзи илоҳий*» деб ҳам атайдилар.

Ғаззолий инсон дилидан «*олами малакут*»га «*равзана*», яъни дарича, туйнук очилиши мумкин деганида, бу қандай юз беришини аниқ изоҳламаган, фақат гуноҳлардан покланиш ҳақида гапирган. Румий эса ана шу гуноҳлардан покланган инсон қалби Аллоҳ нурини ўзида акс эттириши ҳақида бизга хабар бермоқда. Аллоҳнинг раҳмати бутун оламга ёғилади. Аммо уни ўзида акслантира олиш учун инсон ўз кўнглини поклаши керак. Гап ана шунда. Фақат пок кўнгилгина худди соф кўзгу сингари Ҳақ нурини ўзида акслантира олади. Ғаззолий айтган «*ботин илми*» асосида ҳам айни шу ҳодиса яширингандир. Лекин бу ҳолатни ундан маҳрум инсонлар (кўнгил

---

[1] Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. (Жамол Камол таржимаси). –Т.: “Фан”, 2005. –С. 112.
[2] Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. Биринчи китоб. (Асқар Маҳкам таржимаси – шарҳи билан). –Т.: “Шарқ”, 1999. –С. 350.
[3] Шу китоб, с. 353.

кўзгусини чирк босган, Аллоҳ берган пўлат кўзгуга сайқал беришни билмай ёки хоҳламай, уни занглатиб юборган зотлар) бу бахтга муяссар бўлмайдилар, «*ботин илми*» уларга бегона, уларга Ҳазрати Хизр дуч келса ҳам «*Ҳа, битта паҳмоқсоқол тиламчи чолдир-да*» деб бепарво ўтиб кета берадилар. Шундай аҳволга тушишдан Аллоҳ ўзи сақласин.

Кўнгил кўзгусидаги зангни қандай восита билан кетказилади? Бу саволга Алишер Навоий аниқ жавоб берган:

«Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,
Йўқдур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо».

Яна гап «*майи вахдат*» (ягоналик майи)га келиб тўхтаяпти.

Жалолиддин Румийнинг "*Маснавийи маънавий*" асари нима ҳақида? Бу асарни рус тилига "*Поэма о скрытом смысле*" деб таржима қилишган. Аслида уни "*Поэма о духовности*" деб таржима қилиш керак эди. Чунки унинг бош ғояси **инсон ва инсоният нисбати** ҳақида. Маънавият нима? Маънавият ҳар бир инсоннинг инсоният олдидаги масъулиятидир. Инсоннинг бошқа жонли мавжудотлардан фарқи шундаки у ўзининг ўзга инсонлар билан боғлиқ эканлигини, ўзининг "***инсоният***" аталувчи яхлит моҳиятнинг ажралмас бир бўлаги, қисми эканлигини сезиб туради. Агар шуни сезмайдиган бўлса, уни энди ўзга биологик мавжудотлардан фарқи қолмайди, моҳиятан у энди инсон эмас.

Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.

Шарҳда баён қилинади: *"Най" истилоҳидан муддао, яъни зоти шариф Мавлоно Жалолиддин Румий кўзлаган мақсад ориф ва оқиллик мартабасига ноил бўлган* ***инсони комил****дир. Бу комил инсоннинг оғзидан ҳамиша ошиқона, лаззатбахш ва сермаъно сўзлар зуҳур этади.*

Байтнинг қуйи – иккинчи: "Айрилиқлардан шикоят айлагай" мисрасининг мазмуни қуйидагича: ориф ёхуд комил инсон руҳоний дунёдан (яъни асл ватанидан, унинг мангу ва барқарор руҳи ҳали бу фоний оламга инмаган чоғдаги маконидан) жудо бўлгандан сўнг, азият ва ёзуғлар тўла заминга тушганидан аччиқ шикоят қилади. Бу шикоят - норозилик, маҳзунликнинг бирдан-бир сабаби асл оламидан айрилишидир. "Най" - комил инсон бу мақомда ўз дарди ёхуд ўткинчи дунё дарди учун фиғону фарёд чекаётгани йўқ"[1]. (с.22) Ушбу шарҳ тўғрими? Уни "*нотўғри*" деб бўлмайди. Аммо "*нотўлиқ"*, дейиш мумкин. Нега? Чунки Румий шеърида "*айрилиқ*"дан эмас, "***айрилиқлар****дан ("Аз жудойиҳо") шикоят"* ҳақида сўз бормоқда. Яна Алишер Навоийга мурожаат қиламиз: "*Мавлоно Сирожиддин Қунявий – ул вақтнинг бузурги эрмиш. Аммо алар била хуш эмас эрмиш. Онинг қошида дебдурларки, мен етмиш уч мазҳаб била бирдурман. Тиладики, аларни*

[1] Маънавий маснавий. Биринчи китоб. (Асқар Маҳкам таржимаси). –С.22.

ранжида қилғай ва беҳурмат этгай. Бировни ўз яқинлариданки, донишманд эрди ва сафиҳ эрди йибордики, жамъ орасида Мавлонодин сўрғилки, сен мундоқ дебсен, агар иқрор қилса, сафоҳат қил ва оғзингдин келгунча сўк ва ранжида қил. Ул киши келди. Савол қилди, алар дедиларки, айтибмен. Ул киши муқаррар қилғон дастур била беқоида айтиб сафоҳат қила кириишти. Алар табассум қилиб дедиларки, булар била ҳам бирмен. Ул киши бағоят хижил бўлди ва қайтти."[1]

"*Най*" қамишдан ясалади. Форс тилида қамиш ҳам "*най"* аталади. (Масалан, шакарқамиш "*найшакар*" дейилади.) Қамиш эса бўғин-бўғин бўлади. Ана шу бўғин-бўғинларни ҳам "*жудойиҳо*" дейиш мумкин. Қисқаси, шоир айтган "***айрилиқлар***" бирмаъноли эмас, кўпмаънолидир. Инсон руҳининг руҳоний дунёдан айру тушганлиги, ҳар бир инсоннинг турли сабаб-баҳоналар билан ўзга инсонлардан ажралиб қолганлиги, инсоннинг турли ҳою-ҳаваслар пардасига ўралашиб қолиб ўз моҳиятидан узоқлашгани, табиат ва инсон аро уйғунликнинг бузилиши – булар барчаси шоирни қийноққа солаётган **жудоликлар** эмасми? "*Маснавийи маънавий"* асари ана шундай чексиз маънавий муаммоларга жавоб қидиришга бағишланган асардир.

«Най» ва «найистон» (қамишзор) нисбатини тасаввуфий маънодан «мажоз тариқи» босқичига олиб ўтсак, энди «бани башар» (Одам ато авлодлари) ва якка инсон нисбати ҳосил бўлади. Кейинчалик Саъдий айтади: *«Бани одам аъзойи йек-дигаранд».* Яъни, Одам авлоди барчаси бир-бирига нисбатда худди бир тананинг аъзолари каби боғликдир, бармоғингни тишласанг, бутун баданинг зирқирайди. Демак, кимки ўзини ўзга инсонлардан жудоликда ҳис қилса, ўзгаларни бегона деб тасаввур қилса, унинг жони азобда қолади, бу дунёда яшаши жуда қийин бўлиб кетади. Мана шу мутлақ ҳақиқатни тушунсак ва унга риоя қилишга интилсак, шундагина маънавиятли бўламиз, қалбимиз Ҳақ нурини акс эттира бошлайди. Қолган гаплар бекор. Яна Аллоҳ оятларини эслаб, гапимизни тугаллаймиз: «*Сумма кана мин аллазина аману ва таваасу бис-сабр ва таваасу бил-марҳама. Улаика асҳааб ул-маймана*» («Балад» сураси, 17-18 оятлар) Абдулазиз Мансур таржимасида шундай берилади: «*Сўнгра у (мазкур инсон) имон келтирган ва бир-бирларини сабр қилишга тавсия этган, бир-бирларини (бандаларга) марҳаматли бўлишга ундаган зотлардан бўлди. Ана ўша (фазилатларга эга бўлган зотлар) ўнг томон эгаларидир»*(«*Ўнг томон эгалари*» - «*жаннатий инсонлар*» деб тафсир қилинади).

Парвардигор ўзи яратган бандаларининг олдига қаттиқ талаб қўяётгани йўқ, чунки уларнинг ожизликларини яхши билади, шунинг учун аяйди. «Сабрли бўлинг, марҳаматли бўлинг» дейилаётгани йўқ, "бир-бирингизни сабрли бўлишга ва марҳаматли (раҳм-шафқатли) бўлишга ташвиқ қилинг", дейилмоқда. Шунга риоя қилсангиз, демак, маънавиятсиз

[1] Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. –Т.: «Фан», 2001. –С. 327.

эмассиз. Расулиллоҳ(сав) айтадилар: *«... то бир-бирингизга меҳр қўймас экансиз, қалбингизни имон нури ёритмайди*».

Шундай қилиб, тасаввуфий-ирфоний адабиёт XIII аср иккинчи ярмида Жалолиддин Румий ижоди мисолида ўзининг олий босқичига эришди. "*Маснавийи маънавий*" асарида ифодаланган тавҳид ғоясининг талқини илоҳий ишқ тараннумини **инсон ва инсоният нисбати,** ҳар бир инсоннинг нафақат инсоният, балки бутун Борлиқ олдидаги масъулияти масаласи билан уйғунлаштира олди. Аммо шу билан бирга тан олиш лозимки, буюк суфий бу ғояни ирфоний тимсолларга чўлғаб ташлайди, натижада фикр очиқ намоён бўлавермайди, қатор саволлар жавобсиз қолгандек бўлади[1]. Бир сўз билан айтганда, Навоийнинг теран нигоҳи пайқаганидек, Румий ижоди "*ҳақиқат тариқи*" доирасидан чиқиб кетмаган. Унинг ирфоний тимсоллар пардаси остидаги теран талқинлари замондоши Саъдий Шерозий ижодида энди очиқ-ойдин намоён бўлди.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Фаридиддин Атторнинг ижодий мероси ҳақида нимларни биласиз? Шоир ижодига оид қандай баҳсли фикрлар мавжуд?

2. Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонининг сюжети ва ғояси ҳақида сўзлаб беринг?

3. Шоир нима учун "Мантиқ ут-тайр" достонига Юсуф пайғамбар ва унинг биродарлари ҳақидаги ҳикоятни киритган?

4. Фаридиддин Атторнинг умри охиридаги асарларида намоён бўлган умидсизлик кайфиятларининг сабаби нима эди?

5. "Маснавий"даги "Подшоҳ ва унинг канизаги ҳақида"ги ҳикоятнинг мазмунини сўзлаб беринг.

6. Тасаввуф адабиётининг мақсад-мазмунини тўлиқ намоён бўлиши учун, уни тўлиқ англаб етиш учун қандай омиллар инобатга олиниши лозим?

7. "*Маснавий"*нинг дастлабки мисраларидаги най шикоятини қандай изоҳлаш мумкин?

8. "Маснавийи маънавий" асарининг лиро-эпик жанрга хос таркибий қимслари ҳақида сўзлаб беринг.

9. Жалолиддин Румийнинг асаридаги "най" истилоҳидаги муддао нимада?

[1] "Маснавий"нинг бу хислатини ўз вақтида машҳур озарбайжон маърифатпарвар адиби Мирза Фатҳали Охундов ўз қарашлари нуқтаи назаридан талқин қилиб бироз кескин сатрларда ифодалаб берган. Қаранг: Ахундов М.Ф. Обманутые звезды. Избранное. –М.: Гос. Изд. Худ.лит., 1963. –С. 385-392.

ЎН ТЎРТИНЧИ ДАРС

Дарснинг мақсади: *Абу Абдуллоҳ Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ҳаёти ва ижоди, Алишер Навоийнинг Саъдийга муносабати, Саъдий «Куллиёт»ининг таркиби, шоир ижодининг етакчи руҳи, унинг ғазал формасини мустақил жанр даражасига кўтаришдаги хизматлари, форс мумтоз адабиётида ғазал жанрининг такомили ҳақида тожик олими академик А.Мирзоев, рус олимаси М.Л.Рейснер, ҳинд олими Шиблий Нуъмонийларнинг махсус тадқиқотларида олға сурилган мулоҳазалар, ғазал жанри ривожида тасаввуфий-ирфоний шеъриятнинг ҳал қилувчи аҳамияти ва бунинг сабаблари билан талабаларни ҳаддулимкон таништириш.*

Таянч сўз ва иборалар: *Саъдий, форс ўлкаси, Шероз шаҳри, Шероз ҳокимлари – отабеклар сиёсати, , Бағдод, «Низомия» мадрасаси, "Мустансирия" мадрасаси, Абулфараж Абдурраҳмон ибн Жавзий, Шаҳобуддин Абу Ҳафс Умар ас-Сухравардий, Шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф хонақоси, Саъдийнинг «Куллиёт»и, "Бўстон", «Гулистон», ғазал жанри, А.Мирзоев, М.Л.Рейснер, Шиблий Нуъмоний, инсон маънавий тарбияси, инсонсеварлик.*

35. Саъдий Шерозий ва форс мумтоз адабиётида ғазал жанрининг такомили

Абу Абдуллоҳ Мушрифиддин ибн Муслиҳиддин Саъдий Шерозий[1] XII аср охирлари (1184 йил) ёки XIII аср бошларида (1203-1208 йиллар орасида) Шерозда туғилган[2]. Алишер Навоий "Насоим ул-муҳаббат" асари 716-фаслида унинг ҳақида шундай ёзади:

"*Сўфиянинг афозилидин эрмиш ва Шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф (қ.с.)нинг шариф буқъасининг мужовирларидиндур ва улумдин тамом баҳраси бор эрмиш ва одобдин комил насиби. Кўп сафар қилибдур ва ақолимни кезибдур ва неча қатла ҳажға яёқ боribдур. Суминот бутхонасиға кирибдур ва аларнинг улуғроқ бутин ушатибдур. Ва кибор машойихдин кўпининг хизматиға етибдур. Шайх Шаҳобуддин[3] суҳбатиға*

---

[1] Шоирнинг исми турли манбаларда турлича келтирилади. Масалан, М.Муиннинг изоҳли луғатида Мушрифиддин Муслиҳ бин Абдуллоҳ деб берилган бўлса, таниқли тадқиқотчилардан Рустам Алиев унинг тўла исмини Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушриф ибн Муслиҳ ибн Мушриф деб келтиради. Навоий ҳам Мушрифиддин Муслиҳ бин Абдуллоҳ деб келтиради.

[2] Р.Алиев шоирни 1203-1208 йилларда туғилган деб ҳисобласа, Тожикистонда нашр этилган "Гулшани адаб" кўп жилдли мажмуасида 1184 йил келтирилади. (Гулшани адаб. Жилди 2, Душанбе, "Ирфон", 1975,с.112.). Агар ёшлигида Бағдодда ханбалий мазҳабининг машҳур уламоларидан Абулфараж Абдурраҳмон ибн Жавзий (1116-1201) қўлида тарбия олганлиги ҳақидаги "Гулистон"да шоирнинг ўзи тилга олган маълумот чин бўлса, унда тожик олимлари келтирган тарих ҳақиқатга яқин бўлиб чиқади.

[3] Шаҳобуддин Абу Ҳафс Умар ас-Сухравардий (1145-1234)- Сухравардия тариқатининг машҳур тарғиботчи ва шайхларидан.

мушарраф бўлубдур ва алар била бир кемада дарё сафари қилибдур ва дебдурларки, муддати мадид Байт ул-муқаддасда ва Шом билодида сакқолик килиб, элга сув берур эрди. То Хизр(а. с.)га етишти ва ани инъом зулоли ва афзоли оби ҳаётидин сероб қилди. Бир қатла анга содоти акобиру ашрофидин бири била гуфтугўй воқеъ бўлди. Ул шариф кеча Ҳазрат Рисолат(с.а.в.)ни тушда кўрдиким, ул Ҳазрат анга итоб қилди.

Ул шариф уйғонди. Шайх хизматиға бориб, узрхоҳлиқ кўргузуб, истирзои хотири қилди. Машойихдин бири аларға мункир эрмиш. Бир кеча воқеада андоқ кўрдики, осмоннинг эшиклари очилди ва малоика нур табақлари била нозил бўлдилар. Ул сўрдиким, бу не нурдур? Дедиларки, Саъдий Шерозий учундурки, бир байт айтибдур ва ул байт Ҳақ (с. т.) ҳазратида қабул тушубдур ва ул байт будурки, б а й т:

Барги дарахтони сабз дар назари ҳушёр
Ҳар варақе дафтарист маърифати кирдикор.

[Ҳушёр киши назарида яшил дарахтларнинг ҳар бир япроғи
Яратувчи маърифатининг бир дафтаридир].

Ул азиз чун ул воқеадин уйғонди. Ҳамул ақшом шайхнинг зовияси эшигига бордиким, анга мужда еткургой. Кўрдики, чироғе ёқибдур ва замзама қиладур. Чун қулоқ солди, ушбу байт эрдики, ўқур эрди. Шайхнинт ашъори девони ва «Бўстон» маснавийси ва «Гулистон» китоби ва сойир кутуби ва расойили андин машҳурроқдурки, андин бирор нима ирод қилғай. Ғазалгўй акобиру шуаро олдида мундоқ муқаррардурки, ғазал тавриға Шайх мухтариъдурлар, жонсўхталар ва ишқибозларға ва дилафрўхталарға ва жонгудозларға филвоқеъ ғариб ҳаққе собит қилибдурлар. Шайх олти юз тўқсон бирда (мелодий 1292 йили – И.С.М.) шаввол ойи жумъа туни дунёдин ўтубдурлар”[1].

Саъдий ўта оғир ва таҳликали бир даврда яшаб ижод қилди. Ҳали бўлғуси шоир ўспиринлик пайтидан мўғул босқинчиларининг Ўрта Осиё ва Эронга ғоратгарона юришлари бошланиб кетган эди. Бу юришлар фалокати қай даражада бўлганлигини ўша даврдаги бир ривоятдан тасаввур қилиш мумкин. Унда ҳикоя қилинишича, мўғуллар Бухорони талон-тарож қилганларида бир киши қочиб Хуросонга етиб боришга муваффақ бўлган экан. Ундан хуросонликлар нима бўлганлигини сўрашса: «*Омаданд, канданд, сухтанд, кўштанд, бурданд»* (келдилар, илдизи билан қўпордилар, ёндирдилар, ўлдирдилар, олиб кетдилар) деб бешта сўз билан жавоб берган экан. Ҳақиқатан ҳам мўғуллар ўлкадаги ҳаётни таг-томири билан қўпориб ташлагудек қўрқинчли бир бало бўлиб келган эдилар. Айни

[1] Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. –Т.: «Фан», 2001. –С. 462-463.

шу даврда Ғарбдан христиан лашкарларининг исломга қарши салб юришлари ҳам давом этар эди. Саъдий сўзи билан айтганда замона «зангилар сочидек чигал» эди. Фақат 1256 йилдагина Чингизнинг набираси Хулагухон бутун Эронни босиб олиб, Илхонлар давлатини барпо этиши билан мўғул юришлари ниҳоясига етди.

Мана шундай оғир даврда шоир туғилган юрт Шероз бир оз тинчроқ ва вайронликлардан қутулиб қолган жойлардан бири бўлди. Бунга сабаб аввало Шерознинг бир оз четроқда бўлиши бўлса, иккинчи томондан, Шероз ҳокимлари – отабекларнинг тинчлик сиёсати эди.

Эроннинг жанубида Эрон кўрфази бўйларидаги тоғлар орасида жуда гўзал бир водий жойлашган бўлиб, ана шу ер форс ўлкасининг қадимий маркази Шероз шаҳри саналади. Шероз чиройли боғлар ва гулзорлар макони бўлгани учун ҳам уни гуллар ва булбуллар водийси деб аташган. Бу таъбир ҳам асл маъносида, ҳам мажозий маънода тўғри. Аввало, Шероз атиргуллари ва боғларини васф этган сатрларни биз ўтган аср Европа сайёҳлари асарларида кўп учратамиз. Қолаверса, бу шаҳар форс тилидаги мумтоз ада-биётнинг икки буюк ғазалгўй булбулига ошиён бўлди. Булардан бири Саъдий Шерозий ва иккинчиси ундан кейинроқ дунёга келган, ғазалнависликда Саъдий анъанасини давом эттириб, уни янада юксакликка – жаҳоншумул миқёсга кўтарган беназир шоир Ҳофиз Шерозийдир. Улар ҳар иккиси ҳам кўпгина шеърларида она юртлари Шерозни жуда баланд руҳ ва эҳтирос билан васф этадилар.

Шероз ҳукмдорлари оқилона сиёсат юритиб, ўлкани бир неча бор ғоратдан қутқарган эдилар. Масалан, форс ҳокими Музаффариддин Саъд бинни Занги Хоразмшоҳ ҳужуми вақтида унга ўлпон тўлаб, тобелик изҳор этган эди. Эндиликда мўғуллар ҳужум қилиб келганларида Музаффарнинг ўғли Абубакр бинни Саъд ҳам шундай йўл тутди. У мўғуллар Эронга етиб келмасдан илгари форс вилояти вакилларииии мўғуллар пойтахтига юборди. Улар жуда катта туҳфалар билан бориб, Шероз ҳокими мўғул-ларга тобе эканлигини изҳор қилдилар. Шундай қилиб, Шероз яна омон қолди, ҳокимият эса Отабеклар қўлида сақланиб қолди.

Бу тадбирни тўла қувватлаган Саъдий «Бўстон»нинг кириш қисмида Абубакрни мадҳ этади ва воқеани яъжуз-маъжузлар йўлини тўсган афсонавий Искандар деворига ўхшатиб, шундай дейди:

...Скандар ба девори руину санг,
Бикард аз жаҳон роҳи Яъжуз танг.
Туро садди Яъжузи куфр аз зар аст,
На руин чу девори Искандар аст.

(Искандар Яъжузнинг йўлин қилиб тор,
Биринжу харсангдан қурганди девор.
Тиллодан қуйдинг куфр Яъжузига тўсиқ,
Искандар саддидек унда биринж йўқ.)

Мана шунинг учун ҳам Шероз XIII асрда Ўрта Осиё ва Эрондагина эмас, бутун Ўрта Шарқ халқлари маданиятининг муҳим марказларидан бирига айланиб қолган эди. Мусулмон Шарқининг кўп жойларидан тинч ҳаёт қидирган олимлар, шоир ва ёзувчилар Шерозга кела бошлаган эдилар.

Шайх Саъдий ижоди ҳақида ҳар хил тилларда жуда кўп ёзилган ва гапирилган бўлса-да, бироқ унинг биографияси ҳануз батафсил аниқланган эмас. Шоир ҳаёт йўлини чизиб беришга интилган олимлар одатда шоирнинг асарларида, айниқса, «Гулистон» ва «Бўстон»да ўзи ҳақида келтирган ҳикоялар ва айрим киноялар, эсдаликларга қараб унинг биографиясини тиклашга ҳаракат қиладилар. Дарҳақиқат, Саъдий асарларида, айниқса, «Гулистон»да ўзи ҳақидаги сатрлар, ўз ҳаётидан олинган ҳикоялар кўп учрайди. «Гулистон»даги ҳикояларнинг кўпида тўғридан-тўғри Саъдийнинг иштироки бор, айримлари эса «Мен бир дарвешни кўрдим...», «Бир киши бизнинг карвон билан борар эди», «Мен фалон шаҳарда...», «Бир дўстим...» ва ҳ. к. каби сўзлар билан бошланади. Аммо бу ҳикояларнииг барчасини Саъдий биографиясига оид деб қабул қилиш ҳам тўғри бўлавермайди. Чунки уларнинг бир қисми адабий-бадиий приём бўлиб, шоир шахсияти унда Шарқдаги анъанага мувофиқ ҳикояга ҳақиқий, ҳаётий воқелик тусини бериш учун киритилган бўлиши мумкин. Бундай адабий маълумотларни тарихий фактлар билан қиёслаб текшириб чиқиш ўта мушкул иш бўлганлигидан ҳанузгача бу соҳада баҳсли ўринлар етарли.

Шоирнинг отаси Мушриф Шерозий ўртамиёна руҳонийлардан бўлиб, Шероз ҳокими Отабек саройида хизмат қилар эди. У ўғлини ҳам руҳонийликка тайёрлаб ўқита бошлади. Саъдий ўз отасини юмшоқ табиатли меҳрибон киши сифатида тасвирлайди ва ўз асарларида турли сабаблар билан унинг берган сабоқларини, васиятларини эслаб ўтади. Лекин унинг ота соясидаги бахтли ёшлиги узоққа чўзилмайди.

10–11 ёшларида етим қолган Саъдийга саройдан нафақа тайинланган бўлса-да, оиланинг иқтисодий аҳволи унча енгил бўлмаган. «Гулистон»даги баъзи ҳикоялардан маълум бўлишича, унинг акаси майда савдогарлик билан умр кечиришга мажбур бўлган. Саъдий ўспиринлик давридаёқ таълим олиш учун Бағдодга йўл олади. Ҳали мўғуллар ҳужумидан омон бўлган Бағдод XII аср охирлари – XIII аср бошларида Шарқнинг улкан илм марказларидан бири эди. Бу ерда ўша замоннинг машҳур кишилари, катта олимлар, шоирлар, сухан устодлари тўпланган эди. Бу шаҳарда жуда кўп ўқув юртлари, минглаб жилд китобларга эга бўлган кутубхоналар мавжуд эди.

XI асрда яшаб ўтган улкан давлат ва маданият арбоби Низомулмулк (вафоти 1092 йил) салжуқийлар давлати ҳудудида – Бағдод, Басра, Мосул, Исфаҳон, Омул, Марв, Нишопур, Ҳирот ва Балх шаҳарларида кўплаб мадрасалар очган эди. Булар орасида энг йириги ва бутун Шарққа машҳур бўлиб кетгани Бағдоддаги «Низомия» бўлиб, уерда бир пайтлар 6000 шогирд таълим олган. Жуда кўп донишмандлар, шоирлар, олимлар шу мадрасадан

чиққан. Унда Шарқнинг энг кўзга кўринган уламолари мударрислик қилишган. Саъдий ҳам мана шу бутун Шарққа донғи кетган «Низомия» мадрасасига кириб ўқишга муваффақ бўлади. Аммо кейинроқ негадир бўлғуси шоир “Мустансирия” мадрасасига ўтиб таълимни давом эттиради. Бағдодда араб тилини пухта эгаллаган шоир бу тилдаги мумтоз адабиёт билан ҳам яқиндан танишади. Бу даврда Саъдий ханафия мазҳабининг машҳур уламоларидан Абулфараж Абдурраҳмон ибн Жавзий (1116-1201) қўлида диний билимларини мустаҳкамлаган бўлса, Сухравардия тариқатининг машҳур тарғиботчи ва шайхларидан Шаҳобуддин Абу Ҳафс Умар ас-Сухравардий (1145-1234) қошида ўзининг ирфоний билимларини мукаммаллаштиришга муваффақ бўлади. Ўқиш билан бир пайтда ёш шоир шаҳардаги шеър ва мусиқа мажлисларида ҳам фаол қатнашар, турли доира кишилари билан мулоқотда бўлиб ёш йигитларга хос жўшқин ҳаёт кечирар эди.

Назарий билимларни чуқур ўзлаштирган Саъдий энди ҳаётий таржибаларини бойитиш мақсадида дарвеш жомасини кийиб, узоқ йўлга отланади. Қатор Шарқ мамлакатлари бўйлаб очу тўқ, кўпинча пиёда, баъзан оёқ яланг саёҳат қилади. Бир неча йилларга чўзилган бу сафарида шоир кўп қийинчиликларии бошидан кечиради, ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучукларини тотиб кўради. Меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволини ўз кўзи билан кўради ва кўрган нарсалари устида чуқур мулоҳаза юритади. Турли элат намояндаларини чоғиштириб кўради. Бу орада у салб юриши қатнашчиларига қарши урушларда ҳам иштирок этади. Асир тушади, асирликдан қутулиб уйланади, аммо унинг тинч турмуши кўп давом этмайди, рўзғор ғалваларидан безор бўлган шоир яна йўлга отланиб турли иқлимлар бўйлаб саёҳатини давом эттиради.

Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Яман, Хуросон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистоннинг жуда кўп шаҳарларида бўлган шоир илму ҳикматни китоблардангина эмас, ҳаётнинг ўзидан ўрганиб, замонасиининг кўпни кўрган доно кишиси бўлиб етишади. Бу ҳақда шоириинг ўзи шундай мисраларни ёзган эди:

Кўп узоқ элларга қилдим саёҳат,
Турли одам билан бўлдим ҳамтовоқ.
Ҳар бурчакдан топдим бир луқма овқат,
Ҳар хирмондан олдим биттадан бошоқ.

Тақрибан 1260 йилларда Шерозга қайтиб келган Саъдий «дунё ғовғаларидан» ўзнни четга олиб, шаҳарнинг бир чеккасида жойлашган Шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф хонақосида фақирона умр кечиради ва ижодий фаолият билан машғул бўлади. Саъдийнинг вафот этган йили аниқ. У эски тарихларга кўра 691 ҳижрий йили, яъни милодий 1292 йилда 108 ёшда ҳаётдан кўз юмади. Саъдий замондошлари ёзган тарихлардан

бирида «хос» сўзи унга тарих дейилади. Бу ҳам абжад ҳисоби билан (600+1+90) 691 ҳижрийга тўғри келади[1].

Саъдий хилма-хил жанрларда ёзилган жуда кўп асарларнинг муаллифидир. Унинг «**Куллиёт»и**, яъни мукаммал асарлар тўплами жанрлар бўйича турли бўлимлардан иборат бўлиб, унда ҳам насрий, ҳам назмий асарлари жамлангандир. Бу «Куллиёт» шоир ўлимидан 30-40 йиллар ўтиб унинг фидоий мухлиси бўлган Али бинни Аҳмад бинни Абубакр Бесутун деган киши томонидан тузилган. **«Куллиёт»** бошланишида тўпловчи бу ишни кўпчиликнинг талабига биноан бажарганлигини қайд қилади. Али Бесутун ўзи ёзишича, аввал шоир асарлари мажмуасининг мукаммал бўлмаган хомаки нусхасини тузган, сўнг уни 7—8 йил ичида қайта ишлаб, ундаги ғазал ва бошқа кичик жанрдаги шеърларни, китобхонга фойдаланиш осон бўлсин учун, радифи ёки қофиясига қараб алфавит билан жойлаштириб чиққан. Радифи ва қофиясига қараб алфавит билан девон тузиш балки Шарқда шундан сўнг одат тусига кириб кетган бўлиши мумкин.

Саъдийнинг «Куллиёт»и 19 қисмдан иборат бўлиб, унга «Шаш рисола» («Олти рисола»), «Гулистон», «Бўстон», «Қасоиди арабий» («Арабча қасидалар»), «Қасоиди форсий» («Форсча қасидалар»), «Ғазалиёти қадим» («Қадим ғазаллар девони»), «Таййибот» («Латиф ғазаллар девони»), «Бадоеъ» («Бадиий ғазаллар девони»), «Ҳавотим» («Хотима ғазаллар девони»), «Соҳибия», «Маснавиёт» («Маснавийлар»), «Қитааот» («Қитъалар»), «Муламмаот» («Ширу шакар шеърлар»), «Муфрадот» («Фардлар») ва бошқа бир қанча асарлар кирган.

Куллиётга киритилган бадиий асарлар ичида энг машҳурлари 1257 йилда ёзилган «Бўстон» ва 1258 йилда ёзилган «Гулистон» китоблари бўлиб, булар жаҳон адабиёти дурдоналари орасида ўзига муносиб жой олган.

Форс-тожик адабиёти тарихида Саъдийнинг мавқеи жуда баланд, У биринчи бўлиб ғазал формасини мустақил жанр даражасига кўтарди. Унинг куллиётига 4 девон (ғазаллар тўплами) киритилган бўлиб, унгача алоҳида номланган бирнеча девонга эга бўлган шоир нафақат форс тилидаги адабиётда, балки бутун ислом минтақа маданияти доирасида ҳам учрамайди.

Саъдий ғазал устаси. Форс адабиёти тарихчилари орасида қаҳрамонлик эпоси – достончиликда Фирдавсий, қасидагўйликда Анварий, ғазалда эса Саъдий устод, буларнинг ҳар қайсиси шу жанрлар

[1] Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида мукаммалроқ маълумотлар олиш учун марҳум устозимиз, халқаро Фирдавсий мукофоти совриндори профессор Ш.Ш.Шомуҳамедовнинг “Саъдий Шерозий” номли махсус монографик тадқиқотига мурожаат қилиш мумкин. (Шоислом Шомуҳамедов.Хазиналар жилоси. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. –С. 105-186.) Ушбу фаслдаги шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар ҳам устоз асари асосида қисқартириб келтирилди.

“пайғамбари” дейилади. Бу ҳақда ҳатто номаълум бир авторнинг қуйидаги қитъаси ҳам кенг тарқалган:

Шеър оламида паямбар учта
Гарчандки, «ло набию баъдий»[11]
Достону, қасида-ю ғазалда —
Фирдавси-ю, Анвари-ю Саъдий.

XV асрнинг улкан шоирлари Жомий ва Навоийлар Саъдийни ғазал ижодчиси ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, Саъдий ғазални жуда юқори поғонага кўтара олган, уни камолга етказиб, мустақил жанрга айлантирган лирик шоир. Форс-тожик адабиёти тарихида Саъдий ижодидагина биринчи бор қасида эмас, ғазал жанри асосий ўринни эгаллади.

Саъдийнинг ғазал жанри ривожидаги ўрнини тўғри тасаввур қилиш учун аввало форс мумтоз адабиётида ғазал жанрининг такомили ҳақида бироз тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Биз марҳум тожик олими академик А.Мирзоев ва рус олимаси М. Л. Рейснерларнинг махсус тадқиқотларига таянган ҳолда бу борада қисқача сўзлаб ўтамиз[2].

Янги давр ҳинд олими Шиблий Нуъмоний (1857-1914) *«…Эрон шеърияти қасидадан бошланади...”* – деб ёзади[3]. Академик А.Мирзоев ҳам: «*X-XI асрлар форс-тожик адабиёти тарихида «қасида даври» аталади”*, деб таъкидлайди[4].

Дарҳақиқат, девонлари бизгача тўлиқроқ етиб келган X аср охири - XI аср биринчи ярми шоирлари Унсурий, Манучехрий, Фаррухийларнинг ижодий меросига назар солсак, Унсурий девонидан 64 қасида, 12 ғазал, 66 рубоий, Фаррухийдан 213 қасида, 28 ғазал, 37 рубоий, 3 таржеъбанд, Манучеҳрийдан 57 қасида, 11 мусаммот, 2 ғазал, 66 рубоий бизгача сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўламиз. XI аср иккинчи ярмида ижод этган Носир Хисрав девони 1-жилдида эса 278 қасида ва 4 рубоий келтирилган. Бу анъана XII асрда ҳам давом этади. Масалан, Анварий девонида 250 та қасида бўлса[5], Асириддин Аҳсикатийда ғазаллар 1361 байтни ташкил қилган ҳолда қасидалар 4214 байтни ташкил этади[6]. Бундай ҳолатни ўша даврнинг бошқа машҳур шоирлари - Саноий, Хоқоний кабилар ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Бунинг сабаби нима?

Маълумки, исломгача эроний тиллардаги ёзма адабиёт кўпроқ насрда бўлиб, замонавий шаклдаги (текис вазн-қофияли) шеърият ёзма адабиётда унча ривож топмаган эди. Аксинча, арабларда V-VI асрлардаёқ мумтоз

---

[1] Арабча ибора: «(Муҳаммаддан-сав) кейин пайғамбар йўқ”.

[2] Рудаки и развитие газели X-XV вв. // Мирзоев А. Рудаки.Жизнь и творчество. –М.: «Наука» ГРВЛ, 1968, с.242-292. Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века). –М.: «Наука» ГРВЛ, 1989. –С.224.

[3] Мирзоев А. Рудаки.Жизнь и творчество. –С.258.

[4], Шу китоб, с.262.

[5] Т.Самадов.Анвари ва ғазалиёти у. –Душанбе: “Дониш”, 1988. –С.34.

[6] Асириддини Аҳсикати. Девон. –Душанбе: “Дониш”, 1989. 156 саҳ.

шеърият шакллана бошлаган бўлиб, бугунгача дунёга машҳур шоирлар (Имрулқайс, Тарафа, Антара ибн Шаддад, Зухайр, ан-Набиға ва бошқалар) етишиб чиққан эди. Оғзаки шаклда бошланган бу анъана VII-VIII асрларга келиб ёзма мумтоз араб шеъриятининг шаклланишига олиб келди. Умар ибн Абу Робиа (вафоти 718), Башшар ибн Бурд (714-784), Абу Нувас (762-813), Абул Атахия (вафоти 826), Робиа (вафоти 801) каби улуғ истеъдод эгалари айни шу даврда ижод қилдилар. Ислом дини Арабистондан бутун Яқин ва Ўрта Шарқ, Хуросон ва Мовароуннаҳрга ёйилиб, араб тили мусулмон оламида расмий ҳукмрон тилга айлангач, араб тилида шеър ёзиш бутун минтақада расм бўлди. Жумладан, Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиё ҳудудида ҳам IX-X асрларда араб тилидаги шеърият кенг тарқалди.

Ўша давр араб шеъриятида аруз вазни ва қасида жанри етакчи шакл ҳисобланар эди. Бунинг таъсири янги вужудга келабошлаган форс мумтоз адабиётига ҳам жуда кучли бўлди. Шеърият деярли тўлиғича аруз вазнига ўтди ва табиий равишда қасида ҳам етакчи жанрга айланди.

Арабларда асосий шеърий шакл қасида бўлгани учун жанрлар масаласи шеърнинг мазмунига қараб белгиланган. Жумладан, тағаззул (ғазал), хамриёт (май васфидаги шеърлар), ҳижо (ҳажвий мазмундаги шеърлар), зуҳдиёт ва ҳ.к. Араблар “ғазал” деганда ишқий мавзудаги шеърларни назарда тутишган. Бу анъанавий қараш форс адабиётшунослигида то XIII асргача сақланиб келди. XIII аср бошларида форс шеърияти бўйича мукаммал қўлланма яратган Шамс Қайс Розий шундай ёзади: «Газал» сўзининг асосий маъноси – гўзаллар васфи, ошиқнинг уларга бўлган ишқи ва кўнгил иштиёқининг таърифи бўлиб, ғазал иншоси – муҳаббат изҳори демакдир”[1].

X-XI асрлар форс мумтоз шеъриятида бугунги биз тасаввур қиладиган том маънодаги ғазал деярли учрамайди. Рудакий ҳаёти ва ижоди ҳақида мукаммал тадқиқот яратган тожик олими академик А.Мирзоев шундай фикр билдиради: “Рудакийнинг шеърий меросида шубҳасиз ушбу шоирга тегишли бўлган ва ушбу шеър турининг барча талабларига жавоб бера оладиган бирорта ғазални топа олмаймиз, ваҳоланки, шоирдан мумтоз шеъриятнинг бошқа барча турларига (маснавий, рубоий, қасида) мансуб асарлар бизгача етиб келган.”[2] Юқорида тилга олиб ўтилган XI аср биринчи ярми шоирлари – дунёвий адабиёт вакиллари – Унсурий, Манучехрий, Фаррухийларнинг ижодий меросида онда-сонда учрайдиган ғазаллар ҳам аслида қасидалар ташбиби сингари ишқий мазмундаги шеърий парчалардан иборат бўлиб ҳақиқий ғазал жанри талабларига жавоб бермайди. Оддий бир мисол оладиган бўлсак, улар ижодидан намуналар берилган “Гулшани адаб” мажмуасида “Аз ғазалиёт” рукни остида берилган шеърий парчаларнинг аксариятида шоир тахаллуси учрамайди[3].

[1] Мирзоев А. Рудаки, с. 253-254.
[2] Шу китоб, с. 242.
[3] Асжадийнинг биргина ғазали бундан мустасно. (Гулшани адаб. –Душанбе, “Ирфон”, 1974, с. 91-92, 102-104, 121).

Бу ҳақда Шиблий Нуъмоний шундай ёзади: «Бу даврларда ғазал шеъриятнинг алоҳида бир тури сифатида ажралиб чиққан эмас эди. Қасиданинг кириш қисми бўлмиш ташбиб унинг ўрнини эгаллаб турарди”[1]. Олимнинг бу фикрини Эроннинг Саид Нафисий, Парвиз Нотил Хонларий, Зайн ал-Абидин Му'таман каби таниқли ҳозирги замон адабиётшунослари тўлиқ қувватлаб келдилар[2]. Академик Е.Э.Бертельс ҳам шу фикрда бўлган[3].

Рус олимаси М. Л. Рейснернинг мавзу юзасидан махсус тадқиқотида тасаввуф поэзиясининг ғазал жанри ривожига алоҳида таъсири жиддий батафсил таҳлил этилади[4]. Бундай ёндошув академик А.Мирзоев асарида ҳинд олимининг хулосалари билан далилланади: «… *ғазалнинг ҳақиқий ривожи тасаввуфдан бошланади. Чунки тасаввуф мактабининг алифбоси муҳаббат алифбосидир*[5]. *Агарчи тасаввуф ҳижрий III асрдан ривож ола бошлаган бўлса-да, лекин унинг* ***олтин аср****и ҳижрий V асрга тўғри келади. Айни шу пайтдан ғазалнинг ҳақиқий ривожи бошланади*”[6]. Дарҳақиқат, XI аср иккинчи ярмидан суфий ижодкорлари Бобо Кўхий (933-1050)[7] ва Абдуллоҳ Ансорий(1006-1088)лар ғазал жанрида асарлар яратганлиги фанга маълум. Айни шу даврдан сарой адабиёти намояндалари ҳам ғазалга кўпроқ эътибор қарата бошладилар. Ғазалнинг ўзига хос шаклий унсурлари ҳам шу даврдан аста-секин бир қолипга туша бошлади. Аммо эрон олими Парвиз Нотил Хонларий тўғри таъкидлаб ўтганидек, ҳижрий V аср (мелодий XI аср) охирларида ҳам ижодий меросида ғазал жанри етакчилик қилган шоир ҳануз етишиб чиққан эмас эди[8]. Масалан, Абулфараж Руний (1059-1130), Ҳаким Эроншоҳ (вафоти 1117 йилдан кейин), Масъуд Саъд Салмон (1046-1122), Амир Муиззий (1072-1127), Амъақ Бухороий (вафоти 1147 йил), Адиб Собир Термизий (вафоти 1148 йил), Абдулвосеъ Жабалий (вафоти 1160 йил), Сўзаний Самарқандий (вафоти 1166 йил) каби ўз даврининг машҳур шоирлари ижодида қасида етакчи ўрин тутишидан ташқари, ғазаллари мақтаъсида деярли тахаллус учрамайди. Фақат Ҳаким Саноий (вафоти 1150 йил), Фалакий Ширвоний (вафоти 1146 йил), Саид

---

[1] Мирзоев А. Рудаки, с. 250.

[2] Шу китоб, с.250-251.

[3] Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. –М.: «Наука», ГРВЛ, 1988. –С.404-406.

[4] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века), –С.54-95, 114-152.

[5] Албатта, бу ўринда илоҳий муҳаббат назарда тутилади, аммо мумтоз адабиётда илоҳий ва дунёвий ишқ васфини кўпинча бир-биридан аниқ ажратиш қийин.

[6] Мирзоев А. Рудаки, с. 269.

[7] Е.Э.Бертельс. Баба Кухи. Предисловие к изданию *Дивана* // Избранные труды. Т 3. Суфизм и суфийская литература. –М.: “Наука”, ГРВЛ, 1965. –С. 285-299. (***Рукописи дивана Баба Кухи*** – 1) рукопись Британского музея – 1088 х./ 1677-78, рукописи по сообщению Мухаммада Хусайна Ширази (Шу’а), найденные им – датируются 2) 1169/1755-56, 3) 1189/1775-76 – сами им подготовленные рукописи переписаны – 1914 и 1915 гг.) “Бо қатъият ҳамаи ашъори мансуб ба Б.К.-ро моли у шумурдан душвор аст” (Энциклопедияйи адабиёт ва санъати тожик, т.1, –Душ., 1988. –С. 280.)

[8] Мирзоев А. Рудаки, с. 269-270.

Ҳасан Ғазнавий (вафоти 1160 йил) ва Қавомий Розий (вафоти 1164 йил) ғазалларида баъзан тахаллус ишлатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунда ҳам А.М.мирзоев гувоҳлик беришича, Саноий “Девон”идаги 376 ғазалдан атиги 103 тасининг мақтасида шоир тахаллуси келтирилган[1]. Умуман, бу давр шоирларидан биринчи марта Муиззий девонидагина ғазаллар алоҳида рукн остида берилган, аммо уердаги 60 та ғазалдан бирортасининг мақтаъсида шоир тахаллуси учрамайди[2].

XII асрга келиб шоирлар ижодий меросида ғазалнинг улуши борган сари ошиб борди. Масалан, Муиззий девонида фақат 60 ғазал учраса, Асириддин Аҳсикатий (вафоти 1211 йил) девонида 220, Анварийда 335, Саноийда 513 ғазал жой олган. Лекин, барибир, то XII аср охиригача ҳам қасида ҳануз биринчиликни қўлдан берган эмас эди. Анварий Абевардий (вафоти 1187 йил) ҳақидаги юқорида келтирилган таъриф (айни қасидада “пайғамбар” деб улуғланиши) бежиз эмасди. Албатта, бу даврда қасиданинг мазмун-моҳиятида ҳам ўзгаришлар рўй берган, Саноий, Анварий, Хоқоний каби даврнинг етук шоирлари ижодида мадҳиявий қасидалар аста-секин фалсафий-ижтимоий мазмундаги қасидаларга жой бўшатиб бера бошлаган эди.

XII асрнинг иккинчи ярмига келиб Хоқоний (1126-1198) ва Низомий (1141-1203) ғазалларида тахаллус анча муқим учрай бошлади. Аммо, биламизки, бу шоирларнинг шуҳрати ҳам ғазалнавислик билан эмас эди. Агар уларнинг қатор замондошлари ижодига эътибор қаратадиган бўлсак, Рашидуддин Ватвот (вафоти 1177 йил), Имодий Ғазнавий (вафоти 1186 йил), Мужириддин Байлақоний (вафоти 1193 йил), Жамолиддин Исфаҳоний (вафоти 1192 йил) ғазалларидан намуналарда умуман тахаллус берилмаган, Асириддин, Анварий, Заҳир Форёбий (1156-1201) шеърларида эса гоҳ учраб, гоҳ учрамайди. Эътиборли жойи шундаки, ҳатто XIII асрда яшаб ижод этган қатор шоирлар, жумладан, Камол Исфаҳоний (вафоти 1237 йил), Сирожиддин Қумрий (вафоти 1240 йил), Имомий Ҳиравий (вафоти 1268 йил), Маждуддин Ҳамгар (вафоти 1287 йил), Сайф Исфарангий (1176-1260) ғазаллари учун ҳам тахаллус келтирилиши қоида тусига кирмаган[3]. Фақат XIV асрдан мақтада тахаллус келтирилиши оммавий тус олиб, умумий қоидага айланади.

Маълумки, ғазал жанри ҳақида гапирганда унинг шаклий ва мазмуний ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Бу хусусда Қобил Муҳаммаднинг «*Хафт кулзум*» асарида берилган таъриф диққатга сазовор: «Билгинки, “*ғазал*” луғавий маъносида – гўзаллар васфи ва ишқ тавсифидир. Истилоҳ сифатида эса – бу ягона вазн ва қофияда бирлашган бирнеча байтлардан иборат бўлиб, уларнинг биринчисида ҳар икки мисра ўзаро қофияланади ва бу илк байт “*матла*” ёки “*мабда*” деб аталади…

[1] Шу китоб, с.271.
[2] Шу китоб, с.271.
[3] Қаранг: “Гулшани адаб” ж. 2, с. 46-59, 88-101.

Ғазалнинг охирги байти “*мақта*” ёки “*хотима*” дейилади. Бундай шеър ҳажми (одатда) 12 байтдан ошмаслиги шарт ҳисобланади”[1].

Демак, ғазал лириканинг муайян бир жанри сифатида тугал эътироф этилиши учун аниқ шаклий талабларга жавоб бериши керак экан. Аммо бу шеър тури лирик ижоднинг етакчи жанрига айланиши учун шаклий мукаммалликнинг ўзи кифоя қилармикин?

Биз кўрдикки, адабиёт асосан сарой атрофида ривожланган даврда шеъриятда қасида етакчи жанр бўлиб келди. Бу даврни биз маънавий такомил нуқтаи назаридан **Ислом маърифатчилиги босқичи** деб, адабий жараён ривожида эса **дунёвий адабиёт даври** деб атадик. Ғазал жанрининг етакчи ўринга кўтарила бошлаши ижтимоий такомил нуқтаи назаридан шаҳарларнинг етакчи мавқега кўтарилиши, маънавий жиҳатдан эса **Тасаввуф тариқатлари ва ирфон босқичи**га тўғри келмоқда. Айни суфий шоирлар ижодида ғазалнинг шаклий мукаммаллиги ва етакчи лирик жанрга айланиши кузатилмоқда.

Бунинг сабаби нима?

Қўполроқ қилиб айтганда, **дунёвий адабиёт вакили** ўз ижодида, биринчи навбатда, мамдуҳга, яъни жамиятдаги **ҳукмрон гуруҳлар вакилига** (у подшоҳми, вазирми, ёки йирик мулк эгасими, қатъи назар) таянади, достон ёзадими, қасида ёзадими, муайян шахсга бағишлайди, ундан инъом ёки эътироф кутади.

Суфий энди подшоҳдан ҳимоя ёки инъом кутмайди, у ёлғиз Аллоҳга таваккул қилади, Аллоҳни севади, Аллоҳдан мадад кутади. Аллоҳга ҳамд айтади, кўнгил дардларини ҳам унга баён этади, чунки унинг ишонгани, таянгани ёлғиз Аллоҳ. Ошиқ суфий зоҳид эмас, у зоҳирий ибодат билан Ҳақ ризолигига эришиб бўлмаслигини билади, Ҳақ ризолигига эришиш учун, Ҳақ васлига етишиш учун инсон ўзини тўлиғича Ҳаққа бағишлаши керак эканини у энди англаб етган. Суфий – Ҳақ ошиғи. Ошиқ эса қасида ёзмайди, у ғазал ёзади, чунки қасида - ўзидан юқори турган ўзганинг таърифи, ғазал эса ошиқнинг кўнгил изҳори.

Яна бир жиҳат. Суфийлар одатан ягона Олий мутлақ қудрат эгасини **Аллоҳ** деб эмас, балки **Ҳақ** деб атайдилар. Мансур Ҳаллож “*Аналлоҳ*” демади, “***Аналҳақ***” деди. Агар “*Аналлоҳ*” деганда, “*Менга сиғининглар*”, деган маъно англашиларди, астағфируллоҳ. Албатта, “*Аллоҳ*” сўзи ҳам, “***ал-Ҳақ”*** сўзи ҳам ягона Тангрининг муборак исмларидандир. Аммо сўздан сўзнинг фарқи бор. Аллоҳнинг табаррук исмлари жуда кўп, улардан 86 таси Қуръони каримда келтирилган. Ҳадиси шарифда ягона Тангрининг 99 исми борлиги тилга олинади. Аммо бу исмларнинг ҳар бири ягона Аллоҳнинг муайян сифатларини англатиб келувчи ўз аниқ маъноларига эга эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Суфийлар ана шу турли маънодаги

[1] Мирзоев А. Рудаки, с. 254-255.

исмлар орасидан кўпроқ **“*ал-Ҳақ*”** исмини ишлатишни хуш кўрадилар. Бунинг ҳам ўз сабаблари бор эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Асли инсон ҳам тирик мавжудот сифатида еб-ичиш, хордиқ чиқариш, насл қолдириш сингари эҳтиёжлари мавжуд. Аммо аҳли башарнинг ўзга жонзотлардан мутлақ фарқ қилувчи бир жиҳати бор. У ҳам бўлса – **маънавий камолот эҳтиёжи.** Маънавий камолот қандай амалга ошади? Фақатгина бир йўл билан – **Борлиқ ҳақиқатини англаб етишга интилиш орқали.** Олимнинг ихтиролари ҳам шу интилиш туфайли, шоирнинг илҳоми ҳам дилдаги шу орзиқишдан, бастакор хотиридаги янги туғилиб келаётган куй ҳам шундан. Суфий катта-кичик ҳақиқатлар билан қониқмайди, унга абадий, мутлақ ҳақиқат керак. У **“*ал-Ҳақ*”** деганда айни шу Борлиқнинг мутлақ Ҳақиқатини кўз олдига келтиради. Шундай қилиб, суфий Борлиқнинг Олий Ҳақиқатига ошиқ инсон, бутун борлиғи билан унга интилади, ўзини ундан айро тасаввур қила олмайди.

Ирфоний шеърият ана шу кайфият изҳоридан туғилади. Ҳақ ошиғи ўз туйғуларини қандай ифодалаши мумкин? Ғайб сирларини оддий тил билан тўғридан-тўғри ифодалашнинг имкони йўқ. Ана шунда дунёвий мумтоз шеърият қўлга киритган ютуқлар иш беради. Тасаввуф шеърияти **мажозий тасвир**нинг чексиз имкониятларига мурожаат қилади. Борлиқнинг Олий Ҳақиқати “***ёр***”, “***маҳбуб***” аталади, унга етишиш иштиёқи “***ишқ***” дейилади, суфийнинг туйғулари “***васл***” ва ***“ҳижрон”,*** ҳолати – ***“май”*** ва ***“мастлик”,*** макони – ***“харобот”*** ва ***“дайр”*** тимсоллари билан ифодаланади. Натижада мазмуний қўпқабатлик жозибаси юзага келади. Ана шу жозибадорлик ғазалнинг ботиний асосини ташкил қилади. Демак, ирфоний туйғуларсиз мумтоз форс адабиётида ғазалнинг етакчи лирик жанрга айланиши имкондан ташқари эди. М.Л.Рейснернинг тадқиқоти ана шу ҳақиқатни кашф этишда жиддий қадам бўлди, десак хато қилмаймиз. Унинг келтирган маълумотларига кўра ирфоний мавзуларда қалам тебратган **Саноий** (вафоти 1140 йил), **Анварий** (вафоти 1187 йил) ва **Аттор** (вафоти 1221 йил) шеърий ижодида ғазаллар миқдори уларнинг замондошлари – сарой шоирлари – **Амир Муиззий** (вафоти 1127 йил) ва **Адиб Собир Термизий** (вафоти 1148 йил) девонларидагига қараганда бирнеча баробар кўп (**Амир Муиззий**да - 60 ғазал, **Адиб Собир**да - 28 ғазал, **Анварий**да - 335 ғазал, **Саноий**да - 513 ғазал, **Аттор**да - 756 ғазал). Фаридиддин Аттордан фарқли ўлароқ, Саноий ва Анварий ғазалларини соф тасаввуфий мазмунда деб бўлмайди, аммо Низомий достонлари янглиғ уларнинг ғазал ва қасидаларини **ирфоний туйғулар ифодаси** деб аниқ баҳолаш мумкин. Масалан, **Анварий** олға сурган бадиий ижод талабларига биноан шеър фақат ғайб сирларининг мажозий ифодаси сифатидагина эътиборга

сазовордир[1]. Агар Саноий ва Анварий ғазалларида ирфоний ва дунёвий мавзулар маълум уйғунликда учраган бўлса, уларнинг кичик замондоши Фаридидин Аттор лирик ижодида энди тасаввуфий мазмун етакчи ўринга кўтарилади. Унинг ғазалларида ишқий тимсоллар тасаввуфий тушунчаларнинг аллегорик ифодаси эканлиги очиқ-ойдин сезилиб туради, аксарият ҳолларда кўпмаънолилик ўрнини шартлилик, бадиий тимсол ўрнини диний-фалсафий ваъз эгаллаб олади. Унинг қатор ғазаллари бевосита ўтмиш тасаввуф шайхларининг ҳасби ҳолига бағишланганлиги ҳам Аттор ижодий принципларининг ўзига хослигидан дарак беради. "Ҳақиқат тариқининг суханвари" эътиқодига биноан шеърий ижоднинг ягона мақсади унинг ботиний, ғайбий мазмунидир, чунки шу орқали Борлиқнинг Олий ҳақиқати англаб етилади.

Шундай қилиб, тасаввуфий-ирфоний шеърият ғазал жанрининг ривожида ҳал қилувчи босқични ташкил этди. Лекин Шиблий Нўъмонийнинг хулосасига кўра, Аттор ва Румий каби сўфий шоирлар ғазалиёти илоҳий ишққа ортиқча урғу берганлиги туфайли халқ ичида кенг тарқалмади[2]. Ўз ижодида айни шу камчиликни узил-кесил енгиб ўта олган номдор шоир Саъдий Шерозий бўлди. Шу сабабли унинг ғазаллари бу жанрнинг мумтоз намунаси сифатида хосу авом орасида тўла-тўкис эътироф этилди ва катта шуҳрат қозонди.

Унинг оташнафас ғазаллари ёшлик завқи, баҳор нафаси, табиат гўзаллиги, инсон муҳаббатининг латиф туйғулари ҳамда ҳаёт тароналари билан тўлган ёрқин ва жўшқин шеърлардир. Улар ошиқ кўнгилдан тошиб чиқаётган чашмадек равон, халқ қўшиқларидай сайқалли ва оҳангдор. Мана, унинг кўпчилик тарафидан юксак баҳоланган ғазалларидан бири:

Эй сорбон, оҳиста рон, к-ороми жонам меравад!
Он дилки, бо худ доштам бо дилситонам меравад!
Ман мондаам маҳжур аз у, бечораю ранжур аз у,
Гуи, ки неше дур аз у бар устухонам меравад.
Бо ин ҳама бедоди у, в-ин аҳди бебунёди у,
Дар сина дорам ёди у, то бар забонам меравад.
Маҳмил бидор, эй сорбон, тунди макун бо кбрвон,
К-аз ишқи он сарви равон, руи равонам меравад.
Боз ою бар чашмам нишин, эй дилфиребе нозанин,
К-ошуби ғавғо аз замин бар осмонам меравад.
Дар рафтани жон аз бадан гўянд ҳар иавье сухан,
Ман худ ба чашми хештан дидам, ки жонам меравад.

[1] «Авторская интерпретация любовных мотивов порождает в лирике Анварий новую концепцию поэтического творчества, которая, по его мысли, может служить лишь **символом сокровенного знания**» // Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, стр.116.
[2] Мирзоев А. Рудаки, с. 277.

Саъдий, фиғоназ дасти мо, лойиқ нобуд, эй бевафо!
Тоқат намеорам жафо, кор аз фиғонам меравад.

(Эй сорбон, оҳиста юр, оромижоним кетадур
Тандин дилу жоним олиб, ул дилситоним кетадур.
Қолурми ман олис бўлиб, бечораю маъюс бўлиб.
Гўё фироқ тиғи тилиб, то устухоним етадур.
Чексамда зулм бедодини, ҳам ваъдалар барбодини,
Кўксимда тутгум ёдини, токи забоним кетадур.
Тўхтат бир оз, эй сорбон, карвонни қилма тез чунон,
Сарви равон ишқида жон, руҳи равоним кетадур.
Қайт, кўзларимга цўй оёқ, эй дилфириб кетма йироқ,
Эй нозанин, кўкка бу чоқ оҳу фиғоним кетадур.
Ундай чиқар жону бадан, бундай қолар деб, кўп сухан,
Тинглаган эрдим, энди ман кўрдимки, жоним кетадур.
Қилма фиғон, эй Саъдиё, ҳеч арзимас ул бевафо!
Тоқатини қўймас бу жафо, ақлу имоним кетадур.)

Бу ғазалда қанча маъюслик, назокат, фироқ ғамидан эзилган дилнинг алами бор. Рудакийнинг «*Буйи жуйи мулиён ояд ҳаме*» шеъридаги каби бунда ҳам карвон қўнғироғини эслатувчи «*он-он*» қофияси ва «*кетадур, кетадур*» радифининг қайтарилиши карвоннинг ҳамон узоқлашиб кетаётганини ва бечораю беҳол ошиқнинг қақшаб, зор йиғлаб, дунёда ҳамма нарсадан ортиқ жононидан, хонумонидан ажралиб, карвон кетидан эргашиб бориб, чексиз чўлу биёбонда ёлғиз қолиб кетаётганлиги ҳолатини кўз ўнгимизда аниқ гавдалантиради. Бунда «*ҳар қандай поэтик асарнинг асоси бўлган оҳанг»* ҳам жуда катта роль ўйнай.ди.

Саъдий кўп ажойиб лирик ғазалларини 70–80 дан ошиб, кексайиб қолган чоқларида ёзган. Шунинг учун баъзи шарқшунослар у ғазалларни туйғусиз, ҳиссиз, қолипдан чиқариб ташлай берган ёки читга гул босгандек боса берган деган фикрни баён этадилар. Аммо шоир ғазалларидаги жўшқинлик, қайнаб турган ҳис-туйғулар бу фикрни рад этади. Ёшлик даврини ўқиш, ўрганиш ва мусофирчиликда саргардон ўтказган Саъдий ҳам умр баҳори ва ундаги ишқ-муҳаббат ҳақида ўз ҳаётининг кузагида зўр эҳтирос билан ёзса, бунга ажабланиб бўладими?!

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг шоирлар ҳақидаги махсус бобида шундай ёзади: *“Яна бир жамоатдурким, **ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилубдурлар ва каломларин бу услубда марбут этибдурлар**. Андоққи, маоний аҳлининг нуктапардози **Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий** ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави **Амир Хусрав Деҳлавий** ва тасаввуф ва диққат мушкулотининг гириҳкушойи **Шайх Заҳириддин Саноий** ва фариди аҳли яқин **Шайх Авҳадиддин** ва маоний адосига*

лофиз ***Хожа Шамсуддин Муҳаммад ал- Ҳофиз”***[1]**.** Шундан маълум бўладики, Навоий **Саъдий Шерозий**ни Саноий, Амир Хусрав ва Хожа Ҳофизларнинг қаторида **ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилганлар** жамоасига мансуб деб билади**.** Бунинг сабаби нимада?

Маълумки, Саъдий соҳанинг таниқли устодлари қўлида диний ва ирфоний билимларни мукаммал эгаллаган. Аммо шоир табиатан “*мақсадлари назмдин асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий*[2] *имлоси*” бўлмиш Аттор ва Румийлардан фарқли ўлароқ фоний инсоннинг дарду ташвишларига яқинроқ туради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг «*Бўстон*» ва «*Гулистон*» асарлари мазмуний мундарижаси ва ҳаётий масалаларга ёндошув тарзини “*Илоҳийнома”, “Мантиқ ут-тайр*” ёки “*Маснавийи маънавий*” асарларидаги умумий пафос билан қиёслаб кўриш кифоя қилади. Қуйидаги ғазал эса шоир ижодининг етакчи руҳини яққол намоён этади:

Тани одами шариф аст ба жони одамият,
На ҳамин либоси зебост нишони одамият.
Агар одами ба чашм асту даҳону гўшу бини,
Чи миёни нақши девору миёни одамият.
Хўру хобу хашму шаҳват шағаб асту чаҳлу зулмат,
Ҳаявон хабар надорад зи жаҳони одамият.
Ба ҳақиқат одами бош, ва гар на мурғ бошад,
Ки ҳамин сухан бигўяд ба забони одамият.
Агар ин дарандахўи зи табиатат бимирад,
Ҳама умр зинда боши ба равони одамият.
Расад одами ба жое, ки ба жуз худо набинад,
Бинигар, ки то чи ҳаддаст макони одамият.
Таярони мурғ диди ту зи пойбанди шаҳват,
Бадар ой, то бибуни таярони одамият.
На баёни фазл кардам, ки насиҳати ту гуфтам,
Ҳам аз одами шунидам баёни одамият[3]**.**

(Инсон танаси шарифдир одамийлик жони билан,
Одамийлик белгиси ушбу чиройли либослар эмас.
Агар кўзу оғиз, қулоғу буруни билан одам аталса,
Одамийликнинг девордаги расмдан нима фарқи бўлади.
Емиш, уйқу, ғазаб ва шаҳват – бекорчи тўпалон, жаҳолат ва зулматдир,
Инсонийлик оламидан ҳайвонлар бехабардирлар.
Ҳақиқат ила инсон бўл, бўлмаса қушлар ҳам
Инсонлар сингари сўзлаш қўлидан келади.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 том. –Т.: “Фан”, 1998. –С. 25. (Бу нашрда матн хато берилган. Биз 15 томлик асосида тузатиб келтирдик.)
[2] Чексиз-чегарасиз, ниҳоясиз.
[3] Саъдийи Шерозий. Куллиёт.Жилди 1. –Душанбе: “Адиб”, 1988. –С. 240.

Агар ушбу ёввойи ҳайвонларга хос феълингни тарк эта олсанг,
Одамийлик руҳи билан бутун умр тириксен.
Қушларнинг парвозини кўрдинг, сен ҳам шаҳват тузоғидан
Ўзингни қутқарсанг агар, одамийлик парвозини ҳам кўрурсен.
Мақсадим ақл ўргатиш эмас, менинг бу насиҳатим
Одамийлик ҳақида одамлардан эшитганимни сенга ҳам
етказишдир.)

Саъдий дунёқарашининг ўзига хослиги унинг "*Бўстон"* асарини Саноийнинг "*Ҳадиқа*"си билан қиёслаганда янада равшанлашади. Маълумки, ҳар икки асар ҳам 10 бобдан иборат бўлиб, номланишларида ҳам умумийлик бор, фақат Саноий ўз асарини арабча номлаган бўлса ("*Ҳадиқа*" арабча "боғ"), Саъдий форсча ном қўйган. Уларнинг мундарижасини солиштириб кўрайлик.

"*Ҳадиқат ул-ҳақойиқ*" боблари қуйидагича: 1.Аллоҳ ҳамди. 2. Расулиллоҳ наъти. 3. Ақл васфи. 4. Илм фазилатлари. 5. Ишқ ҳақида. 6. Олам руҳи тавсифи. 7. Эътиборсизлик ва фаромушхотирлик хусусида. 8. Юлдузлар ҳолати ҳақида. 9. Дўстлик ва душманлик ҳақида ривоятлар. 10. Шоирнинг ўз аҳволи баёни ва султон Баҳромшоҳ мадҳи.

Саъдий ўз асарида ҳамд ва наътлар, китобнинг ёзилиш сабаби, ҳукмдорлар мадҳини муқаддимага кўчиради. Достоннинг асосий боблари эса қуйидагича: *1-боб*. Ҳукмдорлик тартиб-қоидалари, адолат ва тафаккур билан иш кўриш хусусида. *2-боб*. Эҳсон ҳақида. *3-боб*. Ишқ ҳақида. *4-боб*. Тавозеъ ҳақида. *5-боб*. Тақдирдан ризолик ҳақида. *6-боб*. Қаноат ҳақида. *7-боб*. Тарбия ҳақида. *8-боб*. Соғлик ва хотиржамлик ҳаққи шукроналик ҳақида. *9-боб*. Тавба ҳақида. *10-боб*. Аллоҳга муножот ва асар хотимаси.

Навоий ҳар икки мутафаккир шоирни ҳам ***"ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилганлар"*** қаторида тилга олади. Дарҳақиқат, ҳар икки асарда ҳам ирфоний мавзулар дунёвий муаммолар билан қоришиқ ҳолда учрайди. Аммо барибир Саноий ва Саъдий қарашлари орасидаги тафовутлар достонларнинг бобланишидаёқ кўзга ташланади. Уларнинг вазнлари ҳам ҳар хил.

Е.Э.Бертельс ёзишича, Саноий асари қомусий хусусиятга эга бўлиб, фақат ирфоний ғоялар баёнидан иборат бўлмай, ўша давр илмининг деярли бутун соҳаларини қамраб олган ва, жумладан, олим келтирган мисолларга қараганда, ижтимоий масалаларни ҳам четлаб ўтмаган кўринади. Аммо "*Ҳадиқат ул-ҳақойиқ*" ёзиб битирилган 1141 йил (535 ҳижрий қамарий) билан "*Бўстон"* ёзилган 1257 йил (655 ҳижрий қамарий) орасида 116 йил ўтган эди ва бу йиллар минтақа тарихидаги энг қақшатғич, энг суронли йиллар эди. XI асрда туғилиб вояга етган Абдулмажд Саноий, гарчи

“Кимёйи саодат”ни ўқиган ва ирфоний ғоялардан бағоят таъсирланган бўлса ҳам, ҳануз Форобий ва Мотуридийлар шакллантирган илм-фан ва мантиқий ақл қудратига бўлган комил ишончни тамом йўқотган эмас эди. Назария бор эди, аммо жамиятнинг амалий ҳаётига мўғуллар босқинидек ваҳшатли тўфон бостириб кирган эмас эди. Саноий асарининг мундарижаси шундан далолат қиладики, ҳали бу даврда мавҳум назарий муаммолар ҳақида шошилмай ёзиш мумкин экан.

Саъдийнинг даври буткул бошқа. Саъдий ҳам мўғул босқинидан олдин туғилди. Нисбатан тинч даврда диний ва ирфоний билимларнинг энг улуғ устозларидан таълим олиб улгурди. Ва туғилишдан инсонсевар бўлган шоир табиат йигит инсонлар ҳаётини ўрганиш мақсадида ўз саёҳатларини бошлади. У фикри тўлишиб, ҳаётга қайноқ йигит қони билан эмас, балки тафаккур кўзи билан қарайдиган бўлиб етишган бир пайтда минтақага мўғуллар тўфони ёпирилиб келди. Энди инсонсеварлик ижтиҳод ва жасорат майдонига айланди. Энди ирфоний ғоялар ҳам, эътиқод устиворлиги ҳам, халқ донишмандлиги дурлари ҳам фақат бир нарсага - инсонларнинг инсонийлигини сақлаб қолиш, ваҳшиёналик ҳукмрон бўлган бир замонада уларни бир-бирига оға-ини, биродар эканлигини ҳар қадамда эслатиб туриш виждон талабига айланган эди.

Бани одам аъзойи йекдигаранд,
Ки дар офариниш зи йек гавҳаранд,
Чу узве ба дард оварад рўзгор,
Дигар узвҳоро намонад қарор.
Тў к-аз меҳнати дигарон биғами,
Нашояд, ки номат ниҳанд одами![1]

(Бани одам аъзои бир бадандир,
Ҳаммаси бир моя, бир гавҳардандир.
Танангда бир аъзо гар бўлса бемор
Ҳаммасида қолмагай сабру қарор.
Ўзгалар ғамини чекмаса одам,
Анга нолойиқдир инсон деган ном.[2])

Назмда ёзилган “*Бўстон”* билан қониқмаган Саъдий бир йилдан сўнг айни шу мавзуларни насрда баён қилади. 1258 йилда ёзилган *«Гулистон»* 8 бобдан иборат бўлиб, уларнинг номланиши: “*Дар сийрати подшоҳон”, “Дар ахлоқи дарвешон”, “Дар фазилати қаноат”, “Дар фавоиди хомуши”, “Дар ишқ ва жавони”, “Дар заъф ва пири”, “Дар таъсири тарбият”,*

[1] Саъдии Шерози. Мунтаҳаби куллиёт, с. 60.
[2] Шомуҳамедов Ш. Хазиналар жилоси, с. 138.

“Дар одоби суҳбат”. Кўриниб туриптики, иккинчи асар биринчисидан ҳам кўра воқеъ ҳаётга яқинлаштирилган.

Саъдийни нега инсонлар яхши кўради? Чунки Саъдий инсонларни ниҳоятда яхши кўрган. Аслида инсонларни севмайдиган ҳақиқий ижодкор бўлмайди. Инсонсевар[1] бўлмаган инсон ўзидан кейин ҳеч қандай маънавий мерос қолдира олмайди ва агар бирор сиёсий сабаблар билан бир нарсалар ёзган бўлса, ўзидан кейин (балки тириклигида ҳам) унинг ёзганларини биров ўқимайди. Шак-шубҳа йўққи, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Аттор, Саноий ва Румийлар ҳам ниҳоятда инсонсевар бўлганлар. Аммо Саъдийнинг инсонсеварлиги ўз халафларидан камида бир жиҳати билан фарқ қилган. Низомий ва Аттор, Фирдавсий ва Румийларнинг ҳар бирини инсонларга айтмоқчи бўлган ўз сўзи бўлган, айни ҳар бир инсон ва бутун инсоният бахтини таъминлаш билан боғлиқ ўз қарашлари бўлган ва уларнинг асарларида биринчи навбатда айни шу қарашлар ўз аксини топган. Саъдийда бошқачароқ. Саъдийгача минтақа маънавиятида ҳар бир инсоннинг бахтли яшашини таъминлаш бўйича етарли назариялар яратилган, улуғ ғоялар бисёр эди. Аммо кутилмаган даҳшатли тўфон инсоният устига бостириб келди. Барча нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Энди турли илмий, эътиқодий, ирфоний, ижтимоий назариялар, қарашлар аро табиий равишда давом этиб келаётган баҳсу мунозаралар ўз аҳамиятини йўқотиб қўйди. Ваҳшатли ёввойилик олдида энди инсонийлик илдизларини сақлаб қолиш биринчи масалага айланди. Шу сабабли Саъдийнинг энг биринчи ва асосий мақсади инсонлар аро меҳр-мурувват ришталарини сақлаб қолиш, улар дилини тошга айланишига йўл қўймаслик эди.

Маълумки, кўпчилик қуруқ панд-насиҳатни ёмон кўради. Саъдий буни яхши билади. Шу сабабли у “*Бўстон”*да ҳам, *«Гулистон»*да ҳам ўз қарашларини турли ҳикоятлар орқали ифодалашга ҳаракат қилади. Шу сабабли ҳам назмий “*Бўстон”* билан қаноатланмай, оддий халқ онгига янада яқинлаштирилган насрий *«Гулистон»*ни яратади ва унда соф назарий мулоҳазалардан буткул воз кечади. Асарларининг бобланиши, улардаги мавзуларнинг берилиш тартиби ҳам халқ кўнглидаги дардларига мувофиқ. Халқ дилидаги энг биринчи армон нима? Бу адолат орзуси, юрт бошқарувчиларининг эзилган меҳнаткашларга қайишиши, улар додига қулоқ тутиши

[1] Инсонсеварлик билан инсонпарварликни бир-биридан фарқ қилган маъқул. Инсонпарварлик, таъбир жоиз бўлса, фақат ягона Аллоҳга хос хислат, оддий бандаларнинг қўлидан келадиган иш эмас. Ҳукмдор адолатли бўлса, адолатпарвар дейилади, сарватманд камбағалларга қайишса, саховатли, ёки камбағалпарвар дейиш мумкиндир. Аммо Одам боласини инсонпарвар дейиш, бизнинг фикри ожизимизча, мантиқан тўғри келмайдиган ва, Аллоҳ ўзи асрасин, ширкка кетиб қоладиган таъбир бўлур эди.

орзуси. “*Бўстон”*нинг *“ Дар адлу рой ва тадбири жаҳондори”* деб номланган биринчи боби шундай бошланади:

Шунидам, ки дар вақти назъи равон
Ба Хурмуз чунин гўфт Нўшервон,
Ки: “хотирнигаҳдори дарвеш бош,
На дар банди осойиши хеш бош.
Наёсояд андар диёри тў кас,
Ки осойиши хешхоҳи ву бас.”
Наёяд ба наздики доно писанд –
Шубон хуфтаву гўрг дар гўсфанд.
Бирав поси дарвеши муҳтож дор,
Ки шоҳ аз раият бувад тождор.
Раият чу беханду султон дарахт,
Дарахт, эй писар, бошад аз бех сахт.
Макўн то тавони дили халқ реш,
Агар микўни, микани бехи хеш[1]**.**

(Жаҳондан кетар пайти Нўширавон
Бу сўзларни Хурмузга этмиш баён:
“Ҳамиша ғариблар дилин овлагил,
Сен ўз роҳатинг кўзлаган бўлмагил.
Агар роҳатингни қиларсан ҳавас,
Қўл остингдагилар сира тинчимас.
Ақлликка маъқул эмас ҳеч қачон,
Еса қўйни бўри, ётиб қўйчивон.
Чиқар ҳожатин ҳамма муҳтожни,
Шулар қўйди шоҳ бошига тожни.
Дарахт бўлса шоҳ, халқ илдиз эрур,
Бил, ўғлим, томирли дарахт улғаюр.
Элинг қалбин оғритма, берма зарар,
Қурур илдизинг, ранжиса эл агар.[2])

Эҳсон ҳақидаги 2-боб ҳам шу ғояни ривожлантиради. *«Гулистон»*нинг “Дарвешлар ахлоқи ҳақида”ги 2-боби ҳам айни саҳоват масаласидаги ибратли ҳикоятдан бошланади. Бу дастлабки боблар турли тоифалар орасидаги муносабатларнинг хилма-хил жиҳатларини ибратли мисоллар воситасида таҳлил қилади. Аммо инсон маънавий тарбияси етук бўлмас экан, адолат ва саҳоват ҳақидаги гаплар билан жамиятни тузатиш ва яхшилаш иши ширин орзулигича қолаберишини устоз мутафаккир яхши

[1] Саъдии Шерози. Мунтаҳаби куллиёт, с. 60.
[2] Саъдий. Бўстон. (Чустий таржимаси). –Т., 1960. –С.8.

билар эди. Шундай экан, ҳар икки асарнинг ҳам асосий қисми маънавий тарбия масалаларига бағишланганлиги табиий ҳолдир.

Саъдий барча мажоз тариқи намояндалари сингари илоҳий ва инсоний ишқни муштарак кўради. Уларни бир-бирига боғлиқ тасаввур қилади. Бу "*Бўстон"*нинг "*Ишқ ҳақида*"ги 5-боби мазмунида ҳам акс этган. Унда тасаввуфий ва дунёвий ишқнинг бир-биридан фарқига эмас, улардаги ошиқнинг ҳолатига кўпроқ эътибор қаратилган. Бу нарса нафақат "*Бўстон*", балки "*Гулистон"*нинг шу мавзудаги ҳикоятларида ҳам кўринади. Умуман Саъдий учун тасаввуфий ғоялар ўз-ўзича эмас, балки **инсон маънавий тарбияси** нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоий "Насоим ул-муҳаббат" асарида Саъдий Шерозийга қандай таъриф берган?
2. Саъдийнинг ҳаёт йўли қандай кечган?
3. Саъдийнинг "Куллиёт"идан қандай асарлар жой олган?
4. "Бўстон" ва "Гулистон" асарлари мазмуний мундарижаси ва ҳаётий масалаларга ёндошуви ҳақида сўзлаб беринг.
5. Саъдий илоҳий ва инсоний ишқни тараннум этишда нимага кўпроқ аҳамият қаратган?
6. Саъдийнинг "*Эй сорбон, оҳиста рон"* деб бошланувчи ғазалини ёддан айтиб бераоласизми?
7. Шоирнинг "*Тани одами шариф аст ба жони одамият"* мисраси билан бошланувчи ғазалини ёд айтиб беришга уриниб кўринг.
8. Саъдийнинг инсонсеварлиги ва унинг ўзига хослиги нимада?
9. Саъдийнинг "*Бўстон"* асарини Саноийнинг "*Ҳадиқат ул-ҳақойиқ*" асари билан қиёслаганда қандай фарқлар маълум бўлади?
10. Форс мумтоз адабиётида ғазал жанрининг такомили ҳақида тожик олими академик А.Мирзоев, рус олимаси М.Л.Рейснер, ҳинд олими Шиблий Нуъмонийларнинг махсус тадқиқотларида қандай мулоҳазалар олға сурилган?

Мустақил таълим бўйича савол ва топшириқлар:

1. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг *"Инсон вужудида кўнгил - подишоҳ"* ғоясини олға суришдан мақсади ва бу ғоянинг давр шеъриятида акс этиши ҳақида кўргазмали маъруза тайёрланг.
2. Дунёвий адабиёт ва ирфоний адабиётининг ўзаро моҳиятан фарқи ва уларнинг амалда намоён бўлиши хусусида кўргазмали маъруза тайёрланг.
4. Саноийнинг "*Хадойиқ ул-ҳақиқа*" асари ҳақида кўргазмали маъруза тайёрланг.
5. Гуруҳнинг барча талабалари ҳамкорлигида XII-XIII асрлар давомида (Саноийдан Саъдийгача) тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг ривожидаги ўзгаришлар ҳақида таҳлилий мунозарали маъруза тайёрлаш.

5-боб.
Форс мумтоз шеърияти ривожининг учинчи босқичи.
“*Мажоз тариқи*” адабиёти

ЎНБЕШИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *Форс мумтоз адабиёти ривожидаги учинчи давр (XIV-XV асрлар) - “Мажоз тариқи” адабиётининг моҳияти , “Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди, “ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий”нинг бир-биридан фарқларини тушунтириш. Амир Хусрав ижодий такомилининг икки даври, аввал ғазалнавис ва қасиданавис шоир сифатида, кейинроқ ижодий баркамол ёшга етгандаги достоннавислиги, шу икки даврда унинг яратган асарларининг қисқача тавсифи, унинг "мажоз тариқи" йўналишини бошловчиси сифатидаги назарий қарашлари моҳиятини талабалар онгига етказиш.*

Таянч сўз ва иборалар: *“Мажоз тариқи”, “ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди, “ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий” тушунчалари, Фахриддин Ироқий, Авҳадиддин Кирмоний, “ҳақиқат тариқининг суханвари”, "авом ишқи", "хавос ишқи", " сиддиқлар ишқи". Амир Хусрав Деҳлавий, “Туҳфат ус-сиғар”, “Васат ул-ҳаёт”, “ Ғуррат ул-камол”, "Бақия ун-нақия*" , "*Ниҳоят ул-камол*" девонлари, *"Қирон ус-саъдайн", "Мифтоҳ ул-футуҳ", «Матла ул-анвор» , «Ширин ва Хусрав», "Мажнун ва Лайли", "Ойинаи Искандарий", "Ҳашт биҳишт", "Дўвалрони ва Хизрхон", "Нуҳ сипеҳр", "Тўғлуқнома*" достонлари, «*Дарёйи аброр*», «*Хазойинул футуҳ*», «*Эъжози Хусравий*».

36. “*Ҳақиқат*” ва “*мажоз*”

Форс мумтоз адабиёти ривожидаги **учинчи давр** XIV-XV асрларни ўз ичига олиб, биз Алишер Навоийнинг бу ҳақдаги назарий мулоҳазаларига таянган ҳолда бу даврни **“*Мажоз тариқи*”** деб атадик. Навоий бу йўналишдаги улуғ шоирлардан биринчи навбатда **Амир Хусрав Деҳлавий** ва **Ҳофиз Шерозий**ларни тилга олади. Улардан кейин **Деҳлавий** изидан бориб баҳоли қудрат “*хамсачилик*” анъанасини давом эттирган **Хожуйи Кирмоний, Салмон Соважий ва Котибийларни,** ғазалнависликда **Хожа Ҳофиз**дан улгу олиб “*мажоз тариқи адоси алар назмига ғолиб ва алар бу шевага кўпроқ роғиб”бўлган”* **Камол Хўжандий, Носир Бухорий, Шоҳий Сабзаворий** каби XIV-XV асрларда яшаб ўтган қатор машҳур форсийзабон шоирларни санаб ўтади. Навоий бошқа асарида туркигўй шоирлардан Мавлоно Лутфийни ҳам “***мажоз тариқи***”га мансуб деб эътироф этади.

Олдинги фаслда айтиб ўтилганидек, Сўфийлар Ҳақнинг асл зотини **Ҳақиқат** ва унинг **мазҳари,** қиёсан айтганда, кўзгудаги аксини **“мажоз”** (“иносказание”, метафора), деб атайдилар. **“Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди** шундан бошланади. Шу асосда тасаввуф адабиётида **“ишқи ҳақиқий”** ва **“ишқи мажозий”** тушунчалари шаклланди. Уларнинг биринчиси Аллоҳга муҳаббат, яъни “*ишқи илоҳий*” маъносида бўлиб, Ҳақ васлига интилиш, фақат унинг хаёли билан яшашни билдирса, иккинчиси - инсонларнинг бир-бирига, фоний дунё ашёларига бўлган ишқи сифатида талқин этилди ва кўп ҳолларда бири иккинчисига зид қўйилди. Масалан, **Фаридиддин Аттор**нинг “*Мантиқ ут-тайр*” асарида қушларни Симурғ сари даъват этувчи Ҳудҳуд тилидан шундай хитоб қилади:

... Эй, гирифтори мажоз,
Аз сифат дуру ба сурат монда боз[1].

(...Эй, мажоз тузоғига илинган,
(ички) сифатдан узоқлашиб,
(ташқи) суратга маҳлиё бўлиб қолган.)

Аммо тасаввуф ғоялари ҳам ривожланиб боради. Агар Навоий **“ҳақиқат тариқининг суханвари”** деб атаган Фаридидин Аттор XIII аср бошларида инсонларни **“мажоз”,** яъни ташқи моддий дунё ҳою ҳавасларига берилиб кетишдан қайтариб, Борлиқнинг асл (азалий ва абадий) Ҳақиқати сари интилишга, ташқи суратга маҳлиё бўлмай, маънога, моҳиятга эътибор беришга чақирган бўлса, шу аср охирларига келиб **Фахриддин Ироқий** (1207-1289), **Авҳадиддин Кирмоний** (вафоти 1298 йил) каби суфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. Ибн ал-Арабий ғоялари таъсирида “*Ламаъот*” асарини ёзган Ироқий “*мажоз*” ва “*ҳақиқат*” нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибида бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Шайх **Авҳадиддин Кирмоний** ушбу нисбатни қуйидагича талқин этади:

З -он минигарам ба чашми сар дар сурат,
Зеро-ки зи маънест асар дар сурат.
Ин олами суратесту мо дар суварем,
Маъни натвон дид магар дар сурат.[2]

(Шу сабабдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки,
Суратда маънонинг изи бордир.
Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз,
Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.)

[1] Ситтайи Фаридиддин Аттор (ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, инвентар №813), 17а-варақ.

[2] Алишер Навоий. Асарлар. 15-жилд. –Т., 1968. –С.166. (Навоийнинг “Мукаммал асарлар тўплами” 17 томида бу тўртликнинг 1-сатрида хатога йўл қўйилган. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17 том, иловада с. 62.)

Демак, Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириш лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аслида бу хулоса Ирфоннинг ниҳоясидир.

Шу ўринда бир савол туғилади: Нега Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг тегишли фаслида **Амир Хусрав Деҳлавий** ва **Ҳофиз Шерозий**лар билан бир қаторда "*ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилганлар***"** сафига XII - XIII асрларда яшаб ижод этган **Саноий** ва **Саъдий**ларни ҳам қўшган бўлса-ю биз "**мажоз тариқи**" даврини XIV асрдан бошламоқчимиз?

Аслида **Низомий Ганжавий** ҳам тасаввуф шоирлари сингари фақат **инсон руҳиятининг ички қатламларига теран назар ташлаш** билан чекланиб қолмай**,** ўз достонларида шахснинг **Ҳақ ва жамият олдидаги масъулияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни лозим топди,** яъни, унинг асарларида **ирфоний ва ижтимоий муаммолар** олий бир уйғунликда ифодаланди. Айни шу уйғунлик ифодасига кейинчалик Алишер Навоий томонидан **"Мажоз тариқи"** деб ном берилган эди.

Аммо XII асрда ҳануз **"Ҳақиқат" ва "мажоз" тазоди** кун тартибига рўйирост қўйилган эмас, Низомий асарларида "мажоз" атамаси умуман истеъмолга ҳам кирган эмас эди, шу сабабли бўлса керак, Навоий ўз назарий тадқиқотларида **Низомий** номини бирор гуруҳга мансуб этиб тилга олмайди.

XIII аср охири - XIV аср бошларида **Амир Хусрав Деҳлавий** (1253-1325) **Низомий** достонларига биринчи бўлиб жавоб ёзди ва бу асарда **"*ишқи мажозий*"**ни куйлашни ўзига мақсад қилиб қўйганлигини очиқ намойиш қилди. Масалан, "Ширин ва Хусрав" достонининг кириш бобларида шундай сатрлар бор:

Фидойи ишқ шав, гар худ мажозист,
Ки давлатро дар-у пўшида розист,
Ҳақиқат дар мажоз инак падид аст,
Ки фатҳи он хазина з-ин калидаст*[1]*.

(Ўзингни ишққа бахш эт, агар у **мажозий** бўлса ҳам,
Чунки унда саодат сирлари яшириндир.
Ҳақиқат мажозда шундай ўзини намоён этадики,
Ул хазинани қўлга киритмоқ имкони ушбу калит орқали бўлади.)

Шоир ***"мажозий ишқ"***қа таъриф бериш билан чекланиб қолмай, ўз давридаги баъзи ***"ишқи ҳақиқий"***дан лоф урувчиларга дашном беришни ҳам лозим топади:

Ту к-аз ***"ишқи ҳақиқий"*** *лофий, эй дўст,*

[1]Диҳлави Амир Хусрау. Ширин и Хусрау. Крит. текст. –М.: "Наука", ГРВЛ, 1979. –С. 40.

Хароши сўзане бенмой дар пуст,
Ту к-аз бонги саге аз дин шави фард,
Надори шарм аз-ин имони бедард.[1]

(Эй, сен **“ишқи ҳақиқий”** дан лоф урувчи дўст,
Баданингга бир игна қадалишини тасаввур қилиб кўр.
Ногаҳон ит “вов” деса чўчиб диндан чиқиб кетасану,
Яна бундай “дардсиз имон”ингни кўз-кўз қилгани уялмайсанми?)

Амир Хусрав “*Хамса*”дан кейин ёзилган тарихий-ишқий достони “Дўвалроний ва Хизрхон“ қаҳрамонларининг муҳаббати ҳам **мажозий** эканлигини алоҳида таъкидлаб, достондаги икки ошиқнинг висол онлари тасвирланган боб сўнггида шундай ёзади:

Чу ишқ андар мажозаш жилвагаҳ дод,
Мажозаш бар пули таҳқиқ раҳ дод[2]**.**

(Ишқ мажозида намоён бўлгани сабабли,
Бу **мажоз Ҳақиқатни англаб етиш учун кўприк** бўлди.)[3]

Шундай қилиб, Саноий ва Саъдийлардан фарқли равишда Амир Хусрав Деҳлавий ўз ижодининг авж палласига келиб, ***“ишқи ҳақиқий”*** ва **“*ишқи мажозий*”**ни бир-биридан фарқини аниқ ҳис қилган ҳолда ўзи ижодда **“*ишқи мажозий*”**ни куйлашни мақсад қилиб олганлигини очиқ баён қилди ва Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларига таянган ҳолда **“*ишқи мажозий*”**ни **Борлиқнинг Олий ҳақиқатини англаб етишнинг мустақил йўли** экан-лигини эътироф этди.

Амир Хусрав **“Хамса”**си шу даражада шуҳрат қозондики, ундан кейин мусулмон минтақа шеъриятида “**мажозий ишқ**”ни куйлаш ва “**Хамса**” достонларига татаббу бағишлаш кенг кўламли анъанага айланди. XIV- XV асрлар минтақа маънавияти “Хамса” анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч бўлмаганда “Хамса”нинг бир достонига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди[4]. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодиса эди.

Алишер Навоий ўз ижодида **Амир Хусрав** ва **Ҳофиз**лар изидан бориб, бутун умр асосан “**ишқи мажозий**”ни куйлади. Аммо ***“мажоз ишқи”***ни инсонларнинг бир-бирига муҳаббати деб тушунилса, воқеликка бу масалани татбиқ этганда бир мураккаблик вужудга келарди. Яъни инсоний муҳаббат

[1] Шу китоб, шу саҳифа.
[2] Деҳлавий Амир Хусрав. Дувалрони ва Хизрхон. (Матни интиқоди). –Душанбе, 1975. –С. 224.
[3] Бу мисралар бевосита Муҳаммад(сав)нинг “***Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа***” (“Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир”) деган ҳадиси шарифларига ишорадир.
[4] Ғ. Алиевнинг “Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока» (М. 1985) китобида XIV-XV асрларда яшаб, форсий ва туркий тилларда Низомий ва Деҳлавий достонларига татаббу бағишлаган 50га яқин шоир ҳақида маълумот берилган.

ҳаётда доимо беғараз бўлавермаслиги маълум бўлиб, бу энди ошиқнинг маънавий савияси билан боғлиқ эди. Навоий ўзининг якуний асари **“Маҳбуб ул-қулуб”** рисоласининг иккинчи қисмидаги **“Ишқ зикрида”** аталмиш 10-бобида бу туйғуни - ***авом ишқи*** (яъни, ўз шаҳвоний нафсини енгиб ўтмаган, маънавий баркамоллик касб этмаган оддий одамлар ишқи)[1] ***хавос ишқи*** (яъни, ўз нафсини енгиб ўтиб маънавий баркамолликка эришган ориф инсонларнинг пок ишқи) ва ***сиддиқлар ишқи*** (авлиёуллоҳ суфийлар ишқи) сифатида уч қисмга ажратиш билан ушбу муаммони мукаммал ҳал қилиб берди. Навоий ***хавос ишқи,*** яъни **пок инсоний ишқни** ошиқ учун ўзликни англаш йўли, “*Ҳақиқат асрори*” ганжинасининг калити деб билади. “*Лайли ва Мажнун*” достонининг хотима бобида[2] шоир муҳаббатга **ғаройиб кимиё,** яъни мисни олтинга айлантира олувчи **сеҳрли куч, инсонга Борлиқ сирларини ошкор қилувчи кўзгу,** деб таъриф беради. У **"ишқ" ҳодисасига,** биринчи навбатда, **ижтимоий-ахлоқий муносабатлар** нуқтаи назаридан қарайди, шу асосда **"*мажозий ишқ*"ни** воқеъ ҳаётдаги **инсонлар аро муомалада** биринчи ўринга чиқаради, **ўзак моҳиятга** айлантиради. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган ***"алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ"***нинг кўпчилик йигит-қизлар орасидаги оддий **“ошиқ-маъшуқ”**ликдан ҳам, тасаввуф аҳли **“ишқи ҳақиқий**” деб атаган ирфоний интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи **мумтоз бир туйғу**, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. **Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди.**

5-жадвал.
Форс тилидаги мумтоз шеъриятнинг тараққиёт босқичлари[3]

Тарихий давр	**Форс мумтоз шеъриятининг маънавий тараққиёт босқичлари**	**Ҳар бир босқич адабиётининг етакчи мавзу тамойиллари**	**Ҳар бир босқичда ишқ мавзусининг талқини**
IX аср охири – XI аср	Дунёвий мазмундаги мумтоз шеърият	Мадҳиявий қасидалар, ишқий ғазаллар, ҳажв, тарихий ва ишқий достонлар	Дунёвий ишқ
XII-XIII	Тасаввуфий-	Фалсафий қасидалар,	Ирфоний

[1] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Т., 1983. –С.51-52.
[2] Алишер Навоий. Хамса. –Т., 1960. –С.447.
[3] Ушбу жадвал китобнинг иккинчи боби бошланишида келтирилган эди.

Асрлар	ирфоний шеъриятнинг юксалиши	ишқий-ирфоний ғазаллар, ирфоний достон ва маснавийлар	(илоҳий) ишқ (“*ишқи ҳақиқий*”)
XIV-XV Асрлар	Эпик ва лирик шеъриятда “***Мажоз тариқи”*** адабиётининг Етакчилиги	Турли жанрдаги ишқий-ирфоний ва ижтимоий мазмундаги шеърлар, Мажозий ишқни куйловчи достонлар (хамсачилик анъаналари ривожи)	Мажозий ишқ *(“хавос ишқи*”)

Шарқ мумтоз адабиёти ривожида **мажоз** атамасининг турли маънолардаги талқинини учратамиз. Жумладан, **“*мажоз*”** усули **дунёвий адабиёт** вакиллари учун воқеликдаги бирор оддий ҳодисани бадиийлаштириб **тасвирлаш воситаси** сифатида қўлланилган бўлса (масалан, **Рудакий**нинг “*Модари май*” қасидаси, ёки Манучеҳрийнинг шу мавзудаги мусаммати), тасаввуф шоирлари (Масалан, **Аттор** ва **Жомий** достонларида) ундан ирфоний ғояларнинг **аллегорик ифодаси** сифатида фойдаландилар. **“*Мажоз тариқи*”** босқичида энди бу шунчаки бадиий тасвир воситаси эмас, балки **Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва англатиш** воситасига айланди.

Навоий охирги достони «*Лисон ут-тайр*»да Симурғ тимсоли орқали ўзининг асрий орзусини, улуғ ва қимматли **ижтимоий ғоя**ни ифодалади. **Унинг талқинидаги Симурғ - камолотнинг олий босқичи -Тавҳид босқичига кўтарилиб етган ўттиз қуш ("*си мурғ*")нинг бирлиги - маънавий ягоналик ҳосил қила билган уйғун инсонлар жамоаси, яхлит инсоният. Ушбу уйғунликка эришувнинг ягона йўли эса инсонларнинг бир-бирига Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳридир.**

Шундай қилиб, **“*Мажоз тариқи*” босқичи** мусулмон минтақа маънавияти такомилининг энг олий поғонаси, **Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини** бўлди. Ижтимоий воқеликни бадиий тадқиқ этиш, инсонни ва табиатни тўғри тушуниш, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини англаш ва англатишга уриниш – “*Мажоз тариқи*”нинг буюк вакиллари **Саъдий Шерозий, Хусрав Деҳлавий** ва **Ҳофиз Шерозий** асарларида ўзининг мукаммал ифодасини топди ва бу ёндошув кейинчалик Алишер Навоий ижодида ўзининг юксак чўққисига кўтарилиб, унинг охирги асарида ўзига хос бадиий дунёқараш, бадиий ижод тариқи (“***методи***”) сифатида назарий жиҳатдан ҳам пухта асослаб берилди.

Бу босқич ягона мусулмон минтақа маънавияти такомилининг қонуний якуни бўлиб, туркий тилда, ўзбек мумтоз адабиётининг бобокалони ижодида авж нуқтага эришди. Бу дунёқарашни бутун ички

мураккаблиги, кўлами ва теранлиги билан ўша давр шароитида фақат **бадиий адабиётда**, бадиий тимсоллар тили билангина ифодалаш мумкин эди. Зеро, "***мажоз***" тушунчаси ўзи бадиий адабиёт тилининг асосий хусусиятига оиддир.

37. Амир Хусрав Деҳлавий

Алишер Навоий: *"Лақаби Яминиддиндур. Отаси Лочин қабиласининг улуғларидин эрмиш, Балх навоҳасинда. Ҳамонки, они Ҳиндустонда машҳурдурки, турк дерлар, жиҳат бу эркин. Султон Муборакшоҳ Хилжий фавтидин сўнгра шайх Низомуддин Авлиё хизмат ва мулозаматиға қўшулди... Шайх дер эркандурки, қиёматда ҳар киши бир нима била фахр этгай. Мен бу туркнинг, яъни Хусравнинг кўксининг куюки била фахр қилғумдур."*

Куз. Боғларга хазонрезги шамоли ғорат солмоқда. Бинафша ғамдан кўк либос кийиб сўфилардек саждага бош қўйган, Атиргул либослари чок-чок, баҳор айёмида оловдек кўзни яшнатган лолазорлар гўё ўз алангасида куйиб жизғанак бўлгандек. Садбарг дафтарининг варақлари пора-пора бўлиб, ерга сочилган, сарв соясидан нишон ҳам йўқ. Боғдаги барча гулу дарахтлар изғирин шамолида яланғоч дийдирашади.

Наргиз бу ҳолни кўриб кўздан айрилди, энди унга тикан – асо, шамол – етакчи. Сабзалар устини тупроқ босган, ёмғирдан тўлиққан гул кўвачалари ерга тушиб чилпарчин бўлмоқда, мажнунтоллар новдаларини чайқаб гиря қиладилар, бундан чумчуқ болалари озор чекади. Гуллар нозик тани – яланғоч, бу шармандаликдан булбуллар боши хам, тўтилар – гунг.

Боғни хароб этди бойўғли бутун,
Укки бўлиб унга шерик кун-бакун.
Лола шукуҳин йўқотиб қир-адир,
Каклик урнб тошга тўшин, хунбағир.
Тупроқ аро қолди ушоқ ғунчалар,
Ҳасратидан нола этур навдалар...

Бу мунгли манзара оддий бир куз фаслининг тасвири. Шоир қайғусининг боиси нима? Амир Хусрав Деҳлавийнинг илк йирик достони «*Қирон ус-саъдайн*» («Икки саодатли юлдузнинг учрашуви»)дан олинган бу парча асл матнда 50 байтдан ортиқ ҳажмдаги алоҳида васф бўлиб, Ҳинд юртига навбатдаги мўғуллар ҳамласи тасвир этилган бобнинг дебочасидир. Дарҳақиқат, XIII аср бошларидан Ўрта Осиёга ёпирилган мўғул балоси маҳаллий халқларнинг юксалиб келаётган маданияти, осойишта турмушига ғорат солди. Шумқадам қўшин обод ўлкаларни вайронага айлантирди, гулдек қиз-жувонлар номусини топтади, бегуноҳ гўдаклар танаси тупроққа қорилиб, мардлар боши хам, дийдалари гирён.

Илм ва санъат аҳллари, аҳолининг катта-катта қатламлари ўз юртларини тарк этиб, узоқ-узоқларга бош олиб кетдилар. Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарийлар тимсолида юксалиб келаётган туркий тилдаги адабиёт яна оғир зарбага учради. Она юртдан айру тушган истеъдод эгалари яна форс тили паноҳига бош эгдилар.

Ушбу даврда маданият марказлари Шимолий Ҳиндистон ва салжуқлар Туркияси бўлиб қолди. Агар 12 ёшли Жалолиддин (Румий) отаси билан Балхни ташлаб, Кўняга отланган бўлса, бўлғуси шоир Амир Хусравнинг отаси Сайфуддин Маҳмуд ўз элати билан ватани Шаҳрисабзни ташлаб, Ҳиндистон сари юзланди. У туркий сулола бўлмиш Деҳли султонларидан Шамсуддин Элтутмиш қўшинига хизматга кирди, унинг ҳарбий аёнларидан бирининг қизига уйланди ва уч ўғил кўрди. Ўғилларининг кенжаси 1253 йилда Деҳли яқинидаги Мўминпур (Патьёли) қалъасида дунё юзини кўрган Яминуддин Хусрав эди.

Мўғул истилочилари Ҳиндистонни ҳам тинч қўйганлари йўқ. Бўлғуси шоир 8 ёшга кириб-кирмай, отаси Амир Сайфуддин Маҳмуд босқинчиларнинг навбатдаги ҳамласини даф этар чоғида ҳалок бўлди. Ёш Хусрав бобоси Имодулмулк ва онаси Давлатноз қўлида тарбия топди. У ўша давр илм-фанининг турли соҳалари бўйича кенг ва чуқур билим олди, гўдаклик чоғидан шеъриятга астойдил ихлос қўйди. Амир Хусрав турк, ҳинд, араб ва форс тилларини мукаммал биларди. У анъанага биноан асосан форс тилида ижод қилган бўлса-да, ҳинд, араб тилларида ҳам шеърлар ёзганлиги маълум. Турк, ҳинд, араб тил унсурларидан унумли фойдаланиб, теран сўз ўйинлари, ёркин бадиий тимсоллар яратди, ширу шакар ғазаллар битди.

Албатта, шоир ватаним деб Ҳинд диёрини атади, Ҳиндистон мадҳида ажойиб васфлар, самимий сатрлар яратди. Аммо ўзининг турк элидан эканини ҳам бир лаҳза унутмади, турк султонлари ҳинд халқига, ўз халқига ситам ўтказган пайтларида, шоир ўз-ўзига мурожаат қилиб: «*Эй, Хусрав, сен вафопеша турк бўл!»,* деб ҳайқирди. Шоирнинг пири Низомиддин Авлиё ҳам унга ҳамиша «*Эй, турк*» деб мурожаат қиларди. Хусрав мактаб ёшиданоқ «*Султоний*» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади ва 18 ёшида биринчи шеърлар девони «*Туҳфат ус-сиғар*» («*Ёшлик туҳфаси*»)ни якунлади. Шоир ижодининг шаклланиш даврида нисбатан мақбул шароитга тушиб қолди. Давр султони Ғиёсиддин Балбаннинг катта ўғли, Мултон вилоятининг ҳокими Муҳаммадқоон ниҳоятда санъатни, шеъриятни қадрловчи шаҳзода бўлиб, саройига Хусрав Деҳлавий, Ҳасан Деҳлавий, Хожа Амидуддин Симавий каби даврнинг сара шоирларини тўплаган, тез-тез шеърият анжуманлари ташкил этиб, ўзи ҳам шеър машқ қиларди. Бироқ бундай мароқли суҳбатлар узоқ давом этмади. Мўғуллар билан навбатдаги жангда Муҳаммадқоон ҳалок бўлди, Хусрав ҳам мўғуллар қўлига асир тушиб, оғир азоблардан икки йил деганда зўрға қутулди.

Амир Хусрав ижодий такомилини шартли равишда икки даврга ажратиш мумкин. Биринчи давр унинг ғазалнавис ва қасиданавис шоир сифатида Деҳли султонлари тасарруфидаги ҳинд ўлкасида шуҳрат топиши билан боғлиқ бўлиб, бу даврда "*Туҳфат ус-сиғар*" ("Ёшлик туҳфаси") ва "*Васат ул-ҳаёт*" ("Ҳаёт ўртаси") лирик девонлари яратилди, учинчи девони "*Ғуррат ул-камол*" ("Камолот чўққиси ") га асос солина бошланди. Бу даврда, баъзи кичик маснавийларни ҳисобга олмаганда, ҳали шоир ижодига эпик кўлам хос эмас эди. Иккинчи давр шоирнинг ижодий баркамол ёшида, турмушнинг аччиқ-чучугини роса татиб, шеърият шайдоси шаҳзода Муҳаммадқоон саройида дўсти Ҳасан Деҳлавий билан шеърхонликда кечирган фараҳли кунларни ҳам, мўғул босқинида тортган асирлик азобларини ҳам босиб ўтиб, етарли ижтимоий тажрибага эришган ўттиз олти ёшлик чоғидан бошланади.

Бу даврга келиб иккинчи девон «*Васат ул-ҳаёт*» (Ҳаёт ўртаси) ҳам ниҳоясига етган ва шоирнинг оташнафас ғазаллари эл орасида кенг шуҳрат қозона бошлаган эди. 1289 йилда Амир Хусрав ўзининг илк йирик эпик асари, 3900 байтдан ошиқроқ ҳажмдаги "*Қирон ус-саъдайн*" достонини яратди. Замона ҳукмдори Муизиддин Кайқубод топшириғи билан ёзилган ушбу достон мавзуи ўша давр тарихий ҳодисаларидан ҳикоя қилади. Унда бобоси вафотидан кейин Деҳли султонлигини эгаллаган Кайқубод билан унинг отаси Бангола ҳукмдори Носириддин Буғрохон орасида бўлиб ўтган тахт талашув можаролари батафсил тасвир этилади. Воқеалар ниҳоясида "*Қирон ус-саъдайн*" ("Икки саодатли юлдузнинг учрашуви") юз беради, яъни икки ҳукмдор – ота ва ўғил орасида бошланган низо сулҳ билан тугалланади. Шоирнинг асарига романтик руҳ бағишлаган ғоя бу нотинч дунёда душманликнинг дўстликка, ғайирликнинг меҳрга айланиши орзуси эди.

Достоннинг ёзилиши шоир ижодида янги давр бошланганини – унинг ғазал, қасида, рубоий, мўъжаз маснавийлар яратишдан йирик ҳикоябанд манзумалар битишга ўтганлигини билдирар эди. Шоирнинг эпик йўналишда қўйилган бу биринчи жиддий қадамида ҳали рубобий (лирик) кайфият кучли, шаклий ранг-баранглиқка ўчлик сезилади. Достондаги сарлавҳалар – шеърий, фасллар ўз руҳига мос лирик ғазал билан якунланган. Асарнинг умумий руҳидан некбин жўшқинлик уфуриб туради. Унда низо ва жангу жадалдан кўра сулҳ ва инсонлар аро меҳр-муҳаббат туйғулари устун турмоғи мақбул экани тарихий воқеалар асосида таъкид этилади, Ҳиндистон табиати, одамлари, обу-ҳавоси васф этилади. Амир Хусравнинг эпик қаҳрамон яратишдаги бу дастлабки уринишлари кейинги босқич - "*Хамса*" достонларига ўтишда яхши тажриба мактаби бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Хилжийлар сулоласининг биринчи вакили Жалолиддин Фирузшоҳ шоирни эъзозлаб, амирлик унвони берди. Амир Хусрав ҳам унинг шон-шавкатини, мўғуллар билан жангларини 750 байтли "*Мифтоҳ ул-футуҳ*" ("Ғалабалар калити") маснавийсида васф этди. Лекин бу эпик йўналишдаги тарихий асар йирик достонлар қаторидан ўрин олмади, балки шоирнинг бошқа кичик маснавийлари қаторида 1294-96

йилларда тартиб берилган учинчи девони «*Ғуррат-ул-камол*» («Камолот чўққиси») таркибига киритилди. Ушбу девон дебочасида шоир шеъриятга бўлган назарий қарашларини баён қилган, бадиий ижоддаги мустақил йўналишига таъриф берган. **Унинг эътиқодича, шоир на воиз (насиҳатгўй), на суфий сингари ёзмаслиги керак, балки бадиий ижод қонунларига риоя этиши лозим.**

Амир Хусрав Деҳлавий умри давомида 5 девон, 9 йирик достон, бир қатор йирик тарихий ва назарий асарлар яратди. Беш девонга унинг 2 мингдан зиёд ғазали, 273 қасида, 1200 дан ортиқ рубоий, 500 га яқин қитъа ва бошқа жанрлардаги бир қанча асарлари жамланган. Шоир ўзини ғазалда Саъдий, қасидада Саноий, Анварий, Ҳоқонийларга шогирд деб билса, воқебанд достонлар яратишда асосан Низомийга эргашади.

Амир Хусрав илк бор Низомий «*панжасига панжа уриб*», унга жавобан «*Хамса*» яратган забардаст мутафаккир санъаткор эди. Ундан кейин жуда кўпчилик бу йўналишда қалам тебратди. Аммо буюк Алишердан ўзга мард жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин ола билмади, Навоий эса, маълум-ки, хамсачиликда шайх Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавийларни ўзига устоз, салаф санарди,

Амир Хусрав «*Хамса*»си султон Алоуддин Хилжи ҳукмронлигининг (1296–1316) дастлабки чорагида 1298–1302 йилларда ёзиб тугалланди. Деҳлавий «*Хамса*»синиг биринчи достони «*Матла ул-анвор*» («Ёритқичларнинг уфқдан кўтарилиши») деб мажозий номланган. Яъни бу асар кейинги достонларда муайян бадиий тимсоллар орқали кенг тасвир этилган мавзуларга умумий муқаддима вазифасини бажармоғи кўзда тутилган эди. У Низомий достони каби кириш қисм, 20 мақолат ва хотима бобларидан иборат бўлиб, ташқи тасвир ва мавзулар танланишида тасаввуф руҳи кучли, аммо мазмунан ўша давр учун долзарб бўлган ижтимоий-ахлоқий масалаларга кўпроқ эътиборни қаратган эди.

Достондаги биринчи мақолат инсон мартабасининг улуғлиги ҳақидадир. Амир Хусрав инсоннинг буюклигига сабаб унинг бутун жаҳонни ўзига сиғдира олувчи қалб бойлигида, деб билади: *"Одам танаси,* – дейди у, – *шу сабабдин бир жаҳонга тенг кўриладики, у кўнгил майдонига эгадур. Бўлмаса бир қисм тупроқнинг қўлидин нима келади, у фалакларни этаги остига қамраб ола билармиди?!"*

Достоннинг ҳар бир боби охирида бир ибратли ҳикоят берилган бўлиб, бу ҳикоятларда давр шоҳларининг бегуноҳ қурбонига айланган гўдаклар, пок ахлоқли аёлларнинг фожеий тақдири ҳаяжонли мисраларда тасвир этилади, Халққа зулм, «*мусулмонлаштириш*» байроғи остида олиб борилган талончилик урушлари ҳақидаги мақолатлар кучли норозилик руҳи билан суғорилган. Амир Хусрав ўз асарида ҳирс ва қаноат, ишқ ва зулмни бир-бирига қарши қўяди, қаноат тушунчасини ўз ҳалол меҳнати билан бир бурда нон топиб ейиш маъносида талқин қилади, олтин-кумуш, дур ва ёқутларни инсон

учун нозарур, офтоб ва замин, олов ва покиза ҳавони энг улуғ ва қимматли бойлик эканлигини таъкидлайди.

«*Хамса»*нинг иккинчи достони «*Ширин ва Хусрав*»даги бош қаҳрамон тимсоли Низомий достони қаҳрамонидан буткул фарқ қилади. Агар буюк озарбойжон шоири ўз қаҳрамонини кўнгли соф инсоний туйғулардан холи бўлмаган шаҳзода йигит сифатида тасвир этган бўлса, Деҳлавий достонида ҳукмдор тоифасининг индивидуаллашган қиёфаси гавдалантирилган. Ундаги Хусрав – шоҳ, ҳукмдор. Унинг бутун хатти-ҳаракати ижтимоий мавқеи билан белгиланади. Унинг инсоний хусусиятлари ҳукмдорлик мавқеи, имкониятларига кўра ўзгаришга учрайди. Унинг ёндашувида инсоний ишқ шаҳватпарастликка айланиб кетади, ёрига фидокорлик, туйғулар собитлиги эса тожу тахтни хор қилиш эҳтимолини пайдо қилади. «***Тожу тахтга қариндошлик ярашмас, бўри галасига қўйлик ярашмас»*** дейди шоир аччиқ заҳарханда билан. Достонда тож ва меҳр орасидаги зиддият асосий ички конфликт манбаи сифатида юзага чиққан. Амир Хусрав ўз қаҳрамонига ишқ йўлида тахту тождан воз кечган Чин шаҳзодаси Фарҳод тимсолини ибрат қилиб кўрсатади.

"*Мажнун ва Лайли*" достонига мавзу бўлган ғуссали фожиа, саҳройи араб йигити – шоир ва девона Қайснинг ўз Лайлосига муҳаббати ва садоқати неча марта куйланмасин, барибир ҳар сафар киши қалбини ларзага солади. Деҳлавий қаламига мансуб асар ҳам кўзда ёш ва дилда нур билан ўқиладиган чин меҳр тараннумидир. Амир Хусрав бу достонининг Низомий руҳига ниҳоятда яқин эканини, олдннги достонларидан услуби буткул фарқ қилишини ўзи ҳам таъкидлаб ўтади. У севишганлар фожиасида у ёки бу конкрет шахсларни (масалан Лайлининг отасини) эмас, мавжуд воқеъликни, ижтимоий муҳитни айблайди.

Амир Хусрав достонидаги ошиқ ва маъшуқа учрашуви тасвирланган эпизод, айниқса, таъсирлидир. Достон қаҳрамонларининг ишқи муайян, ҳаётий, инсоний муҳаббат эди. Аммо бу муҳаббат ниҳоятда поклик билан йўғрилган бўлиб, асар охирида мўйсафидлар "*худонинг мўъжизаси*" деб талқин қилган бу муҳаббатда асло шаҳват ғалаба қила олмасди. Мажнун ва Лайли ўғринча, муваққат, ғайриқонуний висолга интила олмасдилар, улар бунга қобил эмасдилар, зеро, бу пок инсонлар наздида муносиб туйғу эмас. Шунинг учун ошиқлар қалби нақадар оловли эҳтиросларга лиммо-лим бўлмасин, улар орасидаги иффату одоб чегаралари ҳам шунчалик юксак эди. Улуғ устозлар меросига боқийлик бахш этувчи юксак ҳақиқатлар, "*илоҳий мўъжизалар*" айни шундай тасвирларда намоён бўлади. Шоирнинг ўзи бу ҳакда "*Оллоҳ хазинасидан бир сир*", дейиш билан кифояланиб қўя қолган.

Низомий "Хамса"сининг тўртинчи достони шоҳ Баҳромнинг саргузаштларидан ҳикоя қилувчи "*Ҳафт пайкар*" ("Етти гўзал") бўлса, Амир Хусрав салафи тартибини бузиб, Искандар ҳақидаги достонни тўртинчи ўринга кўчирди. Бу жангнома йўналишидаги асарда Амир Хусрав ўз салафи Низомий айтганларини қайтармоқчи эмас, балки унинг тасвиридан

тушиб қолган ёки нотўғри талқин қилинган ўринларни, "*ятим*" дурларни ("*дурри ятим*" - шаҳвор, йирик марварид маъносини ҳам билдиради) бир жойга йиғиб, китобхонга тақдим қилмоқчи бўлади.

"*Ойинаи Искандарий*" ("Искандар кўзгуси") деб номланган ушбу достоннинг асосий қисми "***давлат***" тушунчасини шарҳловчи кичик дидактик боб билан бошланади. Ўрта аср кишиларининг дунёқарашида "*давлат*" тушунчаси катта моҳият касб этган. У ҳам "*омад*", "*тақдир иноятиˮ*, ҳам "*мол-дунё*", ҳам "*ҳокимият*" маъноларини ўзида жамлаб келган. Илғор фикр намояндалари эса уни инсоннинг ички маънавий бойлиги маъносида ҳам талқин қилганлар. Асарнинг асосий ғояси шуки, ***"Ўзгаларга ситам етказувчи бахтли ва шодон ҳаёт эгаси бўла олмайди, чунки бахт ва давлат қарзга олинмайди***".

«*Искандар кўзгуси*» – бу Низомийдаги сингари одил шоҳ ғояси ифодаси эмас, балки том маънода шоҳлар юзига тутилган кўзгудир. Адабий анъанада, дарҳақиқат, Искандар Зулқарнайн образи одил шоҳ тимсоли эди, аммо энг одил шоҳ ҳам Амир Хусравни қониқтирмайди. Искандарнинг Чин ҳоқони билан жанги, айниқса, ибратли тасвирланган. Чин ҳоқони ўз юрти ҳимоячиси, Искандар қўшини эса очиқдан-очиқ тажовузкор, талончи экани кўриниб туради. Амир Хусрав бадиий мушоҳадаси теранлиги шундаки, одил шоҳ бўлишни истаган ҳукмдор ҳам мавжуд ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб, адолатсизликка йўл қўйиши табиий эканлигини маълум даражада англай олган ва буни «*Искандар кўзгуси*»да акс эттирган.

Амир Хусрав «*Хамса*»нинг якунловчи достони "*Ҳашт биҳишт*" ("Жаннатнинг саккиз боғи")ни бошқаларига қараганда узоқроқ тайёргарлик билан ёзди. Бунинг сабаблари асар мундарижаси билан танишганда маълум бўлади. Достон 8 қиссадан иборат бўлиб, «*Баҳром Гўр ва Дилором*» қиссаси қолипловчи вазифасини бажарган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Амир Хусрав "*Хамса*"сининг бешинчи достонида унинг ижоди сув ичган сарчашмалар – Марказий Осиё, форс ва ҳинд унсурлари ўзаро ажойиб бир уйғунлик ҳосил қилган. Бокаччонинг "*Декамерон*"идан 50 йил бурун ёзилган ушбу асар қаҳрамонларининг ғаройиб ва ранг-баранг саргузаштлари, эртакнамо сеҳрли мужассамалар, гапирувчи тўтилар, кишилар жонининг танадан танага кўчиб юришлари, ҳазиломуз "*шумликлар*", уддабуронликлар, бир томондан, Туркистон халқ ижоди учун ниҳоятда хос бўлган киноя, кўпмаъноли ва тагдор жумла қуриш услубини, халқ китобларидаги машҳур айёрларнинг қилмишларини эслатса, иккинчи томондан, маҳаллий ҳинд халқининг урф-одатлари, хурофий ва асотирлик тушунчалари, беқиёс гўзал санъатини эсга солади. Қиссаларнинг деярли ҳаммаси янги сюжетлар асосида, ҳинд адабий анъаналари руҳида қурилган, саргузашт ва ғаройиботларга бой. Уларнинг энг асосий хусусияти – оддий меҳнаткаш халқ - косиблар, дурадгорлар, боғбонларнинғ ёрқин қиёфалари яратилганлиги, уларнинг садоқатли дўстлиги, уддабуронлиги, яратувчилик қудрати, ҳунар аҳлининг ақли ва

идроки шоҳ саройи ва унинг хожаларига хос маънавий тубанлик, фисқи-фасодликлар, фаҳш ва фитнакорликлар, иродасизлик ва тутуруқсизлик-ларга қарама-қарши қўйилганлигидадир. Бу ҳақиқий ҳаётчан руҳдаги асар ўзбек халқи томонидан доим севиб ўқилган, Огаҳий эса уни насрда ўзбек тилига ўгирган.

Алишер Навоий ўз достонлари ҳақида "*зоҳир юзидан афсона*" деган эди. Минг афсуски, дарҳақиқат, ўтган аср авлодига буюк устозларнинг назм дурдоналари ушбу "*афсона*" даражасида, юзаки талқин этилиб, тушунтириб келинди. Бугунги мустақиллик, ҳурлик замонида энди маънавиятимизнинг асл моҳияти ҳақида очиқ-ойдин гапириш, фикр юритиш имконияти мавжуд экан, ўтмиш устозлар ижодига жиддийроқ назар ташлаш, улар моҳиятининг теранроқ таҳлилига ўтиш ўзимиз учун ҳам, ёш авлод маънавий тарбияси учун ҳам айни фарздир.

Амир Хусрав "*Хамса*"нинг сўнгги достони "*Ҳашт биҳишт*"ни 1302 йилда тугатди. Орадан 14 йил ўтиб, 1315-1316 йилларда шоирнинг яна бир шоҳ асари – "*Дўвалрони ва Хизрхон*" достони яратилди. Асарнинг бош мавзуи инсоний муҳаббатдир. Унда тарихий шахслар – Деҳли султони Алоуддин Хилжийнинг катта ўғли Хизрхон ва Гужарот рожаси Карннинг қизи Девалдининг бир-бирига бўлган чексиз меҳри эҳтиросли ва кўтаринки мисраларда тасвир этилади. Хизрхон – турк-мусулмон шаҳзодаси, Девалди – асира ҳинд маликасидир. Улар болаликдан бирга ўсиб, бир-бирига меҳр қўйганлар, аммо бўйига етгач, уларни ажратишади. Хизрхонни мажбуран тоғасининг қизига уйлантиришади. Кўп қийинчиликларни енгиб ўтиб, севишганлар ниҳоят бир-бирларининг висолига етишади, бироқ яна сарой фитналари, тошбағир султон ва унинг фирибгар аъёнлари ошиқ Хизрхон бошига кулфатлар келтирадилар. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, Амир Хусрав ўз достонига тахтдан маҳрум этилган шаҳзодани қаҳрамон қилиб олади, ўзи сарой шоири бўлган давр ҳукмдорлари – султон Алоуддин ва Қутбиддин Муборакшоҳларнинг хатти-ҳаракатини эса очикдан-очиқ қоралайди. Ваҳоланки, биз ҳануз уни ушбу султонларнинг сарой шоири деб ҳисоблаймиз.

Достоннинг кириш қисмида «*Подшоҳга насиҳат»* деб номланган алоҳида боб бўлиб, замонасида «*Искандари соний*» номи билан машҳур бўлган Султон Алоуддинга шоир шундай ўгит беради:

Агар истар эсанг чин подшолик,
Кўнгиллар куйида этгил гадолик.

Яна уни огоҳлантиради:

Заифлар қудрати, бил, онча бўлгай,
Ки, золимлар қўлин чаппа қайиргай.

Золим ва қаҳрли ҳукмдорга бундай кескин ибораларда насиҳат қилиш учун шоирдан қай даражада жасорат ва маънавий қувват талаб қилинар

эди. Амир Хусрав отасидан кейин тахтга ўтирган Қутбиддин Муборакшоҳ ҳақида ҳам достонда очиқдан-очиқ “*Муборакшоҳи бемеҳр*” деб ёзади. Аммо бу даврга келиб шоирнинг хос ва авом орасида мавқеи шу даражага етган эдики, султон унга қарши бирор ҳаракат қила олишга ожиз эди.

Шоир ижод йўлининг охирги чорагида «*Нуҳ сипеҳр*» ва «*Тўғлуқнома*» номли йирик достонлар яратди. 1318 йили Қутбиддин Муборакшоҳ номига бағишлаб ёзилган 4509 байтли "*Нуҳ сипеҳр*" ("Тўққиз осмон қабатлари") достони ягона сюжет асосига қурилган эмас. Унинг тўққиз фасли арузнинг тўққиз баҳрида ёзилган бўлиб, ҳар бири бир сайёра, қуёш ёки ойга бағишланган. Уларнинг мундарижаси ҳам хилма-хил: даврнинг тарихий-сиёсий воқеалари, ҳарбий юришлар, жангу жадаллар, ўқ-ёй ва тўп-чавгон орасидаги мажозий мунозаралар, турли ўлкалар табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, урф-одатлари васфидан иборат.

Достоннинг "*учинчи сипеҳр*"и алоҳида диққатга сазовор бўлиб, уни маълум маънода "*Ҳиндистон қомуси*", деб аташ мумкин. Бу фасл бошдан-оёқ шоирнинг туғилиб ўсган ватани мадҳига бағишланган. Унда ўлканинг табиати, обу ҳавоси, наботот ва ҳайвонот дунёси, одамлари васф этилади, турли ташбеҳ ва мажозлар асосида бу юртнинг ўзга иқлимлардан афзаллиги муболаға этилади. Ушбу фаслда Амир Хусрав арабий, форсий, туркий тилларни жаҳон тиллари сифатида турли ўлкаларда кенг тарқалганлигини қайд этиб ўтади, арабий ва туркий тилларнинг барча сарфу наҳв қонун-қоидалари, улардаги луғавий қонуниятлар билимдонлар томонидан пухта ишлаб чиқилганлигини эсга олади. Туркий, румий ва дарий тилларини яхши эгаллаган киши икки жаҳонни эгаллади, деса бўлаверади, деб хулоса қилади шоир.

Амир Хусравнинг тарихий достонларини ўқир экан, одам беихтиёр Европа Уйғониш даврининг буюк даҳоси Вильям Шекспирнинг драматик хроникаларини эслайди. Бу жиҳатдан, айниқса, шоирнинг охирги достони "*Тўғлуқнома*" ёрқин намунадир. Драматик фожиа руҳида бошланувчи бу асар – султон Муборакшоҳни ўлдириб, тахтни эгаллаб олган мунофиқ вазир Хусравхон фитнаси ва унга қарши курашга қўзғалган турк лашкарбошиларидан Ғози Малик жасорати тасвирига бағишланган. Ғози Маликнинг Ғиёсиддин Туғлуқ номи билан тахтга чиқиши туфайли асар «*Туғлуқнома*» деб аталган. Амир Хусрав ҳаёти давомида Деҳли салтанатида тўққиз ҳукмдорнинг тахт алмашувини кузатди. Саройдаги хиёнат ва разолатни, шафқатсиз хунрезликларни ўз кўзи билан кўрган шоир достонларида бу аччиқ ҳақиқатни рўйи рост акс эттирди.

Шоир қасидалари ва қитъаларида инсонларни маънавий камолотга ундайди, мол-дунё, тож-тахт, айш-ишратга бўлган ҳирсни қаттиқ қоралайди, ижтимоий воқеликка танқидий муносабатда бўлади. Унинг «***кўси шоҳ холи-ю, бонги ғулғулаш дарди сараст»*** (подшоҳ ноғорасининг

ичи бўшу, шовқин-сурони бош оғриғидир) деб бошланувчи «*Дарёйи аброр*» (Тақводорлар уммони) қасидаси, айниқса машҳур бўлиб, унга Жомий «*Лужжат ул-асрор*» (Сирлар теранлиги) ва Навоий «*Туҳфат ул-афкор*» (Фикрлар туҳфаси) қасидалари билан жавоб-татаббу битганлар.

Амир Хусрав Султон Алоуддиннинг ҳарбий юришлари ҳақида «*Хазойинул футуҳ*» («Ғалабалар ганжинаси») тарихий мансурасини, бадиий санъатлар, фармон ва мактублар битиш қоидалари ҳақида 5 рисоладан иборат «*Эъжози Хусравий*» («Хусрав мўъжизалари») мажмуасини ва яна бир қатор бошқа асарлар яратди, уларнинг баъзиларидан фақат номларигина маълум, баъзиларининг ҳали қатъан шоир қаламига мансуб эканлиги аниқланган эмас.

Деҳлавий умри охирида "*Бақия ун-нақия*" ("Сараларнинг сараси" ва "*Ниҳоят ул-камол*" ("Камолот чўққиси") девонларини тузиб, лирик меросини 5 девонга бирлаштирди. Шоир учинчи девони "*Ғуррат ул-камол*" дебочасида сўз санъати устодлари "сўзининг маъно ва айтилиш тарзида" суфий ва музаккар (яъни тарбиячи, муаллим)лар йўналишидан фарқ қилиши зарурлигини уқтирган эди. Ўзи ушбу қоидага қатъий риоя қилиб, Низомий анъаналарига қайта руҳ бағишлаган ҳолда, инсон маънавий камолотини таъминлашга қаратилган мутлақо янги бир йўналишга асос солди.

Шоир ижоди замонасидаёқ Зиёуддин Бараний, Амир Хўрд каби тарихчилар диққатини ўзига тортган эди. Аммо XV аср Ҳирот адабий мактабида Низомий билан баробар Деҳлавийнинг таъсири ниҳоятда кучли бўлди. Навоий деярли ҳар бир асарида уни ҳурмат билан тилга олади. Унинг ҳақида Европа, Эрон, Ҳиндистон олимлари ёзишган. Совет даврида эса шоир ижодини ўрганлш бўйича ўндан ортиқ илмий рисола ёзилиб, кўплаб номзодлик ва докторлик илмий даражалари ҳимоя қилинди. Булардан Е.Э.Бертельс, А.А.Стариков, Г.Ю.Алиев, тожикистонлик М. Бақоев, озарбайжонлик Т. Муҳаррамов ва бошқаларни эслаш мумкин. Амир Хусрав Деҳлавий 1325 йилда пири вафотидан 6 ой ўтгач, дунёдан кўз юмди, Деҳли шаҳрида Шайх Низомиддин Авлиё ва унинг пойига дафн этилган Амир Хусрав мақбаралари бугунги кунда ҳам Ҳиндистон халқи учун, барча ихлосмандлар учун табаррук зиёратгоҳдир.

Амир Хусрав Низомий ва Саъдийлар изидан бориб бадиий ижодда мажоз тариқига асос солувчилардан бири бўлди, бунга унинг ўзи «*Ширин ва Хусрав*», «*Дўвалрони ва Хизрхон*» асарларида ишора қилиб ўтган бўлса, кейинчалик Алишер Навоий «*Маҳбуб ул-қулуб*» асарида аниқ таъриф берди.

Амир Хусрав ижоди XV аср Ҳирот адабий мактаби доираларида жуда машҳур бўлди. Давлатшоҳ Самарқандийнинг "*Тазкират уш-Шуаро*" асарида шоир ҳаётига оид муҳим маълумотлар учрайди. Абдураҳмон Жомий девонларига тартиб беришда Деҳлавий изидан борди. Алишер Навоийнинг ижодига унинг баракали таъсири ҳақида юзлаб саҳифалар битса бўлади. Навоий Хусравни "*Хамса*"чиликда устозлардан ҳисобласа,

девон дебочаларида рубобий истеъдодига тасанно айтади. Фоний сифатида ғазаллари ва фалсафий қасидаларига татаббулар битади.

Умуман, Шарқ шеъриятининг кейинги ривожини Амир Хусрав таъсирисиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли ҳам кейинги асрларда Ҳиндистонда, Эрон ва Афғонистонда, собиқ Совет Иттифоқида шоир ижодий меросини ўрганиш ва асарларини нашр қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, жаҳон миқёсида ўтказилган шоир таваллудининг 700 йиллик тантанаси муносабати билан Москвада *"Хамса"* достонлари, Душанбеда "*Дўвалрони ва Хизрхон*" асарининг илмий-танқидий матнлари форс алифбосида нашр этилди. Шоир ҳаёти ва ижоди, айрим асарлари ҳақида А.А.Стариков, Ғ.Ю.Алиев, М.Бақоев, Т.Муҳаррамов ва бошқа қатор олимларнинг тадқиқотлари юзага келди[1]. Ўзбек тилида И.Низомиддинов, Ш.Шомуҳамедов ва Б.Мусаев, Ж.Мирсаидовнинг рисолалари, шоир асарларидан баъзи намуналар босилиб чикди. 1989 йилда ушбу сатрлар муаллифининг шоир достонлари тавсифига бағишланган "*Тўққиз осмон юлдузлари*" рисоласи Ғафур Ғулом номидаги нашриётда босиб чиқарилган эди.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. "*Мажоз тариқи*" йўналишидаги улуғ шоирлардан кимларни биласиз?
2. "*Ишқи ҳақиқий*" ва "*ишқи мажозий*" тушунчаларини шарҳлаб беринг.
3. Навоий "*Маҳбуб ул-қулуб*" рисоласининг "*Ишқ зикрида*" бобида ишқни қандай қисмларга ажратади?
4. Навоийнинг "*Лисон ут-тайр"* достонидаги Симурғ тимсоли нимани англатади?
5. Қайси асар Амир Хусрав Деҳлавий "*Хамса*" достонларини ёзишга киришиши олдидан яхши тажриба мактаби бўлди?
6. Амир Хусрав Деҳлавийнинг ижодий мероси ҳақида сўзлаб беринг.
7. "*Ширин ва Хусрав*" достонининг бош қаҳрамони тимсоли Низомий достонидан нимаси билан фарқ қилади?
8. Тадқиқотчилар Амир Хусрав «*Хамса*»сининг якунловчи достони "*Ҳашт биҳишт*"ни қандай таърифлайдилар?
9. "*Дўвалрони ва Хизрхон*" достонининг бош мавзуи нима?

ЎНОЛТИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *XIV аср форс адабиётининг таниқли вакиллари Хожу Кирмоний, Убайд Зоконий, Ҳофиз Шерозийлар ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қисқача ахборот бериш, ғазал жанри тараққиётида*

[1] Шу жумладан муаллифнинг "*Хусрав Деҳлавийнинг эпик ижодида метод ва поэтика масалалари*" мавзуидаги докторлик диссертацияси 1989 йилда Душанбеда Тожикистон Фанлар академияси Абу Абдулло Рудакий номидаги тил ва адабиёт институтида ҳимоя қилинган.

Ҳофизнинг ўрни, Ҳофиз ғазалларининг бош қаҳрамони, шеъриятининг мазмун-моҳияти хусусида таҳлилий мулоҳазалар, Ҳофиз ғазалларига Фоний татаббуларининг қиёсий тадқиқи, Жомийнинг илмий-ирфоний ва бадиий мероси,"Баҳористон" асари, "Ҳафт авранг" ва "Хамса" туркумларининг умумий ва фарқли жиҳатлари хусусида талабаларни мулоҳаза юритишга ундаш.

Таянч сўз ва иборалар: *Хожу Кирмоний, Убайд Зоконий, "Саноеъ ул-камол", "Бадоеъ ул-жамол", «Ҳумо ва Ҳумоюн», «Гул ва Наврўз», Қазвин шаҳри, Зокон ноҳияси, ҳажвчилик, Ҳофиз Шерозий, "ринд" тимсоли, Навоий-Фоний, ғазаллар, татаббулар, Абдураҳмон Жомий, "Баҳористон", "Ҳафт авранг" , "Хамса", пир ва мурид, «Фотиҳат уш-шабоб», «Воситат ул-иқд», «Хотимат ул-ҳаёт», "Туҳфат ул-аҳрор", «Силсилат уз-заҳаб", «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномаи Искандарий», «Субҳат ул-аҳрор», "Саломон ва Абсол", «Нафахот ул-унс», «Ашъиат ул-ламаот», «Лавоеҳ», «Лавомеъ», "Шарҳи рубоиёт".*

38. Хожу Кирмоний ва Убайд Зоконий[1]

Хожу Кирмоний. Абулато Камолиддин Маҳмуд ибни Али Ҳожу Кирмоний 1290 йили Кирмонда туғилган. Унинг отаси Али ибни Маҳмуднинг ёшлиги Кирмонда ўтган. Ҳожу ёшлигидан шеъриятга қизиққан ва, шунингдек, фалсафа, илоҳиёт, тасаввуф, мантиқ, илми нужум ва тарих илмларини ўрганган. У туғилиб ўсган юрти Кирмонни мақтаса ҳам, аммо ҳаёти қийинчиликда ўтган ва сафар ихтиёр этган.

Шоир саёҳат қилиб келиб, Шерозда тўхтайди, сўнг Козирунга кўчади ва орифу аллома шайх Аминиддин Муҳаммад Козирунийга мурид бўлади. Лекин бунда ҳам тинчликка эриша олмай, ҳажга сафар қилади.

Ҳожу кўп қийинчиликлар, ғариблик, юпунлик, ҳатто очликка чидаб, 19 йил сафарда юради. Шом (Сурия), Ҳижоз, Ироқ, Бағдод, Шероз, Исфаҳон, Ҳамадон ва бошқа жойларни кўриб, ниҳоят 1338 й. ўз ватани Кирмонга қайтади. Шоир 1354 йили Шерозда вафот этган ва шу ерда дафн этилган.

Ҳожу аввало лирик шеърлари ва айниқса ғазаллари билан машҳур бўлган. Биринчи маснавийси «Ҳумо ва Ҳумоюн»ни 1331 йили Бағдодда ёзиб тугатган. У жуда сермахсул шоирлардан бўлиб, Амир Хисрав Деҳлавийдан кейин Низомийга издошлик қилиб «Хамса» ёзган иккинчи шоирдир.

---

[1] Ушбу икки ижодкор ҳаёти ва ижоди ҳақидаги фасл дарсликни мукаммаллаштириш илинжида устоз Шоислом Шомуҳамедовнинг "*Муттоз форс адабиёти (X-XV асрлар)*" (Т., 2011, с. 212-219) китобидан баъзи қисқартиришлар ва ўзгартиришлар билан кўчириб олиб қўшилди.

Шоирнинг қуйидаги маснавийлари бизгача етиб келган:

1. «*Ҳумо ва Ҳумоюн*» - «Шоҳнома» вазнида ёзилган бу достонда қадим эрон афсоналаридан бирига асосланиб, Хушанг ўғли Ҳумо ва Чин Фағфурининғ қизи Ҳумоюн ишқ-муҳаббатлари ривоят қилинади.

2. «*Гулу Навруз*» - Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достони вазнида ёзилган бўлиб, қадимий Хуросон шоҳи Фирузнинг ўғли Наврўз ва Рум қайсарининг қизи Гул ораларидаги муҳаббат саргузаштлари қаламга олинган.

3. «*Равзат ул-анвор*» - Низомийнинг «*Маҳзанул асрор*»ига татаббуъ сифатида яратилган.

4. «*Камолнома*» - Низомийнинг «*Ҳафт пайкар*» достонига татаббуъ бўлиб, бу асар 1343 йилда қоғозга тушган. Тадқиқотчилар бу асарни Шайх Саъдий «*Бўстон*»ига биринчи ва энг яхши татаббуъ, деб баҳолашади.

5. «*Гуҳарнома*» (ёки «*Гавҳарнома*») - 1344 йили яна Низомийнинг «*Хусрав ва Ширин*» достони вазнида таълиф этилган бу асарда Салжуқийларнинг машҳур вазири Низомулмулкнинг насабномаси таъриф ва тавсиф этилган.

6. «*Сомнома*» - Рустами Достоннинг бобоси, Сейстон баҳодирларидан Сомга бағишланган бу достон Фирдавсий «Шоҳнома»си руҳида ёзилган.

Ҳожу девонининг энг қадим нусҳаси 1349 йили китобат қилинган. Шоир ҳаёт вақтида тўпланиб, «*Дебоча*» ҳам ёзилган бу мажмуа "*Саноеъ ул-камол"* ва *"Бадоеъ ул-жамол*" деб аталувчи икки катта қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўлим каттароқ, унда қасидалар, қитъалар, таркибот, таржиот, ғазаллар ва икки маснавий — «*Ҳумой ва Ҳумоюн*» билан «*Гул ва Наврўз*» жой олган. Иккинчи бўлим мадҳиявий қасидалар, таркибот, рубоийлар, «*Шавқиёт*» номи билан бирлаштирилган ғазаллар бўлимидан тузилган.

Ҳожу Кирмоний ўз даврида ғазал устози сифатида шуҳрат қозонган. Унинг ғазаллари латофатли ва тароватли. Ҳофиз Шерозий ғазалсароликда Саъдийга эмас, Ҳожуга эргашганлигини ўзи эътироф этган. Ҳожунинг қуйидаги сатрлар билан бошланувчи ғазали ушбу эътирофга яққол далил бўла олади:

Хирқа раҳни хонаи хаммор дорад пири мо,
Эй ҳама риндон муриди пири соғаргири мо.
Гар шудем аз бода бадноми жаҳон, тадбир чист?
Ҳамчунин рафтаст дар аҳди азал тақдири мо.
Сарвро бошад самоъ аз нолаи дилсўзи мурғ,
Мурғро бошад судоъ аз нолаи шабгири мо...[1]

[1] Гулшани адаб. (Намунаҳои назми форсу тожик. Асрҳои XIII-XIV). Жилди 2. Душанбе - "Ирфон" - 1975, С. 352. Ушбу тўпламда шоирнинг лирик шеърлари ҳамда «*Ҳумой ва Ҳумоюн*» достонидан намуналар берилган.

(Хирқаси майхонада гаравга қолган пиримиз,
Барча риндлардир муриди, илгида қадаҳ пиримиз,
Май ичиб оламда бадном бўлдигу не чора бор?
Шу тариқ рўзи азал бўлган эса тақдиримиз.
Сарв булбул ноласидан жунбушга тушса, не ажаб,
Тунлари булбулга бошоғриқдур оҳу зоримиз...)

Убайд Зоконий. Хожа Низомиддин Убайд Зоконийнинг тўлиқ номи Убайдуллоҳ бўлиб, «Убайд» унинг тахаллусидир. У 1270 йили Қазвин яқинидаги Зокон ноҳиясида туғилиб, 1370 йили Шерозда вафот этган. Убайдуллоҳ ибтидоий таълимни ўз юртида олади. Кейинроқ Эрон ва Ироқнинг бошқа шаҳарларида таҳсилни давом эттиради**.** Ижодкорнинг ўз асарларидаги маълумотларига қараганда, у маълум бир вақт давлат ва дин ишлари билан машғул бўлган, бир муддат Қазвинда қозилик ҳам қилган. Бизга номаълум сабаблар билан ишдан бўшатилган.

Қуйидаги рубоий шоир нечоғлиқ тангликда яшаганига далолат қилади:

Дар хонаи ман зи нику бад чизи нист,
Жўз банга ву пораи намад чизи нист,
Аз ҳар чи пазанд нист ғайр аз савдо,
Ва-з ҳар чи хўранд жўз лагад чизи нист.
(Уйимда на яхши, на ёмон бирор нарса йўқ,
Бир парча кигиз ҳам доду фарёддан ўзга нарса йўқ,
Озуқадан ғам-ташвишдан бошқа нарса йўқ,
Егуликка тепкидан ўзга нарса йўқ.)

Аммо бу фақирлиг-у йўқсилликларни Убайд қаноат билан енгиб ўтган:

Эй дил, пас аз ин андуҳи беҳуда махўр,
З-ин беш ғами будаву нобуда махўр,
Жони мадеҳу доди тамаъу ҳирс мадеҳ,
Ғам мехўру нони миннатолуда махўр.
(Эй кўнгил, бундан буён беҳуда қайғурма сира,
Бундан ортиқ бору йўқнинг ташвишини қўй,
Мадҳу сано, ҳирсу тамаъ баҳридан ўт,
Ғам есанг, егину, миннатли нонга тикма кўз.)

1330 йилларга келиб Убайднинг шоирлик ва ёзувчилик истеъдоди камолга етади. Бу даврда «*Тарихи гўзида*» муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазвиний Убайд ҳақида: «Унинг шеърлари яхши ва рисолалари беназир» деб ёзади. Зоконий асарларидан унинг 1345 йилда Ироқдан Шерозга Жамолиддин Абу Исҳоқ Инжу саройига келганини тахмин қилиш мумкин. Шоир 10 йилдан ортиқроқ вақт шу вазир хизматида бўлиб, унга қасидалар бағишлайди. У яна 12 йил Рукниддин Амидулмулк хизматида бўлади-да, сўнг Шероздан бутунлай кетади, эҳтимол ўз хоҳиши билан кетмагандир.

Убайд Бағдодга сафар қилади. Уерда шоирнинг Салмон Соважий билан учрашгани ҳақида ривоят мавжуд.

Убайд Зоконий султон Увайс Жалоирий саройида ҳам хизмат қилган. Аммо у Бағдодда ўзини ғариб ва кимсасиз ҳис қилади ва яна Шерозга қайтиб келиб, Форс подшоҳи Жалолиддин Абулфаворис шоҳ Шужоъ Музаффарий (1359—1384) хизматига ноил бўлади.

У Ҳофиз Шерозийга замондош. 1365 йилларда шоҳ Шужоъ ўз укаси Шоҳ Маҳмуддан енгилиб, Кирмонга чекинади. Зоконий ҳам у билан бирга кетади. 1366 йили шоҳ Шужоъ Шерозни қайтариб олганида Убайд ҳам қайтиб келади. Шоир қолган умрини Шерозда ўтказиб, 1370 йили вафот этган.

Убайд ҳаётда шўх ва ҳазилкаш одам бўлган. Унинг охирги кунлари ҳақида шундай латифа мавжуд:

Ўлим олдидан шоир ўғилларини чорлаб:

— Мен йиққан бойлигимни фалон жойга кўмиб қўйганман, мен оламдан кўз юмгач, бориб очасизлар,— деган эмиш.

Фарзандлар оталарини дафн этгач, унинг айтган жойини кавлаб кўрсалар, ул ердан бир варақ қоғоз чиқибди, унда қуйидаги байт ёзилган экан:

Худо донаду ман донаму тў ҳам дони,
Ки як фулус надорад Убайд Зоконий.
(Худо билади, мен биламан, сен ҳам билгин-ки,
Убайд Зоконийнинг бир чақа ҳам бойлиги йўқдир.)

Убайд Зоконий ижоди асосан ҳажвий ва ҳазил-мутойибали қуйидаги асарлардан иборат:

1. «*Ахлоқ ул-ашраф*» - китоб 7 бобдан иборат бўлиб 1340 йили ёзилган. Унда ҳиммат, шужоат, иффат, адолат, саҳоват, илму одоб ҳамда ҳаё ва вафо ҳақида баҳс юритилади. Ҳар боб 2 қисмдан иборат бўлиб, аввалида баҳс юритилаётган масалага қадимгилар фикри келтирилади ва сўнг ўз замондошларининг қарашлари изҳор этилади. Албатта, бу масалалар илмий йўсинда эмас, ҳажвий тарзда, масхара билан талқин этилади. Масалан, шижоат ҳақида ёзар экан, аввалига «Шижоат», қадимгилар баёнича — бу мардлик, ватанга четдан ҳужум бўлган тақдирда, ватан ҳимоясига отилиб чиқиш...» деб, сўнг: «Аммо қадимгилар назарида шундай эди, ҳозир эса бу тушунча эскириб қолган. Ҳозир шижоат бу, хотинини уриш, қўл остидагиларга бақириш ва ҳ. к.», дейди.

2. «*Рисолаи сад панд*» - 1349 йили ёзилган бу рисолада Убайд 100 насиҳат келтиради. Насиҳатлар киноялы ва мажозан битилган. Масалан: «Қўлингиздан келганча ҳақ сўзни ишлатманг, бошқалар дилига озор етмасин ва одамлар сиздан ранжиб, юз ўгириб кетмасин» қабилида.

3. «*Рисолаи таърифот*» - бу кичик рисола кўпроқ «*Даҳ фасл*» номи билан машҳур. Асар 10 боб (фасл)дан иборат бўлиб, бир қатор ҳаётий, илмий ва диний атамаларга маъно бериб изоҳлайди. Аммо бу изоҳлаш ҳам ҳажвий йўсинда бўлиб, унда ҳоким табақалар, аъёну ашраф, шунингдек, руҳоний ва шайхлар ҳажв қилинади. Масалан, Ад-дунё — Он чи, ки ҳеч офарида дар вай наёсояд, Ал-оқил — он, ки ба дунё ва аҳли у напардозад. Ал-олим — бедавлат. Ат-табиб — жаллод. Ал-гург — сипоҳий. Ал-мухтасиб — дузаҳий. Ал-қози — он, ки ҳама уро нафрин кунанд. Ал-воиз — он, ки бигуяд ва накунад. Аш-шайх— иблис. Анқо ул-мағриб — адл ва инсоф. Ал-қаллоб — заргар.

4. «*Рисолаи дилкушо*» - қисқа ҳикоят ва латифалардан иборат бўлиб, аввалги тўртдан бир қисми араб тилида ёзилган. Бу ҳикояларда муаллиф халқнинг оғир аҳволини тасвирлайди, подшолар, ҳоким синф намояндаларини ҳажв қилади, диний бидъат ва хурофотларни фош этади.

Убайд Зоконийнинг булардан ташқари *«Ришнома», «Наводир ул-амсол», «Мактуботи қаландарон», «Фолномаи буруж», «Фолномаи вуҳуш ва туюр», «Мақомот»* каби асарлари маълум. Унинг қасида, ғазал, таркиббанд, таржиъбанд, қитъа, рубоий ва маснавийлари бир «*Девон*»га тўпланган. Булардан ташқари, шоирнинг «*Мушу гурба*» («Мушук ва сичқон») қиссаси машҳур бўлиб кетган. Масал жанрида ёзилган бу асардан ижтимоий хулосалар чиқариш ҳам мумкинлигига шоир ўзи ишора қилган[1].

Убайд Зоконий форс адабиётида ҳажвчилик тараққиётига катта ҳисса қўшган шоир бўлиб, ўз замонидаги камчиликларни, кишилар табиатидаги салбий хислатларни қаламга олиб ҳажв қилар экан, бунда у назокат ва алоҳида маҳорат кўрсатган.

39. Ҳофиз ғазаллари ва Фоний татаббулари

Шарқда Хўжа Ҳофиз тахаллуси билан машҳур бўлган, лирик шеърлари асрлар бўйи оғиздан оғизга ўтиб куйланган, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб, халқ орасида кенг тарқалган шоирнинг асл номи Шамсуддин Муҳаммаддир. Унинг отаси Баҳовуддин асли Исфаҳон шаҳридан бўлиб, косибчилик ва майда савдо билан шуғулланган, қандайдир сабаблар билан Шерозга келиб, туриб қолган эди.

Ҳофизнииг туғилган йили аниқ маълум эмас, ҳар ҳолда 1320–1324-йиллар орасида бўлса керак, деб тахмин қилинади. Ҳофиз дунёга келган ва ўсиб улғайган пайт Эрон халқлари тарихида энг оғир даврлардан бири эди. Бу даврда Чингизнинг қонли панжаси билан вужудга келтирилган империя

[1] "Гулшани адаб" тўплами 2-жилдида шоирнинг лирик шеърлари ҳамда «Ушшоқнома» ва "Мушу гурба" достонларидан намуналар берилган (с. 273-295).

инқирозга юз тутган, ўзаро курашларда қонига беланиб емирилган эди. Эронда XIII асрнинг иккинчи ярмида Чингизнинг набираси Халокухон томонидан вужудга келтирилган Илхонлар ҳокимияти ҳам XIV асрнинг бошларидаёқ тушкунликка учраган эди.

Эроннинг шимолий районларида жалоирлар ҳукмронлик қилар, Жанубий Эрон, Форс ва Курдистонда Хуросон феодалларидан чиққан Музаффарийлар ҳукумати вужудга келган бўлиб, Шероз шаҳри уларнинг пойтахти эди. Ғарбий Хуросон (маркази Сабзавор) сарбадорлар қўл остида, Хуросоннинг қолган қисми Курт ёки Карт номли тоғ тожикларининг ҳукмронлигида бўлиб, уларнинг пойтахти Ҳирот шаҳри эди. Бутун мамлакат довул вақтидаги денгизга ўхшар, хонлар ва подшолар орасида доимий низо ва қонли курашлар борар эди. Картлар сарбадорлар билан, сарбадорлар мўғуллар билан, музаффарийлар жалоирларга қарши, улар эса Олтин Ўрда хонларига қарши уруш олиб борар эдилар.

Ҳофиз яшаган даврнинг 1338 дан то 1387-йилгача бўлган 50 йилини олиб қарасак, Шерознинг камида беш марта қамал қилинганлигини ва қўлдан қўлга ўтганлигини кўрамиз. Ҳар гал шаҳар хароб қилинар, аҳолиси қирилар, қон дарёдек оқизилар эди. Бу аҳволнинг катта йўлдан четроқда ётганлиги учун бошқа жойларга нисбатан тинчроқ ҳисобланган Шерозда юз берганлиги назарда тутилса, XIII–XIV асрнинг Ўрта Осиё ва Эрон халқлари учун нечоғлик оғир ва қонли давр эканлигини тўла-тўкис тасаввур этиш мумкин.

Ҳофиз отасидан жуда ёш етим қолганлиги сабабли, онаси уни бошқа кишилар тарбиясига топширишга мажбур бўлган. Ёш, аммо тиришқоқ бола ҳаёт университетини ўта бошлайди. У ўзига мустақил турмуш йўлини очиши лозим эди. Нонвойга шогирд тушади, хамиртуруш ва нон сотади. Бу орада ўқиб, савод чиқаради, Қуръонни ёдлаб, қориликка ўтади. Оғир ҳаётини таъминлаш мақсадида маъракаларда Қуръон ўқийди, китоб кўчириб ёзади. Ҳофизнинг ўз қўли билан 1355 йилда кўчириб ёзилган китоб нусхаси бизгача етиб келган[1]. Бу китоб улуғ ҳинд шоири Хисрав Деҳлавийнинг «*Хамса*»сидан иккинчи, учинчи ва тўртинчи достонлардир. Ҳофиз қўли билан кўчирилган ҳар бир достон охирида кўчирувчининг имзоси «*Муҳаммад ибни Муҳаммад ул-мулаққаб биш-Шамс ил-Ҳофиз аш-Шерозий*» деб ёзиб қўйилган.

Аммо шундай қийин ҳаёт кечиришига қарамай, Ҳофиз ўқишни давом эттиради. Шоирнинг ўзи берган маълумотларга қараганда, у узоқ йиллар илм таҳсил қилган. У ғазалларидан бирида –

Қўрқаман қирқ йилда олган илму фазлимни букун,
Маст кўзи бир боқишла айлагай торож, деб.

яна бошқа бир жойда:

Қирқ йил ичра кулфату ғам чекдик, аммо оқибат
Икки йиллик бода қўлида экан тадбиримиз,

[1] Бу нодир қўлёзма Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Хамса" туркуми бўлиб, Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар Академиясиинг Шарқшунослик институтида сақланади.

дейди. Албатта, бу сўзлардаги 40 йил сўзини аниқ сон деб ҳисоб қилмай, умуман кўп йиллар маъносида тушуниш лозим. Дарҳақиқат, Ҳофиз шеърларини синчиклаб ўрганилса, унинг билим доираси ниҳоят кеиглигини, шоирнинг ўша даврдаги ҳамма фанлардан жуда яхши хабардор эканлиги сезилиб туради. У кўп йил риёзат чекиб ўқиши натижасида ўз замонасининг камол топган билимдон кишиларидан бўлиб етишгани шубҳасиздир.

У шеър машқини ҳам барвақт бошлаган эди. Тез орада шоирнинг шуҳрати ёйилиб, эл-юрт орасида маълум бўлиб қолди. У ўз шеърларини ажойиб хуш овоз билан ўқиб берганлиги учунми ёки Қуръонни яхши ёдлаб олганлиги учунми, ҳар ҳолда «*Ҳофиз*» тахаллусини ўзига муносиб кўриб, шеърларини шу тахаллусда ёзди. Аммо халқ орасида жуда тез ўсаётган шуҳратига қарамасдан, ёш, бақувват талант эгаси фақирона ва машаққатли ҳаёт кечирар эди.

Ҳофиз таъбири билан айтганда, «*кўзадан май қуйгандек, қон тўкиб турган»* замон жаҳонни мафтун этгувчи азамат талантнинг туғилиб келаётганидан бехабар эди. Шунинг учун ҳам шоир бир ғазалида:

Билимдонлик ва хушхонлик эмас Шерозда ҳеч манзур,
Кел, эй Ҳофиз, юзимизни бўлак юртга ўгиргаймиз.

деб, нола чекса, яна бошқа жойда:

Фазл аҳлининг етадир фақат оҳу ноласи...
Жаҳл аҳли давлат орқали етмиш фалаккача,

деб, оҳ уради.

Замон ўзининг билимдон ўғли ва талантли шоирининг қадрига етмади. Ҳофиз умрининг охиригача камбағалликда яшади. Шарқда машҳур ривоятга қараганда, Амир Темур Шерозга кириб келганида унга қариб қолган шоирни таништирганлар. Темур Ҳофизни кўриши билан, унинг:

Агар кўнглимни шод этса ўшал шероз жонони,
Қаро холига бахш эткум Самарқанду Бухорони...

байтини ёддан ўқиган-да, шоирни синамоқ мақсадида унга *«Мен Самарқанд билан Бухоронинг шуҳрати ҳамма ёқни тутсин деб дунёни забт қилсам, сиздек бечораҳол бир шоир буларни осонгина бир гўзалнинг қаро холига тортиқ қилиб юборишга қандай журъат этдингиз»* деб хитоб қилган. Шоир эса хотиржамлик билан *«Мана, кўринг, ўтакетган қўли очиқлигимдан қашшоқлигим шу жойга етди»* деган-да, тўн ёқасини очиб, кўйлаксиз яланғоч кўкрагини кўрсатган экан. Бу ҳозиржавобликдан завқланган соҳибқирон шоирга сарпо инъом қилиб, эҳтиром кўрсатган. Шуҳрати бутун Шарқни тутган шоирнинг қариган чоғдаги ҳаёти ҳам фақирликда кечгани шубҳасиздир.

Ҳофиз ўзи туғилиб ўсган она юрти Шерозни жуда севар, ундаги Мусалло боғи ва Рукнобод дарёсини қайта-қайта тилга олиб васф этар эди. У умрииинг охиригача Шероздан ҳеч қаерга чиқмай яшагани маълум.

Ҳофиз 1389 йилда Шерозда вафот этди. Халқ севикли шоири жасадини ўзининг сайргоҳи Мусалло боғига дафн этди[1].

Ш.Шомуҳамедов 1965 йилда нашр этилган китобида Ҳофиз асарларининг дунё тилларига таржималари ва унинг ижодий меросини жаҳон илмида ўрганилиши тўғрисида батафсил ёзар экан, хулоса қилиб: "*Ҳали Ҳофиз ижоди ҳақида мукаммал монографик асар майдонга келгани йўқ",* деган эди.[2] М.Л.Рейснер китобида «*Ҳофизнинг ғазалчилик санъатига жаҳон шарқшунослик илмида 500дан ошиқ тадқиқот бағишланган..." ("Газельному искусству Хафиза в мировой ориенталистике посвящено свыше пятисот работ...")*[3] деб ёзди. Дўстимиз, Ҳофиз ижодини ўрганиш бўйича докторлик диссертацияси тайёрлаб ёқлаган Аҳмаджон Қуронбеков "*Ҳофиз ҳақида ҳозиргача ёзилган китобларни жамласа минглаб жилдни ташкил этади"* дейди.[4] Олим ўзи шу жумладан италиялик олима Даниела Менжини Кореалнинг "*Ҳофиз ғазаллари конкордансии*", туркиялик Судий Бўснавийнинг "*Шарҳи девони Ҳофиз*", эронлик ҳофизшунослар Баҳовуддин Хуррамшоҳий, Рижоий Бухороий ва Раҳим Зуннурларнинг "*Ҳофизнома", "Фарҳанги ашъори Ҳофиз" ва "Дар жўстижўйи Ҳофиз"* асарларидан ўз тадқиқотида кенг истифода этади[5]. Дарҳақиқат, Ҳофиз ижодининг умуминсоний аҳамиятини шундан ҳам билса бўладики, шеъриятга озми-кўп ошнолиги бўлган ҳар инсоннинг, хоҳ у Шарқда бўлсин, хоҳ Ғарбда, Ҳофиз ва унинг ғазаллари ҳақида эшитмагани кам. Аммо бу мавзуда ёзганларнинг ҳар бири шоир меросини ўзича талқин қилади. А.Қуронбеков Ҳофиз ғазалларидаги сўз-тимсолларни таҳлил қилиб икки китоб нашр қилди. Бу тадқиқотларида у форсларнинг "*Шеъри Ҳофиз ҳафт парда рўйи ҳам дорад"* нақлидан келиб чиқиб, Ҳофиз ғазалиётидаги маънолар силсиласининг етти қабатини бирма-бир изоҳлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Олдинги бобда биз Саъдийни "*ғазал устаси*" дедик, ҳатто Жомийга таянган ҳолда ўз даврида шу жанрнинг "*пайғамбари*" деб таърифланган қитъани ҳам келтирдик. Дарҳақиқат, М.Л.Рейснер ҳам ўз тадқиқотида шоир ғазалларини – "*XIII аср ғазалчилигининг эътироф этилган юксак чўққиси" ("признанная вершина газельной лирики XIII века"), "XIII асрда шаклланган мумтоз ғазал андозасининг энг мукаммал ва тўлиқ рўёбга чиқиши"*

---

[1] Шу жойгача матн асосан Ш.Шомуҳамедов китобидан олинган. Қаранг: Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. –Т.: "Фан", 1965, 92 саҳ

[2] Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий, саҳ. 12.

[3] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века) –М.: "Наука", ГРВЛ, 1989. –С. 179.

[4] Аҳмаджон Қуронбеков. Ҳофиз асрорининг етти пардаси.–Т.: ТошДШИ, 2009, саҳ.3.

[5] Қаранг: Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. –Т.: "Фан", 1994, 208 саҳ.; Қуронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси. –Т.: ТДШИ, 2009, 116 саҳ.

(“наиболее глубокая и полная реализация канона классической газели, сложившегося в XIII в.”) деб таъкидлайди.[1] Маълумки, Саъдий нафақат ғазаллари билан, балки ўзининг шеърий “*Бўстон*” ва насрий “*Гулистон*” асарлари билан ҳам машҳур. Ҳофиз Шерозий эса ўз улуғ ҳамшаҳаридан фарқли ўлароқ фақат бир лирик девон қолдирган, унинг ҳам асосий қисми ғазаллардан иборат. Шундай экан, Ҳофизнинг ғазалсароликда Саъдийдан ўтган жойи нимада? Унинг умумжаҳоний шуҳратининг сири қаерда?

Бизга бу муаммони ечишда ҳам Алишер Навоий ёрдам бермасмикин? “Насойим ул-муҳаббат” асари 734-фаслида Ҳофиз ҳақида шундай сатрлар битилган:

“*Алар **лисон ул-ғайб** ва **таржумон ул-асрор**дурлар. **Басо асрори ғайбия ва маонийи ҳақиқияки, сурат кисватида ва мажоз либосида адо қилибдурлар**. Агарчи маълум эмаски, алар иродат илики бир пирга бермиш бўлғайлар ва тасаввуф тариқида бу тоифадин бирига нисбат дуруст қилмиш бўлғайлар. Аммо сўзлари андоқ бу тоифа машраби била мувофиқ воқеъ бўлубдурки, ҳеч кишига андоқ иттифоқ тушмайдур. Доғи алфоз латифлиғи ва таркиб покизалиғи ва равонлиғи ва адо салосати ва латофати ва маъно ғариблиғи чошнисида худ аларни таъриф қилмоқ ҳаёт суйин жонбахшлиққа таъриф қилғондек бўлғай. Хожалар(қ. а.) силсиласидин азизе дебдурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу фақирға андоқ маълум бўлубдур ва машҳур мундоқдурки, Ҳазрат Мир Қосим(қ. с.) аларнинг девонини «Қуръони форсий» дер эрмишларки, Каломуллоҳ оёти маонисидин мамлу ва асрору нукотидин машҳурдир. Чун аларнинг ашъори маорифнигори андин машҳурроқдурки, иродға эҳтиёж бўлғай. Ҳар ойина қалам инони андин масруф қилилди. Алар етти юз тўқсон иккида оламдин ўтубдурлар”*[2]**.** Бу сатрларни “*Нафаҳот ул-унс*” матнига қиёслаб кўрилганда маълум бўлдики, Навоий устозининг сўзларини деярли шундайлигича туркийлаштирган экан[3]. Айтиш мумкинки, бу таърифлар аслида ўша давр Ҳирот адабий мактаби вакилларининг Ҳофиз ижоди ҳақидаги тасаввурларини акс эттирар эди.

Агар келтирилган таърифларни таснифлаб чиқадиган бўлсак, биринчидан, Ҳофиз ғазаллари ғайб сирлари ва Борлиқ ҳақиқати моҳиятини (***асрори ғайбия ва маонийи ҳақиқия),*** яъни ирфоний маъноларни дунёвий тимсоллар ёрдамида (***сурат кисватида ва мажоз либосида)*** ғазалхонга етказиш (юқтириш) воситаси эканлиги уқтирилмоқда. Иккинчидан, шоирнинг бирор пирга қўл бергани ва бирор тасаввуф тариқатига расман

[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века), –С.154.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17 том. –Т.: “Фан”, 2001, саҳ. 479-480.
[3] Қаранг: Абдураҳмони Жомий. Осор. Дар ҳашт жилд. Жилди ҳаштум. –Душанбе: “Адиб”, 1990, саҳ.128-129.

алоқадор бўлганлиги маълум эмаслиги эътироф этилмоқда. Учинчидан, шоир сўзлари тасаввуф соликлари маслаги ва маънавий олами билан ниҳоятда мувофиқ эканлиги таъкидланмоқда. (***бу тоифа машраби била мувофиқ).*** Тўртинчидан, Ҳофиз ғазалларининг бадиий қуввати (***алфоз латифлиғи ва таркиб покизалиғи ва равонлиғи ва адо салосати ва латофати ва маъно ғариблиғи*)** шу даражада юксакки уни инсонга жон бахш этувчи афсонавий оби ҳаёт билан тенглаштирса бўлади. Шу хислатлари туфайли суфийлар даврасида самоъ пайти важду ҳол пайдо қилиш учун Ҳофиз девонидин яхшироқ восита мавжуд эмас. Шу жойгача "*Насойим*" матни сўзма-сўз Жомийдан таржимадир. Кўриниб туриптики, Жомий тасаввуф олими ва пири сифатида Ҳофизни таърифлашда унинг тасаввуфга алоқаси масаласига биринчи даражали эътибор қаратади. Навоий устози сўзларини рад этмаган ҳолда ўзидан фақат бир жумла қўшади, яъни Жомийга илова қилиб, Ҳофиз девонини давр улуғлари *«Қуръони форсий»* дейишларига сабаб ундаги ғазаллар Каломуллоҳ оятлари маънолари билан тўлиқ ва улардаги илоҳий сирлару нозик нукталарни ботинига жо этганлиги эканлигини алоҳида ажратиб кўрсатади. "*Нафаҳот*" ва "*Насоим*"даги таърифлар Навоийни тўлиқ қониқтирмаган эди. Ниҳоят, умрининг поёнида аллома **"*Маҳбуб ул-қулуб*"** рисоласини ёзиб, ундаги икки фаслда Ҳофизни ижодкор шахс сифатида таърифловчи охирги узил-кесил хулосасини баён қилади. Рисоланинг биринчи қисмида уни Саъдий ва Хусрав Деҳлавийлар қаторида "*ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут*" этган ва "*каломларини бу услубда марбут*" этганлар сафига қўшган бўлса[1], асарнинг иккинчи қисмида уни яна Хусрав Деҳлавий ва Жомийлар билан бир сафда "*пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқ"* ва *"пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ"* тариқини танлаган "***хос ишқ***" эгалари қаторига киритиб, шундай таърифлайди: "*Ва мутааххириндин икки оламни бир дов била ўйнағон муқаммир шевалар покбози ва ишқ дайри фаносида ҳақиқат бодасидин маст риндлар ҳамрози шамсул-миллати вад-дин Хожа Ҳофиз Шерозийдур*."[2]

М.Л.Рейснер шоир ижодини "*улуғ санъаткор томонидан бадиий шаклда ёзилган форс адабиётидаги ғазалчилик тараққиётининг тарихи...*" ("*его творчество представляет собой написанную великим мастером в поэтической форме историю эволюции газели на фарси...*")[3] деб баҳолайди. "*Ҳофиз ғазаллари қаҳрамонида барча анъанавий ғазал қаҳрамонларининг хислатлари шоирнинг ижодий хаёлотида яхлит бир қиёфага бирлашиб зуҳур этади. Ушбу яхлит қиёфа эгаси "ринд" тимсолида намоён бўладики, бу тимсол Ҳофиз ижодида биринчи мақомга кўтарилади..." ("В герое хафизовской газели так или иначе воплотились черты всех традиционных героев газели, переплавленные и отлитые в*

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 том. –Т.: "Фан", 1998. –сах. 25.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14 том, сах. 68.
[3] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 201.

единую форму творческим сознанием поэта. Этой единой оболочкой, формой можно назвать ***ринда,*** *который в творчестве Хафиза выдвигается на первое место...*")[1] Навоий шоирни *"ҳақиқат бодасидин маст риндлар ҳамрози"* деса, рус олимаси ҳам унинг ғазалларида бош қаҳрамон – **ринд** тимсолида намоён бўлишини таъкидлайди. Хўш, шоир ғазалларидаги бош қаҳрамон, яъни ***ринд*** ўзи ким?

Аҳмаджон Қуронбеков ўзининг махсус мақоласида бу бадиий тимсолга шундай таъриф беради: "*Ҳофиз ғазалларидаги* ***"ринд"*** *тимсоли, назаримизда, шоирнинг инсон ҳақидаги, унинг ижтимоий миссияси (яъни рисолати) ҳақидаги, инсоннинг табиатидаги зиддиятлар, руҳий оламидаги кечинмалар ва шоирнинг фалсафий мушоҳадалари ва олам сирлари ҳақидаги ўй-хаёлларини мужассамлаштирган*."[2] Олимнинг ҳисобига кўра, Ҳофиз ғазаллари матнида "*ринд*" сўзи ва ундан ясалган сўзлар жами 90 марта учрар экан. Олим ғазаллар матнига таянган ҳолда бу тимсолнинг турли маъноларини батафсил таҳлил қилади. Диққатга сазовор жойи шундаки, Ҳофиз талқинида бу тимсол фақат тасаввуфий эмас, балки дунёвий, ижтимоий, фалсафий маъноларга ҳам эга эканлиги аниқ далиллар мисолида очиб берилган. Биз мақолани тўлиқ такрорлашдан ўзимизни тийиб, фақат охирги хулосани келтирамиз: *"Ринд" Ҳофиз наздида "ҳурфикрли, дунё сирларини англашга интилган, ҳеч бир мутлақ ҳақиқатлар қолипига асир бўлмаган, озод инсон тимсолидир*."[3] Дарвоқеъ, мақоланинг сарлавҳаси ҳам шундай: *"Ринд"– озод инсон тимсоли"*. Назаримизда, дўстимиз муаммонинг нақ илдизини оча билган.

Биз фақат муаммонинг бошқа бир жиҳатига эътибор қаратиш билан чекланамиз. Албатта, шоир, яъни ҳаётдаги тирик инсон билан унинг ижодидаги бош қаҳрамон ("*лирик қаҳрамон*") бир-биридан фарқ қилади. Тирик инсоннинг ўзига хос тирикчилик ташвишлари бор, ётар-турари, ейиш-ичиши, атрофидаги турли инсонлар билан мулоқоти, хуллас, бир инсоннинг воқеий ҳаёти. Шоир асарларидаги лирик қаҳрамон эса унинг маънавий ҳаётини акс эттиради. Жомий ва Навоийлар таърифлаган **Ҳофиз** аслида айни шу – шоирнинг ғазалларида ўз аксини топган лирик қаҳрамон – ***"Ринд"*** – ёки Навоийнинг аниқроқ ифодасида "***риндлар ҳамрози"*** (риндлар сирдоши)дир. Аҳмаджон Қуронбеков ўзи ишлаб чиққан лингвопоэтик ёндошувга биноан фақат "*ринд*" сўзи ёки унинг асосида ясалган сўзлар таҳлилига асосий эътибор қаратади. Лекин бу тимсол шоир ғазалларининг **бош қаҳрамони** сифатида унинг деярли ҳар бир шеъри, ҳар

[1] Там же.
[2] Аҳмаджон Қуронбеков. Ҳофиз асрорининг етти пардаси, сах.63.
[3] Аҳмаджон Қуронбеков. Ҳофиз асрорининг етти пардаси, сах.75.

бир сатрида ўзлигини намоён этади. Ҳофиз девонидаги биринчи шеър, айтиш мумкинки, унинг бутун ижодининг лейтмотиви, Европа романтиклари тили билан айтганда "***риндлар манифести***"дир[1]. Мана унинг биринчи байти ва шоир Хуршиднинг шеърий таржимаси[2]:

Алоё айюҳас-соқий, адар каъсон у навилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале ўфтод мушкилҳо.

(Аё соқий, суниб жоминг қил эҳсон яшнасин диллар,
Кўрунди аввал ишқ осону сўнгра тушди мушкиллар.)

Девоннинг шу илк сатрларидаёқ бош қаҳрамон бутун бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Шеър араб тилида анъанавий соқийга мурожаат билан бошланиб, келгуси форсий мисраъ инжа шеъриятнинг бош мавзуси – ишқ туйғусининг муаммоларига эътиборимизни қаратмоқда. Хўш, аввал осон туюлиб, кейин мушкилотлари келиб чиққан бу туйғу қайси оламга тегишли – гап ирфоний (илоҳий, тасаввуфий) ишқ ҳақидами, ёки ўзимиз билган инсоний (дунёвий, мажозий) муҳаббат ҳақидами? Навоий таъкид этган "*мажоз тариқи*" шеърияти учун ишқдаги бу икки йўналиш бир-биридан жудо эмас, унда илоҳий муҳаббат инсонга муҳаббат билан ўлчанади, инсонга меҳр эса илоҳий ишқ даражасида соф, боқий ва беғараздир. Ҳофизнинг қаҳрамони тилга олган муаммо ҳар икки ҳолатга ҳам бегона эмасдир. Шеър таҳлилида давом этамиз:

Ба бўйи нофайи к-охир сабо з-он турра бигшояд
Зи тоби жаъди мушкинаш че хун уфтод дар дилҳо.

(Сабо ечмоқчи бўлган сочининг ҳуш бўйига онт ким,
Муанбар ҳалқа-ҳалқа сочидан қон бўлди бу диллар.)

"Сабо" – нима? "соч"(*турра,зулф*) – кимнинг сочи? унинг "*ҳуш бўйи*" (*бўйи нофа*) нимани англатади? Нега хушбўй жингала сочлардан диллар қонга тўлади? Агар бу сатрларни тариқат аҳли ўқиса, албатта важду ҳолга тушади, чунки ундаги барча тимсоллар тасаввуфий маънолардан холи эмас ва Ҳаққ ошиғининг ҳолатини жуда баланд пардаларда ва мукаммал ифодалайди. Шу билан бирга айни шу байт мазмуни дунёвий шеърият ишқибозларини ҳам тўлиғича ҳаяжонга солишга қодир.

---

[1] Шўролар даврининг буқаламунликларига бир намуна сифатида эслаб ўтиш жоизки, 1957 йилда Сталинобод (ҳозирги Душанбе)да нашр этилган Ҳофиз девонида айни шу шеър мафкуравий "*қалтислиги*" туфайли тушириб қолдирилган. Унинг ўрнига девонга хос алифбо тартибини бузиб, китоб аввалида учта ўша давр талқинига кўра "*антиклерикал*" (диний ақида-лар ва арбобларини "*фош қилувчи*") ва "и*сёнкорлик*" руҳидаги ғазаллар келтирилган, кейинги шеърлар алифбо тартибида давом этган. Қаранг: Ҳофизи Шерози. Мунтаҳаби девон. Сталинобод, нашриёти давлатии Тожикистон, 1957, 612 сах.

[2] Мумтоз адабиётимиз анъаналаридан мукаммал хабардор бўлган кекса авлоднинг истеъдодли вакили буюк "***риндлар ҳамрози***"нинг дилидаги туйғуларни бизга имкон даражасида мукаммал етказа олган, дейиш мумкин

Маро дар манзили жонон че амни айш чун ҳар дам
Жарас фарёд медорад ки бар бандид маҳфилҳо.

(Менга ёр уйида ишрат қуриш имкони йўқ ҳар дам,
Қилуркан қўнғироқ фарёдки, боғланг юкни ғофиллар.)

Бу мисралар ҳам ҳар икки тоифа учун тўлиқ тушунарли. Умар Хайём ҳам бу дунё фонийлигини таъкидлаган, аҳли тариқат ҳам шу сабабли бу ўткинчи дунё ҳою ҳавасларига меҳр боғламасликка чақиради.

Ба май сажжода рангин кун гарат пири муғон гуяд,
Ки солик бехабар набвад зи роҳу расми манзилҳо

(Ботир сажжодани майга агар пири мўғон айтса,
Йўловчига эрур маълум йўл аҳволи ва манзиллар.)

Ана энди "*антиклерикал*" ёки "*ҳурфикрли*" сатрларга дуч келдик. Май – маст қилувчи ичимлик сифатида "*ҳаром*" қилинган. Жойнамоз эса пок бўлиши керак. Унга шароб тўкилса нима бўлади? Аммо "*пири муғон*" (1) мажусийлар руҳонийси, 2) майхона эгаси 3) тариқатда пири муршид) жойнамозни май билан бўяшни буюрмоқда. Бу қандай буйруқ бўлди? Ривоятга кўра бир улуғ суфий намоз ўқимас экан. Бир куни ундан сабабини сўрашипти. Суфий таҳорат олиб жойнамозга турипти ва қулоқ қоқиб "*Аллоҳу акбар*" деган экан, бутун баданидаги ҳар тола мўйи остидан қон тирқираб чиқипти. Шу билан таҳорати бузилиб, намоз ўқиш имкони бекор бўлипти. Ана сизга илоҳий ишқнинг жазаба қудрати ва жойнамознинг "*ваҳдат майи*" билан "*бўялиши*".

Шаби торику бими мавжу гирдоби чунин ҳоил,
Кужо донанд ҳоли мо сабукборони солилҳо.

(Қоронғидур кеча, қўрқинчли мавж, даҳшатлидир гирдоб,
На билгай ҳолимизни четда турган юки енгиллар).

Одамлар кўзига "*ринд*" бепарво ва беғам, масту лоуболи (ҳеч нарсадан тап тортмас). Аслида унинг маънавий оламида гирдобу тўфонлар мавж уради, бу ёруғ дунёнинг, ундаги одам наслининг барча ғаму ташвишлари унинг қалбини ўртайди, изтиробга солади. Бу дунё ҳою ҳаваслари билан андармон бўлиб, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам ҳақиқий аҳволидан бехабар ғофил инсонлар ориф дилидаги ўртанишларни сезармиди?

Ҳама корам зи худкоми ба бадноми кашид охир,
Ниҳон кай монад он розе к-аз у созанд маҳфилҳо.

(Ёмон от бирла фош ўлди ишим охир ўжарликдан,
Нечук ёшрин қолур сир сўзласа мажлисда оқиллар).

Бу сатрлар Ҳофиз тилида Мансури Халлож тақдирини эслатади. Шоир Халлож эмас, аммо унга бегона ҳам эмас. Таржимон мазмунни юмшатган, "***худкоми***" оддий ўжарлик эмас, унда ўз истагини жиловлаб ола билмаслик,

яъни худбинлик иллатидан тўлиқ қутила олмаганликка ишора бор. Ринд ҳар қанча маънавий камолот касб этган бўлмасин, ўзи сезмаган ҳолда яна "*мен*"лиги унинг жиловига қўл узатиши мумкин. Тариқат аҳлининг давра олиб зикру само мажлиси қуриши ҳам "*мен*"ликка берилиш, дил сирини бегоналарга ифшо қилиш воситаси бўлиб қолмасмикин? Ана энди Жомийнинг "*ҳар чанд маълум нест, ки дасти иродати пире гирифта ва дар тасаввуф ба яке аз ин тоифа нисбат дуруст карда бошад"* деган гапларининг мазмун-моҳияти бироз равшанлашди.

Ҳузури гар ҳами хоҳи аз у ғойиб машав, Ҳофиз,
Мата ма талқ ман таҳви дуа дуня ва аҳлиҳа.

(Агар васл истасанг ундан йироққа кетма, эй Ҳофиз,
Тилакни изла, қўй дунёни, бер орзуга табдиллар.)

Шўролар даврида қилинган таржимада араб тилидаги охирги сатр мазмуни яна бироз юмшатилган. Орзуга етаман десанг, дунё ва унинг аҳлини қўй, улар билан ишинг бўлмасин, демоқчи шоир. Хуллас, ушбу ғазал юқорида келтирилган Жомий ва Навоий таърифларига тўлиқ мос келади. "*Ҳофиз таъкидлашича, риндлар тариқи – Олий ҳақиқатни англаб етишнинг ягона йўлидир*" («*Хафиз утверждает, что путь риндов – единственный путь к познанию Истины*»)[1] деб ёзади М.Л.Рейснер. Хўш бу қандай йўл экан?

Шиблий Нуъмонийнинг: "*ғазалнинг ҳақиқий ривожи тасаввуфдан бошланади",* деган фикрини олдинроқ келтирган эдик. Дарҳақиқат, XII аср бошларида ижод этган Муиззийда фақат 60 ғазал учраса, XIII аср бошларида вафот этган Аттор девонида унгача яшаган барча шоирлар меросига қараганда энг кўп - 756 ғазал мавжуд. **Ислом маърифатчилиги** даври учун (X-XI асрлар) шеъриятда **қасида** етакчилик қилган бўлса, **Тасаввуф тариқатлари ва ирфон босқичида** (XII-XIII асрлар) **ғазал** жанри олдинги ўринга ўта бошлаганининг гувоҳимиз. Айни сарой мад-ҳиягўйлигини тарк этган ва ирфоний ғояларни куйлашга ўтган шоирлар ижодида ғазалнинг шаклий мукаммаллашуви ва етакчи лирик жанрга айланиши юқорида кузатилди.

Тасаввуф сулукларининг асл мақсади нима? Минтақа маънавий такомилининг муайян босқичида нега улар юзминглаб инсонларни ўзига жалб этди? Чунки ҳар бир инсонда моддий эҳтиёжлардан ташқари **маънавий эҳтиёж,** аниқроғи **маънавий камолот эҳтиёжи** мавжуд**.** Маънавий камолот эса инсоннинг ўз борлиғи **Ҳақиқатини,** мавжудлигининг **Сабаби, Моҳиятини** англаб етишга интилиш сифатида рўёбга чиқади**. Сунна босқичида** (VIII-IX асрлар) мусулмонлар Пайғамбар(сав) ибратини етарли билган бўлсалар, **Ислом**

[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 204.

маърифатчилиги алломалари ақлни, мантиқий тафаккур ва билимни инсонлар учун **Борлиқ Ҳақиқати**ни ёритувчи маёқ деб талқин қилдилар. Бу давр кишиси учун туйғу эмас, тафаккур муҳим бўлди. Аммо инсон ботиний дунёси фақат ақл, билим ва тафаккур билан чекланмайди. Инсонга булар ўта зарур, аммо булар уни тўлиқ қониқтирмайди. Чунки унда қалб бор, кўнгил бор. Суфийлар айни шу кўнгилни қониқтириш йўлини изладилар. Кўнгил эса фақат меҳр истайди, муҳаббат қидиради. Лекин, афсуски, инсонларнинг бир-бирига меҳри, муҳаббати пойдор эмас, ўзгарувчан. Суфийлар илм йўли билан Борлиқнинг Олий Ҳақиқатига етиб бўлмаслигини тушундилар. Улар энди ишқ йўлини танладилар. Улар ўткинчи туйғуларни тарк этиб Борлиқнинг Олий Ҳақиқатига ошиқ бўлдилар, унга бутун борлиғи билан интилдилар, ўзларини ундан айро тасаввур қила олмайдиган бўлдилар.

Ирфоний шеърият ана шу кайфият изҳоридан туғилди. Ҳақ ошиғи ўз туйғуларини қандай ифодалаши мумкин? Ғайб сирларини оддий тил билан тўғридан-тўғри ифодалашнинг имкони йўқ. Ана шунда мумтоз шеъриятнинг мажозий тимсоллари қўл келди. Бироқ агар Аттор сингари мажозий тимсоллардан фақат тасаввуфий ғояларни баён қилиш учун, фақат ботиний, ғайбий мазмунларни ифодалаш учун оддий бир восита сифатида фойдаланишга уриниладиган бўлса, шеърий сатрларда кўпмаънолилик ўрнини шартлилик, бадиий тимсол ўрнини диний-фалсафий ваъз эгаллаб оладиган бўлса, унда бундай шеърлар моддий воқеликдан, инсонни ўраб турган моддий ҳаётдан узоқлашиб қолади. Натижада шеър жозибаси йўқолади, бундай сатрлар яна инсонларнинг қалбига етиб бормайди.

Шундай қилиб, инсон ақли ва тафаккурига таянган **дунёвий адабиёт** Борлиқнинг Олий Ҳақиқатини ифодалай олмагани сабабли бора-бора ижодкорларнинг ўзини ҳам қониқтирмай қўйган бўлса, “*ҳақиқат тариқи*”ни танлаган шоирлар йўли ҳам амалда қониқарли бўлиб чиқмади. Чунки инсон моҳияти фақат моддийликдан ҳам, ёки фақат маънавий эҳтиёжлар мажмуидан ҳам иборат эмас. XII-XIII асрлар давомида Саноий, Анварий, Хоқоний, Саъдий каби устоз шоирлар бадиий ижодда ана шу бир томонламаликларни енгиб ўта бошладилар. Аммо уларнинг бадиий мероси яхлит олиб қаралганда, очиқ тан олиш керакки, бу соҳадаги олий уйғунлик намунаси даражасига ета олгани йўқ. Масалан, Саъдийни оладиган бўлсак, унинг “*Эй сорбон, оҳиста рон”*деб бошланувчи юксак бадиий ифодага эришган ишқий ғазаллари мавжудлигини инкор қилмаган ҳолда улуғ устознинг панд-насиҳатга мойиллигини ҳам тан олиш керак бўлади. Унинг юқорида тўлиқ келтирилган “*Тани одами шариф аст ба жони одамият”* деб бошланувчи ғазали бундай шеърларнинг ёрқин намунасидир. Саъдий даври учун бу йўналишдаги шеърларнинг нақадар долзарблиги ҳақида гапирилди.

Аммо Ҳофиз бошқа давр одами. Энди аёвсиз мўғул босқини ваҳшат солаётгани йўқ. Шу билан бирга дориламон замонларга эришилди, дейиш ҳам қийин. Турли сиёсий кучларнинг ўзаро қирғинбарот жанжаллари камайгани йўқ. Турли ижтимоий тоифаларнинг ўзаро рақобати сусайгани йўқ. Ҳукмрон гуруҳлар ўз беш кунлик айши-ишратлари йўлида меҳнаткаш аҳолининг бори-йўқ топганини шилиб олиш пайида, дин пешволари – зоҳирий уламолар Аллоҳ ҳукмларини ўз фойдалари ва ҳукмрон доиралар манфаати нуқтаи назаридан талқин қилиш билан овора.

Саъдий инсонларга одамийликнинг моҳиятини тушунтиради. Ҳофиз учун энди буни қайта тушунтиришга ҳожат йўқ. Ҳофиз ғазаллари устоз шоир шеърида олға сурилган ғоянинг ҳаётдаги амалий ифодасини гавдалантириб беради. Шоирнинг қаҳрамони айни Саъдий истаган одамийликни тўлиқ ўзлаштириб, ўз ҳаёт фалсафасига, турмуш тарзига айлантирган инсоннинг нақд ўзидир. Яъни салаф шоир тушунтирган, тарғиб қилган бўлса, халаф шоир ушбу ғоя ифодачисини бевосита кўрсатади, тирик инсон қиёфасида намоён қилади.

Яна М.Л.Рейснерга мурожаат этамиз: “*Форс тилидаги инжа шеъриятнинг ютуқларини уларнинг бутун хилма-хиллиги билан қалбига сингитиб, Ҳофиз уларга ўз ижодий услубига мос ҳолда ранго-ранг бир яхлитлик бахш этди.” (“Восприняв достижения лирической поэзии на фарси во всем их многообразии, Хафиз синтезировал их в соответствии с собственной творческой манерой”)*[1] Бир пайтлар мен – ёш талаба – устоз қошида имтиҳон топширар эканман, Ҳофиз шеъриятининг энг ёрқин жиҳати – исёнкорлик деб баҳолаган эдим. Бунга асос, масалан, қуйидаги шеър:

Биё то гул бар афшонему май дар соғар андозем,
Фалакро сақф бишкофему тарҳи нав дар андозем!
Агар ғам лашкар ангезад, ки хуни ошиқон резад,
Ману соқий ба ҳам созему буньёдаш бар андозем.
Чу дар даст аст руди хуш, бизан мутриб суруди хуш,
Ки дастафшон ғазал хонему покўбон сар андозем.
Сабо хоки вучуди мо ба он олийжаноб андоз,
Бувад к-он шоҳи хубонро назар бар манзар андозем.
Яке аз ишқ мелофад, дигар томот мебофад,
Биё к-ин довариҳоро ба пеши довар андозем.
Биҳишти адн агар хоҳи, биё бо мо ба майхона,
Ки аз пои хумат яксар ба ҳавзи кавсар андозем.
Шароби арғувониро гулоб андар қадаҳ резем,
Насими атргардонро шакар дар мижмар андозем.
Биё, жоно мунаввар кун зи рўят мажлиси моро!
Ки дар пешат ғазал хонему дар поят сар андозем.
Сухандонию хушхони намеварзанд дар Шероз,

[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 205.

Биё, Ҳофиз, ки мо худро ба мулки дигар андозем!

(Кел энди гул сочиб ҳар ён, қадаҳ қўлда ўтургаймиз,
Бузиб чарх эски томин, янги бир тарҳ ила қургаймиз.
Агарда тортса ғам лашкар, тўкишга ишқ эли қонин,
Мену соқий бўлуб бирга, бу ташвишни битиргаймиз.
Эрур қўлда гўзал чолғу ёқимли, куйла созанда,
Ўқуб шеъру оёқ рақсини авжига кетургаймиз.
Сабо, элт жисмимиз гардин у юксак остон сори
Ки шояд хўблар шоҳи юзин бир бора кўргаймиз.
Бири ақлидан ургай лоф, бири доим тўқир ёлғон,
Кел арзу додимизни эиди ҳокимга гапургаймиз.
Агар жаннат тиларсан, биз билан майхонага юргил,
Сени хумнинг тагидан ҳавзи кавсарга етургаймиз.
Қадаҳни тўлдириб лим-лим қизил гул сингари майдан
Сочиб атр, уд тутатгаймиз, улуғ бир базм қургаймиз.
Кел, эй жонон, юзинг нури билан мажлисни порлатгил,
Қошингда шеър ўқуб бу дам, оёғингга бош ургаймиз.
Билимдонлик ва хушхонлик эмас Шерозда ҳеч манзур,
Кел, эй Ҳофизки, биз юзни бўлак юртга ўгургаймиз.)

Дарҳақиқат, "*Бузиб чарх эски томин, янги бир тарҳ ила қургаймиз*" каби журъатли сатрлар муаллифи бир қарашда ўта исёнкор кўринади. Бунинг устига "*Агар жаннат тиларсан, биз билан майхонага юргил, Сени хумнинг тагидан ҳавзи кавсарга етургаймиз*", деган ҳазиломуз гаплар ҳам ўша давр мафкурасига жуда кескин зарбага ўхшаб туюлади. Аммо "*исёнкор*" шоирнинг ғам лашкарини енгиш борасидаги амалий таклифи қандай? "*Агарда тортса ғам лашкар тўкишга ишқ эли қонин, Мену соқий бўлуб бирга, бу ташвишни битиргаймиз*". Демак, шоирнинг "*исёнкорлиги*"ни амалий фаолият саҳнига ўтказадиган бўлсак, "*ғам лашкарини"* бода кайфи билан бироз унутиш таклифидан нари ўтмас экан. Ҳофиз жангчи эмас, қўзғолонга ҳам даъват қилаётгани йўқ. У – шоир, шеър – кўнгил малҳами, шоир маҳзун кўнгилларни дилкаш сатрлар билан овлаш пайида, оғир замонларда ўз шеърлари билан одамлар дилида ҳаётга муҳаббатни янгилаш ниятида. Ҳофиз ижодида шеър ниҳоят ўз асл мустақил моҳиятини тўлиқ англаб етди ва шунга мувофиқ шаклу мазмун касб этди. "*Шеърият Ҳофиз учун ҳақиқат ифшосидир, ва у олий моҳият сирларини англаб етиш учун шоирдан қандай хислатлар талаб этилишини ҳам кўрсатиб беради" («Поэзия есть для Хафиза открытие истины, и он указывает, какие качества необходимы поэту, чтобы проникнуть в тайну высшего смысла»)*[1] Ҳофиз қаҳрамони бир пайтнинг ўзида ҳам юксак намуна, маънавий ибрат, ҳам воқеликдаги оддий инсон.

Ҳофиз суфий эмас, аммо тасаввуф ғояларига бефарқ ҳам эмас. Унинг шеърияти бир пайтнинг ўзида **мукаммал ирфоний шеърият** ва шу билан бирга тўлиқ маънода инсоннинг дунёвий ғам-ташвишлари, завқу шавқлари,

[1] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 205.

айшу лаззатлари ҳам бу шеъриятда жонли ва ёрқин акс этган. Бундай олий уйғунликка эришиш осон иш эмас, ва унча-мунча истеъдод эгасига насиб қиладиган нарса эмас. Аммо инсоннинг кўнглини топишнинг бошқа йўли йўқ. Зеро **инсон моҳияти моддий ва маънавий олам уйғунлигидадир**[1]. Унинг кўнглини топиш учун ана шу уйғунликни ўз ижодида акс эттира билмоқ керак. Шу юмушнинг уҳдасидан чиққан ижодкоргина ҳақиқий ижодкор, ҳақиқий санъаткор сифатида эл кўнглидан, бутун инсоният дилидан Ҳофиз сингари абадий жой ола билади.

Шарқ шеъриятида байт мустақиллиги тамойили мавжудлигини деярли барча тақиқотчилар таъкидлашади. Ғазалдаги ҳарбир байт марварид шодасидаги дурдек алоҳида чақнаб туриши шеърнинг катта ютуғи ҳисобланади. Академик А.Мирзоев ёзади: "*Ғазалда тарихан анча илгари бошланган ҳар бир байтнинг мустақил маънога эга бўлиш хусусияти кундан-кунга такомил топти ва Ҳофиз ижодида мужассамланди. Аксарият Ҳофиз ғазалларидаги ҳар бир байт мустақил маънога эга байт-лардир."*[2] Байтлар мустақиллиги эса, олимнинг фикрига кўра ғазалга айрим байтларни беркитиб, ишқий мисралар орасига чуқур социал мазмунли байтларни кўмиб кетишга имкон беради. Бундай имкониятлардан Ҳофиз, айниқса, ўринли фойдаланган, деб ҳисоблайди тожик совет олими. Буни шоир ижоди билан шуғулланган бошқа бир қатор олимлар ҳам қайд қиладилар. А.Мирзоев ўз фикрида давом этиб: «*Ҳофиз ижодида ғазаллар байтининг мустақил маънога эга бўлиши шоирга ишқ ва ошиқлик тушунчаси қатори ахлоқий, панду ҳикмат, фалсафа ва шунга ўхшаш масалалар ҳақидаги фикрларни ҳам ўз салафлари ва ўз асрдошларига нисбатан кўпроқ киритиб кетиш имконини беради*»[3] дейди-да, Шибли Нуъмонийнинг қуйидаги сўзларини келтиради: *«Хожа Ҳофиз бир томондан ғазал тематикасини анча кенгайтирди, унга ахлоқ, фалсафа, панд ва сиёсат масалалари ва бошқа мазмунларни киритди ва, иккинчи томондан, у махсус ғазал услубини жуда яхши эгаллади, ғазал тилига хос ва унга даркор бўлган латофат, ширинлик, рангдорлик ва зарофат каби хусусиятларнинг ҳаммасига риоя қилди ва сақлаб қолдиким, ҳеч бири унипг қаламидан четда қолмади»*[4]. А. Мирзоев Шибли Нуъмонийнинг фикрини дуруст топиб, унинг тасдики учун қуйидаги ғазални мисол қилиб келтиради:

Гульизоре зи гулистони жаҳон моро бас,
З-ин чаман сояи он сарви равон моро бас.

---

[1] Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: "Маънавият", 2008, саҳ. 65-70.
[2] Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий, саҳ. 42.
[3] Шу китоб, саҳ. 44.
[4] Шу китоб, шу саҳифа.

Ману ҳамсуҳбатии аҳли риё дурам бод!
Аз гаронони чаҳон ратли гарон моро бас.
Қасри Фирдавс ба подоши амал мебахшанд,
Мо, ки риндему гадо дайри муғон моро бас.
Бинишин бар лаби жўю гузари умр бубин,
К-ин ишорат зи жаҳони гузарон моро бас.
Нақди бозори жаҳон бингару озори жаҳон,
Гар шуморо на бас ин суду зиён, моро бас.
Ёр бо мост чи хожат, ки зиёдат талабем,
Давлати суҳбати он муниси жон моро бас…
Аз дари хеш худоро ба биҳиштам мафирист,
Ки сари кўи ту аз кавну макон моро бас.
Нест моро ба жуз аз васли ту дар сар ҳавасе,
Ин тижорат зи матои ду жаҳон моро бас
Ҳофиз аз машраби қисмат гила беинсофист,
Табъи чун обу ғазалҳои равон моро бас.
(Бу жаҳон гулшанида ул юзи гул раъно бас.
Бу чаманда у қадди сарв равон танҳо бас.
Тилагим аҳли риё суҳбатидан бўлмоқ узоқ
Ҳам ёқимсиз кишидан менга қадаҳ саҳбо бас.
Қилмишингга яраша бергусидир жаннатни
Биз гадо риндга муғ дайридаги маъво бас.
Бир ариғнинг лабида ўлтиру кўр умр ўтишин,
Дунё қандай ўтишига шу қадар иймо бас.
Боқ жаҳон ҳолига ҳам кўргил унинг озорин,
Сенга кам бўлса, менга фойда-зиён савдо бас.
Ёр мен бирла эрур, бошқа на бўлсин тилагим,
Давлати базми агар бўлса кўнгулоро бас.
Қувма, тангри ҳақи, жаннат сари даргоҳингдан
Остонанг менга борликдан эрур аъло бас.
Менга ёлғиз сени васлингу, йўқ ўзга ҳавасим,
Айладим икки жаҳон моли билан савдо бас.
Ҳофиз ўз тақдиридан ранжимак инсофсизлик,
Меп учун табъи равону ғазали зебо бас.)[1]

Кўриниб турибдики, ғазал кўп планли ва кўп мазмунли. Бунга ўхшаш ғазалларга бирор сарлавҳа қўйиш ҳам қийин, чунки у бари бир шеър мазмунини тўлиқ ифода этолмайди. Ушбу ғазалда ҳам олдингиларга ўхшаш ишқни улуғлаш билан бирга риёкорларни фош этиш, фалсафа, зиндадиллик, риндона фикрлар ва шунга ўхшаш хилма-хил мавзулар мавжуд.

[1]Шеър ва унинг таржимаси ҳам Ш.Шомуҳамедовнинг “Ҳофиз Шерозий” китобидан олинди, сах. 44-45.

Аммо тожик олими Ҳофиз ғазалининг бу хусусиятидан камчилик ҳам топади: “*Бу ҳолат ўз навбатида ғазал байтлари орасидаги маънавий ва мантиқий алоқанинг ниҳоятда сусайишига сабаб бўлади.”*[1] Ушбу мулоҳазада бир нозик жиҳат назардан қочирилган. Назаримизда, Ҳофиз шеъри ҳақида бундай тасаввур олимнинг икки турли матн орасидаги жиддий фарққа етарли эътибор бермаганлигидан келиб чиққан. Гап шундаки, илмий матнда жумлалар орасидаги мазмуний ва мантиқий алоқа ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Унинг бузилиши, ва ҳатто сусайиши жиддий камчилик ҳисобланади. Бадиий матн, айниқса, шеър сатрлари орасидаги боғланиш эса буткул бошқа қонуниятларга бўйинсунади. Агар “*соғлом ақл*” нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, шеърга қофиянинг нима кераги бор, вазннинг нима ҳожати бор? “*Одамга ўхшаб*” тўғри гапираверсак, фикримизни равшан ифодаласак бўлмайдими? Ҳамма гап ана шунда. Шеър “*фикрни равшан ифодалаш*” воситаси эмас. Ундаги вазн ва қофия қандай вазифа бажарса, ҳарбир байтнинг “*марварид шодасидаги дурдек алоҳида чақнаб туриши*” ҳам шундай вазифа бажаради. Чунки шеър шоир дилидаги инжа туйғуларни шеърхон кўнглига юқтириш воситасидир. Ундаги вазн ва қофия, радиф ва бадиий санъатлар, мусиқийлик ва оҳанг, “*байт мустақиллиги*” ва ҳар бир сўз-тимсолнинг кўпмаънолиги шу вазифага хизмат қилади. Ҳофизнинг буюклиги шундаки, у бадиий сўзнинг асл моҳиятини ниҳоятда чуқур ҳис қилди ва унинг инсон қалбига таъсир кучини ниҳоятда юқори даражага кўтара олди. Ҳофиз фалсафа сўқимайди, панд-насиҳат қилмайди, бировни мадҳ этиш ёки қоралашни мақсад қилмайди, бирор буюмни васф этмайди, ақл ўргатмайди, сиёсий-ижтимоий масалаларни таҳлил қилиш билан шуғулланмайди, ҳатто маъшуқага севги изҳор қилиш ҳам мумтоз шеъриятнинг вазифасига кирмайди. “*Ишқий, фалсафий, ирфоний, дидактик, тавсифий ғазаллар ўрнини Ҳофизда ушбу мавзуларнинг барчасини у ёки бу даражада ўзига сингдира олган яхлит бир инжа туйғу уйғотувчи шеърий асар эгаллади,”* (“*Место газели любовной, гедонической, философской, мистической, назидательной или повествовательной у Хафиза занимает газель, дающая определенный набор указанных тем, которые демонстрируют практически универсальную сочетаемость”)*[2]. деб таъкидлайди М.Л.Рейснер.

Ҳофиз ғазаллари фақат бир нарсага қаратилган: инсонлар дили билан дардлашиш, ҳаёт ғам-ташвишлари билан озорланган қалбларга малҳам қўйиш, уларнинг кўнглини кўтариб ҳаётга чанқоқлик туйғусини тиклаш.

---

[1] Мирзоев А. Рудаки.Жизнь и творчество. –М.: «Наука» ГРВЛ, 1968, стр. 281-282. Европа шарқшунослари буни «*дезинтегрированный тип газели*» деб аташади. (Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 200. (дезинтеграция – «распадение, расчленение целого на составные части» - Словарь иностранных слов. –М., 1988, с. 152.)

[2] Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси, с. 205-206.

Ҳофиз одамларни фақат бир нарсадан қайтаришга уринади – мардумозорликдан, ўзи сингари бир одам кўнглига озор етказишдан. Ҳақиқий инсонийлик ўзи шу эмасми? Шоир фақат бир нарсани ёмон кўради – риёни, сўз ва амал орасидаги зиддиятни. Унинг учун энг қиммат нарсалар – самимият ва меҳр-шафқат. Шоирнинг ҳар бир ғазали моҳиятан айни шу туйғулар ифодачисидир.

"***Ҳофиз ижодида ғазал ўз такомилининг шу даражасига эришдики, энди бадиий сўз ўз мустақил рисолати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш қувватини ҳосил қилди***". *(«Газель в творчестве Хафиза достигла той степени зрелости, когда поэтическое слово способно размышлять над своим собственным смыслом и назначением.»)*[1] XVIII аср охири - XIX аср бошлари немис романтизмининг атоқли вакили, адиб ва файласуф Жан Поль (Иоганн Пауль Фридрих Рихтер, 1763-1825) ўзининг эстетикага оид фалсафий асарида шундай мулоҳаза юритади: *"Эпос* ***ўтмишда*** *бўлиб ўтган воқеани тасвирлайди, драма –* ***келажакка*** *йўналган ва келажак сари ривожланиб борувчи фаолият,* ***лирика эса ҳозир кўнгилдан кечиб турган тирик туйғу ифодасидир****. Лирика, моҳиятан, барча шеърий шаклларнинг ибтидосидир, чунки шеърият туйғудан туғилади, унда шеъриятни алангалантирувчи учқун бор... Ўз-ўзича лирика олови... ҳаётдаги ҳар қандай аланга сингари эркин ёнади, муқим бир шаклга кирмайди..." ("Эпос изображает событие, развертывающееся на основе* ***прошлого****, драма - действие, развивающееся в сторону* ***будущего*** *и направленное на будущее,* ***лирика – чувство, заключенное в настоящем.*** *Лирика, по существу, предшествует всем поэтическим формам, потому что вообще чувство рождает поэзию, в нем искра, ее зажигающая;... Сам по себе лирический огонь ... как и всякое пламя в жизни, горит свободно, не принимает устойчивого облика...")* [2] Ҳофиз ғазаллари айни шундай эркин алангаланувчи туйғулар олови бўлиб, уни муайян мантиқий қолипга тушириш ҳаракати бефойда уринишдир. Уларнинг бениҳоя таъсир қудрати ҳам шундандир.

Алишер Навоийнинг форс тилидаги ижоди, қўрқмай айтиш мумкинки, биринчи навбатда Ҳофиз ғазалиётидан улгу олади. "*Девони Фоний*" мундарижасида ғазаллар миқдори 552та бўлса, шундан, менинг ҳисобим бўйича, 227та ғазал, яъни жами Фоний ғазалларининг ярмидан кўпи "***Татаббуъи Хожа***" ёки "***Дар таври Хожа (Ҳофиз)"*** деб номланган. Аммо кейинчалик покистонлик олима **Суғробону Шукуфта** бу ҳисобга тузатиш киритди. Олиманинг аниқлашича, "Девони Фоний" қўлёзмаларида баъзан **Татаббўъи Шайх** (ёки **Татаббўъи Шайх Саъдий**) деб номланган ғазаллар-нинг баъзилари аслида Ҳофизга татаббуъ қилинган экан[3]. Шундай ғазаллардан 7тасининг матлаъи олима тадқиқотида қайд этилган бўлиб, Алишер Навоий

[1] Там же, с. 206.
[2] Жан-Поль. Приготовительная школа эстетики. –М.: «Искусство», 1981. –С. 276.
[3]Шукуфте Суғробону. Шарҳи аҳвол ва осори форси Амир Алишер Навоий мутахаллус ба Фоний. –Исломобод-Покистон, 2005, саҳ. 287-288.

“Мукаммал асарлар тўплами”нинг 18-19 томларини[1] текшириб чиққанда маълум бўлдики, улардан фақат биттаси тузатилган бўлиб,[2] қолган 5таси, дарҳақиқат, “***Татаббўъи Шайх*” (**ёки **“*Айзан*”,** яъни, “*яна шу шоир шеърига татаббуъ*” маъносида**)** сарлавҳаси остида тузатилмай қолиб кетган экан[3]**.** Охирги бир шеър эса, **“*Мухтараъ*”** (яъни шоирнинг ўз ихтироси) сифатида **“*Айзан*”** деб кўрсатилган[4]. Демак, бизнинг юқорида кўрсатган рақамимизга яна 6 ғазални қўшиб, 233тага етказиш лозим бўлар экан.

Навоий ҳам устози Жомийга ҳамоҳанг равишда Саъдийни ғазал ижодчиси деб ҳисоблайди. “*Девони Фоний*”даги 22 ғазал Саъдийга татаббуъ қилинган бўлиб, татаббуълар миқдори жиҳатидан Шайх тўртинчи ўринда туради. Биринчи уч ўрин Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Ҳофиз Шерозийларга аталган. Навоий ўзининг машҳур қитъасида ёзади:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ
Ким, андин яхши йўқ назм эҳтимоли,
Бири муъжизбаёнлиғ соҳири ҳинд
Ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли,
Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида маству лоуболи.
Бирм қудси асарлик орифи Жом
Ки, жоми Жамдурур синғаи сафоли.
Навоий назмиға боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байтн холи.
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх махвашинг жамоли[5]**.**

Демак, Навоий Саъдийнинг ғазалнависликдаги мавқеини тўғри идрок этган ва унга шу мавқеига яраша ҳурмат кўрсатган бўлса-да, бу соҳадаги ўзининг устозлари қаторида тилга олмайди. Чунки Амир Хусрав ва Ҳофизга нисбатан бир аср олдинги давр ижодкори Саъдий ғазални ўзининг салафларига нисбатан жуда юқори поғонага кўтара олган, уни камолга етказиб, мустақил жанрга айлантира олган, аммо XIV аср ғазалнавислари бу жанр ривожида ундан илгари кетдилар. Навоий XIV-XV асрларга оид уч шоирни устоз деб тан олади, аммо улардан қайсиси кўпроқ шоирни маҳлиё этганлигини юқорида кўрдик. “*Девони Фоний*”да устозларга

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18-19 томлар. –Т.: “Фан”, 2002, 552+600 саҳ.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. –Т.: “Фан”, 2002, саҳ. 164.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. –Т.: “Фан”, 2002, саҳ. 214, 222,224, 226, 228.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 19 том. –Т.: “Фан”, 2002, саҳ. 544.
[5] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6 том. –Т.: “Фан”, 1990, саҳ. 516.

бағишланган татаббуълар миқдори бўйича Саъдийдан олдинги ўринни 29 татаббуъга сазовор бўлган Амир Хусрав эгаллайди, шоирнинг севимли ва ниҳоятда қадрли устози Абдураҳмон Жомий ғазалларига шоир 47 татаббуъ бағишлайди. Шундай қилиб, бу жанрнинг энг эътироф этилган 3 забардаст намояндасига Фоний девонида жами 103 та татаббуъ бағишланган. Оддий ҳисоб-китобдан ҳам Ҳофиз Шерозийнинг ғазалнавислик соҳасидаги қудрати Навоий наздида қай даражада устун эканлиги маълум бўлиб турибди. Амир Хусрав 5 девон тузган, ғазалларининг умумий миқдори мутахасислар ҳисоб-китобига кўра 2000дан ошади[1]. Жомийнинг 3 девони таркибида 1800дан ортиқ ғазал мавжуд. Ҳофиз девонида эса бори–йўғи 636та ғазал жамланган. Ҳирот адабий мактабида нафақат Жомийнинг, балки Амир Хусравнинг ҳам мавқеи жуда баланд бўлган. Шунга қарамай, юқоридаги нисбатлар Навоий учун Ҳофиз ғазаллари бошқа барча бу соҳа устозлари ижодидан қай даража мафтункорроқ эканлигини яққол намоён этиб турибди.

Покистонлик навоийшунос Суғробону Шукуфтанинг Амир Алишер Навоий (Фоний) ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус тадқиқотида шу мавзуга махсус тўхталиб, унинг 217та форсий ғазали Ҳофизга татаббуъ эканлигини таъкидлайди ва китобида шулардан 188тасининг матлаълари қиёсини келтиради[2]. Олиманинг кўрсатиб ўтишича, "*Татаббуъи Хожа*" (ёки "*Татаббуъи Хожа Ҳофиз*") дейилганда шоирнинг аниқ бир шеърига татаббуъ-жавоб қилинган бўлиб, "*Дар таври Хожа (ёки Дар таври Хожа Ҳофиз*)" дейилган бўлса, бу шеър умуман Ҳофиз ғазаллари руҳида ёзилган, аммо аниқ бир шеърга жавоб эмаслигини тушуниш керак экан. Аммо шундай маънода оладиган бўлсак, баъзан девонда **"*Мухтараъ*"** (яъни шоирнинг ўз ихтироси) сифатида келтирилган шеърлар ҳам Хўжа Ҳофиз "***таврида***" ёзилганлиги очиқ сезилиб туради. Масалан –

Мо ба кужо,зуҳду ибодат кужо?
Маст кужо, тақвию тоат кужо?[3]

деб бошланувчи шеър Ҳофизнинг –

Салоҳи кор кужо-ву ман хароб кужо?
Бебин тафовут раҳ, к-аз кужост то ба кужо?

(Қаёнда ўнгламоқ ишни ва ман хароб қаён?
Бу йўл қаёндаю мен қайдаман, жавоб қаён?) –

[1] Бақоев М. Ҳаёт ва эжодиёти Хусрави Деҳлави. –Душанбе: "Дониш", 1975, –С.165. Амир Хусрави Деҳлави. Осори мунтахаб. Жилди 4, –Душанбе: "Ирфон", 1975. –С. 5.

[2] Шукуфте Суғробону. Шарҳи аҳвол ва осори форси Амир Алишер Навоий мутахаллус ба Фоний. Исломобод-Покистон, 2005, саҳ. 250-273.

[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. –Т.: "Фан", 2002, саҳ. 28.

матлаъли ғазали таъсирида эмасми? Бизнинг назаримизда, шоир ўзи махсус кўрсатмаган бундай ўхшашликлар “*Девони Фоний*”ни Ҳофиз девони билан астойдил солиштирганда яна анча-мунча чиқса керак.

Покистонлик олима жуда савобли иш қилган. У улуғ ўзбек аллома шоири ва адибининг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан форсийзабон китобхонларни яқиндан мукаммал таништирибгина қўймай, Навоий-Фонийнинг форс шеърияти устодлари билан ижодий ҳамкорлигининг аниқ далилларини бирма-бир аниқлаган. Жумладан, нафақат Ҳофиз, балки бошқа Навоий тилга олган устозлар – Жомий, Амир Хусрав, Ҳасан Деҳлавий ва бошқаларнинг Фоний татаббуъ боғлаган шеърларини аниқлаб, тадқиқотида уларнинг матлаъларини Навоий ғазалларига қиёслаб келтирган. Натижада юқорида кўрсатилган баъзи камчиликларни ҳам тузатиш имкони пайдо бўлди. Масалан, “*Девони Фоний*”нинг мавжуд нашрига таяниб биз келтирган рақамни тузатиб Саъдийга татаббуъ қилинган ғазаллар сонини 27тадан 22тага камайтиришга тўғри келди. Аммо ҳар тўкисда бир айб дегандек, негадир Ҳофизнинг бирқатор машҳур шеърларига Фоний татаббуълари олима келтирган рўйхатдан тушиб қолган. Жумладан, Ҳофизнинг қуйида матлаълари келтирилган икки ғазали ва унга Фоний жавоблари Суғробону Шукуфта китобида номаълум сабабларга кўра тушуриб қолдирилган:

Ҳофиз:

Дӯш аз масжид сӯи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо?

Фоний:

Дӣ сӯи дайри муғон омад зи масжид пири мо,
Чист жуз зуннор бастан баъд аз ин тадбири мо?[1]

Ҳофиз:

Суфий биё, ки оина софист жомро,
То бенгари сафойи майи лаълфомро.

Фоний:

Соқий, биёр жоми майи лаълфомро,
Бежавф соз пайкари ёқут жомро.[2]

Икки девонни солиштириш мобайнида яна бир янгилик аниқландики, на покистонлик олима назари тушмаган, ва на 20 томликда белгиланмаган татаббуълар ҳам йўқ эмас экан. Масалан, қуйидаги матлаъли ғазаллар:

Ҳофиз:

Равнақи аҳди шабобаст дигар бўстонро,

---

[1] [1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. –Т.: “Фан”, 2002, саҳ. 66.

[2] [2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. –Т.: “Фан”, 2002, саҳ. 74.

Мирасад муждайи гул булбули хушилҳонро.

Фоний:

Базмгаҳ сохт дигар шоҳиди гул бўстонро,
Мужда деҳ, боди сабо, булбули хушилҳонро[1]*.*

Хулоса шуки, юқоридаги 233 рақами ҳам охирги чегара эмас, яъни агар икки девонни охиригача диққат билан қиёсланса, рўйхат янада бойиб бориши эҳтимолдан холи эмас экан. Дарҳақиқат, устоз Ш.Шомуҳамедов "*Девони Фоний*"даги ғазаллардан 250таси Ҳофизга татаббуъ деганда янглишмаган кўринади.

Энди намуна тариқасида Ҳофиз ғазаллари ва Фоний татаббуъларни икки ғазал доирасида қиёслаб кўрамиз. Ҳофизнинг лейтмотив ғазалини юқорида сатрма-сатр кўриб чиқдик. Фоний девонидаги 4-ғазал айни шу ғазалга татаббуъ бўлиб, у ҳам арабий сатр билан бошланиб, арабий жумлада тугалланади. Татаббўъ қоидасига кўра, Фоний ғазали Ҳофиз шеъри билан бир ҳил вазнда ёзилиши, қофиялари ҳам мувофиқ бўлиши, мазмунида ҳам маълум даражада умумийлик бўлиши лозим. Шу билан бирга кейинги ғазалда муайян янгиликлар ҳам юз кўрсатиши шарт бўлади.

Фоний ғазалининг биринчи байти билан танишамиз:

Румузул-ишқ конат мушкилан, бил-каъс ҳаллилҳо,
Ки он ёқути маҳлулат намояд ҳалли мушкилҳо.

(Ишқ сирлари қийин экан, уни май билан осон қил,
Чунки эритилган ёқут (май) мушкилларни ҳал қилади.)[2]

Ҳофиз сатрларида ҳам Фонийда ҳам мавзу муҳаббат ва май ҳақида. Шероз ринди соқийдан май сўрайди, чунки дилидаги ишқ туфайли бошига тушган мушкилотлар май нашъаси билан бироз енгиллашига умид қилади, аммо бу фикр байтда очиқ ифодаланган эмас. Фоний ўз матлаида бу фикрни очиқ айтади, яъни араб тилида "ечувчи", "ҳал қилувчи", "эритувчи" маъноларида келадиган ***"ҳалл"*** феъли асосидаги қатор сўзлардан моҳирона фойдаланиб, эритилган ёқут каби қирмизи май мушкилларни ҳал қилучи энг таъсирли воситадир деб лутф қилади. Агар Ҳофизда биринчи сатр май ҳақида, иккинчи сатр муҳаббат мушкилотлари тўғрисида бўлса, Фоний аксинча ишқ сирларининг мушкиллиги ҳақида гап бошлаб, кейин уларни ҳал қилиш йўлини баён қилади.

Иккинчи байтда Ҳофиз ўз одатига кўра бошқа мавзуга ўтиб кетади. Аммо Фоний мушкилларни ҳал қилувчи май мавзусини давом эттиради:

Сўи дайри муғон бихром то бини ду сад маҳфил,

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Девони Фоний. (Ғазалҳо). 18 том. –Т.: "Фан", 2002, саҳ. 68.
[2] Ғазал матни ва таржимаси ҳам юқоридаги китобдан олинди, саҳ. 14-15.

Саросар з-офтоби май фурузон шамъи маҳфилҳо.

(Сен майхонага бор, ул ерда икки юзча даврани кўрасанки,

Бу давралар шамъи тамомила май офтобидан қувват олиб, ёруғлик таратади.)

Фоний матлаъида яна бир нозик фарқ бор эдики, агар Ҳофиз ғазалида умуман "ишқ" ҳақида фикр билдирилган бўлса, татаббуъда *"румуз ул-ишқ"* яъни "*ишқ сирлари*" ҳақида суҳбат очилган эди. Демак, бу сирларни ифшо қилишда давом этиш имкони пайдо бўлади ва шоир бундан унумли фойдалана бошлайди. Дилни ишқ олови қиздирмоқда, майнинг ҳам қиздириш хусусияти бор, энди булар орасида баҳс бошланди:

Дилу май ҳар ду равшан шуд, намедонам ки тоби май,

Зад оташҳо ба дил, ё тоби май шуд з-оташи дилҳо.

(Дил билан майнинг ҳар иккови равшан бўлди; билмайманки,

Майнинг тоби дилни ёритдими, ёки дил оташи майними?)

Дилдаги ишқ олови устига қиздирувчи май қуйилди, мақсад йўли узоқ эди, энди янада алангаланган кўнгил чақмоқ каби бир ҳамла билан манзилга етиши мумкин:

Ба мақсад гарчи раҳ дур аст, агар оташ расад аз ишқ,

Чу барқ осон тавон кардан ба гоме қатъи манзилҳо.

(Мақсадга етмоқ йўли узоқдир, лекин агар сенга ишқ ўти тушса,

Бир қадам ташлаб яшин каби манзилга етмоқ мумкиндир.)

Кўрдикки, Фоний ғазали мазмунан Ҳофиздан анча узоқлашиб кетди. Аммо шоир ҳушёр - татаббуъ байтлари салафи қофияларини (*маҳфилҳо, дилҳо, манзилҳо*) бехато такрорлаб турипти. Шундай қилиб, ғазалнинг биринчи 4 байтида татаббуъ қоидаларига изчил амал қилинмоқда, аммо кейинги 3 байтда қофиялар ҳам қисман янгилана бошланди:

Ману беҳосили, к-аз илму зуҳдам, ончи шуд ҳосил,

Яко-як дар сари маъшуқу май шуд чумла ҳосилҳо.

(Мен илм ва тақводорликдан бебаҳраман, (аммо) нимадан

Баҳраманд бўлган бўлсам, у ҳам маъшуқ ва майга қурбон бўлди.)

Ҳофиз ўжарлик, ўзбилармонликдан ("*худкоми"*) шикоят қилган бўлса, Фоний илму тақводан бебаҳралигини эътироф этмоқда, борини ҳам ишқу май барбод қилган.

Бувад чун бар асири ноқаи Лайли, ки дар водий

Фиғон аз чоки дил Мачнун кашад, не занги маҳмилҳо.

(Лайлининг туялари саҳрода булутдек сайр қилганида эшитиладиган овоз

Бу туялар қўнғироғининг овози эмас, балки Мажнун дилининг фиғонидир.)

Бу байтда яна татаббуъ қоидасига биноан нафақат қофия (*маҳмилҳо*), балки қўнғироқ овози ҳам Ҳофизни эслатмоқда (фақат "*жарас" эмас, "занг", "фарёд" эмас, "фиғон"*).

Чу дар дашти фано манзил куни як рӯз, эй Фоний,
Зи ман он жонфизо атлолро фасжуд ва қаббилҳо.
(Эй Фоний, бир куни фано даштида маизил қилсанг, менинг томонимдан
Жонга руҳ бахш этувчи кўҳна биноларга сажда қилиб, улардан бўса ол!)

Охирги сатр яна араб тилида тугалланган, фақат тўлиқ мисраъ эмас, гап форсча бошланиб, сўнгги икки сўзи арабча ифодага ўтиб кетган. Бундан ташқари жумла мазмуни араб шоирларининг қасидаларини эслатади (“*атлол*” – ташлаб кетилган манзилгоҳ харобалари). Шундай қилиб, Фоний татаббуъи ўз шаклий ва мазмуний мундарижаси билан шоирнинг нафақат форс, балки бутун ислом минтақа адабиёти анъаналари билан яхши таниш эканлигини намойиш этмоқда.

Иккинчи шеър Ҳофизнинг шўролар даврида оғиз кўпиртириб мақталган “*антиклерикал*” оҳангдаги ғазалига татаббу бўлиб, бунда ҳам Фоний ўз салафига ҳам шаклий, ҳам мазмуний изчил назира-жавоб йўлидан борган. Ишни осонлаштириш мақсадида байтма-байт қиёслашни мақбул кўрдик[1].

Ҳофиз:

Дўш аз масжид сӯи майхона омад пири мо,
Чист ёрони тариқат баъд аз ин тадбири мо?
(Келди масжиддан бу кеч майхона сори пиримиз,
Не бўлур йўлдошларим, бундан кейин тадбиримиз?)[2]

Фоний:

Дӣ сӯи дайри муғон омад зи масжид пири мо,
Чист жуз зуннор бастан баъд аз ин тадбири мо?
(Кеча бизнинг пиримиз масжидни ташлаб, майхонага келди,
Бундан кейин зуннор боғлашдан бошқа нима тадбиримиз бўлар эди?)

Иккала ғазалнинг биринчи сатрлари бир хил мазмунда, иккинчи сатрда Ҳофиз савол бермоқда, Фонийда эса жавоб тайёр. Икки-нчи байт Ҳофизда мазмунан матлаъдаги мавзуни давом эттиради. Фоний эса мавзуни буткул ўзгартиради:

Ҳофиз:

Мо муридон рӯ ба сӯи Каъба чун орем, чун
Рӯ ба сӯи хонаи хаммор дорад пири мо?
(Биз муридлар қайси йўл бирла борурмиз каъбага?
Бошламоқда йўлни майхона томонга пиримиз!)

Фоний:

Пири дайр ар кард моро мужрим аз тақсири зуҳд,
Гар бимонад қатра дар соғар, бувад тақсири мо.

[1]Ҳофиз ғазали Эрон ва Ўзбекистон нашрларида 7 байтдан иборат бўлиб, Тожикистон нашрида 10 байт. Фоний ғазали эса 9 байт. Биз7 байт билан чегараландик. Қиёслашга қулай бўлсин учун ҳар икки ғазалдаги баъзи байтлар ўрни ўзгартирилди.

[2] Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. (Форсча матн - ўзбекча таржима). –Т., 1958, саҳ. 30-31.

(Дайр пири тақводорлигимиз учун гуноҳкор қилса (ҳеч гап эмас),
Май косасида майдан бир қатра қолса, у бизнинг гуноҳимиздир.)

Фоний татаббуъ қоидаларига биноан қатор байтларда Ҳофиз ғазали қофияларини такрорлайди, шу сабабдан ушбу байтлар мазмунида ҳам маълум даражада уйғунлик юзага келади:

Ҳофиз:

Дар хароботи муғон мо низ ҳамманзил шавем,
К-ин чунин рафтаст дар аҳди азал тақдири мо.
(Ўтпарастлар манзилида биз ҳам айлармиз макон,
Чунки шундай деб ёзилмишдир азал тақдиримиз.)

Фоний:

Баҳри панди мо макаш, зй шайх, заҳмат чун шудаст,
Риндию расвой аз рӯзи азал тақдири мо.
(Эй шайх, бизга панду насиҳат қиламан деб заҳмат чекма,
Чунки азалдан бизнинг тақдиримиз ринду расволикдир.)

Ҳофиз:

Ақл агар донад, ки дил дар банди зулфаш чун хуш аст,
Оқилон девона гарданд аз паи занжири мо.
(Банд бўлиб зулфига дил шод бўлганин билсайди ақл,
Ақл эли истарди, девона бўлуб занжиримиз.)

Фоний:

Кофири ишқему беҳуш аз жунун, эй муғбача,
Ҳам зи зуннори сари зулфи ту бас занжири мо.
(Биз ишқ кофири ва телбаликдан беҳушмиз, эй муғбача,
Сенинг зулф зуннорингдан ясалган занжир бизга кифоядир.)

Ҳофиз:

Бо дили сангинат оё ҳеч дар гирад шабе?
Оҳи оташбору сӯзи нолаи шабгири мо?
(Тош каби қаттиғ дилингға ҳеч бир айларми асар,
Шунча ўтлуғ оҳ бирла йўқмидир таъсиримиз?)

Фоний:

Шабнишинонро ажаб рӯзи сиёҳ ояд ба пеш,
Гар зи зулфи ӯ барояд нолаи шабгири мо.
(Агар маҳбубнинг зулфи туфайли тунги фиғонимиз кўкка кўтарилса,
Кечаси ухламай ибодат қилувчиларнинг бошига ажаб қора кунлар тушади.)

Қуйидаги байтларда ҳар икки ғазал қофиялари мустақил танланиб, уларнингмазмунлари ҳам мустақил йўлдан кетади:

Ҳофиз:

Рӯи хубат ояте аз лутф бар мо кашф кард,
З-он сабаб жуз лутфи хуби нест дар тафсири мо.
(Шул гўзал юз лутфу эҳсон оятин этди баён,
Шу учун яхшилиғингдан ўзга йўқ тафсиримиз.)

Тири оҳи мо зи гардун бигзарад, Ҳофиз, хам ӯш,
Раҳм кун аз жони худ, парҳез кун аз тири мо.
(Оҳимизнинг ўқлари, Ҳофиз, фалакдан ҳам ўтар,

Раҳм қил жонингға, сақлан, тегмагай то тийримиз.)

Фоний:

Кай тавон будан дигар дар хонақаҳ, чун ёфтанд
Шишаи май дар даруни хирқаи тазвири мо.

(Бизнинг фирибгар ямоқ тўнимиз ичидан сўфилар
Бир шиша май топиб олдилар, энди хонақоҳда қолиб бўладими?)

Шиша дар гардан чу гардондӣ ба дайр, эй муҳтасиб,
Машканаш боре, ки набвад беш аз ин таъзири мо.

(Эй муҳтасиб, шишани бўйнимга осиб майхонада сазойи қилдинг,
(Лекин) шишани синдирма, (чунки) бизга бундан ортиқ таъзир бўлмайди.)

Оллоҳ-оллоҳ, шарм аз имонаш надорад шайхи шаҳр,
Мекунад аз сажда пеши он санам такфири мо.

(Эй Оллоҳ, шаҳарнинг шайхи ўз имонидан уялмасдан,
У санамнинг олдида сажда қилганимиз учун бизни кофирга чиқаряпти.)

Шояд, эй Фоний, ба қабри Ҳофизаш созанд сабт,
Гар ба хоки Форс афтад нусхаи таҳрири мо.

(Эй Фоний, асаримиздан бир нусхаси Форс элига етса,
Уни Ҳофиз қабрига ёзиб қўйсалар ҳам ажаб эмас.)

Кўриб турганимиздек, Фоний ғазалининг охирги байти фахрия бўлиб, унда шоир ўз татаббуъларининг овозаси устози юртига ҳам етиб боришини орзу қилади. Агар қиёсий таҳлилимиздан хулоса чиқарадиган бўлсак, айтиш мумкинки, Навоий-Фоний "*ринди Шероз*"ни ниҳоятда яхши кўради, ғазалнависликда биринчи навбатда унга эргашади, аммо шу билан бирга рўйи-рост кўриниб туриптики, шеъриятда, ҳаётга ёндошувда форс шоирининг ўз йўли бор, ўзбек Навоийнинг ўз қарашлари, ўз йўналиши бор. Ҳофиз ҳаётчан шоир, ҳаётни, оддий инсоннинг ўй-хаёлларини яхши биладиган шоир, аммо унинг шеъриятида хоҳ ирфоний бўлсин, хоҳ инсоний, туйғу биринчи ўринда туради. Ҳофиз шеърияти кайфият ҳосил қилади, ҳаётчан ва некбин кайфият. Навоий-Фонийнинг хоҳ туркий, хоҳ форсий ғазалини олиб қараманг, фақат ҳаётчан ва некбин кайфият билан чекланмайди, унда ҳаётий тасвир ва ҳаётга фаол муносабат жуда кучли. Навоий-Фоний оддий шоир эмас, аллома шоир. Унда кузатувчанлик ва ҳаётдаги ҳар бир кичик тафсилот, ҳар бир кўзга зўрға илинадиган нуқтада улуғ моҳиятни кўра билиш зукколиги мавжуд. Бу хислат унинг ҳар бир мисраъида, ҳар бир байтида ёрқин намоён бўлиб туради. Яна Навоий фақат хулоса чиқариб қўя қолмайди, балки шеърхонни олға ундайди, ҳаётга фаол муносабатга чақиради, унинг шеърларида уфққа, нурга, зиёга интилиш руҳи мавжуд. Албатта, Навоий шеърияти ҳақида тўлақонли сўзлаш учун унинг форсий ва туркий ижодини яхлит тадқиқ этиш лозим, биз бу ерда фақат Ҳофизга қиёсан гапирдик, холос.

40. Абдурраҳмон Жомий

Абдураҳмон Жомий (1414-1492) ҳаёти ва ижодини ўрганиш унинг улуғ шогирди ва дўсти Алишер Навоийнинг «*Хамсат ул-мутаҳаййирин*» рисоласидан бошланиб, Абдулвосеъ Низомийнинг "*Мақомоти Мавлави Жомий"*[1], Абдулғафур Лорийнинг "*Нафаҳот ул-унс*"га қўшимча сифатида ёзилган "*Шарҳи ҳоли Мавлоно Жомий*"[2], Фахруддин Али Сафийнинг "*Рашаҳоту айн ал-ҳаёт*"[3] каби аллома шоирнинг кичик замондошлари томонидан битилган асарларда давом эттирилган. Янги даврда академик Е.Э.Бертельс бу борада илк бор жиддий монографик тадқиқотини эълон қилди[4]. Ўзбек тилида устоз Шоислом Шомуҳамедов "Форс-тожик адабиёти классиклари" асари таркибида қисқача адабий портрет берган бўлса[5], кейинчалик алоҳида "Абдураҳмон Жомий" илмий-оммабоп рисоласини чоп эттирди[6]. Кейинги йилларда тожик олими Аълохон Афсаҳзод **Абдураҳмон Жомий** ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш борасида катта ютуқларни қўлга киритди. Тадқиқотчи шоирнинг қатор асарларини, жумладан, унинг ҳар уч девонини, "*Баҳористон*", "*Лайли ва Мажнун*" илмий-танқидий матнларини нашрга тайёрлади, алломанинг ҳаёти ва ижоди, бадиияти, фалсафий қарашлари ҳақида йирик рисолалар яратди[7]. Ва ниҳоят 1986-1990 йилларда бир гуруҳ мутахассислар ҳамкорлигида шоир ва алломанинг 8 жилдли "*Асарлар*" ("*Осор*") тўпламини нашр этишга муваффақ бўлди[8]. Кўпжилдликнинг 1-7 жилдларида шоирнинг лирик ва эпик мероси жамланган бўлиб, фақат охирги жилддагина алломанинг илмий-ирфоний, адабий-илмий асарлари ҳамда мактубларидан намуналар берилган. Демак, ҳануз Жомий асарлари тўлиқ нашр этилмаган, дейиш мумкин.

Навоий устози ҳақида батафсил ёзган. Биз бу ўринда фақат "Насойим"даги қисқача таъриф билан чекланамиз: "*Шайх ул-ислом Мавлоно* ***Нуруддин Абдурраҳмон Жомий*** *(қ. р.). Алар васфида хома тили лол ва тил хомаси шикаста мақолдур. Йиллар тақрир қилилса ва қарнлар таҳрир суръати била битилса, улча ҳаққи бор. Васфларининг адо топмоғи*

---

[1] Афсаҳзод Аълохон. Таҳаввули афкори Абдураҳмони Жомий, саҳ. 154.
[2] Шу китоб, саҳ. 155.
[3] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. –Т., 2003. –С. 181-221.
[4] Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. –Стр. 207-279.
[5] Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. –Т.: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963. –Саҳ. 151-181.
[6] Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий. –Т.: "Фан", 1963, 104 саҳ.
[7] Афсахзод А. Абдурраҳман Джами, его время и творчество // Джами. Избранные произведения. –Л., 1978; Афсаҳзод Аълохон. Рўзгор ва осори Абдураҳмони Жомий. Душанбе, 1980; Афсаҳзод Аълохон. Таҳаввули афкори Абдураҳмони Жомий. –Душанбе: "Дониш", 1981; Афсахзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами: проблемы текста и поэтики. –М.: Наука, ГРВЛ, 1988.
[8] Абдураҳмони Жомий. Осор. Дар ҳашт жилд. –Душанбе: 1-2 жилдлар - "Ирфон", 1986-1987; 3-8 жилдлар - "Адиб", 1987-1990. (3 ва 4 жилдлардан ташқари барча асарларни Аълохон Афсаҳзод нашрга тайёрлаган.)

мутаассирдир ва таърифларининг сонға келмаги мутааззир. Бу бебизоат ва қалил ул-иститоатнинг яқини мунга содиқ ва таҳқиқи мунга мувофиқдурки, бу умматда алариинг камоли сувари ва истикмоли маънавийлари жомеъияти била турмамиш бўлғай. Чун аср фузалосидин ва замон уламосидин ким аларнинг шогирдлиғиға муаззазу мумтоз ва мушаррафу сарафроз эрдилар. Неча киши аларнинг сийрату камолоти шарҳида расоилу кутуб битибдурлар ва тасониф сабт этибдурлар, ародадур. Билай деган киши ул жамъи таълифдин ўз фаҳми хурдида махсус бўлур ва баҳра ола олур. Бу заиф дағи ҳам бу бобда «Хамсат ул-мутаҳаййирин» рисоласи битибмен. Анда фил-жумла густохлиғ юзидин алар зикри била қаламни гавҳарнисор этибмен. Турк улусида иродат аҳли ва ихлос хайли ул паришон авроқдин ва пароканда ажзодин иликка олсалар ва кўз солсалар, бирор нима била олурлар ва шуур ҳосил қила олурлар. Алар зоҳир юзидин ўзларин қутб ул-муҳаққиқин ва ғавс ус-соликин Мавлоно Саъд ул-миллати ва дин Қошғарий (қ. р. а.) муриди кўргузурлар эрди. Аммо ҳамоноки Увайсий эрдилар ва ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшибанд руҳониятидин тарбият топиб эрдилар ва замон машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо (қ.с.) муборак назарлариға етишиб эрдилар ва Хожа Абу Наср Порсо ва Хожа Муҳаммад Кусавий ва Мавлоно Боязид Пуроний ва Мавлоно Муҳаммад Асар ва МавлоноМуҳаммад Табодгоний ва Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий ва Мавлоно Муҳаммад Амин Кўҳистоний ва Мавлоно Саъдиддин Жожармий (қ. т. а.) ва сойир замон машойихи била суҳбат тутуб эрдилар ва ҳам бу тоифа ҳолоту масоилидин барчадин баҳра топиб эрдилар ва ҳам баҳра еткуруб эрдилар. Саксон бир ёшқа еттилар ва секкиз юз тўқсон саккизда жумъа кечаси Ҳирот хиёбони бошида ўз манзилларида Тангри таоло раҳматиға восил бўлдилар ва аларнинг мухлисларидин бири мунаввар марқадлари устида олий иморат ясаб,баъзи муридлар ва шогирдларидин ул иморатда дақойиқ фунунин ва ҳақойиқ улумин ҳоло дарс этиб, жамоати касир толиблардин алар руҳонияти баракатидин нафъи шомил ва файзи комил топадурлар ва назму наср таснифларидин элликка яқин борки, замон аҳли андин баҳраманддурлар.

Назмларидин уч девондур. Аввалғи девон «Фотиҳат уш-шабоб»қа машҳур ва иккинчи «Воситат ул-иқд»қа маъруф ва учунчи «Хотимат ул-ҳаёт»қа мавсумки, олам аҳли тилида ул назмлардин ўзга назм жорий бўлур ва маснавийдин «Ҳафт Авранг”дур, етти дафтар тарбият топибдурки,“Туҳфат ул-аҳрор”дур ва «Силсилат уз-заҳаб”дур ва «Юсуф ва Зулайҳо»дур ва «Лайли ва Мажнун»дур ва «Хирадномаи Искандарий»дур ва «Субҳат ул-аҳрор»дур ва “Саломон ва Абсол”дур ва насрларидин «Тафсир»дур ва «Шавоҳид ун-нубувват»дур ва «Нафахот ул-унс»дур ва «Нақши Фусус»дур ва «Ашъиат ул-ламаот»дур ва «Лавоеҳ»дур ва «Лавомеъ»дур ва “Шарҳи рубоиёт”дур. Чун барчаси аларнинг куллиётида мастур ва мазкурдур, теъдодиға ҳожат эмас ва аларнинг маоний ва нукоти андин машҳурроқдурки, бирор нима сабт қилмоққа ҳожат бўлғай. Ул сабабдин ихтисор қилилди. Ҳақ субҳона таоло алар руҳиға вусул нузҳатгоҳида

қиёматқача ором ва ниёзмандларға кому нашоти тамом насиб қилсун, омин ё Рабб ал-оламин!”[1].

Абдураҳмон Жомий кўп қиррали ижодкор бўлиб, ҳам диний-ирфоний, ҳам дунёвий илмий асарлар муаллифи сифатида, ҳам адиб, ҳам лирик, ҳам эпик шоир сифатида эътиборга сазовор асарлар яратган. Унинг “*Куллиёт*”и таркибида 37 асар жам қилинган бўлиб, булардан адабиётшуносликка оид *“Аруз ҳақида рисола”, “Қофия ҳақида рисола”, “Тажниси хатт ҳақида рисола”,* муаммо жанри хусусида 4 рисола, араб тили синтаксисига оид *“Фавойид уз-Зиёия” (ёки “Шарҳи Мулло”),* назм ва насрда битилган форс тили сарфу наҳви, *“Мусиқа ҳақида рисола”,* диний илмларга оид *«Тафсири Қуръон» (*тугалланмаган*), «Шавоҳид ун-нубувва», “Рисолайи маносики ҳаж”* асарлари, тасаввуф тарихи, назарияси ва амалиётига оид *“Рисолайи шароити зикр”, «Нафахот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс», «Нақд ун-нусус фи шарҳи “Нақш ал-Фусус», «Ашиъат ул-ламаот», «Лавоеҳ», «Лавомеъ фи шарҳи қасидайи мимияйи хамрияйи Ибни Фориз», “Шарҳи рубоиёт”, “Шарҳи суханони Хожа Порсо”, “Шарҳи қасидайи Тойия”, Шарҳи “Фусус ал-ҳикам”, “Шарҳи байти Амир Хусрави Деҳлавий”, “Шарҳи байтайни Маснавий”, “Рисола фи-л-вужуд”, “Таҳқиқ ул-мазоҳиб”(ёки “Ад-дуррат ул-фохира*”) ва бошқалар алломанинг илмий асарлари сирасига киради.

Жомийнинг илмий-ирфоний мероси, асрлар мобайнида юқори баҳоланганига қарамай, яқин йилларгача ҳам батафсил ўрганилмаган эди. Фалсафа фанлари номзоди Жаъфар Холмўминовнинг Тошкентда 2008 йилда нашр этилган монографияси[2] бу камчиликни бартараф қилишда биринчи жиддий қадам бўлди, дейиш мумкин. Ёш тадқиқотчи мавзунинг ўрганилиш тарихини изчил баён қилиб, баъзи ноаниқликларга тузатиш киритади. Китобнинг асосий қисми Жомийнинг Ибн ал-Арабий таълимотини нақшбандия тариқати билан уйғунлаштиришдаги ҳиссасини ёритиб беришга бағишланган.

Шоирнинг лирик мероси Навоий номларини тилга олиб ўтган уч девондан иборат бўлиб, Аълохон Афсаҳзод тайёрлаб Москвада нашр эттирган девонлар таркибида 53 қасида, 1805 ғазал, (шундан Тожикистонда нашр этилган кўптомликнинг 1, 2, 6 ва 7 жилдларида 28 қасида, 1793 ғазал қамраб олинган), 137 қитъа, 274 рубоий ва бошқа жанрлардаги асарлар ҳам қўшилганда жами – **2320 шеърдан** (16629 байт) иборат бўлиб бу улкан меросни жиддий ўрганиш алоҳида салмоқли тадқиқотларни талаб қилади. Ҳозирча, А.Н.Ардашникова ва М.Л.Рейснер нашр эттирган дарсликдаги[3] Жомий лирикаси бўйича диққатга сазовор янгича мулоҳазаларни қайд этиб ўтиш билан чекланишга тўғри келади.

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17 том. –Т.: “Фан”, 2001, саҳ. 479-480.

[2] Холмўминов Жаъфар, Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008, 236 саҳ.

[3] Ардашникова А.Н., Рейснер М.Л. История литературы Ирана в Средние века (IX-XVII вв.). – Стр. 405-412.

Абдураҳмон Жомийнинг насрда ёзилган “*Баҳористон*” асари Саъдий “*Гулистон*”ига татаббуъ бўлиб, Тожикистонда кўп қайта босилган, жумладан, 8 жилдликнинг 7-жилдида “*Хотимат ул-ҳаёт*” девони билан бир муқовада нашр этилган[1]. Асар таркиби ҳар бири “*равза*” (жаннат боғи) деб аталган 8 бобдан иборат бўлиб, биринчи равзада 36 тасаввуф пирлари ҳақида ибратли мўъжаз ҳикоятлар келтирилган. Иккинчи равза 19 фаслдан иборат бўлиб, ўтмиш донишманд ҳаким ва ҳукмдорларнинг ибратли сўзларидан ҳикоят қилинади. 3-равзанинг 18 фаслида улуғ подшоҳлар ҳаётидан ибратли мисоллар келтирилиб, адолату инсоф ҳақида сўз юритилади. 4-равза саҳоватпешалик ҳақида, 5-равза ишқу ошиқлик хусусида, 6-равза турли мавзулардаги ҳазил-мутоибалардан иборат бўлиб, замонасининг улуғ ирфоний алломаси ва нақшбандия тариқатининг пири муршиди завқи-табъига закий ҳазилкашлик ҳам бегона эмаслигига ёрқин мисолдир. 7-равза ўзига хос “Тазкират уш-шуаро” бўлиб, Рудакийдан Ориф Ҳаравийгача 38 форсизабон шоирларни қисқача тилга олиб ўтилган. Улардан баъзилари Фирдавсий, Низомий, Амир Хусрав, Саъдий ва Ҳофиз каби машҳур шоирлар бўлса, баъзилари Иморайи Марвазий, Ассор Табризий, Хаёлий Бухороий каби кўпчиликка унча таниш бўлмаган шоирлар ҳам ёд этилган. Бобнинг охирги 39-фасли махсус Алишер Навоийга бағишланган бўлиб, устоз ўз шогирди ва дўстини олий пардаларда мадҳ этади. 8-равза турли жонзотлар ҳақидаги ибратли ҳикоятлардан тузилган. Ушбу мундарижадан кўриниб турганидек Жомий асари нимаси биландир Саъдий “Гулистон”ига ҳамоҳанг бўлса, баъзи жиҳатлари билан ундан кескин фарқ қилади.

Энди аллома шоирнинг эпик ижоди борасида бироз баҳс юритамиз. Баъзи адабиётларда хамсанавис шоирлар қаторида Жомий номи ҳам тилга олиб ўтилади. Шу масалага бироз аниқлик киритиш, баҳонада Жомий достонларининг Низомий, Деҳлавий ва Алишер Навоий эпик меросига нисбати хусусида баъзи мулоҳазалар билдириш ниятида дастлабки ёндошув тарзида қисқача қиёсий таҳлилга киришамиз. Бизнинг бу таҳлилимиз асосан Алишер Навоий нуқтаи назарига таянишини олдиндан эътироф этиш лозим.

Устоз – шогирд муносабатлари ҳеч қачон оддий бўлмаган. Айниқса, ижод масаласида. Аҳмад Яссавий – пир, Сулаймон Боқирғоний – мурид. Ғоявий йўналиш бир хил. Аммо бу икки шахс шеърият оламида ҳар бири ўз овозига эга. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг бадиий олами ҳам ҳар бири – ўзга бир руҳ, ўзга бир кайфият ифодасидир.

---

[1] Абдураҳмони Жомий. Осор. Дар ҳашт жилд. Жилди 7. –Душанбе: “Адиб”, 1989, саҳ. 327-486. Шу кунларда бу асарнинг ўзбекча таржимаси ҳам Шоислом Шомуҳамедов таржимасида қайта нашр этилди.

Маълумки, Алишер Навоий «Хамса» достонларининг ҳар бирида Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавийлар ҳақида баҳс юритгач, Жомийга ҳам алоҳида боб бағишлайди. Аммо олдинги икки салафидан фарқли ўлароқ, Жомийнинг «Хамса» яратганлиги ҳақида аниқ маълумот бермайди.

Агар биринчи достон – «Ҳайрат ул-аброр» муқаддимасида «Махзан ул-асрор» ва «Матлаъ ул-анвор» билан бир қаторда «Туҳфат ул-аҳрор»ни ҳам тилга олиб ўтса-да (XIII боб), «Хамса»нинг иккинчи достони – «Фарҳод ва Ширин»даги Жомийга бағишланган VII бобда уни жуда кўтаринки руҳда мадҳ этганлигига қарамай, бирор асарини аниқ тилга олмайди. «Лайли ва Мажнун» дебочасида эса:

Гар "Хамса"ни этмай(ин) мураттаб...

(яъни, «*гарчи «Хамса» ёзмаган бўлсанг-да*»), деб қайд этади ва «*Панж ганж»* ҳисобида *«Силсилат уз-заҳаб», «Туҳфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайҳо» («Аҳсан ул-қисас»)* ва *«Девон»*ни (сўз биринчи девон – *«Фотиҳат уш-шабоб»* устида кетган бўлса керак) санаб ўтади. Демак, *Навоий «Лайли ва Мажнун»*ни бошлаганда Жомий ҳали бошқа достонларини ёзиб тугатмаган экан. «*Сабъаи сайёр*» ибтидосида Жомийнинг «*Шарҳи Рубоиёт», «Лавомеъ», «Лавойиҳ», «Ашиъат ул-ламаот», «Нафаҳот ул-унс*» каби бир қанча насрий асарлари ҳамда «*Силсилат уз-заҳаб», «Туҳфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр», «Ошиқу маъшуқ» («Юсуф ва Зулайҳо*» достонининг яна бир номланиши) достонлари, қасидалари, ғазалиёти тилга олинади. «*Хамса*» хусусида сўз йўқ. Охирги – «*Садди Искандарий*» достони муқаддимасида (VII боб) Жомий яратган маснавийлар хусусида Навоий шундай дейди:

Бўлиб жилвагар табъи кўзгусида,
Ки сабт айлади «Хамса» ўтрусида.
Эрур андин ортуққи, ўксук эмас,
Эл андин дер ортуққи, ўксук демас.

Демак, яна Жомийнинг «*Хамса*» яратгани хусусида эмас, балки «*Хамса ўтрусида*» (яъни, унга муқобил равишда) яратган маснавийлари бештадан ошиқ, аммо кам эмас, деб таъкидлайди. «*Туҳфат ул-аҳрор*», «*Субҳат ул-аброр», «Юсуф ва Зулайҳо*»га қўшимча қилиб «*Лайли ва Мажнун»* достони яратилгани ва «*Хирадномайи Искандарий*» достони эса, ёзилиш жараёнида эканлигидан хабар беради.

Алишер Навоийнинг Жомий вафотидан кейин, унинг хотирасига бағишлаб махсус ёзган «*Хамсат ул-мутаҳаййирин*» рисоласи «*Учинчи мақолат*»ида улуғ шоир ва алломанинг барча асарлари бирма-бир санаб ўтилади. Унда, жумладан, шундай сатрлар битилган:

«*яна: «**Ҳафт авранг**»ки муштамилдур **етти китоб**га;*
аввал: «Силсилат уз-заҳҳаб»ки, уч дафтардур;
иккинчи: «Саломон ва Абсол»;

учунчи: «Туҳфат ул-аҳрор»;

тўртунчи: ««Субҳат ул-аброр»;

бешинчи: «Юсуф ва Зулайхо»ким «Ошиқ ва маъшуқ»ға мавсумдур; олтинчи: «Лайли ва Мажнун»;

еттинчи: «Хирадномайи Искандарий».

Шундай қилиб, Жомийнинг «*Хамса*» ёзганлиги хусусида Алишер Навоий аниқ гувоҳлик бермайди. Савол туғилади: нега ўзбек шоири ўз достонлари муқаддимасида Низомий ва Амир Хусравлар қаторида Жомийга ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатган ҳолда, уни хамсанавис сифатида тилга олмаган? Бунинг биринчи сабаби жуда оддий, яъни Жомий ўз эпик маснавийларини Навоий билан хамнафасликда, яъни олдинма-кетин(бирини – олдин, бирини – кейин) ёзиб борган. Аммо, бизнинг назаримизда, бунинг иккинчи – ғоявий ва мазмуний йўналишларга оид жиҳати ҳам бор.

Жомий достонлари ичида Навоий «*Хамса*»си дан олдин Низомий ва Деҳлавий достонларига татаббуъ йўсинида ёзилган асар юқорида кўп эслаб ўтилган «*Туҳфат ул-аҳрор*»дир. Нақшбандия пирлари шарафига бағишланган ушбу достон ҳам «*Махзан ул-асрор*» ва «*Матла ул-анвор*» сингари асосий қисмида 20 *мақола*ни («мақолат» эмас) ўз ичига олади.

Улардан биринчиси Оламнинг яратилиши, иккинчиси – Одамнинг яратилиши мавзуларида бўлиб, навбатдаги 5 мақола (3 – 7-мақолалар) бирма-бир ислом арконларига (калимаи шаҳодат, намоз, рўза, закот, ҳаж амалларига) бағишланган. Кейин 2 мақола хомушлик (сукут) ва тунда бедор бўлишнинг ҳикматлари ҳақида. Ундан кейинги маколаларда пир-шоир жамиятдаги турли тоифа ва амал эгалари – суфийлар, уламолар, султонлар, вазир ва дабирлар(сарой мирзолари) тўғрисида ўз қарашларини баён қилади. 15–16 мақолалар қариб қуйилмаган кексаларга танбех, ва мағрур ёшларга насиҳат бўлиб, 17–18 мақолалар гўзаллар ҳусн-жамоли ва ишқ борасидадир. 19-мақола шоирлар тоифасига оид бўлиб, охирги мақола шоирнинг ўз фарзандига насиҳатидан иборат. Ҳар мақола сўнгида унинг мазмунига алоқадор бир ҳикоят келтирилган.

Кўриб турганимиздек, асар татаббуъ қоидаларига тўла мувофиқ ёзилган. Шу жиҳатдан, Жомий «*Хамса*» туркумини бошлагандек кўринади. Аммо шунга қарамай баъзи ўзига хос принципларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ислом арконлари ҳақида Низомийда алоҳида мақолат йўқ. Деҳлавий достонида ушбу мавзуга биргина мақолат (4-мақолат) ажратилган. Жомий эса ўз достонида бу мавзуни анча батафсил ёритади. Албатта, Низомий ва Деҳлавий достонларидаги мақолатлар мундарижаси ҳам бир-биридан сезиларли фарқ қилишини назарда тутсак, бундай фарқланишларга алоҳида эътибор бермаслик ҳам мумкин.

Лекин Жомий достончилигининг кейинги ривожи бундай ўзига хосликлар бежиз эмаслигини кўрсатди. Низомий ва Деҳлавий изидан бориб Навоий иккинчи достонида шоҳлик ва ошиқлик нисбати мавзуини тилга олган бир пайтда, Жомий ижтимоий масалалардан буткул четланиб,

соф тасаввуфий мавзуга юзланди. Унинг «*Субҳат ул-аброр*» достоини 40 иқддан (Жомий достоннинг асосий бобларини шундай атайди) иборат бўлиб, унинг 4–6 иқдлари «*ваҳдати вужуд*» таълимоти ҳақида, 7-иқд тасаввуф шарҳида, 8– 30 иқдлар – иродат, тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, шукр, хавфу ижо, таваккул, ризо, муҳаббат, шавқ, ғайрат, қурб, ҳаё, ҳуррият, футувват, сидқ, ихлос, саховат(базл), қаноат, тавозу каби суфийлик мақом ва ҳолларининг тавсифига бағишланган. Кейинги иқдлар ҳам суфийлик одоблари хусусида бўлиб, фақат 33- ва 34-иқдларда Оллоҳ яратган махлуқотларга шафқат ва муҳаббат, султонлар ва аркони давлатга хайрихоҳлик билан насиҳат мавзулари тилга олинган. Бу достон мундарижаси ўз йўналишига кўра «*Туҳфат ул-аҳрор*» мундарижасини изчил давом эттириб, пир ва шогирд (Жомий ва Навоий) ўз достончилик анъаналарида буткул бошқа-бошқа йўналишларни танлаганликларига яққол гувоҳлик беради.

Навоий биринчи достонидаёқ ижтимоий таҳлил йўлини танлаганлиги ундаги мақолат мавзуларидан ҳам очиқ кўриниб туради. «*Ҳайрат ул-аброр*»нинг биринчи мақолати «*Имон ҳақида*», иккинчиси «*Ислом ҳақида*» бўлиб, учинчи мақолат ҳукмдорларнинг салбий хатти-ҳаракатларининг кескин танқидига ва тўртинчи мақолат сохта суфийларни аёвсиз фош этишга қаратилган. Кейинги бир қанча мақолатлар ислом ахлоқига оид бўлиб, унинг карам, қаноат, вафо, ишқ, ростлик, илм каби умуминсоний қоидаларига бағишланган. Айниқса, достоннинг ўн учинчи мақолатида ўзига хос мавзу танланган бўлиб, салафлардан бирортасида бундай мавзуга алоҳида боб ажратилган эмас. «*Нафърасонлар ҳақида*» деб аталган ушбу мақолатда Алишер Навоий ўз ижтимоий қарашларининг бош қоидасини ифода этган:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзунгга кўпрак дурур.

Албатта, пир ва мурид қарашлари орасида умумий томонлар кўп. Масалан, Навоий «*Ислом ҳақида*» мақолатида таҳорат, намоз, рўза, ҳаж ҳақида мукаммал тўхталиб, уларнинг ҳар бирини ҳам аҳли сунна талқинида, ҳам тасаввуфий талқинда баён қилади. Имон масаласига, юқорида эслаб ўтганимиздек, алоҳида боб ажратади.

Жомийнинг дастлаб “*Хамса*” ёзиш иштиёқи бўлганлиги унинг биринчи достонидан маълум. Аммо иккинчи достонда Низомий ва Деҳлавийлар изидан бормаганлигининг яна бир сабаби, бизнинг назаримизда, Хусрав Парвиз тимсолининг Амир Хусрав достонидаги талқини билан ҳам боғлиқ. Ҳинд форсизабон шоири ўз асарида шоҳлик ва ошиқлик мутлақо бир-бирига мос келмаслигини ишонарли гавдалантириб бергач, энди шоҳ Хусрав ишқий достоннинг бош қаҳрамони бўла олмас эди. Жомий ҳам кўра-била туриб бу мавзуни танлай олмас эди. Шу сабабли ишқий достон учун “Юсуф ва Зулайҳо” сюжети мақбул кўрилди. Айни шу сабабли Алишер Навоий ҳам шоҳ Парвизни тўлиғича салбий қаҳрамонга айлантириб, салафларида

эпизодик образ бўлган Фарҳодни, яъни инсонийлик йўлида ҳукмдорликдан тамомила воз кечган шаҳзода тимсолини бош қаҳрамонга айлантирди.

Навоий йигитлик чоғларидан Жомийни ўзига пир тутган, ундан **тасаввуф ирфони** бўйича махсус таълим олган. **“Маҳбуб ул-қулуб”**да шоир устозини ***“ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми ҳар иккаласи тариқида вофий ва шомил”,*** деб улуғлайди. Бундай мақтов асоссиз эмас. Жомий ўз ғазалларида ҳам, достонларида ҳам фақат ишқи илоҳий («ишқи ҳақиқий»)ни куйлаш билан чекланмаган. Унинг соф инсоний севги («ишқи мажозий»)ни завқ-шавқ билан тараннум этган ғазаллари девонларида кам учрамайди. Устоз шоир нафақат ирфоний туйғулар ифодасида, балки мажозий ишқ тасвирида ҳам ниҳоятда юксак маҳорат кўрсата олган. Пири муршиднинг «***Юсуф ва Зулайхо» («Ошиқ ва маъшуқ»), «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол»*** достонлари бир пайтнинг ўзида ҳам мажозий ишқни, ҳам Ҳақ ишқининг сирру асрорини кашф этувчи мураккаб мазмунли асарлардир. Бу достонлар сюжети давомида Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Соломон ва Ибсолларнинг оташин муҳаббати эҳтирос билан гавдалантирилади, шу билан бирга асар охирида тасаввуф шоири **барча мажозий тимсолларнинг ирфоний шарҳини беришни ҳам унутмайди. Яъни Аттор каби Жомий учун ҳам “*мажозий ишқ*” рамздир, аллегориядир.**

Навоийнинг «*Лайли ва Мажнун*» достони устозни ҳам шу мавзуда асар ёзишга илҳомлантирди. «Лайли ва Мажнун»дан ташқари Жомийнинг «*Хамса*» туркуми мавзуларига бевосита алоқадор бўлган учинчи достони – «*Хирадномайи Искандарий*»дир. Қолган икки достон сюжети ҳам, ғоялар олами ҳам буткул ўзига хос бўлиб, уларни на «*Фарҳод ва Ширин*», на «*Сабъаи сайёр*» билан бевосита қиёслаб бўлмайди.

Низомий ўз даврида Искандари Мақдуний билан боғлиқ икки ало-ҳида достон яратган бўлиб, уларнинг биринчиси «*Шарафнома*»да машҳур саркарда ва ҳукмдорнинг турли мамлакатларни фатҳ этиш учун олиб борган жангу жадаллари тасвирланган эди. Иккинчи достон – «*Иқболнома*» деб номланган бўлиб, унда асосан Искандарнинг буюк юнон ҳакимлари билан олиб борган фалсафий суҳбатлари баён қилинган. Бу икки асар ҳар бири алоҳида анъанавий муқаддима боблар билан таъминланган ва яхлит композицион системага эга бўлиб, уларни шоир қайта ишлаб бир достон холига келтирган эмас[1]. Демак, аслида Низомий «*Хамса*» (ёки «*Панж ганж*» – Беш хазина) ёзишни режалаштирмаган ва ижодий ҳаёти давомида 6 мустақил эпик асар яратган. Аммо кейинчалик котиблар томонидан охирги икки достон «*Искандарнома*» унвони билан ҳеч қандай ўзгаришсиз (ҳар иккисининг алоҳида анъанавий боблари ҳам сақланган ҳолда) бирлаштирилган ва шоирнинг 30 йиллик ижодий

[1] Ҳатто ҳар икки достон бошқа-бошқа икки ҳукмдорга бағишланган.

фаолияти самаралари туркум ҳолига келтирилиб, унга «*Хамса*» (Бешлик) номи берилган.

Низомий вафотидан деярли бир аср ўтиб, Амир Хусрав Деҳлавий Низомий туркумига жавобан «*Хамса*» яратганда унинг охирги икки достони мундарижасига бир достон билан жавоб берган. Бунинг учун у асар композициясини мураккаблаштириб, ҳар бир қисмда аввал бир боб – Искандар саргузаштларига оид лавҳа, кейин бир боб муаяйн ахлоқий-фалсафий мавзуда мулоҳазалар, охирида бир ҳикоят шаклида бериб борган. (Низомий достонларида эпик принцип изчил сақланган бўлиб, «*Иқболнома*»да ҳам Искандарнинг ҳаётий саргузаштлари қисман баён этилган.)

Навоий Деҳлавий анъанасини ривожлантириб, 1-боб Искандар ҳаётидан, 2-боб муайян ахлоқий-ижтимоий мавзуда мулоҳазалар, 3-боб – ибратли ҳикоят, 4-боб Искандар ва бир донишманднинг савол-жавоби шаклида 4 бобдан иборат яхлит бўлимлар тузган.

Жомий ўз асарида бу йўлдан бормади. Аслида, «*Хирадномайи Искандарий*» Низомийнинг машҳур фотиҳ ҳақидаги иккинчи достони «*Иқболнома*»га жавобдир. Бу ҳолат достоннинг номланишидаёқ ўз аксини топган. «*Иқболнома*»да «*Хирадномайи Арасту», «Хирадномайи Афлотун», «Хирадномайи Суқрот»* деб номланган алоҳида боблар мавжуд (1746 – 2077-байтлар – жами 302 байт). Жомий айни шу боб сарлаваларига татаббуъ қилиб достонига ном берган.

Пири муршид достоннинг асосий қисмини бошлагач, 6 боб (410–618-байтлар – жами 218 байт) ўтказиб туриб, «*Хирадномайи Аристотелис*»га киришади. Олдинги 6 бобнинг ҳам учтаси алоҳида ҳикоятлар бўлиб, Искандар саргузаштларига аслида бори-йўғи **136 байт** (410-455, 477-529, 563-599-байтлар) ажратилган, холос. Кейинги боблар машҳур (ҳақиқий ва афсонавий) юнон ҳакимлари – **Афлотун, Суқрот, Буқрот, Файсоғурс, Искалинус, Хермес** хирадномаларидан иборат бўлиб, ҳар боб охирида алоҳида ибратли ҳикоятлар берилган. Ушбу 7 «*Хираднома*» (ҳикоятлари билан) 579 байтни (619–1197-байтлар) таш-кил этган. Кейинги боб – «*Достони жаҳонгирийи Искандар ва иморати шаҳрҳо ва ихтиройи корҳойи вей бар сабили ижмол*» (Искандарнинг жаҳонгирлиги, шаҳарлар қуриши ва ихтиролари) деб аталган бўлиб, жуда катта мавзуни қамраб олса-да, ҳажми жуда ихчам – 45 байтдан (1198–1242-байтлар) иборат. Шоирнинг ўзи ҳам буни эътироф этиб «*бар сабили ижмол*», яъни «қисқача санаб ўтилди», деб махсус изоҳ берган. Кейинги 50 байтли (1262 –1311-байтлар) боб – «*Хирадномайи Искандар*» деб номланган. Қолган боблар ҳам Низомийнинг «*Иқболнома*»си мазмуни билан тўла ҳамоҳанг ва

тўлиғича уларга татаббуъ йўсинида ёзилган. Уларда Искандар билан бир қанча донишмандларнинг суҳбатлари, ибратли мисоллар, Искандар ўлими ва шу муносабат билан ҳакимларнинг таъзиялари баёнидан ташкил топган. Шоир Деҳлавий ва Навоий асарларидаги мураккаб композициядан воз кечиб, ҳар боб сўнгида бир ибратли хикоят келтириш билан кифояланган.

Хулоса қилиб айтганда, Жомий муайян муддат «*Хамса*» яратиш фикрида бўлганлигидан қатъи назар («*Хирадномайи Искандарий*» достони муқаддимасида шундай истак сезилади), достонлар туркумини шакллантиришда ҳам ўз ҳаёт йўлида танлаган принципларига содиқ қолган ва «*Ҳафт авранг*» асарини фақат ирфоний-ахлоқий ҳамда ишқий мавзулар билан чеклаб, ижтимоий-сиёсий мавзуларга чуқур кириб боришдан сақланган. Шу сабабли «*Етти тахт*»нинг тўрт достони ирфоний-ахлоқий мавзулардаги «*Хираднома*»лар ва қолган учтаси ҳам мажозий, ҳам ирфоний руҳда талқин этилган ишқий достонлардан ташкил топган.

Низомий, Деҳлавий ва Навоий яратган «*Беш хазина*» туркумлари эса, ўз замонасининг ахлоқий-ижтимоий-сиёсий муаммоларини яхлит ва мукаммал акс эттириб, чуқур таҳлил қилган асарлар бўлиб, бундай ёндашув ислом маънавияти такомилида янги йўналиш, ҳақли равишда айтиш мумкинки, энг олий босқични билдирар эди. Аммо бу мавзу форс тилидаги мумтоз шеъриятга бағишланган ушбу тадқиқот доирасидан ташқари бўлиб, алоҳида изланишларни тақозо қилади.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Ҳофизнинг ўзи тан олган устози ким?
2. Форс мумтоз адабиёти тарихида ҳажвчиликда ном қозонган ижодкор ҳақида нималарни биласиз?
3. Ҳофизнинг ғазалсароликда “*ғазал устаси*” Саъдийдан ўтган жойи нимада?
4. Ҳофиз наздида “*Ринд*” қандай инсон тимсоли ҳисобланади?
5. Алишер Навоийнинг “*Насойим ул-муҳаббат*” асариди Ҳофиз ҳақида қандай фикрлар битилган?
6. Ҳофиз Шерозий билан Амир Темурга боғлиқ ривоятни келтириб ўтинг
7. Навоий-Фонийнинг Ҳофизга татаббуъларини қиёслаб таҳлил қилиб бера оласизми?
8. Навоий устози Абдураҳмон Жомий ҳақида “*Насойим*”да қандай таъриф берган?
9. Абдураҳмон Жомийнинг илмий асарларидан қайсиларни биласиз?
10. Жомийнинг қайси достонида ҳақиқий ва афсонавий юнон ҳакимлари ҳақида алоҳида боблар ажратилган?
11. Жомийнинг “Ҳафт авранг” туркуми қайси достонларни ўз ичига олади?

12. Жомийнинг "*Баҳористон*" асарида қандай мавзуларни қамраб олган?

Мустақил таълим бўйича савол ва топшириқлар:

1. Форс мумтоз адабиёти ривожининг учинчи босқичи нега “Мажоз тариқи” адабиёти деб аталади?
2. Нега “Мажоз тариқи” адабиёти босқичи Амир Хисрав Деҳлавий "Хамса"сидан бошланади?
3. Ҳофиз ғазаллари ва Фоний татаббуларини қиёслаб маъруза тайёрланг. ҳақида.
4. “Ҳафт авранг” ва "Хамса" достонларини қиёслаб кўргазмали маъруза тайёрланг.

6-боб.
Форс тилидаги Ўрта асрлар насрининг шаклланиши ва ривожи[1]

ЎН ЕТТИНЧИ ДАРС.

Дарснинг мақсади: *Форс тилида X-XV асрларда насрда яратилган бадиий, ахлоқий-ижтимоий ва тарихий асарлар, уларнинг услубий тараққиёти, муаллифлари ва мазмун-мундарижаси ҳақида қисқача тушунча бериш.*

Таянч сўз ва иборалар: *насрий асарлар, "адаб" илми, «Марзбоннома», "Қобуснома", "Синдбоднома", "Тўтинома", "сабки хуросон", "сабки ироқ" халқ китоблари, «Ҳамидий мақомалари», Авфий, «Лубоб ул-албоб», «Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт», тарихнавислик, "Тарихи Балъамий" "Тарихи Бухоро" «Зайн ул- ахбор», «Тарихи оли Сабуктегин», «Роҳат ус-судур ва оёт ус-сурур», "Форснома" "Тарихи жаҳонкушо", "Жомеъ ут-таворих", «Тарихи гўзида», Ҳамдуллоҳ Муставфий «Тарихи вассоф». Насриддин Тусий.*

41. Бадиий, илмий, ахлоқий-ижтимоий асарлар ва таржималар

X-XV асрлар учун форс тилидаги мумтоз адабиёт асосан шеъриятдан иборат бўлиб, насрда ёзилган ҳақиқий маънодаги бадиий асарлар ниҳоятда кам учрайди[2]. Умуман минтақа маданиятида "*адабиёт*" тушунчаси VIII асрда Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа (724-759) асос солган ва улуғ араб адиби ал-Жоҳиз (775-868) кенг ривожлантирган "*адаб*" илмидан келиб чиққан бўлиб, бу йўналиш моҳияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун араб адибининг баъзи китоблари номларини эслаб ўтиш кифоя. Жумладан, "*Китоб ал-бухало*", "*Китоб ал-хайовон*", "*Китоб ал-араб ва-л-ажам*" ва ҳоказо. Бу асарларда илмийлик, бадиийлик ва оммабоплик ўзаро уйғунлашиб кетган. Шу маънода оладиган бўлсак, минтақада насрий адабиёт эроний тилларда исломдан анча олдин ҳам мавжуд бўлган дейиш мумкин. Фақат исломгача яратилган адабий ва диний асарларда асотир тафаккур унсурлари кучли намоён бўлса, ислом даврига келиб асотирлар афсона тарзида қабул қилина бошлаганини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу масалалар дарсликнинг биринчи бобида озми-кўп таҳлилга тортилди.

---

[1] Ушбу боб ҳам асосан устоз Шоислом Шомуҳамедов китобидан олиниб, қисман тўлдирилди.

[2] Шеърий нутқнинг оддий нутқдан кескин фарқ қилиши, ундаги вазн ва қофия сингари бадиийлик (яъни, сунъийлик) унсурларининг мавжудлиги ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

Ислом минтақа маданияти доирасида аввал асосан араб насри етакчилик қилган бўлса, X–XI асрлардан бошлаб янги форс тилидаги адабиёт ҳам шакллана бошлади. X-XVII асрларда форс тилида яратилган насрий асарларнинг услубий ривожи ҳақида Маликушшуаро Баҳор 3 жилдли йирик тадқиқот яратиб, форс насри тилининг мураккаблашиб бориши асосида 3 тарихий услуб *("сабки хуросон", "сабки ироқ", ("сабки ҳинд"*) ҳақидаги назарий қарашларини пухта асослаб берди[1]. Дарҳақиқат, мумтоз давр бошида, X–X1 асрларда насрий асарлар содда ва равон тилда ёзилди. Баҳор бу босқични аксарият асарлар яратилган ўлка номи билан "*хуросон услуби" ("сабки Хуросон*") деб атади. Бу босқичда насрий асарлар тили сунъийликдан узоқ, жумлалар қисқа, соддафаҳм, арабий сўзлар кам, арабча шеър-у иборалар, мақол-маталлар деярли ишлатилмайди. Масалан, X аср охирида Табаристон шаҳзодаларидан бири Марзбон ибни Рустам ибни Шаҳриёр «*Марзбоннома»* номли китоб ёзади. Бу асар ахлоқий ҳикоят ва латифалардан иборат бўлиб, паҳлавийдан табарий тилига таржима этилган. Форс насрий адабиётининг биринчи намуналаридан ҳисобланган бу китоб XII асрда икки маротаба дарий тилига таржима қилинди. Биринчиси, Муҳаммадғози Малтавий деган киши томонидан бажарилган таржима бўлиб, «*Равзат ул-уқул*» («Ақл бўстони») деб аталган. Таржимон унга ўзидан ҳам кўп нарса қўшиб ҳажмини икки баробар орттирган. Ундан 20 йиллар кейин Саъдидин Варовиний тарафидан яна бир таржима амалга оширилган бўлиб, унда китобнинг номи ва ҳажми аслидай сақланган. Бу китоб 1909 йили Лейденда ва 1948 йили Теҳронда чоп этилди. «*Марзбоннома*» ҳикоя ичра ҳикоя тарзида ёзилган. Китоб 9 бобдан иборат бўлиб, ҳар бобда алоҳида мавзуга оид ҳикоятлар келтирилади. Унда панд-насиҳатлар, тамсилий ҳикоялар асосий ўринни эгаллайди. Бевосита халқ оғзидан олинган ҳикматлар, мақол ва маталлар кўп. Улар «*Калила ва Димна*»да ҳам, бошқа ҳинд китобларида ҳам учрамайди. Демак бу таржималар соф форсий насрнинг биринчи намуналаридан дейиш мумкин.

950 йили Абулфаворис Фанорузийнинг паҳлавий тилидан форсийга таржима қилган «*Синдбоднома*»си ҳам шу каби биринчи насрий асарлардан деб ҳисобланиши мумкин. Илмий китоблар ҳам насрий адабиёт жумласидан ҳисобланиб, XI асрда Ибн Синонинг «*Донишнома*»си, бадиий асарлар ва арабчадан таржималар пайдо бўлди. Унинг "*Ҳай ибни Яқзон*" ва "*Ат-тайр*" номли насрий фалсафий қиссалари кейинчалик Шарқ ва Ғарб халқлари адабиётига таъсир кўрсатганлигини эътироф этиш мумкин.

[1] Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е наср-е фарси (форс тилида). 1-3 жилдлар. Теҳрон, 1942-1949.

1986 йилда Душанбеда рус тилида "Форс-тожик насри қомуси"[1] номли китоб босилиб чиқди. И.С.Брагинский сўзбошиси билан нашр этилган бу китоб том маънодаги қомус бўлмай, ўз ичига 1953 йилда Москвада чоп этилган "Қобуснома", 1960 йилдаги "Синдбоднома" ва 1977 йилдаги "Эрон эртаклари қомуси" ("Иранская сказочная энциклопедия") китобларини жамлаган бир тўплам эди.

Бу китобдаги биринчи асарнинг муаллифи Унсуралмаолий Кайковус (1021-1069) бўлиб, 976-1012 йилларда Табаристон ва Журжон ҳокими бўлган, араб ва форс тилларида ижод қилган Қобус ибн Вушмагир Зиёрийнинг набираси эди. Ҳижрий 475 (мелодий 1082) йилда таълиф қилинган ахлоқий-ижтимоий мазмундаги "Қобуснома" асари ниҳоятда машҳур бўлиб, Эрон ва Ҳиндистонда 8 марта қайта нашр қилинган, жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган, жумладан, ўзбек тилида икки қайта нашр қилинган. Бу асар XIX асрда Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан ўзбек тилига ўгирилган эди. "*Хуросон услуби*"да ёзилган бу асар тўғрисида устоз Шоислом Шомуҳамедов шундай ёзади: "*Қобуснома"нинг тили содда, бетакаллуф. Унда сажъ ҳам, радиф санъати ҳам ишлатилмайди, балки халқ масаллари, Қуръондан иқтибослар кўплаб келтирилади*."[2] Асарда қатор шоирларнинг шеърларидан иқтибослар келтирилган, жумладан, 31 байт адибнинг ўзига тегишли. Асар 44 боб, таркибида турли мавзуларга мисол сифатида 56 ҳикоят келтирилган. Адибнинг замондоши бўлган Носир Хусрав (1004-1088) насрий ижодига мансуб "*Саёҳатнома", "Саодатнома", "Зод ул-мусофирин"* каби асарлари ҳам шу услубда ёзилган.

Китобдаги иккинчи насрий асар Муҳаммад Заҳирий Самарқандийнинг 1160 йилда ёзилган «*Синдбоднома*» асари бўлиб, дастлабки ривоятлари Аршакийлар даврида (мелоддан аввалги 250 - мелодий 224 йиллар) яратилган бу қиссанинг паҳлавий тилидаги нусхаси VIII асрда арабчага таржима қилинган ва кейинча сурёний, юноний, лотин, арман, яҳудий, турк, грузин, рус, испан, итальян, француз, немис, инглиз, чех, румин, словак, венгр, швед ва бошқа тилларга таржима қилиниб дунёга тарқалиб кетган. Заҳирий Самарқандийнинг бу асари тили энди "Қобуснома" тилидан мутлақо фарқ қилувчи "*ироқ услуби*"да бўлиб, давр юқори табақаларининг нозиклашган дидларига мос равишда ўта мураккаблашган эди. Масалан, русча таржимада "Қобуснома"нинг муқаддима қисми 2 саҳифадан иборат бўлса, «*Синдбоднома*»ники 14 саҳифага чўзилган.

Умуман, XII асрга келиб наср тараққиётда назмга нисбатан анча орқада қолишига қарамай бир қатор насрий асарлар ҳам майдонга келган

---

[1] Энциклопедия персидско-таджикской прозы. Душанбе - Главная научная редакция Таджикской советской энциклопедии - 1986, 480 стр.

[2] Шомуҳамедов Ш. Мумтоз форс адабиёти (X-XV асрлар) .Т., 2011, саҳ. 63.

бўлиб, уларнинг аксарияти таржима асарлари эди. Масалан, 1144 йили Ғазнида «*Калила ва Димна*» нинг янги матни (Абул Маолий Насруллоҳ асари), 1156 йили Балхда «*Мақомоти Ҳамидий»* яратилди. «*Ҳамидий мақомалари*» араб тилида ёзган адиблар Бадиуззамон Ҳамадоний (969-1008) ва Абу Муҳаммад Қосим Харирий (1054-1122) асарларига эргашиб форс тилида ижод қилинган бўлиб, унда насрнинг мусажжаъ ва муражжаз турлари, шеърий парчалар, арабча сўзлар ва сўз бирикмаларининг кўплаб қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Бу, албатта, ўша даврда ўта мураккаблашган зодагонлар адабиёти, сарой муҳити талабларига мослашувни билдирар эди.

Шу билан бирга «*Калила ва Димна*» да ҳам, «*Мақомоти Ҳамидий*» китобида ҳам халқ иборалари, инсоний фазилатларни тарғиб қилувчи панду насиҳатлар ҳам учрайди. Бу даврда яна бир адабиёт тури - оддий халқ дидига мослашган халқ китоблари ҳам кенг урф бўлабошлади. Олдинроқ яратилган кўп жилдли "Абомуслим жангномаси" ёнига Фаромурз ибни Худодод ибн Абдулло ал-Китоб ал-Аржоний «*Самаки айёр*» китобини тартибга солди. Бу асар Садоқа ибн Абдулқосим Шерозий оғзидан ёзиб олинган эди.

Бу давр насри уч йўл билан ривожланди: 1) давлат ёзишмаларида; 2) тарихий асарларда ва 3) бадиий адабиётда. Бизнинг замонамизда бадиий ҳисобланмаган давлат ёзишмалари ва тарих китоблари у вақтда бадиий адабиётнинг ҳамма талабларига жавоб берадиган даражада ёзилар эди. Шоҳлар саройида кўпинча юқори мала-кали маданият ва адабиёт арбоблари, катта маҳорат эгалари, шоир ва ёзувчилар котиблик қилар эдилар. Ана шундай маҳорат эгаларидан бири **Рашидиддин Ватвот** бўлиб, у 1114-116 йиллар орасида Балхда туғилиб, 1178 ёки 1182 йил вафот этган. Ватвот Хоразм шоҳи саройида хизматда бўлган ва шеърият устози ҳисобланган. Бошқа шоирлар унга эргашганлар. Хоразмшоҳлар идорасининг бутун ёзишмаларини Ватвот олиб борган. Унинг бу хатлари ўз мактублари билан тўплам сифатида асрлар давомида кўчириб ёзилган ва қўлдан-қўлга ўтиб, котибларга намуна бўлган. Бу ва шу каби кишилар кишилар давлат ҳужжатларига бадиий асар деб қарашарди, уларни бадиий ифода воситалари ва шеърий парчалар билан безатишарди. Шунинг учун ҳам Рашидиддин Ватвот (тақрибан 1080-1177 йиллар) ўзининг анъанавий бадииятшуносликка оид «*Хадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър»* китобида бадиий санъатлар ҳақида гапирар экан уларни дабир ё шоир қандай ишлатиши мумкинлиги ҳақида ҳам маслаҳатлар беради.

XII - XIII асрлар адабиётининг яна бир таниқли вакили **Муҳаммад Авфий** (туғилган йили 1172-1176, вафоти 1233 - 1242 йиллар ораси) бўлиб, унинг «*Лубоб ул-албоб*» тазкираси форс адабиёти тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Бу китоб бўлмаганида кўпчилик VIII—XIII аср шоирлари ҳақида биз ҳеч қандай маълумотга эга бўлолмас эдик, кўп

маданият ва шеърият арбобларининг номлари батамом йўқолиб кетарди. Бу китоб форсий адабиёт тарихида тазкирачиликни бошлаб берди. Китобнинг 7 боби бир жилд ва 5 боби иккинчи жилд қилиб бирлаштирилган ва ҳар жилдга алоҳида муқаддима ёзилган. 1 жилдда 130, 2 жилдда 169, жами 299 киши ҳақида сўз юритилади. Муаллиф шоирлар таржимаи ҳолидан маълумотлар бериб, асарларидан намуналар келтиради ва баъзиларининг ижодини баҳолаб ўтади. Кейинги тазкиралар шу китобга таяндилар ва уни давом эттирдилар.

Муҳаммад Авфийнинг «*Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт*» асари 4 катта қисмдан иборат бўлиб, ҳар қисми 25 бобдан ташкил топган. Китобда анбиёлар мўъжизаси, авлиёлар каромати, одил подшолар, уларнинг сиёсати ва ишлари, Ажам подшолари, уларнинг вазирлари, олимлар насиҳати, улар ҳақидаги ҳикоят ва ривоятлар, дабирлар, надимлар, табиблар, мунажжимлар, шоирлар, муғаннийлар ҳақидаги латифалар келтирилади.

Насрий бадиий асарлардан **Зиёвуддин Нахшабий**нинг «*Тўтинома*»си ҳикоя ичра ҳикоя услубида ёзилган бўлиб, кўпчилиги ҳинд манбаъларидан олинган 119 катта ва кичик ҳикоятни ўз ичига олади. Нахшабийнинг ҳаёти ҳақида маълумот жуда кам. У Нахшаб, ҳозирги Қарши шаҳрида XIII аср ўрталарида туғилган, ёшлигида Ҳиндистонга кетиб, 1350 йили шу ўлкадаги Бадоун шаҳрида вафот этган. Унинг асари замонасининг долзарб ижтимоий муаммоларини, тарбиявий ахлоқий фикрларини ўз ичига олади.Бу асар ҳам ўз вақтида ўзбек тилига шеърий йўл билан эркин таржима қилинган ва мустақиллик даврида нашр этилган[1].

42. Тарихнавислик

X—XI асрларда тарих китоблари асосан араб тилида ёзилган бўлса ҳам, уларнинг аксарияти кўп ўтмай форс тилига таржима қилинган. Шундай таржималардан энг қадимгиси сифатида Абу Али Муҳаммад Балъамий (вафоти 974 йил) 963 йилда амалга оширган "*Тарихи Балъамий*" асарини тилга олиш мумкин. Бу асар табаристонлик Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир (838-923) араб тилида яратган "*Тарих ар-русул ва-л-мулук"* ("*Тарихи Табарий*") китобининг форс тилига эркин таржимаси бўлиб, уни таржимон арабча аслиятда мавжуд бўлмаган қатор янги мавзулар билан бойитган. муҳим тарихий асарлар майдонга келади. Шу жумладан яна 959 йили вафот этган Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг "Тарихи Бухоро" асари 1128 йили Абу Наср Кубавий томонидан форс тилига таржима қилинган. Абу Наср Муҳаммад Утбийнинг 1021 йили ёзилган "Ал-китоб ал-Яминий"

[1] Мулла Қурбон Хиромий. Тўтинома. Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008, 316 сах.

асарини 1207 йили Абушараф Носеҳ Жорфозқоний форс тилига ўгирган. Бу даврда бевосита форс тилида яратилган Абдулҳай Гардизийнинг «*Зайн ул- ахбор»* (1050), Абулфазл Байҳақийнинг «*Тарихи оли Сабуктегин*» (XI аср биринчи ярми), Нажмиддин Муҳаммад Ровандийнинг «Роҳат ус-судур ва оёт ус-сурур» (1193 йил), муаллифи номаълум "Мажмал-ут-таворих ва-л-қисас" (1126 йил) ва "Тарихи Сийистон" (XI-XII асрлар), Ибн ал-Балхийнинг "Форснома" (XII аср бошлари) асарларини санаб ўтиш мумкин. Абу Саид Абдулҳай Гардизийнинг «*Зайн ул-ахбор*» асарида қадим Эроннинг афсонавий шоҳлари давридан то 1041 йилгача бўлган тарих жамланган. Бу китоб Утбий тарихидан фарқли ўлароқ содда ва равон услубда битилган. Китоб охиридаги бобларда, муаллиф ўша давр динлари, адиблари, мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар, зардуштийлар, ҳиндлар, туркларнинг турли маросимлари, байрамлари ҳақида маълумот беради. Унда юнон илму фани, йил ҳисобининг турли системалари, туркий қабилалар ҳақида қизиқарли ва муҳим илмий маълумотлар мавжуд. Гардизий ўз асарини ёзишда Беруний асарларидан фойдаланганини қайд қилиб ўтади. Маликшоҳ даврида форс ҳокими Хумортекин хизматида бўлган асли хуросонлик Ибн ал-Балхийнинг «*Форснома*» асари қадим эрон тарихи — пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийлар ҳамда Александр Македонский даврига бағишланган бўлиб, ўша давр форс вилоятининг сиёсий, иқтисодий, географик ҳолати ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Мўғуллар давридан бошлаб, тарихнависликда асосан форсий тил ҳукмронлик қила бошлади ва бу соҳада ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Бу даврда форсий тилда ёзилган катта-катта тарихий асарлар вужудга келди. Булардан қуйидагиларга тўхталиб ўтиш мумкин:

Тарихи жаҳонкушо. «*Жаҳонгирлик тарихи*» деб аталган бу асар Элҳонлардан амир Арғун (1244—1256) хизматида бўлган давлат арбоби Атомалик Жувайний қаламига мансуб бўлиб, мелодий 1260 (ҳижрий 655) йилда ёзиб тугатилган. Бу давр исмоилийларнинг Аломут қалъаси мўғуллар томонидан босиб олинган йилларга тўғри келади. Жувайний аломут шайхларининг бой кутубхоналаридан ҳам баракали фойдаланган. Бу улуғ тарихнавис мўғуллар истилоси даврининг улкан маданият арбобларидан бўлган. Алоуддин Атомалик бинни Муҳаммад Жувайний 1226 йилда эрон асилзодалари оиласида туғилган. Унинг боболари Хоразмшоҳлар сарой аҳлидан бўлган. Отаси эса мўғул шоҳлари хизматида бўлган. Жувайнийлар хонадони Элхонлар давлати вужудга келгач, айниқса Абокохон (1265—1282) ҳукмронлиги йилларида катта давлат арбобларига айланганлар. Деярли 20 йил давлат идора ишлари шуларнинг қўлларида бўлганлиги учун Атомалик давлат ҳужжатларининг деярли ҳаммасидан бемалол фойдалана олган. Унинг ўзи ҳам кўп воқеалар гувоҳи бўлган. Атомалик 20 ёшидан бошлаб, амир Арғун (1244—1256) саройида хизмат қила бошлайди. У

мўғулларнинг кўп юришларига қатнашади, уларнинг юриш-туришлари, урф-одатларини чуқур ўрганади. Элхонлар давлати таъсис этилгач, Ҳулакухон хизматига ноил бўлиб, унинг ҳамма юриш ва урушларига, шу жумладан, Аломут қалъасининг забт этилишига ҳам шоҳид бўлади.

«*Тарихи жаҳонкушо*» китоби уч қисмдан иборат:

1-жилд. Чингизхон юришининг бошидан то Гуюккоон салтанати замонигача 51 йиллнк даврни ўз ичига олади.

2-жилд. Эронда 1258 йилгача ҳукмронлик қилган Хоразмшоҳлар, Қора хитойлар ва мўғул амирлари тарихига бағишланган.

3-жилд. Ҳулакухоннинг Эронга (1256—1258), Аломут исмоилийлари (1090—1258) қалъасига ҳужумлари муфассал нақл этилади. Баъзи қўлёзмаларда учинчи жилд охирига Бағдоднинг мўғуллар тарафидан босиб олиниши тарихи илова қилинган[1]. «*Тарихи жаҳонкушо*» тарихий асар сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, XIII аср бадиий насрининг ҳам порлоқ намунасидир. У форсий тил ривожига ҳам баракали таъсир кўрсатган. Асар бадиий тилда, юқори савияда ёзилган. Муаллиф унда ўтмиш ва ўз замонидаги машҳур шоирларнинг энг яхши шеърларидан ҳам фойдаланади ва ўзидан кейинги давр тарихий насри услубига асос солади. Эрон олими Мирзо Муҳаммад Қазвиний 1912—1937 йиллар давомида қилган меҳнати натижасида «*Тарихи жаҳонкушо*»нинг илмий матни изоҳлар билан чоп этилди.

Жомеъ ут-таворих. Бу китоб муаллифи Рашидиддин Фазлуллоҳ 1247 йили Ҳамадонда туғилиб, 1318 йили Табризда вафот этган. Тарихчи олим, табиб ва адиб. У Элхонлар хизматида бўлиб, вазирлик даражасига етишган, шоирлар, олимлар ва санъат аҳлига ҳомийлик қилган. Аммо ҳасадчилар унинг хайрли ишларини кўролмай туҳмат ила 70 ёшида, 20 ёшли ўғли билан бирга қатл эттирганлар. Унинг тарих китоби 1310 йилда тугалланган бўлиб, 4 жилддан иборат.

1-жилди «*Тарихи Ғазоний*» деб аталади, у 2 бобдан ташкил топган бўлиб, турк, мўғул қабилаларининг пайдо бўлиши, Чингизхон аждод ва авлодлари ҳақидадир.

2-жилди ҳам икки бобдан иборат. Унда Улжайту тарихи, авлиёлар, исломдан олдинги давр Эрон шоҳлари, Муҳаммад ва араб халифалари, Ўрта Осиё ва Эроннинг маҳаллий сулолалари, Ғазнавийлар, Салжуқлар, Исмоилийлар ва бошқалар ҳақида маълумот берилади.

3-жилд «*Шуоби панжгона*» («Беш шуъба») деб аталади. Унда беш халқ - турк, мўғул, араб, яҳудий, фаранг ва хитойлар ҳукмрон сулолаларининг насаблари ҳақида сўз юритилади.

[1] Бу илова машҳур олим Насриддин Тусий қаламига мансуб.

4-жилд «*Сувор ул-ақолим*» олам жуғрофиясига бағишланган. Унга Рашидиддин чизган харита ҳам илова қилинган.

Асар XIV аср насрининг ёрқин намунаси. Китобнинг тарихий ва жуғрофий аҳамияти ҳам ниҳоят муҳим. У ёзилиши биланоқ араб тилига таржима этилган, кўп марта кўчирилиб, китобат қилинган. Аммо тўлиқ матни сақланмаган. Унинг ҳар бўлими ҳар жойда, жаҳоннинг турли китобхоналарида сақланади. Бу асар инглиз, немис, турк тилларига тўлиқ ҳамда 1 ва 3 қисмлари рус тилига ҳам таржима этилиб, чоп қилинган.

Рашидиддиннинг бошқа асарлари ҳам бор. «*Ал-эҳъё ва-л-осор*» йил фасллари ҳақида, «*Мифтоҳ ут-тафосир*» («Қуръон тафсирлари калити»), «Тавзеҳот» (дин ва тасаввуф масалаларига доир рисолалар), «*Мукотиботи Рашидий*» (Ўз ўғли ва давлат амалдорларига ёзган мактублари) каби асарлари маълум.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний. Унинг тўлиқ номи Ҳамдуллоҳ бинни Аби Бакр Аҳмад бин Наср Муставфий Қазвиний. У 1282 йили Қазвинда таваллуд топган. Ҳамдуллоҳ ёшлигиданоқ давлат ишларида иштирок этган. Табриз, Бағдод, Шероз, ва Исфаҳон шаҳарларига сафар қилган, вазир Рашидиддин Фазлуллоҳ қўлида ишлаган. Унинг ўлимини 1349 йилга тўғри келади, деб тахмин қиладилар.

Ҳамдуллоҳ Муставфий ўспиринлигидан давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, тарих, адабиёт ва бошқа фанлар билан жиддий шуғулланган ва катта муваффақиятларга эришган. Унинг асарларидан қуйидаги учтаси алоҳида аҳамиятга эга:

«*Тарихи гўзида*». Бу танланган, қисқача тарих китоби бўлиб, дунёнинг пайдо бўлишидан то XIII асргача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Муаллиф уни 1330 йилда ёзиб тугаллаган. Унда ўзидан олдин ёзилган тарих китоблари,— жумладан, Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асаридан фойдаланиб, воқеъаларни қисқа, лўнда қилиб таърифлаб беради. Китоб 6 бобдан иборат. Форс адабиёти тарихи учун китобнинг 5 боби алоҳида аҳамиятга молик. Унда Муставфий олимлар, адиблар, шоирлар ва бошқа илму маърифат аҳли ҳақида маълумот беради.

«*Зафарнома*». XIV асрда ёзилган энг катта тарихий шеърий асардир. 1335 (735 ҳ.) йилда ёзиб тугатган муаллиф 40 ёшидан бошлаб 15 йил ишлаган. Зафарнома 75 минг байтдан иборат бўлиб, шулардан 25 минг байти араб истилоси тарихига, 20 минг байти араб истилосидан то мўғуллар юриши бошлангунча бўлган даврга, 30 минг байти эса мўғуллар истилоси ва элхонийлар давлати тавсифига бағишланган.

XIII—XIV аср Эрон тарихидан қимматли маълумотлар берувчи бу асар жуда камёб. Унинг 1405 йилда китобат қилинган бирдан бир қўлёзма нусхаси Англияда—Британия музейида сақланади ва ҳануз чоп этилганча йўқ.

“*Нуҳзатул қулуб*”. 1340 йили ёзиб тугатилган бу китоб уч бўлим, муқаддима ва хотимадан иборат бўлиб, у қомусий характерга эга. Унда илмий фалсафий, тарихий жуғрофий маълумотлар берилади.

Ҳамдуллоҳ Муставфий ўзинннг бу уч асари билан фақат тарихчи сифатидагина эмас, балки қомусий билим эгаси бўлган олим сифатида ҳам форс илму адаби тарихида баланд мавқега эга. Унинг форсий тил тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳам катта. Тарихий асарларининг тили содда, ҳаммафаҳм ва кейинги асрларда ривож топган тумтароқли жумлалардан холи. Бу давр тарих китобларидан яна бир китобни тилга олнб ўтиш ўринли.

«*Тарихи вассоф*». Бу асар муаллифи Вассоф Шерозий Шерозда туғилиб, 1265—1330 йилларда ҳаёт кечирган. У ёшликдан шеърлар ёзишга машғул бўлган. Шеърлари тазкира ва баёзларда ҳам учрайди. Аммо у ўзининг «*Тажзият ул-амсор ва тазжият ул-аъсор*» («Шаҳарлар тақсими ва асрлар ўтмиши») номли тарих китоби билан машҳур. Бу китобни «*Тарихи Вассоф*» деб юритадилар. Муаллиф уни 1298 йилда ёза бошлаган ва бир қисмини Ғазанхон (1295—1304)га бағишлаган (1302). Ғазанхон вафотидан сўнг Вассоф Элхонлар хизматида бўлади ва китобининг кейинги қисмларини Ғазанхон биродари Улжайту (1304—1316) га ва Абусаид Баҳодур (ваф. 1336) га бағишлайди. У ўз асарида Атомалик Жувайнийнинг «*Тарихи жаҳонкушо*» асарини давом эттирган. Аммо асар тили анча мураккаб.

Бу даврда илму фаннинг барча соҳаларида анчагина олға сурилиш бўлганлигини кузатамиз. Бу нуқтаи назардан ўз замони олимларининг сарвари риёзиётчи, фалакиётчи, файласуф ва ёзувчи **Насриддин Тусий** (1201 —1277) ва унинг «*Асос ул-иқтибос*», «*Рисолаи жабру қадар ё жабру ихтиёр», «Рисола дар қисмати мавжудот*» (Фалсафа ва мантиқдан), «*Ахлоқи Носирий*», «*Насиҳатнома»* (ахлоқдан), «Мадхал фи илми нужум» (шеърий ёзилган), «*Жавоҳирнома*» (Минералогиядан), «*Авсоф ул-ашраф*» (тасаввуфдан) ва бошқа асарларини, Имомиддин Закариё бин Маҳмуд Қазвинийнинг (1203—1283) «*Ажойиб ул-махлуқот ва ғаройиб ул- мавжудот»* асарини, файласуф шоир ва улкан табиатшунос олим Бобо Афзал Кошоний (ваф. 1307) нинг мантиққа оид «*Минхож ул-мубин*» («Равшан йўл»), «*Мабодии мавжудот*», «*Иншонома», «Жовиднома*» ва бошқа асарларини санаб ўтиш кифоя.

Насриддин Тусий асарлари Шарқдагина эмас, Ғарбда ҳам илму фан тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатгани олимлар тарафидан тан олинган. У форс тилида шеърлар ҳам ёзган.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Минтақа маданиятида *"илми адаб"* ва "*адабиёт*" тушунчасининг шаклланиши.
2. Маликушшуаро Баҳорнинг X-XVII асрларда форс тилида яратилган насрий асарларнинг услубий ривожи ҳақидаги назарий қарашлари.
3. X-XV асрларга келиб насрий асарлар ёзиш қайси йўналишларда ривож топди?
4. Илк форсий насрий асарлар қаторига қайси асарларни киритиш мумкин?
5. "*Ироқ услуби* "да ёзилган қайси бадиий наср намунасини биласиз?
6. Форс тилида яратилган халқ китобларидан қайсиларини эслай оласиз?
7. Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» асарининг аҳамияти нимада?
8. XI-XII асрларда яратилган машҳур тарихий асарлардан билганларингизни санаб ўтинг.
9. Мўғул истилолари даврида яратилган тарихий насрий асарлардан қайсиларини биласиз?
10. Ҳамдуллоҳ Муставфий асарлари ҳақида сўзлаб беринг.
11. Насриддин Тусий ким бўлган?

Мустақил таълим бўйича савол ва топшириқлар:

1. "Қобуснома" асари бўйича 10 дақиқали маъруза тайёрланг.
2. "Синдбоднома " асарининг хусусиятлари ҳақида қисқача ахборот тайёрланг.
3. "Тўтинома" ўзбекча шеърий варианти билан танишиб чиқинг ва қисқача мазмунини айтиб беринг.
4. "*Тарихи жаҳонкушо"* ва *" Жомеъ ут-таворих"* асарлари бўйича қисқача кўргазмали материал тайёрланг.

ХУЛОСА

Қадрли талаба!

Шундай қилиб, режадаги мавзулар ёритиб бўлинди. Энди ўтилганлардан умумий хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз. Қуйида ёзилганларни ўқимаслик ҳам мумкин, чунки бу ўринда баён қилинган тафсилотлар юқорида ҳам ўз ўрнида қайд этилган. Аммо бу хулосалар билан жиддий танишиб чиқилса, фойдадан холи бўлмайди,чунки улар моҳиятан миллий дунёқарашимизнинг илдизларига оид бўлиб, бошқа китоблардан топиб бўлмайди.

Инсоният тафаккури ўз тараққиётида, айтиш мумкинки, **уч йирик давр**ни бошдан кечирганлиги адабиёт тарихини кузатганда ҳам равшан кўзга ташланади.

1) **Асотир тафаккур даври** – бу давр тарихий босқичлар нуқтаи назаридан олганда **ибтидоий жамоа босқичида** (*тош асри*) шакллана бошлаб, *илк шаҳар-давлатлар босқичида* (*бронза асри*) мукаммал тизим даражасига кўтарилади (“Авесто”, “Ведалар”, Қадим юнон асотирлари) ва *буюк салтанатлар – империялар босқичида* (*темир асри*) асотир тафаккур парчалана бошлаши билан асосан якунланади. Бу сўнгги босқичда аста-секин тарихий тафаккур, миллий тафаккур (яъни миллий ўзликни англаш), бадиий тафаккур, диний ва илмий тафаккур шакллари мустақиллик касб эта бошлайди. Қадим Юнонистонда асотир тафаккур бағридан униб чиққан **фалсафий тафаккур** уни ичдан емиришга бошлайди.

2) **Тавҳидий тафаккур даври –** тавҳидий динларнинг умумжаҳон миқёсида ёйилиши билан боғлиқ бўлиб, тарихан IV-V асрлардан бошланган бу жараён бизнинг мавзуимизга боғлиқ минтақада VIII-IX асрлардан авж олади ва то XV аср охиригача такомил топиб боради. (Европада бу жараён XVI аср бошларигача давом этиб, унинг юксак чўққисини Ренессанс, яъни Уйғониш даври ташкил этади).

3) **Янги давр,** ёки **илмий (дунёвий) тафаккур устунлиги даври –** Европада бу давр Мартин Лютер ва Жан Кальвинлар Реформациясидан бошланиб, инсон ақлига таяниш устунлиги билан кўзга ташланади ва бу тамойил XVIII аср француз Маърифатпарварлиги (Эпоха Просвещения) доирасида очиқ **даҳрийлик**нинг (*атеизм*) қатор таниқли файласуфлар (Ламетри, Гольбах, Гельвеций, Дидро) ижодида етакчи принципга айланишига олиб келади. Дунёвий илмларнинг беқиёс ривожи XIX-XX асрларда илмий-техник инқилоб ғалабасини таъминлаб, жаҳон миқёсида Европа маданияти анъаналари устунлиги ўрнатилишига моддий асос яратиб берди. Бу даврда форс тилидаги адабиёт Ҳиндистон ярим оролида юксак ютуқларни қўлга киритди.

Юқоридаги даврлаштиришга мос равишда жаҳон адабиёти тарихида ҳам **уч йирик давр**ни ажратиб олиш мумкин бўлади. Аммо бу

даврлаштиришнинг ҳар бир маданий минтақада баъзан бир-биридан кескин фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатлари мавжудки, уларни ҳисобга олмасдан бир минтақа қолипларини бошқа минтақа воқеликларига кўр-кўрона қўллашга уриниш яхши оқибатларга олиб келмайди.

Асотир тафаккур даврига хос эроний тиллардаги адабиёт қадим ва ўрта форс тилларида яратилгани учун ушбу дарсликда фақат қисқача маълумотлар билан чекланилди. Дарсликда асосан янги **форс тилида IX-XV асрларда яратилган адабиётга** эътибор қаратилган бўлиб, XVI-XX асрларда "*ҳинд услуби*"да ва Ҳиндистонда форс тилида яратилган мумтоз шеърият (Соиб Табризий, Бедил, Мирзо Ғолиб, Муҳаммад Иқбол) 3-курсда ўқитиши режалаштирилгани учун бу китобга киритилмади.

Тилга олинган ҳар уч даврнинг ўз ички **ривожланиш босқичлари** ҳам мавжуд бўлиши табиий. Маликашшуаро Баҳорнинг машҳур уч жилдли "*Сабкшуноси, ёхуд торихи татаввури насри форсий*" асарида таҳлил қилинган форс насри ривожидаги уч тарихий услуб (*сабки хуросон, сабки ироқ, сабки ҳинд*) ҳақидаги изланишлари бу соҳада эришилган жиддий ютуқ бўлиб, афсуски, олимнинг "*Сабкшуноси, ёхуд торихи татаввури назми форсий*" асари бошланғич қисмидаёқ чала қолиб кетди ва форс мумтоз шеъриятининг ички такомил босқичлари ҳақида шу кунгача на замонавий Эрон олимларининг, на Европа ва рус тадқиқотчиларининг бирор қониқарли мулоҳазаларига назаримиз тушмади.

Фақат М.Л.Рейснернинг ғазал жанри тараққиётига оид жиддий ва самарали тадқиқотида дастлаб кўпроқ **сарой адабиёти** сифатида намоён бўлган **дунёвий шеърият**дан **тасаввуфий-ирфоний шеърият**га ўтиш босқичи ғазал жанрига нисбатан ишонарли далиллар асосида мукаммал очиб берилган. Аммо Саъдий ва Ҳофизлар ижоди тўлиқ тасаввуфий шеърият қолипига тушмаслиги тўғри қайд этилган ҳолда, бу йўналишдаги шоирлар ижодининг алоҳида маънавий моҳияти ва олдинги босқичлардан фарқи равшан англаб етилмаганлиги натижасида кейинчалик олима иштирокида ёзилган **дарслик**да мумтоз форс адабиётини даврлаштириш учун Ўрта асрлар Европа адабиётига хос бўлган "***художественный канон***" ("*бадиий меёр*", "*қатъий анъана*", "*адабий андаза*" маъноларида) тушунчаси ва унинг шаклланиш босқичлари асос қилиб олинди. Жиддий далилларга таянган тадқиқот натижалари бир четда қолиб, яна Европа адабиётшунослигининг қолиплари асосида хулосалар қилиниши, албатта, афсусланарлидир.

Шундай мушкул ҳолатда **Алишер Навоий**нинг XII-XV асрлар форс мумтоз адабиётининг атоқли намояндалари ижодий принциплари хусусида билдирган назарий фикрлари кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Биринчидан, бу қарашлар ўша даврнинг ўз одами мулоҳазалари сифатида қадрли. Иккинчидан, Навоий ўз асарларини асосан ўзбек тилида ёзган (яъни "*туркийзабон*") шоир сифатида машҳур бўлса-да, унинг адабиёт ҳақидаги назарий қарашлари деярли тўлиғича мумтоз форс шоирлари

ижодига тегишлидир. Учинчидан, Навоий адабиётнинг нафақат шаклига, балки, биринчи навбатда, мазмунига, ундан инсонларга етадиган маънавий манфаатга, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифасига айрича эътибор қаратган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, X-XV асрлар форс мумтоз адабиёти ривожининг такомил босқичларини аниқлашда **Навоийнинг назарий қарашларини асос қилиб олдик** ва шунга кўра бу даврни **уч босқичга** ажратиб кўриб чиқдик. Бунда ҳар бир босқич ўзгасидан ҳам бадиий шакл тамойиллари, ҳам мазмуний жиҳатларига кўра аниқ фарқ қилиши маълум бўлди.

1) Дунёвий адабиёт босқичи (IX аср охири – XI асрлар)

Бу босқичнинг биринчи даври, яъни X аср шеъриятини мукаммал ўрганган М.-Н. О.Османов китобида[1] келтирилган **бадиий тимсоллар** француз шарқшуноси Г.Лазар (G.Lazard) таснифига кўра, шеърият тилининг **биринчи мазмуний қабатини** ташкил қилади[2]. Унга биноан, масалан, *“гул” “моҳ” “офтоб”* тимсоллари реал **маҳбуба**нинг чеҳрасига ишора қилади. Рудакий ва Манучеҳрий шеърларидаги мажозий тасвирлар фақат бадиий рамз ҳалос, улар ортида фақат **моддий дунё воқеликлари** туради. Бу **дунёвий адабиёт қабати.**

Поэтик шаклга оид бу ўзига хосликлар ўша давр адабиёти намояндалари тафаккури ва дунёқараши, давр шеъриятининг мавзу қамрови ва вазифаси, **ижтимоий воқеликда тутган мавқеи** билан чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Бу давр адабиётининг аксарият намуналарига хос бўлган энг асосий хусусият **ақлга таяниш** бўлиб, ислом минтақа маданияти доирасидаги маънавий такомил босқичларининг иккинчиси – **Ислом маърифатчилиги** босқичида Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг етакчи йўналиши бўлган **илм маърифати**га тўлиқ мос келади. Бу ҳолат нафақат Форобий, Ибн Сино каби алломалар, балки давр адабиётининг етакчи вакиллари – Абу Абдуллоҳ Рудакий, Абу Шукур Балхий, Абулқосим Фирдавсий, Унсурий, Носир Хусрав ва бошқалар ижодида ҳам ёрқин намоён бўлди. Бу давр шеъриятида **бадиий адабиётнинг ижтимоий вазифаси** ҳануз амалийроқ кўринишда идрок этилиб, даставвал ҳаётга муносабатда кенгфеъллик, элу юртда яхши ном қозониш, ҳар ишни ақл тарозусида ўлчаб амалга ошириш билан инсон албатта бахтли бўлади ва шоду хурсандлик билан умр кечиради, деган

---

[1] Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии (IX-X вв.). М., «Наука» ГРВЛ, 1974, 268+296 стр.

[2] Lazard G. La language simbolique du ghazal.- Convegno internazionale sulla hoesia di Hafez. Roma, 1978, c. 61. (Бу ва кейинги иқтибослар Н.И.Пригаринанинг “Индийский стиль и его место в персидской литературе: (вопросы поэтики)” асаридан олинди (с. 99).

фикрлар устун бўлган бўлса, кейинроқ бориб ижтимоий воқелик бундай содда қарашлардан анча мураккаброқ эканлиги аён бўла бошлади. Рудакийнинг “Қарилик қасидаси”, Фирдавсий фожеаси шуни кўрсатди. Мавжуд материаллардан келиб чиққанда XI аср шеърияти X асрга нисбатан мавзу доираси кенгайиб, мазмунан бойиб борди. Унсурийнинг сиёсий шеърияти, Фирдавсий эпопеяси, Носир Хусравнинг фалсафий қасидалари шундан дарак беради. Бу даврда дунёвий йўналишда ижод қилган, аммо йирик ижтимоий-инсоний масалаларни юксак пафос билан тасвирлай олган ва форс мумтоз адабиётидаги эпик достончиликнинг кейинги ривожига бақувват асос яратиб берган буюк шоир **Абулқосим Фирдав**сий бўлди. Фирдавсий даҳосининг қудрати шундаки, у ижод жараёнида ўз даври сиёсий қарашлари доирасидан юксакларга кўтарила бориб, умумбашарий, демакки, азалий ва абадий маънавий қадриятлар ғалабасини куйлай билди, бани башарнинг энг олий қалб туйғуларини авж пардаларда ифодалай олди. Аммо шоир ўз қаҳрамонлари фожеаси сабабларини мукаммал изоҳлаб бера олмади. Бу моддий оламнинг, ҳар бир инсон бахти ва фожеасининг сир-синоати унинг учун жумбоқлигича қолиб кетди.

Шундай қилиб, **“дунёвий адабиёт”** мавзулари моддий дунё ҳою ҳавасларидан жуда ҳам узоқ кетмагани унинг барча намояндалари ижодида кўзга ташланиб туради. Бу босқичда бадиий адабиётнинг **эстетик завқ бериш хусусияти** кучли бир тарзда намоён бўлди, лекин адабиётнинг иккинчи бир вазифаси – **инсоннинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиш жиҳати** қониқарли даражада бўлмади. Инсон ва инсоният муносабати саволлигича қолди. Бу давр адабиётининг **дунё-вийлиги** шундаки, ундаги барча тасвир ва талқинлар моддий дунё чегараларидан ташқари чиқмади, бу давр шоирлари Аллоҳнинг ягоналиги, унинг илми ва қудрати чексиз эканлигини билсалар ва тан олиб эътиқод қилсалар-да, ҳануз ғайб олами билан моддий олам орасидаги муносабатлар хусусида жиддий тафаккурга берилиш уларга хос эмас эди. Бу давр охирларига бориб фалсафий қасидалар ва тасаввуфий ғоялар ифодаланган асарлар яратила бошланган бўлса ҳам ҳануз бу йўналишлар етакчи мақомга эга эмас, аксарият шеърият мактаблари соф дунёвий йўналишни сақлаб келар эдилар.

2) Тасаввуфий-ирфоний адабиётнинг юксалиши (XII–XIII асрлар)

Тасаввуфий-ирфоний адабиётга ўтгач, шеърият тилининг **иккинчи мазмуний қабати** бошланади. Унга кўра **мажозий тимсол** мазмуни воқеликдаги бир сиймога эмас, балки **ғайб олами**га оид тасаввурларга ишора қилади. Масалан, юқоридаги ташбиҳларни оладиган бўлсак, *“гул”*

“моҳ” “офтоб” тимсоллари англатган мазмун – маҳбуба чеҳраси энди ўзи **Ҳақ жамоли**га ишора сифатида тушунилади.

Аҳли башарнинг ўзга жонзотлардан мутлақ фарқ қилувчи бир жиҳати бор. У ҳам бўлса – **маънавий камолот эҳтиёжи.** Маънавий камолот эса фақат бир йўл билан – **Борлиқ ҳақиқатини англаб етишга интилиш** орқали амалга ошади. Олимнинг ихтиролари ҳам шу интилиш туфайли, шоирнинг илҳоми ҳам дилдаги шу орзиқишдан. Суфий Борлиқнинг Олий Ҳақиқатига ошиқ инсон, бутун борлиғи билан унга интилади, ўзини ундан айро тасаввур қила олмайди. У **“*ал-Ҳақ*”** деганда айни шу Борлиқнинг мутлақ Ҳақиқатини тушунади. Ирфоний шеърият ана шу кайфият изҳоридан туғилади. Ҳақ ошиғи ўз туйғуларини қандай ифодалаши мумкин? Ғайб сирларини оддий тил билан тўғридан-тўғри ифодалашнинг имкони йўқ. Шу сабабли тасаввуф шеърияти олдинги босқичда дунёвий мумтоз шеърият ишлаб чиққан **мажозий тасвир**нинг чексиз имкониятларига мурожаат қилади.

Дунёвий адабиёт ва **ирфоний адабиёти**нинг ўзаро фарқи шундаки, Рудакий ва Манучеҳрий асарларида **мажозий тасвир** фақат **эстетик завқ бериш, оддий ҳаёт ҳодисаларини нафис тимсоллар орқали ифодалаш**га **хизмат қилган,** яъни **шаклий гўзалликка** биринчи даражали эътибор қаратган бўлса, **XII-XIII асрлар ирфоний шеърияти** олдинги давр шоирлари бадиий тасвир соҳасида эришган ютуқлардан унумли фойдаланган ҳолда **мажозий тасвирни ирфоний туйғулар тараннуми билан уйғунлаштириб,** шеъриятни инсоннинг маънавий баркамоллиги, **инсон руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлигини таъминлаш** йўлида хизмат қилдиришга киришди.

XI аср охири -XII аср бошларида ижод қилган **Умар Хайём, Масъуд Саъд Салмон, Амир Муиззий** каби ёрқин истеъдод соҳиблари дунёвий адабиёт анъаналарига содиқлик сақлаган бўлсалар, уларнинг ёш замондошлари XII асрда яшаб ижод этган **Саноий, Анварий ва Хоқоний**лар энди том маънода саройга боғланган дунёвий мазмундаги адабиётдан онгли равишда ва узил-кесил воз кечиб **янги йўналишга** – кенг маънодаги **ирфоний адабиётга** асос солишга муваффақ бўлдилар.

Ғаззолий ғоялари таъсирида XII-XIII асрлар шеърияти **ақлга таяниш** принципидан аста-секин **кўнгилни поклаш** принципига ўта бошлади. **Низомий** биринчи достони “***Махзан ул-асрор***”нинг кириш бобларидаёқ бу асарни ёзишдан мақсади «***кўнгил қиссаси***»ни баён қилиш эканини алоҳида таъкидлайди ва бу мавзуга алоҳида уч боб (уч “*ҳилват*”) бағишлайди. Шоир тасаввурига кўра, инсоннинг барча аъзолари устидан **ҳукмрон кўнгил**. Шоир **кўнгил**ни Хожа, **инсон табиатининг тарбиячиси** деб атайди. Чунки **инсон кўнгли уни олий ҳақиқат билан боғлаб турувчи тилсим,** олий ҳақиқат сирларини ўзида жилвалантирувчи **кўзгу**дир, фақат унга сайқал беришда эринмаслик, уни занг ва чирк босишига йўл қўймаслик лозим. Кўнгил инсонни инсонликда тутиб турувчи, **алоҳида бир вужудни**

олий маънавият билан туташликда асровчи моҳиятдир. Шу сабабли шоир кўнгилни ўзига етакчи қилиб олади.

Фаридиддин Аттор ижодида **мажозий тасвир ва талқиннинг бирлашуви** ёрқин бир тарзда намоён бўлди. Унинг асарларидаги бош ғоя инсондаги Поклик ундаги Олий зот нишонасидир, деган ақида. Шоир ғояларининг ижобий руҳи шунда. Аммо бу ижобий ният Атторда изчил эмас. У бани башарнинг моддий ҳаёт чегарасида ўз поклигини сақлаб қола билишига ишончсизлик билан қарайди. Аттор асарлари поклик ва садоқатни куйлашга бағишланган бўлса, Жалолиддин Румий "*Маснавийи маънавий*" асарида илоҳий ишқ тараннумини **инсон ва инсоният нисбати,** ҳар бир инсоннинг нафақат инсоният, балки бутун Борлиқ олдидаги масъулияти масаласи билан уйғунлаштира олди. Инсоннинг бошқа жонли мавжудотлардан фарқи шундаки у ўзининг ўзга инсонлар билан боғлиқ эканлигини, ўзининг "***инсоният***" аталувчи яхлит моҳиятнинг ажралмас бир бўлаги, қисми эканлигини сезиб туради. Агар шуни сезмайдиган бўлса, уни энди ўзга биологик мавжудотлардан фарқи қолмайди, моҳиятан у энди инсон эмас.

Аммо буюк суфий бу ғояни ирфоний тимсолларга чўлғаб ташлайди, натижада ҳар доим ҳам асосий фикр очиқ намоён бўлавермайди, қатор саволлар жавобсиз қолгандек бўлади. Бир сўз билан айтганда, Навоийнинг теран нигоҳи пайқаганидек, Румий ижоди "*ҳақиқат тариқи*" доирасидан чиқиб кетмаган. Унинг ирфоний тимсоллар пардаси остидаги теран талқинлари фақат замондоши Саъдий Шерозий ижодида очиқ-ойдин намоён бўлди.

Адабиёт асосан сарой атрофида ривожланган X-XI асрларда шеъриятда **қасида** етакчи жанр бўлиб келди. Чунки **дунёвий адабиёт** вакили ўз ижодида, биринчи навбатда, мамдуҳга, яъни жамиятдаги **ҳукмрон гуруҳлар** вакилига (у подшоҳми, вазирми, ёки йирик мулк эгасими, қатъи назар) таянади, достон ёзадими, қасида ёзадими, муайян шахсга бағишлайди, ундан инъом ёки эътироф кутади. Ғазалнинг шаклий мукаммаллиги ва етакчи лирик жанрга айланиши эса айни ижтимоий такомил нуқтаи назаридан шаҳарларнинг етакчи мавқега кўтарилиши, маънавий жиҳатдан эса **тасаввуф тариқатлари ва ирфон босқичи**га тўғри келди. Айни суфий шоирлар ижодида ғазал жанри биринчи ўринга ўтди, чунки суфий энди подшоҳдан ҳимоя ёки инъом кутмайди, у ёлғиз Аллоҳга таваккул қилади, кўнгил дардларини ҳам унга баён этади. Суфий – Ҳақ ошиғи. Ошиқ эса қасида ёзмайди, у ғазал ёзади, чунки қасида - ўзидан юқори турган ўзганинг таърифи, **ғазал - ошиқнинг кўнгил изҳори**. Шундай қилиб, тасаввуфий-ирфоний шеърият ғазал жанрининг ривожида ҳал қилувчи босқични ташкил этди. Тасаввуф шеърияти **мажозий тасвир**нинг чексиз имкониятларига мурожаат қилади. Бу

босқичда энди Борлиқнинг Олий Ҳақиқати “***ёр***”, “***маҳбуб***” аталади, унга етишиш иштиёқи “***ишқ***” дейилади, суфийнинг туйғулари “***васл***” ва ***“ҳижрон”,*** ҳолати – ***“май”*** ва ***“мастлик”,*** макони – ***“харобот”*** ва ***“дайр”*** тимсоллари билан ифодаланади. Натижада мазмуний қўпқабатлик жозибаси юзага келади. Ана шу жозибадорлик ғазалнинг ботиний асосини ташкил қилади. Демак, ирфоний туйғуларсиз мумтоз форс адабиётида ғазалнинг етакчи лирик жанрга айланиши имкондан ташқари эди. Лекин Шиблий Нўъмоний тўғри таъкидлаганидек, Аттор ва Румий каби сўфий шоирлар ғазалиёти илоҳий ишққа ортиқча урғу берганлиги туфайли халқ ичида кенг тарқалмади. Ўз ижодида айни шу камчиликни узил-кесил енгиб ўта олган номдор шоир Саъдий Шерозий бўлди. Шу сабабли унинг ғазаллари бу жанрнинг мумтоз намунаси сифатида хосу авом орасида тўла-тўкис эътироф этилди ва катта шуҳрат қозонди.

3) “*Мажоз тариқи*” адабиёти (XIV – XV асрлар)

“*Мажоз тариқи*” адабиётида эса шеърият тилининг **учинчи мазмуний қабатига** ўтилади. Бунда энди юқоридаги тимсоллар бир пайтнинг ўзида **ҳам ғайбий** (илоҳий), **ҳам воқеий** (дунёвий) мазмун касб этади, яъни *“гул” “моҳ” “офтоб”* тимсоллари ортида англашилган воқеликдаги **маҳбуба**нинг чеҳрасини шоир **Ҳақ жамолининг мазҳари** (воқеликда намоён бўлиши) сифатида қабул қилади. (Навоий наздида “*мажоз тариқи*” намояндалари “*Ҳақ сунъида*”, яъни Холиқ яратган махлуқда Яратувчининг қудратига ишорани кўрадилар, фоний дунё сиймоларини азалий ва абадий Борлиқ зуҳури сифатида қабул қиладилар ва шу сабабдан унга ошуфта бўладилар. Буни Навоий “*пок ишқ*” ёки “*хавос ишқи*”, яъни хос кишилар, “*аҳли маъни*”нинг пок дилида туғилган беғараз инсоний шавқ-завқ деб талқин қилади.)

Исломнинг моҳияти **тавҳиддадир.** Аммо бу тушунча ҳар босқичда турлича маъно эврилишларига эга бўлиб, тобора теранлашиб боради. **Сунна босқичи**да унинг асосий маъноси Аллоҳнинг бирлиги ва борлигини, Муҳаммад (с.а.в.) унинг охирги Ҳақ пайғамбари эканлигини тан олиш, Аллоҳ ва пайғамбарига бўйинсуниш бўлса, **Ислом маърифатчилиги**да Аллоҳ яратган Борлиқнинг моҳиятини ақл ва мантиқий тафаккурга, тажрибага таяниб англаб етишдир. **Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичи**да эса, биринчи навбатда, Ҳақ ошиғининг Ҳақиқий Борлиқ ("бақо") сари чексиз иштиёқ билан интилиши ҳақида гап кетади. Суфий Ҳақ билан, Боқий борлиқ билан бирликка, ягоналикка интилади, унинг моҳияти, ҳаётининг мазмуни шунда.

Сўфийлар Ҳақнинг асл зотини **Ҳақиқат** ва унинг **мазҳари,** қиёсан айтганда, кўзгудаги аксини **“мажоз”** (“иносказание”, метафора), деб атайдилар. **“Ҳақиқат” ва “мажоз” тазоди** шундан бошланади**.** Шу асосда тасаввуф адабиётида **“ишқи ҳақиқий”** ва **“ишқи мажозий”**

тушунчалари шаклланди. Уларнинг биринчиси Аллоҳга муҳаббат, яъни "*ишқи илоҳий*" маъносида бўлиб, Ҳақ васлига интилиш, фақат унинг хаёли билан яшашни билдирса, иккинчиси - инсонларнинг бир-бирига, фоний дунё ашёларига бўлган ишқи сифатида талқин этилди ва кўп ҳолларда бири иккинчисига зид қўйилди. Аммо тасаввуф ғоялари ҳам ривожланиб боради. Агар Навоий **"ҳақиқат тариқининг суханвари"** деб атаган Фаридидин Аттор XIII аср бошларида инсонларни **"мажоз",** яъни ташқи моддий дунё ҳою ҳавасларига берилиб кетишдан қайтариб, Борлиқнинг асл (азалий ва абадий) Ҳақиқати сари интилишга, ташқи суратга маҳлиё бўлмай, маънога, моҳиятга эътибор беришга чақирган бўлса, шу аср охирларига келиб **Фахриддин Ироқий** (1207-1289), **Авҳадиддин Кирмоний** (вафоти 1298 йил) каби суфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. Ибн ал-Арабий ғоялари таъсирида "*Ламаъот*" асарини ёзган Ироқий "*мажоз*" ва "*ҳақиқат*" нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибида бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Шайх **Авҳадиддин Кирмоний** ушбу нисбатни янада ривожлантириб, шундай хулоса қилди: "*Ин олами суратесту мо дар суварем, Маъни натвон дид магар дар сурат* (Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз, Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас). Демак, Инсон руҳида Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик ҳосил бўлиши учун, биринчи навбатда, ўзга инсонлар билан ўзаро уйғунликка интилиш, улар дилидан Борлиқ ҳақиқатини қидириш лозим, бошқа йўл билан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Мана шайхнинг хулосаси. Аслида бу хулоса Ирфоннинг ниҳоясидир.

Шу ўринда бир савол туғилади: Нега Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг тегишли фаслида **Амир Хусрав Деҳлавий** ва **Ҳофиз Шерозий**лар билан бир қаторда "*ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут қилганлар***"** сафига XII - XIII асрларда яшаб ижод этган **Саноий** ва **Саъдий**ларни ҳам қўшган бўлса-ю биз "**мажоз тариқи**" даврини XIV асрдан бошламоқчимиз?

Аслида **Низомий Ганжавий** ҳам тасаввуф шоирларидан фарқли равишда фақат **инсон руҳиятининг ички қатламларига теран назар ташлаш** билан чекланиб қолмай**,** ўз достонларида шахснинг **Ҳақ ва жамият олдидаги масъулияти масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишни лозим топди,** яъни, унинг асарларида **ирфоний ва ижтимоий муаммолар** олий бир уйғунликда ифодаланди**.** Аммо XII асрда ҳануз **"Ҳақиқат" ва "мажоз" тазоди** кун тартибига рўйирост қўйилган эмас, Низомий асарларида "мажоз" атамаси умуман истеъмолга ҳам кирган эмас эди, шу сабабли бўлса керак, Навоий ўз назарий тадқиқотларида **Низомий** номини бирор гуруҳга мансуб этиб тилга олмайди.

XIII аср охири - XIV аср бошларида **Амир Хусрав Деҳлавий** (1253-1325) **Низомий** достонларига биринчи бўлиб жавоб ёзди ва бу асарда **"*ишқи мажозий*"**ни куйлашни ўзига мақсад қилиб қўйганлигини очиқ

намойиш қилди. Учинчи девони «*Ғуррат-ул-камол*» («Камолот чўққиси») дебочасида шоир шеъриятга бўлган назарий қарашларини баён қилган, бадиий ижоддаги мустақил йўналишига таъриф берган. **Унинг эътиқодича, шоир на воиз (насиҳатгўй), на суфий сингари ёзмаслиги керак, балки бадиий ижод қонунларига риоя этиши лозим.**

Шундай қилиб, Саноий ва Саъдийлардан фарқли равишда Амир Хусрав Деҳлавий ўз ижодининг авж палласига келиб, ***"ишқи ҳақиқий"*** ва **"*ишқи мажозий*"**ни бир-биридан фарқини аниқ ҳис қилган ҳолда ўзи ижодда **"*ишқи мажозий*"**ни куйлашни мақсад қилиб олганлигини очиқ баён қилди ва Муҳаммад(сав) ҳадисларига таянган ҳолда **"*ишқи мажозий*"**ни **Борлиқнинг Олий ҳақиқатини англаб етишнинг мустақил йўли** эканлигини эътироф этди.

Амир Хусрав **"Хамса"**си шу даражада шуҳрат қозондики, ундан кейин ислом минтақа шеъриятида "**мажозий ишқ**"ни куйлаш ва "**Хамса**" достонларига татаббу бағишлаш кенг кўламли анъанага айланди. XIV- XV асрлар минтақа маънавияти "Хамса" анъанаси таъсирида ривож олди, шоирнинг салоҳияти ва иқтидори ҳеч бўлмаганда "Хамса"нинг бир достонига муносиб жавоб ёза билиш билан ўлчанадиган бўлди. Бу жаҳон маънавияти тарихида бетакрор ҳодиса эди.

Алишер Навоий ўз ижодида **Амир Хусрав** ва **Ҳофиз**лар изидан бориб, бутун умр асосан "**ишқи мажозий**"ни куйлади. Аммо ***"мажоз ишқи"***ни инсонларнинг бир-бирига муҳаббати деб тушунилса, воқеликка бу масалани татбиқ этганда бир мураккаблик вужудга келарди. Яъни инсоний муҳаббат ҳаётда доимо беғараз бўлавермаслиги маълум бўлиб, бу энди ошиқнинг маънавий савияси билан боғлиқ эди. Навоий ўзининг якуний асари **"Маҳбуб ул-қулуб"** рисоласининг иккинчи қисмидаги **"Ишқ зикрида"** аталмиш 10-бобида бу туйғуни - ***авом ишқи*** (яъни, ўз шаҳвоний нафсини енгиб ўтмаган, маънавий баркамоллик касб этмаган оддий одамлар ишқи) ***хавос ишқи*** (яъни, ўз нафсини енгиб ўтиб маънавий баркамолликка эришган ориф инсонларнинг пок ишқи) ва ***сиддиқлар ишқи*** (авлиёуллоҳ суфийлар ишқи) сифатида уч қисмга ажратиш билан ушбу муаммони мукаммал ҳал қилиб берди. Навоий ***хавос ишқи,*** яъни **пок инсоний ишқни** ошиқ учун ўзликни англаш йўли, "*Ҳақиқат асрори*" ганжинасининг калити деб билади. "*Лайли ва Мажнун*" достонининг хотима бобида[1] шоир муҳаббатга **ғаройиб кимиё,** яъни мисни олтинга айлантира олувчи **сеҳрли куч, инсонга Борлиқ сирларини ошкор қилувчи кўзгу,** деб таъриф беради. У **"ишқ" ҳодисасига,** биринчи навбатда, **ижтимоий-ахлоқий муносабатлар** нуқтаи назаридан қарайди, шу асосда **"*мажозий ишқ*"ни** воқеъ ҳаётдаги **инсонлар аро муомалада** биринчи ўринга чиқаради, **ўзак моҳиятга** айлантиради. Шу билан Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби бошдан-оёқ пок туйғуларга йўғрилган

[1] Алишер Навоий. Хамса. Т., 1960, с.447

"алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ"нинг кўпчилик йигит-қизлар орасидаги оддий **“ошиқ-маъшуқ”**ликдан ҳам, тасаввуф аҳли **“ишқи ҳақиқий**” деб атаган ирфоний интилишларидан ҳам бутунлай фарқ қилувчи **мумтоз бир туйғу**, алоҳида ҳолат эканлигини махсус таъкид этишга эришди. **Бу ҳодисанинг моҳияти шунда эдики, унда инсоннинг Олий ҳақиқатга, Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига муносабати унинг ўзга инсонларга, атроф-воқелик, мавжуд жамиятга муносабати билан уйғунлик ҳосил қиларди.**

Шарқ мумтоз адабиёти ривожида **мажоз** атамасининг турли маънолардаги талқинини учратамиз. Жумладан, **“*мажоз*”** усули **дунёвий адабиёт** вакиллари учун воқеликдаги бирор оддий ҳодисани бадиийлаштириб **тасвирлаш воситаси** сифатида қўлланилган бўлса (масалан, **Рудакий**нинг “*Модари май*” қасидаси, ёки Манучеҳрийнинг шу мавзудаги мусаммати), тасаввуф шоирлари (Масалан, **Аттор** ва **Жомий** достонларида) ундан ирфоний ғояларнинг **аллегорик ифодаси** сифатида фойдаландилар. **“*Мажоз тариқи*”** босқичида энди бу шунчаки бадиий тасвир воситаси эмас, балки **Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва англатиш**нинг алоҳида йўналиши, **бадиий ижод тариқи** (методи) сифатида талқин қилинди.

Шундай қилиб, **“*Мажоз тариқи*” босқичи** ислом минтақа маънавияти такомилининг энг олий поғонаси, **Тавҳид таълимотининг энг мукаммал талқини** бўлди. Ижтимоий воқеликни бадиий тадқиқ этиш, инсонни ва табиатни тўғри тушуниш, инсон қалбига қулоқ тутиш, самимий ва беғараз меҳр билан ўзгалар қалбига йўл топиш орқали Ҳақ асрорини, Тавҳид моҳиятини англаш ва англатишга уриниш - “*Мажоз тариқи*”нинг буюк вакиллари **Саъдий Шерозий, Хусрав Деҳлавий** ва **Ҳофиз Шерозий** асарларида ўзининг мукаммал ифодасини топди ва бу ёндошув кейинчалик Алишер Навоий ижодида ўзининг юксак чўққисига кўтарилиб, назарий жиҳатдан ҳам пухта асослаб берилди.

Агар IX-XV асрлар мусулмон минтақасида яратилган маънавий бойлик умумбашарий аҳамиятга молик бўлиб, Фирдавсий ва Умар Хайём, Низомий ва Деҳлавий, Аттор ва Румий, Саъдий ва Ҳофизлар ижоди асрлар оша дунё аҳлини ўзига мафтун этиб келаётган бўлса, кейинги 4 асрда форс тилида яратилган шеърият осмонида ягона чарақлаган умумбашарий юлдуз сифатида фақат ҳиндустонлик **Абдуқодир Бедил**ни кўрсатиш мумкин, халос. Олдинги даврга нисбатан “*маънавий таназзул”* дейиш учун шу фактнинг ўзи кифоя қилса керак. Тўғри, XVI-XVII асрларда ҳам Бадриддин Ҳилолий, Зайниддин Восифий, Соиб Табризий каби талантли шоир ва адиблар бўлган. Аммо улар энди нари борса минтақа доирасида шуҳрат қозонган, аммо жаҳон миқёсида эмас.

Глоссарий

(Дарсликда учрайдиган янги атамаларга изоҳлар)

Маънавият - инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан (йўналишидан) бири, ҳар бир инсоннинг Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига бўлган муносабати. Маънавият – ўз мазмунига кўра кўп қиррали мураккаб ботиний ҳодиса бўлиб, моҳиятан Инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунликни англатади. Шу маънода уни Инсоннинг, Халқнинг, Жамиятнинг, Давлатнинг куч-қудрати, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг ички оламини бойитадиган, иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч, Ҳақиқат нурининг инсон қалбида акс этиши, ёки бақонинг фанода зуҳури, дунёвий ва ухравий мақсадларнинг уйғунлиги, инсоннинг ўз моҳияти олдидаги масъуллиги, ўзлигини англаши деб ҳам таърифлаш мумкин. Инсоннинг Борлиқ абадиятига дахлдорлиги айни унинг маънавияти туфайлидир.

Дунёвий мақсадлар – биз яшаб турган моддий дунёга оид (ўткинчи) мақсадлар

Ухравий мақсадлар – охиратга оид, кенг маънода, азал ва абад оламида ўз қадрини йўқотмайдиган (Борлиқ ҳақиқатига мувофиқ) мақсадлар

Бақо – абадийлик, азалий ва абадий қудрат, мутлақ Ҳақиқат, инсон маънавий камолотининг ниҳоий мақсади.

Фано – ўткинчи, муваққат ҳолат, инсоннинг моддий оламдаги ҳолати.

Маънавият асослари – Маънавият соҳасининг асосий масалаларини назарий тадқиқ этувчи янги фан. Бугунги кунда, ҳануз жаҳон илми даражасида тадқиқотлар ўтказилмаганлигини ҳисобга олиб, "Миллий маънавиятимиз асослари" деб аталиши мақсадга мувофиқдир. Инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик даражалари (Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат), Шахс маънавиятининг асосий жиҳатлари (имон, илм, масъулият, меҳр), Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари ва шу кабилар бу фаннинг асосий мавзуси (предмети)ни ташкил қилади.

Инсон - маънавий камолот имконига эга бўлган (ягона) моддий (биологик) мавжудот. Қуръони карим оятларида таъкидланишича, ҳар бир инсон Аллоҳ томонидан "ер юзининг халифаси" қилиб яратилган, шундай экан, бутун моддий олам унинг тасарруфида ва у дунёдаги барча мавжудот тақдири учун масъулдир. Инсоннинг иродаси эркин ва шу сабабли ҳар бир хатти-ҳаракати учун Аллоҳ олдида жавоб беради. Инсон ўз маънавий камолот имкониятларини юзага чиқара бошлаган сари том маънода **Шахс**га айлана боради.

Шахс маънавияти – ҳар бир инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлик даражаси. Бу уйғунлик ҳар бир шахснинг **имони, илми, масъулияти, меҳри** орқали намоён бўлади ва **Ватан, Шахс, Миллат, Адолат, Ҳақиқат** туйғуларида ифодаланади.

Борлиқ ҳақиқати – (Истина Бытия) мавжуд борлиқнинг асл моҳияти, инсон зоти ҳечқачон охиригача англаб ета олмайдиган, аммо чексиз равишда турли йўллар билан англаб етишга интиладиган мутлақ ҳақиқат. Ҳар бир инсон Борлиқ ҳақиқати ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиб, ушбу тасаввури умри бўйи такомиллашиб бориши, баъзан ҳатто кескин ўзгариб кетиши ҳам мумкин.

Тавҳид ҳақиқати - Аллоҳнинг барча китобларида уқдирилган, аждодларимиз асрлар давомида англаб етган ва имон келтирган Борлиқ ҳақиқати *Тавҳид*

*ҳақиқати*дир. ***"Тавҳид"*** сўзининг турли маънолари бор. Унинг лексик маъноси - ягоналик ва яхлитлик, диний талқини – фақат Аллоҳнинг ягона маъбуд (сиғинишга лойиқ ягона зот) эканлиги, тасаввуфий (ирфоний) талқини ҳақиқий (боқий) Борлиқ фақат Ҳақнинг Борлиғи эканлиги, илмий талқини дунёдаги жонли ва жонсиз, ҳаракатда ва сокинликда кўринган, ўтмиш, бугун ва келажакка оид нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, ягона манба ва маншага оидлиги, уйғунлиги ва яхлитлигидир. Бу талқинларнинг бирортаси бошқаларига зид эмас, миллий маънавиятимизда улар моҳиятан бир-бирини тўлдириб келадилар. Маънавият нуқтаи назаридан *Тавҳид ҳақиқатининг моҳияти* шундаки, ягона Аллоҳ иродаси билан биз кўриб турган Борлиқнинг ҳар бир узви, қисми, зарраси ўзгалари билан боғлиқ, ўзаро алоқадордир. Шу сабабли Борлиқдаги ҳар бир зарра ўзгариши бутун Борлиқни ўзгартиради, ҳар бир заррадаги ўзгариш эса, ўз навбатида, бутун борлиқдаги ўзгаришдан келиб чиқади. Бу умумжаҳоний қонуният аро *ер юзида халифа* қилиб яратилган Инсон зотининг алоҳида имтиёзи - унинг иродаси эркин, унга онгли ва ихтиёрий ҳаракат қилиш имкони берилган. *Ер юзида халифалик ҳам катта имтиёз, ҳам жиддий масъулиятдир* - онгли ва ҳур зот сифатида Инсон ҳар бир қадами учун бутун Борлиқ олдида масъул, ҳар бир хатти-ҳаракатига Аллоҳ олдида жавоб беради. **(***Тавҳид ҳақиқатининг* яна бир сирини эътироф этиш керак. Борлиқнинг ягоналиги шуни тақозо қиладики, ундаги энг ибтидоий маконда силжиш ҳаракатидан энг олий маърифат йўлларигача аслида бир пайтнинг ўзида мавжуд. Фақат инсоний мантиқнинг муайян даражада чекли эканлиги боис, биз тасаввур этган замон ва маконда ҳар бир нарса-ҳодисанинг ҳар бир ҳолати камолотнинг муайян босқичи доирасида тасаввур қилинади).

Имон – шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати, ўзи англаб етган ва тўғри деб билган Борлиқ ҳақиқатига самимий эътиқод. Имон-эътиқод маънавиятнинг ўзак томири бўлиб, шахс маънавияти имондан бошланади.Халқимиз тилида “имонсиз” деган сўз энг оғир ҳақорат саналиши бежиз эмас.

Илм – шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати ва миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, Борлиқ ҳақиқатини англаб етишда билимга, ақл ва тафаккурга таяниш. Илм нури билан ёришмаган эътиқод “тақлидий имон” ҳисобланади ва такаббурлик билан бирлашса ақидапарастликка олиб боради.

Масъулият - шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати, ўзи англаб етган ва тўғри деб билган Борлиқ ҳақиқатига амалда садоқат сақлаш, ҳар бир хатти ҳаракатининг оқибатини ўйлаб қадам қўйиш. Инсон эркин иродаси билан ўзини дунёдаги барча мавжудот учун масъул деб билса ва ҳар бир қадамини қўйишда ана шу масъулиятни ҳис қилиб турса айни шу шахс ҳақиқий маънавият соҳибидир.

Меҳр - шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати ва миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, инсонларга, табиатга, ҳар бир ишга беғараз фидоийлик билан муносабатда бўлиш. **Меҳр маърифати** 1) инсон кўнглини англаб етиш ва унга меҳр кўргазиш билан тарбиялаш, 2) инсоннинг бошқа бир инсонга бўлган беғараз муҳаббати туфайли худбинлик балосидан фориғ бўлиши ва Борлиқ ҳақиқатини англаб етиши (Алишер Навоий талқинида) маъноларини англатади.

Маърифат - маънавий камолот йўли, инсоннинг кўнгил кўзгусини сайқаллаш жараёни, яъни ҳар бир инсоннинг бутун онгли ҳаёти давомида ўзлигини англаш, ўзининг Борлиқ ҳақиқатига нисбатини аниқлаш ва ўз руҳини Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштириб бориш йўлидаги ҳаракати.

Маърифат йўллари (жумладан, **ибрат** ва **илм, риёзат** ва **меҳр**) орқали ифодаланувчи ўзликни англаш яъни кўнгил кўзгусини сайқаллаш жараёни миллий педагогикамизнинг асосий мавзуларидандир.

Ибрат - миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, эл-юрт эҳтиромига сазовор улуғ бир инсоннинг яшаш тарзи, эътиборга лойиқ хатти ҳаракатларидан намуна олиб, ҳаётда уларга риоя қилиш. Жумладан, ислом маънавиятида пайғамбаримиз Муҳаммад(сав) ибратлари етакчи аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга ибрат маърифатини кўр-кўрона тақлиддан фарқ қилиш жуда муҳим.

Риёзат - миллий маънавиятимизга хос маърифат йўлларидан бири, муайян эзгу мақсад йўлида барча қийинчиликларга бардош бериб, олға интилиш. Ислом минтақа маданияти доирасида риёзат маърифатини юксак мукаммаллик даражасига олиб чиқишда тасаввуф пири муршидларининг хизмати беқиёсдир.

Миллий маънавият – ҳар бир миллатга қайсидир бир тарзда алоқадор ҳисобланувчи ўтмиш, бугун ва келажакдаги барча шахслар маънавияти мажмуини муайян бир тизим сифатида англаниши. Миллий маънавиятимиз ҳам тарихий ҳодиса, ҳам замонавий воқелик бўлиб, миллатнинг ўтмиши, бугуни, ҳамда келажагини ўзида мужассам этади. У миллатимизнинг маънавий такомил жараёни билан боғлиқ ва нафақат аждодларимиз яратган маънавий меросда, балки бугунги кун ва келажак авлодларнинг ҳаётга муносабатида, орзу-истакларида ўз аксини топгандир. Унинг теранлиги ва кўлами аждодларимизнинг минг йиллар давомида тўплаган яхлит тарихий-маънавий тажрибаси билан белгиланади, шу билан бирга халқ донишмандлигининг турли суратларда зуҳур этиши ҳам у ҳақдаги назарий хулосаларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Маданият - инсон маънавий фаолиятининг ҳосиласи, маънавиятнинг моддий воқеликдаги излари. Бошқача қилиб айтганда, маънавият ботиний имкон бўлса, маданият - ушбу имкондан туғилган воқеъ мавжудлик. Шахс ва миллат маънавиятининг назарий масалаларини ўрганиш учун иложсиз равишда айни шу воқеъ мавжудлик далилларидан келиб чиқишга тўғри келади Маънавият соҳасига алоқадор барча фанларнинг мавзулари ҳам аслида ана шу мавжуд воқеълик далилларига таянган ҳолда ишлаб чиқилиши табиий ҳолдир.

Нафс – миллий маънавиятимиз анъаналарига биноан инсон руҳиятида моддий олам неъматларига мойилликни ифодаловчи тимсол-тушунча. Тасаввуф тариқатларида нафс тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилган ва унинг турли даражалари белгиланган.

Жон – биологик мавжудотлар (ҳайвонлар ва инсонлар) учун хос бўлган тириклик ва эркин ҳаракатга қобилликни англатувчи тимсол-тушунча.

Руҳ – илоҳий китоб (Қуръони карим) оятлари мазмунига биноан Аллоҳ томонидан фақат инсонга инъом этилган алоҳида ғайбий қувват бўлиб, бани одамнинг маънавий камолот касб этиш имкониятининг асосидир[1].

Нафси аммора – инсонни тамомила ўз жиловига олган, ҳарқандай оғир гуноҳларга бошловчи тарбияга бўйсунмаган, ўжар нафс. Қуръони каримнинг “Юсуф” сурасида эсланади.

Нафси лаввома – гуноҳ ишларга йўл қўйганда виждони қийнала бошлаган, ўз хатоларидан афсусланиш ҳисси пайдо бўлган инсон нафсининг ҳолати. Қуръони каримнинг “Қиёмат” сурасида эсланади.

[1] Нафс ва руҳ ҳақидаги қарашлар тарифида Алишер Навоийнинг асарларига таянилди. Қаранг: “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил, 26 июнь, с. 4.

Нафси мутмаъинна – Сокин мувозанатга эришган, хотиржам, гуноҳлардан тийилган нафс. Қуръони каримнинг “ал-Фажр” сурасида эсланади.

Нафси мулҳама – илҳомланган нафс, нафс тарбиясининг бу даражасига эришган инсонлар ўзгаларга беминнат ёрдам кўрсатишга мойил бўладилар, савоб учун вақтини, молини, меҳнатини аямайдилар.

Нафси марзия – рози бўлган нафс, Аллоҳ тақдир этган яхши-ёмон ишларга сабр қилувчи,турмуш оғирликларига бардошли, одамларнинг ноўрин муносабатларидан хафа бўлиб, гина қилмайдиган инсонлар нафси.

Нафси софия – дунё орзу-ҳавасларидан, обрў-эътиборга интилиш тамойилларидан буткул фориғлик даражасига эришган нафс, орифлик мақомига етишган пири муршидлар, валийлар нафси.

Нафси комила – пайғамбарлар нафси, оддий кишилар нафс тарбияси билан бу даражага етиши қийин, аммо комил нафс эгаси бўлишга интилиш маънавият нишонасидир[1].

Илоҳий билим - фақат Аллоҳга тегишли бўлган чексиз-чегарасиз, азалий ва абадий билим, инсонларга у ваҳий сифатида пайғамбарлар орқали нозил этилади. Уни инсон имон билан қабул қилади, рад қилиш ҳам, исбот қилиш ҳам инсон қудратида эмас.

Инсоний билимлар - инсонга яратилишдан берилган тафаккур ва таҳлил қобилияти туфайли ҳосил қилинган, нисбий, яъни номукаммал ва адашувлардан холи бўлмаган билим.

Ирфоний билим - тасаввуфда орифлик даражасига эришган суфийларга илоҳий илҳом орқали бериладиган билим, илми ладуний. Инсонлар тилида бошдан-оёқ фақат рамз ва ишоралар орқали ифодаланади.

Нақлий билимлар – илоҳий китоблар орқали ёки турли йўллар билан (асосан, ёзма манбаларда) ўтмиш аждодлардан етиб келган билимлар.

Мантиқий билим - инсон ўзи билган нарсаларини фикрий қиёслаш ва таҳлил қилиш орқали ҳосил қилган билимлари.

Назарий билим - мантиқий тафаккур натижасида эришилган билим.

Моделлаштириш – Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва ўзгаларга англатишга уринишнинг ўзига хос йўналиши, муайян тушунчалар ёки тимсоллар тизими воситасида мураккаб воқеликни соддалаштириб, яхлит шаклда ифодалаш.

Асотир тафаккур - Борлиқ моҳиятини идрок этишга дастлабки уриниш бўлиб, ибтидоий жамоа, қисман қадимги дунё ва ўрта асрлар одамининг фикрлаш тарзига хосдир. Бу даврларда аксарият инсонлар ғайб оламига оид нарса-ҳодисалар ва мавҳум тушунчаларни моддий воқелик ашёларидан ажратиб тасаввур қила олмайдилар, мушрикликнинг келиб чиқиш сабаби ҳам шунда.

Мантиқий тафаккур - асосий тафаккур турларидан, сабаб-оқибат боғланишлари асосида фикр юритиш.

Тимсолий тафаккур - асосий тафаккур турларидан, **бадиий тафаккур**нинг асоси, ўз фикрини рамз ва тимсоллар воситасида ифодалаш.

Тарихий тафаккур - асосий тафаккур турларидан, турли манбалар орқали аниқланган маълумотларга таяниб хулосалар қилиш.

Ирфоний тафаккур - мураккаб таркибли тафаккур турларидан, илоҳий илҳом, риёзат ва илоҳий жазба натижасида ҳосил қилинган ладуний билимларни тимсол ва ишоралар воситасида ифодалаш.

[1] Нафс даражалари ҳақидаги маълумотлар И. Останақулов мақолаларидан олинди.

Фалсафий тафаккур - мураккаб таркибли тафаккур турларидан, мантиқий ва эвристик тафаккур асосида Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга уриниш.

Эстетик тафаккур - мураккаб таркибли тафаккур турларидан, муайян ҳаётий ҳодисаларга гўзаллик ва ички уйғунлик талабларидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш.

Бадиий тафаккур – Кўпроқ **тимсолий ва эвристик тафаккур** асосига қурилган мураккаб таркибли тафаккур турларидан бўлиб, ижодкорнинг Борлиқ ҳақиқати ҳақидаги ўз тасаввурларини. ҳаётий ёки хаёлий тимсоллар тизими воситасида моделлаштириши. Бадиий тимсол ҳақиқатни ўзида тўлиқ ифодалашга даъво қилмайди, фақат унга ишора қилади.

Тавҳидий тафаккур - Инсониятга хос барча тафаккур турлари ягона Борлиқ ҳақиқатининг турлича жилолари эканини англаб етиб, эътироф этиш, ўзгача фикрловчи инсонни тушунишга интилиш, XXI аср одамининг фикрлаш тарзи.

Ислом дини – Муҳаммад(сав) га ваҳий орқали нозил бўлган Аллоҳнинг охирги китоби Қуръони каримда ва Пайғамбаримиздан етиб келган саҳиҳ ҳадисларда ўз ифодасини топган эътиқод тизими.

Мусулмончилик – Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги ҳамда Муҳаммад(сав) унинг охирги ҳақ пайғамбари эканлигига имон келтирган барча инсонларнинг ислом дини ҳақидаги тасаввурлари. Ислом маданияти тарихида ислом ақидаларини тушунишдаги турлича қарашларнинг мавжуд эканлиги ислом ва мусулмончилик ўзаро боғлиқ бўлган турли воқеликларни англатишини кўрсатади.

Ислом маънавияти – Охирги ва мукаммал илоҳий китоб бўлмиш Қуръони карим мазмунида ифодаланган маънавият тизими бўлиб, Инсон руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлашув сари интилишида ғайбий ҳидоят йўли ҳисобланади. Ислом дини ва маънавияти моҳиятан бошқа-бошқа нарсалар эмас, аммо инсонлар тасаввурида улар фарқ қилиши мумкин. Масалан, ислом динида қабул қилинган фарз ибодатлар ва ақидавий қоидалар бошқа тавҳидий динлардан фарқ қилади, аммо ислом маънавиятига кўра ҳар бир инсон ўз ақидаси ва Борлиқ ҳақиқати тўғрисидаги тасаввурларидан қатъи назар “ер юзидаги халифа” сифатида эҳтиромга сазовордир.

Илм-фан – шаклан маданият соҳасининг таркибий қисми, нақлий ва ақлий билимлар мажмуи, мазмунан турли иқтидор эгалари маънавиятининг самараси сифатида ташкил топган бўлиб, ўз мақсад ва аниқ ва табиий фанлар, иқтисод фанлари, ижтимоий-сиёсий фанлар, техника фанлари, маънавият соҳасига алоқадор фанлар каби турли йўналишлар ва тизимлардан иборат.

Аниқ, табиий ва техника фанлари -. инсоннинг моддий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган билимлар мажмуи, уларни аниқ билиш мумкин ва керак, тахминийлик бу ерда тахмин (гипотеза) даражасида қолади. Аммо бу билимлар доимо хусусий ҳодисаларга оид бўлиб,улар ёрдамида Борлиқ ҳақиқатини яхлит англаб етишга уриниш бефойда, уларга таяниб моддий воқеликдан ташқари чиқмоқчи бўлинса, тажовуз бўлади, адашувга олиб келади, ғайри илмга айланади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар - инсонлар аро муносабатларга оид билимлар. Бу соҳада қониқарли хулосаларга эришиш учун ҳам илоҳий, ҳам ирфоний, ҳам ақлий, ҳам нақлий билимларга таяниб иш юритиш керак бўлади. Бирортаси ҳисобга олинмаса, хатога йўл қўйиш эҳтимоли кўпаяди. Чунки аслида бу соҳадаги тушунчалар тарихан шаклланади. Уларни англаб етиш учун минтақа ва миллат тарихини, унинг маданий меросини чуқур ўрганиш зарур.

Санъат - Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва англатишнинг мустақил йўли, тахайюл ўйинлари воситасида Борлиқ ҳақиқатини моделлаштиришга уриниш.

Санъат маълум маънода инсониятнинг болалик одатидан ривожланиб чиққан. Бола ўйнайди, ўйин орқали ҳаётий кўникмалар ҳосил қилиб боради. Санъат турлари ҳам ўйнаб туриб ўргатади, унинг тимсоллари ҳаёт ибратларидир. Боланинг ўйини - беғараз. Катталарнинг ўйинига эса доимо ғараз хавф солиб туради. Аммо ҳақиқий санъаткор ўз ишига беғараз ёндошсагина, у ҳаёт ҳақиқатини уйғун акс эттира олади.

Тахайюл – (қадим Юнон терминологиясида "имагинация", русча "воображение"), Борлиқ ҳақиқатини англаб етиш ва англатишда асотир тафаккур, фалсафий ва бадиий тафаккурнинг асосий воситаси бўлиб, ижодкор шахснинг Борлиқ ҳақидаги ўз тасаввурларини хаёлий тимсолларда моделлаштиришини билдиради. Унинг моҳияти таниқли рус олими Я. Голосовкернинг "Логика мифа" китобида батафсил изоҳлаб берилган.

Ўйин – жонли мавжудотлар, (инсон ва ҳайвонлар) табиатига хос ихтиёрий ҳаракат тизими бўлиб, фаол дам олиш ва ҳаётий эҳтиёжларга мослашиш усули. Бола ўйнайди, ўйин орқали бола ҳаётни ўрганади. Спорт, адабиёт ва санъатнинг барча турларига ҳам маълум даражада ана шу тамойил хос бўлиб, инсон зоти улар орқали "ўйнаб туриб" жисмоний ва маънавий камол топиб боради.

Бадиий адабиёт – санъатнинг бир тури, инсон руҳини Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштиришга интилувчи асосий воситалардан бўлиб, миллий маънавиятмиз анъаналарида ибрат мактаби, меҳр парваришидир. Мумтоз адабиёт ўз моҳиятига кўра Борлиқ ҳақиқатининг ботиний сирларини зоҳирий тимсоллар воситасида мажозий ифодалаш қудратига эга.

Адабиётшунослик - Маънавият соҳасига алоқадор фанлар тизимига мансуб бўлиб, бадиий адабиётни Борлиқ ҳақиқатини бадиий тимсоллар асосида моделлаштирувчи сўз санъати сифатида ўрганади., Жаҳон ва миллий адабиётлар тарихи, адабий танқид ва адабиётнинг назарий масалалари бу фаннинг асосий мавзулари (предмети)ни ташкил этади.

Сунна босқичи – Тавҳид Ҳақиқатини бутун кўлами билан англаб етишнинг дастлабки поғонаси бўлиб, бу босқичда Пайғамбаримиз(сав) суннатларининг асоси бўлмиш ҳадис илми мукаммал даражага кўтарилди ва энг мўътабар олти ҳадис тўплами тузилди. Бу босқичнинг етакчи тамойили Ибрат маърифатида ифодаланади, яъни Сунна ибрат орқали эътиқод бўлиб, Муҳаммад (сав) ибрати асосида Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини, унинг чексиз қудратини, Халлоқи олам, яъни Борлиқнинг ягона яратувчиси ва эгаси эканлигини тан олиш ва бунга чин дилдан эътиқод қилишни англатади.

Ботиния – Ислом маърифатчилиги босқичида шаклланган Борлиқ ҳақиқатини идрок этишга оид 4 йирик йўналишнинг бири бўлиб, унинг асосида исмоилия бидъати ётади. Исмоилия бидъати тарғиботчилари ўзларининг мураккаб фалсафий тизимини ишлаб чиқиб, шу асосда билимларни зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) даражага ажратдилар. Зоҳирий билим авом учун мўлжалланган бўлиб, асосан шиа мазҳаби шариат аҳкомларига мос келарди. Ботиний билим эса фақат танланган тор доира - хослар орасидагина тарқалиши назарда тутилар ва борлиқни идрок этишнинг мураккаб фалсафий тизимидан иборат эди. Ботиний билимлар қомуси сифатида шуҳрат қозонган буюк мерос - X асрда яратилган 52 рисоладан иборат "Расоили иҳвон-ус-сафо ва хуллон ул-вафо" ("Пок биродарлар ва вафодор дўстлар рисолалари") мажмуаси бўлиб, бу мукаммал қомус исломгача ҳосил бўлган илмий-фалсафий меросни чукур ўзлаштириш асосида юзага келган бўлиб, минтақа илмининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатди. Ботиния йўналиши асосан исмоилия бидъатига боғлаб талқин этилса ҳам, аслида ўша

даврларда кўпчилик расмий ақидага мухолиф қарашлар шу ном остида умумлаштириб талқин қилинганлигини ҳам назардан қочирмаслигимиз керак.

Исмоилия бидъати - шиа мазҳабидан ажралиб чиққан диний фирқа бўлиб, бу фирқанинг шиалардан фарқи улар 12 имомдан фақат имом Жаъфар ас-Содиққача олти имомни тан олиб, еттинчи ва охирги имом сифатида Жаъфар ас-Содиқнинг катта ўғли отаси ҳаётлик пайтида ёш вафот этган Исмоилни ўлмаган, балки яширинган, қиёматда чиқиб келади деб эътиқод қилишади.

Шўубия ҳаракати – VIII-XI асрларга хос Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон ҳудудларида тарқалган сиёсий-мафкуравий йўналишнинг номи бўлиб, унинг 2 босқичи ҳақида гапириш мумкин. Биринчи босқичи ислом лашкари бу ўлкаларни фатҳ этиши билан боғлиқ бўлиб, сиёсий ҳокимиятда арабларларнинг маҳаллий халқлар устидан мутлақ ҳукмдорлик ўрнатиш, уларга паст назар билан қараш тамойилларига қарши қаратилган ҳаракат сифатида намоён бўлади ва Абомуслим қўшининг Умавийлар сулоласи устидан ғалабаси ва Аббосийлар халифалигининг ўрнатилиши, айниқса, халифа Маъмуннинг тахтга чиқиши билан якунланади. Иккинчи босқичи Ғазнавийлар салтанатининг ташкил топиши, Сомонийлар сулоласи ҳукмронлигининг барҳам топиши билан боғлиқ бўлиб, энди эроний зодагонлар гуруҳининг туркий сулолалар ҳукмронлигига қарши норозилиги билан ифодаланиб, Унсурийнинг сиёсий шеърияти ушбу қарашларни исломий асосда рад қилишга қаратилган эди. .

Тасаввуф - 2017 йилда нашр этилган "Ислом. Энциклопеддия" китобида "исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот" деб таъриф берилган. Ушбу таърифга биргина ўзгариш киритиб," исломда" сўзи ўрнига "мусулмон минтақа маданиятида" деб ёзилса, таъриф қониқарли тус олади. Чунки "тасаввуф" атамаси на Аллоҳнинг китобида, на Муҳаммад (сав) ҳадисларида тилга олинмаганлиги жиҳатидан "исломда" дейилса, дуруст бўлмайди. Мусулмон минтақа маданияти ривожида "тасаввуф" атамаси бирданига пайдо бўлгани йўқ. Ушбу атама "суфий" атамаси асосида шаклланган бўлиб, кейинги атама фақат IX асрдан истеъмолга кирган. Аммо маънавий баркамолликка интилиш ҳаракати мусулмон оламида VII асрдан бошланган бўлиб, ушбу йўлга кирганлар даставвал "зоҳид" аталган ва ҳаракатнинг ўзи "зуҳд" аталган. VIII асрга келиб “ишқи илоҳий” тушунчаси шакллана бошлади ва Робияйи Адавия томонидан маънавий баркамолликка эришиш йўли ягона Аллоҳга муҳаббат асосида бўлиши ғояси олға сурилди. Кейинроқ "ирфон" (ягона Аллоҳ сирларини англаб етиш) тушунчаси шаклланган, тасаввуф таълимоти мукаммаллик касб этди.

Зуҳд – зоҳидлик, моддий олам ҳирсу-ҳавасларидан буткул юз ўгириб, Аллоҳ ибодатига берилиш, таркидунёчилик, тасаввуф тамойили тарихида биринчи босқич.

“**Ишқи илоҳий**” - “ишқи ҳақиқий” ҳам дейилади, тасаввуф ирфонида Ҳақ ишқи, Борлиқ ҳақиқатига фидоийлик. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг иккинчи қисми, 10-бобида ишқни 3 қисмга бўлиб, суфийларнинг Ҳақ жамолига ошуфталигини “сиддиқлар ишқи” деб атайди.

Ирфон – тасаввуф назарияси, Борлиқ ҳақиқатини англаб етишнинг тасаввуфий йўналиши, Ҳақиқат ишқи алангасига тик кириб бориб, нафсни худбинлик зангидан поклаш ва шу орқали шахснинг Олий Ҳақиқатга дахлдорлигини амалда таъминлаш йўли.

Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичи - миллий маънавиятимизнинг Ислом минтақа маданияти доирасидаги такомилининг учинчи босқичи ва етакчи тамойилларидан бири, Тавҳид Ҳақиқатининг ирфоний таърифини шакллантирган

тасаввуф тамойили тарихида айни XII-XIII асрлар кенг халқ оммасини ўзига жалб эта бошлаган улуғ тариқатлар замони бўлди ва бу йўналишнинг энг мукаммал назарий асослари ҳам шу асрларда яратилди. **Риёзат маърифати**нинг энг юксак намуналарини кўрсатган ўз замонасининг маънавий қутблари - улуғ пири муршидларнинг аксарияти шу асрларда яшаб ўтдилар.

Шариат – (араб тилидаги луғавий маъноси "йўл"). Ислом динида барча мусулмонлар риоя қилиши шарт бўлган умумий қонун-қоидалар. Тасаввуф йўлини танлаган суфийлар учун риоя қилиш шарт бўлган биринчи босқич

Тариқат – араб тилида "тариқ" сўзининг луғавий маъноси ҳам "йўл" бўлиб, "тариқа(т)"нинг тасаввуфий маъноси маънавий камолот сари интилган суфийнинг махсус танлаган йўлидир. Бу йўл тавба мақомидан бошланиб, муриднинг бир улуғ пири муршидга қўл беришидан **("фано фи-ш-шайх"** мақоми) то **"фано фи-л-лоҳ**" даражасига етишгунича давом этади. Мажозий маънода бу босқичдаги пири муршиднинг вазифасини кулолга, муридни унинг қўлидаги лойга, "тавба" мақомини лойнинг хас-хашакдан тозаланишига қиёс қилиш мумкин. Барча гуноҳларидан астойдил тавба қилган муридни сопол ёки чинни ясашга ярайдиган лой деб тасаввур қилсак, пири муршид унга ишлов бериб, яхши бир кўза ясайди, унга жило бериб, "офтобда қуритгач", пишириш учун "хумдон"га солади.

Маърифат(уллоҳ) – тасаввуфда **тариқат**дан кейинги учинчи босқич бўлиб, "Аллоҳ(Ҳақ)ни таниш" маъносини билдиради ва **"фано фи-л-лоҳ"** мақомидан **"бақо би-л-лоҳ"** мақомигача бўлган маънавий такомил даражасини англатади Юқоридаги мажозий ўхшатишни давом эттирсак, "**маърифатуллоҳ**" босқичини хумдонга қиёс этиш ўринли бўлиб, бу "хумдон"нинг олови эса "**ишқи илоҳий**"дир. Ана шу муқаддас ишқ олови бутун борлиғини чулғаб олиб, инсон руҳиятидаги нафс йўлига мойиллик ва худбинлик "чирки"ни буткул куйдириб ташлаган бўлса, суфий "**ҳақиқат**" босқичига кўтари-либ, **орифлик** мақомига эришади. Тасаввуфда фақат **орифлик** мақомига эришган суфийгина пири муршид хирқасига ноил бўлиши мумкин.

Ориф – ладуний билим эгаси, Борлиқ ҳақиқатини моҳиятан англаб етган, ўз руҳиятида Борлиқ ҳақиқати билан мукаммал уйғунлик ҳосил қила билган шахс, тасаввуфда маънавий камолотнинг олий даражаси бўлмиш "Ҳақиқат" босқичига кўтарилган солик. Орифлик мақомига етишиб устози томонидан муридлар-ни мустақил тарбият қилиш ҳуқуқига мушарраф бўлган ориф инсон **пири муршид** аталади ва у муайян тариқат силсиласида алоҳида ҳалқа соҳиби бўлади.

Олим – Ўқиш-ўрганиш, устоз-дан таълим олиш йўли билан эришиладиган билим эгаси, зоҳирий (хоҳ диний, хоҳ дунёвий) илмларни ўзлаш-тирган инсон.

Илоҳий файз – **(1)** Қуръони каримнинг "Нур" сураси 35-оятида ишора этилган Аллоҳ "нури", **(2)** Аллоҳнинг алоҳида иноятига ноил бўлган хос инсонларга насиб қиладиган маънавий қувват, **(3)** илми ладуний (мукошафа илми) баъзан шунга

Ирфоний билим - тасаввуфда орифлик даражасига эришган суфийларга илоҳий илҳом орқали бериладиган билим, илми ладуний. Инсонлар тилида бошдан-оёқ фақат рамз ва ишоралар орқали ифодаланади. **Илоҳий файз** – **(1)** Қуръони каримнинг "Нур" сураси 35-оятида ишора этилган Аллоҳ "нури", **(2)** Аллоҳнинг алоҳида иноятига ноил бўлган хос инсонларга насиб қиладиган маънавий қувват, **(3)** илми ладуний (мукошафа илми) баъзан шунга тенглаш-тирилади.

Илми ладуний (ладуний билим) - иродасини тўлиқ Борлиқ ҳақиқатига бўйсундирган алоҳида инсонлар мушарраф бўладиган, Аллоҳ иноя-ти билан эришиладиган билим (Имом Ғаззолий уни "мукошафа илми" яъни кашф этиладиган илм деб атайди). Бу илмга ноил бўлганлар валийлик мақомига эришган карома-тли зотлар ҳисобланади.

тенглаш-тирилади.

Ғайб олами – инсон ўз ақли ва тафаккури, ҳаётий тажрибалари ва махсус ускуналар ёрдамида била олмайдиган, фақат илоҳий китоблардаги махсус хабарлар ва ишоралар орқалигина бизга маълум бўлган воқелик. Материалистик дунёқара-нинг чекланганлиги ғайб оламини тан олмасликда яққол кўзга ташланади.

Риёзат - миллий маънавияти-мизга хос маърифат йўлларидан бири, муайян эзгу мақсад йўлида барча қийинчиликларга бардош бериб, олға интилиш. Ислом минтақа маданияти доирасида риёзат маърифатини юксак мукаммаллик даражасига олиб чиқишда тасаввуф пири муршидларининг хизмати беқиёсдир.

Шариат - Барча мусулмонлар учун умумий қонун-қоидалар

Тасаввуф тариқатлари - тасаввуфнинг исломга эмас, мусулмончиликка оид ҳодиса эканлиги тасаввуф тариқатларининг кўплигидан ҳам маълум бўлади.

Тариқатчилик - тасаввуф тариқатларининг шаклланиши мусулмонларнинг маънавий баркамолликка интилиш йўлидаги уринишлари натижаси бўлса, "тариқатчилик"ни ушбу уринишларга фақат ташқи, шаклий жиҳатдан эргашиш оқибатида кейинги асрларда пайдо бўлган ҳодиса сифатида баҳолаш керак бўлади.

“Дунёвий адабиёт” – асарлар мавзуларининг моддий дунё ҳою ҳавасларидан жуда ҳам узоқ кетмаган, ундаги барча тасвир ва талқинлар моддий дунё чегараларидан ташқари чиқмайди, бу давр шоирлари Аллоҳнинг ягоналиги, унинг илми ва қудрати чексизлиги, Халлоқи олам ва жами башарият Парвардигори (яъни йўқдан бор қилувчи, ризқ берувчи ва Ҳақ йўлида тарбият қилувчи) эканлигини билсалар ва тан олиб эътиқод қилсалар-да, ҳануз ғайб олами билан моддий олам орасидаги муносабатлар хусусида жиддий тафаккурга берилиш уларга хос эмас.

Ҳабсиялар – маҳбусликдаги шеърлар.

“Асрори илоҳий адоси” (“илоҳий сирларни баён этиш”) - инсон руҳиятидаги илоҳий асрор пардаларини бирма-бир очиб кўрсатиш.

Ирфон – ўзликни англаш

Ирфоний адабиёт – мажозий тасвирни ирфоний туйғулар тараннуми билан уйғунлаштириб, шеъриятга жиддий мазмунларни сингдириш, уни инсоннинг маънавий баркамоллиги, инсон руҳининг Борлиқ ҳақиқати билан уйғунлигини таъминлаш йўлида хизмат қилдириш. Бу тушунча **тасаввуфий адабиёт**ни тўлиғича қамраб олади, аммо **ирфоний адабиёт тасаввуфий адабиёт**га нисбатан кенгроқ тушунча. Масалан, Саноий, Анварий, Хоқоний Низомий, Саъдий, Амир Хусрав, Ҳофиз, Навоий, Лутфий, Атоий, Амирий шеъриятида ирфоний туйғулар куйланади, аммо уларнинг асарлари **тасаввуфий адабиёт** доирасига кирмайди. Буни Амир Хусрав ва Навоий аниқ назарий асослаб беришган.

“Хамса” (аниқроғи “Ал-хамсату”) – ислом анъанасида бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намоз, Навоий "Хамса" туркумини шунга қиёс қилади. Ислом маънавиятида хушуъ билан ўқилган беш вақт намоз мўминнинг меърожи деб қаралади. Ушбу кейинги мазмунда **“Хамса”** достонлар туркуми — инсоннинг руҳий (шуурий ва ҳиссий) тарбияси, маънавий камолот поғоналаридан бирма-бир кўтарилиши учун мадад бериш, унга асл инсонийлик йўлини ҳидоят этишга мўлжалланган асарлар мажмуаси деб талқин қилиш мумкин.

“Ишқи ҳақиқий” – Аллоҳга муҳаббат, яъни “*ишқи илоҳий*” маъносида бўлиб, Ҳақ васлига интилиш, фақат унинг хаёли билан яшаш.

“Ишқи мажозий” – инсонларнинг бир-бирига, фоний дунё ашёларига бўлган ишқи сифатида талқин этилди.

Авом ишқи – ўз шаҳвоний нафсини енгиб ўтмаган, маънавий баркамоллик касб этмаган оддий одамлар ишқи.
Хавос ишқи – ўз нафсини енгиб ўтиб маънавий баркамолликка эришган ориф инсонларнинг пок ишқи.
Сиддиқлар ишқи – авлиёуллоҳ суфийлар ишқи.
Ринд тимсоли – ҳурфикрли, дунё сирларини англашга интилган, ҳеч бир мутлақ ҳақиқатлар қолипига асир бўлмаган, озод инсон тимсолидир.
Мухтараъ – шоирнинг ўз ихтироси.
Достон – бу тушунча турли маъноларга эга бўлиб, мумтоз адабиётда а) ижтимоий дидактик новеллалар мажмуи, б) қаҳрамонлик эпопеялари, в) насрий ёки шеърий халқ романлари маъноларини англатса, ҳозирги замон эрон адабиётида насрий ҳикоя маъносини ҳам билдириши мумкин.

Илова №1:

Шоислом Шомуҳамедов ва форс адабиётини ўрганиш муаммолари

Устозимиз Шоислом Шомуҳамедовнинг илмий-ижодий фаолияти кенг қамровли бўлиб унинг жаҳон адабиёти, маданияти ва сиёсатининг долзарб муаммолари, ўзбек, озарбайжон, ҳинд, рус ва бошқа халқлар адабиёти намояндаларига бағишлаб ёзган китоб ва мақолалари оз эмас. Устознинг 2001 йилда тузилган библиографияларида устознинг илмий, илмий-оммабоп, бадиий асарлари ва таржималарининг умумий миқдори 500дан ошиб кетган. Бунга қўшимча янги асрнинг илк 6 йилида устоз яна бирнеча китоб ёзиб нашр эттирдилар.

Биз бу сафар устознинг фақат форс адабиётини ўрганиш муаммоларига бағишланган асарларига қисқача тўхталиш билан чекланамиз, зеро Шоислом Шомуҳамедов илмий фаолиятининг асосий қисмини шу мавзудаги тадқиқотлар ташкил қилади. Эроний тиллардаги адабиёт тарихини агар уч катта даврга бўлсак, уларнинг биринчиси – “Авесто” ва қадим форс тилидаги тошбитиклардан VIII-IX асрларга мансуб суғд ва паҳлавий тилларидаги бой адабиётгача қамраб олган даврда эроний тилли халқлар тарихи бизнинг аждодларимиз тақдири билан аралашиб-туташиб кетган. Иккинчиси, асосан X-XV асрларда гуллаб-яшнаган форс-дарий мумтоз адабиёти бўлиб, ислом минтақа маданиятининг муҳим узвий қисми сифатида араб ва туркий тилдаги мумтоз адабиёт билан мавзу, услуб ва мазмунан умумий илдизларга эга ва шу сабабли бизнинг миллий маънавиятимизга таъсири беқиёсдир. XVI асрдан бошланиб бугунги кунгача давом этиб келаётган ларни учинчи даврда эрон адабиёти энди асосан нафақат бизга қардош тожик адабиётидан, балки кўп ўринда ҳинд ва афғон форсизабон адабиётидан ҳам фарқ қилувчи ривожланиш йўлидан кетганлиги маълум. Биринчи икки давр бизга бевосита алоқадор бўлганлигидан олимларимиз уларга алоҳида эътибор қаратиб келишади. Учинчи даврни ўрганиш эса асосан умумжаҳон адабий ҳаётидан бохабарлик нуқтаи назаридан зарур бўлади.

XX асрнинг 20-30 йилларига қадар халқимиз Алишер Навоий ва Бобир, Машраб ва Амирий, Фурқат ва Муқимийлар ижодига қанчалик меҳр қўйган бўлса, Фирдавсий ва Унсурий, Низомий ва Амир Хусрав, Саъдий ва Ҳофиз, Жомий ва Бедиллар адабий меросини ундан кам қадрламас эди. Бошланғич мактаб болалари Саъдий “Гулистон”и ва Ҳофиз ғазалларини Навоий шеърияти билан тенгма-тенг ёд олар эди. Шоислом Шомуҳамедов илк болалик чоғларида ана шу муҳитдан озми-кўп баҳраманд бўлиб улгурган. Аммо 1937-38 йиллардаги миллий зиёлиларимиз бошига ёпирилган шафқатсиз қатағонлардан кейин 20 йил давомида на ўзимизнинг аждодларимиз, на Саъдий ва Ҳофизлар меросига

жиддий эътибор имконияти бўлгани йўқ. Бўлғуси шарқшунос-эроншунос олим илмга кириб келабошлаганда аҳвол шундай эди. Собиқ Шўролар раҳбариятининг етакчи мақсади шарқшунослик илмини тўлиғича коммунистик мафкурага ва совет экспансионизмига хизмат қилдириш эди. Бу даврда урф бўлган мавзуларни бугун эсласак, ёшлар кулади. Масалан, фалон мамлакат адабиётида Ленин тимсоли, ёки Ленин ғояларининг тараннуми. Агар мумтоз адабиётга доир иш бўлса, фалон шоир ижодида ҳурфикрлик (яъни, даҳрийлик) мотивлари ва ҳ.к. Шомуҳамедов ҳам номзодлик мавзусини давр талабига мувофиқ равишда Эрон компартиясининг (“ҳезби туде”) раҳбарларидан бирининг ижодини тадқиқ этишга бағишлади. Аммо шеърият шайдосининг кўнглини мумтоз адабиёт банд этган эди. Шу сабабли тадқиқот мавзусига оид бир мақола чиқарса, мумтоз шеъриятга оид уч мақола чоп эттирар эди. Олимнинг бахтига 1956 йилдан сиёсий вазият бироз ўзгара бошлади. “Сталин шахсига сиғиниш” касалининг фош қилиниши ва сиёсий қатағонлар бўронининг бирмунча тинишидан унумли фойдаланган фидойи олимларимиз дарҳол улуғ аждодларимиз меросини астойдил ўрганишга киришиб кетишди. Навоий асарларининг танқидий матнлари тузила бошланди, ўзбек мумтоз адабиёти анталогиялари нашрга тайёрланди. Айни шу имконият Шоислом Шомуҳамедовга ҳам қўл келди. 1956 йилнинг ўзида “Шарқ юлдузи” журналида кетма-кет Абулқосим Фирдавсий, Мирзо Абдуқодир Бедил, Муслиҳиддин Саъдий ҳақидаги дастлабки мақолалари босилиб чиқди.

Шоислом Шомуҳамедов олим сифатидаги илмий-ижодий фаолиятини баъзи тенгдошларига нисбатан анча кеч бошлаган. Унинг биринчи мақолалари муаллиф 30 ёшдан ошганда матбуот юзини кўра бошлади. Сабаби, унинг авжи йигитлик чоғи иккинчи жаҳон урушининг бошланишига тўғри келиб, олимликдан олдин ҳарбийлик фаолияти билан шуғулланишни давр тақозо қилган эди. Ҳарбий командир ҳаракатдаги армия сафидан қайтиб 26 ёшида шарқшунос бўлиш орзусида ўқишга кирган бўлса, орадан 10 йил ўтиб, 1957 йилда фан номзоди бўлди.

Биз 1961 йили ўқишга кирганимизда Шоислом Шомуҳамедов Шарқ факультетининг декани эдилар. Устоз бизга 2-курсда «Форс мумтоз адабиёти», 4-курсда «Аруз, қофия ва бадиий санъатлар» бўйича курс ўқиб, илмга чанқоқ талабаларни мумтоз шеъриятга ошиқу шайдо қилиб қўйдилар. Устоз 1956-1969 йиллар ичида ғоят баракали илмий-ижодий фаолият олиб борди. У ҳечқачон тор академизмга берилган эмас. Форс мумтоз адабиёти намояндалари ҳақида мақолалар эълон қилиш билан бир пайтда Умар Хайёмдан, Бедилдан, Жомийдан, Рудакийдан, Фирдавсийдан, Саъдийдан, Ибн Синодан, Бобо Тоҳирдан, Носир Хусравдан, Низомийдан, Амир Хусрав Деҳлавийдан, Фонийдан рубоийлар, ғазаллар, маснавийлар, достонлар таржима қилиб пешма-пеш ҳам вақтли матбуотда, ҳам алоҳида китоблар ёки тўпламлар таркибида нашр эттириб борди. Рудакий ва Фирдавсий, Умар Хайём ва Саъдий, Ҳофиз ва Амир Хусрав, Жомий ва

Бедил асарларининг таржималарини тўплаб қайта-қайта нашр эттирди ва уларга сўзбошилар ёзди. Бу масалада устознинг 1957-1960 йиллари Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти қошида тузилган Шарқ адабиёти таҳририятини бошқаргани яхши имконият берди. 1958 йилда биринчи марта Умар Хайём рубоийлари асл матни ва ўзбекча таржимаси билан нашр этилди. Ўша йили олим ташаббуси билан Ҳофиз ғазаллари ҳам икки тилда нашр этилди. Олим таржимонлик ва ноширлик фаолиятини умр бўйи тўхтатгани йўқ деса бўлади. Халқ орасида, айниқса, унинг илк нашр эттирган Умар Хайёмдан таржималари ниҳоятда машҳур бўлди. Бу асар турли шаклларда, форс, рус, ўзбек, инглиз тилларида ўнлаб марта қайта нашр этилди.

1962-1963 йилларда олимнинг Умар Хайём ҳақида, Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва ижоди мавзусида илк рисолалари босилиб чиқди. 1963 йили IX - XVIII асрларда яшаб ўтган Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Жомий ва Бедил каби бирқатор форс мумтоз адабиётининг улуғ намояндалари ҳаёти ва ижодий фаолияти билан янги давр ўзбек китобхонини илк бор таништирувчи “Форс-тожик адабиёти классиклари” номли 200 саҳифалик асар чоп этилди. 1958 йилда нашр этилган Умар Хайём рубоийлари ва Ҳофиз ғазалларидан таржималар билан бирга бу китоб ўша давр авлоди учун кўзга тўтиё бўлди. 1959-1960 йилларда нашр этилган Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонлари ва “Хамса”сининг тўлиқ нашрлари билан олдинма-кетин бу китобларнинг қўлимизга тегиши бирдан яна бизга ўзлигимизни қайта топиб ола бошлагандек таъсир қилди. Биз Шарқ факультетининг ёш талабалари ҳали-ҳали ўша мўжазгина китобни дилда ажиб бир ҳаприқиш билан эслаймиз.

Кейинги йилларда Саъдий Шерозий (1964 йил), Ҳофиз Шерозий (1965 йил) ҳақида алоҳида рисолалар эълон қилинди. Устоз ҳозирги замон форс шоирлари Маликушшуаро Баҳор, Эҳсон Табарий кабилар ижодий мероси бўйича ҳам қатор тадқиқотлар, оммабоп адабий портретлар яратиб, Ираж Мирзо, Лохутий, Жола шеърларидан, Эрон халқ эртакларидан таржималар чоп эттирдилар. Ва ниҳоят, 1968 йилда қарийб 20 йиллик илмий-ижодий меҳнатлари самараси сифатида устознинг “Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққиёти” аталмиш 432 саҳифали салмоқли монографиялари нашрдан чиқди. Кейинги йили ушбу мавзудаги докторлик тадқиқоти муваффақият билан ҳимоя қилинди. Устозимиз 70-йиллардаёқ филология фанлари доктори, профессор, Миллий университетнинг илмий ишлар бўйича проректори, фақат Ўзбекистон эмас, балки жаҳонга машҳур аллома, халқаро мукофотлар соҳиби бўлиб етишган эдилар. Аммо бу олий мартабалар ҳечқачон Шоислом Шомуҳамедовни ўзига маҳлиё қилиб қўйган эмас. Устоз ўзи эришган барча мавқедан, декан ва проректорлик лавозимларидан фақат шарқшунослик илмини ривожлантириш, мамлакатга етук шарқшунос кадрлар етказиб бериш мақсадида фойдаландилар. 70-80 йиллар орасида

Москвада ўнлаб ўзбек аспирантлари форс, араб, ҳинд тиллари ва адабиёти бўйича назарий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлдилар, номзодлик илмий даражаларини олдилар.

Олим ва илм ташкилотчиси бу ишлар билан ҳам чекланлангани йўқ. Авжи докторлик тадқиқотини якунлаш устида қизғин иш бораётган пайтда декан Шоислом Шомуҳамедов ташаббуси билан Шарқ факультетида Шарқ халқлари адабиёти кафедраси ташкил қилинди ва ушбу кафедра қошида буюк форсизабон шоир Амир Хусрав Деҳлавий ижодини комплекс ўрганиш маркази бунёд этилди. Бу иш ўша замон шароитида катта ютуқ эди. Бугунги кунда Амир Хусрав Деҳлавий ижодининг Алишер Навоийга баракали таъсирини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо 70-йилларгача Ҳиндистон, Тожикистон ва Озарбайжонлик баъзи олимларнинг озми-кўп уринишларини айтмасак, ҳали бу улуғ шоир ижоди жаҳон илмида етарли ўрганилган эмас эди. Устоз бошлаган иш катта ҳосил берди. 70-80 йиллар ораси тахминан 10-15 йил мобайнида бу мавзуда ўндан ошиқ номзодлик, қатор докторлик диссертациялари ёқланди. Бирнеча махсус тўпламлар, рисолалар, салмоқли тадқиқотлар эълон қилинди, шоир асарларининг илмий-танқидий матнлари босилиб чиқди. Устознинг ўзи бу дунёдан ёш кетган шогирди Босит Мусаев билан ҳамкорликда шоир ҳақида илк рисола чиқарди, кейин Амир Хусрав асарларидан танланган бирнеча тўпламларни ўзбек ва рус тилларида нашр эттирди, гўзал илмий мақолалар эълон қилди.

Шоислом Шомуҳамедов ташаббуси билан амалга оширилган яна бир катта савобли иш Абулқосим Фирдавсийнинг буюк «Шоҳнома» асарини ўзбек тилида жаранглатиш бўлди. Эрон ва Турон халқлари тарихининг бадиий солномаси сифатида шуҳрат таратган бу китобни ўтган асрларда ҳам ўзбекчалаштириш ҳаракатлари бўлган, аммо улар соддалаштирилган насрий вариантлар эди. Энди бу асарнинг 3 жилдлик шеърий таржимасига эга бўлдик. Унинг биринчи жилди – асар бошидан то Кайхусрав подшоҳлигигача деярли 8 минг байт достонлар матни тўлиқ Шоислом Шомуҳамедов шеърий баёнида берилган. Кейинги икки жилд таржимасида олим Назармат, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборов каби шоир дўстлари ёрдамга жалб этилган. Албатта, уларни қадим форс тили нозикликларидан, Эрон ва Турон тарихий воқелиги ва Фирдавсий тасвиридаги ўзига хосликлардан ҳар томонлама хабардор қилиб, тавсиялар бериб туриш яна мутахассиснинг ўзига қолган эди. Чунки бу катта ишнинг асосий илмий консультанти профессор Нури-Муҳаммад Осмонов Москвада, ҳар доим у кишига мурожаат қилиш қийин. Шу жиҳатларини ҳисобга олсак, Шомуҳамедов бу ўринда фақат таржимон эмас, балки билимдон тадқиқотчи сифатида ҳам ўзлигини намоён қилган эди. 60 минг байтли асардан 20 минг байтдан ошиғи танлаб таржима қилинган бўлса, шундан 10 минг байтдан ортиқроғи устоз қаламига мансубдир.

“Шоҳнома” ўзбек тилида 1975-1977 йиллари босилиб чиқди. Шоислом Шомуҳамедов шундан кейин ҳам “Хазиналар жилоси” (1981

йил, 400 саҳифа), “Китоб-офтоб” (1983 йил, 112 саҳифа), “Шарқ тафаккури хазинасидан” (1986 йил, 128 саҳифа), “Инжулар уммони” (1988 йил, 402 саҳифа), “Форс-тожик адабиёти тарихидан қисқача курс” (ўқув қўлланма, 1-китоб, 112 саҳифа, 1987 йил; 2-китоб, 104 саҳифа, 1992 йил), “Шоҳ китоб ва унинг муаллифи” (1992 йил, 80 саҳифа), “Фидоийлар” (эсдаликлар, 2001 йил, 110 саҳифа), Жомийнинг “Искандар хирадномаси” достони таржимаси (1978 йил, 125 саҳифа), қатор шеърий ва насрий асарлар, рубоийлар, жумладан, 2003 йилда “Фидоийлар ва рубоийлар” (218 саҳифа), 2004 йилда “Форсий шеъриятнинг асосий шакллари”(76 саҳифа) ва 2006 йилда “Абулқосим Фирдавсий” (72 саҳифа) китобларини нашрга тайёрлаб эълон қилдилар. Бир сўз билан айтганда, улуғ устоз ярим аср тинмай илм ва ижод билан шуғулланиб, 50 йил давомида форс-тожик мумтоз адабиёти ва ҳозирги замон эрон шоирларининг ижоди билан кенг кўламда ўзбек халқини таништиришда давом этди. Шу мақсадда жуда катта миқёсда илмий тадқиқот, илмий ишларга раҳбарлик, ташкилотчилик, кадр тайёрлаш, бадиий таржима ва таҳрир, нашр ишлари билан бевосита шуғулланиб, Умар Хайём, Фирдавсий, Ҳофиз, Амир Хусрав, Маликушшуаро Баҳор каби қатор таниқли форс шоирларининг асарларини ўзбек тилида қайта-қайта нашр эттирди. Унинг таржималаридаги Умар Хайём рубоийлари жозибаси барчани ўзига мафтун қилиб, тилларда ёд бўлиб кетди, ўнлаб қайта тўлдирилган нашрлари чиқди. Бугунги кунда нафақат зиёлиларимиз, балки бутун ўзбек халқи Рудакий ва Унсурий, Фирдавсий ва Носир Хусрав, Низомий ва Деҳлавий, Саъдий ва Хофиз, Убайд Закоий ва Жомий, Умар Хайём ва Бедил, Жалолиддин Румий ва Фаридиддин Аттор каби улуғ шоирларни Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Яссавий ва Навоий, Бобур ва Машраб сингари ўзбек шоирлари қаторида санайди ва ўзиники деб билади, уларнинг шеърий ҳикматларини ёд олиб, ғазалларини қўшиқ қилиб айтади. Шуларнинг ҳаммаси ибтидосида Шоислом Шомуҳамедовнинг холис ва моҳирона илмий-ижодий фаолияти ётади десак муболаға бўлмайди.

Мен ўзимнинг 70 йиллик ҳаётий тажрибам билан шундай хулосага келдим-ки, икки хислат бир инсонда бирлашса, ўша одамнинг умри узаяр экан, бу икки хислат – бағрикенглик ва холис илм йўлида тўхтовсиз изланиш. Улуғ устоз Шоислом Шомуҳамедов 85 ёшга кирганларида ҳам ижоддан чарчамаган эдилар.

Ёзилганларга хулоса ясашдан олдин бир мулоҳазани қайд этиб ўтиш лозим кўринади. Москвада аспирантлик чоғларимизда катта илмий давраларда бўлиб, жиддий назарий баҳсларни кузатганда, баъзан “*нега бизнинг устозлар мумтоз адабиётни тадқиқ этишда оммабопроқ йўл тутишади, чуқур назарий изланишлар олиб боришмайди*”, деган савол кўнгилдан ўтарди. Дарҳақиқат, ўша даврларда адабий манбашунослик ва матншунослик соҳаларида кўп ишлар қилинди, мумтоз адабиётнинг улуғ намояндалари ҳаёти ва ижоди кенг ўрганилди, аммо бу адабий мероснинг

ички сирларини теран очиб берувчи назарий тадқиқотлар кўп ўтказилмади, баъзан бу соҳада қилинган ишлар ҳам анчайин юзаки чиқиб қолди. Бунинг сабаблари анча кейин, юртимиз мустақилликка эришиб, илгари мавҳум кўринган кўп нарсалар ойдинлаша бошлагач аён бўлди. Ҳозир мулоҳаза қилиб кўрсак, XX – XXI аср бошларида халқимиз уч босқич маърифатпарварлик ҳаракатини бошидан кечирибди. Биринчиси, ўтган аср бошидаги жадидларимиз маърифатпарварлиги бўлиб, охирги 200-300 йил мобайнида миллатимиз бошида уюлган жаҳолат зулматини енгиб ўтишга қаратилган экан. Бу ҳаракат 30-йилларга келганда большевизм қатағонига учраб узилиб қолди. Иккинчи маърифатпарварлик тўлқини, юқорида тилга олганимиз, сталинизм асорати бартараф бўлгач, 50-йиллар охири - 60-йиллар бошларида янгиланди. Бу тўлқин яна бизни – даҳшатли қатағонлар ва мафкуравий истибдод зарбалари остида манқуртлашабошлаган авлодни - ўзлигимизга қайтариш, асл маънавий илдизларимиздан баҳраманд бўлиш имконини беришга қаратилган эди. Аммо бу давр расмий сиёсатининг буқаламунлиги шунда эдики, эркинлик дарвозалари тўлиқ очилган эмас эди, аждодларимизнинг яхлит маънавий мероси мафкуравий зўравонлик кучи билан сунъий равишда прогрессив оқим ва реакцион оқимга бўлиниб, бири оқланиши ҳисобидан, албатта, иккинчиси қораланиши шарт бўларди. Бундай шароитда ҳақиқий ва теран назарий изланишлар олиб боришнинг аслида иложи йўқ эди ва буни катта авлод яхши тушунарди. Учинчи, ҳақиқий ва ҳаққоний маърифатпарварлик оқими Ўзбекистонда фақат мустақиллик шабадаси билан бошланди. Энди халқ қўлига Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар ҳақиқати, Имоми Аъзам, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Ғаззолий, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Ахрор Валий, Махдуми Аъзам ва бошқаларнинг табаррук маънавий мероси етиб кела бошлади. Булардан хабардор бўлмай туриб на Низомий, на Ҳофиз, на Навоий ижоди устида теран назарий изланишлар олиб бориш мумкин эди. Биз бу сирларни энди-энди англаб етаяпмиз. Демак, улуғ устозлар ўз вақтида нимаики қилган бўлсалар, тўғри қилган эканлар, биз сирни тушунмаган эканмиз. Аммо эндиги авлоднинг қўлини боғлаб турган нарса йўқ. Фақат ҳақиқатни англаш йўлида астойдил уриниш керак, холос.

Илова №2

IX -XV асрлар
форс адабиёти намояндалари

IX аср: Аббос Марвазий, Ҳанзала Бодғисий (ваф. 835 йил), Абу Ҳафс Сўғдий (ваф. 832 йил), Абу Солик Гургоний, Маҳмуд Варроқ Ҳаравий (ваф. 841 йил), Фируз Машриқий (ваф. 895 йил) - ***(Ш.Ш.)***

IX аср охири -X аср биринчи ярми: Абу Абдулло Рудакий, Абул Ҳасан Шахид Балхий, Фазл Рабанжоний, Фароловий, Абу Шукур Балхий, Башшар Марғозий, Робиа Каздорий, Абулмасал, Лавкарий Чангзан, Шокир Бухорий, Тайён Марғозий, Маъруф Балхий, Абулҳусайн Муродий, Абулмуайяд Балхий, Сипеҳрий Бухорий – ***(Р.Х.)***

X аср иккинчи ярми: Бадеи Балхий, Дақиқий, Тоҳир Чоғоний, Мунджик Термизий, Хусравий Серахсий, Мантиқий Розий, Абу Тоҳир Хусравоний, Иморо Марвазий, Қамарий Журжоний, Абу Зираъа, Абулҳасан Оғожий, Абу Таййиб Мусъабий, Абу Абдуллоҳ Валвалижий, Абу Исҳоқ Жуйборий, Равнақий Бухорий, Маънавий Бухороий, Ҳаббоз Нишопурий, Абулфатҳ Бустий - ***(Р.Х.)***

X аср охири – XI аср биринчи ярми: Абулҳасан Кисоий Марвазий (953-1049), Абулқосим Фирдавсий (932-1020), Айюқий, Унсурий (965-1040), Фаррухий (980-1037), Абу Али ибни Сино (980-1037), Манучеҳрий (1000-1040), Асжадий (ваф. 1041), Лабибий (ваф. 1031), Ғазоирий Розий (ваф. 1034), Абусаид Абулхайр (967-1049), Бобо Тоҳири Уръён (ваф. 1055), Бобо Кўҳий Шерозий (ваф. тақрибан 1050) - ***(Г.А.)***

(“*Сабақи Рудаки*”[1] китобида шу даврга оид яна 16 шоир шеърларидан намуналар берилган.)

XI аср иккинчи ярми - XII аср бошлари: Азрақий Ҳиравий, Фахриддин Гургоний (ваф. 1063), Асадий Тусий (1010-1073), Носир Хусрав (1004-1088), Қатрон Табризий (ваф. 1072), Абдуллоҳ Ансорий (1006-1088), Умар Хайём (1048-1123), Масъуд Саъд Салмон (1046-1121), Амир Муиззий (1048-1126) Абулфараж Руний (1059-1130), Ҳаким Эроншоҳ (вафоти 1117 йилдан кейин) - ***(Г.А.)***

XII аср: Амъақ Бухороий (ваф. 1147), Адиб Собир Термизий (ваф. 1148), Абдулвосеъ Жабалий (ваф. 1160), Сўзаний Самарқандий (ваф. 1166), Ҳаким Саноий (ваф. 1150), Фалакий Ширвоний (ваф. 1146), Саид Ҳасан Ғазнавий (ваф. 1160), Қавомий Розий (ваф. 1164), Рашидуддин Ватвот (ваф. 1177), Имодий Ғазнавий (ваф. 1186), Анварий Абевардий (ваф. 1187), Мужириддин Байлақоний (ваф. 1193), Жамолиддин Исфаҳоний (ваф. 1192), Хоқоний (1126-1198), Низомий (1141-1203), Заҳир Форёбий (1156-1201) Асириддин Аҳсикатий (ваф. 1211) - ***(Г.А.)***

---

[1] Сабақи Рудаки. (Китоби якум). Душанбе, “Ирфон”, 1984, саҳ. 270-279.

XIII аср: Зиёуддин Хўжандий (ваф. 1227), Фаридиддин Аттор (1145-1229), Камол Исфаҳоний (ваф. 1237), Сирожиддин Қумрий (ваф. 1240), Сайф Исфарангий (1176-1260), Имомий Ҳиравий (ваф. 1268), Жалолиддин Румий (1207-1273), Маждуддин Ҳамгар (ваф. 1287), Фахруддин Ироқий (1207-1289), Саъдий Шерозий (1184-1292), Султон Валад (1226-1312), Ҳумом Табризий (ваф.1314) - ***(Г.А.)***

XIV аср: Маҳмуд Шабистарий (ваф. 1320), Низорий (1247-1320), Амир Хусрав Деҳлавий (1258-1325), Хасан Дехлеви (1253-1327), Алоий Симноний (ваф. 1335), Авҳадий Мароғий (1275-1338), Хожу Кермоний (1281-1352), Ибн Ямин (1286-1368), Убайд Зоконий (ваф. 1370), Соҳиб Шерозий, Бадр Чочий, Ҳайдар Шерозий, Имоди Факиҳ (1310-1372), Салмон Соважий (1300-1376), Ассор Табризий (ваф. 1380), Носир Бухороий (ваф. 1374), Ҳофиз Шерозий (ваф. 1389), Жалол Табиб (ваф. 1393), Камол Хўжандий (ваф. 1401), Мағрибий (ваф. 1405) - ***(Г.А.)***

XV аср: Абу Исҳоқ Атъима (ваф. 1427), Сайид Неъматуллоҳ (1329-1431), Қосим Анвор (ваф. 1433), Котибий Туршизий (ваф. 1436), Исмат Бухороий (ваф. 1436), Бисотий Самарқандий (ваф. 1412), Хаёлий Бухороий (ваф. 1447), Меҳри Ҳиротий, Яҳъё Себак (ваф. 1449), Орифий Ҳаравий (ваф. 1449), Бадр Ширвоний (ваф. 1450), Шоҳий Сабзаворий (ваф. 1453), Озарий (1382-1462), Риёзий Самарқандий (ваф. 1479), Қози Исо (ваф. 1492), Абдураҳмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501), Шайхим Сухайлий (ваф. 1502), Сайфий Бухороий (ваф. 1504), Мактабий Шерозий (ваф. 1505) - ***(Г.А.)***

Библиография

Назарий асарлар:

Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”, 2009, 40 саҳ.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008.

Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., 1998.

Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994.

Имомназаров М.С. Мумтоз форс шеърияти бадиият-шунослиги ва жанрлар типологияси. Т., ТДШИ, 2015, 280 саҳ.

Имомназаров М.С. Навоийшуносликка кириш. Т., ТДШИ, 2015, 424 саҳ.

Имомназаров М.С. X-XV асрлар форс мумтоз шеърияти. (Даврлаштириш муаммолари. Адабиѐтнинг мустақил маънавий моҳиятининг шаклланиши). Т., ТДШИ, 2013, 312 саҳ.

Имомназаров М. Маънавият назарияси бугунги кун жаҳон илмининг энг долзарб масаласидир. // “Олий таълимда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари” мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. Т., Низомий номидаги ТДПУ, 2011, с. 138-150.

Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари (лотин ёзувида) Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиияти нашриёти, 2006, 448 саҳ.

Имомназаров М., Саидов У. Миллий тараққиётимизнинг маънавий-ахлоқий асослари. Т., “Академия”, 2005, 80 саҳ.

Имомназаров М., Эшмуҳамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. Т., ТИУ нашриёти, 2001, 432 саҳ.

Имомназаров М.С. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.Т., “Шарқ”, 1998, 240саҳ.

Имомназаров М.С. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., “Шарқ”, 1996, 144 саҳ.

Мумтоз форс шоирлари ҳақида:

Рудакий

Мирзоев А.М. Рудаки. Жизнь и творчество. М., «Наука» ГРВЛ, 1968, 320 стр.

Осори Абу Абдулло Рудаки. Сталинобод, 1958, 280 саҳ.

Рудаки и поэты его времени. «Сов. писатель». Ленинград. отд., 1985, 272 стр.

Рудаки. // Мазоҳир Мусаффо. Посдорони сухан. Чакомасароён. Жилди I. Теҳрон, Чопи Сино. – 1335 ҳ. – саҳ. 1-38.

Рудаки. Стихи. М., «Наука» ГРВЛ, 1964, 512 стр.

Сабақи Рудаки. (Китоби якум). Душанбе, “Ирфон”, 1984, 304 саҳ.

Фирдавсий

Анжуий Шерозий Саййид Абулқосим. Фирдавсийнома (Мардум ва Фирдавсий). 3 жилд. Теҳрон, 1369 ҳ.ш., (1990м.), 358+398+354 саҳ.

Баҳман Фаридун. Рустам ва Сўҳроб ва достонҳойи шабиҳ ба он дар афсонаҳойи дигарон. // ж. “Сухан” Теҳрон, 1347, № 1, с. 24-36.

Бертельс Е.Э. Фирдоуси. // Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. (Гл.5). М., ИВЛ, 1960, стр. 169-286.

Бертельс Е.Э. Борьба придворных поэтов султана Махмуда против Фирдауси. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. М., «Наука», ГРВЛ, 1988, стр. 202-206.

Дастғайб Абдул Али. Сиёвуш – достони бегуноҳи. // ж. “Паёми навин”, шуморайи 10, 1342 ҳ.ш. (1963 м.) с.17-31.

Мужтабо Миновий. Фирдавсий ва шеъри у. Теҳрон, 1372 ҳ.ш., (1993 м.), 246 саҳ.

Нушин Абдулҳусайн. Сухани чанд дар бораи “Шоҳнома”. М., «Наука» ГРВЛ, 1970, 116 саҳ.

Османов М.-Н. Своды иранского героического эпоса (“Худайнаме” и «Шахнаме») как источники «Шахнаме» Фирдоуси. // Ученые записки Института Востоковедения. Том XIX. Вопросы истории и филологии народов Востока. М., 1958, с.153-189.

Раёҳий Муҳаммад Амин. Сарчашмаҳойи фирдавсийшеносий. (Мажмуайи навештаҳойи кўҳан дар борайи Фирдавсий ва “Шоҳнома” ва нақди онҳо). Теҳрон, 1372 ҳ. ш. (1993 м.), 512 саҳ.

Фархад Меҳдий Саййидий. Сарояндайи коҳи назми бўланд (Панж гўфтор дар замон ва зендагонийи Фирдавсий). 1374 ҳ.ш. (1995 м.), 314 саҳ.

Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома. Иборат аз 9 жилд. Душ., “Адиб”, 1987-1991.

Фирдавсий Тусий Абулқосим. “Шоҳнома”. 1-3 китоблар. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975-1977.

Фирдавсий “Шоҳнома”сидан. Т., ЎзКП МК нашриёти, 1979, 144 саҳ.

Фирдоуси. Шахнаме. Критический текст. (В 9ти тт.) М., «Наука» ГРВЛ, 1966 -1971.

Шомуҳамедов Шоислом. Абулқосим Фирдавсий. Т., ТДШИ, 2006, 72 саҳ.

Шоҳномайи Фирдавсий. 3 китобда 8 жилд. Теҳрон, 1371 ҳ.ш., (1992 м.), 2310 саҳ.

Қиссаҳо пиромуни Фирдавсий ва қаҳрамонҳойи “Шоҳнома”. Душанбе, 1996, 160 саҳ.

Ҳомидов Ҳ. Боқий бўстон таровати. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 216 саҳ.

Унсурий

Бертельс Е.Э. Хаким Унсури из Балха. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. М., «Наука», ГРВЛ, 1988, стр. 8-201.

Бертельс Е.Э. Унсурий. // Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. М., ИВЛ, 1960, стр. 306-335.

Каладзе И. Эпическое наследие Унсури. Тбилиси, 1983.

Маҳжуб Муҳаммад Жаъфар. Вомиқ ва Узройи Унсурий. // ж. “Сухан” Теҳрон, 1347, № 1, с. 43-52

Унсури. // Мазоҳир Мусаффо. Посдорони сухан. Чакома-сароён. Жилди I. Теҳрон, Чопи Сино. – 1335 ҳ. – саҳ. 92-158.

Фаррухий

Бертельс Е.Э. Фаррухи. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. М., ИВЛ, 1960, с. 335-351.

Юсуфий Ғуломҳусайн. Фаррухий Сийистоний. Баҳси дар шарҳи аҳвол ва рӯзгор ва шеъри у. Теҳрон, 1370 ҳ. ш. (1991 м.), 682 саҳ.

Фаррухи. // Мазоҳир Мусаффо. Посдорони сухан. Чакомасароён. Жилди I. Теҳрон, Чопи Сино. – 1335 ҳ. – саҳ. 159-311.

Манучеҳрий

Бертельс Е.Э. Манучехри. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. М., ИВЛ, 1960, с. 351-369.

Манучеҳри. Мунтаҳабот. Душанбе, “Дониш”, 1974, 96 саҳ.

Манучеҳри. // Мазоҳир Мусаффо. Посдорони сухан. Чакомасароён. Жилди I. Теҳрон, Чопи Сино. – 1335 ҳ. – саҳ. 312-413.

Раҳмонов Ш. Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он. Душанбе, “Дониш”, 1987, 170 саҳ.

Носир Хусрав

Бертельс А.Е. Поэтический комментарий Шаха Ни’матуллаха Вали на Философскую касыду Насир- Хусрау. // Сад одного цветка. М., 1991, с.7-30.

Бертельс Е.Э. Насири Хусрау и его взгляд на поэзию. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. М., «Наука», ГРВЛ, 1988, стр. 314-332.

Бертельс А.Е. Насири Хосров и исмаилизм. М., 1959, 290 стр.

Додихудоев Хаёлбек. Философия крестьянского бунта. Душанбе, “Ирфон”, 1987, 432 стр.

Муҳаққиқ Меҳди. Шарҳи си қасида аз ҳаким Носир Хисрав Қубодиёний. Теҳрон, 1370 ҳ.ш., (1991м.), 434 саҳ.

Носир Хусрав. Девон. Жилди аввал. Кобул, 1366 ҳ.ш. (1987 м.), 771 саҳ.

Абдуллоҳ Ансорий

Ансори. // Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. Душ., 1988, с.161-162.

Олимов К. Жаҳонбинии Абдуллоҳи Ансори. Душанбе, “Дониш”, 1988, 136 саҳ.

Умар Хайём

Омар Хайям. Рубаи. Т., Изд. литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1980, 64 стр.

Омар Хайям. Рубаи. Т., Изд. ЦК КП Узбекистана, 1981, 128 стр.

Разавий Меҳди Амин. Саҳбойи хирад. (Шарҳи аҳвол ва осори ҳаким Умар Хайём Нишобурий). Теҳрон, 1385 ҳ. ш. (2006 м.), 472 саҳ.

Таботабойи Муҳаммад Муҳит. Хайёми ё Хайём? Теҳрон, 1370 ҳ.ш., (1991м.), 218 саҳ.

Хайём Умар. Рубоийлар. Т., ЎзКП МК нашриёти, 1976, 112 саҳ.

Хайём Умар. Рубоийлар. (Форсча матн - ўзбекча таржима). Т., Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 240 саҳ.

Хайём Умар. Шоислом Шомуҳамедов. Рубоийлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2006, 128 саҳ.

Хайём Умар. Рубоиёт. Теҳрон, “Амири Кабир”, 2536, 46 саҳ.

Ғаззолий

ал-Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. Избранные главы. М., “Наука”, ГРВЛ, 1980, 376 стр.

Ғаззолий Абу Ҳомид. Иҳёу улум ид-дин. Дунёни англаш китоби. Т., “Шарқ” НМАКБТ, 2015, 304 саҳ.

Ғаззолий Абу Ҳомид. Иҳёу улум ид-дин. Тафаккур китоби. Т., “ТИУ”, 2007, 80 саҳ.

Ғаззолий Абу Ҳомид Муҳаммад. Иҳёу улум ид-дин. Илм китоби. Т., “Мовароуннаҳр”, 2003, 232 саҳ.

Ғаззолий Абу Ҳомид Муҳаммад. Иҳёу улум ид-дин. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. Т., “Мовароуннаҳр”, 2005, 148 саҳ.

Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёйи саодат. Т., “Адолат”, 2005, 412 саҳ.

Мадраимов Х. А. “Кимийа-йи са’адат” Абу Хамида Газали и его переводы на тюрки. Т., Автореф-т канд. дис. 2000, 26 стр.

Саноий

Башир Али Асғар. Сайр дар мулки Саноий. Кобул, 1977.

Рейснер М.Л. Птицы в мистико-символических касыдах Санаи и Хакани (XII в.) (к проблеме становления символического языка в классической персидской касыде). // Исследования по иранской филологии. Выпуск первый. М., 1997;

Рейснер М.Л. Аллегорические мотивы в касыде Санаи (XIIв.). (статья в интернете) 25 Авг, 2009 at 10:21 PM

Сарвар Ҳумоюн. Ҳаким Саноий Ғазнавий ва жаҳонбинийи у. Кобул, 1356.

Анварий

Ёрмуҳаммедов Ш.Р. Жанр китъа в творчестве Анвари Абеварди. Автореф-т канд. дисс . Душанбе-2011.

Жуковский В.А. Али Аухадеддин Энвери. Материалы для его биографии и характеристики. Санкт-Петербург. Типография Императорской Академии Наук -1883.

Имомназаров М. Маҳмудов У. Анварий қасидаларининг жанр типологиясига доир. // Шарқ халқлари адабиёти жанрлар типологияси. Т., ТДШИ, 2015, с. 4-9.

Кормандж Р.А. Лексика-семантичесие особенности касид Анвари. Автореф-т канд. дисс .. Душанбе-2009

Ожегова С.В. Проблема Изученности Касыд Али Аухад Ад-Дина Анвари (Состав, Образная Система). Автореф-т канд. дисс . Москва-1993

Самадов Т. Анвари ва ғазалиёти у. Душ., “Дониш”, 1988, 164 саҳ.

دیوان انوری.(با مقدمه و تصحیح و مقابله هشت نسخه) با کوشش سعید نفیسی. تهران-1364

محمد رضا دیوی. بررسی و تحلیل انتقادی بر فکر و شعر انوری. تهران-1375

Хоқоний

Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. М., ИВЛ, 1962, стр. 50-65, 82-85.

Девони Хоқоний Ширвоний. Теҳрон, 1375 ҳ.ш., (1996 м.), 762 саҳ.

Хакани. Ветер в руке. М., “Наука”, ГРВЛ, 1986, 240 стр.

Низомий Ганжавий

Алиев Ғ. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока.М., 1985. 336 стр.

Асадуллаев С. “Лайли и Маджнун” в фарсиязычной поэзии. Часть 1. Душ., “Дониш”, 1981, 176 стр.

Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. М., ИВЛ, 1962, 556 стр.

Ганиханов М.А. Сравнительнқй анализ поэм “Хусрав и Ширин” Низами и Кутба. Автореф-т канд. дис. Т., 1994. 23 стр.

Имомназаров М. Низомий Ганжавий. // “Қишлоқ ҳақиқати” газетаси, 1991 йил, 6 август, с.4.

Кашф ал-абёти “Хамса”йи Низомий Ганжавий. Теҳрон, 1370 ҳ. ш. (1991 м.), 692 саҳ.

Китобшеносийи Низомий Ганжавий. (Библиография). Теҳрон, 1371 ҳ.ш. (1992 м.) 608 саҳ.

Крымский А. Е. Низами и его современники. Баку: Элм, 1983.

Низами. Пять поэм. М., “Правда”, 1988, 480 стр.

Низами Ганжави. Хафт Пайкар (научно-крит. текст). М. “Наука”.ГРВЛ, 1987, 656+20 стр.

Низами Ганжави. Сирлар хазинаси. Баку, “Елм”, 1981, 248 саҳ.

Низами Гянджеви. Собрание сочинений в пяти томах. М., «Худ. лит-ра», 1985-1986.

Низами Гянджеви. Сокровищница тайн. Крит. текст. Баку, Изд. АН АзССР, 1960, 253+14 стр.

Низомий Ганжавий. Куллиёт. (Иборат аз 5 жилд). Душанбе, “Ирфон”, 1982-1984.

Низомий Ганжавий. Иқболнома. Т., “ART FLEX”, 2009, 288 саҳ.

Низомий Ганжавий. Хусрав ва Ширин. Теҳрон, “Ал-Ҳудо”, 2005, 394 саҳ.

Низомий шеъриятидан. Т., ЎзКП МК нашриёти, 1983, 128 саҳ.

Низами. Лайли и Маджнун. Введ., пер. с перс, и коммент. Н.Ю. Чалисовой и М.А. Русанова. М.: РГГУ, 2008.

Низомий Ганжавий. Хусрав ва Ширин. Теҳрон, 1366 ҳ.ш., (1987 м.), 1348 саҳ.

Ресулзаде Меҳмет Эмин. Азербайжан шаири Низами. Анкара, 1951, 404 саҳ.

Хулосайи мақолоти Кўнгирайи байналмилалийи бўзўргдошти нўҳўминсадайи таваллуди ҳаким Низомий Ганжавий. Донешгоҳи Табриз. Табриз, 1991, 148 саҳ.

Аттор

Аттор Шайх Фаридиддин. Асорнома. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008, 328 саҳ.

Аттор Фаридиддин. Тазкиратул-авлиё. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013, 464 саҳ.

Аттор Фаридиддин. Тазкиратул-авлиё. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 1997, 176 саҳ.

Аттор Шайх Фаридиддин. Илоҳийнома. Т., “Мусиқа”, 2007, 400 саҳ.

Аттор Шайх Фаридиддин. Уштурнома. Т., “MERIYUS”, 2012, 192 саҳ.

Аттор Фаридуддин. Хусравнома. Душанбе, “Ирфон”, 1990, 367 саҳ.

Бертельс Е.Э. Навои и Аттар. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., «Наука», ГРВЛ, 1965, стр. 377-420.

Бертельс Е.Э. «Книга о соловье» (*Булбул-наме*) Фарид ад-Дина Аттара. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., «Наука», ГРВЛ, 1965, стр. 340-353.

Бертельс Е.Э. Суфийская космогония у Фарид ад-Дина Аттара. . // Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., «Наука», ГРВЛ, 1965, стр. 360-370.

Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. // “Шарқ юлдузи”, 1988, №4, с.176-181.

Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари, 1999, 206 саҳ.

Муҳаммадходжаев А. Мировоззрение Фаридиддина Аттора. Душ., “Дониш”, 1974, 118 стр.

Ниё Фотима Санъатий. Маъхази қисас ва тамсилоти маснавийҳойи Аттор Нишопурий. Теҳрон, 1369 ҳ.ш., (1990 м.), 258 саҳ.

Саидов А. Атторшунослик. Т., “Шарқ” НМАКБТ, 2013, 384 саҳ.

Ситтайи Фаридиддин Аттор. (қўлёзма – ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди, инв. рақами № 813)

Жалолиддин Румий

Ахундов М-Ф. О Моллайи-Руми и его произведении. // Мирза-Фатали Ахундов. Обманутые звезды. Избранное. М., Гос. Изд. Худ.лит.,1963, с. 385-392.

Аслофий Надушан Муҳаммад Али. Боғи сабзи ишқ. Гўзидайи “Маснавий” ҳамроҳ бо тааммул дар зиндаги ва андишайи Жалолиддин Мавлавий. Теҳрон, 1370 ҳ. ш. **???** (1991 м.), 952 саҳ.

Аҳодиси “Маснавий”. (Ба жамъ ва тадвини Бадиъуззамон Ферузанфар. . Теҳрон, 1370 ҳ. ш. (1991 м.), 274 саҳ.

Дизфулиён Козим. Боғи сабзи ишқ. Чаҳор достони маънавий. (Шарҳ ва таҳлили “Найнома”). Теҳрон, 1375 ҳ.ш., (1996м.), 200 саҳ.

Жаъфарий Муҳаммад Тақи. Тафсир ва нақд ва таҳлили Маснавийи Жалолиддин Муҳаммад Балхий. 15 жилд. Теҳрон, 1362-1370 ҳ.ш. (1983-1991 м.) 1-жилд – 858 саҳ. 2-жилд – 768 саҳ. 3-жилд – 780 саҳ. 4-жилд – 816 саҳ. 5-жилд – 858 саҳ. 6-жилд – 858 саҳ. 7-жилд – 858 саҳ. 8-жилд – 858 саҳ. 9-жилд – 858 саҳ. 10-жилд – 858 саҳ. 11-жилд – 858 саҳ. 12-жилд – 858 саҳ. 13-жилд – 858 саҳ. 14-жилд – 858 саҳ. 15-жилд – 858 саҳ.

Жаъфарий Муҳаммад Тақи. Мавлавий ва жаҳонбиниҳо. Теҳрон, 1379 ҳ.ш. (2000 м.) 262 саҳ.

Зарринкуб Абдулҳусайн. Сирри най. Нақд ва шарҳи таҳлилий ва татбиқийи “Маснавий”. Дар ду жилд. Теҳрон, 1368 ҳ. ш. (1989 м.), жилди 1. - 606 саҳ. Жилди 2. 552 саҳ.

Зарринкуб Абдулҳусайн. Баҳр дар кўза. Нақду тафсири қиссаҳо ва тамсилоти “Маснавий”. Теҳрон, 1368 ҳ.ш. (1989 м.) 616 саҳ.

Имомназаров М. “Дилдаги нур...” (“Маснавийи маънавий” ва маънавият назарияси). // Жалолиддин Румийнинг мангу маънавий мероси. (Мавлоно Жалолиддин Румийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари). Т., ТДШИ, 2007, с.15-22.

Инсонам орзуст. Баргузида ва шарҳи ғазалиёти Мавлоно/Шамс. Теҳрон, 1386 ҳ.ш., (2007 м.), 694 саҳ.

Истеъломий Муҳаммад. Илоҳий ишқ куйчиси. Жалолиддин Румий ҳақида. (“Маснавий”га муқаддима). Т., 2001, 88саҳ.

Мақолоти Шамс Табризий. (2 китоб – бир муқовада) Теҳрон, 1024 саҳ.

Мўъжами ашъор дар “Тафсир ва накд ва таҳлили “Маснавийи” Муҳаммад Тақи Жаъфарий. Теҳрон, 1370 ҳ.ш. **???** (1991 м.) 798 саҳ.

Румий Жалолиддин. Ҳикоятҳои халқии “Маснавий”.Душ., 1963, 280 саҳ.

Румий Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. Куллиёти “Маснавий”. (Бо тасҳиҳи комил). Теҳрон, 1379 ҳижрий, 694+120 саҳ.

Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. (6 китобдан иборат).(Жамол Камол таржимаси). Т., “Фан”, 2003-2005.

Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Биринчи жилд. 1-2 китоб. (Асқар Маҳкам таржимаси – шарҳи билан). Т., “Шарқ”, 1999-2007.

Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадир. Т., “Меҳнат”, 2001, 160 саҳ.

Румий Жалолиддин. Етти мажлис. Т., “Мумтоз сўз”, 2014, 138 саҳ.

Руми Джалалиддин. Поэма о скрытом смысле. Избранные притчи. М., «Наука» ГРВЛ, 1986, 272 стр.

Субҳоний Тавфиқ. Гўзидайи Маснавий. Теҳрон, 1386 ҳ.ш. (2006 м.)

Ферузанфар Бадиъуззамон. Маъхази қисас ва тамсилоти Маснавий. Теҳрон, 1370 ҳ.ш. (1991 м.) 266 саҳ.

Фиш Радий. Джалалиддин Руми. М., «Наука» ГРВЛ, 1985, 272 стр.

Халилий Халилуллоҳ. Нейнома. Афғонистон, “Анжумани тарих ва адаб”, 1973, 190 саҳ.

Хоразмий Шайх Одина Муҳаммад. Мифтоҳ ул-асрор. (Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси). Т., “Мусиқа”, 2006, 352 саҳ.

Шиммел Анна Мари. Шукуҳи Шамс. (Сайри дар осор ва афкори Мавлоно Жалолиддин Румий). Теҳрон, 1370 ҳ.ш., (1991 м.), 886 саҳ.

Ясрибий Саййид Яҳё. Забонайи Шамс ва забони Мавлавий. Теҳрон, 1386 ҳ.ш. (2007 м.), 447 саҳ.

Қуронбеков А. “Маснавийи маънавий”да тасаввуф тимсоллари.Т., ТДШИ, 2011, 216 саҳ.

Ҳумоий Жалолиддин. Мавлавийнома. (Мавлавий че мигўяд?). Дар 2 жилд. Теҳрон, 1369 ҳ.ш., (1990 м.), 1134 саҳ.

Саъдий Шерозий

Пурпирор Носир. Магар ин панж рўза... (Саъдийи Охирзамон). Теҳрон, 1377 ҳ.ш. (1998 м.), 288 саҳ.

Саади. Бустан. Лирика. М., Гос.изд. худ.лит., 1962, 528 стр.

Саъдий. Бўстон. Т., 1960, 140 саҳ. (Чустий таржимаси).

Саъдий. Гулистон. Т., 1968, 182 саҳ. (Рустам Комилов таржимаси).

Саъдий Шерозий Шайх Муслиҳиддин. Куллиёт.(Иборат аз 4 жилд). Душанбе, “Адиб”, 1988-1989. (Жилди 1. 1988, 432 саҳ., Жилди 2. 1989, 416 саҳ.)

Саъдии Шерози. Мунтаҳаби куллиёт. Сталинобод, 1956, 436 саҳ.

Амир Хусрав Деҳлавий

Алиев Г.Ю. “Пятерица” Амира Хусрау Диҳлави и международные литературные связи в XIV-XVI вв. // Литературы Индии. М., “Наука”, ГРВЛ, 1973, с. 33-38.

Амир Хусрав Деҳлавий. Асарлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1972, 224 саҳ.

Амир Хосров Дехлеви. (Сборник научных трудов ТашГУ). Т, 1987, 112 стр.

Амир Хосров Дехлеви. (Сборник научных трудов ТашГУ, вып. 575). Т., 1978, 88стр.

Амир Хосров Дехлеви. (Сборник научных трудов ТашГУ, вып. 458). Т, 1975, 160 стр.

Амир Хосров Дехлеви. Избранные газели. М., “Наука”, ГРВЛ, 1975, 272 стр.

Бақоев М. Ҳаёт ва эжодиёти Хусрави Деҳлавий. Душанбе, “Дониш”, 1975, 282 саҳ.

Деҳлавий Амир Хусрав. Осори мунтахаб. Дар чаҳор жилд. Душанбе, “Ирфон”, 1973-1975.

Деҳлавий Амир Хусрав. Дувалрони ва Хизрхон. (Матни интиқоди). Душанбе, “Дониш”, 1975, 310+6 саҳ.

Диҳлави Амир Хусрау. Матла’ ал-анвар. Крит. Текст. М., “Наука”, ГРВЛ, 1975, 359+92 стр.

Диҳлави Амир Хусрау. Ширин и Хусрау. Крит. Текст. М., “Наука”, ГРВЛ,1979, 361+14 стр.

Диҳлави Амир Хусрау. Маджнун и Лайли . Крит. Текст. М., “Наука”, ГРВЛ, 1964, 291+14 стр.

Диҳлави Амир Хусрау. Хашт бихишт. Крит. Текст. М., “Наука”, 1972, 332+19 стр.

Диҳлави Амир Хусрау. А’инайи Искандари. Крит. Текст. М., “Наука”, ГРВЛ, 1977, 314+28 стр.

Имомназаров М. Жаҳон тан олган шоир. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2003 йил, 17 октябрь, №41-42, с.2.

Имомназаров М. Тўққиз осмон юлдузлари. (Хусрав Деҳлавийнинг эпик ижоди). // Эътиқод ва хаёл бирлиги. Т., 1989, С.119-304.

Имомназаров М. Принцип гиперболизации и его значение в отражении социальной действительности в творчестве Амира Хосрова Дехлеви. // Материалы научной конференции ППС ТВПШ по итогам НИ работ за 1984). Т.,1985, с.70-73.

Имомназаров М. Притча-гипербола в эпическом творчестве Амира Хосрова Дехлеви и ее интерпретация. // VIII всесоюзная научная конференция «Актуальные проблемы иранской филологии» (Тезисы докладов). Душанбе, 1982, с.128-129.

Имомназаров М.С. Проблемы метода и поэтики эпического творчества Хосрова Дехлеви. Автореф-т докт. дис.1989, 48 стр.

Имомназаров М. Основные идеи «Хамсе» Амира Хосрова Дехлеви. (На материале поэм «Хашт бихишт» и «Ширин и Хосров»). // Востоковедение. Литературоведение, история и экономика. (Научные труды ТашГУ, Выпуск № 430). Т., 1972, с.57-67.(В соавторстве с С.Юлдашевой).

Имомназаров М. Ҳаким Низомий ва Амир Хусрав. // “Фуруғи озодий” газетаси, Табриз шаҳри, Эрон, 1991, 14 июль (23 тирмоҳ, 1370).

Куранбеков А. “Зерцало Искандара” Амира Хосрова Дехлеви. // Востоковедение. (Сборник научных трудов ТашГУ). Т., 1986, с.34-42.

Маҳжуб Муҳаммад Жаъфар. “Ҳашт бихишт” ва “Ҳафт пайкар”. Теҳрон, “Ҳўнар ва мардўм”, 2535, 72 саҳ.

Мусаев Б.М. Текстологическое исследование газелей «Тухфат ас-сигар» Амир Хосрова Дехлеви. Т., Автореф-т канд. дис. 1969, 24 стр.

Магеррамов Т.А. “Матла’ ал-анвар» Амира Хусрау Диҳлави. // Литературы Индии. М., “Наука”, ГРВЛ, 1973, с. 39-51.

Мирсаидов Дж. Принципы составления критического текста произвелений Амира Хосрова Дехлеви. Душанбе, “Дониш”, 1986, 236 саҳ.

Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. (“Матлаъ ул-анвор” ва “Ҳайрат ул-аброр”). Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1991, 168 саҳ.

Низомиддинов И. Амир Хусрав Деҳлавий. Т., 1969, 24 саҳ.

Низомова Ф.А. Амир Хусрав Деҳлавий ижодида рубоий жанри. Т., Канд. дис. автореф-ти. 2006, 26 саҳ.

Осипова М. М. Индийская действительность в романическом маснави Амира Хосрова Дехлеви «Довальрани Хизрхан». Автореф-т канд. дис. М., 1988.

Осипова М.М. Религиозно-философские суфийские концепции в маснави Амира Хосрова Дехлеви «Довал-рани Хизр-хан». // Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., “Наука” ГРВЛ, 1989, с. 121-130.

Пригарина, Н. И. «Восемь раев» Амира Хосрова Дехлеви (к вопросу о композиции поэмы). // Литературы Индии. М., 1979

Сотиболдиева С. Фонийнинг Амир Хусрав ғазалларига татаббуълари. Т., ТДШИ, 1999, 80 саҳ.

Туйчиева Г.У. Аруз в контексте газелей Амира Хосрова Дехлеви. Т., ТДШИ, 2005, 204 стр.

Туйчиева Г.У. Метрика газелей Амира Хосрова Дехлеви. Т., Автореф-т канд. дис. 1993, 22 стр.

Хосров Дехлеви. Избранное. Т., 1980, 128 стр.

Халил Муҳаммад Иброҳим. Шарҳи мухтасари аҳвол ва осори Амир Хосров. Кобул, 1340 ҳ.ш. (1961 м.), 104 саҳ.

Хусрав Деҳлавий шеъриятидан. Т., ЎзКП МК нашриёти, 1979, 128 саҳ.

Эфтихар Дж. Текстологическое исследование поэмы «Хашт бехешт» Амир Хосрова Дехлеви. Т., Автореф-т канд. дис. 1968, 40 стр.

Шомуҳамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Деҳлавий. Т., “Фан”, 1971, 80 саҳ.

Шомуҳамедова С. В поисках идеала. (О творчестве Дехлеви). Т., “Фан”, 1982, 76 саҳ.

Юлдашева С.Т. Художественные особенности поэмы «Хашт бехешт» Амира Хосрова Дехлеви. Автореф-т канд. дис. Т., 1974, 18 стр.

Амир Хусрау. Ҳафтсадсола жашн. (Инглиз ва ўрду тилларида мақолалар мажмуаси). Ҳайдаробод, 1972, 138+104 стр.

Mumtaz Husain. Amir Khusrow Dehlawi. New Delhi, National Amir Khusrow Society, 1986, 96 p.

The nuh sipehr of Amir Khusraw. (Edited by Mohammad Wahid Mirza). London, Oxford University press. 1950, 490+54 pages.

Ҳофиз

Азимов М. Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти. Теҳрон-Тошкент, “Ал-Ҳудо” ва “Минҳож” нашриётлари, 2004, 216 саҳ.

Девони Ҳофиз. Теҳрон, “Амири Кабир”, 2537, 378 саҳ.

Зияева Н.Ҳ. Ҳофиз Шерозий девонининг ўзбекча шарҳи. Т., Канд. дис. автореф-ти. Т., 2002. 22 стр.

Пригарина Н.И. Хафиз и влияние суфизма на формирование языка персидской поэзии. // Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., “Наука” ГРВЛ, 1989, с. 95-120.

Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. Т., “Фан”, 1965, 92 саҳ.

Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи.Т., “Фан”, 1994, 208 саҳ.

Қуронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси.Т., ТДШИ, 2009, 116 саҳ.

Ҳасаний М. Ҳофиз Шерозий девонининг ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалари. // Шарқ классик филологияси. Илк тўплам. Т., ТДШИ, 2009, с. 90-98.

Ҳофиз Шерозий шеъриятидан. Т., ЎзКП МК нашриёти, 1985, 104 саҳ.

Ҳофизи Шерози. Мунтаҳаби ғазалиёт. Душанбе, “Ирфон”, 1967, 284 саҳ.

Ҳофизи Шерози. Ашъори гузида. Душанбе, “Ирфон”, 1971, 167+233 саҳ.

Ҳофизи Шерози. Мунтаҳаби девон. Сталинобод, 1957, 610 саҳ.

Ҳофиз Шерозий Шамсиддин Муҳаммад. Ғазаллар. (Форсча матн – ўзбекча таржима). Т., Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 272 саҳ.

Жомий

Абдураҳмон Жомий. (Мақолалар тўплами). Т., ЎзФА Ҳ.С. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти, 1989, 176 саҳ.

Афсахзод А. Лирика Абд ар-Рахмана Джами: проблемы текста и поэтики. М.: Наука, ГРВЛ, 1988.

Афсаҳзод Аълохон. Таҳаввули афкори Абдураҳмони Жомий. Душанбе, “Дониш”, 1981, 160 саҳ.

Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. М., «Наука», ГРВЛ, 1963, 500 стр.

Джами Абдарраҳман. Бахаристан. (Весенний сад). Крит.текст и предисловие А.Афсаҳзада. М., «Наука» ГРВЛ, 1987, 178+22 стр.

Джами Абдарраҳман. Тухфат ал-ахрар. Субхат ал-абрар. Хираднама-йи Искандари. М., “Наука”, ГРВЛ, 1984, 462+12 стр.

Жомий Абдураҳмон. Осор. Дар ҳашт жилд. Душанбе, 1986-1990.

Жомий ва Навоий. (уч тилда – рус, ўзбек, тожик). Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 112 саҳ.

Жомий. Гулу сунбул. Душанбе, Нашриёти давлатийи Тожикистон, 1963,144 саҳ.

Жомий Абдураҳмон. Баҳористон. Душанбе, “Ирфон”, 1966, 148 саҳ.

Жомий Абдураҳмон. Баҳористон. Т., “Ёш гвардия”, 1979, 104 саҳ.

Жомий Абдураҳмон. Танланган асарлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 360 саҳ.

Жомий Абдураҳмон. Юсуф ва Зулайхо. Т., ЎзКП МК нашриёти, 1983, 112 саҳ.

Жомий Абдураҳмон. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 224 саҳ.

Имомназаров М. Жомий “Хамса” ёзганми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2005 йил, 16 декабр, №51, с.4.

Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳайирин. Душанбе, “Адиб”, 1989, 96 саҳ.

Рукописи произведений Абдарраҳмана Джами в собрании Института Востоковедения АН УЗССР. Т., “Фан”, 1965, 120 саҳ.

Холмўминов Жаъфар, Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008, 236 саҳ.

Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий. Т., “Фан”, 1963, 104 саҳ.

Ғаниева С. Мавлоно Абдураҳмон Жомий. Т., ТДШИ, 2014, 92 саҳ.

Навоий-Фоний

Имомназаров М. Навоий ва тасаввуф. // ж. “Нақшбандия”, 2013, 2-сон, с. 11-16.

Имомназаров М. Навоий ва форс мумтоз адабиёти: Татаббуъ ва талқин // *Алишер Навоий ижоди ва Шарқ адабиёти* (илмий мақолалар тўплами), Тошкент, 2011, с.28-43.

Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. (Иккинчи мақола). Фарҳоднинг Юнонга сафари. // “Шарқ юлдузи”, 1990, №4, с.147-152.

Имомназаров М. Хамсачиликда тож ва меҳр зиддияти. // “Гулистон” журнали, 1990, №5, с.15.

Комилов Н. Хизр чашмаси. Т., “Маънавият”, 2005, 320 саҳ.

Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. Т., “Маънавият”, 2001, 96 саҳ.

Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 464 саҳ.

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. Том 18. Девони Фоний. Т., “Фан”, 2002, 600 саҳ. (Ғазалҳо).

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. Том 19. Девони Фоний. Т., “Фан”, 2002, 600 саҳ. (Ғазалҳо).

Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. Том 20. Девони Фоний. Т., “Фан”, 2002, 568 саҳ.

Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. (А.Н.Кононов тайёрлаган йиғма матн). М.-Л., 1948, 184 саҳ.

Сулаймон Ҳамид. Алишер Навоийнинг янги топилган асари “Ситтаи зарурия” ва унинг қўлёзма манбалари ҳақида // “Адабий мерос”. № 1 – с.192-282.

Сотиболдиева С. Фоний ғазалларининг бадиияти. Т., Канд. дис. автореф-ти. Т., 2001. 26 стр.

Шукуфте Суғробону. Шарҳи аҳвол ва осори форси Амир Алишер Навоий мутахаллус ба Фоний. Исломобод-Покистон, 2005, 414 саҳ.

Бедил

Бедил Мирзо Абдулқодир. Комде ва Мудан. Т., ЎзР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1964, 51+45 саҳ.

Бертельс Е.Э. Бедил и его учение об эволюции. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. М., «Наука», ГРВЛ, 1988, стр. 343-351.

Бертельс Е.Э. Некоторые замечания о Бедиле. // Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. М., «Наука», ГРВЛ, 1988, стр. 352-362.

Мирзо Бедил. Рубоийлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 108 саҳ.

Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари. // Мўминов И.М. Танланган асарлар. 1-том. Т., “Фан”, 1969, с. 27-135.

Овозҳойи Бедил. (Руқаъот, Нукот, Ишорот, Чаҳор мақола) Теҳрон, 1386 ҳ. ш. (2007 м.), 672 саҳ.

Фитрат. Бедил. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996, 48 саҳ.

Манбалар:

Мумтоз адабиёт:

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Т., 2007.

Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон. Т., 1981, 128 саҳ.

Адиб Собир Термизий. Танланган асарлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 232 саҳ.

Айюқий. Варқа ва Гулшоҳ. Душ., "Ирфон", 1985, 176 саҳ.

Асириддини Аҳсикати. Девон. Душ., "Дониш", 1989, 156 саҳ.

Ватват Рашид ад-дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии. М., «Наука» ГРВЛ, 1985, 324 стр. (Исследование и перевод с приложением текста).

Гулшани адаб (Намунаҳои назми форсу тожик.). Жилди 1 (Асрҳои IX-XIII). Душанбе, "Ирфон", 1974, 432 саҳ.

Гулшани адаб. Намунаҳои назми форсу-тожик.(иборат аз 5 чилд) Душ. 1975-1977.

Гулшани адаб.Жилди II. Душанбе, "Ирфон", 1975, 432 саҳ.

Гулшани адаб.Жилди III. Душанбе, "Ирфон", 1976, 384 саҳ.

Гулшани адаб. Жилди IV. Душанбе, "Ирфон", 1977, 384 саҳ.

Гольщан-е форси. (Хрестоматия персидской поэзии). Т, ТашГУ, 1975, 150 стр.

Данте Алигьери. Божественная комедия. М., "АСТ МОСКВА", 2009, 486 стр.

Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Дўзах. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 256 саҳ.

Девони Бобо Тоҳири Урён. Теҳрон, 2535, 80 саҳ.

Жуковский В.А. Баллады. Наль и Дамаянти. Рустем и Зораб. Дневники. Письма. Воспоминания современников. М., 1987, 480 стр.

Захири Муҳаммад. Синдбаднома. Душ., "Адиб", 1991, 176 саҳ.

Зокони Убайд. Куллиёти мунтахаб. Душанбе, 1963, 284 саҳ.

Кобидзе Д.И.. Персидская хрестоматия. Том 1. Тбилиси, "Цодна", 1963, 464+22 стр.

Кобидзе Д.И.. Персидская хрестоматия. Том II. Тбилиси, Изд. Тбилисского университета, 1967, 556+20 стр.

Манучеҳри. Мунтаҳабот. Душанбе, "Дониш", 1974, 96 саҳ.

Насафий Миробид Сайидо. Асарҳои Мунтаҳаб. Душанбе, "Ирфон", 1977, 704 саҳ.

Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 96 саҳ.

Низомулмулк. Сиёсатнома.Душанбе, “Адиб”, 1989, 200 саҳ.

Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук. Т., “Адолат”, 1997, 256 саҳ.

Огаҳий. Асарлар. 3-жилд. Таржималар (Жомий, Ҳилолий). Т., 1974, 336 саҳ.

Огаҳий. Асарлар. 4-жилд. Таржималар (Низомий, Саъдий). Т., 1977, 192 саҳ.

Персидские исторические тексты. Тбилиси, Изд. Тбилисского университета, 1972, 390+26 стр.

ар-Рази Шамс-и Кайс. Свод правил персидской поэзии (Ал-Му'джам фи ма'айир аш'ар ал-'аджам): ч. 2: О науке рифмы и критики поэзии. Пер. с перс. исслед. и коммент. Н.Ю.Чалисовой. М.: Восточная литература РАН, 1997.

ас-Саолибий Абу Мансур. Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср. Т., “Фан”, 1976, 652 саҳ.

Соиб. Мунтахабот. Душанбе, “Ирфон”, 1980, 704 саҳ.

Таронаҳои дилангез. Душанбе, “Ирфон”, 1986, 92+116 саҳ.

Тазкере Ахмада Горджи Ахтара “Анджоман-ара”. Публи-кация факсимиле текста и исследование Л.Г.Ахмедзяновой. М., «Наука» ГРВЛ, 1986, 316+90 стр.

Ал-Фараби. Логические трактаты. Алма-Ата, «Наука», 1975, 672 стр.

Ал-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата, «Наука», 1972, 50+430 стр.

Форобий. Рисолалар. - Тошкент, 1975.

Хасан Дехлеви. Диван. Душ., “Ирфон”, 1990, 500+20+32 стр.

Хўжандий Камол. Девон. Иборат аз 2 жилд. Жилди I. (Ғазалиёт). Душ., “Ирфон”, 1983, 560 саҳ.

Хатифи Абдаллах. Ширин и Хусрау. М., “Наука” ГРВЛ, 1977, 106+162 стр.

Хатифий Абдуллоҳ. Ширин ва Хусрав. Душ., “Дониш”, 1981, 116 саҳ.

Хатифий Абдуллоҳ. Ҳафт манзар. Душ., “Дониш”, 1985, 156 саҳ.

Шабустарий Шайх Маҳмуд. Гулшани роз. Т., “Тамаддун”, 2013, 144 саҳ.

Шерозий Абдибек. Хафт Ахтар. М., “Наука” ГРВЛ, 1974, 14+250 стр.

Шерозий Абдибек. Айини Искандари. М., “Наука” ГРВЛ, 1977, 8+144 стр.

Шерозий Абдибек. Джаухари фард. М., “Наука” ГРВЛ, 1979, 6+152 стр.

Шерозий Абдибек. Мазхар ал-асрар. М., “Наука” ГРВЛ, 1986, 30+280 стр.

Шерозий Абдибек. Маджнун и Лайли. М., “Наука” ГРВЛ, 1966, 54+220 стр.

Энциклопедия персидско-таджикской прозы. Душ., ГНРТСЭ, 1986, 480 стр.

Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъ ус-санойиъ. Т., Ғафур Ғулом нашриёти, 1981, с.35-121.

Илмий адабиётлар

Ўзбек тилида:

Абдуҳалимов Баҳром. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. Т., “Ўзбекистон”, 2010, 264 саҳ.

Адабиёт назарияси. 1-том. Адабий асар. Т., “Фан”,1978.

Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. Т., “Фан”, 2007, 272 саҳ.

Беруний. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., “Фан”, 1968, 488 саҳ.

Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 224 саҳ.

Зиёвуддинова М. Мумтоз араб адабиёти. Т., ТДШИ, 2012, 180 саҳ.

Имомназаров М. Асотир, афсона, достон ёхуд адабиётнинг уч тури хусусида // Шарқ халқлари фольклори масалалари (Илмий мақолалар тўплами). Т., 2012, с. 5-10.

Имомназаров М. Тасаввуф адабиёти ва лингвопоэтик таҳлил // *Шарқшунослик (ТДШИ илмий журнали)*), ТДШИ, 2011, 2-сон, с.46-56.

Имомназаров М. Навоий ва форс мумтоз адабиёти: Татаббуъ ва талқин // *Алишер Навоий ижоди ва Шарқ адабиёти* (илмий мақолалар тўплами), Тошкент, 2011, с.28-43.

Имомназаров М. Адабиёт ва маънавият *(Минтақа мумтоз адабиётининг ижтимоий мавқеи ҳақида) // Хорижий Шарқ халқлари адабиёти ва адабий манбашунослигининг долзарб масалалари* (Халқаро илмий анжуман), Т., 2010,27-29 октябрь, с.11-18.

Имомназаров М. Дунёвий адабиёт ва тасаввуф адабиёти: мажозий тасвир ва талқин. // *Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари* (илмий монография), Т., 2010, с.29-53.

Имомназаров М. Адабиёт ва тасаввуф: минтақа адабиёти ривожида тасаввуфнинг ўрни // *Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси* (тўплам) Т., 2010, с.13-31.

Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожида тасаввуфнинг ўрни // *Шарқшунослик (ТДШИ илмий журнали)*), ТДШИ, 2010, 2-сон, с.38-49.

Имомназаров М. Проблема метода в средновековой литературе Ближнего и Среднего Востока. // Актуальные вопросы теории и практики перестройки. (Тезисы докладов научной конференции ППС ТВПШ по итогам НИ работ за 1988). Т.,1989, с.119-123.

Имомназаров М. Устоз Е.Э. Бертельс сабоқлари. // “Гулистон” журнали, 1982, №11, с.23-24.

Ирисов А. Ҳаким Ибн Сино. Т., “Ўзбекистон”, 1992, 104 саҳ.

Ирисов А. Абу Али Ибн Сино. Т., ЎзФА нашриёти, 1960, 80 саҳ.

Ислом тасаввуфи манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Т., «O’qituvchi», 2005, 400 саҳ.

Гётё Йоҳан Вольфганг. Ғарбу Шарқ девони.Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2010, 164 саҳ.

Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Т., “Фан”, 2008, 160 саҳ.

Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Т., “Ёзувчи”, 1996, 272 саҳ.

Мунис Шермуҳаммад. Танланган асарлар. Т., 1957.

Назаров Б. Ўрганилаётган мамлакат адабиёти поэтикаси (Эрон). Т., ТДШИ, 2009, 146 саҳ.

Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 416 саҳ.

Султон Иззат. Адабиёт назарияси. Т., “Ўқитувчи”,1980.

Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси. Т., ТДШИ, 2011.

Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. Т., “Истиқлол”, 1999, 180 саҳ.

Холмўминов Жаъфар, Хазратқулов Жалил. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни. Т., “Yangi nashr”, 2012, 240 саҳ.

Холмўминов Жаъфар, Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008, 236 саҳ.

Шарқ мумтоз поэтикаси. 1-китоб. Манба ва талқинлар. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006, 430 саҳ.

Шиммел Аннемарие. Жонон менинг жонимда. Т., “Шарқ” НМКБТ, 1999, 174 саҳ.

Шаръий Жўзжоний Абдулҳаким. Бобо Тоҳир ва унинг ирфоний тароналари. // Тасаввуф ва инсон. Т., “Адолат”,2001, с. 157-162.

Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти тарихидан қисқача курс. Т., “Университет”,1992, 104 саҳ.

Шомуҳамедов Ш. Мумтоз форс адабиёти (X-XV асрлар) .Т., 2011, 256 саҳ.

Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. Т., Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963, 200 саҳ.

Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққиёти. Т., “Фан”, 1968, 432 саҳ.

Шомуҳамедов Ш. Маликушшуаро Баҳор. Т., “Фан”, 1967, 116 саҳ.

Шомуҳамедов Ш. Хазиналар жилоси. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 400 саҳ.

Ҳомидий Ҳамиджон. Кўҳна Шарқ дарғалари. Т., “Шарқ” НМКБТ, 1999, 352 саҳ.

Рус тилида:

Агаев С.Л. Иран: рождение республики. М., Изд. Полит.лит., 1984, 336 стр.

Акимушкина Е.О.. Жанр хабсиййат в персоязычной поэзии XI- XIV веков: генезис и эволюция. М.: Наталис, 2006, 176 стр.

Алексеева И.Ю. Образ возлюбленной в персидской лирической поэзии XVIII века. // Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., "Наука" ГРВЛ, 1989, с. 131-138.

Алиев Г.Ю. Персоязичная литература Индии. М.: Наука, ГРВЛ, 1968, 248 стр.

Алиев Г.Ю. Легенда о Хосрове и Ширин в литературах народов Востока. М., ИВЛ, 1960, 170 стр.

Ардашникова А.Н., Рейснер М.Л. История литературы Ирана в Средние века (IX-XVII вв.): Моск. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова. Ин-т стран Азии и Африки. - Москва: Ключ-С, 2010.- 504с.

Аристотель.Поэтика (Об искусстве поэзии). М., 1957, 184 стр.

Ауэрбах Эрих. Мимесис. Изображение дейтвительности в западно-европейской литературе. М., "Прогресс", 1976, 560 стр.

Байбурди Ч. Жизнь и творчество Низари. М.: Наука, ГРВЛ, 1966. 494

Бертельс А.Е. Художественнний образ в искусстве Ирана IX—XV вв. (Слово, изображение). М.: «Восточная литература» РАН, 1997.

Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том I. История персидско-таджикской литературы. М., ИВЛ, 1960, 556 стр.

Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., «Наука», ГРВЛ, 1965, 524 стр.

Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. М., «Наука», ГРВЛ, 1988, 560 стр.

Бертельс Е.Э. Пятое муназаре Асади Тусского // Ученые записки Института востоковедения АН СССР. т. X I X , 1958, стр. 55-88.

Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верования и обычаи. М., «Наука» ГРВЛ, 1988, 304 стр.

Болдырев А. Н. Зайнаддин Васифи.Таджикский писатель XVI в. (Опыт творческой биографии). Душанбе, «Адиб», 1989, 464 стр.

Болдырев А. Н. с VIII по начало XIX в. // Краткая история литератур Ирана, Афганистана и Турции. Курс лекций. Л., 1971.

Брагинский В.И. Проблемы типологии средневековых литератур Востока. М.: "Наука", ГРВЛ, 1991, 388 стр.

Брагинский И., Комиссаров Д. Персидская литература. М., Изд. Вост. Лит., 1963, 214 стр.

Брагинский И.С. Из истории персидской и таджикской литератур. М.: Наука, ГРВЛ, 1972, 524 стр.

Бируни. Избранные произведения. Т. 2. Индия. Т., Изд. АН УзССР, 1963, 728 стр.

Ватват Рашид ад-Дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии (Хада'ик ас-сихр фи дака'ик аш-ши'р) Пер. с перс, исследи коммент. Н. Ю. Чалисовой. М.: Наука, ГРВЛ, 1985, 324 стр.

Ворожейкина З.Н. Исфаханская школа поэтов и литератур-ная жизнь Ирана в предмонгольское время (XII — начало ХШ в.). М.: Наука, ГРВЛ, 1984.

Ворожейкина З. Н. Литературная служба при средневековых иранских дворах. // Очерки истории культуры средневекового Ирана. М.: Наука, ГРВЛ, 1984.

Вохидов С. Жизнь и творческое наследие Мухаммада Ауфи. Душанбе, “Дониш”, 1989, 168 стр.

Голосовкер Я.Э. Логика мифа. М., «Наука», 1987, 224 стр.

Дорри Дж. Персидская сатирическая проза. М.: Наука, ГРВЛ, 1977, 216 стр.

Дорри Дж. Персидская сатирическая поэзия. М.: Наука, ГРВЛ, 1965, 236 стр.

Жан-Поль. Приготовительная школа эстетики. М., «Искусство», 1981, 448стр.

Ибн Сино и средневековая философия. Душанбе, “Дониш”, 1981, 168 стр.

Изведать дороги и пути праведных.(Пехлевийские назидательные тексты). М., «Наука», ГКВЛ, 1991.

Из истории суфизма: источники и социальная практика. Т., “Фан”,1991, 148 стр.

Имомназаров М. Роль и место тасаввуф в развитии нашей национальной духовности // Востоковедение (Научный журнал ТГИВ), Т., 2010, №1-2. С. 52-65.

Имомназаров М. О принципах периодизации классической восточной литературы // Шарқ халқлари адабиётини даврлаштириш масалалари (Илмий тўплам) Т., ТДШИ, 2013, с.35-38.

Имомназаров М. Методологические основы периодизации классической литературы исламского региона // Шарқ фалсафаси қадриятлари ва уларнинг Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўрни (Илмий мақолалар тўплами) Т., ТДШИ, 2010, с.33-49.

Исматов Б. Пантеистическая философская традиция в персидско-таджикской поэзии IX—XV вв. Душ., “Дониш”, 1986, 106 стр.

Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения. М., «Наука», 1986, 336 стр.

История всемирной литературы (В 9-тт.). Том 2. М., «Наука», 1984. История всемирной литературы (В 9-тт.). Т. 3. М., «Наука», 1985.

Кашифи Камалиддин Хусайн Ваиз. Бадаи’ ал-афкар фи санаи’ ал аш’ар. Предисл., примеч. и указ. Р. Мусульманкулова. М., 1977.

Кларк Питер. Зороастризм. Т., Изд. “Musiqa”, 2010, 256 стр

Конрад Н.И. Запад и Восток. М., «Наука», ГРВЛ, 1972, 496 стр.

Коран. Пер и коммент. И.Ю. Крачковского. Изд. 2-е. М., 1986.

Крымский А. Е. История Персии, ее литературы и дервишеской теософии. Т. 1–3. М., 1912—1917.

Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика (вторая половина VIII–XI век). М.: Наука, ГРВЛ, 1983, 264 стр.

Кязимов М.Д. Нормативность и творческая индивидуальность в “Хамсе” персоязычных поэтов XIV-XVIII вв. Баку, Автореф-т докт. дис. 1990, 48 стр.

Липгарт А.А. Методы лингвопоэтического исследования. М., 1997;

Липгарт А.А.Основы лингвопоэтики. М., 2006;

Лирика Востока. М., “Правда”, 1983, 480 стр.

Лихачёв Д. С. Развитие русской литературы X—XVIII веков. Эпохи и стили. Л., «Наука», 1973, 256 стр.

Лихачёв Д. С. Поэтика древнерусской литературы. Л., «Наука», 1967, 372 стр.

Луконин В.Г. Древний и средневековый Иран. Москва, «Наука», ГРВЛ, 1987, 296 стр.

Литература Востока в Средние века.Часть II. М., Изд. МГУ, 1970, 464 стр.

Лосев А.Ф. Эстетика Возрождения. М., “Мысль”, 1978, 624 стр..

Лосев А.Ф. Философия. Мифология. Культура. М., 1991.

Литература Востока в Средние века.Часть II. М., Изд. МГУ, 1970, с.28-40.

Маннонов А. Рошанийская литература (Источники и проблемы реконструкции). Т., «Фан», 2006.

Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. М.: «Наука», ГРВЛ, 1966, 460стр.

Мирзоев А. М. Камал ад-Дин Бинаи. М.: Наука, ГРВЛ, 1976, 480 стр.

Мирзоев А.М. Сайидо Насафи и его место в истории таджикской литературы. Сталинабад: Таджикгосиздат, 1954.

Мифы народов мира(в двух томах). Энциклопедия. М., 1991-1992.

Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XУ вв. М.: Наука, ГРВЛ, 1989.

Насриддинзода Б. Урфи Ширази и его лирика. Автореф-т канд. дисс. Душ., 1976, 60 стр.

Нуцубидзе Ш.И.. Восточный Ренессанс и критика европоцентризма. М., 1941;

Нуцубидзе Ш.И. Тайна Псевдо-Дионисия Ареопагита. Тбилиси, 1942.

Нуцубидзе Ш.И. Руставели и Восточный Ренессанс. Тбилиси, 1967.

Османов М.-Н.О. Стиль персидско-таджикской поэзии (IX-X вв.). М., «Наука» ГРВЛ, 1974, 268+296 стр.

Пригарина, Н. И. «Восемь раев» Амира Хосрова Дехлеви (к вопросу о композиции поэмы). // Литературы Индии. М., 1979

Пригарина, Н. И. Индийский стиль и его место в персидской литературе: (вопросы поэтики). М.: Восточная литература РАН, 1999, 328 стр.

Рейснер, М.Л. Персидская лироэпическая поэзия X— начала XIII века. Генезис и эволюция классической касыды. М.: Наталис, 2006, 424 стр.

Рейснер М.Л., Чалисева Н.Ю. Персидская классическая лирика: к проблеме генезиса. // Лирика: генезис и эволюция. М.: РГГУ, 2007.

Рейснер М.Л. Эволюция классической газели на фарси (X-XIV века). М., «Наука» ГРВЛ, 1989, 224 стр.

Рейснер М.Л. Литература Ближнего и Среднего Востока в Средние века. Казань, 2003, 24стр.

Рейснер М.Л. Истолкование доисламских календарных праздников в персидской классической лирике X-XIIвв. (на примере ноуруза). // Фольклор и мифология Востока в сравнительно-типологическом освещении. М., 1999, с. 259.

Ризаев, 3. Г. Индийский стиль в поэзии на фарси конца XVI—XVII вв. Ташкент, 1971.

Рипка, Я. История персидской и таджикской литературы. М.: Прогресс, 1970.

Серебряков С.Б. Трактат Ибн Сины (Авицнны) о любви. Тбилиси, «Мецниереба», 1976, 177+27 стр.

Саломатшоева Л.З. Философская лирика Хасана Дехлеви. Душанбе, “Донеш”, 1986, 124 саҳ.

Средневековая персидская проза. М., «Правда», 1986, 480 стр.

Стеблин-Каменский М.И. Миф. Л., «Наука», 1976, 104 стр.

Суфизм в контексте мусульманской культуры. М., «Наука» ГРВЛ, 1989, 342 стр.

Тайлор Э.Б. Первобытная культура. М., 1989, 576 стр.

Трамингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. М., «Наука» ГРВЛ, 1989, 328 стр.

Теория литературы. В двух томах. Под редакцией Н.В. Тамарченко. Том 1. Тамарченко Н.Д., Тюпа В.И., Бройтман С.Н.. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. М., «ACADEMIA», 2004, 512 стр.

Теория литературы. В двух томах. Под редакцией Н.В. Тамарченко. Том 2. Бройтман С.Н.. Историческая поэтика. М., «ACADEMIA», 2004.

Уотт Монтгомери. Влияние ислама на средневековую Европу. Москва-Санкт-Петербург, “Диля”, 2008, 192стр.

ал-Фахури Ханна. История арабской литературы. Том 2. М., Изд. иностр. лит., 1961, 484 стр.

Ал-Фараби. Логические трактаты. Алма-Ата, «Наука», 1975, 672 стр.

Фрезер Ж.Ж. Золотая ветвь, М., 2006, 784 стр.

Фильштинский И.М. История арабской литературы V- начало X века. М., ГРВЛ, 1985, 528 стр.

Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. М., «Наука» ГРВЛ, 1978, 608 стр.

Чалисева Н.Ю. Персидская классическая поэтика о конвенциях описания феноменов красоты. Трактат «Собесеник влюбленных» Шарафиддина Рами. // Памятники литературной мысли Востока. М., 2004;

Чалисева Н.Ю. Рашид ад-дин Ватват и его трактат «Сады волшебства в тонкостях поэзии» // Ватват Рашид ад-дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии. М., «Наука» ГРВЛ, 1985, с. 9-82.

Чалисова Н.Ю. Классическая персидская литература. // Изучение литератур Востока. Россия, XX век. М.: «Восточная литература» РАН, 2002, 107-133 стр.

Чалоян В.К. Армянский Ренессанс. М., 1963, 176 стр.

Хализев В.Е. Теория литературы. М., «Высшая школа», 1999, 374 стр.

Шукуров Ш. Искусство средневекового Ирана (формирование принципов изобразительности). М.: Наука, ГРВЛ, 1989.

Жаҳон тилларида:

Айни Садриддин. Восифи ва хулосаи Бадоеъ-ул-вақоеъ. Душанбе, “Ирфон”, 1985, 336 саҳ.

Баҳор ва адаби форсий. Теҳрон, 1371 ҳ.ш. (1992 м.) ??? саҳ.

Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е наср-е фарси (форс тилида). 1-3 жилдлар. Теҳрон, 1942-1949.

Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е шеър-е фарси (форс тилида – Бахтиёрий нашри). Теҳрон, 1962.

Баҳор М. Т. Сабкшенаси йа тарих-е татаввор-е шеър-е фарси (форс тилида - Тақи Бинеш нашри). Теҳрон, 1956.

Бертельс Е.Э. Низомий, шоири бузурги Озарбойжон. Теҳрон, 2535, 176 саҳ.

Бойбурди Чингиз Ғуломали. Зиндаги ва осори Низорий. Теҳрон, 1370 ҳ. ш. (1991 м.), 290 саҳ.

Зарринкуб Абдулҳусайн. Аз гузаштайи адабийи Эрон. Мурури бар насри форси, сайри дар шеъри форси бо назари бар адабиёти муосир. Теҳрон, 1375 ҳ. ш. (1996 м.), 588 саҳ.

Зарринкуб Абдулҳусайн. Нақди адабий. 2 жилд. Теҳрон, 922 саҳ.

Зарринкуб Абдулҳусайн. Сайри дар шеъри форсий. Теҳрон, 1371 ҳ.ш. (1992 м.), (Чопи севвум), 600 саҳ.

Заршенос Зуҳра. Мероси адабийи ривойи дар Эрони бостон. Теҳрон, 1384 ҳ.ш., (2005 м.), 120 саҳ.

Кермоний Аҳмад Нозирзода. Таҳлили девон ва шарҳи ҳоли Эмодиддин Фақиҳ Кермоний. 1374 ҳ.ш. (1995 м.), 342 саҳ.

Кешоварз Карим. Ҳазор сол насри порси. Китоби чаҳорум. Теҳрон, 1345 ҳ. ш. (1966 м.), 919-1206 саҳ.

Мажмуайи мақолаҳойи семинори баррасийи адабиёти инқилоби исломий. Теҳрон, 1373 ҳ. ш. (1994 м.), 658 саҳ.

Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тожик. Китоби I (I). Душанбе, “Маориф”, 1987, с.15-102.

Мусульманкулов Р. Асрори сухан. Душ., “Ирфон”, 1980, 152 саҳ.

Муҳаммадий Козим. Жадали тарихийи ақл ва ишқ. Теҳрон, 1369 ҳ.ш. (1989 м.) 224 саҳ.

Неъматов Н. Давлати Сомониён. Душанбе, “Ирфон”, 1989, 304 стр.

Озар Амир Исмоил. Адабиёти Эрон дар адабиёти жаҳон. Теҳрон, 1387 ҳ. ш. (2008 м.), 536 саҳ.

ар-Равандий Муҳаммад бин Али бин Сулаймон. Роҳат ас-судур ва ривоят ас-сурур дар тарихи Оли Салжуқ. Теҳрон, 1364 ҳ.ш., (1985 м.), 2-нашр, 592 саҳ.

Размжӯ Ҳусайн. Инсони ормоний ва комил дар адабиёти ҳамосий ва ирфонийи форсий. 1368 ҳ.ш. (1989 м.), 432 саҳ.

Сажжодий Саййид Жаъфар. Нақди татбиқийи адабиёти Эрон ва араб. Теҳрон, 1369 ҳ.ш., (1990 м.), 414 саҳ.

Сафо Забиҳулло. Ганжинайи сухан. Порсинависони бузург ва мунтаҳаби осори онон.((Аз Носири Хусрав то Жувайний). Теҳрон, 1370 ҳ. ш. (1991 м.), 250 саҳ.

Сафо Забиҳулло. Тарихи адабиёт дар Эрон ва дар қаламрави забони порси. Теҳрон, 1371 ҳ.ш. (1992 м.) – 12-нашр. (Сӯзбоши 1953 йилда ёзилган.) 1-жилд. - 720 саҳ. 2-жилд. – 1128 саҳ 3-жилд. – 1461 саҳ (2 китоб), 4-жилд. – 634 саҳ 5-жилд. – 2012 саҳ (3 китоб).

Сафо Забиҳулло. Ҳамосасаройи дар Эрон. Теҳрон, 1369 ҳ.ш. (1989 м.).

Суламий Абдурраҳмон. Маломатиён ва суфиён ва жавонмардон. Кобул, 1344.

Фирузонфарр Бадиъуззамон. Сухан ва суханварон. Теҳрон, 1934.

Шафиъий Кадканий Муҳаммад Ризо. Сувари хиёл дар шеъри форсий. Теҳрон, 1370 ҳ. ш. (1991 м.), 732 саҳ.

Шиблий Нӯъмоний. Шеър ул-ажам ё таърихи шуаро ва адабиёти Эрон. Жилди 2. Теҳрон, 1327.

Энциклопедияи адабиёт ва санъати тожик. Жилди 1. Душ., 1988, 544 саҳ.

Юсуфий Ғуломҳусайн. Дийдори бо аҳли қалам (Дар борайи бист китоби насри форсий). Дар дў жилд. 1370 ҳ.ш. (1991 м.), 442+538 саҳ.

Юсуфий Ғуломҳусайн. Чашмайи равшан. (Дийдори бо шоирон). Теҳрон, 1371 ҳ.ш. (1992 м.) 864 саҳ.

Ҳумоюнфаррух Рукниддин. Тарихи ҳаштҳазор соли шеъри Эроний.Теҳрон, 1370 ҳ.ш., (1991м.), 560 саҳ.

МУНДАРИЖА

Сўз боши..... 3
Муқаддима..... 5
1-боб. **Исломгача эроний тиллардаги адабиёт ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....** 8
Биринчи дарс.
1. Адабиёт тарихи ва маънавий камолот..... 8
2. Исломгача Эрон ва Турон халқлари яратган адабий меросни даврлаштириш масалалари..... 10
3. Ибтидоий жамоа даври асотирлари..... 12
4. «Авесто» китоби ва «Мазда ясна» эътиқоди..... 15
Иккинчи дарс.
5. Буюк салтанатлар даври адабиёти..... 26
6. Асотир тафаккур нима?..... 28

2-боб. **Форс мумтоз шеърияти ривожининг биринчи босқичи. "*Дунёвий адабиёт*" масаласи**..... 33
Учинчи дарс.
7. Инсоният тарихи - адабиёт тарихи кўзгусида..... 33
8. Мусулмон минтақа маданияти доирасида маънавий такомил жараёни ва бадиий адабиёт ривожи..... 34
9.Форс тилидаги мумтоз шеъриятнинг шаклланиши ва илк ривожи. Рудакий ва Мовароуннаҳр шеърият мактаби..... 39
Тўртинчи дарс.
10. XI аср форс тилидаги сарой шеърияти..... 46
11. Шўубия ҳаракати ва Унсурий ижодининг ижтимоий аҳамияти..... 48
12. Фаррухий ва Манучеҳрий..... 53
Бешинчи дарс.
13.VIII-XI асрлар форс тилидаги адабиётда "*дунёвийлик*" тамойили 59
14. Дунёвий шеъриятда мажоз..... 62
15. Ботиния ва тасаввуф. Носир Хусрав ва Абдуллоҳ Ансорий..... 68

3-боб. **Фирдавсий ва унинг "Шоҳнома" асари**..... 74
Олтинчи дарс.
16. Шоир таржимаи ҳоли ва "Шоҳнома"нинг яратилиши. Асар муқаддимаси..... 74
17. Афсонавий қисм..... 76
Еттинчи дарс.
18. Қаҳрамонлик эпоси. *Зол ва Рудоба достони*..... 82
19.Кайковус подшоҳлиги..... 84
20. *Рустам ва Суҳроб*..... 85

Саккизинчи дарс.
21. *Сиёвуш достони*..... 91
22. Бежан ва Манижа..... 96
23. Рустам ва Исфандиёр..... 97
Тўққиз*инчи дарс*.
24. Тарихий бўлим..... 100
25. Фирдавсий ва шуубия. "*Юсуф ва Зулайҳо*". Шоирнинг буюклиги сири..... 102
26. Фирдавсий издошлари. Асадий ва Гургоний..... 105

4-боб. **Форс мумтоз шеърияти ривожининг иккинчи босқичи. Ирфоний-тасаввуфий адабиётнинг юксалиши.....** 109
Ўнинчи дарс.
27. Умар Хайём ва Ғаззолий..... 109
28. Масъуд Саъд Салмон ва Амир Муиззий..... 119
Ўнбиринчи дарс.
29. Ирфоний адабиёт ва унинг моҳияти. Шеъриятга янгича ёндошув..... 124
30. Саноий ва ирфоний эпик шеърият ибтидоси..... 128
Ўниккинчи дарс.
31. Анварий ва Хоқоний..... 145
32. Низомий Ганжавий. "*Хамса*"нинг яратилиши ва моҳияти..... 156
Ўнучинчи дарс
33. Фаридидин Аттор ва унинг «*Мантиқ ут-тайр*» достони..... 162
34. Жалолиддин Румий. «*Дилдаги нур...*». «*Маснавийи маънавий*»нинг бош ғояси ҳақида..... 173
Ўнтўртинчи дарс.
35. Саъдий Шерозий ва форс мумтоз адабиётида ғазал жанрининг такомили..... 187

5-боб. **Форс мумтоз шеърияти ривожининг учинчи босқичи. "*Мажоз тариқи*" адабиёти**..... 207
Ўнбешинчи дарс.
36. "*Ҳақиқат*" ва "*мажоз*"..... 207
37. Амир Хусрав Деҳлавий..... 213
Ўнолтинчи дарс.
38. Хожу Кирмоний ва Убайд Зоконий..... 223
39. Ҳофиз ғазаллари ва Фоний татаббулари..... 227
40. Абдурраҳмон Жомий..... 252

6-*боб.* Форс тилидаги насрий адабиётнинг шаклланиши..... 263
Ўнеттинчи дарс.

41. Бадиий асар ва таржималар..... 263
42. Тарихнавислик..... 267
Хулоса 273
Глоссарий..... 283
Иловалар..... 293
Библиография 301

ФОРС АДАБИЁТИ

(X-XV асрлар)

Ушбу китоб Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(Баённома №3, 29.10.2019 йил).

Нашрга рухсат берилган 01.11.2019.
Формат 60x84 $^{1}/_{16}$ Шартли б.т. 32,5 Тираж 200. Заказ №

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2019